ISSN 2091-5659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 26

2026 йил 29 июнь - 4 июль

Расмий нашр

Официальное издание

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ

644. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 1 июлдаги ЎРҚ-1156-сон Қонуни

ИККИНЧИ БЎЛИМ

645. «Балиқчилик тармоғини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 июлдаги ПФ-122-сон Фармони

646. «Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ вакиллари ва жамоатчилик учун қўшимча имкониятларни яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 29 июндаги ПҚ-243-сон қарори

647. «Пахта-тўқимачилик соҳасида молиявий барқарорликни ошириш ҳамда толани чуқур қайта ишлашни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 29 июндаги ПҚ-246-сон қарори

648. «Чарм-пойабзал саноатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 июлдаги ПҚ-250-сон қарори

УЧИНЧИ БЎЛИМ

649. «Техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 341-сон қарори

650. «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 342-сон қарори

651. «Ҳайвонот дунёси йўқотишларининг ўрнини қоплаш ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёввойи ҳайвонларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 343-сон қарори

652. «Пайариқ давлат ўрмон хўжалиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўрмон фонди ерларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 344-сон қарори

653. «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказишни такомиллаштириш ва давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 349-сон қарори

654. «Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурларига ўқишга қабул қилишга оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 350-сон қарори

655. «Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини электрон шаклда сақлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 352-сон қарори

656. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 353-сон қарори

657. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ёқилғи-энергетика тармоғида назорат механизмларини такомиллаштириш ва электр энергиясини етказиб беришдаги йўқотишларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 355-сон қарори

658. «Бозорлар ва савдо комплексларида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда маиший коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 2 июлдаги 358-сон қарори

659. «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 2 июлдаги 359-сон қарори

660. «Сув фонди ерларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали реализация қилиш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 2 июлдаги 362-сон қарори

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

661. “Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 29-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3336-4-son)*

662. “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380-3-сон)*

663. “O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 29-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3871-son)*

664. “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3872-сон)*

665. “Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3873-сон)*

666. “Мақсадли ипотека омонатини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3874-сон)*

667. “Sport turlari bo‘yicha yagona sport tasnifi to‘g‘risidagi nizomning 3-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi sport vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2921-8-son)*

668. “Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ва ундан чиқариш ҳамда реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2923-6-сон)*

669. “Oliy ta’limning davlat ta’lim standarti. Oliy ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklari klassifikatorining ilovasiga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3781-1-son)*

670. “Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3875-son)*

671. “Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi direktorining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3876-son)*

672. “Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3877-son)*

673. “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish xarajatlarini Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Milliy gvardiyasi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Yoshlar ishlari agentligining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 30-iyun ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3878-son)*

674. “Ипак қурти уруғига сифат сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги директорининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3879-сон)*

675. “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi raisining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 1-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3880-son)*

676. “Меҳнат муносабатларида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3881-сон)*

677. “Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация талабларига риоя қилиниши ҳамда ахборот ва ноширлик фаолияти устидан назоратни амалга оширишда «Хавфни таҳлил қилиш» электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3882-сон)*

678. “Qurilish obyektlarida, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi boshlig‘ining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 1-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3883-son)*

679. “Birinchi guruhga shakar yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 49-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2485-2-son)*

680. “Birinchi guruhga muzlatilgan go‘sht yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 33-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2488-2-son)*

681. “Birinchi guruhga go‘sht, sut va baliq konservalarini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 30-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2489-2-son)*

682. “Birinchi guruhga sariyog‘ yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 43-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2492-2-son)*

683. “Birinchi guruhga qattiq xo‘jalik sovunini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 22-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2493-2-son)*

684. “Birinchi guruhga butilkalarga quyilgan ichimlik suvini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 34-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2642-1-son)*

685. ““Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo‘yicha o‘qitish va buxgalterlarni xalqaro sertifikatlash doirasida imtihonlarni topshirish xarajatlari qoplab beriladigan buxgalteriya hisobi sohasidagi xalqaro tashkilotlar va xalqaro buxgalter sertifikatlari ro‘yxatini tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3325-1-son)*

686. “Davlat arxitektura nazoratini amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3884-son)*

687. “Auditorlik tashkiloti ishi sifatini tashqi nazoratdan o‘tkazishda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3885-son)*

688. “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш қийматини аниқлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3886-сон)*

689. “Ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida o‘qitish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 3-iyul ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3887-son)*

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

QMMB: 03/26/1156/0670-son
02.07.2026-y.

26 (1254)-son
644-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 27 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2026 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бола ҳуқуқларининг ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларида болага тааллуқли ҳар қандай масала ҳал этилаётганда боланинг энг устун манфаатлари ҳисобга олинишини белгилаш, зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш асосларини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига боланинг энг устун манфаатлари тушунчасини ҳамда улар болага тааллуқли ҳар қандай масала ҳал этилаётганда ҳисобга олинишини белгиловчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ва унинг тизимидаги ташкилотларга тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳамда уларнинг вояга етмаган болаларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этиш ҳамда суд мажлисларида қатнашиш ваколатлари берилишини, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилганлиги уларга бир ойгача бўлган муддатга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш учун асос бўлишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

QMMB: 03/26/1156/0670-son
02.07.2026-y.

Ушбу Қонун боланинг энг устун манфаатларини тўлақонли таъминлашга, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг болалари ижтимоий ҳимоя қилинишини янада кучайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда; 2025 йил, № 4, 515-модда, № 10, 1153-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **65-модданинг биринчи қисмидаги** «бола манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **68-модда матнининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини эркин ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир»;

3) **75-модданинг**:

биринчи қисмидаги «Болалар манфаатларини» деган сўзлар «Болаларнинг энг устун манфаатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «болалар манфаатидан» деган сўзлар «болаларнинг энг устун манфаатларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «болалар манфаатларидан келиб чиқиб» деган сўзлар «болаларнинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **76-модданинг тўртинчи қисмидаги** «боланинг манфаатларини» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **77-модданинг учинчи қисмидаги** «боланинг манфаатларини» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **78-модданинг биринчи қисмидаги** «унинг манфаатларига» деган сўзлар «унинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **82-модданинг тўртинчи қисмидаги** «бола манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

QMMB: 03/26/1156/0670-son
02.07.2026-y.

8) **83-модданинг биринчи қисмидаги** «боланинг манфаатларини» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **86-модданинг иккинчи қисмидаги** «унинг манфаатларига» деган сўзлар «унинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **89-модданинг тўртинчи қисмидаги** «боланинг манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **151-модданинг**:

биринчи қисмидаги «уларнинг манфаатларини» деган сўзлар «уларнинг энг устун манфаатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «бола манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «болаларнинг манфаатларига» деган сўзлар «болаларнинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **165-модданинг тўртинчи қисмидаги** «боланинг манфаатлари» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **169-модданинг учинчи қисмидаги** «боланинг манфаатларидан» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **172-модданинг учинчи қисмидаги** «унинг манфаатларига» деган сўзлар «унинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **197-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини эркин ифода этишга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 265-модда; 2024 йил, № 9, 958-модда; 2025 йил, № 2, 198-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**боланинг энг устун манфаатлари** – боланинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қонунларида, халқаро шартномаларида назарда тутилган, унинг оила ғамхўрлигида ўсиб-улғайишга, фаровон яшашга, хавфсизликка, соғлиғини сақлашга, билим олишга, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишга, шахсий дахлсизликка, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларидан, шунингдек ижтимоий, ахлоқий манфаатларидан ҳамда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бола иштирокида ва унинг фикри инобатга олинган ҳолда белгиланадиган ҳамда ҳимоя қилинадиган манфаатлари»;

QMMB: 03/26/1156/0670-son
02.07.2026-y.

учинчи – ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **13-модданинг биринчи қисмидаги** «унинг манфаатларига» деган сўзлар «унинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **15-модда матнининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болага таъсир кўрсатадиган ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини эркин ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган **«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–364-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) **20-моддасининг иккинчи қисмидаги** «боланинг манфаатлари» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 827-модда, № 9, 964, 969-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1280, 1286-моддалар; 2025 йил, № 1, 8-модда, № 3, 373-модда, № 6, 729-модда, № 9, 1042-модда, № 10, 1153-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **301-модда**:

биринчи қисмидаги «боланинг манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «боланинг манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «боланинг манфаатларига» деган сўзлар «боланинг энг устун манфаатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **303-модданинг учинчи қисмидаги** «унинг манфаатларини» деган сўзлар «унинг энг устун манфаатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

QMMB: 03/26/1156/0670-son
02.07.2026-y.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда; 2024 йил, № 10, 1076-модда; 2025 йил, № 12, 1329-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6^1-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга давлат божи тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этади, суд мажлисларида ўзининг ваколатли вакили орқали иштирок этади»;

2) **28-модда**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи (лавозими) сақлаб қолинади. Бунда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказга жойлаштирилганлиги унга ушбу марказда бўлган даври, бироқ бир ойдан ортиқ бўлмаган муддат учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериш учун асос бўлади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус марказлар ушбу марказларга жойлаштирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳамда уларнинг вояга етмаган болаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга давлат божи тўламасдан ариза, шикоят ва даъволар тақдим этади, суд мажлисларида ўзининг ваколатли вакили орқали иштирок этади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар, № 4, 520-модда, № 5, 648-модда, № 7, 828-модда, № 8, 968, 971-моддалар, № 10, 1153-модда, № 11, 1237-модда, № 12, 1322, 1328-моддалар) **8-моддаси биринчи қисми 45-бандининг биринчи хатбошиси** «унинг ҳудудий бўлинмалари» деган сўзлардан кейин «шунингдек Агентлик тизимидаги ташкилотлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

QMMB: 03/26/1156/0670-son
02.07.2026-y.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2026 йил 1 июль
№ ЎРҚ–1156

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

26 (1254)-сон
645-модда

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil «_2_» __июль__ _ПФ–122_-son

Балиқчилик тармоғини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сув ресурслари чекланган шароитда балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш, ягона бошқарув тизимини жорий этиш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, интенсив технологияларни кенг татбиқ этиш орқали балиқ етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар мазкур Фармоннинг асосий **мақсадлари** этиб белгилансин:

(а) балиқчилик тармоғида **ягона давлат бошқаруви** тизимини жорий қилиш;

(б) 2026–2027 йилларда ҳудудлардаги мавжуд сунъий сув ҳавзаларини **интенсив усулда** балиқ етиштиришга ихтисослаштириш орқали балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини **500 минг тоннага** етказиш;

(в) 2027 йилдан бошлаб республиканинг тоғолди ҳудудларида **совуқ сув** балиқчилигини ривожлантириб, балиқ етиштириш қувватларини йилига **20 минг тоннага** етказиш;

(г) балиқчилик тармоғини ривожлантиришда сув объектларини **шаффоф ижарага** бериш механизмларини кенг жорий этиш;

(д) балиқчилик тармоғида **ишлаб чиқариш, ҳисоб-китоб ва мониторинг** жараёнларини тўлиқ **рақамлаштириш** орқали бошқарув тизимини ҳамда тармоқ шаффофлигини таъминлаш;

(ж) 2026–2027 йилларни республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва балиқ етиштириш ҳажмини кескин ошириш, балиқчилик субъектларини давлат томонидан тизимли **қўллаб-қувватлашнинг устувор даври** деб белгилаш;

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

(з) ҳар йили балиқчилик ва аквакультура йўналишида қўшимча **100 нафар** кадр тайёрлаш ҳамда **халқаро ташкилотлар** билан самарали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.

II. Балиқчилик тармоғида давлат бошқарувини такомиллаштириш

2. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида **Балиқчиликни ривожлантириш маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Балиқчиликни ривожлантириш марказининг **асосий вазифалари** ва **фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилган сув фонди ерларида балиқ етиштириш учун республикадаги барча сув омборлари, коллектор-дренаж тармоқлари ва табиий сув объектларини **Марказга бепул ижарага берсин**.

5. Қуйидагилар:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2027 йилларда балиқ етиштиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** ва бириктирилган масъуллар рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

(б) Балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича **“йўл харитаси” 3-иловага** мувофиқ;

(в) Балиқчиликни ривожлантириш марказининг ташкилий тузилмаси **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

III. Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ташкилий чоралар

6. Сув хўжалиги вазирлигига интенсив усулда балиқ етиштирувчилар ва наслчиликка ихтисослашган **балиқчилик хўжаликларини доимий**, шу жумладан, куз-қиш даврида сув билан таъминлаш вазифаси юклансин.

7. Белгилансинки, сунъий сув ҳавзаларида **балиқ етиштирувчилар** ва **наслчиликка ихтисослашган** балиқчилик хўжаликлари кафолатланган сув билан таъминлаб борилади. Бунда кафолатланган сув билан таъминлаш **қуйидаги тартибда** амалга оширилади:

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

(а) Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари **ҳар йили 15 январга қадар сунъий сув ҳавзаларида** балиқ етиштирувчилар ва наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларни (сув ҳавзаси майдони, манзили ва бошқалар) Марказга киритиб боради;

(б) Марказ **ҳар йили 30 январга** қадар балиқ етиштирувчилар ва **наслчиликка ихтисослашган** балиқчилик хўжаликларининг **сувга бўлган** буюртманомалари асосида йил давомидаги сувга бўлган эҳтиёжи бўйича маълумотларни **ойлар ва субъектлар** кесимида шакллантирган ҳолда Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади;

(в) Сув хўжалиги вазирлиги ҳар йили **1 мартга қадар** шакллантирилган рўйхатга асосан **сув манбаларини кўрсатган ҳолда** сув олиш **лимитларининг** ойма-ой графигини тасдиқлайди. Бунда балиқчилик хўжаликлари зиммасига сув сарфини реал вақт режимида ўлчаш имконини берувчи қурилмаларни ўрнатиш ва уларни Сув хўжалиги вазирлигининг **ахборот тизими билан интеграция қилиш** вазифаси юклатилади.

8. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси негизида Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Балиқчиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2027 йил 1 январдан** бошлаб республикадаги сув омборлари, коллектор-дренаж тармоқлари ва табиий сув ҳавзалари **балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш** учун **очиқ электрон онлайн аукцион савдолар орқали** ижарага берилади. Бунда:

(а) **ижарадан тушган маблағларнинг** (аукцион ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегирилган ҳолда) **15 фоизи** тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетига ва қолган қисми **Жамғармага йўналтирилади**;

(б) аҳолини **ичимлик сув** билан таъминлайдиган сув ҳавзалари ҳамда **Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисидаги конвенция** (Рамсар конвенцияси) доирасида муҳофаза этиладиган объектларда **фақат анъанавий усулда** балиқ етиштиришга йўл қўйилади;

(в) мазкур Фармон қабул қилингунга қадар ижарага берилган сув объектлари олиб қўйилмаган ҳолда **қайта рўйхатга олиниши таъминланади**.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

10. Сув хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда **2027 йил 1 майга қадар**:

(а) балиқчилик хўжаликларида сув ресурсларидан фойдаланиш, балиқ етиштириш ҳажми, озуқа сарфи ва қўлланаётган технологиялар тўғрисидаги маълумотларни ягона тизимда юритиш ҳамда ижарага бериладиган сув объектлари ҳисобини юритиш бўйича **“e-baliq” электрон платформаси**ни жорий этсин;

(б) мазкур электрон платформани давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа ахборот тизимлари билан **интеграция қилиш чораларини кўрсин**.

11. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **2026 йил 1 августдан 2030 йил 1 августга қадар** балиқчилик хўжаликларига Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

(а) сунъий сув ҳавзаларида **интенсив усулда балиқ етиштирувчи** балиқчилик хўжаликлари томонидан **ўз хўжаликларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш** мақсадида:

(i) қуёш панелларини харид қилиш ва ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг **14 фоизлик** пунктидан юқори, бироқ **10 фоизлик** пунктидан ошмаган қисми;

(ii) 50 киловаттгача қувватга эга қуёш панелларини ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг **25 фоизи,** бироқ ҳар бир киловаттга **1 миллион сўмдан ошмаган миқдорда субсидия** сифатида қоплаб берилади;

(б) муқобил энергия манбалари қурилмалари билан жиҳозланган замонавий **аэраторлар** харид қилиш харажатларининг **50 фоизи**, бироқ **5 миллион сўмдан** кўп бўлмаган миқдорда **бир марталик субсидия** ажратилади. Бунда субсидия маблағлари интенсив усулда **гектаридан 10 тоннадан юқори ҳосил** олган тадбиркорлик субъектларга тақдим этилади;

(в) 1 дона наслли она балиқни импорт қилиш билан боғлиқ харажатнинг **50 фоизгача бўлган**, бироқ **5 миллион сўмдан ошмаган** қисмига субсидия ажратилади;

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

(г) **ёпиқ сув айланма тизими** технологиясини ўрнатиб, балиқчилик маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйганда ушбу технология умумий харажатининг **10 фоизи,** бироқ **5 миллиард сўмдан** кўп бўлмаган миқдорда бир марталик компенсация ажратилади;

(д) интенсив усулда балиқ етиштиришда қўлланадиган балансланган омухта **ем ишлаб чиқариш** бўйича **йиллик қуввати 20 минг тоннадан кам бўлмаган янги ишга тушириладиган лойиҳалар доирасида** техника ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларнинг **20 фоизи,** бироқ **2 миллиард сўмдан** кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади;

(ж) хориждан жалб қилинган малакали ихтиолог ва балиқ касалликлари **мутахассисларининг иш ҳақи** харажатларининг **50 фоизи**, бироқ бир нафар мутахассис учун бир ойда **1 000 АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган қисми қоплаб берилади.

12. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг балиқ маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, наслли балиқ етиштирувчи **тадбиркорлик субъектлари учун молиявий имкониятларни кенгайтириш** бўйича қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) **2026 йил 1 августдан 2030 йил 31 августга қадар** “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан балиқчилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига барқарорлик рейтингидаги тоифасидан қатъий назар:

(i) Марказий банк асосий ставкасининг (кейинги ўринларда – асосий ставка) икки баробаридан ошмаган миқдорда миллий валютада ажратиладиган кредитларнинг асосий ставкадан **4 фоиз** банддан юқори, бироқ **10 фоиз** бандгача бўлган қисмини қоплаб бериш;

(ii) хорижий валютада ажратиладиган кредитларнинг **8 фоиз банддан** юқори, бироқ **4 фоиз** бандгача бўлган қисмини қоплаб бериш;

(iii) миллий ва хорижий валютадаги кредитларнинг **50 фоизигача**, бироқ **10 миллиард сўм** эквивалентидан ошмаган қисмига кафиллик тақдим этиш;

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

(б) тижорат банклари томонидан **халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан** балиқчилик корхоналарини айланма маблағлар билан таъминлаш учун йиллик **18 фоиз** ставкада гаров таъминоти асосида **9 ойгача имтиёзли давр билан 24 ойгача муддатга** миллий валютада имтиёзли кредитлар ажратиш;

(в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 майдаги "Чорвачилик тармоғи ва яйлов хўжалигини замонавий бошқарув тизими ва янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги **ПҚ–179-сон қарорининг 9-банди "а" ва "в" кичик бандларида** назарда тутилган чорвачилик тармоғи учун имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш тартибини **балиқчилик лойиҳалари**, шу жумладан, наслли **балиқларни етиштириш лойиҳаларини** молиялаштиришга нисбатан ҳам татбиқ этиш.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Марказнинг ҳисоб-китобларига асосан мазкур Фармоннинг **11-бандида** назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини:

(i) жорий йилда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил II чораги якуни бўйича даромадлар прогнозининг орттириб бажариладиган қисмидан Аграр соҳада тўловлар агентлигига **100 миллиард сўмгача** маблағ ажратсин;

(ii) келгуси йилларда молиялаштириш учун талаб **этиладиган маблағлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини** таъминласин;

(б) мазкур Фармоннинг **12-банди "в" кичик бандида** назарда тутилган шартларда балиқчилик тармоғига ажратиладиган имтиёзли кредитларни молиялаштириш учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳисоб-китобларига асосан ҳамда заруратга кўра жорий йил якунига қадар қўшимча **1 триллион сўмгача** маблағ ажратсин. Бунда мазкур жамғарманинг келгуси йиллар балансини шакллантиришда зарур маблағлар инобатга олинсин.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

IV. Балиқчиликда наслчилик-селекция ишлари ва кадрлар тайёрлаш

14. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказ **балиқ етиштирувчи хўжаликлар ва аҳоли** вакиллари учун хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилган ҳолда **қисқа муддатли ўқув курсларини** ташкил этсин. Бунда:

(а) Марказ маҳаллий олий таълим ва илмий муассасалар ҳамда илғор балиқ етиштирувчиларни жалб қилган ҳолда **электрон онлайн платформани** ишга туширади;

(б) "Агробанк" АТБ Жамғарма маблағлари ҳисобидан балиқ етиштирувчи хўжаликлар ва аҳоли вакиллари учун "Сувчилар мактаби"да **ҳар чоракда малака ошириш** курсларини ташкил этади.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ва **Хитойнинг Далиян** университети билан ҳамкорликда 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб **балиқчилик ва аквакультура** бўйича қўшма факультетни ташкил этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

(а) йилига 50 нафаргача абитуриент талабаликка давлат гранти асосида қабул қилинади;

(б) таълим жараёнлари "2+1" шаклида ташкил этилади ва қабул квоталари ҳар йили ўрнатилган тартибда давлат буюртмаси қабул параметрлари доирасида тасдиқланади. Бунда **1 ва 2-курс талабаларининг** ўқиш харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қишлоқ хўжалиги таълим йўналишларига ажратилган қабул квоталари доирасидаги вакант ўринлар ҳисобидан молиялаштирилади.

V. Марказ фаолиятини ташкил этиш

16. Марказ бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **70 нафар**, шундан марказий аппарат учун **29 нафар** ва ҳудудий бўлинмалар учун **41 нафар** этиб белгиланади. Бунда мазкур штат бирликлари Сув хўжалиги вазирлигининг амалдаги бошқарув штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

17. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) Марказ Тошкент шаҳри Бектемир тумани Роҳат кўчаси 13-уй манзилида бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

(в) Марказга мазкур Фармонда назарда тутилган балиқчилик тармоғи ҳамда фаолияти йўналишларидан ташқари бошқа вазифа ва функцияларни юклаш тақиқланади.

18. Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги Марказ билан йиллик ҳажми камида **20 минг дона бўлган** қўшимча энергия тежаш ускунаси билан жиҳозланган замонавий аэраторлар ва **бир минг дона** автоматик озиқлантириш ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил қилсин.

19. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳудудларда **камида биттадан балиқ касалликларини тезкорлик** билан аниқлаш имконини берувчи **замонавий мобил лабораториялар** ташкил этсин.

20. Марказга ўзининг бюджетдан ташқари маблағларини Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва жорий харажатларга, таъмирлаш, реконструкция ва қурилиш ишларига, ходимларни моддий рағбатлантириш, малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий стажировкаларни ташкил этиш, чет давлатларда ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш, тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларга йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **икки ой муддатда** республикадаги мавжуд сув ҳавзалари Сув хўжалиги вазирлигига **доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини** таъминласин.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

22. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Марказ фаолиятини ташкил этиш учун талаб қилинадиган маблағларни 2026 йилда Давлат бюджетидан Сув хўжалиги вазирлиги учун ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштириш чораларини кўрсин. Бунда Марказ фаолиятини ташкил қилиш мақсадида автотранспорт, моддий-техника воситалари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун талаб этиладиган маблағлар ажратилиши инобатга олинсин.

23. Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** табиий кўллардан фойдаланиш бўйича тартибни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

26. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Бош вазир ўринбосари **Ж. Ходжаев**, сув хўжалиги вазири **Ш. Хамраев** – белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга;

(б) сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари **З. Ишпулатов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимларининг **қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари** – сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш учун шароит яратиш ва бу борада самарадорликни таъминлашга;

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

(в) қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари – Аграр соҳада тўловлар агентлиги директори **А. Қосимов** – субсидия маблағларини ажратиш масалалари билан боғлиқ белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишига;

(г) Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи **Р. Рахимов** – балиқ етиштирувчиларнинг сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши устидан назорат қилишга;

(д) Бош прокурор ўринбосари **Ш. Тўхтабоев** – Фармонда белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатишга.

28. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Т.Н. Бутунбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 02 июлдаги ПФ–122-сон Фармонига
1-илова

Балиқчиликни ривожлантириш марказининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари

1. Республикада балиқчилик тармоғини барқарор ривожлантириш, уни тартибга солиш ҳамда тармоққа оид ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

2. Балиқчилик учун табиий ва сунъий сув ҳавзаларини (сув омборлари, коллектор дренаж тармоқлари ва бошқа сув фонди ерлари) ижарага беришда барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибни жорий қилиш, мазкур жараёнларни назорат ва мониторинг қилиш.

3. Тармоқдаги муаммоларни илмий асосда ҳал этиш, амалий тадқиқотлар олиб бориш, таҳлил ва прогноз қилиш орқали балиқчиликни ривожлантиришнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш.

4. Балиқчилик тармоғида ягона илмий-техник, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, селекция, наслчилик ва сифатли чавоқлар етиштиришни кенгайтириш.

5. Балиқчилик тармоғини ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорлардаги нархлар мониторингини олиб бориш.

6. Сув омборлари, каналлар, коллекторлар, зовурлар ва мелиорация объектларида балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган инвестициявий ҳамда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириб бориш.

7. Тармоқда интенсив ва ярим интенсив замонавий аквакультура технологияларини жорий этиш, инновацион ечимлар ва бошқарув тизимларини тўлиқ рақамлаштириш.

8. Балиқлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва балиқчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш жараёнларини мувофиқлаштириб бориш.

9. Республикада балиқчилик ва аквакультура тармоғини барқарор ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва аҳолини сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш.

10. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув объектларининг экологик ҳолатини яхшилаш.

11. Тармоқда инвестициявий муҳитни яхшилаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 02 июлдаги ПФ–122-сон Фармонига
2-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2026–2027 йилларда балиқ етиштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва бириктирилган масъуллар рўйхати

Т/р	Ҳудудлар номи	2026 йилда *(тонна)*	2027 йилда *(тонна)*	Масъуллар	Вазирлик ва идоралардан бириктирилган
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	25 000	35 000	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши *(Ф.Эрманов)*	“Сувхўжаликназорат” инспекцияси *(Р.Рахимов)*
2.	Андижон вилояти	35 000	45 000	Андижон вилояти ҳокимлиги *(Ш.Абдурахманов)*	Балиқчиликни ривожлантириш маркази *(Лавозимга кўра)*
3.	Бухоро вилояти	10 000	15 000	Бухоро вилояти ҳокимлиги *(Б.Зарипов)*	Сув хўжалиги вазирлиги *(Р.Қаршиев)*
4.	Жиззах вилояти	30 000	40 000	Жиззах вилояти ҳокимлиги *(У.Мустафоев)*	Сув хўжалиги вазирлиги *(Р.Қаршиев)*
5.	Қашқадарё вилояти	13 000	18 000	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги *(М.Азимов)*	Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари *(З.Ишпулатов)*
6.	Навоий вилояти	15 000	18 000	Навоий вилояти ҳокимлиги *(Н.Турсунов)*	Сув хўжалиги вазирлиги *(Р.Қаршиев)*
7.	Наманган вилояти	45 000	54 000	Наманган вилояти ҳокимлиги *(Ш.Абдуразаков)*	Балиқчиликни ривожлантириш маркази *(Лавозимга кўра)*
8.	Самарқанд вилояти	25 000	30 000	Самарқанд вилояти ҳокимлиги *(А.Бобоев)*	Сув хўжалиги вазирлиги *(Р.Қаршиев)*
9.	Сурхондарё вилояти	10 000	15 000	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги *(У.Қосимов)*	Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари *(З.Ишпулатов)*
10.	Сирдарё вилояти	40 000	65 000	Сирдарё вилояти ҳокимлиги *(Э.Турдимов)*	Сув хўжалиги вазирлиги *(М.Каримов)*
11.	Тошкент вилояти	35 000	50 000	Тошкент вилояти ҳокимлиги *(З.Мирзаев)*	Сув хўжалиги вазирлиги *(У.Шералиев)*
12.	Фарғона вилояти	35 000	55 000	Фарғона вилояти ҳокимлиги *(Х.Бозаров)*	Балиқчиликни ривожлантириш маркази *(Лавозимга кўра)*
13.	Хоразм вилояти	45 000	60 000	Хоразм вилояти *(Ж.Рахимов)*	“Сувхўжаликназорат” инспекцияси *(Р.Рахимов)*
Жами		**363 000**	**500 000**		

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 02 июлдаги ПФ–122-сон Фармонига
3-илова

Балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
I. Табиий ва сунъий сув ҳавзалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш					
1.	Табиий сув ҳавза (сув омбор)лари ва сунъий кўлларни **тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш.**	1. Балиқчилик мақсадларида фойдаланиб келинаётган **табиий** ва **сунъий кўлларни инвентаризациядан ўтказиш**. Бунда: балиқчиликдаги жами ҳавза майдонларини; сув етказиш қийин бўлган ҳудудларни; қуриган ва бугунги кунда балиқ етиштириш имкони йўқ майдонларни аниқлаш. 2. Балиқ етиштириш имкони йўқ бўлган табиий кўллар ва сув омборларининг ҳисобини аниқлаш ва уларни балиқчилик майдонларидан чиқариш бўйича **Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.**	Сув хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари	2026 йил декабрь 2026 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Балиқчиликни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда – Марказ), “Ўзбеккосмос” агентлиги
2.	Балиқчилик субъектларини доимий сув билан таъминлаш **тизимини рақамлаштириш** ва тегишли **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.**	1. Балиқчилик хўжаликларида балиқ етиштириш, озуқа сарфи, сув истеъмоли ҳамда қўлланаётган технология турлари бўйича ҳисоботларни онлайн юритиш учун “e-baliq” электрон платформасини жорий этиш.	Сув хўжалиги вазирлигининг Рақамлаштириш маркази маблағлари	2027 йил май	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		2. “e-baliq” электрон платформаси орқали сувдан фойдаланиш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиб, **тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.** Бунда: балиқчилик хўжаликларига сув ресурсларини ажратиш, лимит белгилаш ҳамда сув етказиб бериш бўйича шартномалар **фақат платформа орқали расмийлаштиришни;** балиқчилик хўжаликлари ҳар йили ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган сув ҳажмларини олиш учун сув ҳавза майдони, балиқлантириладиган чавоқлар сони, озуқа сарфи, технология турлари ва етиштириш режалаштирилган балиқ ҳажми тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда **Сув хўжалиги вазирлигига ариза юборишини**; Сув хўжалиги вазирлиги аризани ўрганиб чиқиб, сўралган сув ҳажмини ажратиш мумкин ёки имкони йўқлиги бўйича **хулоса беришини;** белгиланган лимит бўйича етказиб берилмаган сув учун кўрилган зарарларни (форс-мажор ҳолатдан ташқари) вазирлик томонидан **қоплаб беришни назарда тутиш.**		2027 йил май	
3.	Янги турдаги балиқларни етиштириш бўйича **тавсия** ва **қўлланмалар ишлаб чиқиш**.	1. **Янги турдаги** балиқларни етиштириш бўйича **тавсия** ва **қўлланмаларни ишлаб чиқиш**.	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	2026–2027 йиллар	Балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		2. Ишлаб чиқилган қўлланмаларни ташкил этиладиган семинарларда балиқчилик хўжаликларига етказиш.		Режа-график асосида	
4.	Соҳада **ҳаваскор балиқ овлаш** ва **сув бўйи туризми** фаолиятини кенгайтириш.	Ҳаваскор балиқчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Балиқчи картаси"** (Fisherman ID) рақамли тизимини жорий этиш. Бунда: ҳаваскор балиқчи овчиларнинг ягона электрон реестри ва арзонлаштирилган йиллик абонемент тизимини яратиш; бундан тушган маблағларни сув ҳавзаларини тозалаш ҳамда табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш тадбирларига йўналтириш.	Сув хўжалиги вазирлигининг Рақамлаштириш маркази маблағлари	2026 йил октябрь	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Спорт вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги
II. Балиқчилик тармоғини тартибга солиш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш					
5.	Табиий сув ҳавзаларидаги **балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш** ҳамда улардан оқилона фойдаланиш.	1. Саноат усулида балиқ овлаш учун бериладиган **квоталар бериш тартиби ва муддатларини қайта кўриб чиқиш** ҳамда аҳолини арзон балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш учун квота бериш ҳақини камайтириш бўйича **таклифларни ишлаб чиқиш**. 2. Балиқчилик хўжаликларининг саноат усулида балиқ овлашга **рухсат берилган тўрларини ҳисобга қўйиш** ва идентификация қилиш ҳамда **ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш**. 3. Саноат усулида балиқ овлаш учун квота бериш, уларнинг ижросини мониторинг қилиш ҳамда овланган балиқ ҳажмини	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил август 2026 йил август 2026 йил август	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Адлия вазирлиги

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		ҳисобга олиш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек, квоталарнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан электрон назорат механизмларини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. 4. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги 80-сон қарорига ҳамда бошқа **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш**.		2026 йил сентябрь	
6.	Балиқчиликда фойдаланиладиган **тўрлар** ва ов қуролларининг **сифати устидан давлат назоратини кучайтириш**.	1. Республика ҳудудига олиб кириладиган балиқчиликда **фойдаланиладиган тўрлар** ва ов қуролларининг амалдаги техник регламентлар ва **стандартлар талабларига мувофиқлигини** баҳолаш ҳамда **назорат қилиш тартибини такомиллаштириш** бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Амалдаги талабларга жавоб бермайдиган **сифатсиз тўрлар** ва ов қуролларининг **республика ҳудудига олиб кирилиши** ва муомалага чиқарилишининг олдини олиш бўйича **назорат механизмларини кучайтириш**. 3. Импорт қилинадиган балиқчилик тўрлари ва ов қуроллари бўйича **давлат назорати натижаларини мунтазам таҳлил қилиб бориш** ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил сентябрь Доимий Таҳлил натижаларига кўра	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Божхона қўмитаси, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
7.	Саноат усулида **балиқ овлашда фойдаланиладиган сув транспорти воситалари** учун экологик ва техник кўрсаткичларга асосланган ҳолда компенсация тўловларини белгилаш тизимини такомиллаштириш.	1. Саноат усулида балиқ овлашда фойдаланиладиган моторли сув транспорти воситалари бўйича двигатель қуввати, ишлаб чиқарилган йили, ёқилғи сарфи ва сувга чиқариладиган зарарли моддалар ҳажмини инобатга олган ҳолда компенсация тўловларини **дифференциал тартибда белгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш**. 2. **Энергия тежамкор** ва экологик талабларга жавоб берадиган **янги авлод двигателларидан фойдаланувчи** саноат усулидаги балиқ овловчилар учун компенсация **тўловларини бекор қилиш** бўйича таклифлар тайёрлаш. 3. Таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил август 2026 йил август 2026 йил сентябрь	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Марказ
8.	Табиий ва сунъий сув ҳавзаларда балиқ етиштириш **нормативларини белгилаш.**	1. Тегишли илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда ҳудудлардаги табиий ва сунъий сув ҳавзаларда **балиқ етиштириш имкониятларини ўрганиш.** 2. Ўрганиш натижалари бўйича табиий ва сунъий сув ҳавзаларда балиқ етиштириш **норматив ҳосилдорлигини ишлаб чиқиш.**	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил декабрь 2027 йил май	Балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Марказ
9.	**Коллектор-дренаж тармоқларида** балиқ етиштиришдан олдин биологик ва кимёвий **таҳлиллар ўтказиш**.	1. Тегишли илмий-тадқиқот институтлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда **коллектор-дренаж тармоқларида** сувнинг гидрокимёвий, токсикологик, микробиологик ва ихтиологик кўрсаткичларини ҳамда оғир металлар ва бошқа ифлослантирувчи моддалар миқдорини аниқлаш бўйича **комплекс илмий таҳлиллар ўтказиш.**	Маблағ талаб этилмайди	2027 йил июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		2. Таҳлил натижалари асосида коллектор-дренаж тармоқларини балиқ етиштириш учун **яроқлилик даражаси бўйича тоифалаш**, улардан фойдаланиш юзасидан **илмий хулосалар** ва **амалий тавсиялар ишлаб чиқиш**.		2027 йил август	
10.	Марказга ажратилган **сув объектларида балиқчиликни ривожлантириш**.	1. Ижарага бериладиган сув объектларининг **рўйхатини шакллантириш**. 2. Сув объектларини балиқ етиштириш мақсадлари учун онлайн **аукцион савдоларига чиқариш** орқали тадбиркорлик субъектларига **бириктириб бериш**. 3. Ижарага беришдан тушган маблағларнинг **15 фоизи** маҳаллий ҳокимиятга (тегишли туманлар маҳаллий бюджетига), қолган **85 фоиз**ини Балиқчиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил октябрь 2027 йилдан бошлаб Доимий	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ, маҳаллий ҳокимликлар, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
11.	Марказнинг **ҳудудий бўлинмалари фаолиятини** самарали ташкил этиш.	1. Марказнинг ҳудудий бўлинмалари **фаолиятини йўлга қўйиш** учун хизмат бинолари, моддий-техника воситалари, алоқа ва ахборот-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ҳамда **зарур ташкилий шарт-шароитларни яратиш**. 2. Ҳудудий бўлинмаларни хизмат автотранспорти, компьютер техникаси, офис жиҳозлари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш. 3. Ҳудудий бўлинмаларнинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш.	Бюджет маблағлари ва Сув хўжалиги вазирлиги маблағлари	2026 йил сентябрь 2026 йил сентябрь Доимий	Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
13.	Сув омборлари, коллектор-дренаж тармоқлари ва табиий сув объектларида **ижара ҳуқуқи асосида балиқ овлаш тартибини ишлаб чиқиш**.	1. Сув омборлари, коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа табиий сув объектларида **балиқ овлашни ижара ҳуқуқи асосида ташкил этиш тартибини** назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳада **ижара ҳуқуқини бериш мезонлари**, аукцион тартиби, ижарачиларнинг **ҳуқуқ** ва **мажбуриятлари**, балиқ захираларини муҳофаза қилиш, мониторинг ҳамда **назорат механизмларини белгилаш**. 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил сентябрь 2026 йил сентябрь 2026 йил октябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ
14.	Балиқ етиштириш объектлари учун **сув истеъмоли меъёрларини** илмий асосда ишлаб чиқиш ва **амалиётга жорий этиш**.	1. **Экстенсив, ярим интенсив, интенсив ва супер интенсив технологиялар** асосида фойдаланилаётган балиқ етиштириш объектлари учун талаб этиладиган сув истеъмоли меъёрларини илмий асосда ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган сув истеъмоли меъёрларини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Тасдиқланган сув истеъмоли меъёрларини балиқчилик субъектлари	Сув хўжалиги вазирлиги маблағлари	2027 йил февраль 2027 йил март	Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Марказ, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		томонидан сув ресурсларини режалаштириш, лимит белгилаш ҳамда электрон платформа орқали сув ажратиш жараёнларида қўллашни таъминлаш.		Белгиланган муддатларда	
15.	Балиқчилик тармоғини **2027–2030 йилларда ривожлантириш стратегиясини** ишлаб чиқиш.	1. Балиқчилик тармоғини 2027–2030 йилларда **ривожлантириш стратегияси** лойиҳасини, шу жумладан, соҳани **рақамлаштириш**, **сунъий интеллект технологияларини** жорий этиш, **инвестицияларни** жалб қилиш, **экспорт** салоҳиятини ошириш ҳамда **илмий-инновацион** фаолиятни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни ишлаб чиқиш. 2. Республикадаги сув омборлари ва коллектор-дренаж тизимларининг **балиқчилик салоҳиятини баҳолаш** ҳамда улардан **самарали фойдаланиш бўйича таҳлил ўтказиш**. 3. **Таҳлил натижалари асосида** 2027–2030 йилларда республикада сув омборлари, каналлар ва коллектор-дренаж тизимларида балиқчиликни ривожлантириш бўйича **давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш**. 4. Стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш учун тендер асосида **маҳаллий** ва **халқаро консалтинг ташкилотларни жалб этиш**. 5. Стратегия лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда белгиланган тартибда **тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш**.	Марказ ва “Туронбанк” АТБ маблағлари	2026 йил ноябрь 2026 йил октябрь 2026 йил декабрь 2027 йил февраль 2027 йил май	Марказ, “Туронбанк” АТБ, Сув хўжалиги вазирлиги, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
16.	**Марказ** ва **Балиқчиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси** фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	Марказ фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда Балиқчиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи **низом лойиҳасини ишлаб чиқиш** ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил октябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ
17.	Сув хўжалиги вазирлиги балансидаги **мелиорация объектларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш** ва Марказга ноль қийматда ижарага бериш.	1. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат **инвентаризация жараёнини мувофиқлаштирувчи** ишчи гуруҳлар шакллантириш. 2. Республикадаги барча мелиорация объектларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, балиқ етиштириш учун мос сув манбалари мавжуд бўлган объектлар рўйхатини шакллантириш. 3. Аниқланган балиқ етиштиришга мос объектларни электрон очиқ савдога чиқариш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил август 2026 йил октябрь 2027 йил февраль	Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги, Марказ
18.	**Аквакультура бўйича қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. Аквакультура бўйича **қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш**. 2. Қонун лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда **белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.**	Маблағ талаб этилмайди	2027 йил май 2027 йил сентябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

T/p	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
19.	Республикадаги **табиий кўлларни асраб-авайлаш** ва улардан оқилона фойдаланиш.	1. Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисидаги конвенция (Рамсар конвенцияси) **рўйхатига** киритилган табиий объектларни доимий асраб-авайлаш бўйича зарур чораларни кўриб бориш. 2. Табиий кўллардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш.	Маблағ талаб этилмайди	Доимий 2027 йил январь	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ
	III. Илм-фан, инновациялар ва наслчиликни ривожлантириш				
20.	Балиқчилик тармоғидаги устувор **илмий муаммолар** бўйича илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида **илмий лойиҳалар танловларини** эълон қилиш.	1. Балиқчилик тармоғида, жумладан, **маҳаллий карп зотини яратиш** ҳамда балиқларни етиштириш ва парвариш қилишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган **илмий лойиҳа мавзуларини шакллантириш**. 2. Шакллантирилган мавзулар асосида **2027–2029 йилларда** илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида илмий лойиҳалар **танловларини эълон қилиш**. 3. Танлов натижаларига кўра **ғолиб деб топилган илмий лойиҳаларни** илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш ҳамда уларнинг **натижаларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш**.	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида	2026-2029 йиллар Белгиланган муддатларда Белгиланган муддатларда	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Сув хўжалиги вазирлиги
21.	Соҳа мутахассисларининг **билим ва кўникмаларини** ошириш, улар фаолиятига инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашиш.	1. “Балиқчилик мактаби”ни ташкил этиш учун хусусий тадбиркорлар ёки халқаро молия институтлари **маблағларини жалб этиш**. 2. **Наманган** ва **Фарғона вилоятларида** совуқ сув балиқларини етиштириш	Ташаббускорлар маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	2027 йил март	Марказ, Сув хўжалиги вазирлиги,

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

T/p	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		фаолиятини йўлга қўйган корхоналарда лаборатория ва ўқув хонасини ўзида жамлаган **“Балиқчилик мактаби”ни** ташкил этиш. 3. **Балиқчилик хўжаликлари мутахассисларини ўқитиш** графикларини ишлаб чиқиш ва қисқа муддатли курсларни ташкил этиш.		2027 йил июнь График асосида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари
22.	Балиқчилик тармоғида **сунъий интеллект** технологияларини жорий қилиш.	1. Балиқчилик тармоғида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, мониторинг тизимларини йўлга қўйишга қаратилган **пилот лойиҳани амалга ошириш.** 2. Сунъий интеллект технологияларини балиқчилик тармоғида жорий қилишда мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда пилот лойиҳа натижалари асосида тизимни **республика миқёсида босқичма-босқич кенгайтириш**.	Сув хўжалиги вазирлиги маблағларидан **20 млрд сўм**	2027 йил декабрь 2028 йил якунига қадар	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
23.	Балиқчилик тармоғида илмий-тадқиқот, наслчилик ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун **тажриба-синов базасини** ташкил этиш.	1. Балиқчилик илмий-тадқиқот институтига **илмий-тадқиқот ва тажриба-синов** ишларини амалга ошириш учун Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳудудидан Оҳангарон дарёси бўйида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **10 гектар ер майдонини** қонунчиликда белгиланган тартибда ажратиш. 2. Ажратилган ер майдонида замонавий тажриба-синов базаси, наслчилик ва инкубация объектларини ташкил этиш ҳамда уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш. 3. Марказ ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти томонидан тадбиркорлик	Тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари, халқаро грантлар, тадбиркорлар маблағи	2026 йил сентябрь 2026–2027 йиллар	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		субъектларини жалб қилган ҳолда маҳаллий балиқ турлари селекцияси, наслчилик, чавоқ етиштириш ва инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш.		2026–2027 йиллар	
24.	**Маҳаллий карп ва совуқ сув балиқлари** наслини такомиллаштириш ҳамда генетик ресурсларни ривожлантириш.	1. Маҳаллий карп ва совуқ сув балиқлари бўйича генетик ресурсларни сақлаш, селекция ишларини ташкил этиш ҳамда юқори маҳсулдор, маҳаллий иқлим шароитига мослашган ва касалликларга чидамли **янги зотларни яратиш** бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш. 2. Карп ва совуқ сув балиқларининг **генетик базасини шакллантириш** ҳамда унинг илмий маълумотлар базасини юритиш. 3. Илмий-тадқиқот ва селекция ишларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳамда натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жамғармаси маблағлари	2026–2035 йиллар Доимий 2026–2030 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти, Марказ
25.	**Наслли чавоқлар** ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш ва наслчилик хўжаликлари тармоғини кенгайтириш.	1. Маҳсулдорлиги юқори бўлган наслли чавоқлар етиштиришга ихтисослашган наслчилик хўжаликларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш. 2. Наслчилик хўжаликларини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сертификатлаш тизимини жорий этиш ҳамда наслли чавоқларни етиштириш стандартларини ишлаб чиқиш.	Тадбиркорлар маблағи	2026–2027 йиллар 2026–2027 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказ, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

T/p	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		3. Балиқчилик хўжаликларини сифатли ва маҳсулдорлиги юқори бўлган наслли чавоқлар билан барқарор таъминлаш механизмларини жорий этиш.		2026–2027 йиллар	
IV. Балиқ маҳсулотлари истеъмолини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва инвестицияларни жалб этиш					
26.	Аҳоли томонидан балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажмини ошириш ҳамда ижтимоий соҳа муассасаларини **хавфсиз ва сифатли балиқ маҳсулотлари** билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	1. Амалдаги санитария қоидалари ва нормаларини (СанҚваН) халқаро тан олинган стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда **балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва истеъмол қилишга** оид талабларни уйғунлаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Таълим ташкилотлари, ҳарбий қисмлар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини балиқ маҳсулотлари билан таъминлашга оид **санитария-гигиена талабларини такомиллаштириш** ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш. 3. Ишлаб чиқилган таклифлар асосида амалдаги санитария қоидалари ва нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **Вазирлар Маҳкамасига киритиш.**	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил сентябрь 2026 йил октябрь 2026 йил ноябрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказ
27.	Аҳоли ўртасида **балиқ истеъмоли маданиятини ошириш** мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш.	1. Аҳоли ўртасида балиқ истеъмоли маданиятини ошириш юзасидан **контентлар яратиш** ва **кенг оммалаштириш** чораларини кўриш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил давомида	Марказ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

T/p	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		2. Оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларга ушбу контентларни жойлаштириб бориш.		Доимий	
28.	Балиқ маҳсулотларини **сотиш инфратузилмасини ривожлантириш.**	1. Савдо расталари ташкил этиладиган деҳқон бозорлари рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри деҳқон бозорларида маҳаллий балиқ етиштирувчиларнинг маҳсулотларини бевосита истеъмолчиларга сотишга мўлжалланган **махсус савдо расталарини** ташкил этиш. 3. Савдо расталарининг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш.	Тадбиркорлар ва маҳаллий бюджет маблағлари	2026 йил август 2026 йил октябрь Доимий	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Марказ, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Солиқ қўмитаси
29.	Балиқ маҳсулотларини **қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишнинг** замонавий инфратузилмасини ривожлантириш.	1. Тошкент вилояти Чиноз туманида балиқ ва балиқ маҳсулотларини қабул қилиш, саралаш, музлатиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ҳамда логистика хизматларини кўрсатишга ихтисослашган **замонавий логистика маркази (хаб)ни** ташкил этиш **концепциясини** ишлаб чиқиш. 2. Логистика марказини ташкил этиш учун зарур ер майдони, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, молиялаштириш манбалари ҳамда бошқарув моделини белгилаш бўйича таклифларни тайёрлаш.	Тижорат банклари кредит маблағлари ва тадбиркорлар маблағи	2026 йил сентябрь 2026 йил декабрь	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

T/p	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
		3. Логистика марказини ташкил этиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		2026 йил декабрь	
30.	2026–2027 йилларда балиқчилик тармоғида амалга ошириладиган **лойиҳаларни шакллантириш.**	1. Тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида лойиҳа ташаббускорлари рўйхатини шакллантириш. Бунда интенсив усулда балиқ етиштириш, совуқ сув балиқларини етиштириш ҳажмларини ошириш, балиқ таомлари шохобчаларини барпо этиш лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратиш. 2. Лойиҳа ташаббускорларига имтиёзли кредит маблағлари ажратиш.	Лойиҳа ташаббускорлари ва тижорат банклари кредитлари	2026 йил сентябрь Белгиланган муддатда	Марказ, тижорат банклари
31.	Балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун **халқаро молия институтлари** маблағларини жалб қилиш.	1. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда уларни халқаро молия институтлари талабларига мувофиқ тайёрлаш. 2. Халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб бориш орқали Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази томонидан Марказга камида **25 миллион АҚШ доллари** миқдорида имтиёзли кредит ва грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш. 3. Жалб қилинган маблағларни Марказ билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда балиқчилик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш.	Халқаро молия институтларидан маблағлар жалб қилиш	2026 йил ноябрь 2027 йил декабрь Белгиланган тартибда	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Т/р	Асосий вазифалар	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаси	Ижро муддатлари	Масъуллар
32.	Миллий балиқчилик тармоғини оммалаштириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш.	1. Ҳар йили ноябрь ойида маҳаллий ва хорижий мутахассислар, инвесторлар ҳамда тадбиркорлар иштирокида **“Миллий балиқчилик кўргазма-ярмаркаси”ни** ташкил этиш. 2. Кўргазма-ярмарка доирасида инновацион технологиялар, наслчилик, омухта ем, қайта ишлаш, аквакультура ускуналари ҳамда инвестиция лойиҳаларининг тақдимотларини ташкил этиш. 3. Кўргазма-ярмарка якунлари бўйича ҳамкорлик келишувлари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўриш.	Бюджет маблағлари	Ҳар йили ноябрь Ҳар йили ноябрь Ҳар йили ноябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказ

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 02 июлдаги ПФ–122-сон Фармонига
4-илова

Балиқчиликни ривожлантириш марказининг

ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

**Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.*

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 02 июлдаги ПФ–122-сон Фармонига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–6179-сон Фармонига 2-иловада:

(а) “Аграр соҳани молиялаштириш бошқармаси 10” блоги “Аграр соҳани молиялаштириш бошқармаси 12” блоги билан алмаштирилсин;

(б) изоҳ қисмидаги “32” рақами “34” рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонига 1-иловада:

(а) “5. Сув хўжалиги вазирлиги” бўлимида “1. Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги” позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

	Сув хўжалиги вазирлиги	265	265	
	шу жумладан, вазир ўринбосарлари сони	4	4	
1.	Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги	851	851	
шу жумладан, директор ўринбосарлари сони		*1*	*1*	

”;

(б) изоҳлар қисмининг 5.4-кичик банди “Сув хўжалигида ислоҳотлар маркази,” сўзларидан кейин “Балиқчиликни ривожлантириш маркази,” сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги ПФ–74-сон Фармонида:

(а) 3-банд “б” кичик бандининг бешинчи хатбошисидаги “4-қаватига жойлаштирилсин” сўзлари “4-қаватига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 5-илова қуйидаги мазмундаги 8 ва 8.1-позициялар билан тўлдирилсин:

“

8.	**Балиқчиликни ривожлантириш маркази**	**1,8**	
8.1.	*Балиқчиликни ривожлантириш марказининг ҳудудий бошқармалари*	*1,4*	

”.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 2 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги муҳандисларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–122-сон қарорига 5-иловада:

(а) 8-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

8.	Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “А.Ортиқов” ҚФЙдаги 20 гектар ўрмонзор ҳудудида Сувчилар малакасини ошириш марказини ташкил этиш.	1. Агробанк” АТБ томонидан лойиҳанинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқиб экспертизадан ўтказиш. 2. Салоҳиятли инвесторни жалб қилиш бўйича тендер эълон қилиш. 3. Малака ошириш маркази учун юқори салоҳиятга эга экспертлар, ўқитувчилар ва тренерлар базасини шакллантириш. 4. Танлаб олинган экспертлар, ўқитувчилар ва тренерларни нуфузли хорижий таълим муассасаларига малака ошириш учун юбориш. 5. “Рақамли технологиялар асослари” ўқув курси доирасида сув хўжалиги соҳаси ходимларини ўқитиш.	Ҳомий ташкилотлар маблағлари	2026 йил август 2026 йил сентябрь 2027 йил май 2027 йил июнь Режа-график асосида	Сув хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Университет, Тошкент вилояти ҳокимлиги

”;

б) 17-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

17.	Истиқболли лойиҳалар офиси ишини ташкил этиш, фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш.	1. Университет ташкилий тузилмасига лойиҳа офиси раҳбари – проректор лавозимини киритиш. 2.Лойиҳа офиси раҳбари – проректор номзодини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга келишиш учун киритиш. 3. Университет ректори ва Лойиҳа офиси раҳбари – проректор томонидан қарор ижроси ва Университетда амалга оширилган ишлар юзасидан Администрацияда ҳар ой якуни билан тақдимот қилиб бориш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил июль Доимий Ҳар ой якуни билан	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Университет, Лойиҳа офиси раҳбари

”.

QMMB: 06/26/122/0687-son
04.07.2026-y.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 80-сон қарорида:

(а) 3-бандниng учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“балиқчилик хўжаликларининг саноат усулида балиқ овлашга рухсат берилган тўрларини ҳисобга қўйиш ва идентификация қилиш ҳамда махсус тамғалаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;”

(б) иловада:

35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“35. Балиқчилик хўжаликларининг саноат усулида балиқ овлашга рухсат берилган тўрларини ҳисобга қўйиш ва идентификация қилиш ҳамда махсус тамғалаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида Экология жамғармасига йиғим ундирилади”;

(в) иловага 1-илованинг 1-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	**Оддий Лаққа** *Siluris glanis L.* (Linnaeus, 1758), **Оқ дўнг пешона** *Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes, 1844), **Чипор дўнг пешона** *Hypophthalmichthys (Arystichthys) nobilis* (Richardson, 1845), **Оқ амур** *Ctenopharyngodon idella* (Valenciennes, 1844), **Зоғора балиқ** *Cyprinus carpio* (Linnaeus, 1758), **Чўртансифат оқ қайроқ** *Aspiolucius esocinus* (Kessler, 1874), **Орол оққайроқ** *Aspius aspius iblioides* (Kessler, 1872), **Пелядь** *Coregonus peled* (Gmelin, 1788), **Оқ сула** *Sander* (Stizostedion) *lucioperca* (Linnaeus, 1758), **Камалакранг гул балиқ** *Oncorhinus mykiss* (Walbaum, 1792).	3,5	0,03	0,02	15

”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 сентябрдаги “Сув ҳавзаларида моторли (ички ёнув двигателли) ва электромоторли сув транспорти воситаларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 540-сон 1-бандининг “б” кичик банди қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“саноат усулида балиқ овловчиларга моторли қайиқлар ва катер учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/243/0652-son
30.06.2026-y.

26 (1254)-сон
646-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 29 » июнь №ПҚ–243

Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ вакиллари ва жамоатчилик учун қўшимча имкониятларни яратиш тўғрисида

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари имкониятларини кенгайтириш, аҳоли ва давлат ўртасида шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш орқали жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий вазифалар

1. Қуйидагилар маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ вакиллари ва жамоатчилик учун қўшимча имкониятларни яратиш бўйича асосий вазифалар этиб белгилансин:

(а) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг (кейинги ўринларда – депутатлар) ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида сайлов округларида **ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги имкониятларини** янада кенгайтириш;

(б) ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни **аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш** тартибини соддалаштириш;

(в) лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш (кейинги ўринларда – шериклик лойиҳалари) жараёнларини рақамлаштириш.

II. Депутатларнинг ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида сайлов округларида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги имкониятларини янада кенгайтириш

2. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **2026 йил 1 августдан бошлаб** ташаббусли бюджет жараёнида депутатлар томонидан лойиҳаларни қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш учун имкониятларни янада кенгайтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

(а) ҳар бир депутат томонидан "Очиқ бюджет" ахборот порталида (кейинги ўринларда – портал) бир мавсум учун ажратилган маблағлар доирасида **бир ёки бир нечта лойиҳалар** танланиб, қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилинади;

(б) депутат ваколати муддатидан илгари тугатилган ҳолларда Ташаббусли бюджет жараёнларида парламент назоратини амалга ошириш бўйича комиссия қарорига кўра **бошқа депутатлар томонидан** ташаббусли бюджет жараёнларининг тегишли сайлов округидаги **қўшимча ғолиблари** аниқланади.

III. Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш

3. 2027 йил 1 январдан бошлаб шериклик лойиҳаларини қўшимча равишда Ягона интерактив давлат хизматлари портали, тўлов ташкилотлари ва тижорат банкларининг мобиль иловалари (кейинги ўринларда – мобиль иловалар) орқали молиялаштириш имкониятлари яратилсин.

4. Белгилансинки:

(а) мобиль иловаларда портал билан интеграция таъминланган ҳолда барча шериклик лойиҳаларининг **рўйхати ва ташаббусли бюджет жараёнининг онлайн статистикаси** акс эттирилади;

(б) мобиль иловалар орқали молиялаштириладиган шериклик лойиҳалари маблағлари тўғридан-тўғри тегишли **фуқаролар ташаббуси жамғармаларига** йўналтирилади;

(в) шериклик лойиҳаларининг **50 фоиз қиймати** аҳоли томонидан **мобиль иловалар орқали** ихтиёрий равишда йиғилган тақдирда, **қолган 50 фоиз қиймати** автоматик тарзда **белгиланган тартиб бўйича** молиялаштирилади;

(г) шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун етарли даражада маблағ йиғилмаган тақдирда, **10 иш куни давомида** фуқаролар томонидан йиғилган маблағлар мобиль иловалар орқали тегишли фойдаланувчилар сўровига кўра қайтариб берилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров):

(а) портал ва мобиль иловаларнинг электрон базалари ўртасида **интеграция йўлга қўйилишини** ташкиллаштирсин;

(б) **шериклик лойиҳалари** учун тўловларни мобиль иловалар орқали хавфсиз амалга ошириш имкониятини яратсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки унга мувофиқ:

(а) **молиялаштирилган шериклик лойиҳаларини** амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ **юзага келадиган** қўшилган қиймат солиғи, буюртмачи корхоналарни сақлаш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар **аҳолидан жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан қопланмайди** ва **тўлиқлигича Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) Давлат бюджетидан шериклик лойиҳаларини молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар **сарфланмаган ёки ўзлаштирилмаган** ҳолларда улар келгуси йиллардаги шериклик лойиҳалари учун **қўшимча маблағлар сифатида** ўтказилади, бундан тегишли молия йилида якунланмай қолган шериклик лойиҳалари учун ажратилган маблағлар мустасно.

7. Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки минг** бараваригача бўлган ички йўлларни таъмирлаш бўйича шериклик лойиҳаларини туман (шаҳар) **ободонлаштириш бошқармалари** томонидан амалга ошириш тартиби жорий этилсин.

8. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 7-бандида назарда тутилган тартиб бўйича:

(а) объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотлари туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари буюртмасига кўра **қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида** аниқланади;

(б) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш харажатлари **Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** ҳисобидан қопланади.

9. "Юксалиш" ҳаракатига шериклик лойиҳаларини амалга оширишда фаол фуқароларни ҳар йили **"Фуқаролик жамияти ҳафталиги"да** ўтказиладиган тадбирларга **кенг жалб қилиш** ва уларнинг **жамиятдаги фаоллигини эътироф этиш** ишларини ташкил этиш тавсия этилсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2026 йил 1 июлга қадар** Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ушбу қарор асосида тегишли **ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш** бўйича Олий Мажлис Сенатига таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида **депутатлар томонидан лойиҳаларни ғолиб деб эълон қилиш**, **аҳоли ва давлат ўртасида шериклик лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш** ишлари бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказишни ташкиллаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш учун масъул этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

13. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/246/0656-son
30.06.2026-y.

26 (1254)-сон
647-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «29» июнь № ПҚ–246

Пахта-тўқимачилик соҳасида молиявий барқарорликни ошириш ҳамда толани чуқур қайта ишлашни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда пахта-тўқимачилик соҳаси корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, толани чуқур қайта ишлаш асосида қўшилган қийматни кенгайтириш, фермер хўжаликлари ва кластерларнинг ўзаро манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошликни оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган **асосий мақсадлар** этиб белгилансин:

(а) пахта хомашёси етиштирувчи хўжалик субъектлари учун бир хил молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш орқали уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш;

(б) тўқимачилик ишлаб чиқариш занжирларида ип-калавани чуқур қайта ишлашга қаратилган лойиҳаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш.

II. Пахта-тўқимачилик соҳаси корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш чоралари

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Савдо-саноат палатасининг **пахта-тўқимачилик кластерлари** ҳамда **тўқимачилик корхоналарининг** молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) 2025 йилда ўзига бириктирилган ер майдонларида (иккиламчи ижарага берилган ер майдонлари бундан мустасно) пахта етиштирган пахта-тўқимачилик кластерлари ва улар таъсисчи бўлган корхоналарга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган контурларда пахта хомашёси етиштирилганлиги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринларда – "Ўзбеккосмос" агентлиги) томонидан тасдиқланган ҳолларда ҳар бир гектар ер учун Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **3 миллион сўмдан субсидия**лар ажратиш;

(б) корхоналарнинг **2026 йил 1 июнга қадар** амалга оширилган бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–53-сон Фармонида белгиланган миқдорларда Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан бўяш ускуналари харидини субсидиялаш учун назарда тутилган маблағнинг қолдиқ қисми ҳисобидан субсидия ажратиш.

3. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **бир ой муддатда:**

(а) оқартирилган трикотаж мато (ТИФ ТН коди 6006 21 000 0) учун алоҳида субпозиция белгилаш ва унга белгиланган экспорт божи ставкаларини 2027 йил 1 январга қадар бекор қилиш;

(б) пахта толаси чиқиндиларига (ТИФ ТН коди 5202) экспорт божи ставкасини 2027 йил 1 январга қадар 5 фоиз ставкада белгилаш юзасидан таклифларни Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссияга киритсин.

4. Белгилансинки **2027 йил 1 июлга қадар** тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги бўйича "А" ва ундан юқори тоифага киритилган кластерлар ва тўқимачилик корхоналари учун қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммаси текширувларсиз **икки кун** муддатда қайтарилади.

Солиқ қўмитаси **икки ҳафта муддатда** тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги бўйича "А" ва ундан юқори тоифага киритилган кластерлар ва тўқимачилик корхоналари учун қўшилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммасини текширувларсиз **икки кун** муддатда қайтариш тизимини жорий қилсин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Савдо-саноат палатаси ва “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ корхоналарнинг **2026 йил 1 июнга қадар** амалга оширилган бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида корхоналарга, мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда субсидия ажратилишини таъминласин. Бунда субсидия ускуналарни харид қилиш бўйича контрактлар “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМдан экспертизадан ўтказилганидан сўнг ажратилади.

6. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида назарда тутилган субсидияларни ажратиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этган контурларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва улар таъсисчи бўлган корхоналар ўзига бириктирилган ер майдонларида 2025 йил ҳосили учун пахта хомашёси (30 центнердан юқори) етиштирилганлиги “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан космик мониторинг маълумотлари асосида бир ой муддатда ўрганиб чиқилади ва ҳақиқатда экилган майдонлар бўйича тасдиқланган маълумотлар асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги субсидия миқдорини ҳисоблаб чиқади ҳамда маблағ ажратиш бўйича ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ субсидияларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2026 йил учун республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан Аграр соҳада тўловлар агентлигига ажратади;

(в) Аграр соҳада тўловлар агентлиги республика бюджетидан ажратилган маблағларни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳисобланган субсидия миқдори бўйича тасдиқланган рўйхат асосида пахта-тўқимачилик кластерлари ва улар таъсисчи бўлган корхоналарнинг ҳисобварақларига белгиланган тартибда ўтказиб беради.

7. Ҳисоб палатаси Агентлик ҳамда тижорат банклари билан биргаликда тўқимачилик корхоналарининг инвестиция лойиҳаларига жалб қилинган кредитлар шартларини қайта кўриб чиқишга оид вазифалар ижроси юзасидан чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин ҳамда **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги директори Н.Қ. Холмуродов белгилансин.

9. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

26 (1254)-son
648-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil «1» июль № ПҚ–250

Чарм-пойабзал саноатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда чарм хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш, терини қайта ишлаш корхоналарини замонавий экологик талабларга мослаштириш, юқори қўшилган қийматли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар 2026–2027 йилларда чарм-пойабзал саноатини ривожлантиришнинг **асосий мақсадли кўрсаткичлари** этиб белгилансин:

(а) чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2026 йилда **690 миллион** дециметр квадратга, 2027 йилда **800 миллион** дециметр квадратга олиб чиқиш;

(б) пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2026 йилда **100 миллион** жуфтга, 2027 йилда **115 миллион** жуфтга етказиш;

(в) экспорт ҳажмини 2026 йилда **110 миллион АҚШ долларига**, 2027 йилда **150 миллион АҚШ долларига** етказиш;

(г) чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2026 йилда **246 миллиард сўмга**, 2027 йилда **300 миллиард сўмга** етказиш;

(д) чарм-пойабзал саноатида қўшилган қийматни 2026 йилда **860 миллиард сўм**, 2027 йилда **1,2 триллион сўмга** етказиш.

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

II. Чарм хомашёсини сифатли йиғиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича амалий чора-тадбирлар

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2026–2028 йилларда ҳудудларда чарм-пойабзал саноатини босқичма-босқич йирик кооперацияларни ташкил қилиш асосида ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан бирга ҳар чоракда “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини ташкил этсин;

(б) Бош прокуратура Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган “йўл харитаси” ижросини доимий назоратга олсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2026–2028 йилларда ҳудудларда маҳаллий ташаббускорларни аниқлаган ҳолда ветеринария-санитария талабларига жавоб берадиган тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш пунктларини ташкил қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Агентлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини мазкур фаолияти бўйича **2026 йил 1 июлдан 2029 йил 1 июлга қадар** фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда **уч ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган имтиёзларни қўллаш бўйича Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилансинки, тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига тери ва жун хомашёсини йиғиш мақсадларига айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банкларидан олинган миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг Марказий банк асосий ставкасидан юқори, бироқ

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

10 фоизлик пунктидан ошмаган қисми, хорижий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг 5 фоизи “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан компенсация қилиб берилади.

III. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш чоралари

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 июлдан** бошлаб **2028 йил 31 декабрга қадар** Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

(а) терини қайта ишлаб, тайёр чарм ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқариб, реализация қилинган тайёр чармнинг (краст, финиш) ҳар бир дециметр квадрати учун 350 сўм миқдорида субсидия ажратилади;

(б) пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқаришга жорий қилинган ҳар бир янги модел учун **1 миллион сўм**, бироқ бир корхона учун бир календарь йилида 50 миллион сўмдан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади;

(в) пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинган пойабзал қолиплари (колодка, пресс-форма) қийматининг **50 фоиз қисми**, бироқ бир календарь йилида Европа Иттифоқи давлатлари учун **10 минг АҚШ доллари,** бошқа давлатлар учун **5 минг АҚШ долларидан** ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

(г) енгил саноат корхоналари томонидан сув тозалаш иншоотларида белгиланган меъёрлар доирасида сувни тозалаш учун харид қилинган кимёвий воситалар ва реагентлар қийматининг **50 фоиз қисми** қоплаб берилади;

(д) пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёки уларнинг рўйхатга олинган савдо белгиси (бренд номи) билан Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий маркази, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳри, шунингдек, республиканинг аҳоли сони 100 минг кишидан ошадиган йирик шаҳарларида савдо уйлари ва фирма дўконларини ташкил этган

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

тадбиркорларга дастлабки 1 йил давомида бино ва майдонларни ижарага олиш харажатларининг **50 фоиз қисми**, бироқ 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

7. Белгилансинки **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

(а) давлат харидларида иштирок этадиган корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқаришда кооперация асосида маҳаллий чарм хомашёси ва бутловчилардан фойдаланиш даражаси, яратилган иш ўринлари сони, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказган савдо белгиси ва брендига кўра қўшимча балл бериш ва 15 фоизгача нарх преференцияси тақдим этиш тартиби жорий этилади;

(б) давлат буюртмачилари учун давлат харидлари электрон тизими орқали харид қилинадиган махсус пойабзалларнинг давлат харидлари тавсифида мувофиқлик сертификати тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш талаби жорий этилади.

IV. Чарм-пойабзал саноат зоналарини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш чоралари

8. Агентлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Агентлик ҳузурида 7 та штат бирлигидан иборат, устав фонди **23 миллион АҚШ доллари** бўлган масъулияти чекланган жамият шаклида Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциясини (кейинги ўринларда – Дирекция) ташкил этиш ва 2-иловага мувофиқ унинг асосий вазифаларини белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Белгилансинки:

(а) мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ва Андижон вилояти Шаҳрихон туманларида ташкил этилган чарм-пойабзал саноат зоналари эгаллаган ер участкалари Дирекцияга ижара ҳуқуқи асосида ажратилади ва ушбу ерларни бошқариш функцияси Дирекцияга юклатилади;

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

(б) Дирекциянинг ягона таъсисчиси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобланади ва Дирекция Агентлик томонидан ишончли бошқарув ҳуқуқи асосида бошқарилади.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги чарм-пойабзал саноат зонаси ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманида жойлашган тери ва жунни қайта ишлаш корхоналари учун замонавий сув тозалаш иншоотларини барпо этишга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 2026–2027 йилларда **360 миллиард сўм** миқдорида маблағлар ажратсин.

Бунда мазкур сув тозалаш иншоотларини қуриш бўйича буюртмачи этиб “Ўзсувтаъминот” АЖ белгиланади ҳамда мазкур иншоотлар **2028 йил 1 январга қадар** фойдаланишга топширилиб, Дирекция балансига бепул ўтказилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **икки ой** муддатда терини қайта ишлаш корхоналарида сув тозалаш иншоотларини халқаро талабларга мослаштириш ва барпо этиш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, унга киритилган лойиҳаларни 2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Белгилансинки, чарм-пойабзал тармоғида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, лойиҳаларда улушдор бўлиб қатнашиш ва айланма маблағларни тўлдириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги “Чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик тармоқларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–181-сон қарори билан ажратилиши белгиланган **33 миллион АҚШ доллар** миқдоридаги маблағларнинг:

(а) 10 миллион АҚШ доллари Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2035 йил 31 декабргача қайтариш шарти билан 2026–2027 йилларда Жамғармага қуйидаги мақсадларда корхоналарга тижорат банклари орқали кредит ажратиш учун йўналтирилади:

(i) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадлари учун 10 йил муддатга, шундан 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставкада (Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маржаси 3,5 фоиз, банк маржаси 1,2 фоиз ва Агентлик харажатлари 0,3 фоиз);

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

(ii) айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 3,5 фоиз ставкада (Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маржаси 2,5 фоиз, банк маржаси 1,2 фоиз ва Агентлик харажатлари 0,3 фоиз) 36 ой муддатгача;

(б) 23 миллион АҚШ доллари Дирекция устав фондига жунни қайта ишлаш ва чарм-пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида тадбиркорлар талаблари асосида ишлаб чиқариш бино ҳамда иншоотларини қуриш ва Дирекция билан келишилган график асосида 7 йил муддатгача тадбиркорларга қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш асосида сотиш учун йўналтирилади.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агентликнинг **2026 йил 1 июлдан 2029 йил 1 июлга қадар** Дирекция ҳамда Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги “Чарм-пойабзал кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” МЧЖни фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда **уч ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган имтиёзларни қўллаш бўйича Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Белгилаб қўйилсинки, Дирекцияни сақлаш ва иш ҳақи харажатлари 2026–2028 йилларда Жамғарма маблағлари ҳисобидан, 2029 йилдан бошлаб Дирекцияга тегишли бино ва иншоотлар ҳамда ер участкаларини ижарага бериш, сотиш ёки қийматини бўлиб тўлаш шартлари асосида сотиш, сув тозалаш иншоотларини эксплуатация қилишдан олинадиган даромадлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

15. Агентлик Ўзбекистон–Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки билан биргаликда 2026 йил 1 октябрдан бошлаб ҳудудларда “Дизайнер-модельерлар мактаби”, “Маркетологлар мактаби” ва “Технологлар мактаби” тайёрлов курсларини тармоқдаги мутахассис ва ишчилар, касаначи ва косиблар учун даврий равишда ташкил этиб борсин. Бунда қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадида хорижий профессор-ўқитувчилар, тренер ва экспертларни жалб этиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) 2026 – 2027 йилларда Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ва Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги чарм-пойабзал саноат зоналари ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги жун ва терини қайта ишлаш корхоналари учун ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (йўл, сув, электр ва газ тармоқлари) билан таъминлашга **80 миллиард сўм ажратсин**;

(б) мазкур қарорнинг 10-банди ҳамда мазкур бандининг “а” кичик бандида назарда тутилган маблағларни **икки ой муддатда** 2026 йилда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш-пудрат ишларига ажратиш бўйича 2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига ўзгартиришлар киритсин;

(в) мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари учун Агентлик сўровига асосан 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Жамғармага маблағлар ажратилишини таъминласин ва келгуси йилларда ушбу шартларда маблағлар ажратилишини бюджет параметрларини шакллантиришда назарда тутсин.

17. Бош прокуратура (Касимов) мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ҳудудларда тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш пунктларини ташкил қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари ижроси сифатли ва ўз вақтида таъминланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатсин ҳамда ҳар чоракда амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

18. Чарм хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

19. Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги электрон тизимини тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш асосида мазкур қарорнинг 7-бандида назарда тутилган тартибни 2026 йил 1 сентябрга қадар жорий қилиш чораларини кўрсин.

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

20. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Дирекциянинг устав фондини босқичма-босқич шакллантириш учун **23 миллион АҚШ долларини** Агентлик сўрови асосида саноат зоналари ва ҳудудларда Дирекция улушдор сифатида иштирок этаётган лойиҳалар "Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази" ДМдан экспертизадан ўтказилгандан сўнг **бир ой муддатда** ажратиб борсин.

21. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари муносиб меҳнат шароитларини яратиш, махсус кийим-бош, махсус пойабзал билан таъминлаш борасида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларига риоя этилишига қаратилган чора-тадбирларни олиб борсин.

22. Агентлик Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ва "Ўзсувтаъминот" АЖ билан биргаликда **уч ой** муддатда мазкур қарорнинг 6-банди "г" кичик бандида назарда тутилган компенсация тўловлари учун тўқимачилик, жунни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, гиламчилик ва ипакчилик соҳалари бўйича 1 метр куб сувни тозалаш учун талаб этиладиган кимёвий воситалар ва реагентлар турлари ҳамда уларнинг максимал миқдорларини белгилашни назарда тутувчи техник регламентни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

23. Тошкент ва Андижон вилояти ҳокимликлари Агентлик ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ ер майдонлари Дирекцияга белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ҳунарманд, касаначи, косиб, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг малакасини Ўзбекистон–Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопаркида ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни саноатлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

25. Солиқ қўмитаси Божхона қўмитаси ва Агентлик билан биргаликда чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар томонидан товарлар импортида тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олинишини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

27. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги директори Н.Қ. Холмуродов белгилансин.

28. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июлдаги ПҚ–250-сон қарорига
1-илова

2026–2028 йилларда ҳудудларда тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш пунктларини ташкил қилишнинг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Ҳудудлар	Сони	шундан		Масъуллар
			2026 йил	2027 йил	
	Жами	**63**	**24**	**39**	
	Тери йиғиш пункти	**44**	19	25	
	Жун йиғиш пункти	**19**	5	14	
1.	**Қорақалпоғистон Республикаси**	**7**	**3**	**4**	**Ф.Эрманов** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, **А.Шамуратов** – Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**4**	2	2	
	Жун йиғиш пункти	**3**	1	2	
2.	**Андижон вилояти**	**4**	**1**	**3**	**Ш.Абдурахмонов**–вилоят ҳокими, **А.Тўланов**– вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**3**	1	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Т/р	Ҳудудлар	Сони	шундан		Масъуллар
			2026 йил	2027 йил	
3.	**Бухоро вилояти**	**5**	**2**	**3**	**Б.Зарипов** – вилоят ҳокими, **Б.Ахмедов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**3**	1	2	
	Жун йиғиш пункти	**2**	1	1	
4.	**Жиззах вилояти**	**5**	**2**	**3**	**У.Мустафоев** – вилоят ҳокими, **З.Азимов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**3**	1	2	
	Жун йиғиш пункти	**2**	1	1	
5.	**Қашқадарё вилояти**	**5**	**2**	**3**	**М.Азимов** – вилоят ҳокими, **А.Қодиров** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**4**	2	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	
6.	**Навоий вилояти**	**5**	**2**	**3**	**Н.Турсунов** – вилоят ҳокими, **Р.Сулаймонов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**3**	1	2	
	Жун йиғиш пункти	**2**	1	1	

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Т/р	Ҳудудлар	Сони	шундан		Масъуллар
			2026 йил	2027 йил	
7.	**Наманган вилояти**	**5**	**2**	**3**	**Ш.Абдуразаков** – вилоят ҳокими, **З.Бахриддинов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**4**	2	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**		1	
8.	**Самарқанд вилояти**	**4**	**1**	**3**	**А.Бобоев** – вилоят ҳокими, **Ш.Буранов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**3**	1	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	
9.	**Сурхондарё вилояти**	**6**	**3**	**3**	**У.Қосимов** – вилоят ҳокими, **Ш.Ражабов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**4**	2	2	
	Жун йиғиш пункти	**2**	1	1	
10.	**Сирдарё вилояти**	**3**	**1**	**2**	**Э.Турдимов** – вилоят ҳокими, **Ф.Кушаков** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**2**	1	1	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Т/р	Ҳудудлар	Сони	шундан		Масъуллар
			2026 йил	2027 йил	
11.	**Тошкент вилояти**	**5**	**2**	**3**	**З.Мирзаев** – вилоят ҳокими, **О.Турсунов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**4**	2	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	
12.	**Фарғона вилояти**	**5**	**2**	**3**	**Х.Бозаров** – вилоят ҳокими, **М.Убайдуллаев** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**4**	2	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	
13.	**Хоразм вилояти**	**4**	**1**	**3**	**Ж.Рахимов** – вилоят ҳокими, **А.Давлетов** – вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, *Лавозими бўйича* – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси
	Тери йиғиш пункти	**3**	1	2	
	Жун йиғиш пункти	**1**	0	1	

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июлдаги ПҚ–250-сон қарорига
2-илова

Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциясининг асосий вазифалари

1. Агентлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган манзилли дастур асосида таянч корхоналарни ривожлантириш дастурларини молиялаштириш.

2. Лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган чарм-пойабзал саноат зоналарининг бош режасини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишиб, тасдиқлаш.

3. Чарм-пойабзал саноат зоналари фаолиятини бошқариш, лойиҳа ташаббускорлари томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш.

4. Хорижий ва маҳаллий инвесторларни излаш ва жалб этиш, саноат зоналари ҳудудида муҳандислик-коммуникация тармоқларини, йўл-транспорт инфратузилмаларини барпо этишда буюртмачи функциясини бажариш.

5. Чарм-пойабзал тармоғида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида бино ва иншоотлар қуриш учун лойиҳа қийматининг 30 фоизигача миқдорда улушдор сифатида кейинчалик ўз улушини сотиш шарти билан 7 йил муддатгача иштирок этиш, ер майдонларини қайта ижарага бериш.

6. Лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда инвестициявий лойиҳалар бўйича ҳужжатларни “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” давлат муассасасидан комплекс экспертизадан ўтказиш.

7. Чарм-пойабзал саноат зоналари ва ҳудудлардаги сув тозалаш иншоотлари эксплуатацияси ва модернизациясини ташкил этиш.

8. Чарм-пойабзал саноат зоналари фаолиятини ва ҳудудлардаги объектларни тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июлдаги ПҚ–250-сон қарорига
3-илова

Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциясига ижара ҳуқуқи асосида ўтказиладиган ер участкалари РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудуд номи		Ердан фойдаланувчи номи	Контур рақами	Жами ер майдони, га
1.	Андижон вилояти	Шаҳрихон тумани Янги Вахим мавзеси ҳудуди	“Андижон вилояти саноат зоналарини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси	99қ	7,8
2.	Тошкент вилояти	Оҳангарон тумани Убайд мавзеси ҳудуди	“Тошкент вилояти саноат зоналарини бошқариш дирекцияси” давлат муассасаси	1182қ	15,7
				1184қ	20,0
Жами					**43,5**

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июлдаги ПҚ–250-сон қарорига
4-илова

Чарм хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш самарадорлигини ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Ҳудудларда ветеринария-санитария талабларига жавоб берадиган тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш пунктларини ташкил қилиш.	1. Хомашё йиғиш пунктларини ташкил қилиш учун ер майдонларини аниқлаш.	2026 йил 1 август	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
		2. Аниқланган ер майдонларини хомашё йиғиш пунктларини ташкил қилиш учун белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш.	2026 йил 1 сентябрь	
		3. Хомашё йиғиш билан шуғулланувчи корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш.	Доимий	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
		4. Хомашё йиғиш пунктлари ва терини қайта ишлаш корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш.	2026–2027 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, “Ўзчармсаноат” уюшмаси
		5. Тери ва жун хомашёси нобудгарчилигининг олдини олиш бўйича оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини ташкил этиш.	Доимий	

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2.	Чарм-пойабзал тармоғида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.	Чарм-пойабзал тармоғида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, лойиҳаларда улушдор бўлиб қатнашиш ва айланма маблағларни тўлдириш мақсадлари учун Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан **10 млн АҚШ доллари** миқдорида маблағ ажратиш.	2026–2027 йиллар	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
3.	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ҳузурида Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекцияси фаолиятини ташкил этиш.	1. Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциясини ташкил этиш ва уни ишончли бошқарув ҳуқуқи асосида Енгил саноатни ривожлантириш агентлигига ўтказиш. 2. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ва Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги чарм-пойабзал саноат зоналари ер участкаларини Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш ва рўйхатдан ўтказиш.	2026 йил 1 август 2026 йил 1 сентябрь	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Кадастр агентлиги, Тошкент ва Андижон вилояти ҳокимликлари
4.	Тери ва жунни қайта ишлаш корхоналари учун замонавий сув тозалаш иншоотларини барпо этиш ишларини молиялаштириш.	Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги чарм-пойабзал саноат зонасида ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманида ташкил этиладиган тери ва жунни қайта ишлаш корхоналари учун замонавий сув тозалаш иншоотларини барпо этишга Ўзбекистон Республикасининг республика	2026–2027 йиллар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		бюджетидан 2026–2027 йилларда **360 миллиард сўм** маблағ ажратиш.		
5.	Тери ва жунни қайта ишлаш корхоналари учун замонавий сув тозалаш иншоотларини барпо этиш.	1. Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги чарм-пойабзал саноат зонасида ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманида ташкил этиладиган тери ва жунни қайта ишлаш корхоналари учун замонавий сув тозалаш иншоотларини барпо этиш. 2. Барпо этилган сув тозалаш иншоотларини белгиланган тартибда Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекцияси балансига бепул ўтказиб бериш.	2026–2027 йиллар	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
6.	Чарм-пойабзал саноат зоналари ва корхоналари учун ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этиш лойиҳаларини молиялаштириш.	Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ва Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги чарм-пойабзал саноат зоналари ҳамда Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги жун ва терини қайта ишлаш корхоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (йўл, сув, электр ва газ тармоқлари) билан таъминлашга **80 миллиард сўм** маблағ ажратиш.	2026–2027 йиллар	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
7.	Терини қайта ишлаш корхоналарида сув тозалаш иншоотларини халқаро талабларга мослаштириш	1.Терини қайта ишлаш корхоналарида сув тозалаш иншоотларини халқаро талабларга мослаштириш ва барпо этиш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириш.	2026 йил 1 сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	ва барпо этиш бўйича манзилли рўйхатни ишлаб чиқиш.	2. Манзилли рўйхатга киритилган лойиҳаларни 2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		
8.	Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Солиқ кодексига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: (а) тери ва жун хомашёсини йиғиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этиш; (б) Чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекцияси ҳамда Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Чарм-пойабзал кичик саноат зонасини бошқариш дирекциясини фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод этиш.	2026 йил 1 октябрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
9.	Енгил саноат корхоналарида саноат ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган сувни тозалаш ишларини такомиллаштириш.	Тўқимачилик, жунни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, гиламчилик ва ипакчилик тармоғи корхоналарида 1 метр куб сувни тозалаш учун талаб этиладиган кимёвий воситалар ва реагентлар турлари ҳамда уларнинг максимал миқдорларини белгилашни назарда тутувчи техник регламентни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил 1 октябрь	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, “Ўзсувтаъминот” АЖ
10.	Чарм-пойабзал тармоғида кадрларни тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали кадрлар захирасини шакллантириб бориш.	1. Корхоналарда дизайнер-модельер, маркетолог, технолог ва бошқа мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 2. “Дизайнер-модельерлар мактаби”, “Маркетологлар мактаби” ва “Технологлар мактаби” тайёрлов курслари ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Ўзбекистон–Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопаркида малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари ва амалий тренингларни ташкил этиш.	Доимий 2026 йил 1 ноябрь Доимий	“Ўзчармсаноат” уюшмаси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон–Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки
11.	Давлат харидларида маҳаллий чарм-пойабзал ва чарм-атторлик	1. Давлат буюртмачилари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокида чарм-пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш имкониятлари, маҳсулотлар тавсифи, сифати ва бошқа хусусиятлари, шунингдек,	Ҳар чоракда	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	маҳсулотлари улушини ошириш.	давлат харидларидаги имкониятлар юзасидан амалий учрашув ва тренинглар ташкил қилиб бориш. 2. Давлат харидларида маҳаллий чарм-пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари улушини 80 фоизга етказиш.	2026–2027 йиллар	агентлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси
12.	Тайёр маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда сотув ҳажмини кенгайтириш.	1. Пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дилерлари томонидан аҳоли сони 100 минг кишидан ошадиган йирик шаҳарларда савдо уйлари ва фирма дўконларини ташкил этиш. 2. Давлат иштирокидаги корхоналар учун давлат харидлари электрон тизимида харид қилинадиган махсус пойабзалларнинг давлат харидлари тавсифида мувофиқлик сертификати тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш талабини жорий этиш. 3. Ички бозорда реализация қилинадиган пойабзал маҳсулотларига мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий қилиш.	2026–2027 йиллар 2026 йил 1 октябрь 2028 йил 1 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, манфаатдор ташкилотлар Солиқ қўмитаси, “Асл белгиси” МАТ
13.	Қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда	1. Қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлиги ва натижадорлигини, уларни кўришда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш.	Доимий	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	натижадорлигини ошириш ёки уларни бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2. Ўрганиш натижалари ва қўллаб-қувватлаш чоралари бўйича юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		“Ўзчармсаноат” уюшмаси
14.	Олтинкўл тумани чарм-пойабзал кичик саноат зонаси дирекциясига АТ “Халқ банки” томонидан ажратилган маблағни қайтариш муддатини узайтириш.	АТ “Халқ банки” томонидан Олтинкўл тумани чарм-пойабзал кичик саноат зонасини ташкил этиш учун Олтинкўл тумани чарм-пойабзал кичик саноат зонаси дирекциясига ажратилган 124 млрд сўмнинг қолдиқ қисмини қайтариш муддатини 2027 йил 31 декабрга қадар узайтириш.	2026 йил 1 август	АТ “Халқ банки”, “Ўзчармсаноат” уюшмаси

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 1 июлдаги ПҚ–250-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 февралдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–143-сон қарорида:

(а) 2-бандда:

(i) биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(ii) иккинчи хатбоши биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

(б) 7-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” сўзлари “Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) тўртинчи хатбошидаги “икки” сўзи “бир” сўзи билан алмаштирилсин.

(в) 1–1.14-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 октябрдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–331-сон қарорга 3-илованинг 9-позицияси “Ижро муддати” устунидаги “Ҳар йили икки маротаба” ҳамда “Масъул ижрочилар” устунидаги “Экспортни рағбатлантириш агентлиги” сўзлари тегишинча “Ҳар йили бир маротаба” ҳамда “Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги “Чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик тармоқларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–181-сон қарорининг 1-бандида:

(а) иккинчи хатбошидаги “ташкил қилиш” сўзларидан кейин “тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Ўзчармсаноат” уюшмаси корхоналари томонидан божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашёлар, материаллар ва фурнитуралар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ф–5350-сон фармойишининг рус тилидаги матнида:

(а) номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Об утверждении перечня импортируемого оборудования, комплектующих изделий, сырья, материалов и фурнитуры, не производимых в республике, ввозимых с освобождением от таможенных платежей”;

(б) 1-банд ҳамда илованинг номидан “предприятиями ассоциации “«Узчармсаноат»” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали чарм ва мўйна хом ашёсини олиб чиқишни мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 303-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 729-сон қарорида:

(а) 3-иловада:

(i) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“енгил саноат корхоналарининг фоиз ставкаси хорижий валютада 7 фоиздан ва миллий валютада 16 фоиздан баланд бўлган амалдаги кредитларини Агентликнинг мавжуд ресурслари ҳисобидан хорижий валютада қайта кредитлаш”;

тўртинчи хатбоши бешинчи деб ҳисоблансин;

(ii) 4-бандда:

“а” кичик банддаги “12 ой муддатгача хорижий валютада” сўзлари “36 ой муддатгача хорижий валютада” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги “в” кичик банд билан тўлдирилсин:

QMMB: 07/26/250/0671-son
02.07.2026-y.

“в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 январдаги “Маҳаллий енгил саноат корхоналарининг халқаро етказиб бериш занжирларида иштирокини кенгайтириш ҳамда ташқи бозорларда ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4-сон Фармонининг 15-бандида назарда тутилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги “Енгил саноат соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ–174-сон Фармонининг 11-банди билан ажратилган маблағлар ҳисобидан, шу жумладан, Жамғармага жалб қилинадиган хорижий кредит линиялари ҳисобидан енгил саноат корхоналарининг фоиз ставкаси хорижий валютада 7 фоиздан баланд бўлган амалдаги кредитларини қайта кредитлаш асосида, уларнинг муддатига мутаносиб равишда, бироқ 36 ойдан ошмаган муддатга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–2-сон Фармони 2-бандининг “д” кичик бандида кўрсатилган шартлар асосида кредитлар ажратилади”;

(б) 4-иловада:

(i) 13-бандниng биринчи хатбошисида “Жамғарманинг ижро органи” сўзларидан кейин “раҳбарининг буйруғига асосан шакллантирилган комиссиялар” сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) 18-бандниng “з” кичик бандида “малакали мутахассисларни” сўзлари “ишчи ва мутахассисларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/341/0665-son
01.07.2026-y.

26 (1254)-son
649-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 341 Toshkent sh.

Техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–22-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–22-сон Фармонига мувофиқ:

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган **ўқувчиларга стипендия тўлаш амалиёти** жорий этилиши;

ҳар бир ўқувчига фанларни ўзлаштиришидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари миқдорида,** фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари **85 фоиздан юқори** ёки касблар бўйича республика ва хорижий танловлар ғолиби бўлган ўқувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч баравари миқдорида** стипендия тўланиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга **махсус платформа орқали** стипендия тўлаш тартиби;

дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларни **иш берувчи томонидан баҳолаш мезонлари**;

дуал таълим шаклида таҳсил олаётган **ўқувчиларга стипендия** тўлашни молиялаштириш тартиби.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик):

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026/2027 ўқув йилига қадар** дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш бўйича махсус платформани (кейинги ўринларда – махсус платформа) ишга туширсин;

махсус платформани ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Агентликнинг Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йил 1 октябрга қадар** махсус платформани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси электрон ахборот тизимига ҳамда “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилиш чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

махсус платформа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва фаолияти қўллаб-қувватланади;

дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлашда корхоналар (ташкилотлар) тўғрисидаги маълумотлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси ахборот тизими орқали олинади;

дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш учун талаб этиладиган харажатлар 2026 йилда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиси сифатида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Агентлик Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлигининг Сардоба туман 2-сон техникумини Сирдарё вилояти Сардоба тумани Равот маҳалласидаги собиқ Бўстон касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотларига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

QMMB: 09/26/341/0665-son
01.07.2026-y.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/341/0665-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 341-сон қарорига
илова

Техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат касбий таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда – техникумлар) дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари техникумларда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

Бунда ушбу Низом талаблари нодавлат касбий таълим ташкилотлари учун татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дуал таълим дастури – техникум ва корхона (ташкилот)ларда таълим олувчининг муайян касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятини ва меҳнат вазифаларини бажаришига қаратилган давлат таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларидан иборат ҳужжатлар тўплами;

корхона (ташкилот) – техникум билан дуал таълим асосида кадрлар тайёрлаш бўйича шартнома тузган юридик шахс;

махсус платформа – техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тизими учун мўлжалланган электрон ахборот тизими;

стипендия – ўқувчига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, ойма-ой тўланадиган пул таъминоти;

устоз – таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ўтказиш учун корхона (ташкилот) томонидан ўқувчи(лар)га бириктирилган масъул шахс;

ўқувчилар – техникумларга тасдиқланган қабул параметрлари доирасида ҳамда иш берувчи корхона (ташкилот)ларнинг буюртмаси асосида йил давомида ўқишга қабул қилинган абитуриентлар.

2-боб. Ўқувчиларга стипендия тўлаш тартиби

3. Дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида тўланади.

4. Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурлари бўйича дуал таълим шаклига биринчи курсга қабул қилинган ҳар бир ўқувчига фанларни ўзлаштиришидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида стипендия тўланади.

5. Аввалги ўқув семестри натижаларига кўра:

а) фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари (баҳолари) 85 фоиздан юқори бўлган ўқувчиларга кейинги семестрга қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида стипендия тўланади.

Бунда ўқувчиларнинг семестр якуни бўйича фанлардан баҳолари “5” (аъло) ва “4” (яхши) бўлиши талаб этилади;

б) касблар бўйича республика ва хорижий танловлар ғолиби бўлган ўқувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида стипендия тўланади.

Бунда касблар бўйича республика ва хорижий танловлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан белгиланади.

6. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари “Касбий таълим жараёнларини бошқариш – EMIS PT” ахборот тизимида қайд этиб борилади.

7. Техникумлар **ҳар йили 1 июлга қадар** кейинги йил учун техникумда тасдиқланадиган қабул параметрлари доирасида дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилинадиган абитуриентларнинг прогноз кўрсаткичларини шакллантириб, Қорақалпоғистон Республикаси Касбий таълим агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касбий таълим бошқармаларига (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) тақдим этади.

8. Ҳудудий бошқармалар **ҳар йили 15 июлга қадар** техникумларда дуал таълим шаклида кейинги йил учун тасдиқланадиган қабул параметрлари доирасида ўқитиш прогноз кўрсаткичларини Агентликка тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

9. Агентлик томонидан техникумларда дуал таълим шаклида кейинги йил учун тасдиқланадиган қабул параметрлари доирасида Агентликнинг бюджет параметрларида зарур маблағлар акс эттирилади.

10. Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган қабул параметрлари бўйича дуал таълимга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга стипендия тўлаш харажатлари техникумларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилади.

11. Техникумлар ўқув йили бошланишидан **камида бир ҳафта олдин** тасдиқланган қабул параметрлари доирасида дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилиш бўйича буйруқ асосида ўқувчилар ҳамда корхона (ташкилот)лар тўғрисидаги маълумотларни махсус платформага (кейинги ўринларда – платформа) киритади.

Бунда дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг буйруқлари ҳамда дуал таълим ташкил этилган техникум билан корхона (ташкилот) ўртасидаги ва корхона (ташкилот)нинг ҳар бир ўқувчи билан тузилган шартномалари илова қилинади.

12. Корхона (ташкилот)лар тўғрисидаги маълумотлар платформада бўлмаган ҳолларда, техникум масъуллари томонидан корхона (ташкилот)лар тўғрисидаги маълумотлар платформага киритилади.

Агентлик платформа орқали ушбу корхона (ташкилот)ларга платформадан рўйхатдан ўтиши тўғрисида хат орқали хабарнома юборади.

13. Дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчилар ҳақида маълумотларни платформага киритишга техникум директори масъул ва шахсан жавобгар ҳисобланади.

14. Агентлик томонидан техникумларга дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчилар сонига нисбатан стипендия маблағлари ажратилади.

Бунда маблағлар платформа орқали молия йили бошида Агентлик томонидан техникумлар ҳисобварағига ўтказиб борилади.

15. Техникумлар томонидан стипендия тўловлари ўқувчиларга **ҳар ойнинг 15-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агентликнинг махсус ахборот тизимлари орқали тўлаб берилади.

16. Техникумлар ҳамда корхона (ташкилот)лар томонидан дуал таълим шаклидаги ўқув жараёни давомида техникумдан гуруҳ раҳбари ва корхона (ташкилот)лардан бириктирилган устоз платформага ўқувчиларнинг кунлик давоматини киритиб боради.

Бунда ушбу давомат натижалари ўқувчиларни баҳолаш ва ўқувчиларга стипендия тўлаш бўйича хулоса беришда инобатга олинади.

17. Корхона (ташкилот)лар ўқиш якунида ўқувчилар томонидан дуал таълим дастурининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ўташ даврида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий кўникмаларини баҳолайди.

18. Ўқувчиларга стипендия тўлаш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

ўқувчи ишлаб чиқариш вазифаларини ҳамда амалиёт режаси ёки иш топшириқларини бажармаганда, амалиёт кундалигини вақтида юритмаганда;

ўқувчи корхона (ташкилот)нинг ички тартиб – қоидаларини бузганда;

ўқувчи саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида) академик таътил олганда;

ўқувчи доимий яшаш учун бошқа давлатга кўчиб кетганда;

ўқувчи суднинг қарори билан озодликдан маҳрум этилганда;

ўқувчи узрсиз сабабларга кўра 74 соатдан ортиқ дарс қолдирганда;

ўқувчининг ўқиши дуал таълим шаклидан бошқа таълим шаклига кўчирилганда;

ўқувчи ўқишдан четлаштирилганда;

ўқувчи ёки корхона (ташкилот) ташаббуси билан дуал таълим шартномаси бекор қилинганда;

ўқувчи вафот этганда.

19. Корхона (ташкилот) томонидан ўқувчининг касбий кўникмаларини ўзлаштириш кўрсаткичи ва тартиб-интизоми қониқарсиз баҳоланганда, корхона (ташкилот) стипендия тўлашни тўхтатиш бўйича платформа орқали техникумга сўров юборади.

20. Корхона (ташкилот) томонидан стипендия тўлашни тўхтатиш юзасидан юборилган сўров асосида техникум директорининг **уч кун муддатда** стипендия тўлашни тўхтатиш бўйича буйруғи қабул қилинади.

21. Ўқувчиларга стипендия тўлашни тўхтатиш сабаблари платформада кўрсатилади.

22. Техникум директори ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатиб ўтилган сабаблар мавжуд бўлганда, корхона (ташкилот)нинг сўровисиз ўқувчига стипендия тўлашни тўхтатиши мумкин.

23. Стипендия тўлаш тўхтатилган ўқувчиларнинг стипендия тўловларини қайта тиклаш корхона (ташкилот) хулосаси ҳамда техникумдан бириктирилган гуруҳ раҳбарининг билдиргиси асосида навбатдаги ойдан амалга оширилиши мумкин. Бунда ўқувчилар қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнларида фаол иштирок этиши;

устози томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;

амалиёт кундалигини вақтида юритиши;

назарий дарс жараёнларида тўлиқ иштирок этиши;

корхона (ташкилот)нинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши.

24. Касаллиги ёки тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бошқа узрли сабабларга кўра, академик қарзи бўлган ўқувчиларга улар академик қарзларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда бартараф этгунларига қадар стипендия тўлаш тўхтатилмайди.

25. Ўқув жараёни жадвалида белгиланган таътиллар даврида ўқувчиларнинг стипендия олиш ҳуқуқи сақланади.

26. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили даври учун ўқувчиларга стипендия қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда, умумий асосларда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўланади.

27. Ўқувчиларга академик таътил даврида стипендия тўланмайди. Ўқувчи академик таътилдан қайтганидан кейин унга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида стипендия тўланади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

28. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Техникумларда дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчиларга махсус платформа орқали стипендия тўлашни ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Техникумлар	Техникумда тасдиқланадиган қабул параметрлари доирасида дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилинадиган абитуриентларнинг прогноз кўрсаткичларини шакллантириб, Қорақалпоғистон Республикаси Касбий таълим агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касбий таълим бошқармаларига тақдим этади.	Ҳар йили 1 июлга қадар
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Касбий таълим агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касбий таълим бошқармалари	Техникумларда дуал таълим шаклида кейинги йил учун тасдиқланадиган қабул параметрлари доирасида ўқитиш прогноз кўрсаткичларини Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этади.	Ҳар йили 15 июлга қадар
3-босқич	Техникумлар	Дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилиш бўйича буйруқ асосида ўқувчилар ҳамда корхона (ташкилот)лар тўғрисидаги маълумотларни махсус платформага киритади.	Ўқув жараёнлари бошланишидан камида 1 ҳафта олдин
4-босқич	Агентлик	Дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчилар сонига нисбатан стипендия маблағларини махсус платформа орқали техникумлар ҳисобварағига ўтказади.	Молия йили бошида

QMMB: 09/26/341/0665-son
01.07.2026-y.

5-босқич	Корхона (ташкилот) ва техникумлар	Махсус платформа орқали ўқувчиларни дуал таълим дастурининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисми жараёнларида ўқувчиларнинг кунлик давоматини юритади.	Доимий равишда
6-босқич	Техникумлар	Стипендия тўловлари ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агентликнинг махсус ахборот тизимлари орқали тўлаб берилади.	Ҳар ойнинг 15-санасига қадар
7-босқич	Корхона (ташкилот)	Ўқувчилар томонидан дуал таълим дастурининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ўташ даврида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий кўникмаларини баҳолайди.	Ўқиш якунида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

26 (1254)-son
650-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 342 Toshkent sh.

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда улардан фойдаланиш учун рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармонига мувофиқ давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш ва кўчириб ўтказиш тизимини тартибга солиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган маълумот учун қабул қилинсин:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган диаметри 15 сантиметргача бўлган дарахтларни кўчириб ўтказишга тўлов асосида рухсат беришни жорий этиш;

дарахтлар ва буталарга шакл бериш (буталаш) тартибини белгилаш;

давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг рўйхатини қайта кўриб чиқиш.

2. Белгилансинки:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган, ердан 1,3 метр баландликдаги ва тана диаметри 15 сантиметргача бўлган дарахтлар ҳамда тана илдиз бўғзи диаметри 10 сантиметргача бўлган буталар рухсатнома асосида кўчириб ўтказилади;

дарахт ва буталарни санитар мақсадида кесиш, шакл бериш ҳамда уларнинг рухсат этилган ўлчамдагиларини кўчириб ўтказиш ишлари япроқ ва игна баргли турлар учун куз мавсумида – ўсимликларнинг вегетация даври якунлангандан бошлаб **баҳор мавсумининг 1 апрелига қадар** амалга оширилади;

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

дарахт ва буталар уларнинг илдиз тупроғини сақлаган ҳолда кўчириб ўтказилади;

дарахт ва буталарни кўчириб ўтказиш учун рухсатномалар ҳар бир кўчирилган дарахт ва бутани уч йил давомида парвариш қилиш шарти билан берилади;

давлат дастурлари, транспорт ва йўл инфратузилмаси объектлари, йирик инвестиция лойиҳалари, шунингдек, давлат аҳамиятига эга бошқа лойиҳалар доирасида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда мазкур бандниng иккинчи хатбошисида белгиланган ўлчамлардан ортиқ бўлган дарахт ва буталарни кўчириб ўтказишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари асосида рухсат берилади.

3. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

мазкур қарорга мувофиқ дарахт ва буталарни кўчириб ўтказиш бўйича рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларнинг намунавий шакллари ва бланкаларини тасдиқласин;

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда дарахт ва буталарни кўчириб ўтказиш бўйича рухсат бериш тартиб-таомиллари “Лицензия” ахборот тизими ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилишини таъминласин;

Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия билан биргаликда дарахтлар ва буталарни ноқонуний равишда кесиш, уларга шикаст етказиш, уларни йўқ қилиш ёки кўчириб ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича назорат тадбирларини кучайтирсин ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг **янги шакллантирилган рўйхатини тасдиқлаш**;

давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказишга тўлов асосида **рухсат бериш тизимини жорий этиш**;

дарахт ва буталарни санитар мақсадида кесиш, уларга шакл бериш ҳамда уларни **кўчириб ўтказиш тартибини такомиллаштириш**;

дарахт ва буталарни кўчириб ўтказишга **рухсат беришда талаб ва шартларни белгилаш**.

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “30” июн даги 342 - сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сон қарорига илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг

РЎЙХАТИ

Т/р	Турнинг илмий номи	Хусусияти
I. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо (ёғочбоп) навли дарахтлар		
1.	Грек ёнғоғи (Juglans regia L.)	Ёғочи қимматбаҳо
2.	Силлиқ қайрағоч (Ulmus laevis Pall.)	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
3.	Яланғоч қайрағоч (Ulmus glabra Huds.)	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
4.	Паст бўйли қайрағоч, қайрағоч (Ulmus pumila L.)	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
5.	Кавказ қатронғиси, туғдона (Celtis caucasica Willd.)	Ёғочи жуда қаттиқ ва зич, чиримайди, қимматбаҳо ҳисобланади
6.	Тукли заранг (Acer pubescens Franch.)	Ёғочи жуда қаттиқ ва зич, қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
7.	Секвоя (Sequoia sempervirens Emdl.)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
8.	Оддий эман (Quercusrobur L.)	Ёғочи қимматбаҳо
9.	Чинорсимон заранг (Acer platonoides L.)	Ёғочи қимматбаҳо, танаси узун
10.	Оқ акация (Robínia pseudoacacia)	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди манзарали ва шарсимон кўринишга эга
11.	Глидичия (Gleditsia triacanthos)	Ёғочи қимматбаҳо, танаси узун ва текис, чиримайди
12.	Гинкго билоба (Ginkgo biloba)	Ёғочи қимматбаҳо, танаси узун ва текис
13.	Шумтол (Fraxinus raibocarpa Regel.)	Ёғочи зич ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
14.	Сурия қора шумтоли (Fraxinus syriaca Boiss.)	Ёғочи зич ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

T/p	Турнинг илмий номи	Хусусияти
15.	Оддий қарағай (Pinus sylvestris)	Ёғочи қизғиш, қурилишда кенг фойдаланилади, қимматбаҳо, танаси узун ва текис
16.	Ғарб туяси (Thuja occidentalis L.)	Ёғочи қимматбаҳо, танаси қизғиш, буюмлар ясашда кенг фойдаланилади
17.	Мелия азедарах (Melia azedarach)	Ёғочи зич ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
18.	Павловния (Paulownia tomentosa)	Ёғочи тез ўсувчи ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
19.	Кўкбаргли терак, туранғил (Populus pruinosa Schrenk)	Қурилишда кенг фойдаланилади, ариқ ва зовур атрофларида экилиб, ерости сизот сувларнинг сатҳини пасайтиради
20.	Оқ тут (балхи). (Morus alba L.)	Ёғочи жуда қаттиқ, мусиқа асбоблари ва бошқа буюмларни тайёрлашда кенг фойдаланилади
21.	Ғарб чинори (Platanus occidlentalis L.)	Мусиқа асбоблари, мебель ва бошқа буюмларни тайёрлашда кенг фойдаланилади
22.	Заранг баргли чинор (Platanus acerofolia Willd)	Қурилиш материаллари, мебель ва бошқа буюмларни тайёрлашда кенг фойдаланилади
23	Йирик мевали эман (Quercus macoracarpa Michx.)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
24.	Пенсилвания шумтоли (Fraxinus pensilivanica Marsh.)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
25.	Америка шумтоли (Fraxinus americana L.)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
26.	Суғд шумтоли (Fraxinus sogdiana Bunge)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
27.	Виргин хурмоси (Diospyros virginiana L.)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
28.	Каштан баргли эман (Quercus castaniefolia C.A. Mey)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
29.	Пўкакли эман (Quercus suber L.)	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
30.	Сохта чинор баргли заранг (Acer pseudoplatanus L)	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
31.	Қандли заранг (Acer saccharinum L.)	Ёғочи қимматбаҳо, манзарали
32.	Дала заранги (Acer campestre L.)	Ёғочи қимматбаҳо, манзарали ва шарсимон кўринишга эга

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

T/p	Турнинг илмий номи	Хусусияти
II. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо (манзарали) навли дарахтлар		
33.	Туркистон арчаси, ўрик арча (JuniperusturkestanicaKom.)	Манзарали хусусиятга эга, маданийлаштириб бўлмайди
34.	Ярим шарсимон арча, саур арча (Juniperus semiglobosa Regel)	Доим яшил, манзарали, ўзидан хушбўй ҳид чиқаради
35.	Зарафшон арчаси, қизил арча, қора арча (Juniperus seravschanica Kom.)	Доим яшил, манзарали, тоғли ҳудудларда тарқалган
36.	Соқолчали қайин (Betula pendula Roth)	Тана ва шохлари жуда чиройли, танасининг ранги оқ ва қора аралаш
37.	Тяньшан қайини (Betula tianschanica Rupr.)	Манзарали, танасининг ранги оқ ва қора аралаш
38.	Капю толи (Salix capusii Franch.)	Манзарали, тана ва шоҳлари ўзига хос чиройли
39.	Андросов қайрағочи, садақайрағоч (Ulmus androssowii Litv.)	Шарсимон шаклга эга, манзарали
40.	Қора тут, шотут (Morus nigra L.)	Манзарали, чиройли
41.	Семенов заранги (Acer semenovii Regel & Herder)	Фақат тоғли ҳудудларда ўсади ва ёғочи жуда қаттиқ ва чиройли кўринишга эга
42.	Канада арғувони (Cercis canadensis L.)	Вегетация даврида жуда чиройли гуллайди
43.	Ленкаран акацияси (Albizia julibrissin)	Вегетация даврида жуда чиройли гуллайди, манзарали
44.	Юраксимон жука (Tilia cordata Mill.)	Манзарали, чиройли гуллайди ва ўзидан хушбўй ҳид чиқаради, кўп миқдорда нектар сақловчи
45.	Терисимон Скумпия (Cotinus coggygria Scop.)	Мевалари чиройли, манзарали дарахт
46.	Супурги кёльрейтерия (Koelreuteria paniculata Laxm.)	Гуллари сариқ рангда, гуллайди, ўзига хос чиройли
47.	Сохта каштан (Aesculus hippocastanum L.)	Манзарали ва чиройли гуллайди
48.	Бруссонетия (Broussonetia papyrifera)	Мевалари чиройли манзарали дарахт
49.	Туркистон заранги (Acer turkestanicum Pax)	Манзарали дарахт, Самарқанд вилоятининг жанубий ҳудудларида тарқалган
50.	Қорақарағай (Pinus nigra)	Мевалари чиройли манзарали дарахт
51.	Элдор қарағайи (Pinus eldarica)	Жуда чиройли манзарали дарахт
52.	Қрим қарағайи (Pinus nigra pallasiana)	Жуда чиройли манзарали дарахт
53.	Тикони кўк қарағай (Picea pungens Engelm)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
54.	Шренк қарағайи (Picea schrenkiana Fisch. & C.A. Mey.)	Манзарали дарахт
55.	Кедр, Гималай кедри (Thuja plicata D.Don.)	Камёб, чиройли ва манзарали

T/p	Турнинг илмий номи	Хусусияти
56.	Казак арчаси (Juniperus sabina L.)	Камёб, чиройли ва манзарали
57.	Доимий яшил кипарис (Cupressus sempervirens L.)	Жуда чиройли ва манзарали
58.	Глиптостробуссимон метасеквойя, Хитой метасеквояси (Metasequoia glyptostroboides Hu et Cheng)	Ўзига хос манзарага эга чиройли дарахт
59.	Лола дарахти (Liriodendron tulipifera L.)	Реликт ўсимлик, манзарали
60.	Йирик гулли магнолия (Magnolia grandiflora L.)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
61.	Магнолия (Magnolia L.)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
62.	Тўқ сариқ маклюра (Maclura pomifera)	Улкан чиройли дарахт
63.	Чўзиқ баргли тол (Salix linearifolia E. Wolf)	Чиройли дарахт
64.	Мажнунтол (Babytonica L.)	Серсоя, чиройли дарахт
65.	Узун барг жийда (Elaeagnus angustifolia L.)	Манзарали дарахт
66.	Шарқ жийдаси (Elaeagnus orientalis L.)	Манзарали дарахт
67.	Гўзал каталпа (Catalpa bignonioides walter)	Манзарали дарахт
68.	Сиверс олмаси, ёввойи олма (Malus sieversii M. Roem)	Камёб манзарали дарахт
69.	Форс қизилчетани (Sorbus persica Hedl.)	Манзарали дарахт
70.	Тяньшан қизилчетани (Sorbus tianschanica Rupr.)	Манзарали дарахт
71.	Туркистон четани (Sorbus turkestanica (Franch.) Hedl.)	Манзарали дарахт
72.	Туркистон дўланаси, қизил дўлана (Crataegus turkestanica Pojark.)	Манзарали дарахт
73.	Бухоро бодоми, ёввойи бодом (Amygdalus bucharica Korsh.)	Манзарали дарахт
74.	Йирик баргли жўка (Tilia platypholis Scop.)	Манзарали, чиройли гуллайди ва ўзидан хушбўй ҳид чиқаради.
75.	Тухумсимон баргли каталпа (Catalpa ovata G.Don.)	Чиройли гуллайди, мевалари чиройли, манзарали дарахт
76.	Хилокаталпа турлараро гибрид (Chitalpa Taschkentense T.S. Elias & Wisura.)	Чиройли манзарали дарахт
77.	Писсарди олхўриси (Prunus pissardii Popov.)	Вегетация даврида жуда чиройли гуллайди, манзарали
78.	Қизил заранг (Acer rubrum L.)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
79.	Суланжа магнолияси (Magnolia soulangeana Soul.-Bod.)	Доим яшил, манзарали, тана ва шохлари ўзига хос чиройли

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

Т/р	Турнинг илмий номи	Хусусияти
80.	Япон заранги (Acer palmatum Thunb.)	Доим яшил, манзарали, тана ва шоҳлари ўзига хос чиройли
81.	Баланд бўйли арча (Juniperus Excelsa M.B.)	Манзарали, тана ва шоҳлари ўзига хос чиройли
82.	Кавказ оққарағайи (Abies nordmanniana Stev.)	Доим яшил, манзарали, ўзидан хушбўй ҳид чиқаради
83.	Мевали зарнаб (Taxus baccata L.)	Доим яшил, манзарали, ўзидан хушбўй ҳид чиқаради
84.	Сохта сарв (Chamaecyparis lawsoniana (A.Myurrey bis) Parl.)	Жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
85.	Аризона сарвиси (Cupressus arizonica Greyene.)	Жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
86.	Ғарб туяси шарсимон формаси (Thuja o.f. globosa Gord.)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
87.	Устунсимон туя “Columna” формаси (Thuja *o.*f. columna Spaeth.)	Манзарали дарахт
88.	Доим яшил секвоя (Sequoia sempervirens (D.Don) Endl.)	Жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
89.	Узун баргли арча (Juniperus oblonga M.B.)	Жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
90.	Тангачабаргли арча (Juniperus sqaumata Lamb.)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
91.	Тоғ қарағайи “Mops” формаси (Pinus mugo f. Mops.)	Ер бағирлаб ўсувчи жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
92.	Атлас кедри “Glauca” формаси (Cedrus atlantica f. Glauca.)	Ер бағирлаб ўсувчи жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
93.	Казак арча “variegata” формаси (Juniperus sabina f. variegata.)	Жуда чиройли манзарали, доим яшил дарахт
94.	Казак арча “fastigata” формаси (Juniperus sabina f. fastigata.)	Қимматбаҳо манзарали дарахт
95.	Бурамасимон туя (Thuja plicata D.Don.)	Манзарали, чиройли гуллайди ва ўзидан хушбўй ҳид чиқаради
96.	Шарқ қорақарағайи (Picea orientalis (L.) Peterm.)	Чиройли гуллайди, мевалари чиройли, манзарали дарахт
III. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган (Ўзбекистон Қизил китобига киритилган) қимматбаҳо навли дарахтлар		
97.	Шарқ чинори, чинор (Platanus orientalis L.)	Ёввойи ҳолда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли жойларида ўсади
98.	Ўрта Осиё ноки, нашвати (Pyrus asiae-mediae Popov)	Фақат Тошкент вилоятидаги Пском дарёси бўйи Испай қишлоғида ўсади

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

Т/р	Турнинг илмий номи	Хусусияти
99.	Кавказ хурмоси (Diospyros lotus L.)	Ёввойи ҳолда Сурхондарё вилоятининг тоғли жойларида ўсади, манзарали дарахт
100.	Ёввойи чилонжийда (Ziziphus jujube Mill.)	Ёввойи ҳолда Сурхондарё вилоятининг тоғли жойларида ўсади, манзарали дарахт
101.	Бинафша гулли арғувон (Cercis griffithi Boiss)	Ёввойи ҳолда Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли ҳудудларида ўсади, манзарали дарахт
102.	Ошловчи тотум (Rhus coriaria L)	Ёввойи ҳолда Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли жойларида ўсади, манзарали дарахт
IV. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо навли буталар		
103.	Форзиция (Forsythia)	Манзарали, чиройли гуллайди
104.	Ҳинд сирени (Lagerstroemia indica L.)	Хушбўй ҳидли, манзарали гуллайди
105.	Япон толи (Chaenomeles japonica)	Манзарали, чиройли гуллайди
106.	Пираканта (Pyracantha L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
107.	Спирея (Spiraea)	Манзарали, чиройли гуллайди
108.	Гибискус (Hibiscus L)	Манзарали, чиройли гуллайди
109.	Бересклет (Euónymus)	Манзарали, чиройли.
110.	Самшит (Búxus L)	Манзарали, зич, ўзига хос чиройли
111.	Магония (Mahōnia aquifōlium)	Манзарали, чиройли камёб
112.	Қорақад барбарис (Bérberis L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
113.	Сирень (Syrínga vulgáris)	Манзарали, чиройли гуллайди
114.	Жасмин (Jasminum officinale)	Манзарали, чиройли гуллайди
115.	Оқ саксовул (Haloxylon Bunge.)	Саҳро ва чўлларда қум кўчишининг олдини олади, қум-тупроқ қатламини эрозиядан сақлайди
116.	Қора саксовул (Haloxylon ammodendron.)	Саҳро ва чўлларда қум кўчишининг олдини олади, қум-тупроқ қатламини эрозиядан сақлайди
117.	Ялтироқ баргли лигиструм (Ligustrum lucidum W.T.Aiton.)	Манзарали, доим яшил, чиройли гуллайди
118.	Тоғ мурч (Vitex agnus-castus L.)	Хушбўй ҳидли, манзарали гуллайди
119.	Юлиана зирки (Berberis juliana C.K.Schneid.)	Манзарали, доим яшил, чиройли гуллайди
120.	Испан дроки (Spartium junceum L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
121	Ёркин қизил рангли пираканта (Pyracantha coccinea M.Roem.)	Манзарали, доим яшил, чиройли гуллайди
122.	Давид будлеяси (Buddleja davidii Franch.)	Манзарали, чиройли гуллайди
123.	Оддий падуб (Ilex aquifolium) L.Падуб	Манзарали, чиройли гуллайди

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

Т/р	Турнинг илмий номи	Хусусияти
124.	Асл лавр (Laurus nobilis)	Манзарали, доим яшил, зич, ўзига хос чиройли
125.	Самбут гули (Nerium oleander L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
126.	Жаннат дарахти (Caesalpinia pulcherrima (L) SW.)	Манзарали, чиройли гуллайди
127.	Маданий нандина (Nandina domestica Thunb.)	Манзарали, чиройли гуллайди
128.	Фотиния (Photinia fraseri Dress)	Манзарали, доим яшил, чиройли гуллайди
129.	Олча баргли лавр (Prunus lavurocerasus L).	Манзарали, доим яшил, чиройли гуллайди
130.	Кўп рангли вейгелия (Weigela floribunda (Siebold & Zucc.) C.A. Mey)	Хушбўй ҳидли, манзарали гуллайди

”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга 15-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш ва (ёки) кўчириб ўтказиш учун рухсатнома

ПАСПОРТИ

1.	**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи:**	Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш ва (ёки) кўчириб ўтказиш учун рухсатнома
2.	**Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар):**	Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш ва (ёки) кўчириб ўтказиш
3.	**Ариза берувчилар тоифаси:**	Юридик ва жисмоний шахслар
4.	**Рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган:**	Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармалари
5.	**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:**	Ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахс учун – номи, СТИР, почта манзили, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва ҳисобварағи, телефон рақами; жисмоний шахс учун – Ф.И.О., ЖШ ШИР, почта манзили, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса), телефон рақами; кесиладиган ва (ёки) кўчириб ўтказиладиган дарахтлар ва буталарнинг тури ва сони; дарахтлар ва буталар жойлашган жой (туман, кўча, уй); кесишдан ва (ёки) кўчириб ўтказишдан мақсад.

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

<table>
<tr><td>6.</td><td>Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори:</td><td>Базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида</td></tr>
<tr><td>7.</td><td>Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун ундириладиган йиғим:</td><td>Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесганлик ва (ёки) кўчириб ўтказганлик учун тўлов МИҚДОРЛАРИ
<table>
<tr><th rowspan="2">Кесиш ёки кўчириб ўтказишга рухсат берилган дарахтларнинг ердан 1,3 метр баландликдаги танасининг диаметри ҳамда буталарнинг тана илдиз бўғзи диаметри, см</th><th colspan="2">Битта дарахтни (бутани) кесиш ёки кўчириб ўтказиш учун берилган рухсатнома қиймати миқдори
(белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан коэффициентларда)</th></tr>
<tr><th>Кам қимматли дарахт ва буталар тури: оддий арча, виргин арча (можжевельник), шарқ биотаси, айлант (сассиқ дарахт), ипак акация, совун дарахти, қоғоз дарахти, оқ тол, қора тол, япон софораси, оқ терак, кўк терак, қора терак, Туркистон тераги, мирза терак, тоғ терак, оддий ширин бодом, ўрик, олма, наъматак, чаканда, қандим, юлғун, оддий зирк ва бошқалар</th><th>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг рўйхатида назарда тутилган қимматбаҳо навли дарахт ва буталар (Ўзбекистон Қизил китобига киритилган дарахт ва буталар бундан мустасно)</th></tr>
<tr><td>4 см гача</td><td>0,2</td><td>0,4</td></tr>
<tr><td>4,1 – 8</td><td>0,3</td><td>0,6</td></tr>
<tr><td>8,1 – 12</td><td>0,4</td><td>1,0</td></tr>
<tr><td>12,1 – 16</td><td>0,6</td><td>1,3</td></tr>
<tr><td>16,1 – 20</td><td>1,0</td><td>1,8</td></tr>
<tr><td>20,1 – 24</td><td>1,5</td><td>2,5</td></tr>
<tr><td>24,1 – 28</td><td>1,8</td><td>3,5</td></tr>
<tr><td>28,1 – 32</td><td>2,3</td><td>4,5</td></tr>
<tr><td>32,1 – 36</td><td>3,3</td><td>5,5</td></tr>
<tr><td>36,1 – 40</td><td>4,4</td><td>6,5</td></tr>
<tr><td>40,1 – 44</td><td>5,2</td><td>8,0</td></tr>
<tr><td>44,1 – 48</td><td>6,2</td><td>9,5</td></tr>
</table></td></tr>
</table>

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

		48,1 – 52 | 7,2 | 10,5 52,1 – 56 | 8,2 | 11,5 56,1 – 60 | 9,2 | 13,5 60,1 – 64 | 10,5 | 14,5 64 сантиметрдан ортиқ диаметрнинг ҳар бир сантиметри учун тўлов 0,5 коэффициент миқдорида ошади. Буталар танасининг диаметри илдиз бўғзидан ўлчанади.
8.	**Аризани кўриб чиқиш муддати:**	10 иш куни
9.	**Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:**	а) ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талаб ва шартларига риоя қилиш; б) ваколатли орган томонидан белгиланган муддатларда ва жойларга рухсатнома асосида кесилган ҳар бир дарахт ва бута учун компенсация тарзида қимматлилиги жиҳатидан кесиладиган 10 туп дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчатларни экиш (дарахт – 5 йиллик, бута – 3 йиллик) ва уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, шунингдек, рухсатнома асосида кўчириб ўтказилган ҳар бир дарахт ва бутани уч йил давомида парвариш қилиш.
10.	**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришда келишиладиган органлар:**	Мавжуд эмас
11.	**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:**	Рухсатнома берилган йилнинг 31 декабрига қадар
12.	**Изоҳ:**	I. Дарахтлар ва буталарни кесиш – бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ҳамда реконструкция қилишда қурилиш майдонидаги ёки техника ва мосламаларнинг ишлашига, инфратузилмаларни жойлаштиришга халақит берадиган дарахтлар ва буталарни таг қисмидан кесиб олиб ташлаш. Дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш – бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ҳамда реконструкция қилишда қурилиш майдонидаги ёки техника ва мосламаларнинг ишлашига, инфратузилмаларни жойлаштиришга халақит берадиган дарахтлар ва буталарнинг илдиз тизимига шикаст етказмасдан, уларнинг яшовчанлигини сақлаб қолган ҳолда бошқа жойга экиш. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ва тана диаметри 15 сантиметргача бўлган дарахтларни, тана илдиз бўғзи диаметри 10 сантиметргача (кўп танали бутанинг йирик танасининг илдиз бўғзи диаметри ўлчанади) бўлган буталарни кўчириб ўтказишга рухсат берилади. Давлат дастурлари, транспорт ва йўл инфратузилмаси объектлари, йирик инвестиция лойиҳалари, шунингдек, давлат аҳамиятига эга бошқа лойиҳалар доирасида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

		рухсат берилган ўлчамдан ортиқ бўлган дарахт ва буталарни кўчириб ўтказишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари асосида рухсат берилади. II. Ушбу паспорт қоидалари қуйидагиларга татбиқ қилинмайди: жисмоний шахсларнинг томорқа ер участкаларида ўсадиган дарахтлар ва буталарга; питомник ва плантацияларда етиштириладиган дарахтлар, ниҳоллар ва буталарга; юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ва улар томонидан қурилиш материали ҳамда ҳосил олиш мақсадида экилган дарахтлар ва буталарга. III. Дарахтлар ва буталарнинг қуйидаги тоифалари ўрмон фондига кирмайди: шаҳарлардаги ҳамда бошқа аҳоли пунктларидаги дарахтлар ва бутазорлар, шунингдек, кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар; темир йўллар ва автомобиль йўлларининг, табиий ва сунъий сув оқимларининг, сув ҳавзаларининг ҳамда бошқа сув объектларининг ажратилган ҳудудларидаги иҳота дарахтзорлар; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги экинзорларнинг иҳота дарахтзорлари, шунингдек, бошқа дарахтлар ва бутазорлар; томорқа ер участкаларидаги ва боғ участкаларидаги дарахтлар ва бутазорлар. IV. Дарахтлар ва буталарни санитария мақсадида танасининг бир қисми ва (ёки) таг қисмидан (қуриган ва касалланган дарахтларни) ваколатли органнинг рухсатномаси асосида мазкур паспортнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган тўловларсиз кесилади. Дарахтлар ва буталарнинг шохларини санитария мақсадида кесиш ёки буташга рухсатнома талаб этилмайди. V. Дарахтлар ва буталарни кесиш ва (ёки) кўчириб ўтказишга бинолар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилишга, шунингдек, муҳандислик тадқиқот ишларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларда йўл қўйилади. Бунда кесилиши кўрсатилган дарахтлар ва буталарни ваколатли орган бошқа жойга кўчириш масаласини кўриб чиқади. Агар дарахтлар ва буталарни кўчиришнинг имкони бўлмаса ваколатли орган томонидан уларни кесишга рухсатномалар расмийлаштирилади. Дарахт ва буталарга санитар мақсадида шакл бериш, уларни рухсат этилган ўлчамдагиларини кўчириб ўтказиш – бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ ҳолда куз мавсумида ўсимликларни вегетация даври тугаган вақтдан бошлаб баҳор мавсумида ўсимликларни вегетация даври бошланишига қадар, заруратдан келиб чиқиб, дарахтларни кўчирадиган махсус техника мавжуд ҳолларда, кўкартириш кафолатланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

”.

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 464-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандниng саккизинчи хатбошиси “кўчириб ўтказиш –” сўзларидан кейин “рухсат берилган ўлчамдаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 8-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Давлат ўрмон фондига кирмайдиган, ердан 1,3 метр баландликдаги тана диаметри 15 сантиметргача бўлган дарахтлар ҳамда тана илдиз бўғзи диаметри 10 сантиметргача бўлган буталар рухсатнома асосида кўчириб ўтказилиши мумкин.

Давлат дастурлари, транспорт ва йўл инфратузилмаси объектлари, йирик инвестиция лойиҳалари, шунингдек, давлат аҳамиятига эга бошқа лойиҳалар доирасида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда мазкур бандниng тўртинчи хатбошисида белгиланган ўлчамлардан ортиқ бўлган дарахт ва буталарни кўчириб ўтказишга фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари асосида рухсат берилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга рухсатнома асосида ҳар бир кўчирилган дарахт ва бутани уч йил давомида парвариш қилиш мажбурияти юкланади”;

в) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Хатловни ўтказиш учун ҳар бир ҳудудда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари қабул қилинади. Ушбу қарорларда дарахтлар хатловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ) таркиби, хатловни ўтказиш вақти ва натижаларини тақдим этиш муддатлари белгиланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – Экология қўмитаси) ҳудудий бўлинмалари ишчи гуруҳларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи гуруҳ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда ўзларига тегишли ёки бириктирилган ҳудудларда тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда шакллантирилади”;

г) 18-бандниng учинчи хатбошисидаги “Давлат экология қўмитасига” сўзлари “Экология қўмитасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 21-банддаги “Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси” сўзлари “Экология қўмитаси, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 22-банд, 25-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари, 26-бандниng тўртинчи хатбошиси, 27-бандниng биринчи хатбошиси, 28-бандниng “б” кичик банди, 29-бандниng биринчи – учинчи хатбошилари, 30-банд, 34-бандниng иккинчи, учинчи ва олтинчи хатбошилари, 38-бандниng бешинчи ва олтинчи хатбошилари, 39-бандниng тўртинчи ва бешинчи хатбошилари, 40 ва 41-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги “Давлат экология қўмитаси” сўзлари “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

ж) 31-бандниng иккинчи хатбошиси “Дарахтлар ва буталарни кесиш” сўзларидан кейин “, кўчириб ўтказиш” сўзлари билан тўлдирилсин;

з) 32-бандда:

биринчи ва олтинчи хатбошилар “дарахтлар ва буталарни кесиш” сўзларидан кейин “, кўчириб ўтказиш” сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи ва ўнинчи хатбошилардаги “Давлат экология қўмитаси” сўзлари “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш ишлари Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари назорати остида ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ёки ушбу ер участкаларида лойиҳаларни амалга оширувчи буюртмачи ташкилот томонидан амалга оширилади. Бунда:

тегишли юридик ва жисмоний шахслар Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари, ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ёки ижарачиларига, шунингдек, бошқа манфаатдор шахсларга дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказишдан камида уч кун олдин унда иштирок этувчи вакиллар иштирокини таъминлаш юзасидан ёзма равишда хабар беради;

ёзма хабарномани олган манфаатдор шахслар дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш ишларида ўз вакиллари иштирокини таъминлайди;

кўчириб ўтказиш санаси, жойи (манзил ва жойининг контурлари) дарахтлар ва буталар сони, тури, кўчириб ўтказишнинг сабаби, ушбу жараёнда иштирок этган шахслар тўғрисидаги (Ф.И.О., ташкилот номи) маълумотлар кўрсатилган ҳамда фото материаллар илова қилинган ҳолда бир нусхада далолатнома тузилади ва иштирок этувчилар томонидан имзоланади;

далолатномада масъул шахсларнинг рухсатнома асосида кўчириб ўтказилган дарахт ва буталарни камида ўч йил давомида парвариш қилиш мажбурияти қайд этилади.

Кўчириб ўтказиш далолатномасининг асл нусхаси Экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида уч йилгача сақланади.”;

к) 37-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“дарахт ва буталарни санитар мақсадида кесиш, шакл бериш ҳамда уларнинг рухсат этилган ўлчамдагиларини кўчириб ўтказиш ишлари япроқ ва игна баргли турлар учун куз мавсумида – ўсимликларнинг вегетация даври якунлангандан бошлаб баҳор мавсумининг 1 апрелига қадар амалга оширилади.

Дарахт ва буталарни кўчириб ўтказиш ишлари, бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ёки реконструкция қилиш билан боғлиқ ҳолларда дарахт ва буталарни илдиз тупроғини (коми) сақлаган ҳолда амалга оширилади”;

QMMB: 09/26/342/0657-son
01.07.2026-y.

л) 2-иловада:

“1-босқич” позициясининг “Субъектлар” устунидаги “Давлат экология қўмитасининг” сўзлари “Экология қўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“3-босқич” позициясининг “Тадбирлар” устуни 3-бандидаги “Давлат экология қўмитасига” сўзлари “Экология қўмитасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

“4-босқич” позициясининг “Тадбирлар” устуни 2-банди ва “Субъектлар” устунидаги “Давлат экология қўмитасининг” ва “Давлат экология қўмитаси сўзлари тегишлича “Экология қўмитасининг” ва “Экология қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

26 (1254)-son
651-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 343 Toshkent sh.

Ҳайвонот дунёси йўқотишларининг ўрнини қоплаш ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёввойи ҳайвонларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳайвонот дунёси йўқотишларининг ўрнини қоплаш чораларини кучайтириш ҳамда экотизимлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармонига мувофиқ айрим ҳудудларда ва (ёки) йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган **ҳайвонларни ов қилишга чеклов жорий қилиш** белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, **2026 йил 1 августдан 2028 йил 1 январга қадар 1-иловага** мувофиқ Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёввойи ҳайвонларни ов қилиш тақиқланади. Бунда:

ушбу чеклов фермалар, питомниклар, инкубаторлар, балиқчилик питомниклари ва ҳовуз хўжаликларида сақланаётган ва (ёки) етиштирилаётган ёввойи ҳайвонларни ов қилиш, шунингдек, илмий ва тиббий мақсадларда фойдаланиш учун ов қилишга нисбатан татбиқ этилмайди;

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни шакллантириш ва тақсимлашда ов қилиш тақиқланган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёввойи ҳайвонлар турларига нисбатан квота ажратилишига йўл қўйилмайди.

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

3. Мудофаа вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2026 йил 1 августдан** бошлаб овчилар учун муқобил машғулот сифатида ўқ отиш спортига ихтисослаштирилган машқ полигонларида тасдиқланган режа-жадвал асосида масъул шахслар ҳамда инструкторлар иштирокида машғулотлар ўтказилишини таъминласин.

Бунда машғулотларда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ов қуроли ёки машқ полигонлари томонидан ижара асосида тақдим этилган спорт қуролларидан фойдаланишга рухсат берилади.

4. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

2026 йил 1 августга қадар Фанлар академияси ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда дарё ва сойлардаги ихтиофауна ҳолатини пухта ўрганган ҳолда, уларда кўпайтириш тавсия этиладиган балиқларнинг турлари рўйхатини тасдиқласин;

2026–2030 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2-иловага** мувофиқ рўйхатдаги республиканинг марказий шаҳарларидан оқиб ўтувчи дарё ва сойларни **ҳар йили жами 15 тоннадан кам бўлмаган миқдорда** чавоқлантириш орқали уларнинг ихтиофауна популяциясини қайта тиклаш чораларини кўрсин.

Бунда дарё ва сойларни чавоқлантириш билан боғлиқ харажатлар Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили молиялаштирилади.

5. Белгилансинки, **2026 йил 1 августдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар** республиканинг марказий шаҳарларидан оқиб ўтувчи дарё ва сойлар **ҳар йили жами 15 тоннадан кам бўлмаган миқдорда** Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Фанлар академияси томонидан тузиладиган рўйхат асосида чавоқлантирилади.

6. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

ноқонуний ов қилиш ва браконьерлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича назорат тадбирларини кучайтирсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтларда кенг ёритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "30" июн даги 343-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикасида ов қилиш тақиқланган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи юқори бўлган ёввойи ҳайвонлар

РЎЙХАТИ

Т/р	Ёввойи ҳайвонларнинг турлари		
	Давлат тилидаги номи	**Рус тилидаги номи**	**Лотин тилидаги номи**
	I. Қушлар		
1.	Оққуш-кликун	Лебедь-кликун	Cygnus cygnus
2.	Оққуш-шипун	Лебедь-шипун	Cygnus olor
3.	Жингалак сақоқуш	Кудрявый пеликан	Pelecanus crispus
4.	Қора лайлак	Чёрный аист	Ciconia nigra
5.	Оқбош ўрдак	Савка	Oxyura leucocephala
6.	Қизилтомоқ ғоз	Краснозобая казарка	Branta ruficollis
7.	Қизил ғоз	Фламинго	Phoenicopterus roseus
8.	Оқ пешонали кичик ғоз	Гусь-пискулька	Anser erythropus
9.	Бизғалдоқ	Стрепет	Tetrax tetrax
10.	Туркистон оқ лайлаги	Туркестанский белый аист	Ciconia ciconia ssp. asiatica
11.	Қоравой	Каравайка	Plegadis falcinellus ssp. falcinellus

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

T/p	Ёввойи ҳайвонларнинг турлари		
	Давлат тилидаги номи	**Рус тилидаги номи**	**Лотин тилидаги номи**
12.	Қошиқбурун	Колпица	Platalea leucorodia
13.	Тарғоқ	Кречётка	Chettusia gregaria
14.	Осиё моки лойхўраги	Азиатский бекасовидный веретенник	Limnodromus semipalmatus
15.	Оқбовур	Белобрюхий рябок	Pterocles alchata ssp. caudacutus
16.	Кичик қоравой	Малый баклан	Phalacrocorax pygmaeus
17.	Мармар чуррак	Мраморный чирок	Marmaronetta angustirostris
18.	Ола қанотли ўрдак	Белоглазый нырок	Aythya nyroca
19.	Қизилбош ўрдак	Красноголовый нырок	Aythya ferina
20.	Қора каптар	Бурый голубь	Columba eversmanni
21.	Ғуррак	Обыкновенная горлица	Streptopelia turtur ssp. arenicola ssp. turtur
22.	Кичик турна	Журавль- красавка	Grus virgo
23.	Кулранг турна	Серый журавль	Grus grus
24.	Тўхта тувалоқ	Дрофа (Дудак)	Great Bustard Otis tarda ssp. tarda
25.	Катта кўлбуқаси	Большая выпь	Botaurus stellaris
26.	Ҳимолай улари	Гималайский улар	Tetraogallus himalayensis
27.	Сув булдуруғи	Саджа	Syrrhaptes paradoxus

T/p	Ёввойи ҳайвонларнинг турлари		
	Давлат тилидаги номи	**Рус тилидаги номи**	**Лотин тилидаги номи**
28.	Қорабовур	Чернобрюхий рябок	Pterocles orientalis
29.	Зарафшон қирғовули	Зарафшанский фазан	Phasianus colchicus
30.	Хива қирғовули	Хивинский фазан	Phasianus colchicus chrysomelas
31.	Зах лойхўрак	Кулик-сорока	Haematopus ostralegus
32.	Бигиз тумшуқ	Шилоклювка	Recurvirostra avosetta
33.	Қоя каптари	Скальный голубь	Columba rupestris
34.	Йилқичи	Луговой конек	Anthus pratensis
35.	Жаннат пашшахўри	Райская мухоловка	Terpsiphone paradisi
36.	Оқ томоқли булбул	Соловей-белошейка	Irania gutturalis
II. Сут эмизувчилар			
37.	Қоплон	Переднеазиатский леопард	Panthera pardus ssp. saxicolor
38.	Сиртлон	Полосатая гиена	Hyaena hyaena ssp. hyaena
39.	Қор қоплони	Снежный барс	Panthera uncia
40.	Ўрта Осиё қундузи	Среднеазиатская выдра	Lutra lutra ssp. seistanica
41.	Туркистон силовсини	Туркестанская рысь	Lynx lynx ssp. isabellinus
42.	Қоракулоқ	Туркменский каракал	Caracal caracal ssp. michaelis

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

T/p	Ёввойи ҳайвонларнинг турлари		
	Давлат тилидаги номи	**Рус тилидаги номи**	**Лотин тилидаги номи**
43.	Ҳинд асалхўри	Индийский медоед	Mellivora capensis ssp. buechneri
44.	Сайғоқ	Сайгак	Saiga tatarica
45.	Кўк суғур	Сурок мензбира	Marmota menzbieri
46.	Қум мушуги	Барханный кот	Felis margarita ssp. thinobia
47.	Қорсак	Туркменский корсак	Vulpes corsac ssp. turcmenicus
48.	Олакўзан	Перевязка	Vormela peregusna
49.	Сариқ сассиққўзан	Степной хорь	Mustela eversmanni ssp. talassica
50.	Елик	Европейская косуля	Capreolus capreolus
51.	Тян-Шан тоғ қўйи	Тянь-Шанский горный баран	Ovis ammon ssp. karelini
52.	Оқ латча	Горностай	Mustela erminea
53.	Қизил суғур	Красный сурок	Marmota caudata
54.	Бўрсиқ	Барсук	Meles meles
55.	Жайра	Дикобраз	Hystrix leucura
56.	Хонгул (Бухоро буғуси)	Бухарский олень	Cervus elaphus (hanglu) bactrianus

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

T/p	Ёввойи ҳайвонларнинг турлари		
	Давлат тилидаги номи	**Рус тилидаги номи**	**Лотин тилидаги номи**
III. Балиқлар			
57.	Орол мўйлабдори	Аральский усач	Luciobarbus brachycephalus
58.	Орол баҳриси	Аральский шип	Acipenser nudiventris
59.	Амударё кичик куракбуруни	Малый амударьинский лопатонос	Pseudoscaphirhynchus hermanni
60.	Амударё катта куракбуруни (қилқуйруқ)	Большой амударьинский лопатонос	Pseudoscaphirhynchus kaufmanni
61.	Чўртансифат оққайроқ	Щуковидный жерех	Aspiolucius esocinus
62.	Амударё гулбалиғи	Амударьинская форель	Salmo oxianus
IV. Судралиб юрувчилар			
63.	Бўз эчкемар	Среднеазиатский серый варан	Varanus griseus
64.	Қум бўғма илони	Песчаный удавчик	Eryx miliaris
65.	Шарқ бўғма илони	Восточный удавчик	Eryx tataricus ssp. tataricus ssp. speciosus
V. Умуртқасизлар			
66.	Туркистон қисқичбақаси	Туркестанский рак	Pontastacus kessleri

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “30” ИЮН даги 343-сон қарорига
2-илова

2026 йилдан бошлаб ҳар йили чавоқлантириш орқали ихтиофауна популяциясини қайта тиклаш чоралари кўриладиган республиканинг марказий шаҳарларидан оқиб ўтувчи дарё ва сойлар

РЎЙХАТИ

Т/р	Дарё ва сойлар номлари	Шаҳар номи	Ҳудуд номи	Бир йил давомида чавоқлантириш миқдори *(тонна)*
I. Дарёлар				
1.	Амударё	Нукус шаҳри	Қорақалпоғистон Республикаси	5,2
2.	Сирдарё	Гулистон шаҳри	Сирдарё вилояти	4,9
3.	Сангзор	Жиззах шаҳри	Жиззах вилояти	1,14
4.	Қорадарё	Самарқанд шаҳри	Самарқанд вилояти	0,68
5.	Қашқадарё	Қарши шаҳри	Қашқадарё вилояти	0,5
6.	Танхоз	Шаҳрисабз шаҳри		0,1
7.	Сурхондарё	Термиз шаҳри	Сурхондарё вилояти	0,02
Жами				**12,54**
II. Сойлар				
1.	Марғилонсой	Фарғона шаҳри	Фарғона вилояти	0,63
2.		Марғилон шаҳри		0,63

QMMB: 09/26/343/0658-son
01.07.2026-y.

3.	Бешолишсой	Фарғона шаҳри		0,5
4.	Наймансой	Қўқон шаҳри		0,2
5.	Намангансой	Наманган шаҳри	Наманган вилояти	0,5
Жами				**2,46**
Ҳаммаси				**15,0**

Изоҳ. *Ушбу рўйхатдаги дарё ва сойларни чавоқлантириш билан боғлиқ харажатлар Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

26 (1254)-son
652-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 344 Toshkent sh.

Пайариқ давлат ўрмон хўжалиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўрмон фонди ерларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ–4850-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўрмонлар ҳудудларини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ва чўлланишга қарши курашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

давлат муассасаси шаклидаги **Пайариқ давлат ўрмон хўжалигини ташкил этиш**;

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги **ўрмон ҳудудлари ва ўрмон билан қопланган майдонларни кенгайтириш**.

2. Қуйидагилар:

Пайариқ давлат ўрмон хўжалигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкалари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги давлат ўрмон хўжаликларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкалари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказиш тўғрисида Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклиф киритилишини ҳамда ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

4. Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ ер участкаларининг ер фонди тоифалари белгиланган тартибда ўзгартирилгач, **бир ой муддатда** Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Белгилансинки, Пайариқ давлат ўрмон хўжалиги фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси **бир ой муддатда** Пайариқ давлат ўрмон хўжалигининг тузилмаси ва штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқлаш ҳамда уни юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "30" ИЮН даги 344-сон қарорига
1-илова

Пайариқ давлат ўрмон хўжалигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкалари

РЎЙХАТИ

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
Самарқанд вилояти					
Пайариқ тумани	"Дўстлик" массиви	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги	10 968,72	1840, 1842, 1843, 1844, 1846, 1848, 1850, 1851, 1854, 1855, 1856, 1872, 1873, 1874, 1876, 1880, 1881, 1882, 1890, 1891, 1892, 1893, 1897, 1898, 1899, 1900, 1901, 1902, 1903, 1904, 1905, 1906, 1907, 1908, 1911, 1913, 1914, 1918, 1920, 1922, 1924, 1925, 1926, 1929, 1931, 1932, 1933, 1934, 1937, 1938, 1940, 1942, 1943, 1944, 1945, 1946, 1947, 1948, 1949, 1953, 1958, 1959, 1968, 1974, 1977, 1980, 1984, 1985, 1986, 1987, 1991, 1993, 1994, 2000, 2001, 2002, 2004, 2006, 2009, 2010, 2011, 2014, 2019, 2022, 2023, 2025, 2026, 2031, 2039, 2040, 2041, 2044, 2051, 2053, 2054, 2055, 2063, 2064, 2066, 2078, 2084, 2087, 2090, 2091, 2092, 2096, 2097, 2098, 2099, 2100, 2101, 2102, 2103, 2104, 2107, 2108, 2113, 2114, 2117, 2131, 2135, 2137, 2139, 2145, 2146, 2164, 2165, 2166, 2167, 2175, 2176, 2177, 2178, 2179, 2180, 2194,	Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				2196, 2210, 2211, 2212, 2253, 2258, 2262, 2265, 2267, 2269, 2270, 2271, 2275, 2278, 2281, 2282, 2284, 2366, 2368, 2372, 2435, 2440, 2448, 2632	
Пайариқ тумани	“Халқаобод” массиви	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги	20 552,28	3, 4, 5, 6, 8, 9, 15, 34, 41, 61, 78, 87, 89, 99, 101, 109, 117, 121, 123, 124, 125, 128, 130, 131, 144, 148, 151, 152, 153, 164, 173, 179, 197, 198, 200, 212, 215, 217, 219, 221, 230, 231, 238, 240, 248, 253, 254, 256, 259, 262, 265, 266, 269, 271, 272, 279, 282, 284, 288, 293, 294, 299, 301, 304, 305, 306, 307, 308, 310, 312, 316, 322, 327, 334, 340, 346, 352, 356, 358, 366, 369, 370, 371, 372, 374, 376, 378, 380, 381, 382, 384, 385, 386, 390, 393, 394, 396, 398, 399, 405, 412, 414, 423, 427, 428, 429, 430, 432, 433, 434, 437, 438, 439, 440, 441, 443, 444, 446, 448, 449, 450, 451, 452, 454, 455, 456, 457, 459, 460, 461, 462, 464, 465, 466, 469, 470, 473, 477, 480, 486, 490, 496, 497, 501, 505, 506, 509, 510, 511, 512, 513, 514, 515, 516, 517, 518, 519, 520, 522, 524, 526, 527, 530, 531, 532, 535, 536, 538, 539, 541, 542, 543, 545, 546, 550, 551, 552, 553, 554, 555, 556, 557, 558, 559, 560, 561, 562, 563, 564, 568, 571, 572, 574, 577, 580, 581, 585, 588, 593, 600, 604, 608, 612, 613, 618, 624, 625, 626,627, 628, 629, 630, 631, 637, 638, 639, 640, 641, 646, 647, 649, 663, 664, 666, 668, 671, 672, 673, 679, 688, 690, 692, 695, 701,	Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				710, 719, 720, 726, 728, 730, 732, 734, 735, 736, 737, 738, 739, 740, 741, 746, 752, 754, 755, 760, 765, 766, 770, 774, 781, 787, 788, 793, 794, 802, 809, 814, 815, 824, 826, 827, 831, 833, 835, 837, 847, 851, 861, 873, 888, 890, 896, 897, 898, 899, 903, 904, 905, 906, 907, 908, 909, 910, 911, 912, 913, 914, 915, 916, 918, 919, 923, 924, 925, 926, 927, 928, 930, 931, 934, 935, 936, 938, 941, 942, 943, 944, 945, 948, 949, 950, 951, 952, 953, 954, 957, 959, 960, 961, 962, 963, 964, 967, 968, 971, 972, 973, 974, 977, 978, 979, 981, 983, 984, 985, 986, 990, 991, 993, 1004, 1006, 1034, 1040, 1051, 1055, 1058, 1059, 1060, 1061, 1062, 1063, 1064, 1066, 1068, 1075, 1078, 1079, 1081, 1088, 1090, 1091, 1093, 1104, 1107, 1114, 1117, 1118, 1125, 1132, 1141, 1147, 1149, 1172, 1176, 1177, 1181, 1182, 1183, 1184, 1186, 1192, 1193, 1194, 1200, 1202, 1207, 1209, 1211, 1212, 1213, 1214, 1215, 1217, 1219, 1241, 1255, 1258, 1259, 1262, 1263, 1271, 1272, 1280, 1298, 1304, 1306, 1310, 1329, 1338, 1343, 1350, 1351, 1359, 1360, 1364, 1368, 1370, 1373, 1374, 1376, 1377, 1386, 1388, 1394, 1396, 1401, 1403, 1404, 1405, 1406, 1407, 1408, 1410, 1411, 1416, 1423, 1426, 1429, 1431, 1434, 1437, 1438, 1441, 1442, 1443, 1444, 1446, 1447, 1448, 1450, 1456, 1464, 1465, 1468, 1470,	

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				1471, 1473, 1477, 1479, 1480, 1487, 1489, 1491, 1492, 1494, 1503, 1505, 1526, 1528, 1536, 1549, 1566, 1587, 1588, 1595, 1596, 1607, 1622, 1629, 1630, 1631, 1632, 1638, 1642, 1664, 1669, 1674, 1678, 1682, 1687, 1689, 1692, 1695, 1703, 1705, 1709, 1710, 1716, 1719, 1731, 1734, 1738, 1752, 1753, 1755, 1756, 1760, 1762, 1765, 1769, 1772, 1773, 1774, 1775, 1779, 1780, 1781, 1782, 1790, 1799, 1809, 1810, 1814, 1815, 1817, 1822, 1839	
Жами			**31 521,0**		

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил "30" июн даги 344сон қарорига
2-илова

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги давлат ўрмон хўжаликларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкалари

РЎЙХАТИ

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
I. Жиззах вилояти						
Шароф Рашидов тумани	Уоб қишлоғи ва Молгузар тоғи оралиғи (собиқ "С.Нуриев" массиви)	Захира ерлар	846,6	893, 972, 977, 979, 983, 987, 988, 989, 991	Жиззах давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари
Жами			**846,6**			
II. Қашқадарё вилояти						
Нишон тумани	"Нишон" массиви	Захира ерлар	1 105,0	4579, 4581, 4582, 4583, 4584, 4587, 4589, 4590, 4591, 4594, 4596, 4597, 4600, 4601, 4602, 11697, 11748, 11749, 11750, 11751, 11755, 11757, 11763, 11770, 11777, 11779, 11783, 12196	Шўртан давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
Миришкор тумани	“Помиқ” массиви	Захира ерлар	2 495,0	1, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 63, 64, 65, 66, 67, 99, 100, 134, 135, 136, 137, 139, 203, 231, 232, 233, 234, 235, 236, 318, 319, 320, 321, 322, 323, 324, 325, 332, 333, 334, 340, 346, 347, 348, 349, 353, 355, 367, 368, 369, 391, 392, 393, 394, 395, 396, 402, 403, 409, 415, 416, 417, 419, 420, 422, 453, 455, 456,	Қашқадарё давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари
	“Авазчўл” массиви			5969, 5970, 5979, 5981, 5982, 5985, 5986, 5987, 5999, 6000, 6001, 6020, 6021, 6022, 6022, 6055, 6134, 6136, 6137, 6149		
Муборак тумани	“Муборак” массиви	Захира ерлар	1 453,6	729, 7000, 7001, 7004, 7012, 7013, 7014, 7015, 7018, 7127, 7130, 7131, 7197, 7198, 7199, 7200, 7203, 7204, 7207, 7225, 7226, 7228, 7229, 7230, 7233, 7234, 7237, 7239, 7241, 7242, 7243, 7244,	Муборак давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				7292, 7294, 7295, 7392, 7399, 7400, 7485, 7486, 7487, 7502, 7503, 7504, 7505, 7520, 7521, 7525, 7526, 7527, 7528, 7530		
Жами			**5 053,6**			
III. Самарқанд вилояти						
Нуробод тумани	“Нурбулоқ” массиви	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги	5 000,0	6698, 7050, 7052, 7055, 7056, 7213, 7214, 7215, 7216, 7448, 7450, 7455, 7456, 7457, 7458, 7459, 7460, 7460, 7470, 9068, 9069, 9073, 9077, 9078, 9145, 9147, 9151, 9152, 9155, 9317, 9329, 9331, 9332, 9346, 9347, 9348, 9349, 9351, 9352, 9353, 9356, 9359, 9361, 9364, 9367, 9368, 9369, 9692, 9694, 9695, 9698, 9699, 9705, 9708, 9709, 9712, 9713, 9714, 9736, 9738, 9739, 9745, 9761, 9762, 9763, 9764, 9766, 9779, 9780, 10018, 10022, 10023, 10024, 10025,	Саройқўрғон давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				10026, 10027, 10028, 10029, 10030, 10059, 10062, 10063, 10067, 10068, 10069, 10074, 10075, 10076, 10077, 10082, 10088, 10090, 10092, 10639, 10641, 10661, 10757, 10758		
Ургут тумани	“А.Навоий” массиви	Захира ерлар	5 500	1805, 1806, 1823	Ургут давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари
	“О.Узоқов” массиви			1479, 1480, 1481, 1482, 1483, 1489, 1504, 1505, 1506, 1507, 1508, 1509, 1536, 1537, 1538, 1544, 1545, 1546, 1547, 1548, 1549, 1556, 1559, 1560, 1561, 1563, 1564		
	“М.Улуғбек” массиви			6185, 6995, 6996, 6998, 6999, 7000, 7001, 7010, 7042, 7055, 7056, 7057, 7058, 7060, 7061, 7062, 7063		
	“Ўзбекистон” массиви			14794, 14795, 14796, 14797, 14919, 14920, 14921, 14922, 14923,		

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				14924, 14925, 14926, 14951, 14952		
	“Ғиждувон” массиви			877, 880, 881, 883, 883, 884, 910, 911, 913, 915		
	“Мўминобод” массиви			16752, 16753, 16754, 16756, 16757, 16758, 16759, 16760, 16761, 16749		
Пахтачи тумани	“Ш.Қаҳҳоров” массиви	Захира ерлар	143,11	385, 386, 387, 388, 389, 390, 391, 392, 399, 414, 416, 417, 418, 421, 422, 423, 424, 425, 426, 427, 428, 429, 430, 431, 434, 438	Пахтачи давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари
	“Н.Зиёвиддин” массиви			628,629,630,631		
Жами			**10 643,11**			
IV. Сирдарё вилояти						
Миразобод тумани	“М.Улуғбек” массиви	Захира ерлар	643,0	4, 5, 37, 38, 103, 221, 222, 223, 230, 231, 232, 485, 548, 549, 550, 551	Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги	Ўрмон фонди ерлари
	“Ю.Охунбобоев” массиви			102, 110, 111, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 120, 123, 124, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136,		Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
				137, 138, 139, 140, 145, 146, 147, 148, 149, 150, 151, 152, 153, 154, 156, 160, 161, 165, 167, 168, 172, 173, 177, 180, 181, 183, 185, 186, 187		
	“Янгиҳаёт” массиви			97, 98, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 143, 145,		Ўрмон фонди ерлари
	“Шифокор” массиви			8, 12, 13, 24, 25, 26, 27, 28, 42, 43, 44, 45, 47, 48, 49, 50, 52, 53, 54, 55, 56, 57		Ўрмон фонди ерлари
Сирдарё тумани	“Синдаробод” массиви	Захира ерлар	158,72	98, 163, 164, 167, 170, 176, 178, 179, 185, 188, 208, 261, 403, 404, 413, 487, 489, 499, 506, 508, 512		Ўрмон фонди ерлари
	“И.Каримов” массиви			2, 3, 40, 43, 44, 45, 140, 149, 161, 162, 165, 166, 192		Ўрмон фонди ерлари
	“Ўзбекистон” массиви			1, 3, 17		Ўрмон фонди ерлари
	“Истиқлол” массиви			82, 155, 165, 166, 167, 168, 169, 172		Ўрмон фонди ерлари
	“Янгиҳаёт” массиви			4, 82, 88, 149, 153, 165, 168, 170, 173		Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
	“Малик” массиви			205, 387, 388, 389, 390, 391, 406, 407, 408, 409, 411, 421		Ўрмон фонди ерлари
Мирзаобод тумани	“Т.Аҳмедов” массиви			594, 596, 599, 602, 605, 609, 613, 685, 688, 689		Ўрмон фонди ерлари
Ховос тумани	“Ховособод” массиви			2946, 2948, 2949, 2955, 2956, 2959, 2964, 2966, 2967, 2969		Ўрмон фонди ерлари
	“Фарҳод” массиви			375, 376		Ўрмон фонди ерлари
	“Чамбил” массиви			3765, 3767, 3770, 3773, 3776, 3788, 3789, 3896, 3899, 3902, 3903, 3904, 3906, 3907		Ўрмон фонди ерлари
	“Заҳириддин Муҳаммад Бобур” массиви			3967, 3970, 3973, 3976, 4063, 4072, 4075, 4076, 4123, 4271		Ўрмон фонди ерлари
Оқолтин тумани	“Андижон” массиви			3, 8, 16, 20, 22, 25		Ўрмон фонди ерлари
	“Мустақил диёр” массиви			463, 465, 467, 471, 472, 474, 476, 477		Ўрмон фонди ерлари
	“Фарғона” массиви			698, 699, 701, 702, 707, 708, 709, 716, 718, 720, 721		Ўрмон фонди ерлари

QMMB: 09/26/344/0659-son
01.07.2026-y.

Туман номи	Массив номи	Ердан фойдаланувчи	Ер майдони *(га)*	Контур рақами	Ўтказиладиган давлат ўрмон хўжалиги	Ўтказиладиган ер фонди тоифаси
	“С.Сиддиқов” массиви			993, 994, 996, 998, 999, 1000, 1002, 1003, 1004, 1005, 1007, 1008, 1009, 1011, 1012, 1013, 1016, 1017, 1022, 1024, 1025, 1028, 1044		Ўрмон фонди ерлари
	“А.Тоиров” массиви			2374, 2377, 2380		Ўрмон фонди ерлари
Жами			**801,72**			
Барчаси			**17 345,03**			

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO'LIM 1

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

26 (1254)-son
653-modda

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 349 Toshkent sh.

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказишни такомиллаштириш ва давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон ҳамда “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотларни илғор халқаро амалиёт асосида жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ–25-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда – Регламент) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

аккредитация талаблари ва шартлари;

аккредитациядан ўтказишни, шу жумладан, Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёхуд “e-akkreditatsiya” ахборот тизими орқали ташкил этиш;

аккредитация, такрорий аккредитация, аккредитация соҳасини кенгайтириш, қисқартириш ва даврий баҳолаш;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш, тўхтатиш (тиклаш) ва тугатиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасаси Адлия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП ёхуд “e-akkreditatsiya” ахборот тизими орқали кўрсатилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ушбу қарорга мувофиқ давлат хизмати кўрсатилишининг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 30 июн даги 349 -сон қарорига
1-илова

Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда – Регламент) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат муассасасининг (кейинги ўринларда – Марказ) мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятини аккредитациядан ўтказиш ва даврий баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аккредитация – мувофиқликни баҳолаш органларининг муайян фаолият соҳасида мувофиқликни баҳолашга доир ишларни бажаришга ваколатлилигини аккредитация органи томонидан расман тасдиқлаш;

аккредитация белгиси – аккредитациядан ўтказилган субъектларнинг аккредитация мақомини кўрсатиш мақсадида улар қўллаши учун мўлжалланган Марказ томонидан бериладиган белги;

аккредитация бўйича баҳоловчи – мувофиқликни баҳолаш органини баҳолаш учун аккредитация органи томонидан тайинланган, мазкур фаолиятни мустақил равишда ёки баҳолаш гуруҳи таркибида амалга оширадиган жисмоний шахс;

аккредитация бўйича техник эксперт – аккредитация органи томонидан тайинланган, аккредитация бўйича баҳоловчи раҳбарлигида ишлайдиган, баҳоланаётган аккредитация соҳасида махсус билимларга ёки кўникмаларга эга бўлган ва мустақил баҳолашни амалга оширмайдиган жисмоний шахс;

аккредитация комиссияси – Марказ ҳузурида ташкил этиладиган комиссия бўлиб, аккредитация талаблари ва шартларига оид ишлар натижаларини кўриб чиқиш ҳамда ушбу Регламентда назарда тутилган тегишли қарорларни қабул қилиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади;

аккредитациядан ўтказилган субъект – миллий аккредитация тизимида аккредитациядан ўтказилган мувофиқликни баҳолаш органи ва метрология хизмати;

аккредитация соҳаси – фаолиятнинг муайян соҳаси бўлиб, унда аккредитация учун аккредитация объектининг ёхуд аккредитациядан ўтказилган субъектнинг ваколатлилиги тасдиқланади ёки тасдиқланган бўлади;

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома – аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитациянинг белгиланган соҳасидаги ишларни бажаришга ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжат;

аккредитация учун ариза берувчи (кейинги ўринларда – аккредитация объекти) – аккредитация учун ариза берган мувофиқликни баҳолаш органи;

апелляция комиссияси – аккредитация органининг аккредитациядан ўтказиш, аккредитациядан ўтказишни рад этиш, аккредитациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартиришга доир қарорлари бўйича апелляцияларни кўриб чиқиш ҳамда қарорлар қабул қилиш мақсадида аккредитация органи ҳузурида тузиладиган комиссия;

баҳолаш гуруҳи раҳбари – зиммасига баҳолаш жараёнига раҳбарлик қилиш учун умумий масъулият юкланган ва Марказ томонидан ваколат берилган баҳоловчи;

баҳолаш – аккредитациянинг аниқ бир соҳаси учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, стандартлар ва аккредитация тартиб-таомилларини белгиловчи ҳужжатлар асосида аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект ваколатли эканини аниқлаш мақсадида Марказ томонидан амалга ошириладиган жараён;

даврий баҳолаш – аккредитациядан ўтказилган субъект фаолиятининг аккредитация даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини аккредитация даврида қайта баҳолаш тартиб-таомили;

Миллий аккредитация тизими реестри – аккредитациядан ўтказилган субъектлар, шунингдек, аккредитация тўғрисидаги гувоҳномаларнинг жорий мақоми ҳақидаги расмий ахборот базаси;

мувофиқликни баҳолаш органи – мувофиқликни баҳолашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

“e-akkreditatsiya” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) – мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация жараёнлари амалга ошириладиган ахборот тизими.

2-боб. Аккредитация талаблари ва шартлари

3. Қуйидагилар аккредитациянинг умумий талаб ва шартлари ҳисобланади:

аккредитация объектлари ёки аккредитациядан ўтказилган субъектларининг ваколати ва баҳолашга қўйилган талабларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, стандартлар ва аккредитация тартиб-таомилларини белгиловчи ҳужжатларга мажбурий риоя қилиш;

аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида (шу жумладан, ижара ҳуқуқлари асосида) тааллуқли бўлган бино ва иншоотлар, техник-технологик ҳамда аппарат-дастурий воситаларнинг мавжудлиги;

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

жорий этилган ва амалдаги менежмент тизимининг мавжудлиги ҳамда аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект фаолиятида унинг талабларига риоя этиш, уларга ўзгартиришларни киритишда амалдаги менежмент тизимининг яхлитлигини сақлаш;

малакаси аккредитация жараёнида Марказ томонидан баҳоланадиган ва аккредитациянинг ариза берилган соҳасида малакали мутахассисларнинг штат бирлигида мавжудлиги, уларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

аккредитациянинг ариза берилган соҳасига мувофиқ ҳужжатларнинг мавжудлиги;

аккредитация объектлари ва аккредитациядан ўтказилган субъектлар томонидан ушбу Регламентнинг 18, 31-бандларда, шунингдек, 9–11-бобларида кўрсатилган тартибларга ҳамда аккредитация соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида белгиланган талабларга ва мезонларга риоя қилиш.

4. Қуйидагилар аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъектни аккредитациядан ўтказиш ва ўз фаолиятида белгиланган талабларга риоя этиши учун қўшимча шартлар ҳисобланади:

а) маҳсулотларни сертификатлаш органи сифатида:

аккредитация объектининг ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва истеъмолчилардан мустақиллиги;

баҳоланаётган объектнинг техник регламент ва стандартларида белгиланган мажбурий кўрсаткичларнинг аксарият қисми аниқлашини таъминлайдиган, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган ўз синов лабораториясининг (маркази) мавжудлиги;

баҳоланаётган объект мажбурий кўрсаткичларининг етишмаётган қисми аниқлашини таъминловчи аккредитациядан ўтказилган бошқа синов лабораториялари (марказлари) билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг мавжудлиги;

б) инспекция органи сифатида аккредитациянинг ариза берилган соҳасида маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш учун тегишли техника воситалари ва асбоб-ускуналар ёки лабораториянинг мавжудлиги (зарур ҳолларда);

в) хизматлар, жараёнлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаш органининг баҳоланаётган тарафдан мустақиллиги;

г) синов, калибрлаш ва тиббиёт лабораториялари (марказлари):

стандартлар, синаш ва калибрлаш усуллари (услубиятлари) талабларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва атроф-муҳит шароитларининг мавжудлиги;

аккредитациянинг ариза берилган соҳасига мувофиқ синовлар ўтказилишини ва (ёки) ўлчашлар бажарилишини таъминлайдиган синаш, ўлчаш воситалари, стандарт намуналар ва синаш асбоб-ускуналарининг мавжудлиги;

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

аккредитациядан ўтказилган лабораториялар синов баённомаларининг (ишлаб чиқаришдаги лабораториялар ички эҳтиёжлари учун ўтказган синовлари бундан мустасно) ахборот тизимида рўйхатга олинган ҳолда расмийлаштирилиши;

лабораториялараро солиштириш синовлари ҳамда ўлчаш воситаларини калибрлаш натижалари, шунингдек, малака тестлари ўтказилгани.

5. Тадбиркорлик субъектлари томонидан аккредитациядан ўтказилган икки ва ундан ортиқ мувофиқликни баҳолаш хизматлари йўлга қўйилган соҳада давлат органлари ва ташкилотлари синов лабораториялари ва сертификатлаш органларини ташкил этишига йўл қўйилмайди.

6. Аккредитациядан ўтказилган синов, калибрлаш, тиббиёт лабораториялари (марказлари) амалдаги аккредитация соҳасига мувофиқ ўзи қўллаётган синов ва ўлчаш воситаларидан, стандарт намуналардан ва синаш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва (ёки) уларни қўллаш ҳуқуқларининг аккредитациядан ўтишга талабгор бўлган аккредитация объектлари фойдасига берилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3-боб. Аккредитациядан ўтказиш тартиби

7. Аккредитация объектларини ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ аккредитациядан ўтказиш амалга оширилади.

Аккредитация объекти Марказ томонидан белгиланган шакл бўйича Марказга Регламентнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда, Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёхуд ахборот тизими орқали ариза (кейинги ўринларда – буюртма) беради.

Аккредитация объекти зарур маълумотларни буюртмага киритгандан сўнг ундаги маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (elektron imzo, Mobil-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Аккредитация объекти ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Буюртма ахборот тизимлари орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида аккредитация объекти томонидан юборилиши мумкин.

Бунда буюртма иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари Марказга келиб тушганда, навбатдаги иш куни буюртманинг Марказга тушган ва у томонидан қабул қилинган кун ҳисобланади.

8. Аккредитация объекти буюртмага қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилади:

аккредитация соҳаси лойиҳаси;

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

аккредитация объектларининг ваколати ва баҳолаш талабларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар ва аккредитация тартиб-таомилларини белгиловчи ҳужжатларга риоя қилингани юзасидан ўзини-ўзи баҳолаш анкетаси (чек-лист);

сифат бўйича қўлланма ва менежменти тизими тартиб-тамойил ҳужжатлари;

маҳсулот, хизматлар, жараёнлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаш органлари ва инспекция органи учун қўшимча равишда – ходимлар тўғрисидаги маълумотлар, сертификатлаш (инспекциядан ўтказиш) тартиби тўғрисидаги ҳужжат ва инспекция органи томонидан қўлланадиган (зарур ҳолларда) техника воситалари ва асбоб-ускуналар ҳақидаги ҳужжат;

синов, калибирлаш ва тиббиёт лабораториялари (марказлари) учун қўшимча равишда – лаборатория, ходимлар ва улар томонидан қўлланадиган синаш, ўлчаш воситалари ҳамда синов ускунаси тўғрисидаги маълумотлар.

9. Аккредитация объектидан ушбу Регламентнинг 8-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Аккредитация объекти ўз ихтиёрига кўра аккредитация объектига алоқадор қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилиши мумкин.

10. Буюртма таҳлили натижасида буюртма билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларда нотўғри, ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилганда ёки Регламентнинг 8-бандида белгиланган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, бир иш кунидан кечикмай аккредитация объектига ҳужжатлар пухта ишлаб чиқиш учун қайтарилади.

Агар буюртманинг таҳлили натижасида аккредитация объектини баҳолашга жалб этилиши мумкин бўлган тегишли баҳоловчи ва техник экспертлар бошқа аккредитация объектларини баҳолаш жараёнларига жалб этилган бўлса, Марказ бу хақида аккредитация объектида дастлабки баҳолаш жараёнларини амалга ошириш муддатлари тўғрисида ёзма хабар бериб, унда томонларга қулай бўлган муддат таклиф этилиши лозим. Бунда таклиф этиладиган муддат уч ойдан ошмаслиги талаб этилади.

Буюртманинг таҳлили натижаси ижобий бўлганда, шунингдек, ушбу бандниг иккинчи хатбошисида келтирилган ҳолларда дастлабки баҳолаш жараёнларини амалга ошириш муддатлари келишиб олинганидан сўнг, икки иш кунидан кечикмай ҳужжатлар экспертизаси бўйича шартнома тайёрланади ва аккредитация объектига юборилади.

Аккредитация объекти давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Аккредитация объекти давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг буюртмаси кўрилмасдан қолдирилади.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

11. Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун тўлов тўлангач, уч иш куни давомида Марказ томонидан малакаси баҳоланган ва рўйхатга олинган баҳоловчилар ҳамда техник экспертлардан иборат баҳолаш гуруҳи шакллантирилади.

12. Баҳолаш гуруҳи таркиби аккредитация объектининг асосланган таклифларини инобатга олган ҳолда, у билан келишиб олинганидан сўнг тақдим этилган аккредитация объекти ҳужжатлари экспертизадан ўтказилади. Экспертизадан ўтказиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш натижасида аккредитация талаблари ва шартларига номувофиқликлар аниқланса, Марказ жойнинг ўзида баҳолашни давом эттирмаслик юзасидан қарор қабул қилади. Бунда қабул қилинган қарор натижалари ва уларнинг асослари аккредитация объектига ёзма равишда хабар қилинади.

13. Аккредитация объекти аниқланган камчиликлар тўғрисида хабар қабул қилгандан сўнг тўрт ойдан ошмайдиган муддатда уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаса, аккредитациядан ўтказишга берилган буюртма бекор қилинади.

Аккредитация объекти аниқланган камчиликлар тўғрисида хабарни қабул қилгандан сўнг кейинги аккредитация жараёнини амалга оширишни рад этиш ҳуқуқига эга ва бу ҳақида Марказни ёзма равишдахабардор қилади.

Экспертиза натижалари ижобий бўлганда, Марказ томонидан жойнинг ўзида баҳолаш учун шартнома тайёрланади ва аккредитация объектига юборилади.

14. Жойнинг ўзида баҳолашни ўтказиш учун шартномага мувофиқ, тўлов тўлангач, баҳолаш гуруҳи томонидан баҳоланиши керак бўлган фаолият турлари, баҳолаш ишлари бажариладиган жойлар, баҳолаш санаси, баҳолаш гуруҳи таркиби ва унинг вазифаларини қамраб олувчи баҳолаш режаси ишлаб чиқилади ҳамда аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект билан келишиб олинади.

15. Аккредитация объектининг ёки аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқлигини ҳамда аккредитация объекти сўралган функцияларни бажара олиш қобилиятини баҳолаш баҳолаш гуруҳининг асосий вазифалари ҳисобланади.

16. Аккредитация объектини ёки аккредитациядан ўтказилган субъектни жойнинг ўзида баҳолаш муддатлари уларнинг фаолияти хусусиятларини, шунингдек, уларни ихтисослаштирилган (лаборатория, ташхис, метрология, методологик, ишлаб чиқариш ва технологик) баҳолаш заруратини ҳисобга олган ҳолда Марказ томонидан аниқланади. Бунда аккредитация объектини баҳолаш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

17. Баҳолаш ишлари тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилади. Баҳолаш режасини Марказ раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс тасдиқлайди.

18. Баҳолаш гуруҳи аккредитация объектининг ёки аккредитациядан ўтказилган субъектининг аккредитация соҳасига киритилган ҳар бир сўралган фаолият йўналишини баҳолайди.

Аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект жойнинг ўзида баҳолаш ишлари учун шарт-шароитлар, шу жумладан, баҳолаш гуруҳига зарур маълумот, ёзувлар ва ҳужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойдаланиш, биноларга кириш ҳамда ходимлар малакасини баҳолаш имкониятини яратади.

Ходимлар малакаси уларнинг шахсий карталарини ўрганган ҳолда сўралган соҳадаги малакаси, тайёргарлиги, маълумотини, мувофиқликни баҳолаш бўйича кўникмаларини намойиш қилишини кузатиш ва суҳбатдан ўтказиш орқали баҳоланади.

Баҳолаш гуруҳи лабораторияларо солиштирма синовлар натижаларини ҳамда ўлчаш воситаларини калибрлаш натижалари, шунингдек, сўралган соҳаларда малака тестлари ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Таркибига аккредитациядан ўтказилган субъект кирадиган юридик шахсда сертификатланган менежмент тизимининг мавжудлиги аккредитация объекти учун бу борадаги аккрредитация талаблари ва шартлари бажарилганининг тасдиғи бўла олмайди.

19. Жойнинг ўзида баҳолаш ишларини бажариш учун шарт-шароит яратиб берилмаган ҳолатда, баҳолаш гуруҳи раҳбари Марказга тегишли билдирги тақдим этиши шарт, Марказ унинг асосида баҳолаш ишларини бир ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аккредитация объекти кўрсатилган муддатда жойнинг ўзида баҳолаш ишлари учун шарт-шароит яратиб бермаса, аккредитациядан ўтказишга берилган буюртма бекор қилинади.

20. Баҳолаш якунлари бўйича баҳолаш гуруҳининг баҳолаш давомида аниқланган номувофиқликларни (улар мавжуд бўлганда) ўз ичига олган ҳисоботи (кейинги ўринларда – ҳисобот) тузилади.

Ҳисобот баҳолаш гуруҳи аъзолари томонидан имзоланади ва аккредитация объектининг ёки аккредитациядан ўтказилган субъектнинг ваколатли вакилига танишиш учун тақдим этилади. Бунда аккредитация объектининг ёки аккредитациядан ўтказилган субъектнинг ваколатли вакили ўзининг алоҳида фикрини (зарурат бўлганда) ёзма равишда ифодалаши мумкин.

Ҳисобот икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси аккредитация объектининг ёки аккредитациядан ўтказилган субъектнинг ваколатли вакилига берилади.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

21. Баҳолаш гуруҳи ижобий ҳисобот расмийлаштирган тақдирда (номувофиқлик мавжуд бўлмаганда), уч иш куни мобайнида ҳисоботни Аккредитация комиссиясининг тегишли қарорини қабул қилиш учун Марказга тақдим этади.

22. Баҳолаш вақтида номувофиқликлар аниқланса, аккредитация объекти номувофиқликларни бартараф этишга доир ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади ва Марказга тақдим этади. Бунда номувофиқликларни бартараф этиш муддати баҳолаш бўйича ҳисобот расмийлаштирилган санадан бошлаб тўрт ойдан ошмаслиги керак.

23. Аккредитация объекти томонидан ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумотлар ва номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаса, баҳолаш гуруҳи раҳбари ҳисоботни илова қилган ҳолда, аккредитация бўйича ишларни тугатиш тўғрисида Марказга билдирги тақдим этиши шарт.

24. Марказ ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ва номувофиқликлар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни қабул қилган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида баҳолаш ишларини бажарган баҳолаш гуруҳи томонидан аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъектда номувофиқликлар амалда бартараф этилган ҳолатини зарур бўлса, жойнинг ўзига борган ҳолда ўрганишни таъминлайди.

Тақдим этилган маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар номувофиқликларни бартараф этиш учун етарли бўлмаса, Марказ номувофиқликларни бартараф этишга берилган муддат доирасида қўшимча маълумот сўрашга ҳақли.

25. Баҳолаш гуруҳи номувофиқликларнинг амалда бартараф этилган ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича якуний ҳисоботни расмийлаштиради ва уч иши куни мобайнида Марказга тақдим этади.

26. Марказ ҳисоботни қабул қилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида аккредитация комиссияси мажлисида унинг кўриб чиқилишини таъминлайди. Аккредитация комиссияси таркиби Марказ директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

27. Қуйидагилар аккредитацияни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади:

аккредитациядан ўтказиш тартибида белгиланган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаганда;

аккредитация объекти томонидан кўрсатилган маълумотларда нотўғри маълумот мавжудлиги;

аккредитация объектининг аккредитация натижаларига кўра ариза берилган аккредитация соҳасидаги мувофиқликни баҳолаш ишларини бажаришга ваколатлилиги тасдиқланмаган тақдирда;

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

аниқланган номувофиқликларни белгиланган муддатларда бартараф этмаслик.

Аккредитацияни рад этиш тўғрисида бошқа асослар, шу жумладан, мақсадга мувофиқсизлик сабаблари бўйича қарор қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур бандниng учинчи хатбошисига мувофиқ аккредитация объекти томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунига қадар ишончли ҳисобланади.

Марказда тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, аккредитация объектидан қўшимча маълумотларни талаб этмаган ҳолда, Марказ уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўради.

28. Аккредитация комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилинса, Марказ ва аккредитация объекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартнома тузилади.

Аккредитациядан кейинги шартномада қуйидагилар акс эттирилади:

Марказ ва аккредитациядан ўтказилган субъект ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шу жумладан, гувоҳлик баҳолаш, мувофиқликни баҳолаш ишлари якунлангандан кейинги уларнинг натижадорлигини ўрганиш ва огоҳлантиришсиз ташриф орқали баҳолаб бориш, мувофиқликни баҳолаш ишларининг бажарилиши юзасидан ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш шартлари ҳамда томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

аккредитация белгисини қўллаш шартлари ва Миллий аккредитация тизими реестри рақамидан фойдаланиш;

аккредитация қилинган субъектни даврий баҳолашни амалга ошириш шартлари.

29. Марказ ўзининг расмий веб-сайтида Миллий аккредитация тизими реестри (кейинги ўринларда – реестр), шунингдек, баҳоловчилар ва техник экспертлар рўйхатини юритади.

Реестр Марказ томонидан шакллантирилади ва юритилади.

Реестр танишиш учун очиқ ҳисобланади.

Реестрни шакллантириш ва юритиш тартиби Марказ томонидан белгиланади.

30. Марказ ва аккредитация қилинган субъект ўртасида аккредитациядан кейинги шартнома имзолангандан сўнг, аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда шакиллантирилиб, беш йил муддатга берилади ҳамда аккредитациядан ўтказилган субъектнинг ЯИДХП ёхуд ахборот тизимидаги шахсий кабинетига юборилади.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома реестрда давлат тилида юритилади ва танишиш учун очиқ ҳисобланади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома аккредитациядан ўтказилган субъектнинг ёзма сўровига асосан инглиз ёки рус тилига таржима қилинган ҳолда қоғоз шаклида аслига тўғрилигини тасдиқловчи муҳр босилиб тақдим этилиши мумкин.

31. Аккредитациядан ўтказилган субъектлар ўзининг фақат аккредитация соҳаси татбиқ этиладиган мувофиқликни баҳолаш ишларига нисбатан аккредитациядан ўтказилганлиги тўғрисида аккредитация белгисини ва (ёки) Миллий аккредитация тизими реестрида рўйхатдан ўтказилган рақамига ҳавола (кейинги ўринларда – матнли ҳавола) тўғри ва ҳаққоний қўлланишига ҳамда ўтказилган мувофиқликни баҳолаш ишлари ишончлилигига жавобгардир.

32. Аккредитация комиссияси салбий қарор қабул қилганда, Марказ аккредитацияни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида аккредитация объектига ёки аккредитациядан ўтказилган субъектга ЯИДХП ёхуд ахборот тизими орқали бу тўғрисида хабарнома юборади.

Буюртма Давлат хизматлари маркази орқали берилганда рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақидаги хабарнома аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъектнинг электрон почта манзилига юборади.

33. Аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект аккредитация комиссиясининг аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан Марказ ҳузуридаги апелляция комиссиясига ёки суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

34. Аккредитациядан ўтказилган субъект аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан камида тўрт ой олдин такрорий аккредитацияга буюртма тақдим этиши керак.

Агар аккредитациядан ўтказилган субъект ваколатини баҳолашга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи стандартлар янги қабул қилинса, аккредитациядан ўтказилган субъектда ўтказилган баҳолашнинг ижобий натижаси билан аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома амалдаги аккредитация муддатига қайта расмийлаштирилади.

35. Ушбу Регламентнинг 34-бандига асосан такрорий аккредитация башарти аккредитациядан ўтказилган субъект аккредитациянинг амал қилиш муддати тугашидан камида тўрт ой олдин ариза берган бўлса, ушбу субъектнинг аввалги фаолияти натижалари ҳисобга олинган ҳолда, мазкур Регламентнинг 3-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.

Бунда тегишли халқаро стандарт талаблари бўйича аввал баҳоланган амалдаги менежмент тизимига ва аккредитация соҳасига ўзгартиришлар киритмаганлиги юзасидан маълумотлар тақдим этилганда, такрорий аккредитациядан ўтказиш мазкур Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказмасдан, жойининг ўзида баҳолаш ишлари амалга оширилади.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Агар такрорий аккредитация ўтказиш натижасида аккредитациядан ўтказилган субъектда аккредитация талаблари ва шартларига номувофиқлик аниқланса, унинг аккредитация тўғрисидаги гувоҳномасининг амал қилиши ушбу Регламентнинг 48-бандида белгиланган муддатга, бироқ аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани амал қилиш муддатини инобатга олган ҳолда тўхтатилиши лозим.

4-боб. Аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш

36. Аккредитация соҳасини кенгайтириш ишлари аккредитациядан ўтказилган субъект аризаси бўйича ушбу Регламентнинг 7 – 26, 32 – 33-бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

37. Аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация соҳаси аккредитация комиссиясининг қарори билан қуйидагилар асосида қисқартирилади:

аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация соҳасини қисқартириш тўғрисидаги аризасига кўра;

аккредитациядан ўтказилган субъект фаолиятини даврий баҳолаш натижаларига кўра;

гувоҳлик баҳолашга ёки мувофиқликни баҳолаш бўйича кўникмаларни намойиш қилишни кузатишга шароит яратилмаганда (шароит яратилмаган соҳа йўналишига нисбатан).

38. Аккредитация соҳаси қисқартирилса, Марказ томонидан аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация соҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

5-боб. Даврий баҳолаш

39. Даврий баҳолаш ишлари аккредитациядан кейинги шартнома асосида ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ жойнинг ўзига бориб амалга оширилади.

Биринчи даврий баҳолаш ишлари аккредитация санасидан кейин ўн икки ойдан кечикмай ўтказилади. Кейинги даврий баҳолаш ишлари ҳар чорак учун олдиндан Марказ раҳбари томонидан тасдиқланадиган даврий баҳолаш режа-жадвалига мувофиқ даврий, бироқ аввалги даврий баҳолаш ишлари ўтказилган вақтдан бошлаб йигирма тўрт ойдан кечикмай (маҳсулотни сертификатлаш органлари учун ўн икки ойдан кечикмай) ўтказилади.

40. Йигирма тўрт ой даврийлик муддати қуйидаги шартлар бажарилса белгиланади:

аввалги даврий баҳолаш натижаларига кўра аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома амал қилиши тўхтатилмаган бўлса;

аккредитациядан ўтказилган қилинган субъект фаолияти бўйича шикоятлар бўлмаган бўлса;

аккредитациядан ўтказилган субъект фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг ижобий натижалар берган бўлса.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

41. Аккредитация қилинган субъект фаолияти бўйича режадан ташқари даврий баҳолаш аккредитация талаблари ва шартлари, шу жумладан, аккредитация белгисидан фойдаланиш бузилганлиги тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган ёзма мурожаат Марказга тушганда, аккредитациядан ўтказилган субъектдан хақ ундирилмаган ва баҳолаш режаси келишилмаган ҳолда бажарилади.

42. Даврий баҳолаш ишларини бажариш ушбу Регламентнинг 14 – 18, 20-бандларига мувофиқ тартибда бажарилади.

Даврий баҳолаш давомида Марказ аккредитациядан ўтказилган субъектлар томонидан аккредитация белгисини ва (ёки) матнли ҳаволаларни қўллашнинг тўғрилигини ҳам ўрганади. Аккредитациядан ўтказилган субъектлар томонидан аккредитация белгисини қўллаш қоидалари Марказ томонидан ISO/IEC 17011 халқаро стандарти талабларига мувофиқ белгиланади.

43. Баҳолаш гуруҳи уч иш куни мобайнида Марказга бажарилган даврий баҳолаш ишлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиши керак.

44. Марказ даврий баҳолаш ишлари тўғрисидаги ҳисоботни қабул қилгандан кейин беш иш куни мобайнида унинг аккредитация комиссияси мажлисида кўриб чиқилишини таъминлайди.

Аккредитация комиссияси:

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш;

аккредитация соҳасини қисқартириш (охирги баҳолаш ишлари давомида аниқланган номувофиқликлар такроран аниқланганда, номувофиқликларга такроран йўл қўйилган соҳа аккредитация соҳасидан чиқарилади);

комиссия аъзоларининг катта қисми баҳолаш гуруҳи ҳисоботига қўшилмаган тақдирда, аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқлигини ҳақ олмасдан қўшимча баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аккредитация комиссиясининг қарори у қабул қилингандан кейин аккредитациядан ўтказилган субъектга бир иш кунидан кечикмай етказилади.

45. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш) ёки тугатиш ушбу Регламентнинг 6 – 7-бобларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

46. Аккредитация комиссиясининг аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақидаги қарори юзасидан Марказ ҳузуридаги апелляция комиссиясига ёки суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

6-боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш)

47. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Марказ томонидан аккредитация комиссияси қарорига кўра қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

аккредитациядан ўтказилган субъект аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда бир календар йил ичида бир маротаба тўхтатиб туриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилганида (даврий баҳолаш режа-жадвалига киритилган ҳолатлар бундан мустасно);

аккредитация талаблари ва шартлари бузилиши аниқланганда;

аккредитациядан ўтказилган субъект томонидан аккредитациядан кейинги шартнома қоидаларига риоя этилмаганда.

48. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўрт ойдан ошмайдиган муддатда тўхтатиб турилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги маълумот қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай, реестрда қайд этилади ва аккредитация қилинган субъектга ёзма равишда хабар юборилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши аккредитация комиссиясининг қабул қилган қарори тўғрисида маълумот реестрда қайд этилган санадан бошлаб тўхтатиб турилади.

Аккредитация қилинган субъект аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тиклангунга қадар аккредитация белгиси ва (ёки) матнли ҳаволани қўллаши тақиқланади.

49. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома ушбу Регламент 47-бандининг:

а) иккинчи хатбошисига мувофиқ тўхтатилганда, аккредитациядан ўтказилган субъект гувоҳнома амал қилишини тиклаш учун унинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этилгани юзасидан тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Марказга ёзма мурожаат қилиши ва уни ўрганиб чиқиш учун шарт-шароит яратиб бериши лозим.

Марказ тақдим этилган хужжатлар асосида гувоҳноманинг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни зарур бўлса, жойнинг ўзга борган ҳолда ўрганади ва унинг натижалари бўйича аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани амал қилишини аккредитация комиссияси қарорига кўра тиклайди.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Агар ўрганиш натижаларига кўра аккредитациядан ўтказилган субъект томонидан аккредитация талаблари ва шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланса ёки ўрганиш учун шарт-шароит яратиб берилмаса, Марказ аккредитация комиссияси қарорига кўра аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тиклашни рад этади ҳамда уларни бартараф этиш учун ушбу Регламентнинг 48-банди биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатни беради. Бунда аккредитациядан ўтказилган субъект мазкур бандниng б) – кичик бандида белгиланган тартибга кўра тегишли чоралар кўради;

б) учинчи ва тўртинчи хатбошларга мувофиқ тўхтатилганда, аккредитациядан ўтказилган субъект номувофиқликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади ва Марказга тақдим этади.

Мазкур бандниng а) ва б) – кичик бандларига кўра, аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш муддати аккредитация комиссиясининг қарорига асосан Марказ томонидан белгиланган муддатдан ошмаслиги керак.

50. Аккредитациядан ўтказилган субъект томонидан ҳаракатлар режасини бажариш ҳақидаги маълумот ва номувофиқликлар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаса, баҳолаш гуруҳи раҳбари Марказга аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш кераклиги хусусида билдирги тақдим этади.

51. Номувофиқликларнинг бартараф этилган ҳолатлари ушбу Регламентнинг 24 – 25-бандларига мувофиқ ўрганилади.

52. Марказ баҳолаш гуруҳи томонидан якуний ҳисобот тақдим этилгандан сўнг беш иш куни мобайнида тегишли қарор қабул қилиш учун аккредитация комиссиясининг мажлисида унинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

53. Аккредитация комиссиясининг қарори у қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кундан кечикмай, Марказ томонидан аккредитациядан ўтказилган субъектга етказилади.

54. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш ҳақидаги маълумотлар реестрда қайд этилиши лозим.

7-боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш

55. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

аккредитациядан ўтказилган субъект аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақида ариза билан мурожаат қилса (баҳолаш жараёнида ёки баҳолаш гуруҳининг ҳисоботи расмийлаштирилгандан сўнг ариза тақдим этиш ҳолатлари бундан мустасно);

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

юридик шахс (аккредитациядан ўтказилган субъект) тугатилса;

аккредитациядан ўтказилган субъект томонидан гувоҳнома амал қилишининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар Марказ томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаса;

аккредитация соҳаси бузилса;

гувоҳнома сохта ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда олингани аниқланган бўлса;

ушбу Регламентнинг 48-бандига асосан аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилган даврда, аккредитация белгиси ва (ёки) матнли ҳавола қўлланганлик ҳолатлари аниқланганда.

56. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши аккредитация комиссиясининг қарорига кўра Марказ томонидан тугатилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумот қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай реестрда қайд этилади ва аккредитациядан ўтказилган субъектга ёзма равишда хабар юборилади.

Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномасининг амал қилиши аккредитация комиссиясининг қабул қилинган қарори ҳақидаги маълумот реестрда қайд этилган санадан бошлаб тугатилади.

Ушбу Регламент 55-бандинг тўртинчи – еттинчи хатбошиларига мувофиқ аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда, шунингдек, 44-бандинг олтинчи хатбошисига асосан аккредитация соҳаси қисқартирилганда аккредитация учун такрорий ариза бу хақида тегишли қарор қабул қилинган санадан камида олти ойдан кейин берилади.

57. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш ҳақидаги маълумотлар Реестрда қайд этилиши лозим.

8-боб. Аккредитация белгисидан фойдаланишнинг мониторингини амалга ошириш

58. Аккредитация белгисидан фойдаланиш мониторинги аккредитациядан ўтказилган субъектлар томонидан аккредитация белгисидан ва (ёки) матнли ҳаволалардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишнинг ҳолатини ўрганиш асосида аккредитациядан кейинги шартномага асосан амалга оширилади.

Мониторинг:

Марказ томонидан аккредитациядан ўтказилган субъектлардан вақти-вақти билан сўраладиган аккредитациядан ўтказилган соҳада уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот;

истеъмолчиларнинг аккредитациядан ўтказилган субъектлари хизматлари сифатидан қониқиши тўғрисидаги сўров натижаларини истеъмолчилар билан қайта алоқа орқали;

Марказнинг сўрови бўйича назорат органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

59. Мониторинг натижалари бўйича Марказ уч иш куни мобайнида аккредитациядан ўтказилган субъектларни улар томонидан тегишли чоралар кўриш учун мониторинг натижалари тўғрисида хабардор қилади.

Бунда мониторинг натижалари бўйича Марказ томонидан аккредитациядан ўтказилган субъектларга нисбатан бирон-бир чора кўрилишига йўл қўйилмайди.

Мониторинг натижаларидан даврий баҳолаш давомида фойдаланилиши мумкин.

9-боб. Марказ хизматларига ҳақ тўлаш тартиби

60. Марказ томонидан аккредитация соҳасидаги қуйидаги хизматлар учун ҳақ ундирилади:

ҳужжатлар экспертизаси учун;

аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъектни баҳолаш учун (шу жумладан, гувоҳлик баҳолаш, мувофиқликни баҳолаш ишлари якунлангандан кейинги уларнинг натижадорлигини ўрганиш);

тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ аккредитациядан ўтказилган субъектни даврий баҳолаш учун;

аккредитация соҳасини долзарблаштириш учун.

Аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъектлар томонидан аккредитация соҳасидаги Марказ хизматларига уларнинг натижаларидан қатъи назар ҳақ тўланади.

61. Марказ томонидан аккредитация соҳасидаги қуйидаги хизмат турлари бўйича ҳақ ундирилмайди:

аризалар таҳлили учун;

олдин берилган (амалдаги) аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш;

аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш (тиклаш) ёки тугатиш;

аккредитация соҳасини қисқартириш;

аккредитациядан ўтказилган субъект фаолиятини режадан ташқари даврий баҳолашни ва огоҳлантиришсиз ташрифни амалга ошириш;

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

ушбу Регламентнинг 69-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган материаллар долзарблаштирилгани учун.

62. Ушбу Регламентда назарда тутилган хизматлар учун тўловлар Марказнинг сарфланган вақт ва хизмат сафарлари харажатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Сарфланган вақтни ҳисоблаб чиқиш методикаси Марказ томонидан белгиланади ва унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

63. Мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан аккредитация соҳасида кўрсатилган пулли хизматлар тушумидан ажратмалар 2 фоиз миқдорида белгиланади ҳамда тўлиқлигича Марказга ўтказилади.

Ажратма ҳажми тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан масофавий ўрганиб борилади ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги тасдиқланмаган ҳолатлар аккредитациядан кейинги шартнома қоидаларига риоя этилмаслик деб баҳоланади.

10-боб. Аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш

64. Аккредитациядан ўтказилган субъект қайта ташкил этилса, унинг номи, юридик манзили ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарса, йигирма иш куни мобайнида мазкур ўзгартишлар ҳақида олдин берилган (амалдаги) аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхасини илова қилиб, уни қайта расмийлаштириш учун Марказни ёзма равишда хабардор қилиши керак.

65. Агар аккредитациядан ўтказилган субъект илгари аккредитациядан ўтказилган аккредитация объектининг ҳуқуқий вориси бўлмаса, ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ кейинги тартиб-таомиллар ушбу Регламентнинг 3-бобида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

66. Аккредитациядан ўтган маҳсулотлар, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларни сертификатлаш органи ва инспекция органининг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарса, янги аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома аккредитация ўтказилмай, амалдаги аккредитация муддатига расмийлаштирилади.

67. Аккредитациядан ўтказилгандан синов, калибрлаш ва тиббий лаборатория (маркази) жойлашган жой ўзгарса, хабарнома келиб тушгандан кейин Марказнинг буйруғи билан тайинланган масъул гуруҳ томонидан ушбу аккредитациядан ўтказилган субъектларни баҳолаш мақсадида бир иш кунида огоҳлантиришсиз ташрифнинг ижобий натижасига асосан аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома амалдаги аккредитация муддатига қайта расмийлаштирилади.

68. Янги аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома Марказ томонидан уч иш куни мобайнида расмийлаштирилади.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

11-боб. Аккредитациядан ўтказилган субъектнинг материалларини долзарблаштириш

69. Аккредитациядан ўтказилган субъект материаллари қуйидаги ҳолларда долзарблаштирилади:

аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация соҳасида кўрсатилган техник регламент ва стандартлар ўрнига янгиси амалга киритилса, уларга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилса (қабул қилинаётган норматив ҳужжатда маҳсулотларнинг янги турлари, синаш (ўлчаш) усуллари кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

сифат бўйича қўлланмага ва менежмент тизими тартиб-тамойил ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилса;

аккредитациядан ўтказилган субъект ходимларининг таркиби ўзгарса.

70. Аккредитация материаллари долзарблаштирилса, аккредитациядан ўтказилган субъектлар бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда, ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни, шунингдек, киритилаётган ўзгартиришлар юзасидан қиёсий таҳлилни илова қилиб, Марказга ариза тақдим этади.

71. Марказ ўн беш иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва аввал тасдиқланган ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритади. Ушбу Регламентнинг 69-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ материаллар долзарблаштирилган тақдирда, аккредитациядан ўтказилган субъектнинг аккредитация соҳаси янги таҳрирда тасдиқланади.

12-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш

72. Аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект аккредитация ёки даврий баҳолаш натижалари бўйича аккредитация комиссиясининг унга нисбатан салбий қарори чиқарилса, аккредитация комиссиясининг қарори қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь куни мобайнида Марказга ёзма шаклда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

73. Апелляция комиссияси ҳар бир апелляцияни кўриб чиқиш учун заруратга кўра шакллантирилади. Апелляция комиссияси таркиби Марказ директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Апелляция комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш муддатлари апелляция олинган кундан бошлаб уч кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

74. Апелляция комиссиясининг таркиби баҳоловчилар, жалб қилинадиган техник экспертлар, шу жумладан, халқаро экспертлар орасидан апелляция берган аккредитация объектини ёки аккредитациядан ўтказилган субъектни баҳолашда иштирок этмаган ва аккредитация комиссияси таркибида бўлмаган Марказнинг камида уч вакилидан шакллантирилади.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

75. Марказ апелляция берган аккредитация объектини ёки аккредитациядан ўтказилган субъектни ва баҳолаш ишларини бажарган гуруҳ раҳбарини апелляция кўриб чиқиладиган сана ҳақида хабардор қилади. Апелляция берган аккредитация объекти ёки аккредитациядан ўтказилган субъект вакили ва гуруҳ раҳбари апелляцияни кўриб чиқишда иштирок этишлари мумкин.

76. Апелляция комиссияси берилган апелляцияни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида аккредитация объектига ёки аккредитациядан ўтказилган субъектга ёзма равишда маълум қилади. Апелляцияни кўриб чиқиш муддати у берилган санадан бошлаб ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

77. Кўриб чиқилган апелляция натижалари бўйича апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

аккредитация комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

апелляцияни қаноатлантириш.

78. Аккредитация комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор агар:

апелляция ушбу Регламент талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган сабаблар тасдиқланмаса қабул қилинади.

79. Апелляцияни қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинса, Марказ томонидан аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани бериш ёки аккредитация тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

80. Марказ икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани апелляция берган аккредитация объектига ёки аккредитациядан ўтказилган субъектга ёзма шаклда юборади.

81. Айнан бир масала бўйича апелляцияни такроран беришга йўл қўйилмайди.

82. Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикояти қилиш мумкин.

13-боб. Якунловчи қоида

83. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Мувофиқликни баҳолаш органларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Аккредитацияни ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Буюртмачи Марказ	Аккредитация олиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларни тайёрлайди. Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП ёхуд ахборот тизими орқали зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртма тақдим этади. Буюртма иш вақтидан кейин ёки дам олиш кунлари Марказга келиб тушганда, навбатдаги иш куни ариза Марказга тушган ва қабул қилинган ҳисобланади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра Буюртма келиб тушган кунда
2-босқич	Марказ Марказ Аккредитация объекти Марказ	1. Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар юзасидан буюртмани таҳлил қилади: ижобий натижа бўлганда аккредитация бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасини тайёрлайди ва аккредитация объектига ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали тақдим этади; ҳужжатлар ва маълумотларда – нотўғри, шу жумладан, ёлғон ёки қалбаки маълумотлар кўрсатилганда, уларни пухта ишлаб чиқиш учун аккредитация объектига ЯИДХП ёки ахборот тизими орқали қайтаради. 2. Тўлов тўлангач, Марказ томонидан малакаси баҳоланган ва рўйхатга олинган баҳоловчилар ҳамда техник экспертлардан иборат баҳолаш гуруҳини шакллантиради. 3. Баҳолаш гуруҳи таркиби аккредитация объекти билан келишиб олинганидан сўнг тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказади. 4. Экспертиза натижалари бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда, жойнинг ўзида баҳолашдан аввал марказ бу ҳақида аккредитация объектини уларни бартараф этиш юзасидан хабардор қилади. 5. Аккредитация объекти аниқланган камчиликлар тўғрисида хабарни қабул қилгандан сўнг, уларни бартараф этиш чораларини кўради 6. Жойнинг ўзида баҳолаш учун шарт-шароитлар таъминланмаган тақдирда, баҳолаш ишларини тўхтатиб туради.	Икки иш куни мобайнида Бир иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида Ўн беш иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида Олти ой мобайнида (*хоҳишига кўра*) Бир ойгача (*хоҳишига кўра*)

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

	Баҳолаш гуруҳи	7. Жойнинг ўзида баҳолайди ва натижалар бўйича баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни расмийлаштиради. 8. Ижобий ҳисобот расмийлаштирилган тақдирда уни аккредитация комиссиясининг мажлисида кўриб чиқиш учун Марказга тақдим этади.	Ўн иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида
3-босқич*	Аккредитация объекти Марказ Баҳолаш гуруҳи	1. Баҳолаш гуруҳи томонидан номувофиқликлар аниқланса, харакатлар режасини ишлаб чиқади ва унинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳамда номувофиқликлар бартараф этилганини тасдиқловчи хужжатларни Марказга тақдим этади. 2. Марказ ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ва номувофиқликлар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатларни қабул қилган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида баҳолашни амалга оширган баҳолаш гуруҳи томонидан аккредитация объектида номувофиқликлар амалда бартараф этилгани ҳолатини зарур бўлса, жойнинг ўзига борган ҳолда ўрганишни таъминлайди. Тақдим этилган маълумот ва тасдиқловчи хужжатлар номувофиқликларни бартараф этиш учун етарли бўлмаса, номувофиқликларни бартараф этишга берилган муддат доирасида қўшимча маълумотни сўрайди. 3. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш тўғрисидаги якуний ҳисоботни расмийлаштиради ва уни аккредитация комиссиясининг мажлисида кўриб чиқиш учун Аккредитация марказига тақдим этади.	Тўрт ой мобайнида *(аккредитация объектининг хоҳишига кўра)* Ўн иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида
4-босқич	Марказ Марказ	1. Аккредитация комиссиясида баҳолаш натижалари кўриб чиқилишини таъминлайди. 2. Ижобий қарор қабул қилинганда Марказ билан аккредитация учун ариза берувчи ўртасида аккредитациядан кейинги шартнома тузилгандан сўнг QR-код (матрик штрихли код) қўйилган аккредитация тўғрисида гувоҳномани шакиллантиради ва аккредитация объектига ЯИДХП ёхуд ахборот тизими (Давлат хизмалари маркази орқали берилганда аккредитация объектининг электрон почта манзили) орқали юборади. 3. Салбий қарор қабул қилинганда аккредитация объектига ЯИДХП ёхуд ахборот тизими (Давлат хизмалари маркази орқали берилганда аккредитация объектининг электрон почта манзили) орқали аккредитациядан ўтказиш рад этилгани тўғрисида хабарнома юборади.	Беш иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Мувофиқликни баҳолаш органларини
аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Даврий баҳолаш ишларини бажари
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Марказ	Даврий баҳолашни ўтказишнинг режа-жадвали асосида: баҳолаш гуруҳи таркибини ва даврий баҳолаш ишларини бажаришнинг муддатини кўрсатган ҳолда буйруқ ишлаб чиқади; даврий баҳолаш ишларини бажаришнинг режасини тасдиқлайди.	Режа-жадвалга мувофиқ
2-босқич	Баҳолаш гуруҳи	Жойнинг ўзида баҳолайди ва натижалар бўйича баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни расмийлаштиради. Ҳисоботни аккредитация комиссияси мажлисида кўриб чиқиш учун Марказга тақдим этади.	Ўн иш куни мобайнида Уч иш куни мобайнида
3-босқич	Аккредитация маркази	Тегишли қарор қабул қилиш учун баҳолаш натижалари аккредитация комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилишини таъминлайди. Аккредитация комиссиясининг қарорини аккредитациядан ўтказилган субъектга етказади.	Беш иш куни мобайнида Бир иш куни мобайнида

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 30 июн даги 349-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошиси ҳамда қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига илованинг 24-банди “г” кичик банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сонли Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 611-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта маҳсулотларини сертификатлаш хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий сектор кенг жалб қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 30 майдаги 223-сон қарорига илованинг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 1 июлдаги 371-сон қарорига илованинг 6-банди “б” кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш соҳасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2024 йил 2 июлдаги 372-сон қарорига илованинг 3-банди.

QMMB: 09/26/349/0660-son
01.07.2026-y.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда технологик жараёнларни экологик сертификатлаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2025 йил 15 апрелдаги 230-сон қарорининг 7-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2025 йил 22 июлдаги 456-сон қарорига илова.

26 (1254)-son
654-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 350 Toshkent sh.

Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурларига ўқишга қабул қилишга оид низомларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ–232-сон Фармонига мувофиқ Тошкент давлат юридик университетига иқтидорли ёшларни саралаб олиш ҳамда ҳуқуқ таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ–232-сон Фармонига мувофиқ:

а) **2026/2027 ўқув йилидан** бошлаб:

Тошкент давлат юридик университетига (кейинги ўринларда – Университет) белгиланган тартиблар асосида қабул қилинадиган Университет ҳузуридаги академик лицейлар, юридик техникумлар битирувчилари ҳамда олий маълумотга эга бўлган шахслар учун улар танловига кўра кириш мумкин бўлган бакалавр таълим йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлашнинг **махсус уч йиллик таълим дастури жорий этилиши,** уларни қабул қилиш ва ўқитиш алоҳида қабул квотаси ва тўлов-контракт асосида амалга оширилиши;

Қашқадарё юридик техникуми негизида Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейни ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланган;

б) талабаларга йўналтирилган таълим жараёни орқали уларнинг ижодий салоҳиятини доимий ривожлантириш ҳамда ижтимоий масалаларни ечишга қодир бўлган мутахассислар тайёрлаш;

в) Университетда тажриба тариқасида амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими жорий этилгани, бунда:

иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун юридик таълим дастурларининг 50 фоизи (назарий қисмлари) аудиторияларда, 50 фоизи (амалиёт қисми) суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, консалтинг ва соҳага доир бошқа ташкилотларда, шунингдек, юридик клиникада клиник семинарлар ўтказиш орқали олиб борилиши;

таълим дастурларининг назарий қисмларини амалий мисоллар асосида ўқитиш (problem-based learning) орқали талабада муаммоли вазиятни таҳлил ва хулоса қилиш каби “юмшоқ” кўникмалар (soft skills) ва назарий билимларни шакллантиришга эътибор қаратилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Юридик техникумлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Қашқадарё вилояти академик лицейига (кейинги ўринларда – академик лицей) қабулни 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Белгилансинки:

академик лицей тегишлича Қашқадарё юридик техникумининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Қашқадарё юридик техникумининг амалдаги ўқув дастурлари бўйича ўқитиш якунлангунига қадар илгари белгиланган тартибда академик лицейда давом эттирилади, техникум ўқувчиларига нисбатан илгари белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинади ҳамда битирувчиларга тегишли мутахассислик бўйича диплом берилади;

Қашқадарё юридик техникуми ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда академик лицейдаги мавжуд штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари доирасида ишга қабул қилинади;

академик лицей директори лицейнинг фаолиятига оид барча масалалар, жумладан, молиявий масалалар, маъмурий бошқарув ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун жавобгар ҳисобланади;

академик лицейнинг ўқув-услубий жараёни юридик таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Университет томонидан мувофиқлаштирилади;

академик лицейни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Адлия вазирлигига ажратилган маблағлар ва Тошкент давлат юридик

университетининг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 350-сон қарорига
1-илова

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейларнинг (кейинги ўринларда – академик лицейлар) иқтидорли битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда – Университет) махсус уч йиллик таълим дастурига 2-курсдан кириш тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

абитуриент – Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига кириш тест синовларисиз, суҳбат асосида ўқишга қабул қилинадиган академик лицей битирувчиси;

апелляция комиссияси – якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича абитуриентларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун ташкил этиладиган комиссия;

махсус комиссия – ҳар йили Университет ректори буйруғи билан академик лицейларда ташкил этиладиган битирувчиларга тавсияномалар бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссия;

қабул комиссияси – ҳар йили Университет ректори буйруғи билан ташкил этиладиган Университетга қабул жараёнларини ташкил этувчи, шу жумладан абитуриентлар ҳужжатларини қабул қиладиган ва уларга маслаҳат берувчи комиссия;

суҳбат комиссияси – Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилиш учун абитуриентлар билан якка тартибдаги суҳбат ўтказиш мақсадида Университет тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;

якка тартибдаги суҳбат – Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш учун суҳбат комиссияси томонидан абитуриентга мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда савол-жавоб ўтказиш жараёни.

3. Абитуриентлар қабул параметрларидан ташқари Университет томонидан ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, белгиланган ўринлар сонига мос равишда тўлов-контракт асосида Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига мувофиқ бакалавриатнинг кундузги, кечки, масофавий таълим шаклларига ўқишга қабул қилинади.

Бунда қабул параметрларидан ташқари ўринлар сони ҳақидаги маълумотлар ҳар йили 10 июнга қадар Университетнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинади.

4. Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш суҳбат натижаларига кўра рейтинг тизими бўйича тўпланган баллар асосида амалга оширилади.

5. Абитуриентлар қуйидаги мезонлар асосида суҳбатдан ўтказилади:

академик лицейлар дастурлари доирасида ҳуқуқий фанлар бўйича билим савияси ва ўзлаштириш даражаси;

юридик мутахассисликни танлашдаги мотивацияси (юридик мутахассисликнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниши ҳамда унга доимий қизиқиши);

нутқ маданиятининг шаклланганлиги, ўз фикрини равон ифода этиши ва танқидий фикрлаш салоҳиятига эгалиги;

умумий дунёқарашнинг шаклланганлиги, мунтазам равишда ўз устида ишлаши ва ижодкорлик қобилияти.

6. Абитуриентлар Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида ўқишга қабул қилинади.

2-боб. Махсус комиссияни ташкил этиш ва битирувчиларни тавсия қилиш тартиби

7. Ҳар йили 10 июнга қадар 7 кишидан иборат таркибда ҳар бир академик лицей учун алоҳида махсус комиссия ташкил этилади. Махсус комиссия таркибига адлия органлари ва муассасалари, академик лицейлар ходимлари киритилади.

Махсус комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

Махсус комиссияга унинг бошқа аъзолари фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис раҳбарлик қилади. Махсус комиссия фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш унинг котибига юкланади.

Махсус комиссия котиби бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади.

Университет ректорининг буйруғи билан Университет шўъба мудирлари орасидан махсус комиссия раислари белгиланади.

8. Битирувчилар ҳар йили 20 июнга қадар Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилишни сўраб махсус комиссияга ариза беради. Бунда ариза махсус комиссия котибига топширилади.

Махсус комиссия фақат комиссия ташкил этилган тегишли ўқув йилидаги битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқади.

9. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

битирувчининг хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат;

битирувчининг шахсий ютуқлари, академик лицейнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини (маънавий-маърифий тадбирлар, жамоат ишлари, лойиҳалар, танловлар, олимпиадалар ва бошқа тадбирлар) тасдиқловчи ҳужжатлар.

10. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвали ва мажлисга таклиф этилган битирувчилар рўйхати комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

11. Мажлисларни ўтказиш жадвали мажлис бошланишидан камида бир ҳафта аввал академик лицейларнинг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларида эълон қилинади.

12. Махсус комиссия ҳар йили 20 июндан бошлаб беш иш куни ичида битирувчиларнинг ҳужжатларини комиссия мажлисида кўриб чиқади.

13. Махсус комиссия мажлиси комиссия аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

14. Махсус комиссия қуйидаги минимал талабларни инобатга олган ҳолда, Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилади:

битирувчининг академик лицейдаги умумий ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича 71 фоиз ва ундан юқори фоизни ташкил қилиши, шунингдек, 5 баҳолик тизимда 4 баҳо ва ундан юқори бўлиши керак. Бунда махсус комиссияга битирувчининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи тўғрисидаги маълумот академик лицей томонидан тақдим этилади;

битирувчининг хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи камида B2 даражасидаги миллий ёки халқаро сертификатга эгалиги;

битирувчининг шахсий ютуқлари, академик лицейнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки (маънавий-маърифий тадбирлар, жамоат ишлари, лойиҳалар, танловлар, олимпиадалар ва бошқа тадбирлар);

битирувчининг академик лицейдаги ўқиш даврида унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

Бунда махсус комиссия мазкур минимал талабларга тегишли масалаларни кўриб чиқишда битирувчининг академик лицейдаги бутун ўқиш даврини ҳисобга олади.

15. Зарурат бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида битирувчи махсус комиссия йиғилишига чақирилиши ҳамда у билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

Суҳбат реал вақт режимида (онлайн) кузатиб бориш имкониятига эга хонада ўтказилади.

16. Мажлисда иштирок этган махсус комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан битирувчини Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилиш ёки тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда комиссия ҳар бир аъзосининг битирувчи тўғрисидаги асослантирилган фикри мажлис баённомасида қайд этилади.

Бунда битирувчи ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган минимал талабларга жавоб бермаган тақдирда, махсус комиссия уни Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун асос бўлади.

17. Махсус комиссия мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланиб, раис томонидан тасдиқланади.

18. Махсус комиссиянинг қарори асосида Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилинган битирувчилар рўйхати қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида академик лицей директорининг буйруғи билан тасдиқланади ҳамда битирувчига буйруқдан кўчирма берилади.

Мазкур буйруқ нусхаси академик лицейлар томонидан бир иш куни ичида Университетнинг қабул комиссиясига юборилади.

Тавсия қилинган битирувчиларга Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш ҳуқуқи дастлабки икки йил учун амал қилади.

3-боб. Қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

19. Қабул комиссияси томонидан абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари ҳар йили 25 июндан 5 июлга қадар қабул қилинади.

20. Абитуриент мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ Университет ректори номига махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш ҳақида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали электрон шаклда ариза юборади. Бунда битирувчининг дипломи (иловаси билан бирга) pdf шаклда (portable document format) аризага илова қилинади.

21. Қабул комиссияси аризани келиб тушган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида кўриб чиқади ва ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда, аризани ноёб рақам бериш орқали рўйхатдан ўтказади.

Аризалар қабул қилингани электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

Аризаси қабул қилинмаган абитуриентларга аризани қабул қилишни рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

Абитуриент томонидан белгиланган муддатда рўйхатдан ўтишда электрон платформага талаб этилган маълумотлар ва ҳужжатлар аслига мос ҳамда тўлиқ белгиланган талабларга мувофиқ киритилганда, қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Абитуриент йигирма тўрт соат ичида билдиришномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ва ҳужжатларни мазкур Низомнинг 20-бандида белгиланган тартибда такроран топшириши мумкин. Бунда ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган муддат аризани такроран топширишга нисбатан қўлланилмайди.

4-боб. Суҳбат комиссиясини ташкил этиш ва якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш тартиби

22. Ҳар йили 1 июлга қадар 7 кишидан иборат Университетнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири буйруғи билан суҳбат комиссияси ташкил этилади. Суҳбат комиссияси таркибига вазирлик ва Университет ходимлари киритилади.

Якка тартибдаги суҳбатда кўзи ожиз абитуриент қатнашаётган тақдирда, суҳбат комиссияси таркибига Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили киритилади. Бунда кўзи ожиз абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш жараёни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Абитуриентлар сони 200 нафардан ортиқни ташкил этганда, қўшимча суҳбат комиссияси ташкил этилиши мумкин.

23. Махсус комиссия таркибига киритилган шахсларнинг суҳбат комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

24. Суҳбат комиссияси ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

25. Суҳбат комиссиясига унинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис раҳбарлик қилади. Суҳбат комиссияси фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш унинг котибига юкланади.

Суҳбат комиссияси котиби бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади.

26. Суҳбат комиссияси суҳбат бошланишидан камида уч кун олдин якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалини тасдиқлайди ҳамда Университет расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон қилади.

27. Суҳбат комиссияси ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар абитуриентлар билан якка тартибда суҳбат ўтказади.

28. Якка тартибдаги суҳбат ўтказилгунга қадар абитуриентлар учун қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган жадвал асосида маслаҳатлар ташкил этилади.

29. Қабул комиссияси котиби якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган бино ва аудиторияларни тайёрлаш учун масъул ҳисобланади.

30. Якка тартибдаги суҳбат Университетдаги таълим тилларида ўтказилади. Бунда якка тартибдаги суҳбат тили абитуриент томонидан танланади ва унинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризасида кўрсатилади.

31. Абитуриент суҳбат ўтказиладиган аудиторияга якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалига мувофиқ биометрик паспорти (ID-картаси) билан навбатма-навбат киритилади.

32. Абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбатга уяли телефон ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб ва шпаргалкалар олиб кириши, улардан фойдаланиши ёки уларни бошқа абитуриентга бериши, шунингдек, бошқа абитуриентга ёрдам беришига йўл қўйилмайди.

Ушбу талабни бузган абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади. Суҳбат комиссияси котиби мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда абитуриентни якка тартибдаги суҳбатдан четлаштириш ҳақида далолатнома расмийлаштиради.

33. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида суҳбат комиссияси аъзолари абитуриентга мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда саволлар беради.

Бунда мазкур Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошисидаги мезон бўйича бериладиган саволлар рўйхати академик лицейлар ўқув дастурлари асосида шакллантирилади ҳамда Университет ректори томонидан тасдиқланади.

Саволлар рўйхати Университет расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида якка тартибдаги суҳбат бошланишидан камида ўн беш кун аввал эълон қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат ҳар бир абитуриент учун 30 дақиқагача давом этиши мумкин. Мазкур Низомнинг 5-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги мезонлар бўйича саволлар абитуриент томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

Абитуриент томонидан тасодифий равишда танланган саволлар суҳбат комиссияси котиби томонидан қоғозга чоп этилиб, абитуриентга тақдим қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари 100 балли тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича максимал балл 25 баллни ташкил этади.

34. Абитуриентлар билан ўтказилган якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича суҳбат комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни суҳбат комиссияси котибига тақдим этади. Суҳбат комиссияси котиби комиссия аъзолари томонидан абитуриентга қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари рейтинг тизими бўйича абитуриентга қўйилган 0 дан 100 гача оралиқдаги баллар асосида аниқланади.

35. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича суҳбат комиссиясининг баённомаси расмийлаштирилади. Баённома якка тартибдаги суҳбатда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Абитуриентлар рўйхати суҳбат комиссияси баённомасида энг юқори балл олган абитуриентдан бошлаб, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда, камайиб бориш тартибида жойлаштирилади.

Якка тартибдаги суҳбат жараёни видеоёзувларда қайд этилади ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали онлайн режимда трансляция қилинади.

36. Якка тартибдаги суҳбат натижалари суҳбат жараёни якунлангандан сўнг бир иш куни ичида Университет расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон қилинади.

37. Абитуриент қуйидаги ҳолларда ўқишга қабул қилинмайди:

якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалига мувофиқ суҳбатга келмаганда;

якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 56 фоизидан кам балл тўпланганда.

Бунда якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 56 фоизи ва ундан юқори балл тўплаган, бироқ, Университет томонидан белгиланган ўринлар доирасига кирмаган абитуриентлар ўқишга қабул қилинмайди.

38. Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбатни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

39. Якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича абитуриентнинг шикоятини кўриб чиқиш учун ҳар йили 1 июлга қадар 7 кишидан иборат таркибда Университет тақдимномасига асосан Адлия вазири буйруғи билан апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига вазирлик ва Университет ходимлари киритилиши мумкин.

Махсус комиссия ва суҳбат комиссияси аъзолари апелляция комиссияси таркибига киритилмайди.

Апелляция комиссияси ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Апелляция комиссиясига комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис раҳбарлик қилади. Апелляция комиссияси фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

Апелляция комиссияси котиби бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади.

Зарурат бўлганда, суҳбат комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиши ва ўз фикрини билдириши мумкин.

40. Абитуриент якка тартибдаги суҳбат натижаларидан норози бўлган тақдирда, суҳбат натижаси эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида апелляция комиссиясига ёзма ёхуд электрон тарзда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

41. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида кўриб чиқади. Апелляция шикояти кўриб чиқиладиган кун ҳақида абитуриентга хабар берилади.

42. Апелляция шикояти абитуриент иштирокида кўриб чиқилади ва ушбу жараён видеоёзувларда қайд этилади.

43. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлган тақдирда, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ва якка тартибдаги суҳбат натижаларини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;

эътироз асосли бўлган тақдирда, апелляция шикоятини қаноатлантириш ва якка тартибдаги суҳбат натижаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

44. Якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ўқув йили бошланишига қадар дипломи (иловаси билан бирга) ва хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатининг асл нусхаларини қабул комиссиясига тақдим этади.

Ҳужжатларда, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларда сохталаштириш ва қалбакилаштириш ёки ёлғон маълумот тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан ёхуд университет талабалари сафидан четлаштирилади, ҳужжатлари эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

45. Университет ҳар йили 15 августга қадар якка тартибдаги суҳбат натижалари тўғрисидаги маълумотларни Адлия вазирлигига юборади.

5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

46. Ҳар йили 25 августга қадар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг абитуриентларни махсус уч йиллик таълим дастурига ўқиш учун тавсия этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилиниб, Университетга юборилади.

47. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғига асосан ҳар йили 30 августга қадар университет ректорининг абитуриентларни дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинади.

48. Университет ректорининг абитуриентларни махсус уч йиллик таълим дастурига дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинганидан сўнг Университет ҳамда абитуриентлар ўртасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус платформаси орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.

Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар қонунчилик ҳужжатлари ва шартномада кўрсатилган муддатларда тўловларни амалга оширади.

49. Ҳар йили 30 сентябрга қадар университет ректорининг шартномада кўрсатилган тўловларни амалга оширган абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

50. Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларидан кўчирмалар уларнинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

51. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Тошкент давлат юридик университети
ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейларнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилишни ташкил этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ)	Академик лицейлар битирувчиларини ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилиш масаласини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этади.	Ҳар йили 10 июнга қадар
	Академик лицейларнинг битирувчилари	ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилишни сўраб махсус комиссияга ариза беради.	Ҳар йили 20 июнга қадар
	Махсус комиссия	1. Мажлисларни ўтказиш жадвалини академик лицейларнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон қилади. 2. Битирувчиларнинг ҳужжатларини комиссия мажлисида кўриб чиқади. 3. Мажлисда иштирок этган махсус комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан битирувчини ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилиш ёки тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Мажлис бошланишидан камида бир ҳафта олдин Ҳар йили 20 июндан бошлаб беш иш куни ичида
2-босқич	Академик лицейлар	1. Махсус комиссиянинг қарори асосида ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилинган битирувчилар рўйхатини буйруқ билан тасдиқлайди ҳамда битирувчига буйруқдан кўчирма беради. 2. Буйруқ нусхасини ТДЮУ қабул комиссиясига юборади.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида Бир иш куни ичида

3-босқич	Абитуриент	ТДЮУ ректори номига ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш ҳақида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали электрон шаклда ариза юборади.	Ҳар йили 25 июндан 5 июлга қадар
4-босқич	Қабул комиссияси	1. Аризани кўриб чиқади ва ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда, аризани ноёб рақам бериш орқали рўйхатдан ўтказади ҳамда абитуриентларга махсус платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилади. 2. Агар тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланиб аризалар қабул қилинмаган тақдирда абитуриентларга аризани қабул қилишни рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилади.	Келиб тушган вақтдан бошлаб етмиш икки соат ичида
	Абитуриент	Билдиришномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этади ва ҳужжатларни белгиланган тартибда такроран топширади.	Камчилик аниқланган вақтдан бошлаб бир соат ичида Йигирма тўрт соат ичида
5-босқич	Адлия вазирлиги	Суҳбат комиссиясини ташкил этади.	Ҳар йили 1 июлга қадар
	Суҳбат комиссияси	1. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалини тасдиқлайди ТДЮУнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон қилади. 2. Абитуриентлар билан якка тартибда суҳбат ўтказади. 3. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини ТДЮУнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон қилади.	Суҳбат бошланишидан камида уч кун аввал Ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар Суҳбат жараёни якунлангандан сўнг бир иш куни ичида
6-босқич	Адлия вазирлиги	Якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича абитуриентнинг шикоятини кўриб чиқиш учун апелляция комиссиясини ташкил этади.	Ҳар йили 1 июлга қадар
7-босқич	Абитуриент	Диплом (иловаси билан бирга) ва хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатнинг асл нусхаларини қабул комиссиясига тақдим этади.	Ўқув йили бошланишига қадар

8-босқич	ТДЮУ	Якка тартибдаги суҳбат натижалари тўғрисидаги маълумотларни Адлия вазирлигига юборади.	Ҳар йили 15 августга қадар
9-босқич	Адлия вазирлиги	Абитуриентларни ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқиш учун тавсия этиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.	Ҳар йили 25 августга қадар
10-босқич	ТДЮУ ва абитуриент	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус платформаси орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштиради.	Ўқишга тавсия этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинганидан сўнг
	Абитуриент	Тўловни амалга оширади.	Қонунчилик ҳужжатлари ва шартномада кўрсатилган муддатларда
	ТДЮУ	1. Абитуриентларни дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисида буйруқ қабул қилади. 2. Шартномада кўрсатилган тўловларни амалга оширган абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.	Ҳар йили 30 августга қадар Ҳар йили 30 сентябрга қадар

Тошкент давлат юридик университети
ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Тошкент давлат юридик
университети ректори
_____га
(Ф.И.О.)
_____
_____дан
(абитуриентнинг Ф.И.О (тўлиқ ёзилади)

Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул тўғрисида
АРИЗА

Менга _____ йўналишида таълим олиш учун суҳбатдан
(таълим йўналишининг номи) (ўзбек, рус)
ўтишимга рухсат беришингизни сўрайман.
Маълумотим _____._____
(ўрта махсус) (таълим муассасасининг номи)
_____ни _____ йилда тугатганман.
Таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом): серия _____ № _____
Суҳбатдан _____тилида ўтаман.
(ўзбек, рус)
Туғилган вақтим ва жойим: _____ _____ _____ йил, _____
(кун) (ой) (йил) (туғилган жойи)
Доимий яшаш манзилим: _____
(мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй рақами тўлиқ)
_____
Биометрик паспорт (идентификация ID-картаси) маълумоти:
_____ _____, _____
(серия) (рақами) (қачон ва ким томонидан берилган)
_____
Халқаро ёки миллий олимпиадаларда, танловларда ҳамда спорт мусобақаларида қатнашганлиги ҳақида маълумот (агар қатнашган бўлса) _____
(олимпиада фани)
_____
танлов фани (ихтисослиги), спорт мусобақаси тури, ўтказилган вақти, эгалланган ўрин)
Ногиронлиги ҳақида маълумот _____
(номи ва гуруҳи, ҳужжат реквизитлари)
Суҳбат ўтказиш қоидалари билан танишдим.
_____ _____ _____
(абитуриентнинг Ф.И.О.) (имзо) (ариза бериш санаси)

Тошкент давлат юридик университети
ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

Якка тартибдаги суҳбатдан четлаштириш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА

_____шаҳри 20__йил “___” ____

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, абитуриент

_____
(Ф.И.О.)

қуйидаги сабабларга кўра якка тартибдаги суҳбатдан соат __:__да четлатилди:

☐ тақиқланган воситалардан фойдаланган (уяли телефон, компьютер ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб, шпаргалка);

☐ бошқа абитуриентга тақиқланган воситаларни берган;

☐ бошқа абитуриентга ёрдам берган;

_____
(низомда назарда тутилган бошқа ҳолатлар)

Абитуриент томонидан Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг _____ бандлари талаблари бузилган.

Комиссия котиби _____ _____
(Ф.И.О.) (имзо)

Тошкент давлат юридик университети
ҳузуридаги академик лицейлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилиш бўйича якка тартибдаги суҳбатдан ўтган абитуриентнинг жавобларини
БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ

Абитуриентнинг Ф.И.О._____ Сана _____

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар
1.	Академик лицей дастурлари доирасида ҳуқуқий фанлар бўйича билим савияси ва ўзлаштириш даражаси	
2.	Юридик касбни танлашда мотивацияси (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш кўрсатиш)	
3.	Нутқ маданиятининг шаклланганлиги, ўз фикрини равон ифода этиш ва танқидий фикрлаш салоҳиятига эга эканлигини	
4.	Умумий дунёқарашининг шаклланганлиги, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятининг мавжудлиги	

Изоҳ: _____
_____

_____

Суҳбат ўтказиш бўйича комиссия аъзоси:

_____ _____
(Ф.И.О.) (имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 350-сон қарорига
2-илова

Юридик техникумлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом юридик техникумларнинг иқтидорли битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда – Университет) махсус уч йиллик таълим дастурига 2-курсдан кириш тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

абитуриент – Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига 2-курсдан юридик техникум тавсияси бўйича тест синовларисиз, суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилинадиган юридик техникум битирувчиси;

махсус комиссия – ҳар йили юридик техникум директори буйруғи билан юридик техникумларда ташкил этиладиган битирувчиларга тавсияномалар бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссия;

қабул комиссияси – Университет ректори буйруғи билан ташкил этиладиган Университетга қабул жараёнларини ташкил этувчи, шу жумладан абитуриентлар ҳужжатларини қабул қиладиган ва уларга маслаҳат берувчи комиссия;

суҳбат комиссияси – Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилиш учун абитуриентлар билан якка тартибдаги суҳбат ўтказиш мақсадида Университет тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;

якка тартибдаги суҳбат – Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилиш учун суҳбат комиссияси томонидан абитуриентга мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда савол-жавоб ўтказиш жараёни;

апелляция комиссияси – якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича абитуриентларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун ташкил этиладиган комиссия;

ҳудудий адлия органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари.

3. Абитуриентлар Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида ўқишга қабул қилинади.

4. Юридик техникумлардаги таълим шаклидан қатъи назар, Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига мувофиқ бакалавриатнинг кундузги, кечки, масофавий таълим шаклларига ўқишга қабул қилиш суҳбат натижаларига кўра рейтинг тизими бўйича тўпланган баллар асосида амалга оширилади.

5. Абитуриентлар қуйидаги мезонлар асосида суҳбатдан ўтказилади:

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш (давлат ва жамият қурилиши, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, шунингдек, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги);

ихтисосликни танлашда мотивация (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш билдириш);

шахсий-касбий хусусиятлар (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжиҳатлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шунингдек, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари);

юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги (профессионал таълими даражасида юриспруденция соҳасида ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги).

2-боб. Махсус комиссияни ташкил этиш ва битирувчиларни тавсия қилиш тартиби

6. Ҳар йили 10 июнга қадар 7 кишидан иборат таркибда ҳар бир юридик техникум учун алоҳида махсус комиссия ташкил этилади. Махсус комиссия таркибига келишувга кўра университет, ҳудудий адлия органлари ва юридик техникум ходимлари киритилади.

Махсус комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Махсус комиссияга кўзи ожиз абитуриент мурожаат этганида, махсус комиссия таркибига Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили киритилади.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

Махсус комиссияга унинг бошқа аъзолари фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис раҳбарлик қилади.

Университет билан келишилган ҳолда Махсус комиссия раиси ўринбосари Университет профессор-ўқитувчилари орасидан белгиланади.

Махсус комиссия фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш унинг котибига юкланади. Махсус комиссия котиби бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади.

7. Битирувчилар ҳар йили 20 июнга қадар Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилишни сўраб махсус комиссияга ариза беради. Бунда ариза махсус комиссия котибига топширилади.

Махсус комиссия фақат комиссия ташкил этилган тегишли ўқув йили битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

8. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

битирувчининг хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат;

битирувчининг шахсий ютуқлари, юридик техникумнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини (маънавий-маърифий тадбирлар, жамоат ишлари, лойиҳалар, танловлар, олимпиадалар ва бошқа тадбирлар) тасдиқловчи ҳужжатлар.

9. Махсус комиссия ҳар йили 20 июндан 30 июнга қадар юридик техникумлар битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

Аризалар Махсус комиссия мажлисларида кўриб чиқилади.

10. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвали юридик техникум директори буйруғи билан тасдиқланади. Мажлисга таклиф этилган юридик техникумлар битирувчилари рўйхати буйруққа илова қилинади.

11. Мажлислар ўтказиш жадвали юридик техникумнинг расмий веб-сайтида, қоида тариқасида, мажлис бошланишига камида бир ҳафта қолганда эълон қилинади.

12. Махсус комиссия мажлиси, қоида тариқасида, юридик техникум биноларида ўтказилади. Махсус комиссия мажлиси комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

13. Махсус комиссия қуйидаги минимал талабларни инобатга олган ҳолда, Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилади:

битирувчининг юридик техникумдаги умумий ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича 71 фоиз ва ундан юқори фоизни ташкил қилиши, шунингдек, 5 баҳолик тизимда 4 баҳо ва ундан юқори бўлиши керак. Бунда махсус комиссияга битирувчининг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи тўғрисидаги маълумот юридик техникум томонидан тақдим этилади;

битирувчининг хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи камида B2 даражасидаги миллий ёки халқаро сертификатга эгалиги;

битирувчининг шахсий ютуқлари, юридик техникумнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки (маънавий-маърифий тадбирлар, жамоат ишлари, лойиҳалар, танловлар, олимпиадалар ва бошқа тадбирлар);

битирувчининг юридик техникумдаги ўқиш даврида унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

Бунда махсус комиссия мазкур минимал талабларга тегишли масалаларни кўриб чиқишда битирувчининг юридик техникумдаги бутун ўқиш даврини ҳисобга олади.

14. Зарурат бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида битирувчи махсус комиссия йиғилишига чақирилиши ҳамда у билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

Суҳбат реал вақт режимида (онлайн) кузатиб бориш имкониятига эга хонада ўтказилади.

15. Мажлисда иштирок этган махсус комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан битирувчини Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилиш ёки тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда комиссия ҳар бир аъзосининг битирувчи тўғрисидаги асослантирилган фикри мажлис баённомасида қайд этилади.

Бунда битирувчи ушбу Низомнинг 13-бандида белгиланган минимал талабларга жавоб бермаган тақдирда, махсус комиссия уни Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун асос бўлади.

16. Махсус комиссия мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланиб, раис томонидан тасдиқланади.

17. Махсус комиссиянинг қарори асосида Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилинган битирувчилар рўйхати қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида юридик техникум директорининг буйруғи билан тасдиқланади ҳамда битирувчига буйруқдан кўчирма берилади.

Бунда юридик техникум битирувчисига тавсия бериш ҳақида қабул қилинган қарор холислиги учун шахсий жавобгарлик юридик техникум директори зиммасига юкланади.

Мазкур буйруқ нусхаси юридик техникум томонидан бир иш куни ичида Университетнинг расмий почтасига электрон шаклда юборилади.

Тавсия қилинган битирувчиларга Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш ҳуқуқи дастлабки икки йил учун амал қилади.

3-боб. Қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

18. Абитуриентларни қабул қилиш параметрлари ҳақидаги маълумот Университетнинг расмий веб-сайтига қабул параметрларига оид ҳужжат қабул қилинганидан кейин беш кундан кечикмасдан жойлаштирилади.

19. Қабул комиссияси томонидан абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари ҳар йили 5 июлдан 25 июлга қадар қабул қилинади.

Абитуриент мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ Университет ректори номига махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш ҳақида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали электрон шаклда ариза юборади.

Бунда битирувчининг дипломи (иловаси билан бирга) pdf (portable document format) шаклда аризага илова қилинади.

20. Ҳужжатлар Университет қабул комиссияси томонидан қабул қилинган вақт ариза учун ноёб рақам олинган вақт ҳисобланади.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ва уларнинг аризалари қабул қилингани электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

Аризаси қабул қилинмаган абитуриентларга аризани қабул қилишни рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда электрон платформадаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

Абитуриент томонидан белгиланган муддатда рўйхатдан ўтишда электрон платформага талаб этилган маълумотлар ва ҳужжатлар аслига мос ҳамда тўлиқ белгиланган талабларга мувофиқ киритилганда, қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

21. Абитуриент электрон платформада билдиришномани олганидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида камчиликларни бартараф этиши ва ҳужжатларни мазкур Низомнинг 19-бандида белгиланган тартибда такроран топшириши мумкин.

Бунда ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган муддат аризани такроран топширишга нисбатан қўлланилмайди.

4-боб. Суҳбат комиссиясини ташкил этиш ва якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш тартиби

22. Ҳар йили 1 июлга қадар 7 кишидан иборат Университетнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири буйруғи билан суҳбат комиссияси ташкил этилади. Суҳбат комиссияси таркибига Адлия вазирлиги ва Университет ходимлари киритилиши мумкин.

Якка тартибдаги суҳбатда кўзи ожиз абитуриент қатнашаётган тақдирда, суҳбат комиссияси таркибига Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили киритилади. Бунда кўзи ожиз абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш жараёни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Махсус комиссия таркибига киритилган шахсларнинг суҳбат комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Суҳбат комиссияси ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Суҳбат комиссиясига унинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис раҳбарлик қилади. Суҳбат комиссияси фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш унинг котибига юкланади.

Суҳбат комиссияси котиби бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади.

23. Суҳбат комиссияси суҳбат бошланишидан камида беш кун олдин якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалини тасдиқлайди ҳамда Университет расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон қилади.

24. Суҳбат комиссияси ҳар йили 10 августдан 25 августга қадар абитуриентлар билан якка тартибда суҳбат ўтказади.

Холисона сабабларга кўра ушбу муддатларда суҳбат ўтказиш имконияти бўлмаса, суҳбат комиссияси якка тартибдаги суҳбат ўтказиш муддатини ўзгартириши мумкин. Бунда абитуриентлар белгиланган муддатдан камида бир ҳафта олдин якка тартибдаги суҳбат ва уни ўтказиш жадвали ҳақида хабардор қилинади.

25. Якка тартибдаги суҳбат ўтказилгунга қадар абитуриентлар учун қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган жадвал асосида маслаҳатлар ташкил этилади.

26. Қабул комиссияси котиби якка тартибдаги суҳбат ўтказиладиган бино ва аудиторияларни тайёрлаш учун масъул ҳисобланади.

27. Якка тартибдаги суҳбат Университетдаги таълим тилларида ўтказилади. Бунда якка тартибдаги суҳбат тили абитуриент томонидан танланади ва унинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризасида кўрсатилади.

28. Абитуриент суҳбат ўтказиладиган аудиторияга якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалига мувофиқ биометрик паспорти (ID-картаси) билан навбатма-навбат киритилади.

29. Абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбатга уяли телефон ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб ва шпаргалкалар олиб кириши, улардан фойдаланиши ёки уларни бошқа абитуриентга бериши, шунингдек, бошқа абитуриентга ёрдам беришига йўл қўйилмайди.

Ушбу талабни бузган абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади. Суҳбат комиссияси котиби мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда абитуриентни якка тартибдаги суҳбатдан четлаштириш ҳақида далолатнома расмийлаштиради.

30. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида суҳбат комиссияси аъзолари абитуриентга мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда саволлар беради.

Бунда мазкур Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошисидаги мезон бўйича бериладиган саволлар рўйхати юридик техникумлар ўқув дастурлари асосида шакллантирилади ҳамда Университет ректори томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган саволлар рўйхати Университетнинг расмий веб-сайтига якка тартибдаги суҳбат бошланишидан камида бир ой олдин жойлаштирилади.

Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида абитуриентга қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта абитуриент билан якка тартибдаги суҳбат 30 дақиқагача давом этади.

Мазкур Низомнинг 5-бандидаги мезонлар бўйича саволлар абитуриент томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

Абитуриент томонидан тасодифий равишда танланган саволлар суҳбат комиссияси котиби томонидан қоғозга чоп этилиб, абитуриентга тақдим қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича максимал балл 25 баллни ташкил этади.

31. Абитуриентлар билан ўтказилган якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича суҳбат комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни суҳбат комиссияси котибига тақдим этади. Суҳбат комиссияси котиби комиссия аъзолари томонидан абитуриентга қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари рейтинг тизими бўйича абитуриентга қўйилган 0 дан 100 гача оралиқдаги баллар асосида аниқланади.

32. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича суҳбат комиссиясининг баённомаси расмийлаштирилади. Баённома якка тартибдаги суҳбатда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Абитуриентлар рўйхати суҳбат комиссияси баённомасида энг юқори балл олган абитуриентдан бошлаб, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда, камайиб бориш тартибида жойлаштирилади.

Якка тартибдаги суҳбат жараёни видеоёзувларда қайд этилади ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали онлайн режимда трансляция қилинади.

33. Якка тартибдаги суҳбат натижалари суҳбат жараёни якунлангандан сўнг бир иш куни ичида Университетнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон қилинади.

34. Абитуриент қуйидаги ҳолларда ўқишга қабул қилинмайди:

жадвал бўйича якка тартибдаги суҳбатга келмаганда (0 балл қўйилади);

якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 70 фоизи ва ундан кам балл тўпланганда.

Бунда якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 71 фоизи ва ундан юқори балл тўплаган, бироқ, Университет томонидан белгиланган ўринлар доирасига кирмаган абитуриентлар ўқишга қабул қилинмайди.

35. Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбатни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

36. Якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича абитуриентнинг шикоятини кўриб чиқиш учун Университет тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири буйруғи билан 7 нафар аъзодан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига тегишли фанлар бўйича экспертлар, шикоят кўзи ожиз абитуриент томонидан берилганда эса Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вакили ҳам киритилади.

Апелляция комиссияси таркибига вазирлик ва Университет ходимлари киритилиши мумкин.

Махсус комиссия ва суҳбат комиссияси аъзолари апелляция комиссияси таркибига киритилмайди.

Апелляция комиссияси унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

Апелляция комиссияси ўз фаолиятини коллегиаллик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Апелляция комиссиясига комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис раҳбарлик қилади. Апелляция комиссияси фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

Апелляция комиссияси котиби бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади.

Зарурат бўлганда, суҳбат комиссияси аъзоси апелляция жараёнида қатнашиши ва ўз фикрини билдириши мумкин.

37. Абитуриент якка тартибдаги суҳбат натижаларидан норози бўлган тақдирда, суҳбат натижаси эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида апелляция комиссиясига ёзма ёхуд электрон равишда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

38. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида кўриб чиқади. Апелляция шикояти кўриб чиқиладиган кун ҳақида абитуриентга хабар берилади.

39. Апелляция шикояти абитуриент иштирокида кўриб чиқилади ва ушбу жараён видеоёзувларда қайд этилади.

40. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлган тақдирда, апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ва якка тартибдаги суҳбат натижаларини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;

эътироз асосли бўлган тақдирда, апелляция шикоятини қаноатлантириш ва якка тартибдаги суҳбат натижаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

41. Якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар қабул комиссиясига якка тартибдаги суҳбат ўтказилган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида дипломи (иловаси билан бирга) ва хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатининг аслини тақдим этади.

Ҳужжатларда, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларда сохталаштириш ва қалбакилаштириш ёки ёлғон маълумот тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан ёхуд университет талабалари сафидан четлаштирилади, ҳужжатлари эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

42. Университет ҳар йили 30 августга қадар якка тартибдаги суҳбат натижалари тўғрисидаги маълумотларни Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборади.

5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

43. Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига тавсия этиш ва дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги ректор буйруғи, қоида тариқасида, 5 сентябрдан кечиктирмасдан қабул қилинади.

44. Университет ректорининг абитуриентларни махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга тавсия этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинганидан сўнг Университет ҳамда абитуриентлар ўртасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус платформаси орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.

Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар қонунчилик ҳужжатлари ва шартномада кўрсатилган муддатларда тўловларни амалга оширади.

45. Ҳар йили 30 сентябрга қадар Университет ректорининг шартномада кўрсатилган тўловларни амалга оширган абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

46. Университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларидан кўчирмалар уларнинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

47. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Юридик техникумлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Юридик техникумлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилишни ташкил этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Юридик техникумлар	Юридик техникумлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилиш масаласини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этади.	Ҳар йили 10 июнга қадар
	Юридик техникумларнинг битирувчилари	ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилишни сўраб махсус комиссияга ариза беради.	Ҳар йили 20 июнга қадар
	Махсус комиссия	1. Мажлисларни ўтказиш жадвалини юридик техникумларнинг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилади. 2. Битирувчиларнинг ҳужжатларини комиссия мажлисида кўриб чиқади. 3. Мажлисда иштирок этган махсус комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан битирувчини ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилиш ёки тавсия қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Мажлис бошланишидан камида бир ҳафта олдин Ҳар йили 20 июндан 30 июнга қадар
2-босқич	Юридик техникумлар	1. Махсус комиссиянинг қарори асосида ТДЮУнинг махсус уч йиллик таълим дастурига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга кириш учун тавсия қилинган битирувчилар рўйхатини буйруқ билан тасдиқлайди ҳамда битирувчига буйруқдан кўчирма беради.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида

		2. Буйруқ нусхасини ТДЮУнинг қабул комиссиясига юборади.	Бир иш куни ичида
3-босқич	Абитуриент	ТДЮУ ректори номига университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш ҳақида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали электрон шаклда ариза юборади.	Ҳар йили 5 июлдан 25 июлга қадар
4-босқич	Қабул комиссияси	1. Абитуриентнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва унинг аризалари қабул қилинганини электрон платформадаги шахсий кабинети орқали маълум қилади. 2. Агар тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, ТДЮУнинг электрон платформадаги шахсий кабинети орқали бу ҳақида маълум қилади.	Қабул муддати давомида Камчилик аниқланган вақтдан бошлаб 1 соат ичида
	Абитуриент	Билдиришномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этади ва ҳужжатларни белгиланган тартибда такроран топширади.	24 соат ичида
5-босқич	Адлия вазирлиги	Суҳбат комиссиясини ташкил этади.	Ҳар йили 1 июлга қадар
	Суҳбат комиссияси	1. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвалини тасдиқлайди, ТДЮУнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида эълон қилади. 2. Абитуриентлар билан якка тартибда суҳбат ўтказади. 3. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини ТДЮУнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда эълон қилади.	Суҳбат бошланишидан камида беш кун аввал Ҳар йили 10 августдан 25 августгача Суҳбат жараёни якунлангандан сўнг бир иш куни ичида
6-босқич	Адлия вазирлиги	Якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича абитуриентнинг шикоятини кўриб чиқиш учун апелляция комиссиясини ташкил этади.	Ҳар йили 1 июлга қадар
7-босқич	Абитуриент	Диплом (иловаси билан бирга) ва хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификатнинг асл нусхаларини қабул комиссиясига тақдим этади.	Ўқув йили бошланишига қадар

8-босқич	ТДЮУ	Абитуриентларни университетнинг махсус уч йиллик таълим дастурига тавсия этиш ва дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисида буйруқ қабул қилади.	Ҳар йили 5 сентябрдан кечиктирмасдан
9-босқич	ТДЮУ, абитуриент	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус платформаси орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштиради.	Ўқишга тавсия этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинганидан сўнг
	Абитуриент	Тўловни амалга оширади.	Қонунчилик ҳужжатлари ва шартномада кўрсатилган муддатларда
	ТДЮУ	Шартномада кўрсатилган тўловларни амалга оширган абитуриентларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.	Ҳар йили 30 сентябрга қадар

Юридик техникумлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

Тошкент давлат юридик
университети ректори
_____га
(Ф.И.О.)
_____
_____дан
(абитуриентнинг Ф.И.О (тўлиқ ёзилади)

Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул тўғрисида
АРИЗА

Менга _____йўналишида таълим олиш учун суҳбатдан
(таълим йўналишининг номи) (ўзбек, рус)
ўтишимга рухсат беришингизни сўрайман.
Маълумотим _____ .
(ўрта махсус) (таълим муассасасининг номи)
_____ни _____ йилда тугатганман.
Таълим тўғрисидаги ҳужжат (диплом): серия _____ № _____
Суҳбатдан _____тилида ўтаман.
(ўзбек, рус)
Туғилган вақтим ва жойим: _____ _____ _____ **йил,** _____
(кун) (ой) (йил) (туғилган жойи)
Доимий яшаш манзилим: _____
(мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй рақами тўлиқ)
_____
Биометрик паспорт (идентификация ID-картаси) маълумоти:
_____ _____, _____
(серия) (рақами) (қачон ва ким томонидан берилган)
_____
Халқаро ёки миллий олимпиадаларда, танловларда ҳамда спорт мусобақаларида қатнашганлиги ҳақида маълумот (агар қатнашган бўлса) _____
(олимпиада фани)
_____
танлов фани (ихтисослиги), спорт мусобақаси тури, ўтказилган вақти, эгалланган ўрин)
Ногиронлиги ҳақида маълумот _____
(номи ва гуруҳи, ҳужжат реквизитлари)
Суҳбат ўтказиш қоидалари билан танишдим.
_____ _____ _____
(абитуриентнинг Ф.И.О.) (имзо) (ариза бериш санаси)

Юридик техникумлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

Якка тартибдаги суҳбатдан четлаштириш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА

_____шаҳри 20__йил "___" ____

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, абитуриент

_____
(Ф.И.О.)

қуйидаги сабабларга кўра якка тартибдаги суҳбатдан соат __:__да четлатилди:

☐ тақиқланган воситалардан фойдаланган (уяли телефон, компьютер ҳамда бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб, шпаргалка);

☐ бошқа абитуриентга тақиқланган воситаларни берган;

☐ бошқа абитуриентга ёрдам берган;

_____
(низомда назарда тутилган бошқа ҳолатлар)

Абитуриент томонидан Юридик техникумлар битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг _____ бандлари талаблари бузилган.

Комиссия котиби _____ _____
(Ф.И.О.) (имзо)

Юридик техникумлар битирувчиларини
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

Тошкент давлат юридик университетининг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилиш бўйича якка тартибдаги суҳбатдан ўтган абитуриентнинг жавобларини
БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ

Абитуриентнинг Ф.И.О._____ Сана _____

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Баллар
1.	Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш (давлат ва жамият қурилиши, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, шунингдек, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар ҳақида тасаввур ва фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги)	
2.	Ихтисосликни танлашда мотивация (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш билдириш)	
3.	Шахсий-касбий хусусиятлар (ўқишга қобилият, касбий вазифаларни ҳал қилишда амалий фаолият, интизомлилик, ҳамжиҳатлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси, шунингдек, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятлари)	
4.	Юриспруденция соҳасидаги билим ва касбий кўникмаларнинг мавжудлиги (профессионал таълими даражасида юриспруденция соҳасида ўз фикрини баён қилиш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг мавжудлиги)	

Изоҳ: _____
_____

Суҳбат ўтказиш бўйича комиссия аъзоси:
_____

_____ _____
(Ф.И.О.) (имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 350-сон қарорига
3-илова

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий маълумотга эга бўлган шахсларни Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – Университет) “юриспруденция” таълим йўналишининг махсус уч йиллик таълим дастури доирасида тест синовлари асосида ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Олий маълумотга эга бўлган шахслар (кейинги ўринларда – абитуриентлар) Университетда “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича олий таълимни олишлари мумкин.

3. Университет ўзининг мавжуд қувватлари, моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб, қабул параметрларидан ташқари квота доирасида “юриспруденция” таълим йўналиши ва ўқитишнинг кундузги, кечки, масофавий таълим шаклларида ташкил этади.

4. Университет “юриспруденция” таълим йўналишининг махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилиш иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олишни назарда тутади.

5. Университет “юриспруденция” таълим йўналишининг махсус уч йиллик таълим дастурига абитуриентларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни махсус уч йиллик таълим дастурига қабул қилишни ташкил этиш

6. Олий маълумотга эга бўлган шахслар учун қабул параметрлари Университетнинг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-техник базаси ҳисобга олинган ҳолда, Университет кенгаши томонидан белгиланади ҳамда ҳар йили 1 июлга қадар Университет расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

7. Университетда ўқув йили учун ташкил этиладиган қабул комиссияси (кейинги ўринларда – қабул комиссияси) мазкур тоифадаги қабулни амалга оширишга масъул ҳисобланади.

8. Абитуриентлар ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) махсус электрон тизими орқали рўйхатдан ўтади.

9. Абитуриентлар рўйхатдан ўтишда махсус электрон тизимга ўзининг шахсий маълумотларини киритади ва қуйидаги ҳужжатларни юклайди:

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси (ёки дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида ўқиб тугатганлар учун);

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат иловасининг нусхаси.

Бунда хорижий давлатлар таълим муассасаларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари белгиланган тартибда нострификациядан ўтказилган бўлиши лозим.

Агентликнинг махсус электрон тизимига юкланган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги бўйича абитуриент шахсан жавобгар ҳисобланади.

10. Тест синовларида иштирок этиши учун абитуриентлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади. Тўловни амалга оширмаган абитуриентларга тест синовларида иштирок этиш учун рухсатнома шакллантирилмайди.

3-боб. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби

11. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни Университетнинг “юриспруденция” таълим йўналишининг махсус уч йиллик таълим дастурига ўқишга қабул қилиш Агентлик томонидан ўтказиладиган тест синовлари шаклида амалга оширилади.

12. “Юриспруденция” таълим йўналиши бўйича тест топшириқлари сони, баҳолаш мезонлари ва жавоблар варақаси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишларига жорий ўқув йили қабули учун тасдиқланган тест топшириқлари сони, баҳолаш мезонлари ва жавоблар варақаси намунасига мувофиқ амалга оширилади.

13. Олий маълумотга эга бўлган шахслар “юриспруденция” таълим йўналишининг фақат мутахассислик фанлари ва чет тили доирасида тест жараёнларига қатнашади. Бунда умумий тартибдаги кириш имтиҳонларида қўлланиладиган имтиёзлар (хорижий тилни билиш бўйича сертификатлар бундан мустасно) махсус уч йиллик таълим дастурига татбиқ этилмайди.

14. Абитуриентнинг фанлар мажмуасида чет тили фанидан тест синовини инглиз, немис, француз, испан, итальян, турк, хитой, корейс, япон, араб, форс, дарий, урду, уйғур ва ҳиндий тилларидан бирида топшириши мумкин. Бунда мазкур чет тилларидан бири абитуриент томонидан рўйхатдан ўтиш босқичида танланади.

Танланган чет тили бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро тан олинган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан белгиланган максимал балл берилади.

15. Тест топшириқлари умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари асосида тузилади.

16. Тест синовлари Агентлик томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори талаблари асосида ҳар йили август-сентябрь ойларида Агентлик томонидан белгиланадиган саналар ва биноларда ўтказилади. Кўзи ожиз абитуриентларни имтиҳондан ўтказиш жараёнлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Тест синов натижалари қайдномаси, қоида тариқасида, тест синовлари тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддатда Агентлик томонидан Университетга етказилади ва натижалар Агентлик ҳамда университетнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

4-боб. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш, ўқиш учун тўлов тартиби ва миқдори

18. Абитуриентларни Университетга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш белгиланган квота доирасида тест синовларининг баллар кетма-кетлиги бўйича Агентлик томонидан амалга оширилади.

Бунда талабаликка қабул қилинган абитуриентлар қабул комиссиясига ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатларнинг аслини тақдим этади.

19. Махсус уч йиллик таълим дастурида ўқиш учун талабаликка тавсия этилган шахслар ва Университет ўртасида шартномалар расмийлаштирилади.

Шартномалар юридик шахслар учун уч нусхада, жисмоний шахслар учун икки нусхада расмийлаштирилади.

Шартнома шартлари, уларни амалга ошириш тартиби ҳамда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Белгиланган намунадаги шартномалар Вазирликнинг “kontrakt.edu.uz” платформаси орқали амалга оширилади.

21. Шартнома шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

22. Университет ўзининг мавжуд илмий-педагогик салоҳияти ва талабалар учун сифатли таълим жараёнини ташкил этиш имконини берадиган моддий-техник базасидан ҳамда тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари қўшимча (кейинги ўринларда – қўшимча қабул) ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида бакалавриатга қўлланиладиган тартибга асосан ўқишга қабул қилиши мумкин.

Бунда қўшимча қабул ва табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори Университет томонидан мустақил равишда белгиланади.

Тўлов-контракт (қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт) миқдорлари ва тўлаш муддатлари Университет кенгаши томонидан мустақил белгиланади.

5-боб. Ўқув жараёнларини ташкил этиш, талабалар ўқишини кўчириш, ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби

23. Университетга ўқишга қабул қилинган талабалар алоҳида ўқув режасига асосан махсус уч йиллик таълим дастури асосида таҳсил олади.

24. Мазкур бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида кредит-модул тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 10 июндаги 359-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

25. Махсус уч йиллик таълим дастури асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини Университетнинг ҳамда бошқа олий таълим ташкилотларининг бакалавриат тайёрлашнинг 4 йиллик таълим дастурига кўчирилишига рухсат берилмайди.

26. Махсус уч йиллик дастурда таҳсил олаётган талабаларнинг таълим шакли ва таълим тилини ўзгартирилишига рухсат берилмайди.

27. Махсус уч йиллик дастур асосида таҳсил олаётган талабаларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

28. Махсус уч йиллик таълим дастури асосида таҳсил олган шахсларга, давлат аттестацияси якунлари бўйича, давлат намунасидаги ҳужжат (диплом ва унинг иловаси) берилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

29. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни
Тошкент давлат юридик университетига ўқишга
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Тошкент давлат юридик университети “юриспруденция” таълим йўналишининг махсус уч йиллик таълим дастурига абитуриентларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ)	Олий маълумотга эга бўлган шахслар учун қабул параметрларини ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.	Ҳар йили 1 июлга қадар
2-босқич	Абитуриент	Олий маълумотга эга бўлган абитуриентлар Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус электрон тизими орқали рўйхатдан ўтади.	Ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар
3-босқич	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	Олий маълумотга эга бўлган шахсларни ТДЮУнинг “юриспруденция” таълим йўналишининг махсус уч йиллик таълим дастурига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказиладиган тест синовлари шаклида амалга оширилади.	Ҳар йили август-сентябрь ойларида
4-босқич	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги, ТДЮУ	Тест синов натижалари Агентлик ҳамда ТДЮУнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.	Тест синовлари тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддатда
5-босқич	ТДЮУ ва абитуриент	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус платформаси орқали қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.	Ўқишга тавсия этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинганидан сўнг

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 350-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарорида:

а) 1-илованинг 2-банди тўртинчи хатбошиси “олий юридик маълумотга” сўзларидан кейин “ёки юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тугатиб белгиланган намунадаги дипломга” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-илованинг 7-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юридик маслаҳатчиларнинг олий юридик маълумот ёки юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларида таълим олганлик тўғрисидаги диплом нусхаси (агар юридик маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи бўйича маслаҳат берадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси олий юридик таълим муассасаси томонидан берилган олий маълумот ёки юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларида таълим олганлик тўғрисидаги дипломи нусхаси ёхуд хорижий олий ўқув юртида олинган олий юридик маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлигини эътироф этиш бўйича ваколатли давлат органининг гувоҳномаси)”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университети магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 августдаги 513-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент давлат юридик университети магистратурасига кундузги, кечки ва масофавий таълим шакллари бўйича ўқишга қабул қилиш тартибини назарда тутувчи Тошкент давлат юридик университети магистратурасига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

тўртинчи хатбошидаги “кириш тест синовларисиз” сўзлари “танловсиз” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги “сиртқи” сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“базавий олий юридик маълумотга ҳамда давлат ҳокимияти ва марказий бошқарув органларида юридик йўналиш бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимларни Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) магистратурасига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий ва кечки ўқитиш дастурлари бўйича ўқиши учун қабул қилиш тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра, тўлов-контракт асосида қабул параметрларидан ташқари амалга оширилади”;

тўртинчи хатбошидаги “тест синовларисиз”, “қошидаги” ва “лицейда” сўзлари тегишлича “танловсиз”, “ҳузуридаги” ҳамда “лицейларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “кириш тест синовларисиз” сўзлари “танловсиз” сўзи билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 2^1-банд билан тўлдирилсин:

“2^1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–279-сон қарорига мувофиқ, ТДЮУ магистратурасига қабул абитуриентнинг бакалавриат диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди”;

г) 3-банддаги “Давлат тест марказининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тошкент давлат юридик университети магистратурасига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – ТДЮУ) магистратурасига кундузги, кечки ва масофавий таълим шакллари бўйича ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари)ни мутахассисликлар бўйича ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори билан белгиланган қабул параметрларига мувофиқ давлат гранти ва ТДЮУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган тўлов-контракт, шу жумладан ТДЮУ томонидан мустақил равишда белгиланадиган қўшимча қабул ва табақалаштирилган тўлов-контракт доирасида амалга оширилади.

3. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

абитуриент – ТДЮУ магистратурасига ўқишга кириш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва танловда иштирок этувчи жисмоний шахс;

қабул комиссияси – ТДЮУ ректорининг буйруғи билан ҳар йили ташкил этиладиган ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилишни ташкил этадиган, шунингдек, абитуриентларга маслаҳат хизматлари кўрсатадиган комиссия.

4. ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тегишли ўқув йили учун тасдиқланадиган қабул комиссияси зиммасига юкланади.

5. ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилиш абитуриентлар учун тенг ҳуқуқлилик, қабулнинг ягона қоидалари ва танлов принциплари асосида амалга оширилади.

Танлов натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат грантлари бўйича биринчи навбатда, қолганлар тўпланган балларнинг рейтинг тизими асосида тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилиш параметрлари, шу жумладан белгиланган тартибда қўшимча қабул ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилинади.

6. Танлов магистратура мутахассисликлари, таълим шакли ва ўқитиш тилларига кўра алоҳида ўтказилади.

7. ТДЮУ магистратурасига қабул “Юриспруденция” таълим йўналиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик) томонидан белгиланган турдош (магистратурага қабул бўйича) олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига эга бўлган шахслар ўртасида танлов асосида амалга оширилади.

8. ТДЮУ магистратурасига қуйидаги параметрлар асосида ўқишга қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган давлат грантлари асосидаги қабул параметрлари;

Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) томонидан тасдиқланган олий таълим ташкилотлари ва тиллар кесимидаги магистратура мутахассисликлари бўйича қабул параметрлари.

9. ТДЮУ магистратурасида ўқитиш тили белгиланган қабул параметрлари доирасида ҳужжатлар қабул қилингунга қадар вазирлик ва идоралар таклифларига мувофиқ Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

10. Магистратурага ўқишга қабул қилиш жараёнлари ТДЮУ қабул комиссияси (кейинги ўринларда – қабул комиссияси) томонидан мувофиқлаштирилади. Бунда магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари тайинланади.

11. Абитуриент тамомлаган бакалавриат таълим йўналишига мос ёки турдош магистратура мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинади.

“Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналиши негизидаги магистратура мутахассислиги мос мутахассислик ҳисобланади. “Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналишини тамомлаган абитуриентлар учун ТДЮУ магистратурасида ўқиш муддати бир йилни ташкил қилади.

Вазирлик ҳар йили 1 июлга қадар олий таълим ташкилотлари магистратурасига қабул қилиш бўйича турдош олий таълим йўналишларининг рўйхатини тасдиқлайди ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти орқали эълон қилади.

Турдош таълим йўналишларини тамомлаган абитуриентлар учун ТДЮУ магистратурасида ўқиш муддати икки йилни ташкил қилади.

2-боб. Абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш

12. Қабул комиссияси, қоида тариқасида, магистратурага танловлар бошланишидан бир ой олдин магистратурага қабул қилиш муддатлари, мутахассисликлар номлари ва ўқишга қабул қилиш параметрлари ҳақидаги ахборотни ТДЮУнинг расмий веб-сайти орқали эълон қилади.

13. Абитуриентлар ТДЮУ магистратурасига ўқишга кириш учун вазирликнинг расмий веб-сайти ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан бири (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали рўйхатдан ўтади.

Абитуриентлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача (30 июль куни ҳам) рўйхатдан ўтказилади.

Абитуриентлар рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни ЯИДХПга юклайди:

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (ёки дипломдан кўчирма нусха – олий таълим ташкилотларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова нусхаси.

Бунда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилоти томонидан берилган диплом маълумотлари (ўртача балли билан) вазирликнинг “Олий таълим жараёнларини бошқариш – HEMIS” ахборот тизимида автоматик равишда шакллантирилиши сабабли ушбу тоифадаги диплом ва унинг иловасини ЯИДХП га юклаш талаб этилмайди;

хорижий тилни билиш бўйича камида B2 даражасидаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат нусхаси, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ танловдан ташқари магистратурага кириш бўйича имтиёзга эга абитуриентлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Рўйхатдан ўтиш ЯИДХП ёки вазирликнинг веб-сайти орқали амалга оширилганда маълумотлар абитуриент томонидан мустақил равишда электрон шаклда юкланади ва ҳужжатлар ҳамда маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун абитуриент шахсан жавобгар ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

14. Магистратурага қабул бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг ҳужжатлари ҳар йили 10 августгача қабул комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва уларнинг аризалари қабул қилингани ЯИДХПдаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

Аризаси қабул қилинмаган абитуриентларга аризани қабул қилишни рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда ЯИДХПдаги шахсий кабинетлари орқали маълум қилинади.

ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтган абитуриентлар аризаси ҳолатини ўзларининг шахсий кабинети орқали кузатиб боради.

Абитуриент томонидан белгиланган муддатда рўйхатдан ўтишда ЯИДХПга талаб этилган маълумотлар ва ҳужжатлар аслига мос ҳамда тўлиқ белгиланган талабларга мувофиқ киритилганда, қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Танловни ўтказиш

15. Магистратурага давлат гранти ва тўлов-контракт асосида, абитуриентларнинг бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичининг кетма-кетлигига кўра Давлат комиссияси томонидан ўқишга қабул қилинади.

Магистратурага қабул тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва вазирлик томонидан белгиланган турдош (магистратурага қабул бўйича) олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига ҳамда хорижий тилни билиш бўйича белгиланган даражадаги сертификатга эга бўлган шахслар ўртасида танлов асосида амалга оширилади.

Танлов “Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналишини тамомлаган абитуриентлар учун алоҳида, шунингдек турдош бакалавриат таълим йўналишларини тамомлаган абитуриентлар учун алоҳида ҳар бир магистратура мутахассислиги, ўқитиш тили ва таълим шакли кесимида ўтказилади.

16. Магистратурага қабул барча учун тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичи энг юқори бўлган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши таъминланади. Қолган абитуриентлар бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичи кетма-кетлигига кўра белгиланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари доирасида қабул қилинади.

Ажратилган қабул параметрлари доирасида энг охирги абитуриентнинг танлов баллига тенг кўрсаткичга эга абитуриент (абитуриентлар) ҳам мос равишда қўшимча ўрин асосида талабаликка тавсия этилади.

17. Кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўйича I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни магистратурага қабул қилишда уларнинг хорижий тилни билиш тўғрисида миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиши талаб этилмайди.

18. Магистратурага ўқишга қабул қилишда кўзи ожиз абитуриентлар тоифасига қуйидагилар киради:

а) кўзи бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномага эга бўлган шахслар;

б) кўзи бўйича 2-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномага эга бўлган қуйидаги шахслар:

махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган ўрта таълим (11-синф негизида) етуклик аттестатига эга бўлган;

имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган бошланғич касбий таълим ташкилотлари (касб-ҳунар коллежлари) томонидан кўзи ожизлар учун берилган дипломга эга бўлган;

9 йиллик кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида ўқиган ва ўрта махсус ёки касб-ҳунар ёхуд бошланғич касбий таълим ташкилотлари дипломига эга бўлган.

19. Кўзи ожиз абитуриентларнинг бакалавриат дипломи бўйича тўплаган баллари ўртача кўрсаткичи 100 баллик рейтинг тизими бўйича 71 балл ва ундан юқори ёки “5” балли баҳолаш тизими бўйича “4” ва ундан юқори бўлганда, улар қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

20. Танлов натижасидан норози бўлган абитуриентларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун ТДЮУда қабул комиссияси аъзолари, факультетлар деканлари ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат таркибда апелляция комиссияси тузилади.

Абитуриент танлов натижасидан норози бўлган тақдирда, натижалар эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида ариза билан апелляция комиссиясига мурожаат этиши мумкин. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддати икки кундан ошмаслиги лозим.

Абитуриент апелляция шикоятини кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикояти кўриб чиқиладиган кун ва жойи ҳақида қабул комиссияси томонидан абитуриентга камида бир кун олдин хабар берилади.

4-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

21. Давлат комиссиясининг ТДЮУ магистратурасига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарори ҳар йили 25 августгача қабул қилинади.

22. Талабаликка тавсия этилган абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирманинг асл нусхаси – олий таълим ташкилотларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;

хорижий тилни билиш бўйича белгиланган даражадаги сертификат нусхаси;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг электрон нусхаси.

Зарурат бўлганда ҳужжатларнинг асл нусхалари талаб қилиб олиниши мумкин.

Абитуриент томонидан тақдим этилган (топширилган) ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, абитуриент талабаликка қабул қилинмайди (талабаликка қабул қилинган бўлса, ТДЮУ талабалари сафидан четлаштирилади) ҳамда бу ҳақда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хабардор қилинади.

23. Давлат комиссиясининг қарори асосида етти иш кунида абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги ТДЮУ ректорининг буйруқлари расмийлаштирилади.

24. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида магистратура мутахассисликларига тавсия этиш тўғрисида Давлат комиссиясининг қарори қабул қилингандан сўнг ТДЮУ билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили шартномада ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Шартнома шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Абитуриентларни магистратурага тўлов-контракт (шу жумладан, қўшимча қабул ва табақалаштирилган тўлов-контракт) асосида ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган тўлов миқдори тўлангандан сўнг, ТДЮУ ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

25. Абитуриент томонидан ушбу Низомнинг 16-бандида қайд этилган ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилмаслиги ТДЮУнинг уни ўқишга қабул қилмаслигига асос бўлади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

27. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади";

е) 3-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Тошкент давлат юридик университети магистратурасига айрим тоифадаги абитуриентларни танловсиз қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ";

1-банддаги "кириш тест синовларисиз" сўзлари "танловсиз" сўзи билан алмаштирилсин;

2-бандниг бешинчи хатбошисидаги "лицейда" сўзи "лицейларда" сўзи билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3. Тегишли давлат органи биринчи раҳбарининг (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходимлари учун – Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли маслаҳатчилари ва департамент раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари учун – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳам) тавсияси асосида базавий олий юридик маълумот ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий органлари ҳамда бошқа марказий давлат органларининг марказий аппаратида юридик мутахассислик бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимлар ТДЮУ магистратурасига масофавий ва кечки таълим шакллари асосида танловсиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қабул қилинади;

4-бандниг биринчи хатбошисидаги "тест синовларисиз", "қошидаги" ва "лицейда" сўзлари тегишлича "танловсиз", "ҳузуридаги" ҳамда "лицейларда" сўзлари билан алмаштирилсин;

5 ва 5[1]-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Базавий олий юридик маълумотга эга, юридик техникумлар ва ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейларда камида уч йил ишлаган педагог ва раҳбар ходимлар ТДЮУ магистратурасига масофавий ва кечки таълим шакллари асосида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда танловсиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг тақсимот бўйича адлия органлари ва муассасаларида, биринчи навбатда, юридик техникумлар ва ТДЮУ ҳузуридаги академик лицейларда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда ўқишга қабул қилинади.

5[1]. Республикадаги олий таълим муассасасининг буюртмасига кўра базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар ТДЮУ магистратурасига кундузги, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий ва кечки таълим шаклларида, танловсиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқишни тугатгандан сўнг буюртма берган олий таълим муассасасида камида уч йил тўлиқ ставкада узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда ўқишга қабул қилинади”;

8-бандning учинчи хатбошисидаги “лицейда” ва “лицей” сўзлари тегишлича “лицейларда” ва “лицейлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандning учинчи хатбошисидаги “лицей” сўзи “лицейлар” сўзи билан алмаштирилсин;

16-банддаги “лицейда” сўзи “лицейларда” сўзи билан алмаштирилсин;

18-бандда:

иккинчи хатбошидаги “лицейда” сўзи “лицейларда” сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

низомга иловадаги “сиртқи” сўзи чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатиб, белгиланган намунадаги дипломни олган олий маълумотга эга бўлган шахслар юридик хизматларда, давлат хизматлари марказлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида барча лавозимларда, шунингдек, адвокатура ва нотариат тизимида олий юридик маълумот талаб этмайдиган барча лавозимларда ишлаш, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларида юридик маслаҳат хизмати билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 июндаги 359-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетида таълимнинг кредит-модул тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. ТДЮУ ўқув жараёнида кредит-модул тизими Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа модели (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS)га мувофиқ ташкил қилинади. Шу жумладан, амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими жорий этилади”;

4-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими – иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун юридик таълим дастурларининг 50 фоизи (назарий қисмлари) аудиторияларда, 50 фоизи (амалиёт қисми) суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик соҳага оид ташкилотларда ўтказиш жараёни”;

ўн биринчи – йигирма учинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи – йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

16-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бакалавриат таълим йўналишининг 2, 3 ва 4-курсларида ўқув жараёни назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими ташкил этилиши мумкин. Бунда, талабалар ўқув юкламасининг 50 фоизи аудиторияда назарий машғулотлар ҳамда 50 фоизи суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа корхоналарда амалий машғулотлар шаклида тақсимланади. Амалий машғулотлар кредит юкламасининг таркибий қисми ҳисобланади”;

33-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда оралиқ ва якуний назорат турлари сунъий интеллект (AI) технологияларига асосланган автоматлаштирилган баҳолаш тизимлари ҳамда инсон омилисиз назорат қилиш (прокторинг) тизими орқали ўтказилиши мумкин”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 606-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошиси “олий ҳарбий таълим муассасаларига” сўзларидан кейин “ҳамда Тошкент давлат юридик университетига” сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарорининг 3-бандида:

иккинчи хатбошидаги “лицейга” ва “лицей” сўзлари тегишлича “лицейларга” ва “лицейлар”, “Давлат тест маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “лицейга” сўзи “лицейларга” сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “лицейда” сўзи “лицейларда” сўзи билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Низом олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига, Тошкент давлат юридик университети ва бошқа олий таълим ташкилотларининг “Юриспруденция” таълим йўналишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Самарқанд вилоят академик лицейининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 12 октябрдаги 672-сон қарорининг 1-бандидаги “5 ва 5 А-уйлар” ва “ўқув ва ётоқхона биноларини (кейинги ўринларда – объект)” сўзлари тегишлича “5 А-уй” ва “ўқув, спорт зали, ошхона ва фаоллар зали биноларини (кейинги ўринларда – объект) қуриш,” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш:

қонун лойиҳалари бўйича – тегишли соҳадаги давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасалари томонидан беғараз ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан келишув асосида;

қонуности ҳужжатлари лойиҳалари бўйича – тегишли соҳадаги давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасалари, давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан келишув асосида амалга оширилади”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 19 мартдаги 171-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошиси “лавозимларда ишлаш” сўзларидан кейин “, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларида юридик маслаҳат хизмати билан шуғулланиш” сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 374-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейларнинг иқтидорли битирувчиларини “юриспруденция” йўналиши мавжуд олий таълим ташкилотларига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомда:

1-бандниng учинчи хатбошисидаги “Жамоат хавфсизлиги университети,” сўзларидан кейин “Тошкент давлат юридик университети,” сўзлари билан тўлдирилсин;

23-бандниng биринчи хатбошисидаги ҳамда 37-бандниng биринчи хатбошисидаги “ТДЮУ бўйича Адлия вазирлиги ҳамда бошқа олий таълим ташкилотлари учун” сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Айрим бакалавриат таълим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳамда IQ тест синови ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати тизимида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик ва идоралар таклифлари асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Тошкент давлат юридик университетининг “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” таълим йўналишларига ўқишга қабул қилишда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда IQ тест синови ўтказилади”;

10-бандниng бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ва кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши ҳамда таълим шаклларини танлаш ҳуқуқи берилади. Бунда кириш имтиҳонлари таркибида касбий (ижодий) имтиҳон мавжуд бўлганда, абитуриентлар муайян бакалавриат таълим йўналиши бўйича бештагача олий таълим ташкилотини танлаши мумкин бўлади, шунингдек, Тошкент давлат юридик университетининг “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” таълим йўналишларини танлаш имконияти IQ тестдан ўтган абитуриентларга тақдим этилади”;

қуйидаги мазмундаги 11^1-боб билан тўлдирилсин:

“11^1-боб. Тошкент давлат юридик университетининг “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишларига қабул қилиш тартиби

85^1. Тошкент давлат юридик университетининг “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш танловлари халқаро стандартларга мувофиқ Тошкент

давлат юридик университети томонидан ихтисослашган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда IQ тест тартибида ўтказилади ва танловда чет тиллари бўйича камида B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга абитуриентлар иштирок этади.

85[2]. Тошкент давлат юридик университетининг “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишларига абитуриентлар тест синовларини ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидан бирида топширади.

85[3]. Абитуриентларнинг рўйхатдан ўтиши мазкур низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда абитуриентлардан қўшимча равишда хорижий тилни билиш бўйича камида B2 даражасидаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат талаб қилинади.

85[4]. “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишларига ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриентлар рўйхатдан ўтиш жараёнида IQ тестдан ўтишни ҳамда таълим йўналишларига мос фанлар мажмуасини, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини танлайди.

85[5]. Рўйхатдан ўтиш жараёни тўлиқ якунланганидан сўнг IQ тестдан ўтишни танлаган абитуриентлар тўғрисидаги маълумотлар уч кун муддатда Агентлик томонидан Тошкент давлат юридик университетига тақдим этилади.

85[6]. Тақдим этилган рўйхатдаги абитуриентлар учун Тошкент давлат юридик университети томонидан IQ тест олувчи ҳамкор хорижий ташкилот билан ўзаро шартномага асосан ўтказилади.

Бунда, “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш бўйича IQ тест тартибида тест синовлари ҳар йили 10 июлга қадар ўтказилади.

IQ тест синовларини ўтказиш ва натижаларни баҳолаш хорижий ташкилот талабларига асосан амалга оширилади.

IQ тест синовлари натижалари апелляция тартибида кўриб чиқилмайди.

85[7]. IQ тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар рўйхати жараёнлар якунланганидан сўнг Тошкент давлат юридик университети томонидан беш кун муддатда Агентликка тақдим этилади.

85[8]. IQ тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар Агентлик томонидан шартномага асосан амалга оширилади.

85[9]. Тест синови тўлиқ якунлангандан сўнг 15 кун давомида IQ тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар олий таълим ташкилоти, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлаш жараёнида:

“Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишларини, шунингдек, фанлар мажмуасига мос қўшимча 3 тагача бакалавриат таълим йўналишини танлаш ҳуқуқига эга;

агар абитуриент “Рақамли ҳуқуқ” ёки “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишидан фақат биттасини танлаш истагини билдирган тақдирда, унга фанлар мажмуасига мос қўшимча 4 тагача бакалавриат таълим йўналишини танлаш ҳуқуқи берилади.

85[10]. IQ тест синовларидан ўта олмаган абитуриентлар “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок эта олмайди.

85[11]. Танлов натижаларига кўра “Рақамли ҳуқуқ” ҳамда “Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик” халқаро таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш мазкур низомнинг 10-бобида белгиланган тартибга асосан амалга оширилади”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

26 (1254)-son
655-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 352 Toshkent sh.

Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини электрон шаклда сақлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ–228-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг электрон шаклдаги архив ҳужжатларини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Архив иши соҳасини рақамлаштириш ва соҳада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ–228-сон Фармонига мувофиқ:

архив хизматларини рақамлаштиришда қўлланадиган амалдаги архив ахборот тизимлари негизида Ягона миллий архив ахборот тизими (кейинги ўринларда – Архив ахборот тизими) жорий этилиши;

барча рақамлаштирилган ва келгусида рақамлаштириладиган архив ҳужжатлари Архив ахборот тизимига киритилиши ва тизимда сақланиши белгилангани;

Архив ахборот тизими электрон ҳукумат маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва базалари билан интеграция қилиниши **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Белгилансинки:

2026 йил 1 августдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларининг архив ишига оид барча маълумотлари ва ҳужжатлари Архив ахборот тизимида шакллантирилади ва юритилади (давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно);

электрон шаклдаги архив ҳужжатларини, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар Архив ахборот тизими орқали топширилади ва қабул қилинади. Бунда хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар Архив ахборот тизимида тегишли экспертизадан ўтказилгандан сўнг қабул қилинади;

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

давлат органлари ва ташкилотлари Архив ахборот тизимини юритиш бўйича сарф-харажатларни ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

3. Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини Ягона миллий архив ахборот тизимида электрон шаклда сақлаш тартиби тўғрисидаги низом **иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Архив ахборот тизимининг мулкдори, Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази эса – оператори (кейинги ўринларда – оператор) этиб белгилансин.

Белгилансинки, оператор Архив ахборот тизимини жорий этиш, унга техник хизмат кўрсатиш, такомиллаштириш, шунингдек, унинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун масъул ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Архив ахборот тизимини такомиллаштирсин ва тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилсин;

олти ой муддатда “Киберхавфсизлик маркази” ДУК билан биргаликда Архив ахборот тизимини хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар билан ишлаш қоидалари талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги **икки ой муддатда** “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими негизида ишлаб чиқилган “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизимини ҳамда Ягона идентификация тизимини (id.egov.uz) Архив ахборот тизими билан интеграция қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Агентликнинг сўровига кўра ўзларининг очиқ ахборот тизимлари “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Архив ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

8. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари **2026 йил 1 ноябрга қадар** оператор билан шартнома тузиб, Архив ахборот тизимига уланиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **икки ой муддатда** манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 30 июндаги 352-сон қарорига
илова

Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини Ягона миллий архив ахборот тизимида электрон шаклда сақлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари, шунингдек, бошқа давлат ташкилотларининг (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) архив ишига оид ҳужжатларини электрон шаклда шакллантириш ва юритиш ҳамда Ягона миллий архив ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар билан ишлашга нисбатан татбиқ этилмайди. Электрон шаклдаги давлат сирларини ташкил этувчи архив ҳужжатларининг ахборот тизимларида сақланиши алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

масъул ижрочи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва унинг тизимидаги архив иши ҳудудий бошқармалари ва давлат архивлари;

оператор – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси;

фойдаланувчи – давлат органи ва ташкилотининг Ягона миллий архив ахборот тизимини қўллаган ҳолда, ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатадиган масъул ходими;

ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси – ташкилотда юритиладиган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва уларни сақлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда тартибга солинган ҳужжатлар йиғмажилдлари сарлавҳалари рўйхати;

Ягона миллий архив ахборот тизими (кейинги ўринларда – Архив ахборот тизими) – архив ҳужжатлари ва улар ҳақидаги маълумотларни жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда архив ишини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган ахборот тизими;

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

3. Давлат органлари ва ташкилотлари архив ҳужжатларининг йиғмажилдлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш, давлат архивига электрон шаклдаги архив ҳужжатларини топшириш, қоғоз кўринишидаги архив ҳужжатларини топшириш-қабул қилишни расмийлаштириш, архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини шакллантириш ҳамда архив ишига оид бошқа фаолият Архив ахборот тизимида амалга оширилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ишига оид ҳужжатлари Архив ахборот тизимида ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ шакллантирилади ва юритилади.

Давлат органлари ва ташкилотларидан ташқари бошқа юридик шахслар ҳам Агентлик билан келишилган ҳолда, Архив ахборот тизимидан ушбу Низом талаблари асосида фойдаланиши мумкин.

4. Архив ахборот тизимидан давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда оператор ўртасида тузиладиган шартномага асосан фойдаланилади.

Архив ахборот тизимига уланиш учун тўлов миқдори Агентлик томонидан реал сарф-харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2-боб. Архив ахборот тизимига уланишнинг умумий талаблари ва шартлари

5. Давлат органлари ва ташкилотлари Архив ахборот тизимига уланиш учун мазкур Низомга 2-иловада келтирилган аризани Архив ахборот тизимида сўров юборишга мўлжалланган махсус ойна орқали операторга юборади.

6. Оператор ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш кунида уни кўриб чиқади.

7. Ариза мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлган тақдирда, оператор давлат органлари ва ташкилотларини Архив ахборот тизимига улаш юзасидан шартномани уларга электрон шаклда юборади.

Давлат органлари ва ташкилотлари шартномани имзолаб, унда кўрсатилган тўловларни тўлагандан сўнг оператор фойдаланувчини икки иш куни ичида Архив ахборот тизимига улаш чораларини кўради.

8. Аризада ёлғон ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги Архив ахборот тизимига уланишни рад этиш учун асос бўлади.

Архив ахборот тизимига уланишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

9. Архив ахборот тизимига уланиш рад этилган тақдирда, оператор томонидан фойдаланувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома юборилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари хабарномада келтирилган камчиликларни бартараф қилиб, қайта ариза бериши мумкин.

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

3-боб. Архив ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш

10. Барча фойдаланувчилар Архив ахборот тизимида Ягона идентификация тизими (OneID) орқали рўйхатдан ўтади, бунда:

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари масъул ходимларини белгилаб, уларга Архив ахборот тизимидан фойдаланиш ваколатини беради;

фойдаланувчилар шахсий ЭРИ калити ёрдамида Архив ахборот тизимида маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантиради ҳамда юритади.

11. Агентлик давлат органлари ва ташкилотларининг архив ишига оид маълумотлари ва ҳужжатларини Архив ахборот тизимида шакллантириш ва юритиш жараёнларининг доимий мониторингини юритади.

12. Оператор Архив ахборот тизимини жорий этиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни янада такомиллаштириш, шунингдек, унинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун масъул ҳисобланади.

13. Архив ахборот тизимининг фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотлар оператор томонидан бошқарилади.

4-боб. Архив ахборот тизимида ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини шакллантириш, келишиш ва тасдиқлаш

14. Фойдаланувчи Архив ахборот тизимида ўзининг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқади ва Марказий эксперт комиссияси ёки Эксперт комиссияси томонидан маъқуллангандан сўнг ҳар йили 1 декабрга қадар (янги ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари бир ой муддатда) келишиш учун тегишли масъул ижрочига Архив ахборот тизими орқали юборади.

15. Масъул ижрочининг Марказий эксперт-текшириш комиссияси ёки Эксперт-текширув комиссияси/Эксперт-текширув услубий комиссияси томонидан фойдаланувчининг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси 15 иш кунида кўриб чиқилиб, келишилади ёки хато ва камчиликлар кўрсатилган ҳолда, фойдаланувчига қайта ишлаш учун Архив ахборот тизими орқали юборилади.

Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенктлатураси қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

16. Келишилган ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси икки иш куни давомида Архив ахборот тизимида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси асосида Архив ахборот тизими билан интеграция қилинган электрон ҳужжат айланиш тизимларида, шу жумладан, “edo.ijro.uz” ахборот тизимида электрон ҳужжатлар шакллантирилади.

17. Фойдаланувчи томонидан ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси ҳар йили қайта тузилади ва тасдиқланади.

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси ҳар 5 йилда камида бир марта қайта тузилади ва масъул ижрочи билан келишиб олинади. Бунда давлат органлари ва ташкилотларининг функциялари ва тузилмаси ўзгарган ҳолларда, ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси қайта тузилиши ва масъул ижрочи билан келишиб олиниши лозим.

5-боб. Архив ахборот тизимида электрон шаклдаги архив ҳужжатларини шакллантириш, сақлаш ва давлат архивига топшириш

18. Давлат органлари ва ташкилотларининг электрон шаклдаги ҳужжатлари махфий бўлмаган архив ҳужжатларига қўйилган талаблар ва тартибга мувофиқ Архив ахборот тизимида, электрон шаклдаги хизмат доирасида фойдаланиш учун грифли ҳужжатлар эса қонунчиликда белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ сақланади.

19. Фойдаланувчилар ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси асосида электрон шаклдаги архив ҳужжатларини мунтазам равишда шакллантириб, архив рўйхати билан бирга Архив ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддатларда масъул ижрочига топширади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини доимий сақловчи вазирлик ва идораларнинг электрон шаклдаги архив ҳужжатлари давлат архивига топширилмайди.

20. Масъул ижрочи томонидан 20 иш кунида фойдаланувчи топширган архив ҳужжатларининг тўлиқлиги, архив рўйхатига мувофиқ шакллантирилгани текширилган ҳолда сақловга қабул қилинади ёки хато ва камчиликлари кўрсатилиб, фойдаланувчига қайтарилади.

6-боб. Архив ахборот тизимини бошқа электрон ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш

21. Архив ахборот тизимида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан ахборот алмашинуви Агентлик билан келишилган ва оператор томонидан тасдиқланган технологик йўриқнома асосида амалга оширилади.

22. Давлат органлари ва ташкилотларининг “edo.ijro.uz” ахборот тизими ёки ўзларининг бошқа ахборот тизимларида шаклланган электрон ҳужжатлари Архив ахборот тизимида ўзаро интеграциялашув асосида жамланади.

7-боб. Масъул ижрочи, оператор ва фойдаланувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

23. Масъул ижрочи, оператор ва фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) масъул ижрочи:

Архив ахборот тизимининг фаолияти, техник қўллаб-қувватланиши ва ахборот хавфсизлиги таъминланиши юзасидан операторлардан ахборот ва ҳисоботлар сўраш;

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

фойдаланувчидан архив ҳужжатларини белгиланган муддат ва тартибда давлат сақловига топширишни талаб қилиш;

Архив ахборот тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташаббус киритиш;

Архив ахборот тизимидан фойдаланиш қоидалари бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўриш;

б) оператор:

ахборот хавфсизлиги талаблари бузилган тақдирда, фойдаланувчининг тизимга киришини чеклаш;

масъул ижрочи ва фойдаланувчидан тизим фаолиятини таъминлаш учун зарур маълумотларни талаб қилиш;

давлат органлари ходимларини ўқитиш ва уларга маслаҳат бериш жараёнида методик материаллар ишлаб чиқиш;

в) фойдаланувчи:

Архив ахборот тизимидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

Архив ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича оператордан техник ёрдам ва маслаҳат олиш;

Архив ахборот тизими фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Архив ахборот тизимидаги ўз маълумотлари ва ҳужжатларининг ахборот хавфсизлиги таъминланишини талаб қилиш.

Масъул ижрочи, оператор ва фойдаланувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Қуйидагилар масъул ижрочи, оператор ва фойдаланувчининг мажбуриятлари ҳисобланади:

а) масъул ижрочи:

Архив ахборот тизимидан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилишда ва унинг фойдаланувчилари тўғрисидаги маълумотларни бошқаришда услубий раҳбарлик қилиш;

Архив ахборот тизимини тегишли давлат органларида жорий этиш, масъул ижрочиларга юкланган вазифалар бажарилишини мувофиқлаштириш ҳамда фойдаланувчиларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш;

Архив ахборот тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини ва уни доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилишини мувофиқлаштириш;

фойдаланувчининг Архив ахборот тизимига уланишига кўмаклашиш;

фойдаланувчи томонидан Архив ахборот тизимидан фойдаланиш жараёнида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш;

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

фойдаланувчининг ҳужжатлари ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тарзда давлат сақловига топширилиши юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари кесимида таҳлилий ўрганишлар ўтказиш;

б) оператор:

Архив ахборот тизимининг фаолиятида нуқсон ва носозликлар аниқланганда, масъул ижрочи талабномасига асосан уларнинг уч кун ичида бартараф этилишини таъминлаш;

масъул ижрочининг таклифларига асосан ҳамда уларда белгиланган муддатларда Архив ахборот тизимини такомиллаштириш чораларини кўриб бориш;

Архив ахборот тизимининг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлигининг таъминланиши, тизимдаги маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш;

Архив ахборот тизимидан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил этиш;

Архив ахборот тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ва уни доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

Архив ахборот тизимининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

Архив ахборот тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш, тизимга улаш ва уларнинг масъул ходимларини ўқитиш;

фойдаланувчига Архив ахборот тизимидан тўғри фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш;

Архив ахборот тизимини такомиллаштириб бориш;

в) фойдаланувчи:

Архив ахборот тизимида ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини шакллантириш ва тасдиқлаш;

Архив ахборот тизимига улангандан сўнг тегишли архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддатларда масъул ижрочига топшириб бориш;

Архив ахборот тизимига маълумотларни ўз вақтида тўғри ҳамда тўлиқ киритиш;

архив ишига оид фаолиятни Архив ахборот тизимида юритиш бўйича ушбу Низом талабларига риоя қилиш.

Масъул ижрочи, оператор ва фойдаланувчи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8-боб. Якунловчи қоидалар

25. Архив ахборот тизимидан фойдаланганлик учун тўланган тўлов суммасининг 70 фоизи Агентликнинг Архив ишини ривожлантириш жамғармасига, 30 фоизи эса операторнинг ҳисобварағига йўналтирилади.

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

26. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини ишлаб чиқиш, архив ҳужжатларини шакллантириш, уларнинг архив рўйхатини тузиш масъул ижрочи томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

Давлат органлари ва ташкилотларининг
архив ҳужжатларини Ягона миллий архив
ахборот тизимида электрон шаклда сақлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Давлат органларининг архив ишига оид ҳужжатларини Ягона миллий архив ахборот тизимида шакллантириш ва юритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Фойдаланувчи	Ягона миллий архив ахборот тизими орқали Марказий эксперт комиссияси ёки Эксперт комиссияси томонидан маъқулланган ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини келишиш учун тегишли масъул ижрочига юборади.	1 декабргача *(янги уланган ташкилотлар учун бир ой)*
2-босқич	Масъул ижрочи	Марказий эксперт-текшириш комиссияси ёки Эксперт-текширув комиссияси/Эксперт-текширув услубий комиссияси томонидан фойдаланувчининг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини кўриб чиқади, келишади ёки хато ва камчиликларни кўрсатган ҳолда фойдаланувчига қайта ишлашга Ягона миллий архив ахборот тизими орқали юборади.	15 иш кунида
3-босқич	Фойдаланувчи	Келишилган ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасини Ягона миллий архив ахборот тизимида тасдиқлайди.	2 иш кунида
4-босқич	Фойдаланувчи	Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси асосида электрон шаклдаги архив ҳужжатларини мунтазам равишда шакллантириб, уларни архив рўйхати билан бирга Ягона миллий архив ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддатларда масъул ижрочига топширади.	“Архив иши тўғрисида”ги Қонунда белгиланган муддатларда
5-босқич	Масъул ижрочи	Фойдаланувчи топширган архив ҳужжатларининг тўлиқлиги, архив рўйхатига мувофиқ шакллантирилганини текширган ҳолда, сақловга қабул қилади ёки хато ва камчиликларни кўрсатиб, фойдаланувчига қайтаради.	20 иш кунида

QMMB: 09/26/352/0668-son
01.07.2026-y.

Давлат органлари ва ташкилотларининг архив ҳужжатларини Ягона миллий архив ахборот тизимида электрон шаклда сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Ягона миллий архив ахборот тизимига уланиш бўйича АРИЗА

_____

(ариза берувчи давлат органи ёки ташкилоти номи)

1. Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар:		
Ташкилот номи		
Ташкилот СТИР рақами		
Телефон рақами		
2. Ягона миллий архив ахборот тизимидан фойдаланувчилар сони		
3.1. Ташкилот раҳбари тўғрисидаги маълумотлар:		
Ф.И.О.		
лавозими		
ЖШШИР		
3.2. Ташкилотнинг архив ишига масъул ходими тўғрисидаги маълумотлар:		
Ф.И.О.		
лавозими		
ЖШШИР		

_____ _____ _____

(Ф.И.О.) (имзо) (сана)

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

26 (1254)-son
КУЧИРМА
656-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 353 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **1-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 353-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ижроси ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги низомнинг 2-банди йигирманчи хатбошисидаги “тиббий техника буюмлари” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг XVII бўлими номи, 187 ва 187^5-бандлари, 1-илованинг 1-бандидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 2003 йил 17 мартдаги 140-сон қарорига 2-илованинг 34-банди иккинчи хатбошиси, 3-илованинг 34-банди иккинчи хатбошиси, 4-илованинг 34-банди иккинчи хатбошиси, 5-илованинг 34-банди иккинчи хатбошисидаги “тиббий техника” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги “беш йил муддатга” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Танлов асосида ишга қабул қилинган педагог ходимларнинг фаолияти ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган олий таълим ташкилотининг комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича ушбу Низомга иловага мувофиқ мезонларга биноан ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.”;

б) 4-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) фақат

тегишли мутахассислик бўйича илмий даражали кадрлар етишмаслиги, номзоднинг илмий даража олиш босқичида эканлиги, кафедра фаолиятида юқори натижаларга эришилганлиги, хорижий илмий даражаларни тан олиш жараёни давом этаётганлиги, шунингдек кафедрани ташкил этиш ёки ислоҳ қилиш билан боғлиқ ҳолларда олий таълим ташкилоти ректорининг тақдимномасига биноан олий таълим ташкилоти кенгашининг рухсати билан кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда яна иштирок этиши мумкин.”;

в) 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Ушбу олий таълим ташкилотида ишламайдиган ва педагог ходимлар лавозимига танловдан ўтган шахслар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилади.”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар таълим-тарбия жараёнининг амалга оширилиши сифати ва самарадорлигига, ўқувчиларининг давлат таълим стандартларида назарда тутилган билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасига ҳамда ўқув жараёнига қўшган ҳиссаси учун Директор жамғармасидан 40 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Бунда ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятини баҳолаш мезонлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарори билан тасдиқланган Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази тўғрисидаги низомнинг 9-банди “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси, 16-банди бешинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

6-бандниng иккинчи ва тўртинчи хатбошилари, 7-бандниng тўртинчи хатбошиси, 13-бандниng “б” кичик бандидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандниng ўн тўртинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар (стерил тиббий жиҳозлар бундан мустасно)” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими раҳбар

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 45[1]-банд билан тўлдирилсин:

“45[1]. Қуйидаги ҳолатлар касбий қайта тайёрлаш курсларининг тингловчилари учун тингловчилар сафидан чиқарилмаслиги бўйича узрли сабаблар деб ҳисобланади:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик;

яқин қариндошининг вафот этиши.”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларида:

а) 15[1]- бандда:

иккинчи хатбоши “Миллий гвардиясининг” сўзларидан кейин “ , Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“оммавий тадбир ташкилотчиси рухсатнома олгандан кейин оммавий тадбир бошланишидан ўн иш куни олдин тадбирнинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳудудий бўлинмалари ва/ёки ҳудудий ички ишлар органлари билан оммавий тадбирни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш тўғрисида шартнома тузади. Ушбу шартномада Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган пулли хизматлар (чора-тадбирлар) ҳам назарда тутилади”;

тўртинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси” сўзлари “Миллий гвардиясининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши “Миллий гвардияси” сўзларидан кейин “ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўзлари билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги” сўзлари “Миллий гвардияси, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши “ички ишлар органларининг” сўзларидан кейин “ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўнинчи хатбоши “Миллий гвардияси” сўзларидан кейин “ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 58-банддаги “ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси” сўзлари “, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 61-бандниng ўн тўртинчи хатбошисидаги “ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси” сўзлари “ички ишлар

органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 62-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ички ишлар органи ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг” сўзлари “ички ишлар органи, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши “Миллий гвардиясининг” сўзларидан кейин “ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 63-бандниng учинчи хатбошисидаги “ва ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси” сўзлари “, ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 67-бандда:

олтинчи хатбошидаги “ички ишлар органларига ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг” сўзлари “ички ишлар органларига, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги “ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси” сўзлари “ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарори билан тасдиқланган Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандидаги “тиббий техникалар” сўзлари “тиббий жиҳозлар ” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2015 йил 24 февралдаги 32-сон қарорида:

а) 1-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг, тизимида олий таълим муассасалари бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг:”;

б) 4-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида олий таълим муассасалари бўлган бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

1-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

“Мазкур Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясига, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига, Банк-молия академиясига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига, нодавлат олий таълим ташкилотларига, шунингдек, олий ҳарбий ҳамда ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.”;

6, 39, 42-бандлардаги “Олий ва ўрта махсус таълим” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Қуйидагилар Танловнинг таъсисчилари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси;

Ўзбекистон Бадиий академияси;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ;

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ.”;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Танлов иштирокчилари Ташкилий қўмита қарори устидан 3 иш куни ичида таркиби Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Апелляция комиссиясига шикоят киритишлари мумкин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Апелляция комиссияси 5 кишидан иборат таркибда ташкил этилади ва унга раис раҳбарлик қилади.

Апелляция комиссияси таркибига Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркибидан аъзо киритилмайди.

Апелляция комиссияси аризаларни (шикоятларни) кўриб чиқиш жараёнига жамоатчилик асосида тажрибали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 иш кунида кўриб чиқилади.

Апелляция комиссияси танлов жараёнларига оид мурожаатни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

танлов натижасини ўзгартиришсиз қолдириш;

танлов натижасини ўзгартириш.

Номзод Апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги низомда:

1-бандниг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига.”;

қуйидаги мазмундаги 45^1–45^5-бандлар билан тўлдирилсин:

“45^1. Магистрлик диссертациясини баҳолаш натижаси бўйича олган баҳосидан норози бўлган битирувчилар аризаларини кўриб чиқиш учун олий таълим ташкилоти ректорининг (филиал директорининг) буйруғи билан апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси олий таълим ташкилотининг илмий-педагогик кадрлари (апелляция комиссияси умумий таркибининг 40 фоизигача), шунингдек, тегишли соҳа бўйича корхоналарнинг (ташкилотларнинг) малакали мутахассислари, турдош олий таълим ташкилотларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари орасидан камида 5 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси таркибига жорий йилда комиссия ишида иштирок этган комиссия аъзолари киритилмайди.

45^2. Магистрлик диссертацияси ҳимоясида қўйилган баҳодан норози бўлган битирувчилар ҳимоя баҳолари эълон қилинган кундан бошлаб 72 соат ичида апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

45^3. Апелляция комиссияси шикоятни 24 соат ичида кўриб чиқади ҳамда натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни асосли деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш тўғрисида;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

45^4. Апелляция комиссияси қабул қилган қарори нусхасини шу куннинг ўзида битирувчига тақдим қилади.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

45^5. Битирувчи Апелляция комиссиясининг шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Енгил саноат маҳсулотлари хавфсизлигига доир умумий техник регламентнинг 2-бандидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситалари ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 8 июндаги 191-сон қарорида:

а) номи, 1 ва 2-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

номи, 1-банддаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**тиббий жиҳозлар** – касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш, даволаш, беморларни реабилитация қилиш ва (ёки) санаб ўтилган жараёнларни таъминлаш учун, шунингдек, одам организмининг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, тиклаш, алмаштириш ҳамда ўзгартириш, мониторинг қилиш, ҳомиладорликнинг олдини олиш учун тиббиёт амалиётида қўлланишига рухсат этилган, қўлланиши натижасида одам организмига фармакологик, иммунологик ёки метаболик таъсир кўрсатмайдиган, айрим ҳолда мажмуа ёки тизимлар сифатида қўлланадиган жиҳозлар, аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар, мажмуалар ва дастурий таъминотлар;”;

олтинчи хатбошидаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимнинг номи, 3-бандниг биринчи хатбошиси, 4-банд, 5-бандниг учинчи ва ўн биринчи хатбошилари, 15-банддаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарорида:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

а) муқаддима, 1-бандниng иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номи, 1 ва 2-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Дори воситалари фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган ишлаб чиқарувчилар ҳамда улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни улгуржи реализация қилиш қоидалари бўйича улгуржи реализация қилинади.”;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ишлаб чиқарувчилар фақат ўзлари ишлаб чиқарган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни улгуржи реализация қилиш ҳуқуқига эга, дори воситаларини улгуржи реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно.”;

5-бандниng биринчи хатбошиси, 5^1-бандниng саккизинчи хатбошиси, 6 ва 7-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

олтинчи хатбошидаги “тиббий буюм” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**тиббий жиҳозлар** – касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш, даволаш, беморларни реабилитация қилиш ва (ёки) санаб ўтилган жараёнларни таъминлаш учун, шунингдек, одам организмининг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, тиклаш, алмаштириш ҳамда ўзгартириш, мониторинг қилиш, ҳомиладорликнинг олдини олиш учун тиббиёт амалиётида қўлланишига рухсат этилган, қўлланиши натижасида одам организмига фармакологик, иммунологик ёки метаболик таъсир кўрсатмайдиган, айрим ҳолда мажмуа ёки тизимлар сифатида қўлланиладиган жиҳозлар, аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар, мажмуалар ва дастурий таъминотлар;”;

саккизинчи хатбошидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги “тиббий буюм” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бобнинг номи, 9, 10, 11-бандлардаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий жиҳозларни, референт нархлари қайд этилмаган ва рецепт билан бериладиган дори воситаларини, шунингдек, контрафакт дори воситаларини харид қилиш ҳамда улгуржи реализация қилиш тақиқланади.”;

15-банд, 4-бобнинг номи, 19, 21, 23-бандлар, 24-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошилари, 25-бандниng иккинчи хатбошиси, 5-бобнинг номи, 26–31-бандлар, 6-бобнинг номи, 32, 33, 34-бандлар, 36-бандниng биринчи хатбошиси, 37-банд, 44-бандниng биринчи хатбошиси, 45-бандниng биринчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

номи ва 1-банддаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Дори воситалари фақат дорихоналар ва дорихоналарнинг филиаллари орқали чакана реализация қилинади.

Тиббий жиҳозлар ваколатли органни хабардор қилган ҳолда чакана реализация қилинади.”;

4 ва 4^1-бандлардаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “тиббий буюм” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**тиббий жиҳозлар** – касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш, даволаш, беморларни реабилитация қилиш ва (ёки) санаб ўтилган жараёнларни таъминлаш учун, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини аниқлаш, тиклаш, алмаштириш ҳамда ўзгартириш, мониторинг қилиш, ҳомиладорликнинг олдини олиш учун тиббиёт амалиётида қўлланишига рухсат этилган, қўлланиши натижасида одам организмига фармакологик, иммунологик ёки метаболик таъсир кўрсатмайдиган, айрим ҳолда мажмуа ёки тизимлар сифатида қўлланадиган жиҳозлар, аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар, мажмуалар ва дастурий таъминотлар;”;

олтинчи хатбошидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “тиббий буюм” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бобнинг номи, 6, 7, 9-бандлардаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги “Дори воситалари ва тиббий буюмларни” сўзлари “Дори воситаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

11 ва 12-бандлардаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Дори воситалари тегишли лицензияга эга бўлган дорихоналар томонидан тайёрланади.

Тиббий жиҳозларни тайёрлаш учун лицензия олиш талаб қилинмайди.”;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Дори воситаларини ва тиббий жиҳозларни тайёрлаш, шунингдек, уларни сақлаш, сифатини назорат қилиш ҳамда расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.”;

4-бобнинг номидаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банддаги “ва тиббий буюмларни” сўзлари чиқариб ташлансин;

23-банддаги “тиббий буюмларнинг” сўзлари “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-бандда:

биринчи хатбошидаги “тиббий буюмларнинг” сўзлари “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “тиббиёт буюмлари” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “ва тиббиёт буюмларининг” сўзлари чиқариб ташлансин;

25-банд “биологик фаол қўшимчаларни” сўзларидан кейин “, тиббий жиҳозларни” сўзлари билан тўлдирилсин;

26-бандниng биринчи, иккинчи, тўртинчи хатбошилари, 5-бобнинг номидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

28-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюм” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банд, 29^1-бандниng биринчи, олтинчи, еттинчи хатбошилари, 39-банддаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

39^1-бандда:

биринчи хатбошидаги “тиббий буюмларни” ва “тиббий буюмни” сўзлари тегишлича “тиббий жиҳозларни” ва “тиббий жиҳозни” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи, саккизинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова белгиси ва 2-илова белгисидаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

номи, 1 ва 3-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “тиббий буюм” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

5, 6, 7, 8, 13, 14, 15-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий жиҳозларни йўқ қилиш учун уларнинг эгасининг, Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг (кейинги ўринларда – Экология қўмитаси) ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг (кейинги ўринларда – Санэпидқўм) туман (шаҳар) бўлими вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) вакиллари иштирокида беш кишидан кам бўлмаган таркибда йўқ қилиш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилади.

Комиссия ишлари қўллашга яроқсиз дори воситалари ва тиббий жиҳозларнинг эгаси томонидан ташкил этилади.”;

17-банд, 18-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари, 19-бандниng биринчи хатбошиси, 20-банд, 21-бандниng “а”, “б”, “в”, “е” кичик бандлари, 22-банддаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Далолатнома нусхалари дори воситалари ва тиббий жиҳозлар эгасига, Экология қўмитасининг ҳудудий органларига, Санэпидқўмнинг туман (шаҳар) бўлимига, шунингдек, Марказ вакилига, буйруқ ва Комиссия қарори нусхалари ҳамда фото ёки видеоматериаллар билан биргаликда тақдим этилади.”;

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

24-банддаги “тиббий буюм” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг белгиси ва матнидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг белгиси ва матнидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 апрелдаги 191-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошисидаги “тиббий техника ва аппаратларнинг” сўзлари “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомда:

а) 10-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Тизимида илмий ва таълим ташкилотлари бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар мурожаат тушган ва барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб бир ой муддатда олий таълимдан кейинги таълим институтини очиш ёки очишни рад этиш тўғрисида коллегиал орган қарорини қабул қиладилар. Коллегиал орган мажлисида иштирок этаётган Коллегиал орган аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган талаблар асосида олий таълимдан кейинги таълим институтини очиш ёки рад этиш бўйича овоз берилганда, тегишли қарор қабул қилинган ҳисобланади. Қабул қилинган қарор ўн кун муддатда тегишли илмий ва таълим ташкилотларига юборилади.”;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хорижий ёки нодавлат илмий ёҳуд таълим ташкилотларида олий таълимдан кейинги таълим институтини очиш мазкур Низомнинг 9 ва 10-бандларида белгиланган тартибда ҳамда нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш орқали амалга оширилади. Бунда мазкур ташкилотларга қабул квотаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги томонидан махсус давлат аккредитациясидан ўтган ихтисосликлар бўйича ушбу Низомнинг 13 ва 14-бандларига мувофиқ шакллантирилган умумий қабул квотаси доирасида ажратилади.”;

б) 32-бандниг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантурада ўқиш муддати

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси хулосасига кўра тегишли касалликлар бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври узлуксиз 4 ой ва ундан ортиқ вақтда касал бўлиш, ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш даврига, шунингдек ҳарбий йиғинларга чақирилиш муносабати билан узайтирилиши мумкин. ”.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги 364-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-банди учинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” ва “тиббий буюмларнинг” сўзлари тегишлича “тиббий жиҳозлар” ва “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Зомин-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Косонсой-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Бўстонлиқ-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси”, “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхоналарининг уставларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига 3-илованинг 11-банди олтинчи хатбошиси, 4-илованинг 11-банди олтинчи хатбошиси, 5-илованинг 11-банди олтинчи хатбошиси, 7-илованинг 11-банди олтинчи хатбошиси, 8-илованинг 11-банди олтинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги “тиббий буюмларнинг” сўзлари “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-бандниng еттинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар ва тиббий техникани” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 12-бандда:

“а” кичик бандниng бешинчи хатбошиси ва “в” кичик бандниng учинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

“е” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “тиббий буюмлар ва тиббий техникани” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 718-сон қарори билан тасдиқланган Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга 6-илованинг 4-позицияси

“Кўрсаткичлар” устунидаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорида:

1-илованинг 26-банди биринчи хатбошисидаги “ва бошқалар” сўзлари “турмуш қуриш, фарзанд кўриш, суд ёки тергов органлари томонидан чақирув” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 25-банди биринчи хатбошисидаги “ва бошқалар” сўзлари “турмуш қуриш, фарзанд кўриш, суд ёки тергов органлари томонидан чақирув” сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “дори воситалари ва тиббий буюмларнинг” сўзлари “дори воситаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-бандда:

“а” кичик банддаги “дори воситалари ва тиббий буюмларнинг” сўзлари “дори воситаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандниng иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи хатбошилари, “в” кичик банддаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банддаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 12-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“дори воситаларининг улгуржи реализацияси учун ва дори воситаларини ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган таъминотчилардан, тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи ва улгуржи реализация қилувчи бошқа ташкилотлардан сотиб олади (олиб киришдан ташқари);”;

тўртинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ижтимоий дорихоналар фаолиятини ва мазкур Низом талабларига риоя этилишини

назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига юкланади.”;

е) 24-банддаги “тиббий буюмларнинг” ҳамда “Монополияга қарши курашиш” сўзлари тегишлича “тиббий жиҳозларнинг” ҳамда “Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентлар Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-боби ҳамда Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14–15-бандларида белгиланган тартибга мувофиқ қабул қилинади”.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 599-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига тингловчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Академия магистратурасига киришда номзодлардан қуйидагилар:

меҳнат стажи талаб этиладиган мутахассисликлар учун номзодни тавсия этаётган юқори турувчи вазирлик, идора ёки ташкилот раҳбари томонидан берилган тавсиянома ҳамда турдош бакалавриат таълим йўналиши дипломига эга бўлиши;

меҳнат стажи талаб этилмайдиган мутахассисликлар учун турдош бакалавриат таълим йўналиши дипломига эга бўлиши талаб этилади.

Бунда Бизнесни бошқариш (MBA General) ва Лойиҳа бошқаруви (Project Management) магистратура мутахассисликларига кадрлар буюртмачиларининг таклифи ҳамда Академия кенгашининг қарорига асосан турдош бўлмаган бакалавриат таълим йўналишларини тамомлаган абитуриентларни ҳам ўқишга қабул қилинишига рухсат берилади”;

б) 13-бандда:

учинчи хатбошидаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади)” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда Билимни баҳолаш агентлиги деб аталади)” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Билимни баҳолаш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 14-банднинг биринчи, учинчи хатбошилари, 19, 20, 23-бандлар, 25-банднинг биринчи хатбошисидаги “Давлат тест маркази” сўзлари “Билимни баҳолаш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Қайта тайёрлаш курслари дастурлари бўйича ўқитиладиган номзодларга қўйиладиган талаблар Банк-молия академияси ректори томонидан белгиланади.”.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 июлдаги 594-сон қарори билан тасдиқланган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриат ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги низомнинг 48-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорида” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда” сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 26 февралдаги 172-сон қарорида:

а) номи ва 1-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номидаги, 1-банднинг биринчи хатбошиси ва 3-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида очилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг тўртинчи хатбошиси, 28-банднинг учинчи хатбошиси, 33–35-бандлардаги “қонун ҳужжатларида” сўзлари “қонунчилик ҳужжатларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги “8, 10 ва 12-бандларида” сўзлари “9, 11 ва 13-бандларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

“Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади, вазирлик томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади”;

Низомга иловада:

илова белгиси ва номидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2, 3, 5-босқичларнинг “Масъуллар” устунидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-босқичнинг “Масъуллар” ва “Чора-тадбирлар” устунларидаги тегишли келишикдаги “Молия вазирлиги” сўзлари тегишли келишикдаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-босқичнинг “Чора-тадбирлар” устунидаги “олий ва ўрта махсус таълим вазири” сўзлари “олий таълим, фан ва инновациялар вазири” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-босқичнинг “Чора-тадбирлар” устунидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 15-банди ўттиз еттинчи хатбошисидаги “дори воситалари ва тиббиёт буюмлари” сўзлари “рецепт билан бериладиган дори воситалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги 681-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом” сўзлари “Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом” сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тўғрисидаги низомда:

11-бандниng “д” кичик банди ўнинчи хатбошисидаги “дори воситалари ва тиббиёт буюмлари” сўзлари “рецепт билан бериладиган дори воситалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандниng 12-кичик бандидаги “дори воситалари ва тиббий буюмларга” сўзлари “рецепт билан бериладиган дори воситалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсингга ўтказиладиган хизматлар рўйхатининг 2-банди иккинчи хатбошисидаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорида:

а) 5-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Абдулла Авлоний ва Ислом Каримов номли давлат стипендияларини олувчи талабаларга стипендиялар тайинлашда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан белгиланган тартиблар сақлаб қолинсин”;

б) 1-иловада:

10-бандниng биринчи хатбошисидаги “Ибройим Юсупов ва Ислом Каримов” сўзлари “Ибройим Юсупов, Абдулла Авлоний ва Ислом Каримов” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда олий таълим муассасаларидаги бакалавриат ва магистратура босқичида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга, уларнинг таълим олиш тури (грант ёки тўлов-контракт асосида) ва ўзлаштириш кўрсаткичидан қатъи назар, Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади”;

19-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Ўқув семестри якуни бўйича фанларни ўзлаштираётган, республика ва халқаро миқёсдаги илмий журналларда якка муаллифликда мақолалар чоп этганлиги, яратган инновацион ечимлари ва ишланмалари турли грантларга номзод сифатида тақдим этилганлиги ва унга лойиқ топилганлиги,

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

интеллектуал мулк объектлари, жумладан, саноат мулки объектларини яратишдаги иштироки ва таклиф қилаётган (иштирок этаётган) стартап лойиҳалари учун, жамоат ишларида фаол (халқаро ва республика миқёсидаги якка ва жамоавий тартибда ўтказилган спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, фан олимпиадаларидаги иштироки ва совринли ўринлардан бирини эгаллаганлиги учун), шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож давлат гранти ва тўлов-контракт асосида таълим олаётган барча талабалар белгиланган стипендияларга нисбатан қўшимча равишда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 50 фоизгача миқдорда рағбатлантирилиши мумкин.”;

19^1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

20-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Жамғарма маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасасида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида таълим олаётган халқаро, республика ва олий таълим миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва спорт мусобақалари ғолиблари, шунингдек, олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ (оғир касаллиги сабабли белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома ёки яқин қариндошларининг вафоти каби) талабаларга базавий стипендияга нисбатан 10 бараваргача миқдорда бўлган бир марталик рағбатлантириш ёки моддий ёрдам тўлови берилиши мумкин.”;

20^2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20^2. Жамғарма маблағлари мазкур Низомнинг 15-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган мақсадлар учун ҳам сарфланади” ;

22-банддаги “семестр” сўзи “семестрлар” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг “Стипендия номи ва қўшимча тўловлар” устуни 2-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Беруний, Ибн Сино, Навоий, Камолиддин Беҳзод, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Ботир Зокиров, Абдулла Авлоний ва Ислом Каримов номли давлат стипендиялари”.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сон қарори билан тасдиқланган Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентга 2-илованинг 34.27-позицияси “Объектларнинг номи” устунидаги “тиббий буюмларни” сўзлари “тиббий жиҳозларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасида аниқланган эгасиз ашёлар тўғрисидаги низомнинг 14-банди биринчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 29 декабрдаги 814-сон қарорида:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

номидаги “Маданият вазирлиги ҳузуридаги” сўзлари “Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида Маданий мерос соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 1 июндаги ПҚ–177-сон қарори билан Туризм ва маданий мерос вазирлиги тизимидаги Маданий мерос объектларини асраш ва туризм ҳудудларининг мастер-режалари бўйича лойиҳалаштириш институти Маданий мерос илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда – Институт) деб қайта номланган ҳолда Маданий мерос агентлиги тизимига ўтказилгани;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 майдаги ПҚ–4730-сон қарори билан қуйидагилар Институтни молиялаштириш манбалари этиб:

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларида назарда тутилган маблағлар;

ўз фаолиятидан олган маблағлари;

халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгиланган маълумот учун қабул қилинсин”;

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “моддий маданий мерос, шу жумладан,” сўзлари “моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланадиган тегараларида ҳамда” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Белгилаб қўйилсинки:

Институт директори Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги директори томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Институт моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланадиган тегараларидаги консервациялаш, таъмирлаш, объектларни қуриш, бузиш ва ободонлаштириш ишлари, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади”;

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

6-банддаги “Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг” сўзлари “Маданий мерос агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг “Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 8 апрелдаги 193-сон қарорида:

а) 1-бандниng “в” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандниng биринчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” ва “O‘zmedimpeks” ДУК” сўзлари тегишлича “тиббий жиҳозлар” ва “Харидлар маркази” давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

5-бандниng иккинчи хатбошиси ва 9-бандниng “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованиng “III босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат илмий ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 26 майдаги 326-сон қарорида:

а) 1-илованиng II бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

II. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўйича	
1.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
2.	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети тизимидаги “Фан ва тараққиёт” давлат муассасаси

”;

б) 2-иловада:

II бўлимда:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

II. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўйича

”;

қуйидаги мазмундаги 23^1-позиция билан тўлдирилсин:

“

23[1].	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети тизимидаги “Фан ва тараққиёт” давлат муассасаси	Директор	1
		Илмий ва инновацион ишлар бўйича директор ўринбосари	1
		Илмий котиб	1
		Бош ҳисобчи	1
		Иқтисодчи	1
		Ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассис	1
		Илмий ва ўқув жараёнларини ташкил этиш бўлими	1
		Бош патентшунос	1
		Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис	1
		Лаборатория мудирлари	6
		Катта илмий ходим	2
		Кичик илмий ходим	4
		Жами	**21**

”;

“Жами” позициясининг “Штат бирлиги сони” устунидаги “48” рақами “36” рақами билан алмаштирилсин;

“Жами ташкилотлар бўйича” позициясининг “Штат бирлиги сони” устунидаги “385” рақами “373” рақами билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг “Фармацевтика саноатида зарур амалиётлар (GxP) талабларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 3 августдаги 486-сон қарорининг 2-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар ва тиббий техника” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомнинг 9-банди “г” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар ва зарур тиббий техникалар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорида:

а) 1-бандда:

“а” кичик банд чиқариб ташлансин;

“б” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини тадбиркорлик субъекти ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш. Бунда:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тадбиркорлик субъекти билан камида 200 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш учун тузилади;

хусусий шерикка талабалар турар жойларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бир ўринга тўғри келадиган қийматнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади;

талабалар турар жойида яшаш учун тўловлар давлат шериги билан келишилган нархларда хусусий шерик томонидан ундирилади.

Давлат қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган талабалар турар жойларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ ҳар бир талабага бир йилда Давлат бюджети ҳисобидан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия талабалар турар жойларига жойлаштирилган санадан бошлаб қоплаб борилади.

давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган талабалар турар жойлари давлат шериги томонидан ётоқхонага бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланган сўнг, бинодан самарали фойдаланиш мақсадида бўш қолган ётоқхона ўринларига ётоқхонага эҳтиёжи бор бошқа олий таълим ташкилотлари талабаларини жойлаштиришга рухсат берилади”;

б) 2-бандда:

“д^{2}” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“д^{2}) заруратга кўра, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 1 ва 1а-иловалари билан тасдиқланган рўйхатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш ваколати берилади”;

қуйидаги мазмундаги “д^{3}” ва “д^{4}” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

“д^{3}) хусусий шерик томонидан барпо этилган талабалар турар жойи ҳамда ётоқхона учун ажратилган ер майдонида битимда белгиланган ётоқ ўринларидан ташқари қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳамда ётоқхона учун ажратилган қисмидан ортган майдонини ижарага беришга рухсат этилади;

д^{4}) 2027 йил 1 январдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган талабалар турар жойларида яшовчи талабалар учун Давлат бюджетидан ҳар ойлик субсидия Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган махсус платформада шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали шаклланган маълумотлар асосида ажратилади.”;

в) 3-бандниng биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Давлат олий таълим муассасасининг буюртмаси ва тадбиркорлик субъектининг ташаббуси асосида тадбиркорга тегишли ер майдони ёки бинода

камида 50 ўринли талабалар турар жойларини ташкил этиш 2026 йил 1 июлдан бошлаб тўхтатилсин (амалдаги лойиҳалар битим муддати тугагунга қадар сақланиб қолинади)”;

г) 7-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги марказий аппарати тузилмасида давлат-хусусий шериклик асосида ва тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда молиялаштириладиган лойиҳаларни мувофиқлаштирувчи Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча учта штат бирлигидан иборат бўлим 2031 йил 1 январга қадар фаолият юритади.”;

д) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

“Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига
1-илова

Ҳудудларда талабалар турар жойларини қуриш учун олий таълим муассасаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилаётган ер майдонлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар бўйича (талабалар турар жойлари сони)			
		сони	қуввати	ер майдони (га)	сони	қуввати	ер майдони (га)	сони	қуввати	ер майдони (га)	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Республика бўйича жами:		**189**	**90 676**	**64,4**	**172**	**82 764**	**58,9**	**17**	**7 912**	**5,5**	**36**	**56**	**55**	**42**
Қорақалпоғистон Республикаси		**14**	**5 600**	**4,2**	**14**	**5 600**	**4,2**				**2**	**3**	**5**	**4**
1	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				1	1	1	2
2	Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
3	Нукус давлат техника университети	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
4	Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1	

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

5	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3							1
6	Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Тўрткўл факультети	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
7	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Андижон вилояти		**16**	**6 350**	**4,8**	**16**	**6 350**	**4,8**				**4**	**7**	**2**	**3**
8	Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1	1		1
9	Андижон давлат техника институти	4	1 550	1,2	4	1 550	1,2				2	2		
10	Андижон давлат тиббиёт институти	2	800	0,6	2	800	0,6				1	1		
11	Андижон давлат педагогика институти	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
12	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9					1	1	1
13	Андижон давлат чет тиллари институти	2	800	0,6	2	800	0,6					1	1	
Бухоро вилояти		**10**	**4 000**	**3,0**	**10**	**4 000**	**3,0**				**3**	**2**	**4**	**1**
14	Бухоро давлат университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				2	1	1	
15	Бухоро давлат техника университети	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1	1	1	
16	Бухоро давлат педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
17	Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти	2	800	0,6	2	800	0,6						1	
Жиззах вилояти		**7**	**3 250**	**2,7**	**7**	**3 250**	**2,7**				**1**	**3**	**1**	

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

18	Жиззах политехника институти	3	1 200	1,2	3	1 200	1,2				1	1		1
19	Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети	4	2 050	1,5	4	2 050	1,5					2	1	1
Қашқадарё вилояти		**7**	**2 780**	**2,4**	**7**	**2 780**	**2,4**				**3**	**2**	**1**	**1**
20	Қарши давлат университети	2	600	0,6	2	600	0,6				2			
21	Қарши давлат техника университети	4	1 780	1,5	4	1 780	1,5				1	1	1	1
22	Шаҳрисабз давлат педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Навоий вилояти		**3**	**1 200**	**0,9**	**3**	**1 200**	**0,9**					**1**	**1**	**1**
23	Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9					1	1	1
Наманган вилояти		**8**	**4 000**	**3,0**	**8**	**4 000**	**3,0**				**1**	**2**	**3**	**2**
24	Наманган давлат университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
25	Наманган давлат техника университети	2	1 600	1,2	2	1 600	1,2					1	1	
26	Исъҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти	2	800	0,6	2	800	0,6						1	1
Самарқанд вилояти		**24**	**9 440**	**7,2**	**19**	**7 600**	**5,7**	**5**	**1 840**	**1,5**	**5**	**7**	**7**	**5**
27	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети	7	2 800	2,1	7	2 800	2,1	0	0	0,0	3	2	1	1
28	Самарқанд давлат чет тиллар институти	2	800	0,6	1	400	0,3	1	400	0,3	1		1	
29	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	2	640	0,6	1	400	0,3	1	240	0,3	0	2	0	0
30	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9					1	1	1

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

31	Самарқанд давлат тиббиёт университети	3	1 200	0,9	1	400	0,3	2	800	0,6	1	1		1
32	“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
33	Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
34	Самарқанд давлат техника университети	2	800	0,6	2	800	0,6						1	1
35	Самарқанд давлат педагогика институтининг Ургут факультети	3	1 200	0,9	2	800	0,6	1	400	0,3	0	0	2	1
Сурхондарё вилояти		**12**	**4 800**	**3,6**	**12**	**4 800**	**3,6**				**1**	**3**	**4**	**4**
36	Термиз давлат университети	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5				1	1	2	1
37	Денов тадбиркорлик ва педагогика институти	2	800	0,6	2	800	0,6						1	1
38	Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети	1	400	0,3	1	400	0,3							1
39	Термиз давлат педагогика институти	2	800	0,6	2	800	0,6					1	1	
40	Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1
Сирдарё вилояти		**6**	**2 400**	**1,8**	**6**	**2 400**	**1,8**				**1**	**2**	**1**	**2**
41	Гулистон давлат университети	3	1 200	0,9	3	1 200	0,9				1	1		1
42	Тошкент кимё технология институтининг Янгиер филиали	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
43	Гулистон давлат педагогика институти	2	800	0,6	2	800	0,6						1	1
Тошкент вилояти		**8**	**3 200**	**2,4**	**8**	**3 200**	**2,4**				**3**	**2**	**1**	**2**
44	Чирчиқ давлат педагогика университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				2		1	

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

45	Олмалиқ давлат техника институти	2	800	0,6	2	800	0,6				1			1
46	Тошкент давлат аграр университети	2	800	0,6	2	800	0,6					2		
Фарғона вилояти		**18**	**7 200**	**5,4**	**13**	**5 200**	**3,9**	**5**	**2 000**	**1,5**	**5**	**5**	**6**	**2**
47	Фарғона давлат университети	7	2 800	2,1	6	2 400	1,8	1	400	0,3	2	2	2	1
48	Фарғона давлат техника университети	5	2 000	1,5	3	1 200	0,9	2	800	0,6	2	1	2	
49	Қўқон давлат университети	5	2 000	1,5	3	1 200	0,9	2	800	0,6	1	1	2	1
50	Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти	1	400	0,3	1	400	0,3					1		
Хоразм вилояти		**8**	**3 500**	**2,7**	**8**	**3 500**	**2,7**				**1**	**3**	**2**	**2**
51	Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети	4	1 600	1,2	4	1 600	1,2				1	1	1	1
52	Урганч давлат тиббиёт институти	3	1 300	1,2	3	1 300	1,2					1	1	1
53	Урганч давлат педагогика институти	1	600	0,3	1	600	0,3					1		
Тошкент шаҳри		**48**	**32 956**	**20,3**	**41**	**28 884**	**17,8**	**7**	**4 072**	**2,5**	**6**	**14**	**17**	**11**
54	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети	5	6 200	4,7	5	6 200	4,7					2	2	1
55	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	5	3 140	1,8	5	3 140	1,8					3	1	1
56	Тошкент давлат шарқшунослик университети	2	1 120	0,9	2	1 120	0,9					1		1
57	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети	4	3 300	1,5	4	3 300	1,5				1	1	2	
58	Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети	7	3 520	2,1	7	3 520	2,1				3		2	2

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

59	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	1	832	0,3				1	832	0,3			1	
60	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	9	5 100	3,0	9	5 100	3,0				1	2	4	2
61	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	3	840	0,9				3	840	0,9		1	1	1
62	Тошкент давлат тиббиёт университети	7	5 200	3,0	5	3 200	2,0	2	2 000	1,0	1	2	2	2
63	Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси	1	400	0,3				1	400	0,3		1		
64	Тошкент архитектура-қурилиш университети	1	1 440	0,6	1	1 440	0,6							1
65	Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти	1	624	0,3	1	624	0,3						1	
66	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1	
67	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети	1	840	0,6	1	840	0,6					1		

Изоҳ.

**) Талабалар турар жойларини барпо этиш учун зарур ер майдонлари устувор равишда олий таълим муассасасига яқин (1,5 км радиусда) ҳудудда, бўш ер майдони мавжуд бўлмаганда эса — олий таълим муассасаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда бошқа ҳудуддан ажратилади.*

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

***) тўлиқ олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган талабалар турар жойлари;*

****) ҳар 400 ўринли талабалар турар жойини қуриш учун ўртача 0,3 га ер майдони ҳисобланади.*

*****) 2022–2025 йилларда белгиланган талабалар турар жойларини барпо этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини тадбиркорлик субъекти ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш шаклидан бошқа шаклларда ташаббус билдирилганда, талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини мазкур иловада кўрсатилган йилдан аввалроқ амалга оширишга рухсат берилади.*

******) Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган талабалар турар жойлари биноларининг қаватлар сонидан келиб чиқиб, қуввати ўзгариши мумкин";*

е) қуйидаги мазмундаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

“Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига
1а-илова

Республика олий таълим муассасаларида 2026–2030 йиллар давомида олийгоҳларда талабалар турар жойларини барпо этиш бўйича
РЎЙХАТ

Т/р	Олий таълим муассасаси номи	Жами барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасаси ҳудудида барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Олий таълим муассасасига яқин ҳудудда барпо этиладиган талабалар турар жойлари			Йиллар бўйича (талабалар турар жойлари сони)				
		сони	қуввати	ер майдони (га)	сони	қуввати	ер майдони (га)	сони	қуввати	ер майдони (га)	2026 йил сони	2027 йил сони	2028 йил сони	2029 йил сони	2030 йил сони
Республика бўйича жами:		**55**	**32 200**	**25,3**	**51**	**30 600**	**24,1**	**4**	**1 600**	**1,2**	**6**	**12**	**13**	**11**	**13**
Қорақалпоғистон Республикаси		**3**	**1 200**	**0,9**	**3**	**1 200**	**0,9**						**1**	**1**	**1**
1	Нукус давлат техника университети	1	400	0,3	1	400	0,3								1
2	Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	1	400	0,3	1	400	0,3							1	
3	Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали	1	400	0,3	1	400	0,3						1		
Андижон вилояти		**3**	**1 200**	**0,9**	**3**	**1 200**	**0,9**							**1**	**2**

26 (1254)-сон
656-модда

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

4	Андижон давлат тиббиёт институти	2	800	0,6	2	800	0,6							1	1
5	Андижон давлат педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3								1
Бухоро вилояти		**2**	**800**	**0,6**	**2**	**800**	**0,6**						**1**		**1**
6	Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти	2	800	0,6	2	800	0,6						1		1
Жиззах вилояти		**2**	**800**	**0,6**	**2**	**800**	**0,6**				**1**	**1**			
7	Жиззах политехника институти	1	400	0,3	1	400	0,3					1			
8	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали	1	400	0,3	1	400	0,3				1				
Қашқадарё вилояти		**3**	**1 200**	**0,9**	**3**	**1 200**	**0,9**						**1**	**2**	
9	Қарши давлат техника университети	1	400	0,3	1	400	0,3							1	
10	Шаҳрисабз давлат педагогика институти	2	800	0,6	2	800	0,6						1	1	
Навоий вилояти		**3**	**2 400**	**2**	**3**	**2 400**	**2**				**3**				
11	Навоий давлат университети	3	2 400	2	3	2 400	2				3				
Наманган вилояти		**2**	**800**	**0,6**	**2**	**800**	**0,6**					**1**		**1**	
12	Наманган тиббиёт институти	2	800	0,6	2	800	0,6					1		1	
Самарқанд вилояти		**5**	**2 400**	**1,5**	**5**	**2 400**	**1,5**					**1**	**2**	**1**	**1**
13	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети	2	1 000	0,6	2	1 000	0,6					1		1	
14	Самарқанд давлат тиббиёт университети	2	1 000	0,6	2	1 000	0,6						1		1

15	Каттақўрғон давлат педагогика институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1		
Сурхондарё вилояти		**3**	**2 200**	**1,5**	**3**	**2 200**	**1,5**				**1**	**1**		**1**	
16	Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети	1	400	0,3	1	400	0,3							1	
17	Термиз давлат педагогика институти	1	1 000	0,6	1	1 000	0,6				1				
18	Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали	1	800	0,6	1	800	0,6					1			
Тошкент вилояти		**2**	**1 400**	**1,2**	**2**	**1 400**	**1,2**					**1**			**1**
19	Тошкент давлат тиббиёт университети Чирчиқ филиали	2	1 400	1,2	2	1 400	1,2					1			1
Фарғона вилояти		**1**	**400**	**0,3**	**1**	**400**	**0,3**						**1**		
20	Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти	1	400	0,3	1	400	0,3						1		
Хоразм вилояти		**3**	**1 900**	**1,5**	**3**	**1 900**	**1,5**				**1**	**1**	**1**		
21	Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети	1	500	0,3	1	500	0,3						1		
22	Ал-Хоразмий университети	2	1 400	1,2	2	1 400	1,2				1	1			
Тошкент шахри		**23**	**15 500**	**13,0**	**19**	**13 900**	**11,8**	**4**	**1 600**	**1,2**		**6**	**6**	**4**	**7**
23	Тошкент давлат шарқшунослик университети	1	500	0,3	1	500	0,3						1		
24	Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети	3	3 000	3,0	3	3 000	3,0					1	1	1	

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

25	Тошкент фармацевтика институти	1	600	0,4	1	600	0,4					1			
26	Тошкент давлат транспорт университети	2	800	0,6	2	800	0,6						1		1
27	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	4	4 000	3,0	4	4 000	3,0					1	1	1	1
28	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети	1	400	0,3				1	400	0,3					1
29	Тошкент давлат юридик университети	5	2 000	1,5	5	2 000	1,5					1	1	1	2
30	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети	1	1 000	1,0	1	1 000	1,0								1
31	Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиали	2	800	0,6				2	800	0,6		1		1	
32	Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти	1	400	0,3				1	400	0,3		1			
33	Янги Ўзбекистон университети	2	2 000	2,0	2	2 000	2,0						1		1

Изоҳ.

**) Талабалар турар жойларини барпо этиш учун зарур ер майдонлари устувор равишда олий таълим муассасасига яқин (1,5 км радиусда) ҳудудда, бўш ер майдони мавжуд бўлмаганда эса — олий таълим муассасаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда бошқа ҳудуддан ажратилади.*

26 (1254)-сон
656-модда

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

***) Ҳар 400 ўринли талабалар турар жойини қуриш учун ўртача 0,3 га ер майдони ҳисобланади.*

****) 2025 – 2030 йилларда белгиланган талабалар турар жойларини барпо этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини тадбиркорлик субъекти ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш шаклидан бошқа шаклларда ташаббус билдирилганда, талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларини мазкур иловада кўрсатилган йилдан аввалроқ амалга оширишга рухсат берилади.*

*****) Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган талабалар турар жойлари биноларининг қаватлар сонидан келиб чиқиб, қуввати ўзгариши мумкин.”.*

26 (1254)-сон
656-модда

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-бандидаги “тиббий буюмлардан” сўзлари “тиббий жиҳозлардан” сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 29 декабрдаги 786-сон қарорида:

а) 2-иловада 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 21-банди “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги 354-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-боби 3-параграфининг номи, 39, 40, 41-бандларидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июлдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази ҳамда Касбий таълим агентлиги ҳузуридаги Касбий таълимни ривожлантириш институти, Маданият вазирлиги ҳамда Бадиий академия (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) томонидан кўрсатилади.”;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасаси ва академик лицей дипломи дубликати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази томонидан, давлат ва нодавлат касб-ҳунар коллежлари ва профессионал таълим муассасалари дипломи дубликати Касбий таълим агентлиги ҳузуридаги Касбий таълимни ривожлантириш институти томонидан, давлат ва нодавлат ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар дипломи дубликати ўз тизимига кирувчи таълим ташкилотлари бўйича Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан берилади.”;

в) 10-бандда:

“а” кичик бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази ҳисобварағига ўтказилади”;

“б” кичик бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13,25 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли таълим технологияларини ривожлантириш маркази ҳисобварағига ўтказилади”;

г) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича маълумотларни (диплом берган таълим муассаса номи, йўналиш номи, квалификация ёки мутахассислик (агар берилган бўлса), дипломнинг серияси ва рақами, диплом тури, дипломни рўйхатга олиш рақами, диплом берилган сана, таълим даври, ўзлаштирилган фанлар рўйхати ва баҳолари, битирув малакавий ишининг мавзуси ва рейтинг бали) архивдан олиш зарурати юзага келган ҳолларда, давлат архивлари беш иш куни мобайнида белгиланган тартибда архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ваколатли органга бепул тақдим этади. Бунда таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш муддатига қўшимча равишда яна беш иш куни қўшилади”.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 419-сон қарори билан тасдиқланган Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларини бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

ўн биринчи хатбоши “0,1 коэффициент” сўзларидан кейин “, тўлиқ бўлмаган таълим гранти таълим шакли талабалари учун 0,5 коэффициент” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“$Т_к$ – молия йили давомида талабаларни қабул қилишнинг кутилаётган сони муайян давр учун қабул қилинган қабул кўрсаткичлари (Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг тегишли қарори бўйича)”.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 600-сон қарори билан тасдиқланган Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда халқаро инсонпарварлик ёрдамини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-банди учинчи хатбошисидаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар” сўзлари “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги 84-сон қарори билан тасдиқланган Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги низомнинг 6-банди бешинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционал қуйи тизими доирасидаги аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функцияларида:

21-банддаги “дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника” сўзлари “дори воситалари ва тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар” сўзлари “Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларга ўқувчиларни саралаб олиш ҳамда қабул қилиш тартибига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 27 майдаги 214-сон қарорида:

а) 1-илова қуйидаги мазмундаги 26^1-банд билан тўлдирилсин:

“26^1. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда масъул вазирлик ва идораларнинг вазифалари, имтиҳон ўтказиладиган жойларга қўйиладиган умумий талаблар, имтиҳон жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади ҳамда Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади”;

б) 2-иловада:

қуйидаги мазмундаги 25^1-банд билан тўлдирилсин:

“25^1. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда масъул вазирлик ва идораларнинг вазифалари, имтиҳон ўтказиладиган жойларга қўйиладиган умумий талаблар, имтиҳон жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади ҳамда Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади”;

42-банддаги “имтиҳонлари” сўзи “имтиҳонларининг умумлаштирилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илова қуйидаги мазмундаги 28^1-банд билан тўлдирилсин:

“28^1. Кириш имтиҳонларининг иккинчи босқичи ижод мактабларининг ўзида ўтказилади.

Кириш имтиҳонларининг биринчи ва учинчи босқичига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда масъул вазирлик ва идораларнинг вазифалари, имтиҳон ўтказиладиган жойларга қўйиладиган умумий талаблар, имтиҳон жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади ҳамда Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади”;

г) 3а-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар йиллик қабул квотаси (1-4-синфларга иккита синфга 12 нафардан, 5-11-синфларга иккита синфга 24 нафардан ўқувчи) доирасида қабул қилинади”;

қуйидаги мазмундаги 26^1-банд билан тўлдирилсин:

“26^1. Ихтисослаштирилган мактабнинг кириш имтиҳонлари давлат тилида ўтказилади”;

қуйидаги мазмундаги 27^1-банд билан тўлдирилсин:

“27^1. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда масъул вазирлик ва идораларнинг вазифалари, имтиҳон ўтказиладиган жойларга қўйиладиган умумий талаблар, имтиҳон жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади ҳамда Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади”;

28-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мактабга тайёрлов гуруҳига қабул қилинган болалар кейинги ўқув йилидан кириш имтиҳонларисиз 1-синфга қабул қилинади”;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Иккинчи босқич боланинг ақлий қобилияти даражасини аниқлаш бўйича турли даражадаги суҳбатлар ва амалий топшириқлар шаклида ўтказилади”;

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

33-бандниng “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) 5–11-синфлар учун бир босқичда математика фанидан 40 та, инглиз тили фанидан 40 та тест саволлари шаклида ўтказилади”;

34-бандда:

“а” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) мактабга тайёрлов гуруҳи ҳамда 1-синфда амалий топшириқлар бўйича юқори балл тўплаганлар”;

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) 5–11-синфларда:

инглиз тили фанидан:

матн билан ишлаш (Reading component) бўйича юқори балл тўплаганлар;

грамматика (Grammar component) бўйича юқори балл тўплаганлар;

математика фанидан:

танқидий фикрлаш саволларидан юқори балл тўплаганлар;

муаммони ечиш бўйича саволлардан юқори балл тўплаганлар”;

35-банддаги “фанлар” сўзи “ҳолатлар” сўзи билан алмаштирилсин;

41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“41. Кириш имтиҳонлари натижалари қайта кўриб чиқилмайди. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича имтиҳон материаллари ўқувчиларга тақдим этилмайди”;

42–46-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 январдаги 39-сон қарори билан тасдиқланган Ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкни шартнома-воситачилик шартлари асосида реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди тўртинчи хатбошиси, 27-бандидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг “Донор қонидан дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 22 апрелдаги 225-сон қарорининг 2-банди “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси, 1-илованинг 4-банди “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошисидаги “тиббий техника” сўзлари “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги техник регламентнинг 5-банди йигирма тўртинчи хатбошиси, 1-илованинг 19-позицияси “Маҳсулот таърифи” устунидаги “тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 24 июндаги 352-сон

қарорининг 1-банди учинчи хатбошиси, 2-банди учинчи хатбошиси, 1-илованинг 14-банди еттинчи хатбошиси, 4-бобнинг номи, 26-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари, 27 ва 28-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг “Интеллектуал мулк соҳасида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 23 июлдаги 441-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошиси, илованинг 1-бандидаги “дори воситалари, тиббий буюм ва тиббий техника” сўзлари “дори воситалари ва тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 8 августдаги 489-сон қарорида:

а) 1-иловада:

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Вазирликнинг тузилмасига қуйидагилар киради:

Вазирликнинг марказий аппарати;

Инновацион ривожланиш агентлиги;

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги;

Касбий таълим агентлиги;

Ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш офиси;

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

Олий таълимни ривожлантириш ва глобал ҳамкорлик маркази;

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази;

Олий таълим тизими кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти;

Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш маркази;

Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси;

Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш маркази;

давлат олий таълим муассасалари.

Тизим ташкилотлари ва тизимдаги олий таълим ташкилотлари бевосита Вазирликка бўйсунади.”;

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

б) 2-илованинг 39-банди “а” кичик банди тўртинчи хатбошисидаги “ва” сўзи “ёки” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидаги давлат олий таълим ташкилотларининг**

РЎЙХАТИ

Т/р	Давлат олий таълим ташкилоти номи
1.	Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети
2.	Андижон давлат чет тиллари институти
3.	Андижон давлат техника институти
4.	Бухоро давлат университети
5.	Бухоро давлат техника университети
6.	Гулистон давлат университети
7.	Жиззах политехника институти
8.	Қарши давлат университети
9.	Қарши давлат техника университети
10.	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
11.	Қўқон давлат университети
12.	Навоий давлат университети
13.	Наманган давлат университети
14.	Наманган давлат техника университети
15.	Нукус давлат техника университети
16.	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
17.	Самарқанд давлат техника университети университети
18.	Самарқанд давлат чет тиллар институти
19.	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
20.	Термиз давлат университети
21.	Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
22.	Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети

23.	Тошкент архитектура-қурилиш университети
24.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети
25.	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
26.	Олмалиқ давлат техника институти
27.	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
28.	Тошкент давлат шарқшунослик университети
29.	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети
30.	Тошкент кимё-технология институти
31.	Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали
32.	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
33.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
34.	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
35.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
36.	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали
37.	Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети
38.	Фарғона давлат университети
39.	Фарғона давлат техника университети
40.	“Toshtech” техника университети

”.

56. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 2 октябрдаги 619-сон қарори билан тасдиқланган Касалликларни амбулатор шароитда даволашда дори воситалари харажатларини қоплаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низомнинг 3-банди учинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 628-сон қарори билан тасдиқланган Фармацевтика маҳсулотларининг постмаркетинг назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банддаги “тиббий буюм ва (ёки) тиббий техниканинг” сўзлари “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-бандниng биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-бандда:

биринчи хатбошидаги “Тиббий техникалар ҳамда дорихона ассортиментига кирмайдиган тиббий буюмларнинг” сўзлари “Дорихона ассортиментига кирмайдиган тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “тиббий техника ҳамда дорихона ассортиментига кирмайдиган тиббий буюмларнинг” сўзлари “дорихона ассортиментига кирмайдиган тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “тиббий техникалар ҳамда дорихона ассортиментига кирмайдиган тиббий буюмларнинг” сўзлари “дорихона ассортиментига кирмайдиган тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 14, 20, 21-бандлардаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 25-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “тиббий буюм ва тиббий техника” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 632-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомнинг 3-банди учинчи хатбошисидаги “тиббий буюмларнинг” сўзлари “тиббий жиҳозларнинг” сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 28 октябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди тўртинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ҳамда ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 19 мартдаги 175-сон қарорида:

а) номи, 2-бандниng иккинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-устуннинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тиббий жиҳозлар номи”.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

61. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 апрелдаги 264-сон қарори билан тасдиқланган “Йил ўқитувчиси” танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 9-бандниng тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“учинчи босқичда – танлов ғолиблари тақдирланадиган йилнинг апрель-август ойларида номзодларнинг маънавий-маърифий фаолияти тақдимоти ҳамда китобхонлик бўйича тест асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади”;

б) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Танловнинг учинчи босқичида номзоднинг маънавий-маърифий фаолияти тақдимоти ҳамда китобхонлик бўйича тест асосида 100 баллик тизимда баҳоланади”;

в) илованинг 4-босқичи “Тадбирлар номи” устунидаги “номзодларнинг маънавий-маърифий фаолияти ҳамда китобхонлигини тақдимот асосида баҳолайди” сўзлари “Номзодларнинг маънавий-маърифий фаолияти тақдимот ҳамда китобхонлиги бўйича тест асосида баҳолайди” сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Вазирлар Маҳкамасининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 19 июндаги 382-сон қарорида:

а) 1-бандниng учинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандниng “г” кичик бандидаги “буюмлар” сўзи “жиҳозлар” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

номи, IV бўлимнинг номидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

IV бўлимнинг 3, 4, 6, 7, 9, 11-бандлари ҳамда 24, 33, 41-позицияларидаги “буюмлар” сўзи “жиҳозлар” сўзи билан алмаштирилсин;

IV бўлимнинг 5 ва 12-бандлардаги “буюмлари” сўзи “жиҳозлари” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

7-банд, 10-бандниng иккинчи хатбошиси, 13-бандниng иккинчи хатбошисидаги “тиббий буюмлар” сўзлари “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги “буюмлар” сўзи “жиҳозлар” сўзи билан алмаштирилсин.

63. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”

2025 йил 20 июндаги 384-сон қарорига 2-илованинг 8-банди “а” кичик бандининг еттинчи хатбошиси, 3-илованинг 11-банди олтинчи хатбошиси, 4-илованинг 15-банди саккизинчи хатбошиси, 7-илованинг 9-банди биринчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “тиббий буюмлар” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳозлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 24 ноябрдаги 738-сон қарорида:

а) 1-иловага 3-иловада:

1.1-банддаги “5-иловага мувофиқ” сўзлари “2-иловага мувофиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қисмида:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

2-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи – йигирма бешинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи – йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

13-бандниng учинчи хатбошиси ва 17-бандниng “а” кичик банди ўн иккинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “дори воситаси” сўзлари тегишли келишикдаги “тиббий жиҳоз” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилиб, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган тиббий жиҳозлар гувоҳноманинг амал қилиш муддати ўтгандан сўнг 180 календарь кун давомида сифат назоратини ўтказишга, импорт ва реализация қилишга ҳамда тиббиёт амалиётида яроқлилик муддати ўтгунига қадар қўллашга рухсат этилади. Бунда тиббий жиҳозларнинг сифат назорати гувоҳноманинг амал қилиш муддатида тасдиқланган ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади.”;

3-илованинг 2.10-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

“

2.10.	Тиббий жиҳознинг умумий техник талабларга мувофиқлигини исботлаш мақсадида ўтказилган синовлар баённомалари (верификация) ва валидация тўғрисида маълумотлар	+	+	+	+	

”.

65. Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 апрелдаги 216-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 36-бандниng “б” кичик бандида:

учинчи хатбошидан “раҳбар ва бошқарув” сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошисидаги “бошқарув ходимларига” сўзлари “ва ҳудудий бошқармаларнинг ходимларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 37-бандниng “б” кичик банди биринчи хатбошисидаги “ходимларга” ва “баравар” сўзлари тегишлича “Касбий таълим агентлиги марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари ҳамда техникумлар ходимларига” ва “бараваригача” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 30 ” июндаги 353-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон давлат тиллар педагогика институтига Абдулҳамид Сулаймон ўғли-Чўлпон номини бериш тўғрисида” 1997 йил 2 октябрдаги 463-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 3 сентябрдаги 415-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат техника университетининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 18 майдаги 123-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Талабалар ётоқхоналарининг фойдаланилмай турган биноларини қайта ихтисослаштириш учун Тошкент шаҳар ҳокимияти балансига ўтказиш тўғрисида” 2005 йил 24 ноябрдаги 261-сон қарорининг 4-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2010 йил 20 августдаги 182-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида “Маънавият ва маърифат” марказини ташкил этиш тўғрисида” 2011 йил 12 январдаги 11-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорининг 9, 10-бандлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3003-сон қарори)” 2017 йил 24 августдаги 669-сон қарорига илованинг 2-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 майдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Чорвоқ” туристик-рекреацион зонасини янада ривожлантириш концепцияси.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Қўқон филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 22 сентябрдаги 754-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилик институтини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 13 ноябрдаги 925-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Истиқболли бошқарув кадрларини танлаш бўйича “Тараққиёт” республика танлови финали иштирокчилари орасидан бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 14 декабрдаги 1018-сон қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 28 майдаги 437-сон қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 467-сон қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиалини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 489-сон қарори.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини муносиб рағбатлантиришни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 106-сон қарори.

17. Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 26 августдаги 516-сон қарори.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Қўқон давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 апрелдаги 212-сон қарори.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 254-сон қарори билан тасдиқланган “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ривожлантириш концепцияси.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорининг 1-банди ва 2-иловаси.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 июндаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Тўдакўл кўли рекреацион кўллар ҳудудида 2021–2025 йилларда туризмни ривожлантириш концепцияси.

QMMB: 09/26/353/0680-son
03.07.2026-y.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарори 1-бандининг биринчи хатбошиси ва 1-иловаси.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларига лицензия бериш талаблари ва шартларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2024 йил 30 декабрдаги 913-сон қарори.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2025 йил 15 декабрдаги 791-сон қарорига 1-илованинг 67-банди.

26 (1254)-сон
657-модда

Кўчирма

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 30 » iyun № 355 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ёқилғи-энергетика тармоғида назорат механизмларини такомиллаштириш ва электр энергиясини етказиб беришдаги йўқотишларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика тармоғида назорат механизмларини такомиллаштириш ва электр энергиясидан фойдаланишдаги йўқотишларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 10 июндаги ПФ–110-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

электр энергияси ва табиий газ таъминоти корхоналари томонидан электр энергияси ҳамда табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузишда жавобгарликни кучайтириш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш.

2. Ушбу қарорга илованинг 3-банди қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Д.А. Исақулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO‘LIM 1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “30” июндаги 355-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 31 майдаги 319-сон қарорида:

а) 1-илова қуйидаги мазмундаги 133^1-банд билан тўлдирилсин:

“133^1. Қуйидаги ҳолатлар электр таъминоти корхонаси томонидан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари деб ҳисобланади:

ускуналарни, электр узатиш тармоқларини, ҳисоблагичларни узлуксиз эксплуатация қилишини таъминламаслик, ўз вақтида уларга хизмат кўрсатмаслик ва ускуналарни таъмирламаслик, шунингдек, ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида носозликларни бартараф этмаслик;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаб турмаслик;

электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этмаслик;

электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантирмаслик;

жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда ўз вақтида истеъмолчиларга хабар қилмаслик;

ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергиясининг технологик сарфларини қисқартириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқмаслик ёки ишлаб чиқилган ташкилий-техник тадбирларни амалга оширмаслик;

электр энергиясининг электр тармоқларининг мансублик чегарасида ҳисобга олинмаган истеъмолини аниқламаслик;

истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бормаслик;

тегишли ҳужжатларсиз (техник шарт, лойиҳа ҳужжатлари, лойиҳа ҳужжатларини келишиш ва шартнома) ва (ёки) рухсатномаларсиз истеъмолчини электр тармоғига улаш ёки уланишга рухсат бериш;

ЭҲНАТга мос келадиган ҳисоблагичлар бўлмаганда, истеъмолчилар ва субистеъмолчиларни электр тармоқларига улаш;

истеъмолчига мансуб бўлган тармоқлардаги технологик сарфлар ҳамда қувват коэффициентининг (cos φ) иқтисодий қиймати ҳисоб-китоб қилинмаслиги;

ҳисоблаш тизимига таъсир қилмаган ҳолда, иккиламчи ток занжирида кириш ва чиқиш симлари ўзаро ўрнини алмаштириб улаш;

ҳисобга олинадиган электр энергияси миқдорини камайтириш мақсадида дастурга қўшимча коэффициентларни киритиш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя қилмаслик;

ҳар ойда бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган энергия ресурслари ҳажми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб

ҳисоблагичларни ЭҲНАТга бир ойдан ортиқ алоқага чиқишини таъминламаслик;

истеъмолчиларга нотўғри ҳисоб-китоблар амалга оширилганлиги;

электр таъминоти корхонасининг масъул ходими айби билан қоида бузилишлар содир этилиши;

сертификатлаштирилмаган энергетика ускуналаридан, энергия таъминоти тармоқлари ва тизимларининг элементларидан фойдаланиш;

ЭҲНАТ тизимида ҳисоблагичлар ишлашида носозликлар юзасидан келиб тушган хабарлар асосида мазкур носозликларнинг бир ойлик муддатда жойига чиққан ҳолда бартараф этилишини таъминламаслик;

дебитор қарздорлиги мавжуд истеъмолчиларга асоссиз равишда электр энергиясини етказиб бериш.

Ушбу бандда назарда тутилган қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, электр таъминоти корхонаси тегишлилиги бўйича раҳбари ва (ёки) масъул ходимларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади;

б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 129^1-банд билан тўлдирилсин:

“129^1. Қуйидаги ҳолатлар таъминотчи корхона томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш деб ҳисобланади:

тегишли ҳужжатларсиз ва рухсатномаларсиз истеъмолчини газ тармоғига улаш ёки уланишга рухсат бериш;

газ ҳисоблагичларга ташқи таъсир кўрсатишга истеъмолчига шароит яратиб бериш, яъни ҳисоблагич ва ўлчов узелларига белгиланган тартибда пломбалар ўрнатилмаганлиги (симларнинг таранг тортилмаганлиги, яъни симни узмаган ёки пломбаларни бузмаган ҳолда уларни ечиш орқали манифольд жўмраклари, калибрлаш болтлари, импульсли тармоқ жўмракларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳолатда ўрнатилганлиги);

табиий газ учун олдиндан тўловларни амалга оширмаган истеъмолчиларга асоссиз равишда табиий газ етказиб бериш;

ўчириб-ёқиш клапанига эга бўлмаган газ ҳисоблаш ускуналаридан фойдаланаётган истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш (бир ой аввал огоҳлантирилгандан сўнг);

истеъмолчилар томонидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ёқилғининг ёниш жараёнларини автоматик бошқариш жиҳозлари бўлмаган, стандарт талабларига

ўрнатилган газ жиҳозларининг қуввати газ ҳисоблагич қувватидан юқори бўлишига қарамасдан газдан фойдаланишга рухсат бериш;

техник шарт, лойиҳа ва (ёки) шартномада назарда тутилмаган жиҳозлардан фойдаланишга йўл қўйиш;

куз-қиш мавсуми даврида табиий газ етказиб берилишига чеклов киритилган истеъмолчиларни газ тармоғидан пайвандлаш ва (ёки) тамғалаш йўли билан ҳамда масофадан туриб ўчириб-ёқиш клапани орқали онлайн ажратмаган ҳолда уларга табиий газдан фойдаланишга имконият яратиб бериш;

дебитор қарздорлиги мавжуд истеъмолчиларга асоссиз равишда табиий газ етказиб бериш;

ноқонуний фойдалангани учун ёки бошқа ҳолатларда вақтинчалик узиб қўйилган истеъмолчиларга асоссиз равишда газ етказиб беришни давом эттириш;

ушбу Қоидаларда кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлик.

Ушбу бандда назарда тутилган қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, газ таъминоти корхонаси тегишлилиги бўйича раҳбари ва (ёки) масъул ходимларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

26 (1254)-son
658-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 2 » iyul № 358 Toshkent sh.

Бозорлар ва савдо комплексларида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда маиший коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Бозорлар ва савдо комплекслари, транспорт воситаларини сақлаш жойларини рақамлаштириш, ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратиш, инфратузилмани янада ривожлантириш, савдо фаолиятини ташкил этишда рақобат муҳитини ривожлантириш ва шаффофликни таъминлаш, коррупция омиллари ва хуфиёна айланмаларга барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025 йил 5 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш доирасида қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгилангани;

Вазирлар Маҳкамасининг “Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги 791-сон қарорида йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилгани;

республикадаги **300 дан ортиқ** бозорлар ва савдо комплексларида **тажриба-синов тариқасида** коррупция ва хуфиёна айланмаларнинг олдини олишга, савдо тушумлари ортишига хизмат қилувчи рақамлаштириш ишлари амалга оширилгани;

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2023 йил 11 августдаги 358-сон қарори билан қонунчилик ҳужжатлари бузилгани учун ваколатли давлат органлари томонидан ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш, сақлаш, ҳисобини юритиш ва олиб чиқиб кетиш тартибга солингани **маълумот учун қабул қилинсин**.

2. Қуйидагилар:

Рақамлаштириш чоралари кўриладиган бозорлар ва савдо комплекслари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш схемаси **2-иловага** мувофиқ;

Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилашнинг устувор йўналишлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Солиқ қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2026 йил 1 октябрга қадар** “Солиқ” ахборот тизимлари комплекси таркибида қуйидагиларни назарда тутувчи “E-bozor” ягона рақамли бозор платформасини (кейинги ўринларда – “E-bozor” платформаси) синов тарзида, **2027 йил 1 мартга қадар** тўлиқ амалиётга жорий этсин:

бозорлар ва савдо комплекслари паспорти, манзили, бўш савдо шохобчалари ва савдо ўринлари очиқ эълон қилиб борилиши;

аҳолини бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятига оид маълумотлар билан таништириш, бозор маъмуриятига электрон мурожаат йўллаш ва жавоб олиш имкониятлари.

4. Белгилансинки:

бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар бозорлар ва савдо комплекслари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

ахборот тизимлари киберхавфсизлик ҳамда давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш талаблари асосида жорий этилади;

2026 йил 1 декабрга қадар “E-bozor” платформасига бозорлар ва савдо комплексларида амалда жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда Адлия вазирлиги, Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади;

“E-bozor” платформасини яратиш ҳамда давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш харажатлари Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

5. Солиқ қўмитаси:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 августга қадар** “E-bozor” платформаси лойиҳа-техник ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

“Киберхавфсизлик маркази” ДМ билан биргаликда **2027 йил 1 февралга қадар** “E-bozor” платформасини лойиҳа-техник ҳужжатларга ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказсин.

6. Белгилансинки, Солиқ қўмитаси “E-bozor” платформасининг **оператори** ҳисобланади.

Бунда оператор коррупция ва яширин иқтисодиётнинг олдини олиш мақсадида “E-bozor” платформасини доимий такомиллаштириш чораларини кўриб боради.

7. Солиқ қўмитаси:

ҳар бир бозор ва савдо комплексига солиқ ходимларини **бириктирсин** ва уларнинг фаолияти самарадорлигини **кунлик таҳлил** қилиб борсин;

2026 йил 1 октябрга қадар бозорлар ва савдо комплекслари ихтисослашуви, иш тартиби, турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари сони ва жойлашуви, кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни **“E-bozor” платформасига киритсин**;

бозор ва савдо комплексига бириктирилган солиқ ходимлари “E-bozor” платформасида акс эттирилган **кунлик тушумлар ҳаққонийлигини** жойларда **доимий равишда мониторинг** қилиб борсин;

бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида жорий этилган **ахборот тизимларини такомиллаштириш чораларини** кўрсин;

Марказий банк билан биргаликда **уч ой муддатда** бозорлар ҳудудида ва уларга туташ ҳудудларда жойлашган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида тўловларни **ягона QR код орқали** тўлаш имкониятини яратсин;

Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини тўлиқ **онлайн назорат-касса** техникалари билан таъминласин ёки онлайн тўловлар учун **QR кодли** ёрлиқлар ўрнатиш чораларини кўрсин;

бозор ва савдо комплексларининг ахборот тизимлари ҳамда автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан автомототранспорт воситаларининг эркин киришини (чиқишини) истисно этувчи махсус хотира билан жиҳозланган электрон шлагбаум ёки бошқа қурилмаларнинг солиқ органлари ахборот тизимига интеграция қилинмагани аниқланганда, Солиқ кодексига мувофиқ жарима қўлланишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида жойлашган савдо шохобчалари ва савдо нуқталарини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг солиқ объекти сифатида ҳисобга қўйилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

2026 йил 1 сентябрга қадар Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **1-иловада** кўрсатилган бозорлар ва савдо комплексларини, уларга туташ автотураргоҳларни тўлиқ рақамлаштириш ҳамда “E-bozor” платформасига интеграция қилиш;

2026 йил 1 октябрга қадар бозорлар ва савдо комплексларидаги ахборот тизимларини “Киберхавфсизлик маркази” ДМ билан биргаликда киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказиш;

2026 йил 1 августга қадар бозорлар ва савдо комплексларининг инфратузилмаси, ёнғин хавфсизлиги ва санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш техник воситаларини ўрнатиш;

республикадаги бошқа бозор ва савдо комплекслари, автотураргоҳларни мазкур қарор талаблари асосида **босқичма-босқич рақамлаштириш чораларини** кўриб борсин.

9. Солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқ давлат улуши бўлган бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятига қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. **2026 йил 1 августдан** транспорт воситаларини сақлаш жойларидан чиқариб юбориш бўйича рухсатномани фақат маъмурий ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ва ижро органи томонидан **“Жарима майдончаси”** ахборот тизимида **QR-код** билан тасдиқлаш ва электрон тарзда юбориш тартиби жорий этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ички ишлар вазирлиги **икки ой муддатда**:

Солиқ қўмитаси ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Жарима майдончаси” ахборот тизимини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали **интеграция** қилсин. Бунда қонунчилик ҳужжатлари бузилгани учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг реквизитлари (номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили ва бошқалар), жарима майдончасига жойлаштирилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар (транспорт маркаси, давлат рақами, майдончага киритилган ва чиқарилган вақти, ундирилган тўлов ва бошқалар) солиқ органларининг ахборот тизимида автоматик равишда шаклланиши белгилансин;

мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларга мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари бузилгани учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар билан қўшимча шартномалар тузиш ҳамда **“Жарима майдончаси”** ахборот тизимини зарур давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин.

13. Мазкур қарорнинг 11-банди қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **уч ой ўтгач** кучга киради.

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

14. Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини бозор ва савдо комплекслари маъмуриятининг вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
1-илова

Рақамлаштириш чоралари кўриладиган бозорлар ва савдо комплекслари РЎЙХАТИ

Т/р	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
Қорақалпоғистон Республикаси			
1	“Манғит деҳқон бозори” МЧЖ	Амударё тумани	568
2	“Шаббоз деҳқон бозори” МЧЖ	Беруний тумани	608
3	“Кегейли деҳқон бозори” МЧЖ	Кегейли тумани	254
4	“Халқабод деҳқон бозори” МЧЖ	Кегейли тумани	557
5	“Қонликўл деҳқон бозори” МЧЖ	Қонликўл тумани	285
6	“Қораўзак деҳқон бозори” МЧЖ	Қораўзак тумани	206
7	“Қўнғирот деҳқон бозори” МЧЖ	Қўнғирот тумани	501
8	“Ақманғит деҳқон бозори” МЧЖ	Ақманғит тумани	591
9	“Тахиатош деҳқон бозори” МЧЖ	Тахиатош тумани	504
10	“Тахтакўпир деҳқон бозори” МЧЖ	Тахтакўпир тумани	596
11	“Тўрткўл эл ризқи бозори” МЧЖ	Тўрткўл тумани	837
12	“Хўжайли деҳқон бозори” МЧЖ	Хўжайли тумани	715
13	“Чимбой деҳқон бозори” МЧЖ	Чимбой тумани	867
14	“Шуманай деҳқон бозори” МЧЖ	Шуманай тумани	469
15	“Элликқалъа деҳқон бозори” МЧЖ	Элликқалъа тумани	410
Андижон вилояти			
1	“Марказий деҳқон бозори” АЖ	Андижон шаҳри	1073
2	“Ҳунармандчилик савдо комплекси” МЧЖ	Андижон шаҳри	2881
3	“Боғишамол автомобиль ва эҳтиёт қисмлар бозори” МЧЖ	Андижон шаҳри	553
4	“Сой-бўйи деҳқон бозори” МЧЖ	Андижон шаҳри	151
5	“Янги-бозор деҳқон бозори” АЖ	Андижон шаҳри	454
6	“Жаҳон савдо комплекси” АЖ	Андижон шаҳри	5831
7	“Куйган-ёр деҳқон бозори” МЧЖ	Андижон тумани	503
8	“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи деҳқон бозори” МЧЖ	Андижон тумани	79
9	“Асака деҳқон бозори” МЧЖ	Асака тумани	813
10	“Истеъмолдаги қурилиш материаллари бозори” МЧЖ	Асака тумани	102
11	“Қовоқтўпи улгуржи деҳқон бозори” МЧЖ	Асака тумани	110
12	“Жалақудуқ деҳқон бозори” МЧЖ	Жалақудуқ тумани	207
13	“Жалақудуқ камолот савдо комплекси” МЧЖ	Жалақудуқ тумани	95
14	“Қўрғонтепа деҳқон бозори” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	649
15	“Қўрғонтепа камолот савдо комплекси” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	468
16	“Қорасув савдо комплекси” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	214
17	“Қорасув деҳқон бозори” МЧЖ	Қўрғонтепа тумани	292
18	“Марҳамат деҳқон бозори” МЧЖ	Марҳамат тумани	278

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Т/р	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
19	“Мингтепа савдо комплекси” МЧЖ	Марҳамат тумани	458
20	“Пахтаобод деҳқон бозори” МЧЖ	Пахтаобод тумани	707
21	“Пахтаобод соҳил савдо комплекси” МЧЖ	Пахтаобод тумани	254
22	“Андижон автомобиль ва эҳтиёт қисмлар бозори 2019” МЧЖ	Хўжаобод тумани	1846
23	“Хўжаобод деҳқон бозори” МЧЖ	Хўжаобод тумани	231
24	“Хўжаобод савдо комплекси” МЧЖ	Хўжаобод тумани	375
25	“Шаҳрихон деҳқон бозори” МЧЖ	Шаҳрихон тумани	771
26	“Булоқбоши деҳқон бозори” МЧЖ	Булоқбоши тумани	150
27	“Олтинкўл деҳқон бозори” МЧЖ	Олтинкўл тумани	499
28	“Улуғнор деҳқон бозори” МЧЖ	Улуғнор тумани	137
29	“Деҳқон бозори пойтуғ” МЧЖ	Избоскан тумани	70
30	“Балиқчи деҳқон бозори” МЧЖ	Балиқчи тумани	200
Бухоро вилояти			
1	“Бухоро қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улгуржи сотиш бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	100
2	“Бухоро марказий деҳқон бозори” АЖ	Бухоро шаҳри	1846
3	“Тўқимачи деҳқон бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	558
4	“Шарқ деҳқон бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	62
5	“Ситора авто бозори” МЧЖ	Бухоро шаҳри	534
6	“Гала Осиё деҳқон бозори” МЧЖ	Бухоро тумани	417
7	“Карвон савдо комплекси” МЧЖ	Бухоро шаҳри	766
8	“Саховат деҳқон бозори” МЧЖ	Когон шаҳри	230
9	“Сохибкор деҳқон бозори” МЧЖ	Когон шаҳри	230
10	“Жондор деҳқон бозори” МЧЖ	Жондор тумани	70
11	“Қоракўл деҳқон бозори” МЧЖ	Қоракўл тумани	659
12	“Ромитан деҳқон бозори” МЧЖ	Ромитан тумани	598
13	“Вобкент деҳқон бозори” МЧЖ	Вобкент тумани	930
14	“Шофиркон савдо мажмуаси” МЧЖ	Шофиркон тумани	242
15	“Шофиркон деҳқон бозори” МЧЖ	Шофиркон тумани	411
16	“Олот деҳқон бозори” МЧЖ	Олот тумани	428
17	“Ғиждувон деҳқон бозори” АЖ	Ғиждувон тумани	2103
18	“Хўжаи жаҳон савдо комплекси” АЖ	Ғиждувон тумани	1000
19	“Пешкў Навоий деҳқон бозори” МЧЖ	Пешку тумани	162
Жиззах вилояти			
1	“Жиззах марказий деҳқон бозори” АЖ	Жиззах шаҳри	1476
2	“Эски шаҳар буюм савдо комплекси” АЖ	Жиззах шаҳри	878
3	“Эски шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Жиззах шаҳри	1122
4	“Кимёгар эҳтиёт қисмлари бозори” МЧЖ	Жиззах шаҳри	266
5	“Ғаллаорол деҳқон бозори” МЧЖ	Ғаллаорол тумани	269
6	“Лалмикор деҳқон бозори” МЧЖ	Ғаллаорол тумани	105
7	“Атлас шойи ипак буюм савдо мажмуаси” МЧЖ	Зомин тумани	114
8	“Даштобод деҳқон бозори” МЧЖ	Зомин тумани	201
9	“Мирзачўл деҳқон бозори” МЧЖ	Мирзачўл тумани	236
10	“Эржар буюм савдо мажмуаси” МЧЖ	Мирзачўл тумани	61
11	“Пахтакор деҳқон бозори” МЧЖ	Пахтакор тумани	216
12	“Пахтакор буюм савдо мажмуаси” МЧЖ	Пахтакор тумани	163

T/p	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
13	“Фориш туман деҳқон бозори” МЧЖ	Фориш тумани	220
14	“Фарҳод деҳқон бозори” МЧЖ	Фориш тумани	387
15	“Автобозор” МЧЖ	Шароф Рашидов тумани	0
16	“Зарбдор туман деҳқон бозори” МЧЖ	Зарбдор тумани	88
17	“Баландчақир деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиобод тумани	156
Қашқадарё вилояти			
1	“Қарши кўмак савдо комплекси” МЧЖ	Қарши шаҳри	111
2	“Қарши марказий буюм савдо комплекси” АЖ	Қарши шаҳри	465
3	“Насаф автомобиль бозори савдо комплекси” МЧЖ	Қарши шаҳри	445
4	“Қарши савдо мажмуаси” МЧЖ	Қарши шаҳри	160
5	“Қарши шаҳар деҳқон (озиқ-овқат) бозори” АЖ	Қарши шаҳри	279
6	“Еркўрғон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” АЖ	Қарши шаҳри	428
7	“Косон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Косон тумани	368
8	“Китоб деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Китоб тумани	901
9	“Муборак деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Муборак тумани	313
10	“Нишон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Нишон тумани	103
11	“Касби туман деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Касби тумани	142
12	“Чироқчи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Чироқчи тумани	456
13	“Янги Кеш деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Шаҳрисабз шаҳри	1124
14	“Яккабоғ-истиқболи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Яккабоғ тумани	505
15	“Ғузор туман деҳқон бозори” МЧЖ	Ғузор тумани	667
Навоий вилояти			
1	“Марказий деҳқон бозори” (“Саховат бозори” МЧЖ)	Навоий шаҳри	1623
2	“Гулистон деҳқон бозори” (“Саховат бозори” МЧЖ)	Навоий шаҳри	362
3	“10-кичик туман деҳқон бозори” (“Саховат бозори” МЧЖ)	Навоий шаҳри	518
4	“Навоий савдо комплекси” АЖ	Навоий шаҳри	1072
5	“Зарафшон буюм бозор” (“Баҳор савдо комплекси” МЧЖ)	Зарафшон шаҳри	154
6	“Зарафшон деҳқон бозори” (“Наврўз” МЧЖ)	Зарафшон шаҳри	256
7	“Навбаҳор деҳқон бозори” (“Мустақиллик” МЧЖ)	Навбаҳор тумани	170
8	“Қизилтепа туман деҳқон бозорлари” МЧЖ	Қизилтепа тумани	125
9	“Учқудуқ деҳқон бозори” МЧЖ	Учқудуқ тумани	205
10	“Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ	Хатирчи тумани	396
11	“Кармана деҳқон бозори” МЧЖ	Кармана тумани	421
12	“Конимех деҳқон бозори” МЧЖ	Конимех тумани	115
Наманган вилояти			
1	“Ихтисослаштирилган қурилиш моллари савдо комплекси” МЧЖ	Янги Наманган тумани	856
2	“Дўстлик савдо саноат комплекси” МЧЖ	Янги Наманган тумани	764

T/p	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
3	“Наманганавтомегастрой савдо комплекси” МЧЖ	Янги Наманган тумани	164
4	“Ёшлик барака бозори” МЧЖ	Янги Наманган тумани	65
5	“Наманган чорсу деҳқон универсал бозори” АЖ	Наманган шаҳри	894
6	“Сардоба бозори” МЧЖ	Наманган шаҳри	207
7	“Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ	Наманган шаҳри	597
8	“Шохидон деҳқон бозори” МЧЖ	Тўрақўрғон тумани	241
9	“Тўрақўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Тўрақўрғон тумани	400
10	“Тўрақўрғон марказий деҳқон бозори” МЧЖ	Тўрақўрғон тумани	250
11	“Учқўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Учқўрғон тумани	432
12	“Учқўрғон соф-савдо деҳқон бозори” МЧЖ	Учқўрғон тумани	400
13	“Қўғай деҳқон бозори” МЧЖ	Учқўрғон тумани	472
14	“Янгиқўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиқўрғон тумани	204
15	“Заркент савдо барака” МЧЖ	Янгиқўрғон тумани	154
16	“Бекабод барака мажмуаси” МЧЖ	Янгиқўрғон тумани	56
17	“Уйчи деҳқон бозори” МЧЖ	Уйчи тумани	125
18	“Уйчи ровот савдо комплекси” МЧЖ	Уйчи тумани	132
19	“Уйчи ёрқўрғон барака бозори” МЧЖ	Уйчи тумани	90
20	“Чуст шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Чуст тумани	520
21	“Чуст аралаш моллари бозори” МЧЖ	Чуст тумани	187
22	“Барака олмос бозори” МЧЖ	Чуст тумани	150
23	“Ғирвон савдо комплекси” МЧЖ	Давлатобод тумани	145
24	“Яшил деҳқон бозори” МЧЖ	Давлатобод тумани	486
25	“Косонсой деҳқон бозори” МЧЖ	Косонсой тумани	432
26	“Тергачи барака бозори” МЧЖ	Косонсой тумани	142
27	“Файзли эркин савдо бозори” МЧЖ	Поп тумани	26
28	“Ғурумсарой деҳқон бозори” МЧЖ	Поп тумани	490
29	“Чортоқ саноат савдо комплекси” МЧЖ	Чортоқ тумани	265
30	“Chortoq tourist trade center” МЧЖ	Чортоқ тумани	420
31	“Аминжон ота Нуриддинов деҳқон бозори” МЧЖ	Наманган тумани	50
32	“Тошбулоқ деҳқон бозори” МЧЖ	Наманган тумани	430
33	“Норин деҳқон бозори” МЧЖ	Норин тумани	281
34	“Норин авто савдо бозори” МЧЖ	Норин тумани	0
Самарқанд вилояти			
1	“Сиёб деҳқон бозори” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	2 030
2	“Темирйўл деҳқон бозори” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	626
3	“Самарқанд ипак йўли савдо мажмуаси” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	595
4	“Самарқанд шодиёнаси” МЧЖ	Самарқанд шаҳри	385
5	“Пастдарғом мева-сабзавот деҳқон бозори” МЧЖ	Пастдарғом тумани	908
6	“Пастдарғом буюм савдо савдо мажмуаси” МЧЖ	Пастдарғом тумани	395
7	“Ургут деҳқон бозори” МЧЖ	Ургут тумани	221
8	“Ургут савдо комплекси” МЧЖ	Ургут тумани	3 108
9	“Каттақўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Каттақўрғон шаҳри	1 759
10	“Оқдарё деҳқон бозори” МЧЖ	Оқдарё тумани	443
11	“Булунғур деҳқон бозори” МЧЖ	Булунғур тумани	520

T/p	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
12	“Жомбой деҳқон бозори” МЧЖ	Жомбой тумани	1 246
13	“Иштихон деҳқон бозори” МЧЖ	Иштихон тумани	930
14	“Пайшанба деҳқон бозори” МЧЖ	Каттақўрғон тумани	510
15	“Нарпай деҳқонобод” МЧЖ	Нарпай тумани	208
16	“Сузангарон савдо комплекси” МЧЖ	Пайариқ тумани	151
17	“Пахтачи деҳқон бозори” МЧЖ	Пахтачи тумани	250
18	“Тойлоқ деҳқон бозори” МЧЖ	Тойлоқ тумани	754
19	“Самарқанд инновацион автомобиль” МЧЖ	Самарқанд тумани	0
Сурхондарё вилояти			
1	“Яшил дунё марказий деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ	Термиз шаҳри	536
2	“Термиз шаҳар деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ	Термиз шаҳри	32
3	“Термиз-Бақтрия-савдо” савдо комплекси МЧЖ	Термиз шаҳри	243
4	“Ангор марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Ангор тумани	61
5	“Ангор келажаги савдо комплекси” МЧЖ	Ангор тумани	520
6	“Рўшана Ангор” савдо комплекси МЧЖ	Ангор тумани	29
7	“Музработ деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Музработ тумани	50
8	“Файзулла полвон бобо” МЧЖ	Музработ тумани	32
9	“Жарқўрғон деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Жарқўрғон тумани	144
10	“Давр савдо комплекси” МЧЖ	Жарқўрғон тумани	159
11	“Қумқўрғон деҳқон озиқ-овқат бозори” МЧЖ	Қумқўрғон тумани	40
12	“Боймоқли файз обод” МЧЖ	Қумқўрғон тумани	32
13	“Қизириқ деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Қизириқ тумани	115
14	“Истара деҳқон бозори” МЧЖ	Қизириқ тумани	59
15	“Нилуфар савдо комплекси” МЧЖ	Қизириқ тумани	86
16	“Шўрчи деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Шўрчи тумани	136
17	“Шўрчи жануб савдо” савдо комплекси МЧЖ	Шўрчи тумани	164
18	“Сариосиё деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Сариосиё тумани	20
19	“Шеробод шер барака” савдо комплекси МЧЖ	Шеробод тумани	287
20	“Узун деҳқон (озиқ-овқат) бозори” МЧЖ	Узун тумани	73
Сирдарё вилояти			
1	“Гулистон шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Гулистон шаҳри	752
2	“Янгиер деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиер шаҳри	313
3	“Ховос деҳқон бозори” МЧЖ	Ховос тумани	106
4	“Бахт-Х” МЧЖ	Сирдарё тумани	330
5	“Боёвут деҳқон бозори” МЧЖ	Боёвут тумани	261
6	“Кўнчи деҳқон бозори” МЧЖ	Гулистон тумани	234
7	“Пахтаобод деҳқон бозори” МЧЖ	Сардоба тумани	168
Тошкент вилояти			
1	“Бек барака ихтисослашган савдо комплекси” МЧЖ	Зангиота тумани	2024
2	“Ангрен шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Ангрен шаҳри	812
3	“Бекобод деҳқон бозори” МЧЖ	Бекобод шаҳри	1224
4	“Нурафшон шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Нурафшон шаҳри	286
5	“Олмалиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Олмалиқ шаҳри	1193
6	“Оҳангарон деҳқон бозори” МЧЖ	Оҳангарон шаҳри	391

T/p	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
7	“Чирчиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Чирчиқ шаҳри	1222
8	“Ихтисослашган Янгийўл шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Янгийўл шаҳри	1953
9	“Истиқлол деҳқон бозори” МЧЖ	Бўка тумани	234
10	“Бўстонлиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Бўстонлиқ тумани	603
11	“Оққўрғон деҳқон бозори” МЧЖ	Оққўрғон тумани	475
12	“Паркент деҳқон бозори” МЧЖ	Паркент тумани	821
13	“Пискент деҳқон бозори” МЧЖ	Пискент тумани	372
14	“Тошкент тумани кўп тармоқли деҳқон бозори” МЧЖ	Тошкент тумани	367
15	“Қуйичирчиқ деҳқон бозори” МЧЖ	Қуйичирчиқ тумани	210
16	“Деҳқон бозори” МЧЖ	Юқоричирчиқ тумани	351
17	“Чиноз деҳқон бозори” МЧЖ	Чиноз тумани	942
Фарғона вилояти			
1	“Қўқон деҳқон бозори” АЖ	Қўқон шаҳри	1189
2	“Буюк ипак йўли савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	366
3	“Қўқон музаффар савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	386
4	“Ризқ барака савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	530
5	“Муқумий деҳқон бозори” МЧЖ	Қўқон шаҳри	40
6	“Қўқон истиқлол савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	471
7	“Қўқон қурилиш савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	40
8	“Фаробий савдо комплекси” МЧЖ	Қўқон шаҳри	1467
9	“Қўқон ихтисослаштирилган автомашина бозори” МЧЖ	Қўқон шаҳри	0
10	“Ипакчи файз тонг савдо комплекси” АЖ	Марғилон шаҳри	804
11	“Марғилон барака савдо” АЖ	Марғилон шаҳри	562
12	“Марғилон шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Марғилон шаҳри	1221
13	“Бунёдкор ҳунарманд” МЧЖ	Марғилон шаҳри	60
14	“Марғилон мусаффо сервис” МЧЖ	Марғилон шаҳри	110
15	“Давр қурилиш маҳсулотлари” МЧЖ	Марғилон шаҳри	256
16	“Марғилон дон ва дон маҳсулотлари” МЧЖ	Марғилон шаҳри	210
17	“Фарғона марказий деҳқон бозори” АЖ	Фарғона шаҳри	1928
18	“Фарғона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ	Фарғона шаҳри	47
19	“Фарғона Юсуфжон файзи қурилиш моллари бозори” МЧЖ	Фарғона шаҳри	11
20	“Фарғона савдо мажмуаси” МЧЖ	Фарғона шаҳри	2051
21	“Водил деҳқон бозори” МЧЖ	Фарғона тумани	155
22	“Файз савдо саховат” МЧЖ	Фарғона тумани	144
23	“Водий мега авто бозори” МЧЖ	Фарғона тумани	0
24	“Чимён савдо комплекси” МЧЖ	Фарғона тумани	250
25	“Қўштепа туман қурилиш материаллари бозори” МЧЖ	Қўштепа тумани	210
26	“Қўштепа тумани деҳқон бозори” МЧЖ	Қўштепа тумани	939
27	“Қўштепа пойабзал ва мебел бозори” МЧЖ	Қўштепа тумани	237
28	“Қўштепа файз савдо комплекси” АЖ	Қўштепа тумани	1438

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

T/p	Объектлар номи *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	Жойлашган жойи *(туман, шаҳар)*	Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони
29	“Бешариқ турон саноат савдо комплекси” АЖ	Бешариқ тумани	252
30	“Бешариқ деҳқон бозори” МЧЖ	Бешариқ тумани	887
31	“Бувайда деҳқон бозори” МЧЖ	Бувайда тумани	914
32	“Бувайда савдо комплекси” МЧЖ	Бувайда тумани	42
33	“Ёзёвон савдо комплекси” МЧЖ	Ёзёвон тумани	1337
34	“Ёзёвон деҳқон бозори” МЧЖ	Ёзёвон тумани	244
35	“Раста савдо комплекси” АЖ	Қува тумани	429
36	“Қува тумани деҳқон бозори” АЖ	Қува тумани	1019
37	“Олтиариқ туман деҳқон бозори” МЧЖ	Олтиариқ тумани	246
38	“Тошлоқ файз барака савдо комплекси” МЧЖ	Тошлоқ тумани	68
39	“Ўзбекистон деҳқон бозори” МЧЖ	Ўзбекистон тумани	331
40	“Учкўприк деҳқон бозори” МЧЖ	Учкўприк тумани	310
41	“Бағдод туман деҳқон бозори” МЧЖ	Бағдод тумани	1683
42	“Қувасой шаҳар деҳқон бозори” МЧЖ	Қувасой шаҳри	184
Хоразм вилояти			
1	“Урганч марказий деҳқон бозори” АЖ	Урганч шаҳри	2322
2	“Чолиш деҳқон бозори” МЧЖ	Урганч шаҳри	154
3	“Хива Гулшан деҳқон бозори” МЧЖ	Хива шаҳри	120
4	“Хива деҳқон бозори” АЖ	Хива шаҳри	120
5	“Гурлан универсал савдо комплекси” МЧЖ	Гурлан тумани	596
6	“Гурлан деҳқон бозори” АЖ	Гурлан тумани	56
7	“Хосиён деҳқон бозори” МЧЖ	Қўшкўпир тумани	165
8	“Ғозовот деҳқон бозори” МЧЖ	Қўшкўпир тумани	232
9	“Ҳазорасп деҳқон бозори” МЧЖ	Ҳазорасп тумани	365
10	“Ҳазорасп универсал савдо комплекси” АЖ	Ҳазорасп тумани	1503
11	“Омад қуши” деҳқон бозори МЧЖ	Ҳазорасп тумани	120
12	“Хонқа деҳқон бозори” МЧЖ	Хонқа тумани	487
13	“Янгиариқ деҳқон бозори” МЧЖ	Янгиариқ тумани	260
14	“Янгибозор деҳқон бозори” МЧЖ	Янгибозор тумани	288
15	“Боғот деҳқон бозори” МЧЖ	Боғот тумани	613
16	“Шовот деҳқон бозори” МЧЖ	Шовот тумани	450
17	“Питнак деҳқон бозори” МЧЖ	Тупроққалъа тумани	90
18	“Хоразм автотранспорт савдо бозори” МЧЖ	Урганч тумани	0
Тошкент шаҳри			
1	“Паркент универсал савдо комплекси”АЖ	Яшнобод тумани	256
2	“Янгиобод ихтисослашган бозор” МЧЖ	Яшнобод тумани	3295
3	“Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ	Яшнобод тумани	962
4	“Эски-жува деҳқон бозори” АЖ	Шайхонтоҳур тумани	3020
5	“Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ	Шайхонтоҳур тумани	750
6	“Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ	Чилонзор тумани	3048
7	“Бек тўпи савдо комплекси” МЧЖ	Чилонзор тумани	404
8	“Сергели деҳқон бозори” АЖ	Сергели тумани	244
9	“Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сергели бозори” МЧЖ	Сергели тумани	521
10	“Фарҳод деҳқон бозори” АЖ	Учтепа тумани	2534

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Т/р	**Объектлар номи** *(деҳқон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бозорлар)*	**Жойлашган жойи** *(туман, шаҳар)*	**Турғун савдо шохобчалари ва савдо дўконлари сони**
11	“Ўрикзор савдо комплекс” МЧЖ	Учтепа тумани	2347
12	“Миробод деҳқон бозори” АЖ	Миробод тумани	700
13	“Наврўз деҳқон бозори” АЖ	Мирзо Улуғбек тумани	704
14	“Қора-қамиш деҳқон бозори” МЧЖ	Олмазор тумани	320
15	“Олой деҳқон бозори” АЖ	Юнусобод тумани	497

Изоҳ. *Солиқ қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари таклифларига асосан рақамлаштириладиган бозорлар ва савдо комплекслари рўйхатига қўшимчалар киритилиши мумкин.*

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
2-илова

Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли ташкилотлар	Қурилиш, санитария, савдо, ёнғин ва жамоат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниш ҳолатини ишчи гуруҳ тузган ҳолда ўрганиш.	15 кунда
2-босқич	Маҳаллий ҳокимлик ва бошқа тегишли ташкилотлар	Ишчи гуруҳ ўрганишида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.	15 кунда
3-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси	Бозорлар ёки савдо комплексини рақамлаштириш хизматларини кўрсатувчи талабгорни давлат харидларига оид қонунчилик асосида танлаб олиш, шартнома расмийлаштириш.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда
4-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқалар	Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли давлат органлари иштирокида муҳокамадан ўтказиш.	5 кунда
5-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси	Видеокузатув, ташвиш ва ёнғин сигнализацияси, банкомат ҳамда қуёш панели, ёритиш чироғи ва бошқа зарур моддий техникаларни ўрнатиш ва лойиҳа бўйича рақамлаштириш ишларини амалга ошириш.	15 кунда
6-босқич	Маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси	Савдо шохобчалари ва савдо ўринлари жойлашуви, автотураргоҳ тўғрисидаги маълумотларни рақамли дастурга киритиш ҳамда бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар электрон ҳисобини юритиш.	5 кунда
7-босқич	Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, маҳаллий ҳокимлик ва бошқалар	Бозорлар ва савдо комплексларида жорий этилган ахборот тизимларини “E-bozor” ягона платформасига интеграция қилиш.	Қарорда белгиланган муддатда
8-босқич	Солиқ қўмитаси, маҳаллий ҳокимлик, бозорлар ёки савдо комплекси ва бошқалар	“E-bozor” ягона платформасини Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.	Қарорда белгиланган муддатда

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
3-илова

Бозорлар ва савдо комплексларини рақамлаштириш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилашнинг
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллектга асосланган махсус ахборот тизимини ишга тушириш, унда онлайн масофавий мониторинг қилиш имкониятларини яратиш;

бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни шаффоф электрон тизим орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш;

савдо шохобчалари ва савдо ўринлари жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни рақамли дастурга киритиш, бўш савдо расталарини ижарага олиш бўйича электрон шартнома тузиш, уларни онлайн масофавий мониторинг қилиш имкониятларини яратиш;

автотураргоҳ ва ҳожатхона мавжудлигини таъминлаш ҳамда уларда ҳисоблаш ва тўлов қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизимини йўлга қўйиш;

бозор ва унга туташ ҳудудлардаги ноқонуний қурилмаларни белгиланган тартибда бартараф этиш, бозор инфратузилмасини яхшилаш мақсадида таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини таъмирлаш ва реконструкция қилиш орқали самарали ташкил этиш, дўконларга замонавий энергия таъминоти ускуналари (қуёш панели) ва алоҳида электр ҳисоблагичлар ўрнатиш;

санитария ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини самарали ташкил этиш;

хавфсизликни таъминлаш учун видеокузатув, ташвиш ва ёнғин сигнализацияларини, банкомат ҳамда тежамкор технологиялар асосида ёритиш чироқлари ўрнатиш.

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 358-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарорида:

а) 1-илованинг 15-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Транспорт воситасини ушлаб туриш сабаблари тўлиқ бартараф этилмасдан туриб, уларни чиқариб юбориш ёки улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан назорат махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёрдамида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказиладиган ўрганишлар орқали таъминланади”;

б) 2-иловада:

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ваколатли орган ўз ташаббуси билан ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг таклифлари асосида танловга қўйиладиган ҳудудлар рўйхатини тайёрлайди, танлов предметини ва вақтини танлов ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин ахборот тизимига киритади ва бу ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади”;

36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Электрон ахборот тизимидаги танлов якунлари асосида танлов ғолиби билан шартномалар тузиш ҳамда уларнинг талаб ва шартларига риоя этилиши устидан ваколатли орган томонидан мунтазам мониторинг юритилади”;

37-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи-бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда қуйидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима (неустойка) тўлаш шартноманинг мажбурий шарти сифатида назарда тутилади ҳамда уларнинг бир йил давомида такроран содир этилиши тузилган шартномани бекор қилиш учун асос ҳисобланади:

QMMB: 09/26/358/0693-son
06.07.2026-y.

ушланган транспорт воситаларининг ҳисобини, уларни олиб келиш ва сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар сонини ва тўланган тўловлар миқдорини “Жарима майдончаси” ахборот тизими орқали юритмаслик;

транспорт воситасини ушлаб туриш сабаблари тўлиқ бартараф этилмасдан туриб, уларни чиқариб юбориш ёки улардан ноқонуний фойдаланиш.

Шартнома шартлари юзасидан келиб чиққан низолар суд тартибида ҳал этилади”;

в) 3-иловада:

5-банд қуйидаги мазмундаги “$а^1$” кичик банд билан тўлдирилсин:

“$а^1$) тўхташ жойларига олиб келинган транспорт воситаларининг кириб-чиқишини “Жарима майдончаси” ахборот тизими орқали назорат қилиш ҳамда транспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини таниб олиш имконини берувчи камера ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги”;

11-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда “Жарима майдончаси” ахборот тизимига киритилган кўрсатилган хизматлар бўйича айланмалар солиқ органлари ахборот тизимида автоматик шакллантирилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 57-банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“солиқ инспекторлари томонидан ўз хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича қалбаки ва контрафакт ҳолатлар ҳамда маркировкалаш қоидалари бузилгани аниқланганда, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатларини аниқлашда;”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

26 (1254)-son
659-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 2 » iyul № 359 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 6 майдаги ПФ–73-сон, “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон ва “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни транзит ўтувчи йўловчиларни даволаш учун ташиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **5-иловага** мувофиқ;

Илмий ва ўқув мақсадларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом **6-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат) **7-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат) **8-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат) **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиб кириш (олиб чиқиш) ва транзит тарзида ўтказиш учун сертификат (рухсатнома) **“Лицензия” ахборот тизими** орқали берилиши йўлга қўйилади;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни республикага олиб кирилишидан (ишлаб чиқарилишидан) бошлаб реализация қилишгача (қабул қилиш, сақлаш, истеъмолчига сотиш ва бошқа) бўлган барча жараёнларнинг **узлуксиз электрон назорати** жорий этилади;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни **инсонпарварлик ёрдами юки** тариқасида олиб киришга (олиб чиқишга) рухсат бериш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда онкологик беморлар фойдаланиши учун мўлжалланган **инсонпарварлик ёрдами** юкининг **яроқлилик муддати олти ойгача қолган** бўлса ҳам, истисно тариқасида, олиб кирилиши мумкин;

даволаш-профилактика муассасаларида гиёҳвандлик воситаларининг истеъмол меъёрлари **кардиожарроҳлик** амалиётларида бир нафар беъморга **40 ампула** доирасида белгиланади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Адилов):

а) республикада муомаласи чекланган рўйхатларга киритилган, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларининг муомаласи жараёнларини рақамлаштиришни қамраб олувчи **ахборот тизимини** ишлаб чиқсин ва **2027 йил 1 январдан** ишга туширсин.

Бунда:

мазкур тизим доирасида таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган **янги дори воситалари тўғрисида** дорихоналарни тезкорлик билан **электрон хабардор қилиш** амалиёти йўлга қўйилади;

ушбу ахборот тизими “Рақамли соғлиқни сақлаш ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилаётган **Рақамли соғлиқни сақлаш платформаси** билан интеграция қилинади ҳамда ахборот тизими маълумотларни шакллантириш, юритиш ва бошқаришда платформанинг **умумий маълумотнома ва классификаторларидан** фойдаланилади;

тизим доирасида “**хавфни таҳлил қилиш**” имконияти яратилиб, “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига интеграция қилинади;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси мазкур ахборот тизимини **юритиш бўйича масъул** ҳисобланади, “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” MCHJ тизимни **яратиш, қўллаб-қувватлаш, унинг сифати ва узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш бўйича оператор** этиб белгиланади;

ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билан боғлиқ барча харажатлар **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) **жорий йил якунига қадар** гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи лицензияга эга юридик шахслар учун қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришлар моҳиятини етказиш бўйича **сайёр семинар машғулотларини** ўтказсин;

в) **инсонпарварлик ёрдами юки** тариқасида олиб кирилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни, **биринчи навбатда, эҳтиёжманд беморлар ўртасида** тенг тақсимлаш чораларини кўрсин;

г) Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласин;

д) **2026 йил 1 октябрга қадар** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитасининг таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган дори воситалари ва психотроп моддалар муомаласини назорат қилиш бўйича **электрон платформаси** орқали маълумот алмашинувини йўлга қўйсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **10-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **11-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Манфаатдор вазирлик ва идоралар **уч ой муддатда** ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан **олти ой** ўтгач кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори вазифасини вақтинча бажарувчи Ф.Ф. Хасанов ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
1-илова

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) устидан давлат назорати чораларини кучайтириш мақсадида уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни (кейинги ўринларда – сертификат) бериш тартибини белгилайди.

2. Гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга сертификатни расмийлаштириш учун “Лицензия” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Лицензия” АТ) орқали ариза берилади, ариза Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда – ДХХ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ИИВ) билан келишилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) тегишли қарорига асосан мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан берилади.

3. Гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш гиёҳвандлик воситаларининг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун лицензияга эга юридик шахслар (кейинги ўринларда – ариза берувчи) томонидан мазкур Низомга 2 – 5-иловаларга мувофиқ шаклдаги қатъий ҳисобда турувчи, пушти рангли махсус бланкларда расмийлаштирилган сертификатлар асосида амалга оширилади.

4. Сертификатдан фақат бир марта фойдаланилади ва унинг амал қилиш муддати бир йилни ташкил қилади.

Сертификат ариза берувчига икки нусхада, шундан бир нусхаси экспорт қилувчи ташкилотга тақдим этиш учун берилади.

Берилган сертификат назорат қилинадиган моддаларнинг муомаласи билан боғлиқ лицензияга эга бўлишидан қатъи назар, бошқа юридик шахсга берилиши мумкин эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси гиёҳвандлик воситаларининг ҳақиқий олиб кирилгани (олиб чиқилгани) тўғрисидаги маълумотни юк чегарадан кесиб ўтган вақтнинг ўзида онлайн вақт режимида Агентлик ҳамда Марказга тақдим этади.

6. Республика ҳудудига импорт қилинган гиёҳвандлик воситалари реэкспорт қилинмайди.

7. Гиёҳвандлик воситаларини почта ва курьерлик жўнатмаларида жўнатиш тақиқланади, экспертлик ва тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиш ҳамда таркибида гиёҳвандлик воситаларини сақловчи дори воситаларини Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун намуна сифатида юбориш ҳолатлари бундан мустасно.

Гиёҳвандлик воситаларидан ички ишлар органлари, ДХХ ҳамда божхона органларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларини ривожлантириш маркази ҳамда Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида лицензия олмасдан фойдаланилади.

2-боб. Рухсат беришга доир талаб ва шартлар

8. Гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш, олиб чиқишга рухсат бериш учун сертификат олиш талаблари ва шартларига қуйидагилар киради:

ариза берувчида гиёҳвандлик воситалари муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги;

гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш ва олиб чиқишда қонунчилик ҳужжатларига мажбурий риоя қилиниши;

сертификатни олиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

ариза берувчи ташкилотнинг номи ёки манзили (почта ва/ёки фаолият манзили) ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ўн иш куни ичида Марказга “Лицензия” АТдаги шахсий кабинети орқали мурожаат қилиш.

3-боб. Сертификат олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар

9. Сертификат олиш учун ариза берувчи томонидан “Лицензия” АТдаги шахсий кабинети орқали қуйидаги ҳужжатлар Марказга тақдим этилади:

а) ариза берувчининг мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ аризаси;

б) гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш ёки олиб чиқиш учун шартнома нусхаси (тўлов учун ҳисоб);

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан гиёҳвандлик воситаларини олиб чиқишда – импорт қилувчи давлатнинг олиб киришга рухсат берувчи ҳужжати (сертификат, рухсатнома, олиб кириш учун лицензия ёки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар);

г) ариза берувчи сертификатни Марказ ёки почта орқали қабул қилишни танлайди.

10. Аризани кўриб чиқиш ва сертификатни расмийлаштириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади, агарда паспортларнинг 6-бандида бошқача тақсимот назарда тутилмаган тақдирда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатгани учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш тизимини ривожлантириш республика жамғармасига ва Марказнинг тегишли банк ҳисобварақларига тенг миқдорда ўтказилади.

11. Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

а) ариза берувчининг номи ва жойлашган манзили, ишлаб чиқарувчи ва юкни қабул қилувчининг, шунингдек, импорт қилувчининг номи ва жойлашган манзили (олиб чиқиш фаолияти амалга оширилганда);

б) рўйхатда кўрсатилган гиёҳвандлик воситаларининг номи, ТИФ ТН коди, гиёҳвандлик воситаларининг халқаро патентланмаган номи, агар у мавжуд бўлса ёки у биринчи қандай ном билан чиқарилган ёки чиқарилаётган бўлса;

в) гиёҳвандлик воситаларининг дори шакли (агар улар дори воситалари ҳисобланса);

г) гиёҳвандлик воситаларининг муайян партиядаги миқдори (эҳтиёж доирасида);

д) гиёҳвандлик воситалари олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган давлат номи;

е) гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш, олиб чиқиш жойи ва муддати;

ж) гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш, олиб чиқиш мақсадлари;

з) гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш, олиб чиқиш учун мўлжалланган транспорт тури ёки уларни жўнатиш усуллари.

12. Марказ сертификатни расмийлаштириш учун керакли ҳужжатларни ариза берувчидан қабул қилиб олганидан сўнг бошқа ваколатли органлардан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали электрон шаклда олади:

а) дори воситаси таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу дори воситаси учун берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг нусхаси;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган гиёҳвандлик воситалари муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси.

13. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш, сертификат бериш ёки сертификат беришни рад этиш

14. Марказ аризани қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, сертификат беради ёки сертификат беришни рад этади.

15. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади ва мазкур Низомнинг 9 ва 12-бандларида келтирилган ҳужжатлар тўпламини келишиш учун "Лицензия" АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади.

16. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни йигирма иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли хулосасини Агентликка юборади.

17. Агентлик ҳужжатларни беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади.

18. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда сертификат берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига хабарнома юборади.

Марказ сертификатни анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали ариза берувчи кўрсатган манзилга юборади.

Ариза қабул қилингандан сўнг ариза берувчи сертификат олишдан бош тортган ҳолларда, тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган гиёҳвандлик воситаларини божхона омборларига жойлаштиришга Марказ томонидан олиб кириш учун берилган сертификатларнинг мавжудлиги асос бўлади.

20. Расмийлаштирилган сертификатлар ва улардаги маълумотлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизимига Марказ масъул шахслари томонидан киритилади.

21. Сертификатнинг берилиши қуйидаги сабабларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ариза берувчи томонидан сертификат олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) ариза берувчи рухсат бериш тартиб-таомилларига мос келмаганда;

в) ўрганиш натижаларига кўра ДХХ ёки ИИВнинг асослантирилган рад этиш хулосаси ёки Агентликнинг сертификат бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қарори тақдим этилганда;

г) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда шубҳали ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда.

22. Сертификат беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этилишига йўл қўйилмайди.

Сертификат бериш рад этилган ҳолларда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

23. Ариза берувчи сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, уларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва рад этиш сабабларини бартараф этиш тўғрисидаги ариза Марказ томонидан ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

24. Сертификат бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқиш жараёнида хабарномада олдин кўрсатилмаган сабабларни важ қилган ҳолда сертификат беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ариза қайта кўриб чиқилгани учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади ҳамда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

25. Ариза берувчи Марказнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда сертификат беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Сертификат дубликатини бериш

26. Сертификат йўқолганда ёки яроқсиз ҳолатга келганда, ариза берувчи “Лицензия” АТ орқали Марказга дубликат олиш учун ариза беради.

Марказ аризани беш иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиб, “Дубликат” белгиси қўйилган янги сертификатни анъанавий тарзда ёки почта хизмати орқали ариза берувчига тақдим этади.

Сертификатнинг дубликати берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади ва ундирилган йиғим ушбу низомнинг 10-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

27. Сертификат яроқсиз ҳолатга келган ҳолда унинг асл нусхаси ҳам Марказга тақдим этилиши керак.

6-боб. Берилган сертификатлар реестри

28. Сертификатлар реестри “Лицензия” АТда электрон шаклда ҳар бир сертификат бўйича алоҳида юритилади ва ундаги маълумот барча учун очиқ ҳисобланади.

29. Сертификатлар реестри автоматик равишда шакллантирилади, унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш Марказ томонидан амалга оширилади.

Марказ сертификатлар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиши лозим.

30. Марказ қуйидаги маълумотларни сертификатлар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавобгар:

сертификат берилган сана ва сертификат рақами;

ариза берувчининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили ва телефон рақами;

сертификатда олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган гиёҳвандлик воситасининг номи ва миқдори;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

сертификатни тўхтатиб туриш асоси ва санаси;

сертификатнинг амал қилиш муддатини тугатиш асоси ва санаси;

сертификатни бекор қилиш асоси ва санаси;

сертификат дубликатини бериш асоси ва санаси.

31. Сертификат эгаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси ваколатли органлар фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда рухсат бериш жараёнида киритиладиган барча маълумотлар ҳамда илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари сақланади.

Ушбу маълумотлар базасида сертификатлар реестрига киритилмаган ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда, Марказ томонидан мазкур ахборотлар ва илова қилинган ҳужжатларнинг бошқа шахсларга ошкор қилиниши тақиқланади.

7-боб. Гиёҳвандлик воситаларини инсонпарварлик ёрдами юклари тариқасида олиб кириш, олиб чиқишга рухсатнома бериш

32. Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси асосида Марказ томонидан гиёҳвандлик воситаларининг инсонпарварлик ёрдами юклари тариқасида олиб кириш, олиб чиқишга рухсатнома берилади.

33. Яроқлилик муддати ўн икки ойдан кам бўлган инсонпарварлик ёрдами юкини олиб кириш, олиб чиқиш тақиқланади. Онкологик беморлар фойдаланиши учун мўлжалланган инсонпарвалик ёрдами юкларининг яроқлилик муддати ўн икки ойдан олти ойгача қолган бўлса, истисно тариқасида, уларнинг олиб кирилишига рухсат берилади.

34. Инсонпарварлик ёрдами юкини қабул қилувчи (ариза берувчи) рухсатнома олиш учун “Лицензия” АТ орқали Марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ариза берувчининг қуйидаги маълумотларни акс эттирган мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ аризаси:

инсонпарварлик ёрдами юкининг Ўзбекистон Республикасига олиб кираётган донорнинг номи, юридик манзили;

инсонпарварлик ёрдами юкини қабул қилувчининг номи, юридик манзили;

инсонпарварлик ёрдами юкининг халқаро патентланмаган номи агар мавжуд бўлса ёхуд гиёҳвандлик воситасининг ишлаб чиқарилган номи, дори шакли ва унинг миқдори кўрсатилган ҳолда;

олиб кириш мақсади;

ташиладиган транспорт тури;

б) ариза берувчига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган гиёҳвандлик воситалари муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

в) юкни инсонпарварлик ёрдамига мансублиги тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси хулосаси нусхаси;

г) инсонпарварлик ёрдами юкининг кузатув ҳужжатлари нусхалари (инвойс, юк хати).

35. Инсонпарварлик ёрдами юкларини олиб кириш, олиб чиқиш учун рухсатномаларни расмийлаштиришда ариза берувчидан йиғим ундирилмайди.

36. Инсонпарварлик ёрдами юкини олиб кириш/олиб чиқишга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг Марказ томонидан беш иш куни ичида кўриб чиқилади ва ариза берувчига рухсатнома берилиши тўғрисида “Лицензия” АТ орқали хабарнома юборилади.

Марказ ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ расмийлаштирилган рухсатномани анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали ариза берувчи кўрсатган манзилга юборади.

37. Марказ томонидан инсонпарварлик ёрдами юкларини олиб кириш/олиб чиқиш учун рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ишнинг расман якунланиши ҳисобланади.

38. Рухсатноманинг берилиши қуйидаги сабабларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ариза берувчи томонидан рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда шубҳали ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда.

8-боб. Якунловчи қоидалар

39. Сертификатнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқишга сертификат бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) олиб кириш, олиб чиқишга сертификат олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни тайёрлайди ва “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Марказ) “Лицензия” АТ орқали юборади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Марказ	1. Марказ сертификатни расмийлаштириш учун керакли ҳужжатларни ариза берувчидан қабул қилиб олганидан сўнг бошқа ваколатли органлардан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги орқали электрон шаклда олади: а) дори воситаси таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу дори воситаси учун берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг нусхаси; б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган гиёҳвандлик воситалари муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси. 2. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади ва келишиш учун “Лицензия” АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади. 3. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли хулосасини Агентликка юборади. 4. Агентлик ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади. 5. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига сертификат берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига “Лицензия” АТ орқали хабарнома юборади. 6. Марказ сертификатни анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали ариза берувчи кўрсатган манзилга юборади.	1-2. Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган кунда 3. Ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг йигирма иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда 4. Ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда. 5–6. Тегишли қарор олингандан сўнг беш иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда
3-босқич (зарур бўлганда)	Марказ	Ариза берувчи сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолларда, сертификат бериш учун ҳужжатларни қайта кўриб чиқади ёки сертификат беришни рад этади.	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг ўн иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИБ КИРИШ УЧУН _____-СОН СЕРТИФИКАТ

(бошқа юридик шахсга бермаслик шарти билан, нусхалари ҳақиқий эмас)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенциясида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг ҳосилалари ҳақидаги тегишли қонунларни қўллаш учун масъул бўлган “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси:

_____
(импорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)
_____
_____га
Ўзбекистон Республикасига _____
(экспорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)
_____дан

қуйидаги гиёҳвандлик воситаларини (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори):
_____
_____
_____
олиб келишга рухсат этади.

Сертификатда кўрсатилган гиёҳвандлик воситалари:
_____
_____
_____
_____мақсадлари учун фойдаланилади.

Мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати 20____й. “_____” _____

Марказ директори
20____й. “_____” _____

(орқа томони)

**STATE INSTITUTION "CENTER FOR PHARMACEUTICAL PRODUCTS SAFETY"
OF THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

CERTIFICATE № _____
on the import of narcotics

(provided that it is not given to another legal entity, the copy is not authentic)

This is to certify that State institution "Centre for pharmaceutical products safety" entrusted with the application of laws on narcotics and their derivatives envisaged by 1961 UN Single Convention on Narcotics permits:

_____

(name and address importer)

_____

_____

_____

to import in Republic of Uzbekistan from

_____

(name and address exporter)

_____

_____

_____

undermentioned narcotics (international nonproprietary name, pharmaceutical name, dosage, number):

_____

_____

_____

_____

Above-stated narcotics are to be used in:

_____

_____

_____

_____

The certificate is valid up to _____ "____", 20__

Director of the center

_____ "____", 20__.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ОЛИБ КИРИШ УЧУН _____-СОН СЕРТИФИКАТ

(бошқа юридик шахсга бермаслик шарти билан, нусхалари ҳақиқий эмас)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенциясида назарда тутилган психотроп моддалар ва уларнинг ҳосилалари тўғрисидаги тегишли қонунларни қўллаш учун масъул бўлган “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси:

_____

(импорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)

_____

_____

_____

_____га

Ўзбекистон Республикасига _____

(*импорт қилувчи* ташкилот номи ва унинг манзили)

_____дан

психотроп моддалар сақлаган қуйидаги дори воситаларини (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори):

_____

_____

олиб келишга рухсат этади.

Сертификатда кўрсатилган психотроп моддалар:

_____

_____

_____

_____мақсадлари учун фойдаланилади.

Мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати 20____й. “_____” _____

Марказ директори

20____й. “_____” _____

(орқа томони)

**STATE INSTITUTION "CENTER FOR PHARMACEUTICAL PRODUCTS SAFETY"
OF THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

CERTIFICATE № _____
on the import of psychotropic agents

(provided that it is not given to another legal entity, the copy is not authentic)

This is to certify that State institution "Centre for pharmaceutical products safety" entrusted with the application of laws on psychotropic agents and their derivatives envisaged by 1971 UN Convention on psychotropic agents permits:

_____

(name and address of importer)

_____

_____

to import in Republic of Uzbekistan from

_____

(name and address of exporter)

_____

_____

_____

under mentioned psychotropic agents (international nonproprietary name, pharmaceutical form, dosage, number):

_____

_____

_____

Above-stated psychotropic agents will be used in:

_____

_____

_____

The certificate is valid up to _____ "____", 20___

Director of the center

_____ "____", 20___

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН _____-СОН СЕРТИФИКАТ

(бошқа юридик шахсга бермаслик шарти билан, нусхалари ҳақиқий эмас)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенциясида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг ҳосилалари тўғрисидаги тегишли қонунларни қўллаш учун масъул бўлган “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси:

_____
(экспорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)
_____
_____
_____дан
Ўзбекистон Республикасидан _____
(импорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)
_____га
қуйидаги гиёҳвандлик воситаларини (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори):
_____
_____
импорт қилувчи мамлакатнинг импорт рухсатномаси асосида (берилган санаси)
_____
олиб чиқилишига рухсат этади.
Сертификатда кўрсатилган гиёҳвандлик воситалари: _____
_____ мақсадлари учун фойдаланилади.

Мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати 20____й. “_____” _____

Марказ директори
20____й. “_____” _____

(орқа томони)

**STATE INSTITUTION "CENTER FOR PHARMACEUTICAL PRODUCTS SAFETY"
OF THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

CERTIFICATE № _____
on the export of narcotics

(provided that it is not given to another legal entity, the copy is not authentic)

This is to certify that State institution "Centre for pharmaceutical products safety" entrusted with the application of laws on narcotics and their derivatives envisaged by 1961 UN Single Convention on narcotics permits:

_____

(name and address exporter)

_____

_____

_____

to export from the Republic of Uzbekistan in

_____

(name and address of importer)

_____

_____

under mentioned narcotics (international nonproprietary name, pharmaceutical name, dosage, number):

_____

authorization to import of the importer country (date of issue)

_____

_____

Above-stated narcotics will be used in:

_____

_____

_____

_____

The certificate is valid up to _____ "____", 20___

Director of the center

_____ "____", 20___

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН _____-СОН СЕРТИФИКАТ

(бошқа юридик шахсга бермаслик шарти билан, нусхалари ҳақиқий эмас)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенциясида назарда тутилган психотроп моддалар ва уларнинг ҳосилалари ҳақидаги тегишли қонунларни қўллаш учун масъул бўлган “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси:

_____
(экспорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)

_____

_____дан
Ўзбекистон Республикасидан _____
(импорт қилувчи ташкилот номи ва унинг манзили)

психотроп моддалар сақлаган қуйидаги дори воситаларини (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори):

_____
импорт қилувчи мамлакатнинг импорт рухсатномаси асосида (берилган санаси)

_____
олиб чиқилишига рухсат этади.
Сертификатда кўрсатилган психотроп моддалар:_____
_____
_____
_____мақсадлари учун фойдаланилади.

Мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати 20____й. “_____” _____

Марказ директори
20____й. “_____” _____

(орқа томони)

**STATE INSTITUTION "CENTER FOR PHARMACEUTICAL PRODUCTS SAFETY"
OF THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

CERTIFICATE № _____
on the export of psychotropic agents

(provided that it is not given to another legal entity, the copy is not authentic)

This is to certify that State institution "Centre for pharmaceutical products safety" entrusted with the application of laws on psychotropic agents and their derivatives envisaged by 1971 UN Convention on psychotropic agents permits:

_____

(name and address of exporter)

_____

_____

_____

to export from Republic of Uzbekistan in

_____

(name and address of importer)

under mentioned medicines containing psychotropic agents (international nonproprietary name, pharmaceutical name, dosage, number):

_____

_____

authorization to import of the importer country (date of issue)

_____

_____

Above-stated psychotropic agents will be used in:

_____

_____

The certificate is valid up to _____ "___", 20___

Director of the center

_____ "___", 20__

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари
хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига

Ушбу билан
_____
_____
(ариза берувчи номи, СТИР, мамлакат номи, юридик манзили, тел./факс кўрсатилган ҳолда)
Сиздан олиб келинаётган (олиб чиқилаётган)
_____
(гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг
_____ни
халқаро патентланмаган номини кўрсатган ҳолда дори шакли, дозаси, миқдори)
_____
(контракт (шартнома) рақами ва санаси, ишлаб чиқарувчи номи,
_____
юк жўнатувчи, юк етказиб берувчи номи, мамлакати, юридик манзили, тел./факс)

асосида олиб кириш (олиб чиқиш) сертификатини беришингизни сўраймиз.
Олиб келинаётган (олиб чиқилаётган) _____ учун
ишлатилади.
(гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг фойдаланиш мақсади)
Юк_____
(йўналиш, транспорт тури, экспорт қилувчи мамлакатдан импорт қилувчи мамлакатга
_____
чиқиш-кириш нуқталарини кўрсатган маршрути билан)
_____
(мўлжалланган олиб кириш, олиб чиқиш муддати)
_____олиб
келинади.
(етказиб бериш тартиби (бир партияда))

Шу билан бирга, импорт қилинадиган маҳсулотларни реэкспорт қилмаслик мажбуриятини оламиз.

Масъул шахс Ф.И.О. ва имзоси
М.Ў.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига

Ушбу билан

_____

_____

(ариза берувчи номи, СТИР, мамлакат номи, юридик манзили, тел./факс кўрсатилган ҳолда)

Сиздан

_____

(гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг

_____

халқаро патентланмаган номини кўрсатган ҳолда дори шакли, дозаси, миқдори)

_____

(ишлаб чиқарувчи номи, юк жўнатувчи, юк етказиб берувчи номи, мамлакати, юридик манзили, тел./факс)

_____ инсонпарварлик ёрдами юкини

олиб кириш (олиб чиқиш) рухсатномасини беришингизни сўраймиз.

Олиб келинаётган (олиб чиқилаётган) инсонпарварлик ёрдами юкидан _____

_____ учун фойдаланилади.

(фойдаланиш мақсади)

Юк _____ олиб келинади

(транспорт тури)

Масъул шахс Ф.И.О. ва имзоси
М.Ў.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЮКЛАРИНИ ОЛИБ КИРИШ/ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН
_____-СОН РУХСАТНОМА

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси рухсат этади:

_____
(импорт қилувчи ташкилот номи ва манзили)

_____га

Ўзбекистон Республикасига _____
(экспорт қилувчи ташкилот номи ва манзили)

_____

ташкилотидан қуйидаги дори воситалари олиб келинади:

_____
(халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори)

_____

Ушбу дори воситаларидан _____

_____ мақсадларида фойдаланилади.

**гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан лабораториянинг ижобий хулосаси олингандан сўнг фойдаланилишига рухсат этилади.*

Марказ директори

20 й. “___” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
2-илова

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган давлат назорати чора-тадбирларига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни (кейинги ўринларда – рухсатнома) бериш тартибини белгилайди.

2. Гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш учун рухсатномани (кейинги ўринларда – транзит рухсатномаси) расмийлаштириш учун “Лицензия” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Лицензия” АТ) орқали ариза берилади, ариза Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда – ДХХ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ИИВ) билан келишилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) тегишли қарорига асосан мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан берилади.

3. Юридик шахслар (кейинги ўринларда – ариза берувчи) томонидан гиёҳвандлик воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги қатъий ҳисобда турувчи, пушти рангли махсус бланкда расмийлаштирилган ҳолда бир нусхада бериладиган транзитга рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

4. Транзит рухсатномасидан фақат бир марта фойдаланилади ва унинг амал қилиш муддати бир йилни ташкил этади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси гиёҳвандлик воситаларининг транзит тарзида ўтказилгани тўғрисидаги маълумотни юк чегарадан кесиб ўтган вақтнинг ўзида онлайн вақт режимида Агентлик ҳамда Марказга тақдим этади.

6. Гиёҳвандлик воситаларини транзити импорт қилувчи мамлакатнинг махсус ваколатли органи томонидан гиёҳвандлик воситалари муомаласи билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун берилган тегишли ҳужжатга (рухсатнома, сертификат, лицензия ва бошқалар) эга бўлган ариза берувчи томонидан амалга оширилади.

7. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишда уларнинг ўз хусусиятини ўзгартирадиган ҳар қандай жараён содир бўлмаслиги, қадоқланиши эса ваколатли органларнинг рухсатисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

8. Гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш бўйича рухсатнома олишда ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган рухсат этувчи талаб ва шартларга риоя қилиши шарт.

2-боб. Транзит рухсатномасини олиш учун зарур ҳужжатлар

9. Транзит рухсатномани олиш учун ариза берувчи томонидан қуйидаги ҳужжатлар Марказга тақдим этилади:

а) мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ транзит рухсатномасини олиш учун ариза;

б) ариза берувчининг лицензия ёки гиёҳвандлик воситалари муомаласи билан шуғулланиш ҳуқуқи учун бошқа рухсатномалари нусхаси;

в) гиёҳвандлик воситаларини етказиб бериш бўйича шартнома нусхаси;

г) экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг махсус ваколатли органлари томонидан берилган гиёҳвандлик воситаларининг экспортига (импортига) рухсат берувчи ҳужжати (сертификат, рухсатнома, олиб кириш, олиб чиқиш учун лицензия). Агар транзит тарзида жўнатилаётган гиёҳвандлик воситаси импорт қилувчи/экспорт қилувчи мамлакатда назоратга олинмаган бўлса, импорт қилувчи/экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан расмий хат тақдим этилади;

д) божхона юк декларациясининг нусхаси.

10. Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

а) ариза берувчи – импорт қилувчи ташкилот, юк жўнатувчи ташкилот ва мамлакат номи, юридик манзили;

б) гиёҳвандлик воситасининг ТИФ ТН коди, халқаро патентланмаган номини кўрсатган ҳолда дори шакли, дозаси, миқдори;

в) контракт (шартнома) рақами ва санаси, экспорт қилувчи ва юкни қабул қилувчи ташкилот ва мамлакат номи ҳамда юридик манзили;

г) экспорт қилувчи давлатдан олиб чиқиш ва импорт қилувчи давлатга олиб кириш пунктларини кўрсатувчи йўналиш, транспорт тури;

д) етказиб бериш тартиби кўрсатилган ҳолда мўлжалланган транзит муддати.

11. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Транзит рухсатномасини олиш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

12. Ариза берувчи томонидан транзит рухсатномасини олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Марказга “Лицензия” АТдаги шахсий кабинет орқали тақдим этилади.

13. Марказ аризани йигирма иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, натижаси бўйича транзит рухсатномасини беради ёки беришни рад этади.

14. Аризани кўриб чиқиш ва рухсатнома расмийлаштириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади, агарда паспортларнинг 6-бандида бошқача тақсимот назарда тутилмаган тақдирда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи – Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш тизимини ривожлантириш республика жамғармасига ва Марказнинг тегишли банк ҳисобварақларига тенг миқдорда ўтказилади.

15. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади ва келишиш учун “Лицензия” АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади.

16. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни ўнг иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли хулосасини Агентликка юборади.

17. Агентлик ҳужжатларни беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади.

18. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда рухсатнома берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига “Лицензия” АТ орқали хабарнома юборади.

Марказ рухсатномани анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали ариза берувчи кўрсатган манзилга юборади.

Ариза қабул қилингандан сўнг ариза берувчи рухсатнома олишдан бош тортган ҳолларда, тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

19. Расмийлаштирилган рухсатномалар ва улардаги маълумотлар “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига Марказ масъул шахслари томонидан киритилади.

20. Транзит рухсатномасини бериш қуйидаги сабабларга кўра рад этилиши мумкин:

а) ариза берувчи томонидан транзит рухсатномасини бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) ариза берувчи транзит рухсатномасини бериш талаблари ва шартларига мос келмаганда;

в) ўрганиш натижаларига кўра ДХХ ёки ИИВнинг асослантирилган рад этиш хулосаси ёки Агентликнинг рухсатнома бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қарори тақдим этилганда;

г) ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда аниқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда.

Транзит рухсатномасини беришнинг бошқа асосларига кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этилишига йўл қўйилмайди.

21. Транзит рухсатномасини бериш рад этилган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

22. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун Марказ ариза берувчига малакали ходимларни излашда, ҳужжатлар ҳамда дастурларни пухта ишлаб чиқиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек, бошқа муаммоли вазиятларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиши ва тавсиялар бериши шарт, ариза берувчи таклиф этилган ёрдамни рад этган ҳоллар бундан мустасно.

23. Ариза берувчи томонидан транзит рухсатномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган ҳолларда Марказ томонидан ариза берувчининг аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

24. Транзит рухсатномасини бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда, хабарномада аввал кўрсатилмаган сабабларга кўра транзит рухсатномасини беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ариза қайта кўриб чиқилгани учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади ҳамда ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган тартибда тақсимланади.

25. Ариза берувчи транзит рухсатномасини бериш рад этилгани, шунингдек, Марказ мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

4-боб. Транзит рухсатномасининг дубликатини бериш

26. Транзит рухсатномаси йўқолганда ёки яроқсиз ҳолатга келганда, ариза берувчи “Лицензия” АТ орқали Марказга дубликат олиш учун ариза беради.

Марказ аризани уч иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиб, “Дубликат” белгиси қўйилган янги транзит рухсатномаси анъанавий тарзда ёки почта хизмати орқали аризачига тақдим этади.

Транзит рухсатномасининг дубликати берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн фоизи миқдорида йиғим ундирилади ва ундирилган йиғим ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

27. Транзит рухсатномаси яроқсиз ҳолатга келган ҳолда унинг асл нусхаси ҳам тақдим этилиши керак.

5-боб. Берилган транзит рухсатномалари реестри

28. Рухсатномалар реестри “Лицензия” АТда электрон шаклда ҳар бир рухсатнома бўйича алоҳида юритилади ва ундаги маълумот барча учун очиқ ҳисобланади.

29. Рухсатномалар реестри автоматик равишда шакллантирилади, унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш Марказ томонидан амалга оширилади.

Марказ рухсатномалар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиши лозим.

30. Марказ қуйидаги маълумотларни рухсатномалар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавобгар:

транзит рухсатномаси берилган сана ва тартиб рақами;

ариза берувчининг номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли, юридик манзили, телефон рақами;

рухсатномада транзит тарзида ўтказилаётган гиёҳвандлик воситасининг номи ва миқдори;

транзит рухсатномасининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг амал қилиш муддатини тугатиш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг бекор қилиш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг дубликатини бериш асоси ва санаси;

транзит рухсатномасининг амал қилиш муддати.

31. Рухсатнома эгаси тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси ваколатли органлар фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда рухсат бериш жараёнида киритиладиган барча маълумотлар ҳамда илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари сақланади.

Ушбу маълумотлар базасида рухсатномалар реестрига киритилмаган ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда, Марказ томонидан мазкур ахборотлар ва илова қилинган ҳужжатларни бошқа шахсларга ошкор қилиниши тақиқланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

32. Транзит рухсатномасининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳолларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсат бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни тайёрлайди ва “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Марказ) “Лицензия” АТ орқали юборади.	Ариза берувчининг ҳоҳишига кўра
2-босқич	Марказ	1. Марказ ҳужжатлар тўпламини ўрганади, келишиш учун “Лицензия” АТ орқали ДХХ ҳамда ИИВга юборади. 2. ДХХ ва ИИВ ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли хулосасини Агентликка юборади. 3. Агентлик ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли қарорни Марказга тақдим этади. 4. Агентлик қарори асосида Марказ ариза берувчига рухсатнома берилиши тўғрисида ёки ДХХ ва ИИВнинг (рад этилган ҳолатда) тегишли хулосалари асосида рад этиш асослари ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига “Лицензия” АТ орқали хабарнома юборади. 5. Марказ рухсатномани анъанавий тарзда ариза берувчининг ўзига ёки почта хизмати орқали ариза берувчи кўрсатган манзилга юборади.	1. Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинган кунда 2. Ҳужжат қабул қилингандан сўнг ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда 3. Ҳужжат қабул қилингандан сўнг беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда 4–5. Тегишли қарор олингандан сўнг беш иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда
3-босқич (зарур бўлганда)	Марказ	Ариза берувчи транзит рухсатномасини беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолларда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқади, транзит рухсатномасини беради ёки беришни рад этади.	Ариза ва ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг беш иш кундан ортиқ бўлмаган муддатда

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит
тарзида ўтказишга рухсатнома олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
“ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга -СОН РУХСАТНОМА

“Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси берилган аризани кўриб чиқиб,

_____ га

(ташкилот номи ва унинг манзили)

_____

қуйидаги миқдордаги

_____

(гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар номи)

_____

(оғирлиги, ҳажми, дори шакли, дозаси, қутилар сони)

_____транзит қилинишига рухсат этади.

Юкнинг йўналиши, маршрути, транспорт тури:

_____

Мазкур рухсатноманинг амал қилиш муддати 20____й. “_____” _____

Марказ директори

Берилган сана 20____й. “_____” _____

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит
тарзида ўтказишга рухсатнома олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
“Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги
маркази” давлат муассасасига

Ушбу билан _____
_____га
(импортёр қилувчи ташкилот, юк жўнатувчи ва мамлакат номи, юридик манзили)
Сиздан _____
(гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг
_____учун
халқаро патентланмаган номини кўрсатган ҳолда дори шакли, дозаси, миқдори)

_____
(контракт (шартнома) рақами ва санаси, юк жўнатувчи,
_____
юк етказиб берувчи номи, мамлакати, юридик манзили)
асосида транзит рухсатномасини олишга рухсат беришингизни сўраймиз.

_____ учун фойдаланилади.
(фойдаланиш мақсади)
_____
(йўналиш, транспорт тури, экспорт қилувчи мамлакатдан импорт қилувчи мамлакатга
_____
чиқиш-кириш нуқталарини кўрсатган маршрути билан)
_____
(мўлжалланган олиб кириш, олиб чиқиш муддати)
_____
(етказиб бериш тартиби (бир партияда))

Масъул шахс Ф.И.О. ва имзоси
М.Ў.

Изох. *Ариза расмий бланкда расмийлаштирилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисоблаб чиқиладиган аҳолининг ҳар 1 000 кишисига гиёҳвандлик воситаларига бўлган чекланган бир йиллик умумий эҳтиёж;

мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ ҳисоблаб чиқиладиган даволаш-профилактика муассасалари бўйича гиёҳвандлик воситаларига бўлган эҳтиёж;

мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ ҳисоблаб чиқиладиган илмий-тадқиқот ишлари бўйича гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж.

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмасига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласи билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи тегишли лицензияга эга юридик шахслар (кейинги ўринларда – лицензиат) томонидан тиббиётда фойдаланиш учун мўлжалланган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш меъёрлари сўнгги уч йиллик статистика маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, ўртача миқдорларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда аниқланган эҳтиёж юридик шахс раҳбарининг қарори билан йиллик истеъмолнинг ўртача миқдоридан 10 – 20 фоизгача оширилиши мумкин.

3. Республиканинг барча даволаш-профилактика муассасалари ҳар йили тиббиёт мақсадларида фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга кейинги йилга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқадилар ҳамда ўз буюртманомаларини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган йиғма эҳтиёжни шакллантириш учун ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Марказ) тақдим этадилар.

4. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжда қуйидагилар кўрсатилади:

а) юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар (номи, СТИР рақами);

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун юридик шахс лицензиясининг рақами ва амал қилиш муддати;

в) дори воситалари сифатида рўйхатга олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг номлари, уларнинг чиқарилиши шакли ва миқдори (ампулаларда, флаконларда, таблеткаларда, капсулаларда ва бошқалар);

г) ушбу Низомга иловаларга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжнинг асосланган ҳисоб-китоблари.

Келгуси йил учун берилаётган эҳтиёж юридик шахс раҳбари томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади (ЭРИ билан имзоланган ҳоллар бундан мустасно) ва ҳудудий соғлиқни сақлаш органларига ҳар йили 1 июндан кечиктирмай тақдим этилади. Юридик шахснинг раҳбари тақдим этилган эҳтиёжларнинг асослилиги ва ишончлилиги учун масъул ҳисобланади.

5. Лицензиатларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ёки қўшимча эҳтиёжи даволаш стандартларини ҳисобга олиб, тиббий ёрдам турига ва тиббий ташкилот бўлимларининг йўналишига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Раҳбар томонидан тасдиқланган эҳтиёж ёки қўшимча эҳтиёж миқдорлари асосланган жадвал кўринишидаги маълумотлар (қандай муолажа ёки амалиётда ишлатилиши, йил давомида ўтказилиши режалаштирилаётган муолажа ёки амалиётлар сони, давомийлиги ва битта муолажа ёки амалиётга ишлатиладиган миқдори) билан бирга тақдим этилади.

6. Марказга ҳар йили 1 июндан кечиктирмаган муддатда қуйидаги маълумотлар ҳам киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа вазирлик ва идораларнинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжи;

илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим ташкилотлари ва бошқа ўқув муассасалари, назорат-таҳлил лабораториялари, даволаш-профилактика муассасалари лабораторияларининг илмий мақсадлар учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжи;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган психотроп моддалар рўйхати ва эҳтиёжи.

7. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжлар Марказ томонидан умумлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари билан келишилган ҳолда вазирлик томонидан тасдиқланади.

8. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар қуйидаги маълумотларни Марказга тақдим этадилар (таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган дори воситаларини тайёрлаш билан шуғулланадиган дорихоналар бундан мустасно):

а) юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар (номи, СТИР);

б) лицензиянинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

в) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг номлари, уларнинг чиқарилиш шакли ва миқдори (дори воситалари сифатида рўйхатга олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг доза шакли кўрсатилган ҳолда).

9. Ўзбекистон Республикасининг аниқланган эҳтиёжлари Марказ томонидан БМТнинг 1961 йилги Гиёҳвандлик моддалари тўғрисидаги ягона конвенцияси ва 1971 йилги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенцияси талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги билан келишилган ҳолда, БМТнинг Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитасига тасдиқлаш ва квота ажратиш учун юборилади.

БМТнинг Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган квота тасдиқлангандан кейин гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласи билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган етказиб берувчилар билан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

Тиббий ва илмий мақсадлар учун гиёҳвандлик воситалари сарфининг чекланган рухсат берилган нормалари*

(аҳолининг ҳар 1 000 кишисига бир йилда граммларда)

1.	Морфин	0,5
2.	Тримеперидин	5,0
3.	Кодеин + Морфин + Носкапин + Папаверин + Тебаин	0,1
4.	Бупренорфин, Бупренорфин + Налоксон	0,13
5.	Кодеин	70,3
6.	Фентанил	0,04

Изоҳ.

**Мазкур нормаларга янги турдаги гиёҳвандлик воситалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассисларининг тавсиясига биноан қонунчиликда белгиланган тартибда киритилади.*

Барча дори турларининг соф таъсир қилувчи моддасига қайта ҳисоблаш йўли билан меъёрлари белгиланган, шу билан боғлиқ ҳолда норматив бўйича ҳисоблаб чиқилган эҳтиёж билан буюртманомаларни таққослашда мазкур моддалар сақловчи барча дори турлари соф моддага нисбатан қайта ҳисобланиши керак.

Вилоятнинг гиёҳвандлик воситаларига ҳисоблаб чиқилган эҳтиёжи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

***П = Н * Ч / 100,** бунда:*

П – ушбу дори воситасининг бир йилга мўлжалланган максимал рухсат этилган миқдори;

Н – ушбу дори воситасининг бир йилга 1 000 кишига мўлжалланган истеъмол нормативи;

Ч – минтақанинг аҳоли сони.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Даволаш-профилактика муассасалари учун гиёҳвандлик воситаларига бўлган эҳтиёж меъёрлари

Т/р	Бўлим номи	Гиёҳвандлик воситалари номи														
		Морфин гидрохлорид 1%-1,0	Омнопон 1%-1,0	Омнопон 2%-1,0	Промедол 1%-1,0	Промедол 2%-1,0	Қуруқ морфинсимон препаратлар йиғиндиси	Фентанил 0,005 %-2,0	Промедол кукуни	Промедол таблеткаси	Этилморфин гидрохлорид (соф модда)	Кодеин, унинг тузлари	Таркибида йўталга қарши кодеин бор бўлган таблеткалар	Бупренорфин 0,3 мг	Бупренорфин 0,6 мг	Фортрал (Пентазоцин)
Ўлчов бирлиги		*Амп.*	*Амп.*	*Амп.*	*Амп.*	*Амп.*	*Амп.*	*Амп.*	*Гр.*	*Қад.*	*Гр.*	*Гр.*	*Қад.*	*Амп.*	*Амп.*	*Амп.*
1.	Терапевтик	3,0	0,5	2,0	0,5	5,0	11,0	0,4	0,25	1,5	0,5	0,2	5,0	—	—	0,5
2.	Гастроэнтерологик	3,0	—	0,5	0,5	5,5	9,5	1,0	—	0,5	-	—	2,0	—	—	0,5
3.	Кардиологик	1,0	0,5	1,5	0,5	5,5	9,0	1,5	—	1,0	2,0	—	1,0	—	—	0,5
4.	Пульмонологик	1,0	1,0	2,0	1,0	6,0	11,0	0,5	—	—	0,06	0,2	4,0	—	—	1,0
5.	Аллергологик	—	—	—	—	1,0	1,0	—	—	—	-	—	1,0	—	—	—
6.	Эндокринологик	—	—	0,6	—	1,0	1,6	3,0	—	—	0,01	—	0,1	—	—	—
7.	Нефрологик	6,0	2,0	7,0	0,5	55,0	75,0	6,0	—	—	-	—	1,5	—	—	—
8.	Ревматологик	2,5	2,0	12,0	4,0	36,0	56,5	5,0	—	0,5	0,3	—	1,5	—	—	4,0
9.	Профпатологик	1,0	1,0	2,0	0,5	6,0	10,5	—	—	—	0,06	0,2	3,0	—	—	0,05
10.	Жарроҳлик	6,0	1,5	8,5	7,0	58,0	81,0	6,0	0,4	10,0	0,4	0,3	6,0	3,0	3,0	7,0
11.	Травматологик	8,0	1,0	4,0	10,0	100,0	—	10,0	—	—	0,5	—	2,0	—	—	2,0
12.	Ортопедик	—	—	0,2	1,0	4,0	5,2	—	—	—	-	—	—	—	—	1,0
13.	Урологик	5,0	0,5	5,0	4,0	31,0	45,5	7,0	0,3	—	0,07	0,2	3,0	—	—	4,0
14.	Торакал жарроҳлик	2,0	—	5,0	20,0	150,0	177,5	5,0	—	—	-	—	5,0	—	—	20,0
15.	Куйганлик (Комбустиологик)	11,0	2,0	10,0	10,0	100,0	—	15,0	—	—	0,3	—	2,0	—	—	3,0
16.	Реанимацион	9,0	1,0	10,0	20,0	145,0	185,0	100,0	—	—	-	—	—	—	—	20,0
17.	Инфекцион	2,0	3,0	2,0	31,0	5,0	43,0	0,2	—	1,0	0,3	—	7,5	—	—	31,0
18.	Ҳомиладор ва туққан аёллар учун	4,0	0,5	1,0	6,0	4,0	15,5	1,0	—	1,0	0,25	—	1,0	—	—	6,0
19.	Ҳомиладорлик патологиялари	—	—	—	—	0,5	0,5	—	—	—	-	—	0,1	—	—	—
20.	Гинекологик	3,0	2,5	9,0	2,5	14,0	31,0	4,0	—	7,0	0,05	—	1,5	—	—	2,5
21.	Неврологик	0,5	—	0,5	2,0	1,0	4,0	0,6	0,3	—	-	0,6	1,5	—	—	2,0

Т/р	Бўлим номи	Гиёҳвандлик воситалари номи														
		Морфин гидрохлорид 1%-1,0	Омнопон 1%-1,0	Омнопон 2%-1,0	Промедол 1%-1,0	Промедол 2%-1,0	Қуруқ морфинсимон препаратлар йиғиндиси	Фентанил 0,005 %-2,0	Промедол кукуни	Промедол таблеткаси	Этилморфин гидрохлорид (соф модда)	Кодеин, унинг тузлари	Таркибида йўталга қарши кодеин бор бўлган таблеткалар	Бупренорфин 0,3 мг	Бупренорфин 0,6 мг	Фортрал (Пентазоцин)
22.	Психиатрик	—	—	—	—	—	—	—	—	—	-	—	—	—	—	—
23.	Офталмологик	0,3	0,5	0,5	0,5	4,0	5,8	1,0	0,3	—	0,7	—	1,5	—	—	0,5
24.	Отоларингологик	2,0	—	6,0	0,5	3,5	12,0	0,6	0,3	—	1,3	—	2,5	—	—	0,5
25.	Дермовенерологик	—	—	—	—	0,1	0,1	—	—	—	0,1	—	4,0	—	—	—
26.	Сил	2,0	—	1,5	1,0	2,0	6,5	—	0,1	1,2	0,35	—	4,0	—	—	1,0
27.	Педиатрия	0,2	0,1	—	0,3	—	0,6	—	—	1,2	0,05	1,0	1,0	—	—	0,3
28.	Онкологик	1,1	—	1,1	—	15,75	—	35,86	—	—	0,4	—	—	—	—	—
29.	Наркологик	—	—	—	—	—	—	—	—	—	-	—	—	—	—	—
30.	Гематологик	1,3	1,1	6,1	2,0	18,0	-	2,50	—	0,3	0,3	0,2	-	—	—	—
31.	Радиорентгенологик	0,5	2,5	12,0	3,0	7,0	25,0	1,0	—	0,1	-	—	—	—	—	3,0
32.	Қабул бўлими	—	—	0,1	—	0,25	0,35	—	—	—	-	—	0,45	—	—	—
33.	Қишлоқ ҳудудий касалхонаси, шу жумладан, амбулаторияларда	10,0	1,0	6,0	2,0	7,0	26,0	20,0	0,2	0,2	0,2	0,5	6,0	—	—	2,0
	Йилига 1 000 та қабул учун															
34.	Поликлиникаларда ва амбулаторияларда	2,0	0,7	0,3	1,0	2,0	6,0	—	—	0,5	0,2	—	2,0	—	—	1,0
35.	Стоматологик поликлиникаларда	—	0,2	0,3	0,3/0,3	-/0,5	0,35/	-/1,0	—	—	-	—	—	—	—	0,3/0,3
36.	Онкологик диспансерда	140,0	—	—	55,0	80,0	275,0	—	—	—	-	—	—	—	—	55,0
37.	Сил касаллиги диспансерида	—	—	1,0	0,5	1,0	2,5	—	—	—	-	—	3,5	—	—	0,5
38.	Тез тиббий ёрдам кўрсатилган ҳолат учун	14,0	—	7,0	—	39,0	60,0	2,5	—	1,5	-	—	—	—	—	—

Изоҳ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муссасаларини гиёҳвандлик воситаларининг истеъмол меъёрларини ўзгартириши ва белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин.

Умумий оғриқсизлантириш билан операция қилинадиган битта беморга даволаш стандарти асосида фентанил 0,005%нинг сарфланадиган меъёри – 18 ампула доирасида, кардиожарроҳлик амалиётлари, жумладан, аорто-коронар шунтлаш, митрал-ортал клапанларни протезлаш, алмаштириш, юрак бўлмалари орасидаги тўсиқлар нуқсонларининг пластикаси жарроҳлик амалиётларида – 40 ампула доирасида.

Жадвалдаги меъёрлар бир йилда бир дона койка учун сарфланадиган миқдорини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

Илмий-тадқиқот ишлари учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж меъёрлари

Т/р	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг фармакотерапевтик гуруҳи	Номи	Ҳайвон тури ва унинг оғирлиги	Фойдаланиш мақсади (наркоз, боғлиқлик, стереотипия, тиришиш, седация, шартли рефлекслар ва бошқалар)	Битта ҳайвонга юбориш усули, дозаси (в/б, қорин ичига, в/в, п/о, в/а)	Тажриба тури
1.	Психостимуляторлар	Кокаин	Каламушлар (180-300г.) Сичқонлар (18-22г.)	Стереотипия Стимуляция	1-10 мг/кг п/к	Ўткир - 8-10 та ҳайвон
2.	Наркотик аналгетиклар	Промедол	Сичқонлар (18-24г)	Аналгезиметрия	4-13 мг/кг, в/б п/к,	Ўткир - 20 та сичқон
			Каламушлар (180-400г)	Аналгезиметрия	2-4 мг/кг, в/б п/к,	Ўткир - 20 та каламуш
			Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	Аналгезиметрия	8 мг/кг, п/к	Ўткир - 12 та қуён
			Итлар (10-20кг)	Премедикация учун	20-40 мг, в/в, п/к бир ҳайвон учун	
3.	Наркотик аналгетиклар	Фентанил	Сичқонлар (18-24г)	Аналгезиметрия	0,03-0,2 мг/кг,	Ўткир - 20 та сичқон
			Каламушлар (180-400г)	Аналгезиметрия	0,06-0,1 мг/кг	Ўткир - 20 та каламуш
			Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	Аналгезиметрия	0,02-01,1 мг/кг,	Ўткир - 12 та қуён
			Каламушлар (300-550г)	Фентанил эритмасини истеъмол қилишда жисмоний қарамлик юзага келиши	ўртача бир суткада 40 мл 0,0004% ҳар бир ҳайвонга	Сурунакали (12 ой) 100 та каламуш
				Фентанилга толерантликнинг ривожланиши	0,2 мг/кг, - п/к 10 кун мобайнида 0,15 мг/кг, в/б	10 кун, 20 каламуш
			Каламушлар (300-550г	Фентанилга толерантликнинг ривожланиши	0,5-2 мл 0,005% ли эритма	5-7 кун
				Аналгезиметрия	0,05-0,1 мг (1-2 мл 0,005% эритма)	20 та сичқон
			Сичқонлар (22-26г)	Нейролептанальгезия: фентанил	2,5-5 мг (1-2 мл	
			Итлар (10-20кг)	Дроперидол	0,25% эритма)	
4.	Транквилизаторлар	Нитразепам	Сичқонлар (18-22г)	Боғлиқлик (толерантлик)	10 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой, ҳар куни 20 та сичқон
			Каламуш (180-300г)	Ҳаракат механизми	10 мг/кг, в/б	Сурункали 10 кун, ҳар куни 20та каламуш
			Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	ЭЭГ тадқиқоти	10 мг/кг, в/б	Сурункали 1 ой, ҳар куни 20 та қуён

Т/р	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг фармакотерапевтик гуруҳи	Номи	Ҳайвон тури ва унинг оғирлиги	Фойдаланиш мақсади (наркоз, боғлиқлик, стереотипия, тиришиш, седация, шартли рефлекслар ва бошқалар)	Битта ҳайвонга юбориш усули, дозаси (в/б, қорин ичига, в/в, п/о, в/а)	Тажриба тури
5.	Транквилизаторлар	Седуксен	Сичқонлар, каламушлар	Боғлиқлик (толерантлик)	10 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой, ҳар куни 20 та каламуш
			Каламушлар	Ҳаракат механизми	10 мг/кг, в/б	Сурункали 10 кун, ҳар куни 20 та каламуш
			Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	ЭЭГ тадқиқоти	10 мг/кг, в/б	Сурункали 1 ой, ҳар куни 20 та қуён
6.	Транквилизаторлар	Хлордиазепоксид	Сичқонлар, каламушлар	Боғлиқлик(толерантлик)	15 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой, ҳар куни 20 та ҳайвон
			Каламушлар	Ҳаракат механизми	15 мг/кг, в/б	Сурункали 10 кун, ҳар куни 20 та каламуш
			Қуёнлар	ЭЭГ тадқиқоти	15 мг/кг, в/б	Сурункали 1 ой, ҳар куни 20 та қуён
7.	Ухлатиш учун	Нембутал	Каламушлар (180-300г)	Наркоз	50 мг/кг	Ўткир 10 та каламуш
			Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	Наркоз	50 мг/кг	Ўткир 3 та қуён
8.	Ухлатиш учун	Гексенал	Сичқонлар (18-22г)	Гиёҳвандлик самараси	70 мг/кг, в/б	Ўткир 10-30 та сичқон
9.		Фенобарбитал	Сичқонлар (18-22г)	Ҳаракат механизми	20 мг/кг, в/б	Сурункали 2 ой, ҳар куни 30 та сичқон
			Каламушлар (180-300г)	Ҳаракат механизми	20 мг/кг, в/б	Сурункали 2 ой, ҳар куни 10 та каламуш
10.	Психостимуляторлар	Фенамин	Сичқонлар (18-22г)	Стереотипия Гипертермия	8 мг/кг, в/б 10 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой, ҳар куни 30 та сичқон
			Каламушлар (180-300г)	Стереотипия Гипертермия	8 мг/кг, в/б 10 мг/кг, в/б	Сурункали 3 ой, ҳар куни 20 та каламуш
			Каламушлар Сичқонлар	Стимуляция Стереотипия	3-8 мг/кг, в/б	Ўткир 10 та ҳайвон
11.	Наркотик аналгетиклар	Морфин	Сичқонлар (18-24г)	Аналгезиметрия	3-18 мг/кг, в/б	Ўткир, 20 та сичқон
			Каламушлар (180-400г)	Аналгезиметрия	6-10 мг/кг, в/б	Ўткир, 20 та каламуш
			Қуёнлар (2,5-3,5 кг)	Аналгезиметрия	1,5-10 мг/кг, в/б	Ўткир, 12 та қуён
			Каламушлар (300-550г)		ўртача: 30 мл, суткасига бир каламушга 0,038%	Сурункали 12 ой, 100 та каламуш
			Каламушлар (300-550г)	Морфинга толерантликнинг ривожланиши	20 мг/кг, п/к 10 кун мобайнида	10 кун, 20 та каламуш
			Сичқонлар (26г)	Морфинга толерантликнинг ривожланиши	15 мг/кг, в/б,	5-7 кун, 20 та сичқон

Изоҳ. *Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-тадқиқот муассасаларини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг истеъмол меъёрларини ўзгартириши ва белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
4-илова

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш тартибини белгилайди.

2. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қуйидаги ҳолатларда йўқ қилинади:

уларнинг яроқлилик муддати тугаганда;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар улардан фойдаланиш имкониятини истисно этувчи кимёвий ёки физик таъсирга учраганда ёки қайта фойдаланиш имконияти бўлмаганда (шу жумладан, очилган ампулалардаги (флаконларда) тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қолдиқлари);

беморлар вафотидан сўнг уларнинг қариндошларидан фойдаланилмай қолган восита ёки модда тариқасида қабул қилинганда;

уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга мансублигини аниқлашнинг имкони бўлмаганда.

3. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш юридик шахслар томонидан уларда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турига лицензия мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Лицензиатнинг фаолияти тугатилган ёки лицензиясининг амал қилиш муддати тугаган ҳолларда, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қолдиқлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасасига берилади. Бунда лицензиат лицензияланадиган фаолиятнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни бериш бўйича кичик турига эга бўлиши шарт. Агарда лицензият ушбу фаолият турига эга бўлмаса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ йўқ қилинади.

4. Онкологик беморлар уйида вафот этгандан кейин қолган гиёҳвандлик воситаларидан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари қариндошлар томонидан топширилган фойдаланилмаган рецептлар, гиёҳвандлик воситалари қолдиқлари ва фойдаланилган гиёҳвандлик воситаларининг бўш ампулалари ҳисоби юритилишини ташкил этишлари зарур.

Даволаш-профилактика муассасаси бўйича буйруқ билан ҳисобни юритиш ва йўқ қилиш учун масъул бўлган шахсга ўлим тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштириш, вафот этган онкологик касалликлар билан оғриган беморнинг қариндошларидан фойдаланилмаган рецептларни, таркибида гиёҳвандлик воситалар бўлган дори-дармон препаратлари қолдиқларини, бўш ампулаларни қабул қилишни ташкил этиш вазифаси юкланади. Мазкур ходим амбулатория картасига ёзилган навбатдаги рецепт олинган пайтдан бошлаб препарат сарфини таққослаши зарур.

Топширилган рецептлар ва препаратлар сони, уларнинг номлари ва дори воситалари шакли (ампула, таблетка, кукун) тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, муассаса раҳбари томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган махсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

Журнал мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Топширилган рецептлар ва дори воситалари йўқ қилингунга қадар сейфда ёки металл шкафларда сақланиши керак.

Гиёҳвандлик воситаларини амбулатор беморларга фойдаланишни ҳисобини юритиш журналида вафот этган онкологик касалликлар билан оғриган беморларнинг қариндошлари томонидан топширилган, йўқ қилинган, фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва рецептлар, шунингдек, бўш ампулалар сони тўғрисида белги қўйилади.

Уйда вафот этган онкологик касалликлар билан оғриган беморнинг қариндошлари томонидан топширилган кукун, таблетка, ампулалардаги гиёҳвандлик воситалари ва фойдаланилмаган рецептлар жамланиши давомида масъул шахс уларни ҳисобдан чиқаришга тайёрлайди. Йўқ қилиш ҳар ойнинг ўттизинчи санасидан кечикмай, даволаш-профилактика муассасасида раҳбар буйруғи билан доимий фаолият юритадиган комиссияси ва ҳудудий ички ишлар органи вакилининг иштирокида мазкур Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ далолатнома тузилган ҳолда бир марта ўтказилади.

Фойдаланилган гиёҳвандлик воситаларининг бўш ампулалари ҳам масъул шахс томонидан кейинчалик йўқ қилинган ҳолда ҳисобдан чиқариш учун тайёрланади. Йўқ қилиш даволаш-профилактика муассасасининг гиёҳвандлик воситалари ҳисобини юритиш ва сарфлашни назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссияси томонидан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ далолатнома тузилган ҳолда ўн кунда бир марта ўтказилади.

5. Мазкур Низомнинг иккинчи ва учинчи бандларида кўрсатилган ҳолларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш учун ички ишлар, соғлиқни сақлаш, экология ва иқлим ўзгариши органлари вакилларидан иборат комиссия ташкил этади.

Гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлмаган, бироқ уларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган корхоналар ёки муассасалар билан шартномалар тузадилар ва қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда йўқ қилиниши керак бўлган гиёҳвандлик воситаларини, шунингдек, тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари қолдиқларини, ампулаларни (флакон ва бошқалар) уларга берадилар.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ икки нусхада тузилади ва бир нусхаси гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш учун шартнома тузган юридик шахсга берилади.

6. Тўлиқ фойдаланилмаган психотроп моддаларнинг қолдиқлари ва ампулалари (флакон) ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан йўқ қилинади.

7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш зарурати муассаса раҳбарининг буйруғи билан тайинланган масъул шахс томонидан асослантирилади. Бунда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ҳисобдан чиқариш ва кейинчалик йўқ қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Мазкур буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг номи, уларнинг дори турлари, миқдори, дозаси, қадоқланиши ва серия рақамлари кўрсатилган ҳолда;

йўқ қилиниши керак бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг нетто ва брутто оғирлиги;

йўқ қилиш сабаблари;

йўқ қилиш учун масъул бўлган шахс;

йўқ қилиш жойи ва усули.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган юридик шахслар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлган корхона ёки муассаса билан тузилган шартноманинг тартиб рақамини ва унинг тузилган санасини кўрсатадилар.

Буйруқ нусхаси келишиш учун:

ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимларига;

ҳудудий ички ишлар органига;

ҳудудий экология ва иқлим ўзгариши бўлимларига юборилади.

8. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар махсус жиҳозланган майдончаларда ва (ёки) махсус тайёрланган биноларда йўқ қилинади.

9. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш ишларини бажарувчи ходимлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлишлари, йўқ қилинаётган моддаларнинг физик-кимёвий ва заҳарли хоссаларини ҳамда зарарсизлантириш ва йўқ қилишда кечадиган кимёвий реакцияларни билишлари керак.

Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган комиссия томонидан йўқ қилинади.

10. Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда йўқ қилинади:

суюқ дори турлари (инъекция учун ампулалар ва флаконлар, турли аралашмадаги эритмалар, томчилар) ичидаги суюқ дори шакллари аввал 1:100 нисбатида сув билан аралаштирилади ва ҳосил бўлган эритма канализацияга оқизилган ҳолда йўқ қилинади. Сўнг бирламчи ўрами – ампула, флаконлар ва бошқалар янчилади. Бирламчи ўрами – пластик ампула, пластик флакон, шприц-тюбик ва бошқалар кесилади. Янчилган ёки кесилган бирламчи ўрамлар қолдиқлари ишлаб чиқариш чиқиндиси ёки маиший чиқинди сифатида оддий тартибда чиқариб ташланади;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг сувда эрийдиган субстанциялари мавжуд бўлган қаттиқ дори турлари (кукунлар, таблеткалар, капсулалар) кукунсимон ҳолатга келгунга қадар майдалангандан сўнг 1:100 нисбатда сувга аралаштирилиши ва ҳосил бўлган суспензия (ёки эритма) канализацияга оқизилиши керак;

сувда эримайдиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг субстанциялари мавжуд бўлган қаттиқ дори турлари (кукунлар, таблеткалар, капсулалар), юмшоқ дори турлари (суртма, суппозиторийлар), гиёҳвандлик воситаларининг трансдермал турлари, шу жумладан, фойдаланилганлари ҳам, шунингдек, фармацевтика субстанциялари ёқиш йўли билан йўқ қилинади.

Ёқилиши керак бўлган дори воситалари мавжуд ёнувчи суюқликка яхши ҳўлланган ҳолда қоғозга ўралади, тунука патнисга жойлаштирилади ва тутун тортадиган жавон ичида ёқилади (агар бинонинг ичида йўқ қилинса) ёки гулханда ёқилади (агар майдончада йўқ қилинса). Кул хавфлилик даражасига кўра тўртинчи синфли модда сифатида чиқариб ташланади ёки оддий тартибда кўмилади.

11. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда фойдаланилмай қолган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ишлатилмаган ампулаларини йўқ қилиш бўйича комиссия томонидан мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ далолатнома тузилади.

Далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

далолатнома тузилган сана ва жой;

йўқ қилишда қатнашган шахсларнинг иш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

йўқ қилиш асослари;

йўқ қилинадиган гиёҳвандлик воситаси ва психотроп модданинг номи (дори тури, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси кўрсатилган ҳолда) ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

йўқ қилиш усули.

Далолатноманинг нусхалари сони гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилишда иштирок этган томонлар сони билан белгиланади.

12. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг фойдаланилган бўш ампулалари (флакон) ва тўлиқ фойдаланилмаган қолдиқлари (ампулалари, флакон) даволаш хонасида ва (ёки) бўлимдаги навбатчи тиббиёт ходимининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сақланадиган металл жавонга сақлаш учун қайтарилади ҳамда навбатчи тиббиёт ходими томонидан ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) бўлим катта ҳамширасига топширилади.

Тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қолдиқларини белгиланган муддатларда йўқ қилишнинг имкони бўлмаса, ампулаларнинг (флаконларнинг) герметиклиги қўл остидаги ёрдамчи материаллар ёрдамида таъминланади (масалан, сургуч, пластилин, мум, парафин ёки бошқалар) ва йўқ қилингунга қадар сейфнинг алоҳида токчасида сақланади.

Шифохона бўлимларининг катта ҳамширалари ҳар куни (дам олиш ва таътил кунларидан ташқари) тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қолдиқлари бўлган ампулаларни (флаконларни) йиғиб, шифохонанинг бош ҳамширасига топширади.

Шифохонанинг бош ҳамшираси гиёҳвандлик воситаларининг бўш ампулалари (флаконлари) ҳамда тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қолдиқлари бўлган ампулаларини (флаконларини) қабул қилиб, мазкур Низомга 7-иловада келтирилган журналга тегишли ёзувларни киритади.

Фойдаланилган гиёҳвандлик воситаларининг бўш ампулалари (флаконлари) ҳамда тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ампулалари (флаконлари) масъул шахс томонидан кейинчалик йўқ қилинган ҳолда ҳисобдан чиқариш учун тайёрланади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар қолдиқлари ва ампулалари (флаконлари) ҳар ойнинг ўттизинчи санасидан кечикмай, даволаш-профилактика муассасасининг гиёҳвандлик воситалари ҳисобини юритиш ва сарфлашни назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган комиссия ва ҳудудий ички ишлар органи вакили

иштирокида мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ далолатнома тузилган ҳолда йўқ қилинади.

Истисно тариқасида, бўлимларда тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори ва уларнинг ампулалари (флаконлари) кунлик миқдори кўп бўлган тақдирда, ўн кунда бир марта йўқ қилинади.

13. Иш вақтида эҳтиётсизлик оқибатида синган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ампулалари (флаконлари) йўқ қилинади. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ампуласи (флакони) синишига йўл қўйган тиббиёт ходими ташкилот раҳбарига бўлиб ўтган ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиши шарт.

Тушунтириш хатида гувоҳларнинг имзолари кўрсатилади. Ампула (флакон) ичидаги модда ва синиқлар сақлаб турилади.

Синган ампула (флакон) ва унда сақланиб қолинган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахс томонидан йўқ қилинади. Йўқ қилиш ва унга оид ҳужжатларнинг юритилиши ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни кейинчалик фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

15. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни йўқ қилиш учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг тегишли турлари бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахслар раҳбарлари ва доимий фаолиятдаги комиссия аъзолари жавоб беради.

Гиёҳванлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Амбулатор беморларда фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситаларининг ҳисобини юритиш ЖУРНАЛИ

КИРИМ			ЧИҚИМ						ТОПШИРИЛДИ						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Т/р	**Рецепт бланкалари олинган санаси**	**Рецепт бланка-лари миқдори ва №**	**Рецепт берилган сана ва №**	**Бемор Ф.И.О. Амб. карта №**	**Рецептда ёзиб берилган гиёҳванд воситаси номи, дозаси**	**Гиёҳванд-лик воситаси миқдори (амп.)**	**Шифокор-нинг Ф.И.О. ва имзоси**	**Олувчи-нинг Ф.И.О, паспорт серияси ва имзоси (бемор қариндоши)**	**Топши рилган санаси**	**Бўш ампула сони ва серияси**	**Фойдал анилма ган ампула сони ва серияс и**	**Фойдалан илмаган рецепт №**	**Топширув чининг Ф.И.О ва имзоси (бемор қариндо ши)**	**Қабул қилувчи шифокор Ф.И.О ва имзоси**	**Бош ҳамшира нинг Ф.И.О. ва имзоси**

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20__ й. “___” _____

Уйида вафот этган беморларнинг қариндошлари томонидан топширилган гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА

Комиссия (беш кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О, лавозими)

_____
_____
_____
_____

Сана, ой, йил _____

Уйида вафот этган беморларнинг қариндошлари томонидан_____дан _____гача давр давомида топширилган гиёҳвандлик воситалари

_____
_____
(сони сўз билан, амб.карта №)

Ампулаларда _____дона
(номи, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси)

1.
2.

Бошқа дори турлари (кукунларда, таблеткаларда) _____дона
(номи, дори шакли, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси, миқдори)

йўқ қилинди.

Йўқ қилиш усули _____

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20__ й. “__” _____

Фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари рецептларини йўқ қилиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА

Комиссия (уч кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О, лавозими)

_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____

Далолатнома тузилган жой _____
Йўқ қилиш учун асос _____
Сана, ой, йил _____
_____ дан _____ гача давр учун ёзиб берилган рецептлар
_____ (миқдори)
(рецепт рақами, касаллик варқасининг шифри ва рақами)

бемордаги _____ дона (ёзув билан) фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари рецептлари йўқ қилинди.

Рецептлар ёқиш йўли билан йўқ қилинди

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Далолатнома уч йил мобайнида сақланади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20___ й. “__” _____

Соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилган гиёҳвандлик воситаларининг ампулаларини йўқ қилиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА

Комиссия (уч кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О, лавозими)

_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____

Далолатнома тузилган жой _____
Йўқ қилиш учун асос _____
Сана, ой, йил _____
_____дан _____гача давр учун қўлланилган гиёҳвандлик воситаси
_____(миқдори) бемордаги
(рецепт рақами, касаллик варқасининг шифри ва рақами)
_____ дона миқдоридаги
(ёзув билан)гиёҳвандлик воситаларининг фойдаланилган ампулалари йўқ қилинди.

Ампулалар синдириш йўли билан йўқ қилинди

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Далолатнома уч йил мобайнида сақланади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20____ й. “__” _____

Гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш учун лицензияга эга бўлмаган даволаш муассасаларида фойдаланилган ва тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ампула (флакон)ларини қабул қилиш-топшириш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Топширди:_____
(ташкилот номи, ходимнинг Ф.И.О., лавозими)

Қабул қилди:_____
(ташкилот номи, ходимнинг Ф.И.О., лавозими)

Сана, ой, йил_____

_____ дан _____гача даврда йиғилган гиёҳвандлик воситаси

Топширилган ампула ёки флаконлар сони _____
(сўз билан)

_____беморлардан
(сўз билан)

_____

_____

_____

_____

(гиёҳвандлик воситалари номи, дори шакли, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси, қўлланилган беморларнинг касаллик варақаси рақами (ҳар бир номланиши бўйича маълумот алоҳида тўлдирилади)

_____

Топширувчи имзоси _____

Қабул қилувчи имзоси _____

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20__ й. “__” _____

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА

Комиссия (уч кишидан кам бўлмаган) таркиби

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О, лавозими)

_____
_____
_____
_____
_____
_____
_____

Далолатнома тузилган жой _____

Сана, ой, йил _____

_____ **номи**
(гиёҳвандлик воситаси, психотроп модда, дори тури, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси)

_____ **миқдорида**
(ёзув билан)

_____ **қарори асосида**

Йўқ қилиш усули:

_____
_____
_____
_____
_____
_____

Комиссия аъзоларининг имзоси:

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20__ й. “__” _____

Стационарда фойдаланилган ва тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳисобини юритиш ЖУРНАЛИ

Қабул қилиш санаси	Қаердан қабул қилинди	Гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда номи, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси	Фойдаланилган ампулалар сони	Тўлиқ фойдаланилмаган ампулалар сони	Қолдик мл. да	Касаллик варақаси рақами	Топширган ҳамшира Ф.И.О. ва имзоси	Қабул қилувчининг Ф.И.О. ва имзоси	Йўқ қилинганлик тўғрисидаги белги
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Изоҳ. *Даволаш-профилактика муассасасининг бош ҳамшираси (махсус жавобгар шахс) томонидан юритилади.*

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни
йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Раҳбар _____
(Имзо)

М.Ў. 20__ й. “__” _____

Соғлиқни сақлаш муассасаларида тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ампулаларини (флаконларини) йўқ қилиш тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМА

Комиссия (беш кишидан кам бўлмаган) таркиби
Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О., лавозими)
_____
_____

Далолатнома тузилган жой_____

Йўқ қилиш учун асос _____

Сана, ой, йил_____
_____дан _____гача даврда йиғилган тўлиқ фойдаланилмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ампулалари
1. _____
_____
(гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг номи, дори шакли, дозаси, ўлчов бирлиги, серияси, касаллик варақаси ёки амбулатор картасининг рақами кўрсатилган ҳолда) (ҳар бир номланиши бўйича маълумот алоҳида тўлдирилади)

(миқдори)_____ (ёзув билан)
(ампулада ва мл.да)
_____сондаги беморлардан_____

Йўқ қилинаётган жами ампула сони_____дона (ёзув билан)
Йўқ қилинаётган жами миқдор (мл.)_____ёзув билан

йўқ қилинди.
Йўқ қилиш усули:
_____
_____

Комиссия аъзоларининг имзоси:
Далолатнома уч йил мобайнида сақланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни транзит ўтувчи йўловчиларни даволаш учун ташиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом транзит ўтувчи йўловчиларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ташиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит (трансфер) ўтувчи беморлар даволаниш мақсадида қонунчиликда белгиланган Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситалари (II рўйхат) ва психотроп моддаларни (III рўйхат) ўн беш кун қабул қилишга мўлжалланган миқдорда ўзлари билан олиб ўтадилар.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган беморлар давлат чегарасини кесиб ўтишда чегара-божхона пунктида ўзларида мавжуд гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тўғрисида декларация тўлдиришлари ҳамда қуйидагиларни божхона органларига тақдим этишлари шарт:

бемор яшовчи мамлакатнинг тиббий муассасаси томонидан берилган, беморда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қўллашни талаб қилувчи касаллик мавжудлиги, шифокор томонидан тайинланган гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модданинг номланиши, унинг дори шакли, миқдори ва қабул қилиш даври кўрсатилган ҳужжатни (даволовчи шифокор хулосаси);

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сотиб олингани қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатни (рецепт нусхаси);

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари юқорида кўрсатилган ҳужжатлар мавжудлигини ҳамда беморда бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг номланиши ва миқдорига мувофиқлигини белгиланган тартибда назорат қилади.

4. Йўловчиларда тиббий ҳужжатларда кўрсатилган ҳамда божхона органига маълум қилинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдори ортиқ бўлган тақдирда, ортиқча гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар олиб қўйилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар декларация тўлдирмасдан ёки яширин ҳолда олиб ўтилган тақдирда, қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланади.

5. Агар бемор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушланиб қолса ва даволанишни давом эттириш учун қўшимча равишда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сотиб олишга муҳтож бўлса, унда ушбу воситалар (моддалар) Ўзбекистон Республикасида берилган рецепт асосида берилади.

6. Рецептлар шифокор кўригидан ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайинлаш заруратини келтириб чиқарувчи касаллик ташхиси тасдиқлангандан сўнг берилади.

Тиббий кўрик транзит ўтувчи беморнинг рўйхатдан ўтган манзили бўйича ҳудудий тиббиёт муассасаларининг мутахассис шифокорлари ёки транзит ўтувчи беморнинг касаллик профилига мос ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари шифокорлари томонидан ўтказилади.

7. Рецептлар қабул қилинган қоидаларга мувофиқ белгиланган намунадаги бланкларга ёзиб берилади.

8. Ёзиб берилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли дорихона муассасаларидан транзит ўтувчи беморлар томонидан бевосита ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинади.

9. Давлат чегарасидан чиқишда чегара-божхона пунктидан ўтиш вақтида беморлар қуйидагиларни божхона органларига тақдим этади:

Ўзбекистон Республикасига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни олиб кириш ёки унинг ҳудудида сотиб олиш қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (шифокор хулосаси ва рецепт нусхаси);

божхона декларациясида кўрсатилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қолдиғини.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
6-илова

Илмий ва ўқув мақсадларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом илмий ва ўқув мақсадларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан (кейинги ўринларда – гиёҳвандлик воситалари) фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялар, ўқув муассасалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган тегишли фаолият турига лицензияси мавжуд бўлган ҳолда гиёҳвандлик воситаларидан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланадилар.

3. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялар, ўқув муассасалари гиёҳвандлик воситаларини илмий-тадқиқот ишларининг тасдиқланган мавзу режасига мувофиқ миқдорларда, ўқув муассасалари эса – ўқув дастурларида кўзда тутилган амалий-лаборатория машғулотлари учун ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг тасдиқланган мавзуда кўрсатилган амалий кўникмани бажариш учун зарур бўлган миқдорларда сотиб оладилар.

4. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялар, ўқув муассасалари гиёҳвандлик воситаларидан мазкур Низомда келтирилган талабларга риоя қилган ҳолда фойдаланадилар.

5. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг ҳужжатлари сақланиши ҳамда ишларни тўғри ташкил этиш учун жавобгарлик муассаса раҳбарига ёки унинг ўринбосарига юкланади.

6. Ўқув муассасаларида талабалар билан амалий машғулотлар ўтказиш учун берилган гиёҳвандлик воситаларидан тўғри фойдаланиш учун жавобгарлик ушбу амалий машғулотларни ўтказишга масъул бўлган ўқитувчи зиммасига юкланади. Ўқув машғулотлари якунланганидан сўнг аудиторияларда гиёҳвандлик воситаларини сақлашга рухсат этилмайди.

7. Гиёҳвандлик воситаларини қабул қилишда муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосари олинган тегишли гиёҳвандлик воситаларининг йўлланма ҳужжатларга мувофиқлигини шахсан текширишга ва ҳудудий ички ишлар органига маълумот юборишга мажбур.

8. Гиёҳвандлик воситаларининг захиралари сақланадиган хонага киришга бевосита улар билан ишлайдиган, муассасанинг буйруғи билан расмийлаштирилган шахсларга рухсат берилади.

9. Жорий фаолият учун гиёҳвандлик воситалари фақат муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма фармойиши бўйича лаборатория (бўлинма, бўлим, кабинет, кафедра) мудири имзолаган ва унда гиёҳвандлик воситаларини олувчи шахснинг фамилияси ва лавозими кўрсатилган талабнома асосида берилади.

10. Гиёҳвандлик воситаларини беришдан олдин унинг сақланиши учун жавобгар шахс бериш учун асосларни ҳамда йўлланма ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини шахсан текширганидан сўнг талабнома нусхасига имзо қўйиши шарт.

11. Илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиладиган гиёҳвандлик воситалари предметли миқдор бўйича ҳисобга олинади. Гиёҳвандлик воситаларининг ҳисоби рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва юқори ташкилот раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган мазкур Низомга иловага мувофиқ алоҳида китобда юритилади.

12. Илмий-текшириш институтлари, лабораториялар ва ўқув муассасалари томонидан ҳар ойнинг биринчи санасида гиёҳвандлик воситалари хатловдан ўтказилади ва баланс тузилади.

Меъёридан ортиқча сарфланганлиги тўғрисида балансда тафовут аниқланган ёки ўтказилган хатлов натижалари билан баланс маълумотлари мос келмаган тақдирда, масъул шахс бу тўғрисида уларни аниқлагандан кейин уч кун муддатда ички ишлар органларига хабар беради.

Гиёҳвандлик воситалари ўғирланган тақдирда, масъул шахс зудлик билан ҳудудий ички ишлар органларига ва ўзининг юқори ташкилотига хабар бериши шарт.

13. Гиёҳвандлик воситалари намуналарининг тадқиқоти якунланганидан сўнг қолдиқ намуналар мавжуд бўлган тақдирда, улар муассасада сақлаш учун масъул бўлган шахсга берилади ва улардан бошқа лаборатория тадқиқотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин. Гиёҳвандлик воситалари намуналари қолдиқларининг яроқлилик муддати тугагандан кейин белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Илмий ва ўқув мақсадларда гиёҳвандлик
воситалари ва психотроп моддалардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Илмий-текшириш институтларида, лабораторияларда ва ўқув муассасаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ҳисобга олиш КИТОБИ

КИРИМ				ЧИҚИМ						Қолдиқ
Олинган сана	Олинган жойи ва ҳужжатнинг рақами	Миқдори	Моддий жавобгар шахснинг Ф.И.О. ва имзоси	Берилган сана	Кимга берилган Ф.И.О.	Сарф қилинган (мақсади)	Сарф қилинган миқдори	Имзо		
								бердим	олдим	

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
7-илова

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг РЎЙХАТИ (I рўйхат)

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори …гача … ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
1.	Аллилпродин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
2.	Альфамепродин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
3.	Альфаметадол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
4.	Альфа-метилфентанил	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
5.	Альфа-метилтиофентанил	2934 99 800 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
6.	Альфапродин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
7.	Альфацетилметадол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
8.	АН-7921 (3,4-дихлоро- N-[(1-диметиламино) циклогексилметил] бензамид)	2939 19 000 0	0,001	0,001 — 0,005	0,005
9.	Анилеридин	2933 33 000 9	0,01	0,01 — 0,05	0,05
10.	Ацетил-альфаметилфентанил	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
11.	Ацетилдигидрокодеин	2939 19 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
12.	Ацетилирланган опий	2939 19 000 0	0,1	0,1 — 1,0	1,0
13.	Ацетилкодеин	2939 19 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
14.	Ацетилметадол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
15.	Ацетилфентанил (N-[1-(2-фенилэтил)-4-пиперидил]-N-фенилацетамид	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
16.	Ацеторфин	2939 19 000 0	0,0001	0,0001 — 0,0005	0,0005
17.	БДБ [L-(3,4- метилендиоксифенил)-2 бутанамин]	2932 99 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
18.	Безитрамид	2933 33 000 9	0,1	0,1 — 0,5	0,5
19.	Бензетидин	2933 39 980 0	0,05	0,05 — 0,25	0,25
20.	Бензилморфин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
21.	N-Бензилпиперазин	2933 59 950 0	0,02	0.02 — 0,3	0,3
22.	Бета-гидрокси-3-метилфентанил	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
23.	Бета-гидроксифентанил	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
24.	Бетамепродин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
25.	Бетаметадол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
26.	Бетапродин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
27.	Бетацетилметадол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
28.	Гашиш (наша, каннабис смоласи)* Гашиш (наша) Каннабис смоласи	1301 90 000 0	 0,2 0,1	 0,2 — 2,0 0,1 — 0,5	 2,0 0,5
29.	Героин (диацетилморфин)*	2939 11 000 0	0,001	0,001 — 0,005	0,005
30.	Гидрокодон	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
31.	Гидрокодона фосфат	2939 11 000 0	0,05	0,05 — 0,5	0,5
32.	N-гидрокси-МДА**	2932 99 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
33.	Гидроксипетидин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор	кўп миқдор
				дан юқори …гача … ҳам қўшиб	юқори
34.	Гидроморфинол	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
35.	Гидроморфон	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
36.	Дезоморфин	2939 19 000 0	0,05	0,05 — 0,25	0,25
37.	Дексамфетамин	2921 46 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
38.	Диампромид	2924 29 990 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
39.	Дигидроморфин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
40.	Диеноксадол (эстоцин, эстоцин гидрохлорид)	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
41.	N-диметиламфетамин	2921 49 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
42.	Димепгептанол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
43.	Диметилтиамбутен	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
44.	Димефептанол	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
45.	Диоксафетил бутират	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
46.	Дипипанон	2933 33 000 9	0,01	0,01 — 0,05	0,05
47.	Дифеноксин	2933 33 000 9	0,1	0,1 — 0,5	0,5
48.	Диэтилтиамбутен	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
49.	ДМА (d,L-2,5-диметоксиальфа-метил-фенил-этиламин)* *	2922 29 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
50.	4,4'-DMAR 4,4'диметиламинорекс	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
51.	ДМГП (диметилгептилпиран)	2932 99 000 0	0,05	0,05 — 0,5	0,5
52.	ДМТ (диметилтриптамин) **	2939 80 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
53.	ДОБ (d,L-2,5-диметокси-4-бром-амфетамин, броламфетамин)	2922 29 000 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
54.	ДОХ (d,L-2,5-диметокси-4-хлор-амфетамин)	2922 29 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
55.	ДОЭТ (d,L-2,5-диметокси-4-этил-амфетамин) **	2922 29 000 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
56.	Дротебанол	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
57.	ДЭТ (N,N-диэтилтриптамин)	2939 80 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
58.	Изометадон	2922 39 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
59.	Каннабис *(Канопля)* ўсимлиги *(таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида фойдаланиладиган каннабис ўсимлиги бундан мустасно)***	1211 90 860 9	бир туп	икки-беш туп	олти туп
	марихуана* қуритилган / қуритилмаган		1,0 10,0	1,0 — 10,0 10,0 — 50,0	10,0 50,0
60.	КАТ (таркибида катин ва (ёки) катинон бўлган Catha edulis ўсимлигининг бутун ва майдаланган, қуритилган ва қуритилмаган барглари ва ёғочланмаган новдалари	1211 90 860 9	100,0	100,0 — 1000,0	1000,0
61.	Катин (d-норпсевдоэфедрин)	2939 43 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
62.	Катинон (l-альфа-аминопропиофенон), катинонлар ва уларнинг хосилалари*	2939 80 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
63.	Кетобемидон	2933 33 000 9	0,01	0,01 — 0,	0,5
64.	Клонитазен*	2933 99 800 8	0,0002	0,0002 — 0,001	0,001
65.	Кодоксим	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
66.	Кокаин бутаси	1211 90 860 9	20,0	20,0 — 250,0	250,0

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
67.	Қўлбола шароитида тайёрланган эфедрин препаратлари ёки таркибида эфедрин бўлган препаратлар	2939 41 000 0 2939 49 000 0	0,5 мл	0,5 — 5 мл	5 мл
68.	Қўлбола шароитида тайёрланган псевдоэфедрин препаратлари ёки таркибида псевдоэфедрин бўлган препаратлар	2939 42 000 0 2939 49 000 0	0,5 мл	0,5 — 5 мл	5 мл
69.	Левометорфан	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
70.	Левоморамид	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
71.	Леворфанол	2933 41 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
72.	Левофенацилморфан	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
73.	Лизергин кислота ва унинг препаратлари, шу билан бирга d-Лизергид (ЛСД, ЛСД-25) *	2939 63 000 0 2939 69 000 0	0,00001	0,00001 — 0,0001	0,0001
74.	Кока барги қуритилгани	1211 30 000 0	5,0	5,0 — 50,0	50,0
	қуритилмагани		20,0	20,0 — 250,0	250,0
75.	Кўкнори хашагининг қуритилгани	1211 40 000 0	5,0	5,0 — 50,0	50,0
	қуритилмагани		25,0	25,0 — 250,0	250,0
76.	Каннабис мойи (гашиш мойи)*	1302 19 900 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
77.	МБДБ [N-Метил-1-(3,4-метилендиоксифенил)-2 бутанамин]	2932 99 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
78.	МДА (тенамфетамин) (MDA)**	2932 99 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
79.	МДМА (d,L-3,4-метилендиокси-N-альфа-диметил-фенил-этиламин)**	2932 99 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
80.	МДПВ (3,4-метилендиоксипировалерон)	2934 99 800 0	0,04	0,04 — 0,4	0,4
81.	Меклоквалон**	2933 55 000 0	0,04	0,04 — 0,4	0,4
82.	Метаквалон**	2933 55 000 0	0,04	0,04 — 0,4	0,4
83.	4-Метиламинорекс	2934 99 800 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
84.	Метилон β-кето-MDMA	2932 99 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
85.	Метилфенидат (риталин)	2933 33 000 9	0,2	0,2 — 1,0	1,0
86.	3-Моноацетилморфин	2939 19 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
87.	6-Моноацетилморфин	2939 19 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
88.	Мескалин**	2939 80 000 0	0,03	0,03 — 0,5	0,5
89.	Метадон (фенадон)**	2922 31 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
90.	d-метадон	2922 31 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
91.	L-метадон	2922 31 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
92.	Метадон, оралиқ маҳсулот (4-циано-2-диметиламино-4, 4-дифенилбутан)	2926 30 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
93.	Метазоцин	2933 39 980 0	2	2 — 10	10
94.	Метамфетамин*-**	2939 45 000 0	0,02	0,02 — 0,15	0,15
95.	Метилдезорфин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
96.	Метилдигидроморфин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
97.	4-метилметкатинон (4-ММС, мефедрон) (RS)-2-(метиламино)-1-(4-метилфенил) пропан-1-он*ва уларнинг изомерларини	2939 79 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
98.	3-метилтиофентанил	2934 99 800 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
99.	3-метилфентанил	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
100.	N-метилэфедрон	2922 39 000 0	0,02	0,02 — 1,0	1,0
101.	Метиопропамин (MPA) 1-(тиофен-2-ил)-2-(метиламино) пропан	2934 99 800 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор	кўп миқдор
				дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	юқори
102.	Метопон	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
103.	Метоксетамин МХЕ	2922 50 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
104.	Мирофин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
105.	Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рўйхатларига киритилган кўкнори алкалоидларини сақлаган кўкнори турларининг сутли шарбати	1302 11 000 0	0,1	0,1 — 2,5	2,5
106.	ММДА (2-метокси-альфа-4-метил 4,5-(метилендиокси)-фенетиламин)**	2932 99 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
107.	Морамид, оралиқ маҳсулот (2-метил-3-морфолин-1,1-дифенил-пропан-карбон кислотаси)	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
108.	Морферидин	2934 99 800 0	0,5	0,5— 2,5	2,5
109.	Морфин метилбромид ва морфиннинг бошқа бешвалентли азотли ҳосилалари	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
110.	Морфин-N-окись (оксид)	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
111.	МППП (1-метил-4-фенил-4-пиперидинолпропионат (эфир)	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
112.	МТ-45 (1-циклогексил-4-(1,2-дифенилэтил)пиперазин	2933 59 950 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
113.	25B-NBOMe (2-(4-бромо-2,5-диметоксифенил)-N-(2-метоксибензил) этанамин)	2922 29 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
114.	25C-NBOMe (2-(4-хлоро-2,5-диметоксифенил)-N-(2-метоксибензил) этанамин)	2922 29 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
115.	25I-NBOMe (2-(4-йодо-2,5-диметоксифенил)-N-(2-метоксибензил) этанамин)	2922 29 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
116.	Никодикодин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
117.	Никокодин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
118.	Никоморфин	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
119.	Норациметадол	2922 19 700 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
120.	Норкодеин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
121.	Норлеворфанол	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
122.	Норметадон	2922 31 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
123.	Норморфин	2939 19 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
124.	Норпипанон	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
125.	Оксикодон	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
126.	Оксиморфон	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
127.	Опий (тиббий) Опий- опийнинг ёки мойли кўкнорининг қуюлган шираси*	3003 49 000 0 3004 49 000 8 1302 11 000 0 2939 11 000 0	2 мл 0,2	2 — 20 мл 0,2 — 2,0	20 мл 2,0
128.	Papaver somniferum L ўсимлик турига мансуб кўкнори опийси	1211 40 000 0	бир туп	икки — беш туп	олти туп
129.	Орипавин	2939 19 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
130.	Пара-флуорофентанил (парафторфентанил)	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,001	0,001
131.	Парагексил	2932 99 000 0	0,05	0,05 — 0,5	0,5
132.	Пентедрон α-метиламино валерофенон	2933 99 800 8	0,02	0,02 — 0,2	0,2

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
133.	ПЕПАП (L-фенэтил-4-фенил-4-пиперидинол ацетат (эфир)	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
134.	Петидин	2933 33 000 9	0,5	0,5 — 2,5	2,5
135.	Петидин, оралиқ маҳсулот А (4-циано-1-метил-4-фенилпиперидин)	2933 33 000 9	0,5	0,5 — 2,5	2,5
136.	Петидин, оралиқ маҳсулот В	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
137.	Петидин, оралиқ маҳсулот С	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
138.	Пиминодин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
139.	α-PVP (а-пирролидиновалерофенон)*	2933 99 800 8	0,02	0,02 — 0,2	0,2
140.	Псилоцибин ва (ёки) псилоцин сақловчи ҳар қандай қўзиқорин турининг мевали танаси (ҳар қандай қисми)	1211 90 860 9	0,5	0,5 — 25,0	25,0
141.	ПМА (4-метокси-альфа-метилфенил-этиламин)**	2922 29 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
142.	ПММА (пара-метоксиметиламфетамин)	2921 49 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
143.	Прогептазин	2933 99 800 8	0,5	0,5 — 2,5	2,5
144.	Проперидин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
145.	Пропирам	2933 33 000 9	0,5	0,5 — 2,5	2,5
146.	Псилоцибин	2939 80 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
147.	Псилоцин	2939 80 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
148.	Рацеметорфан	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
149.	Рацеморамид	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
150.	Рацеморфан	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
151.	Ролициклидин**	2933 99 800 8	0,001	0,001 — 0,01	0,01
152.	2С-В (4-бром-2,5-диметоксифенетиламин)	2922 29 000 0	0,01	0,01 — 0,5	0,5
153.	СТП (ДОМ) [2-амино-1-(2,5-диметокси-4-метил) фенилпропан]**	2922 29 000 0	0,0002	0,0002 — 0,002	0,002
154.	Тебакон	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
155.	Теноциклидин**	2934 99 800 0	0,001	0,001 — 0,01	0,01
156.	Тетрагидроканнабинол (ҳамма изомерлари) ва уларнинг ҳосилалари	2932 95 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
157.	Гексагидроканнабинол (Heksagidrokannabinol (HHC))*	2934 99 800 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
158.	Тиофентанил	2934 99 800 0	0,0002	0,0002 — 0,001	0,001
159.	ТМА (d,L-3,4,5-триметокси-альфа-метилфенил-амин)	2922 29 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
160.	Фенадоксон	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
161.	Феназоцин	2933 39 980 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
162.	Фенампромид	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
163.	Фенатин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
164.	Фенетиллин	2939 51 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
165.	Фенциклидин**	2933 33 000 9	0,0015	0,0015 — 0,015	0,015
166.	Феноморфан	2933 49 900 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
167.	Феноперидин	2933 33 000 9	0,5	0,5 — 2,5	2,5
168.	Фолкодин	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
169.	Фуретидин	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
170.	Экгонин	2939 72 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
171.	Кўкнори хашаги экстракти (шу жумладан, кўкнори хашаги концентрати)	1302 11 000 0 2939 11 000 0	0,2	0,2 — 2,0	2,0
172.	N-Этил-МДА (d,L-N-Этил-альфа-метил-3,4-(метилендиокси)-фенетиламил**	2932 99 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
173.	Этилметилтиамбутен	2934 99 800 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
174.	Этилон 3,4-метилендиокси-N-этилкатинон	2939 79 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
175.	Этилфенидат Метил 2-фенил-2-(пиперидин-2- ил) ацетат	2933 33 000 9	0,02	0,02 — 0,3	0,3
176.	Этициклидин**	2921 49 000 0	0,001	0,001 — 0,01	0,01
177.	Этоксэридин	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
178.	Этонитазен*	2933 99 800 8	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
179.	N-пирролидино протонитазен N-pyrrolidino protonitazene*	2933 29 900 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
180.	N-пирролидино метонитазен N-pyrrolidino metonitazene*	2933 29 900 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
181.	Этонитазепипн Etonitazepipne*	2933 29 900 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
182.	N-дезэтил изотонитазен N-desethyl isotonitazene*	2933 29 900 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
183.	Эторфин	2939 11 000 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
184.	Этриптамин	2933 99 800 8	0,5	0,5 — 2,5	2,5
185.	Эфедрон*	2939 49 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
186.	4-MTA (α-метил-4-метилтиофенетиламин)	2930 90 950 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
187.	Кротонилфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
188.	Валерилфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
189.	Циклопропилфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
190.	Метоксиацетилфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
191.	Ортофторфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
192.	Парафторбутирилфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
193.	Акрилоилфентанил (Акрилфентанил)	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
194.	Карфентанил (4-карбометоксифентанил)	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
195.	4-фторизобутирфентанил (4-FIBF, pFIBF)	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
196.	Фуранилфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
197.	Окфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
198.	Тетрагидрофуранил фентанил (THF-F)	2933 34 000 0	0,0002	0,0002-0,0006	0,0006
199.	DOC 4-хлор-2,5-диметоксиамфетамин (2,5-Dimethoxy-4-chloroamphetamine)	2921 49 000 0	0,02 1 мл	0,02-0,3 1 мл-2,5 мл	0,3 2,5 мл
200.	N- Этилнорпентилон (эфилон, N-Этилпентилон	2921 49 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
201.	4-фторамфетамин, 4-FA	2921 49 000 0	0,02	0,02 — 0,3	0,3
202.	Эутилон	2932 99 000 0	0,5	0,5-2,5	2,5
203.	4-CMC (4-Хлорметкатинон, клефедрон)	2921 30 990 0	0,02	0,02-0,2	0,2
204.	N- этилгекседрон	2922 19 700 0	0,02	0,02-0,2	0,2
205.	alpha-PHP (RS)-1-фенил-2-(пирролидин-1-ил)гексан-1-он	2933 99 800 8	0,02	0,02-0,2	0,2
206.	3-метоксифенциклидин	2933 39 980 0	0,0015	0,0015-0,015	0,015
207.	Дифенидин	2933 39 980 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
208.	3-ММК, 3-метилметкатинон	2939 49 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори …гача … ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
209.	3-хлорметкатинон (3-CMC)	2939 49 000 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
210.	Изотонитазен	2933 99 800 8	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
211.	Брорфин	2939 19 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
212.	Метонитазен	2933 99 800 8	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
213.	2-метил-AP-237 (1-{2-метил-4-[(2E)-3-фенилпроп-2-ен-1-ил]пиперазин-1-ил}бутан-1-он)	2934 99 800 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
214.	Этазин	2934 99 800 0	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
215.	Этонитазефин	2933 99 800 8	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
216.	Протонитазин	2933 99 800 8	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
217.	Бутирфентанил	2933 34 000 0	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
218.	U-47700 (3,4-дихлор-N-(2-диметиламино-циклогексил)-N-метил-бензамид)	2939 80 000 0	0,001	0,001 — 0,005	0,005
219.	Бутонитазен	2933 99 800 8	0,0001	0,0001 — 0,001	0,001
220.	*alpha*-PiHP (4-метил-1-фенил-2-(пирролидин-1-ил) пентан-1-он)	2933 39 980 0	0,02	0,02 — 1,0	1,0
221.	Дипентилон	2932 99 000 0	0,04	0,04 — 0,4	0,4
222.	2-фтордесхлоркетамин	2922 39 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
	Синтетик каннабиноидлар гуруҳи				
	I. Классик				
	Дибензопиранлар				
223	HU-211 3-(1,1'-диметилгептил)-6aS,7,10,10aS- тетрагидро-1-гидрокси-6,6'-диметил-6H-дибензо(b,d)пиран-9-метанол*	2932 99 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
224.	JWH-133 3-(1,1-диметилбутил)-6aR,7,10,10aR-тетрагидро-6,6,9-триметил-6H-дибензо(b,d)пиран*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
	II. Классик бўлмаган				
	Циклогексилфеноллар				
225.	CP-47,497 2-((1S,3R)-3-гидроксициклогексил)-5-(2-метилоктан-2-ил)-фенол*	2907 19 900 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
226.	CP-55,940 2-((1S,2S,5S)-5-гидрокси-2-(3-гидроксипропил) циклогексил)-5-(2-метилоктан-2-ил)-фенол*	2907 19 900 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
	Циклогептеноллар				
227.	HU-308 4-(4-(1,1-диметилгептил)-2,6-диметоксифенил)-6,6-диметил-бицикло(3,1,1)гепт-2-ен-2 –метанол*	2907 29 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
	Циклогексилгексанонлар (хинонлар)				
228.	HU-331 3-гидрокси-2-((1R)-3-метил-6-проп-1ен-2-илциклогексил-2-ен-1ил)-5-пентилциклогекса-2,5-диен-1,4-дион*	2907 29 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
	III. АМИНОАЛКИЛИНДОЛЛАР				
	Нафтоилиндоллар				
229.	AM-1220 1-((1-метилпиперидин-2-ил) метил)-1H-индол-3-ил)(нафтил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
230.	AM-1235 (1-(5-фторпентил)-6-нитро-1H-индол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
231.	AM-2201 (1-(5-фторпентил)-1H-индол-3-ил)-(нафталин-1-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори …гача … ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
232.	AM-2232 5-(3-(1-нафтоил)-1H-индол-1-ил)-пентаненитрил*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
233.	EAM-2201 (1-(5-фторпентил)-1H-индол-3-ил)(4-этил-нафталин-1ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
234.	JWH-007 (2-метил-1-пентил-(нафталин-1-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
235.	JWH-011 (2-метил-1-(метилгексил)-1H-индол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
236.	JWH-015 (2-метил-1-пропил-1H-индол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
237.	JWH-016 (1-бутил-2-метил-1H-индол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
238.	JWH-018 Нафталин-1-ил-(1-пентилиндол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
239.	JWH-019 (1-гексил-1H-индол-3-ил)(1-нафтил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
240.	JWH-020 (1-гептил-1H-индол-3-ил)-1-нафталенил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
241.	JWH-022 Нафталин-1-ил-(1-пент-4-ен-1-ил)-1H-индол-2-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
242.	JWH-030 Нафталин-1-ил-(1-пентил-1H-пиррол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
243.	JWH-031 (1-гексил-1H-пиррол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
244.	JWH-072 1-нафталинил(1-пропил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
245.	JWH-073 Нафталин-1-ил-(1-бутилиндол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
246.	JWH-081 (4-метоксинафталин-1-ил)(1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
247.	JWH-098 (4-метокси-1-нафталинил)(2-метил-1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
248.	JWH-122 (4-метилнафталин-1-ил)-(1-пентилиндол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
249.	JWH-164 (7-метокси-1-нафталинил)(1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
250.	JWH-182 (1-пентилиндол-3-ил)-(4-пропилнафталин-1ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1— 0,5	0,5
251.	JWH-200 (1-(2-морфолин-(4-илэтил)-1H-индол-3-ил) (нафталин-1-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
252.	JWH-210 (4-этилнафталин-1-ил)-(1-пентилиндол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
253.	JWH-234 (7-этил-1-нафталинил)-(1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
254.	JWH-267 (2-метокси-1-нафталинил) (1-пентил-1H-индол-3-ил)метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
255.	JWH-387 (4-бромнафталин-1-ил) (1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
256.	JWH-398 (4-хлорнафталин-1-ил) (1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
257.	JWH-412 (4-фторнафталин-1-ил) (1-пентил-1H-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
258.	MAM-2201 1-(5-фторпентил)-3-(4-метил-1-нафтоил)-индол*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
Индазолкарбоксамидлар					
259.	JWH-203 (2-(2-хлорфенил)-1-(1-пентил-1Н-индол-3-ил)-этанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
260.	JWH-249 2-(2-бромфенил)-1-(1-пентил-1Н-индол-3-ил)-этанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
261.	JWH-250 2-(2-метоксифенил)-1-(1-пентил-1Н-индол-3-ил)-этанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
262.	JWH-251 2-(2-метилфенил)-1-(1-пентил-1Н-индол-3-ил)-этанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
263.	JWH-302 2-(3-метоксифенил)-1-(1-пентил-1Н-индол-3-ил)-этанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
264.	MDMB-CHMICA N-[[1-(циклогексилметил)-1Н-индол-3-ил] карбонил] -3-метил-L-валин, метил эфир*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
265.	RCS-8 1-(1-(2-циклогексилэтил)-1Н-индол-3-ил)-2-(2-метоксифенил)-этанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Бензоилиндоллар					
266.	AM-630 1-(2-(морфолин-4-ил)этил)-2-метил-3-(4-метоксибензоил)-6-йодоиндол*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
267.	AM-679 (2-йодофенил) (1-пентил-1Н-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
268.	AM-694 (1-(5-фторпентил) индол-3-ил)-(2-йодофенил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
269.	AM-1241 (2-йодо-5-нитрофенил)-(1-(1-метилпиперидин-2-илметил)-1Н-индол-3-ил) метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
270.	AM-2233 (2-йодофенил)-(1-((1-метилпиперидин-2-ил)метил)-1Н-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
271.	RCS-4 4-метоксифенил-(1-пентил-1Н-индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
272.	WIN-48,098 (4-метоксифенил)-(2-метил-1-(2-(4-морфолинил)этил)-1Н-индол-3-ил)-метанон*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Нафтилметилиндоллар					
273.	JWH-175 3-(1-нафталинилметил)-1-пентил-1Н-индол*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Циклопропоилиндоллар					
274.	A-796, 260 1-(2-морфолин-4-илэтил)-1Н-индол-3-ил)-(2,2,3,3-тетраметилциклопропил)-метанон*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
275.	A-834, 735 (1-(тетрагидро-2Н-пиран-4-илметил)-1Н-индол-3-ил)(2,2,3,3-тетраметилциклопропил)-метанон*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
276.	AB-005 (1-((1-метил-2-пиперидинил)метил)-1Н-индол-3-ил)(2,2,3,3-тетраметилциклопропил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
277.	5FUR-144 (1-(5-фторпентил)-1Н-индол-3-ил)(2,2,3,3-тетраметилциклопропил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
278.	UR-144 (1-пентил-1Н-индол-3-ил)-(2,2,3,3-тетраметил-циклопропил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
279.	XLR-11 (2,2,3,3-тетраметилциклопропил) (1-(5-фторпентил)-1Н-индол-3-ил)метанон	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
Адамантанилиндоллар					
280.	AKB-48 N-(адамантан-1-ил)-1-пентил-1H-индазол-3-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
281.	AM-1248 1-адамантил-(1-((1-метилпиперидин-2-ил)метил)индол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Индолкарбоксамидлар					
282.	Org 27569 5-хлоро-3-этил-N-(2-(4-пиперидин-1-илфенил)этил)-1H-индол-2-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
283.	Org 27759 N-(2-(4-(диметиламино) фенил) этил)-3-этил-5-фтор-1H-индол-2-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
284.	Org 29647 N-(1-4бензилпирролидин-3-ил)-5-хлоро-3-этил-1H-индол-2-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
285.	STS-135 1-(5-фторпентил)-N-трицикло(3,3,1,13,7)дек-1ил-1H-индол-3-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
286.	5F-MDMB-PICA (5F-MDMB-2201)	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
287.	5F-PB-22	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
IV. ЭЙКОЗАНОИДЛАР					
Анандамидлар					
288.	URB-597 (3'-(аминокарбонил) (1,1-бифенил)-3-ил)-циклогексилкарбамат*	2933 49 900 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
289.	URB-602 (1,1-бифенил)-3-ил-карбамин кислотаси, циклогексил эфири*	2924 19 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
V. БОШҚАЛАР					
Нафтоилпирроллар					
290.	JWH-145 Нафталин-1ил-(1-пентил-5-пентил-1H-пиррол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
291.	JWH-307 (5-(2-фторфенил)-1-пентил-1H-пиррол-3-ил)-нафталин-1-ил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
292.	JWH-309 1-нафталинил (5-(1-нафталинил)-1-пентил-1H-пиррол-3-ил)-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
293.	JWH-368 (5-(2-фторфенил)-1-пентил-1H-пиррол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
294.	JWH-369 (5-(2-хлорфенил)-1-пентил-1H-пиррол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
295.	JWH-370 (5-(2-метилфенил)-1-пентил-1H-пиррол-3-ил)-1-нафталинил-метанон*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Диарилпиразоллар					
296.	AM-251 (1-(2,4-дихлорфенил)-5-(4-йодофенил)-4-метил-N-1-пиперидинил-1H-пиразоле-3-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Пиразолкарбоксамидлар					
297.	AM-281 (1-(2,4-дихлорфенил)-5-(4-йодофенил)-4-метил-N-4-морфолинил-1H-пиразол-3-карбоксамид*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Пирролобензоксазинлар					
298.	WIN-55,212-2 (R)-(+)-(2,3-дигидро-5-метил-3-(4-морфолинилметил)-пирроло(1,2,3-де)-1,4-бензоксазин-6-ил)-1-нафталинил-метанон*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Алкиламидлар					
299.	AM-3102 N-((1R)-2-гидрокси-1-метилэтил-9Z-октадеценамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори …гача … ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
300.	URB-754 6-метил-2-((4-метилфенил) амино)-1-бензоксазин-4-он*	2921 49 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Тетраметилциклопропилкарбоксамидлар					
301.	A-836, 339 N-(3-(2-метоксиэтил)-4,5-диметил-1,3-тиазол-2-илиден)-2,2,3,3-тетраметилциклопропан-карбоксамид*	2934 99 800 0	0,1	0,1— 0,5	0,5
Оксихинолинкарбоксамидлар					
302.	JTE-907 N-(бензо(1,3)диоксол-5-илметил)-7-метокси-2-оксо-8-пентилокси-1,2-дигидрохинолин-3-карбоксамид*	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Нафтилметилинденлар					
303.	CB-13 1-нафталинил(4-(пентилокси)-1-нафталинил)-метанон*	2914 50 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
304.	CRA-13 1-нафталинил(4-пентилокси)-1-нафталинил)-метанон*	2914 50 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
Индазолкарбоксамидлар					
305.	AB-CHMINACA N-[1-(аминокарбанил)-2-метилпропил]-1-(циклогексилметил)-1H-индазол- 3-карбоксамид*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
306.	5F-APINACA (5F-AKB-48) N-(Адамантан-1-ил)-1-(5-фторпентил)-1H-индазол-3-карбон кислотаси*	2933 99 800 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
307.	AB-FUBINACA	2933 99 800 8	0,1	0,1-0,5	0,5
308.	ADB-FUBINACA	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
309.	FUB-AMB (MMB-FUBINACA, AMB-FUBINACA	2933 99 800 8	0,1	0,1-0,5	0,5
310.	5-F-AMB-PINACA (5F-AMB, 5F-MMB-PINACA)	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
311.	4-F-MDMB-BINACA (4F-MDMB-BUTINACA, 4F-ADB)	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
312.	CUMYL-4CN-BINACA	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
313.	ADB-CHMINACA (MAB-CHMINACA)	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
314.	5F-ADB/5F-MDMB-PINACA	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
315.	AB-PINACA	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
316.	MDMB-4en-PINACA	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
317.	ADB-BUTINACA	2933 39 980 0	0,1	0,1-0,5	0,5
Карболинлар					
318.	CUMYL-PEGACLONE (Цумил-пегаклон)	2933 39 980 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
VI. ГИБРИД КАННАБИНОИДЛАР					
319.	AM-4030 (6S,6aR,9R,10R)-9-(гидроксиметил)-6-((E)-3-гидроксипроп-1-енил)-6-метил-3-(2-метилоктан-2-ил)-6a,7,8,9,10,10a-гексагидробензохромен-1-ол*	2932 99 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
320.	CP-80633 5-(3-((1S,2S,4R)-бицикло (2,2,1гепт-2-ил-окси)-метоксифенил)-тетрагидро-2-(1H)-пиримидинон*	2933 59 950 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5

Изоҳ.

Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситасининг ёки унинг аналогларини кўп бўлмаган миқдордан кам миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган "оз миқдор" деб ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолатларда назорат татбиқ этилади:

ушбу рўйхатда келтирилган барча моддалар ва воситалар, шу билан бирга уларнинг аналоглари қандай савдо номи (синонимлари) билан белгиланганидан қатъи назар;

ушбу рўйхатга киритилган ва маҳсулот билан бир хил назорат чораларига эга бўлган ҳар қандай маҳсулотни ўз ичига олган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;

ушбу рўйхатда келтирилган гиёҳвандлик воситаларининг изомерлари (агар улар аниқ чиқариб ташланмаган бўлса), ушбу кимёвий белги доирасида бундай изомерларнинг мавжудлиги мумкин бўлган ҳолларда;

ушбу рўйхатда келтирилган гиёҳвандлик воситаларининг мураккаб ва оддий эфирлари;

ушбу рўйхатда "" белгиси билан белгиланган гиёҳвандлик воситалари, ҳар қандай тўлдирувчилар борлигидан қатъи назар;*

*ушбу рўйхатда "**" белгиси билан белгиланган барча гиёҳвандлик воситаларининг тузлари ва асослари, агар бундай тузларнинг мавжудлиги мумкин бўлса;*

ушбу рўйхатдаги гиёҳванд моддаларни сақловчи барча аралашмалар, уларнинг миқдоридан қатъи назар.

Гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари тампон, дока, бинт ва бошқа материалларга шимдирилган кўринишда бўлса, материалдаги гиёҳвандлик воситаси ва уларнинг аналогларининг экстракцияси амалга оширилади ҳамда унинг миқдори қуруқ қолдигига кўра аниқланади.

Ушбу рўйхатда келтирилган битта гиёҳванд моддасини сақловчи барча суюқликлар ва эритмалар учун уларнинг миқдори + 70 °С...+ 110 °С ҳароратда доимий массагача қуритгандан кейин қуруқ қолдиқнинг массаси билан белгиланади.

Замбуруғларнинг мевали танасининг миқдори у доимий оғирликкача қуритилгандан сўнг аниқланади.

Гиёҳвандлик воситалари аналогларининг миқдорлари (граммларида) уларнинг аналоглари бўлган гиёҳвандлик воситалари билан бир хил бўлиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
8-илова

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг РЎЙХАТИ (II рўйхат)

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори …гача … ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
1.	Алфентанил	2933 33 000 9	0,0005	0,0005 — 0,003	0,003
2.	р-Аминопропиофенон (PAPP) ва унинг оптик изомерлари (цианидларга қарши антидот)	2922 39 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
3.	Амобарбитал	2933 53 900 0	0,6	0,6 — 6,0	6,0
4.	Амфепрамон	2922 31 000 0	0,125	0,125 — 1,25	1,25
5.	Амфетамин ва фенамин (амфетамин) сақловчи комбинирланган дори воситалари*	2921 46 000 0 3004	0,02 1 мл	0,02 — 0,3 1 — 10 мл	0,3 10 мл
6.	Бупренорфин	2939 11 000 0	0,0012	0,0012 — 0,012	0,012
7.	Буторфанол	2933 49 900 0	0,004	0,004 — 0,04	0,04
8.	Глутетимид*	2925 12 000 0	1,0	1,0 — 2,5	2,5
9.	Декстроморамид	2934 91 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
10.	Декстропропоксифен	2922 14 000 0	0,6	0,6 — 3,0	3,0
11.	Дигидрокодеин	2939 11 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
12.	Дифеноксилат	2933 33 000 9	0,1	0,1 — 0,5	0,5
13.	Кодеин*	2939 11 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
14.	Кодеин фосфат	2939 11 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
15.	Кокаин*-**	2939 72 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
16.	Кокаин гидрохлорид	2939 72 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
17.	Кодеин N-оксид	2939 19 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
18.	Левамфетамин	2921 46 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
19.	Морфин*	2939 11 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
20.	Морфин гидрохлорид	2939 11 000 0 3004 49 000 8	0,01	0,01 — 0,1	0,1
21.	Морфин сульфат	2939 11 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
22.	Морфилонг	3004 39 000 8	0,01	0,01 — 0,1	0,1
23.	Налбуфин гидрохлорид	3004 49 000 8 2939 19 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
24.	Омнопон	3004 49 000 8	0,01	0,01 — 0,1	0,1
25.	Пентазоцин	2933 33 000 9	0,1	0,1 — 0,5	0,5

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор	кўп миқдор
				дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	юқори
26.	Пиритрамид	2933 33 000 9	0,06	0,06 — 0,3	0,3
27.	Просидол	2933 39 980 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
28.	Ацетилдигидрокодеин, дигидрокодеин, никодикодин, никокодин, норкодеин, фолькодин, этилморфин препаратлари, ушбу препаратлар бир ёки бир нечта ингредиентлар билан бириккан, бир дозасида 100 мг дан кўп бўлмаган гиёҳвандлик воситасини сақлаган, шунингдек, қисмларга ажратилмаган препаратларда концентрацияси 2,5% дан кўп бўлмаслик шарти билан	3004 49 000 8	0,1	0,1 — 1,0	1,0
29.	Бир дозасида 100 мг дан кўп бўлмаган пропирам сақлаган ва ҳеч бўлмаганда шунча миқдордаги метилцеллюлоза билан бириккан пропирамнинг преапаратлари	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,1	0,1 — 1,0	1,0
30.	Оғиз орқали қабул қилинадиган, бир дозасида 135 мг дан кўп бўлмаган ёки қисмларга ажратилмаган препаратларда концентрацияси 2,5% дан кўп бўлмаган декстропропоксифен сақлаган препаратлар, ушбу препаратлар 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенцияга асосан назоратга олинган бирор бир модда сақламаслик шарти билан	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,135	0,135 — 1,35	1,35
31.	Бир ёки бир неча ингредиентлар билан бириккан ва таркибидаги гиёҳвандлик воситасини бу препаратдан осон ажратиб олиш мумкин бўлмаслиги ёки аҳоли соғлиғи учун хавф туғдира олмайдиган миқдорда бўлган кокаин асосга қайта ҳисоблаганда 0,1% дан кўп бўлмаган кокаин сақлаган кокаин препаратлари, шунингдек, сувсиз морфин-асосга қайта ҳисоблаганда 0,2% дан кўп морфин сақлаган опий ва морфин препаратлари	3004 49 000 8	0,001	0,001 — 0,01	0,01
32.	Бир дозасида 0,5 мг дан кўп бўлмаган дифеноксин ва ҳеч бўлмаганда 5 фоиз дифеноксин дозасига эквивалент бўлган миқдордаги атропин сульфат сақлаган дифеноксин препаратлари	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,0005	0,0005 — 0,005	0,005
33.	Бир дозаси таркибида 2,5 мг дан кўп бўлмаган дифеноксилат ва атропин сульфат сақловчи дифеноксилат бирлигига камида 1% га тенг миқдордаги дифеноксилат препаратлари	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,0025	0,0025 — 0,025	0,025
34.	Препаратлар: Pulvis ipecacuanhae et opii compositus 10% опий кукуни, 10% ипекакуана илдизи кукуни, 80% бошқа ҳар қандай гиёҳвандлик воситаси сақламаган ингредиентлар кукуни билан аралаштирилган препаратлар	3004 49 000 8	0,01	0,01 — 1,0	1,0

Т/р	Гиёҳвандлик воситаси номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
35.	Ушбу рўйхатда кўрсатилган ҳар қандай формулага мувофиқ тайёрланган ва гиёҳвандлик воситалари сақламаган ҳар қандай моддалар билан аралаштирилган препаратлар	3004	Препаратлар таркибида қандай гиёҳвандлик воситаси мавжуд бўлишидан келиб чиққан ҳолда, тегишли гиёҳвандлик воситасига белгиланган миқдорлардаги		
36.	Реазек	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,0025	0,0025 — 0,025	0,025
37.	Ремифентанил	2933 39 980 0 3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,002	0,002 — 0,01	0,01
38.	Тилидин суппозиторийлари турли дозаларда	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,1	0,1 — 0,5	0,5
39.	Сомбревин	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,05	0,05 — 0,25	0,25
40.	Суфентанил	2934 91 000 0 3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
41.	“Алнагон” таблеткалари (кодеин фосфат 20 мг, кофеин 80 мг., фенобарбитал 20 мг, ацетилсалицил кислотаси 20 мг)	3004 49 000 8	0,2	0,2 — 1,0	1,0
42.	Таркибида 8 мг дан юқори бўлган миқдорда кодеин ёки унинг тузларини сақловчи комбинирланган дори воситалари (қаттиқ дори шаклининг 1 дозаси учун) ёки 80 мг дан юқори миқдоридаги (суюқ дори шаклининг 100 мл ёки 100 г учун)	3004 49 000 8	0,1	0,1 — 1,0	1,0
43.	Тебаин	2939 11 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
44.	Тилидин	2922 44 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
45.	Трамадол	2922 50 000 0	0,01	0,01 — 0,1	0,1
46.	Тримеперидин	2933 33 000 9 3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,03	0,03 — 0,1	0,1
47.	Фентанил	2933 33 000 9	0,0002	0,0002 — 0,0006	0,0006
48.	Фенметразин	2934 91 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
49.	Ципепрол	2933 59 950 0	0,5	0,5 — 1,5	1,5
50.	Этилморфин	2939 11 000 0	0,1	0,1 — 0,2	0,2
51.	Эскодол	3004 49 000 8	0,5	0,5 — 2,5	2,5
52.	Этилморфин гидрохлорид	2939 11 000 0	0,1	0,1 — 0,2	0,2
53.	Этаминал-натрия (Пентобарбитал) *	2933 53 900 0	0,6	0,6 — 6,0	6,0
54.	Тапентадол 3-[1R, 2R)-3-(диметиламино)-1-этил-2-метилпропил] фенол	3004 90 000 2	0,5	0,5 — 5,0	5,0

Изоҳ.

Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситасининг ёки унинг аналогларини кўп бўлмаган миқдордан кам миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган "оз миқдор" деб ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолатларда назорат татбиқ этилади:

ушбу рўйхатда келтирилган барча моддалар ва воситалар, шу билан бирга уларнинг аналоглари қандай савдо номи (синонимлари) билан белгиланганидан қатъи назар;

ушбу рўйхатда келтирилган гиёҳвандлик воситаларининг изомерлари (агар улар аниқ чиқариб ташланмаган бўлса), бундай кимёвий изомерларнинг мавжудлиги мумкин бўлган ҳолларда;

ушбу рўйхатда келтирилган гиёҳвандлик воситаларининг мураккаб ва оддий эфирлари;

ушбу рўйхатда "" белгиси билан белгиланган барча гиёҳвандлик воситаларининг тузлари ва асослари, агар бундай тузларнинг мавжудлиги мумкин бўлса;*

ушбу рўйхатда келтирилган гиёҳвандлик воситасини сақловчи барча дори воситаларнинг дори шакллари, аралашмалари ва эритмалари, уларнинг нейтрал компонентлари (сув, крахмал, шакар, бикарбонат натрий, тальк ва б.) мавжудлигидан қатъи назар бўлган препаратлар;

*бу рўйхатда "**" белгиси билан белгиланган гиёҳвандлик воситалари, ҳар қандай тўлдирувчилар борлигидан қатъи назар;*

Комбинирланган дори воситаси таркибида гиёҳвандлик воситаси мавжуд бўлган ҳолатда унинг назорати муомаласи чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатида номаланиши ва таркиби жиҳатдан мос келувчи гиёҳвандлик воситасининг назорати каби амалга оширилади.

Таркибида бир нечта муомаласи чекланган гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддалар ва/ёки прекурсорлардан иборат комбинирланган дори воситаларининг назорати, унинг таркибида энг кўп миқдор сақловчи назоратга олинган модда (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки прекурсорлар)нинг назорати каби амалга оширилади.

Ноқонуний муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналогларини кўп бўлмаган, кўп бўлмаган миқдордан ошувчи ва кўп миқдорларини аниқлашда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари тампон, дока, бинт ва бошқа материалларга шимдирилган кўринишда бўлса, материалдаги гиёҳвандлик воситаси ва уларнинг аналогларининг экстракцияси амалга оширилади ҳамда унинг миқдори қуруқ қолдиғига кўра аниқланади.

Гиёҳвандлик воситалари аналогларининг миқдорлари (граммларида) уларнинг аналоглари бўлган гиёҳвандлик воситалари билан бир хил бўлиши белгиланади.

** Гиёҳвандлик воситаси халқаро назоратга олинган моддалар рўйхатига киритилган.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
9-илова

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг РЎЙХАТИ (III рўйхат)

Т/р	Психотроп моддалар номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
1.	Аллобарбитал*	2933 53 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
2.	Алпразолам*	2933 91 900 0	0,003	0,003 — 0,03	0,03
3.	Аминептин	2922 49 850 0	0,003	0,003 — 0.03	0,03
4.	Аминорекс*	2934 91 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
5.	Апрофен	3004 90 000 2 3004 90 000 8	0,5	0,5 — 2,5	2,5
6.	Баклофен	3004 90 000 2 2922 49 850 0	0,06	0,06 — 0,6	0,6
7.	Барбитал*	2933 53 100 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
8.	Барбитал натрий	2933 53 100 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
9.	Бензфетамин*	2921 46 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
10.	Бромазепам*	2933 33 000 9	0,06	0,06 — 0,6	0,6
11.	Бромизовал	2924 21 000 0	3,0	3,0 — 30,0	30,0
12.	Бротизолам	2934 91 000 0	0,003	0,003 — 0.03	0,03
13.	Буталбитал*	2933 53 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
14.	Бутобарбитал*	2933 53 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
15.	Винилбитал*	2933 53 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
16.	Галазепам*	2933 91 900 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
17.	Галоксазолам*	2934 91 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
18.	Галотан	2903 79 800 0	0,025	0,025 — 0,25	0,25
19.	Делоразепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
20.	Диазепам*	2933 91 900 0	0,06	0,06 — 0,6	0,6
21.	Дроперидол	2933 29 900 0	0,05	0,05 — 0,25	0,25
22.	Зопиклон	3004 90 000 2 2933 59 950 0	0,06	0,06 — 0,6	0,6
23.	Камазепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
24.	Кетазолам*	2934 91 000 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
25.	Кетамин	2922 39 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
26.	Клобазам*	2933 72 000 0	0,08	0,08 — 0,8	0,8
27.	Клоксазолам*	2934 91 000 0	0,15	0,15 — 0,75	0,75

Т/р	Психотроп моддалар номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
28.	Клоназепам*	2933 91 900 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
29.	Клоразепат*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
30.	Клотиазепам*	2934 91 000 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
31.	Клонидин гидрохлорид*	2933 29 900 0	0,00375	0,00375 — 0,015	0,015
32.	Левометамфетамин*	2939 45 000 0	0,15	0,15 — 1,5	1,5
33.	Лефетамин*	2921 46 000 0	0,01	0,01 — 0,05	0,05
34.	Лопразолам*	2933 55 000 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
35.	Лоразепам*	2933 91 900 0	0,015	0,015 — 0,15	0,15
36.	Лорметазепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
37.	Мазиндол*	2933 91 900 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
38.	Медазепам*	2933 91 900 0	0,06	0,06 — 0,6	0,6
39.	Мидазолам*	2933 91 900 0	0,06	0,06 — 0,6	0,6
40.	Мезокарб*	2934 91 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
41.	Мепробамат*	2924 11 000 0	3,0	3,0 — 30,0	30,0
42.	Каризопродол CARISOPRODOL	2924 19 000 0	3,0	3,0 — 30,0	30,0
43.	Метилфенобарбитал* (мефобарбитал)	2933 53 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
44.	Метиприлон*	2933 72 000 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
45.	Мефенорекс*	2921 46 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
46.	Натрий оксибутират	2915 60 190 0	10,0	10,0 — 60,0	60,0
47.	Ниметазепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
48.	Нитразепам*	2933 91 900 0	0,03	0,03 — 0,3	0,3
49.	Нордазепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
50.	Оксазепам*	2933 91 900 0	0,1	0,1 — 1,0	1,0
51.	Оксазолам*	2934 91 000 0	1,0	1,0 — 5,0	5,0
52.	Пемолин*	2934 91 000 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
53.	Пиназепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
54.	Випрадрол*	2933 33 000 9	0,2	0,2 — 1,0	1,0
55.	Пировалерон*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
56.	Празепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
57.	Псевдоэфедрин*	2939 42 000 0	0,3	0,3 — 3,0	3,0
58.	Таркибида псевдоэфедрин 10 мг дан юқори бўлган комбинирланган дори воситалари (қаттиқ дори шаклининг 1 дозаси учун), ёки 10 мг дан юқори (суюқ дори шаклининг 5 мл ёки 5 гр. учун)	3004 42 000 0	0,3 .	0,3 — 3,0	3,0
59.	Метамфетамин рацемати*	2939 45 000 0	0,02	0,02 — 0,15	0,15

Т/р	Психотроп моддалар номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
60.	Секбутабарбитал*	2933 53 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
61.	Темазепам*	2933 91 900 0	0,3	0,3 — 1,5	1,5
62.	Тетразепам*	2933 91 900 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
63.	Тиопентал натрий	2933 54 000 0	1,0	1,0 — 10,0	10,0
64.	Триазолам*	2933 91 900 0	0,00075	0,00075 — 0,005	0,005
65.	Тригексифенидил гидрохлорид	2933 39 980 0	0,02	0,02 — 0,1	0,1
66.	Феназепам	2933 99 800 8	0,01	0,01 — 0,1	0,1
67.	Фендиметразин*	2934 91 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
68.	Фенкамфамин*	2921 46 000 0	2,0	2,0 — 10,0	10,0
69.	Фенобарбитал*	2933 53 100 0	1,0	1,0 — 10,0	10,0
70.	Фенпропорекс*	2926 30 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
71.	Фентермин*	2921 46 000 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
72.	Фепросиднин гидрохлорид	2934 99 800 0	0,1	0,1 — 0,6	0,6
73.	Флудиазепам*	2933 91 900 0	0,1	0,1 — 0,5	0,5
74.	Флунитразепам*	2933 91 900 0	0,02	0,02 — 0,2	0,2
75.	Флуразепам*	2933 91 900 0	0,3	0,3 — 1,5	1,5
76.	Хлордиазепоксид*	2933 91 100 0	0,05	0,05 — 0,5	0,5
77.	Цефедрин	2939 49 000 0	1,0	1,0 — 10,0	10,0
78.	Циклобарбитал*	2933 53 900 0	0,6	0,6 — 6,0	6,0
79.	Эстазолам*	2933 91 900 0	0,2	0,2 — 1,0	1,0
80.	Этиламфетамин*	2921 46 000 0	0,5	0,5 — 2,5	2,5
81.	Этиллофлазепат*	2933 91 900 0	1,5	1,5 — 7,5	7,5
82.	Этинамат*	2924 24 000 0	1,0	1,0 — 5,0	5,0
83.	Этхлорвинол*	2905 51 000 0	1,0	1,0 — 5,0	5,0
84.	Эфедрин гидрохлорид	2939 41 000 0	0,25	0,25 — 2,5	2,5
85.	Золпидем (INN)	2933 99 800 8	0,06	0,06 — 0,6	0,6
86.	GHB (γ-оксимой кислотаси)	2915 60 190 0	10,0	10,0 — 60,0	60,0
87.	Флуалпразолам	2933 91 900 0	0,00075	0,00075-0,005	0,005
88.	Этизолам	2934 99 800 0	0,003	0,003-0,03	0,03
89.	Клоназолам	2933 99 800 8	0,02	0,02-0,2	0,2
90.	Диклазепам, Хлордиазепам	2933 39 980 0	0,06	0,06-0,6	0,6

Т/р	Психотроп моддалар номи	ТИФ ТН коди	Ноқонуний муомалада аниқланган ҳолатларда жиноий ҳаракатни квалификация қилиш учун миқдорлар (граммда)		
			кўп бўлмаган миқдор	озгинадан кўпроқ миқдор дан юқори ...гача ... ҳам қўшиб	кўп миқдор юқори
91.	Flubromazolam (Флубромазолам)	2933 99 800 8	0,003	0,003-0,03	0,03
92.	Бромазолам	2933 99 800 8	0,003	0,003 — 0,03	0,03
93.	Таркибида 50 мг дан юқори бўлган миқдорда фенобарбитал сақловчи комбинирланган дори воситалари (қаттиқ дори шаклининг 1 дозаси учун) ёки 2 г. дан юқори миқдоридаги (суюқ дори шаклининг 100 мл ёки 100 г учун)	2933 53 100 0	1,0	1,0 — 10,0	10,0

Изоҳ.

Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган психотроп моддаларнинг кўп бўлмаган миқдордан кам миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида назарда тутилган "оз миқдор" деб ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолатларда назорат татбиқ этилади:

ушбу рўйхатда келтирилган барча моддалар ва воситалар, қандай савдо номи (синонимлари) билан белгиланганидан қатъи назар;

ушбу рўйхатда келтирилган психотроп моддаларининг изомерлари (агар улар аниқ чиқариб ташланмаган бўлса), бундай кимёвий изомерларнинг мавжудлиги мумкин бўлган ҳолларда;

ушбу рўйхатда келтирилган психотроп моддаларининг мураккаб ва оддий эфирлари;

ушбу рўйхатда келтирилган барча психотроп моддаларининг тузлари ва асослари, агар бундай тузларнинг мавжудлиги мумкин бўлса;

ушбу рўйхатдаги психотроп моддаларининг миқдорлари ва уларнинг нейтрал компонентлари (сув, крахмал, шакар, бикарбонат натрий, тальк ва б.) мавжудлигидан қатъи назар бўлган препаратлар;

Комбинирланган дори воситаси таркибида психотроп моддаси мавжуд бўлган ҳолатда унинг назорати муомаласи чекланган психотроп моддалари рўйхатида номланиши ва таркиби жиҳатдан мос келувчи жиҳатдан мос келувчи психотроп моддасининг назорати каби амалга оширилади.

Таркибида бир нечта муомаласи чекланган гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддалар ва/ёки прекурсорлардан иборат комбинирланган дори воситаларининг назорати, унинг таркибида энг кўп миқдор сақловчи назоратга олинган модда (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки прекурсорлар)нинг назорати каби амалга оширилади.

Асосий назорат қилинадиган психотроп моддалардан ташқари бошқа фармакологик фаол таркибий қисмларни ўз ичига олган комбинирланган дори воситаларига нисбатан назорат ўрнатилиши ушбу комбинирланган дори воситаларни рўйхатга киритиш орқали алоҳида белгиланади.

** Психотроп модда халқаро назоратга олинган моддалар рўйхатига киритилган.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
10-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари
РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида” 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон Фармони)” 2017 йил 9 октябрдаги 810-сон қарорига 1-илованинг 29-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармони)” 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 83-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 16 августдаги 524-сон қарорига 1-илованинг 9-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфратузилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарорига илованинг 10-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 19 августдаги 399-сон қарорига илованинг 1-банди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 359-сон қарорига
11-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандниng учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига бевосита ёки почта алоқа воситаси орқали буюртма хат билан тақдим этилади. Ушбу ҳолатда почта штемпелида қўйилган сана ҳисоботни тақдим этиш санаси ҳисобланади”;

б) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси киритилган ҳисоботлар асосида йиғма ҳисобот тузади ва уни илова қилинаётган шакллар бўйича Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси билан келишган ҳолда БМТнинг Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитасига тақдим этади”;

в) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига тақдим этиладиган маълумотлар махфий ҳисобланади, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида” 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарорида:

а) 3-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 4 октябрдаги 631-сон қарорида:

а) муқаддима ва 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 6 майдаги ПФ – 73-сон ва “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ – 111-сон фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 6 майдаги ПФ – 73-сон ва “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ – 111-сон фармонлари билан:

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) таркиби ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссиялар) намунавий таркиби тасдиқлангани;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин”;

б) 5-бандниng биринчи хатбошисидаги “Миллий марказ” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори зиммасига юклансин”;

г) 1-илованиng 12-банди “г” кичик бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 4 октябрдаги 632-сон қарорида:

а) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов зиммасига юклансин”;

б) 1-иловада:

1-иловада:

номидаги “Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

матнидаги “Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси раиси” сўзлари “Директор” сўзи билан алмаштирилсин;

2-иловада:

номидаги “Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

матнидаги “Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси раиси” сўзлари “Директори” сўзи билан алмаштирилсин;

3-иловада:

номидаги “Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси” сўзлари чиқариб ташлансин;

матнидаги “Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси раиси” сўзлари “Директори” сўзи билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

26 (1254)-son
660-modda

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 2 » iyul № 362 Toshkent sh.

Сув фонди ерларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали реализация қилиш фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида” 2024 йил 7 майдаги ПФ–74-сон ҳамда “Сув хўжалиги соҳасида бозор механизмларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 26 майдаги ПФ–99-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув хўжалиги соҳасида бозор механизмларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 26 майдаги ПФ–99-сон Фармонига мувофиқ сув фонди ерларини ижарага беришда Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Давлат муассасаси) ягона буюртмачи этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Давлат муассасасини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

сув фонди ерларида ер тузиш, лойиҳа, геодезия, хатлов, маркшейдерлик хизматларини кўрсатиш ва ушбу ер участкаларининг ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдоларида реализация қилиш орқали тушадиган тушумлар ҳамда ижара ҳақи маблағлари;

дарёлар ўзанларини тозалаш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион савдоларида реализация қилиш орқали тушадиган тушумлар ҳамда дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материаллари учун тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган маблағлар;

сув омборлари ва сел-сув омборлари, каналлар, коллекторлар, табиий кўллар ҳамда гидротехника иншоотларини тупроқ материалларидан тозалаш ишларига ташаббускор тадбиркорлик субъектларини энг яхши таклифлари асосида тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб қилиш орқали тушадиган тушумлар;

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

Сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Давлат муассасасининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитига жойлаштириш ҳисобидан тушадиган фоиз тарзидаги даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Давлат муассасаси маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

давлат муассасасини сақлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда моддий-техник таъминлаш, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, махсус техникаларни харид қилиш, ишлатиш ва таъмирлаш;

давлат муассасаси ходимлари малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг хизмат сафарлари, шу жумладан, хорижий давлатларга хизмат сафарлари ҳамда бошқа тадбирларда иштирок этиш харажатларини қоплаш;

сув фонди ерларида ер тузиш, лойиҳа, геодезия, хатлов ва маркшейдерлик ишларини бажариш ҳамда дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш, мажбурий суғурталаш, сув объектлари ва уларнинг фойдаланишидаги ер участкаларини ижарага бериш ва бошқа харажатларни молиялаштириш;

Сув хўжалиги вазирлигининг сўровига асосан Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига маблағлар ўтказиш.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг ўрганиш далолатномаларига асосан сел тошқини хавфи мавжуд дарёлардан шартномага мувофиқ норуда материалларни қазиб олиш ҳажмларини якунига етказмаган тадбиркорлик субъектларига, истисно тариқасида, норуда материалларни тўлиқ қазиб олишга рухсат берилсин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 августга қадар Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази буюртмасига асосан сув фонди ерларини ижарага бериш учун материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишиш, ижара шартномасини расмийлаштириш ҳамда ижарага берилган сув фонди ерлари ҳисоботини онлайн юритиш имконини берувчи “Suv-yer-ijara” ахборот тизими ишга туширилишини, шунингдек, “Raqamli suv xo‘jaligi” ягона ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

6. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш ва сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 362-сон қарорига
1-илова

Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш ва сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Сув хўжалиги вазирлиги) ҳисобидаги очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларининг аҳоли гавжум ҳудудлар, шунингдек, магистрал йўлларга туташ ҳудудларда жойлашган қисмини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомда назарда тутилган очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси, Ер кодекси ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

балансда сақловчи – ижарага бериладиган сув фонди ер участкаси ва унда жойлашган сув хўжалиги объекти бириктирилган юридик шахс;

буюртмачи – сув фонди ер участкасини ижарага бериш бўйича савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдосини ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида буюртма юборган юридик шахс;

“E-auksion” электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда – электрон савдо платформаси) – электрон онлайн-аукцион савдолари ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, истаги бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай аукцион ва танловлар жараёнига кириш ҳамда уларда қатнашиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

ёпиқ-ётиқ дренаж – дренаж сувларини тўплашга ҳамда суғориладиган майдонлар, аҳоли пунктлари, гидротехника иншоотларидан ташқарига чиқариб ташлашга мўлжалланган ёпиқ-ётиқ турдаги сув хўжалиги объекти;

коллектор-дренаж тармоғи – ерости сизот сувларини ва ташлама сувларни тўплаш ҳамда чиқариб ташлашга мўлжалланган очиқ ва ёпиқ турдаги сув хўжалиги объекти;

коллектор-дренаж сувлари – ерости сизот сувлари ва ташлама сувлар;

коллектор – асосан дренаж ва ташлама сувларни қабул қилиш ҳамда узатишга, шунингдек, суғориладиган майдонлардан ташқарига чиқариб ташлашга мўлжалланган сув хўжалиги объекти (иншоотлар билан бирга);

лот – буюртмачи томонидан электрон савдо платформасида ижарага бериш учун савдога қўйилган сув фонди ер участкаси;

оператор – электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдоларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш" акциядорлик жамияти;

очиқ дренаж – ёпиқ-ётиқ дренаж сувларини тўплаш ҳамда суғориладиган майдондан ташқарига чиқаришга мўлжалланган очиқ турдаги сув хўжалиги объекти (иншоотлар билан бирга);

электрон онлайн-аукцион савдоси ғолиби – лот бўйича энг юқори ижарага олиш нархини тасдиқлаб, ғолиб деб эътироф этилган иштирокчи.

3. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ ижарага берилади.

4. Ушбу Низом сув хўжалиги, коммунал хизматлар, шаҳарсозлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар учун тегишлилиги бўйича мажбурий ҳисобланади.

5. Ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда экологик талабларга мувофиқ лойиҳалаштирилиши ва қурилиши лозим.

2-боб. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш

6. Туман (шаҳар) ҳокимликлари сув объектини балансда сақловчи ташкилотлар билан биргаликда очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига мурожаат қилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган лойиҳа таклифларини умумлаштириб, "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасасига (кейинги ўринларда – давлат муассасаси) мурожаат қилади.

8. Давлат муассасаси очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш тўғрисидаги ҳужжатларни ўрганиб чиқади, ўрганиш натижаларининг ижобий хулосаси асосида дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун электрон савдо платформасида

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага беришга розилик беради ёки асосларни кўрсатган ҳолда рад этади.

9. Розилик берилган лойиҳа таклифлари давлат муассасаси томонидан белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун уч иш куни ичида “ЎзГИП” МЧЖ ёки “Сувлойиҳа” МЧЖга тақдим этилади.

Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари беш иш куни ичида “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва Давлат экологик экспертизаси марказига экспертиза хулосасини олиш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

Бунда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат муассасасининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

10. Давлат муассасаси ёпиқ-ётиқ дренажларнинг сув фонди ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришда бошланғич нархга лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда экспертиза хулосаси учун сарфланган маблағларни қўшиб ҳисоблайди.

11. Оператор давлат муассасаси томонидан ижарага бериладиган сув фонди ер участкалари бўйича электрон онлайн-аукцион савдоларини Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ўтказади.

12. Балансда сақловчи электрон онлайн-аукцион савдоси ғолибига сув фонди ер участкасининг чегаралари жойини белгилаб, уни ажратиб беради ҳамда ушбу ер участкасини ажратиш бўйича тегишли далолатномани расмийлаштиради.

13. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари электрон онлайн-аукцион савдоси ғолиби томонидан амалга оширилади.

14. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларининг сув фонди ер участкаларидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарори асосида аввалдан фойдаланиб келаётган юридик шахсларга ушбу ер участкалари Мелиоратив экспедицияларнинг ижобий хулосаси асосида тўғридан-тўғри ўн йил муддатгача ижарага берилади.

15. Тадбиркорлик субъектларига ижарага бериладиган сув фонди ер участкаларининг ижара ҳақи қиймати Сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда кўрсатилган миқдорларда белгиланади.

3-боб. Маблағлар тақсимоти

16. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон савдо платформасида реализация қилишдан тушадиган маблағлар лойиҳа ва экспертиза харажатлари чегириб қолинган ҳолда қуйидагича тақсимланади:

40 фоизи – балансда сақловчи ташкилотга;

40 фоизи – Давлат муассасасига;

10 фоизи – Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг марказига;

10 фоизи – “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖга.

4-боб. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантиришда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва назорат қилиш

17. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари электрон онлайн-аукцион савдолари ғолиби томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган параметрларда амалга оширилади.

18. Электрон онлайн-аукцион савдолари ғолиби очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш бўйича қурилиш-монтаж ишларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширади.

19. Лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган параметрларда қурилиш-монтаж ишларининг амалга оширилиши ҳудудий “Сувқурилишинвест” давлат муассасаси томонидан доимий мониторинг қилиб борилади.

Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш ҳолатлари аниқланганда, электрон онлайн-аукцион савдоси ғолибига ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан огоҳлантириш хати юборилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион савдоси ғолиби огоҳлантириш хатида кўрсатилган камчиликларни ўн кун ичида тўлиқ бартараф этиши шарт.

20. Электрон онлайн-аукцион савдоси ғолиби очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш бўйича қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ якунлаганидан сўнг коллектор-дренаж тармоқларини балансда сақловчи ташкилот билан далолатнома расмийлаштиради.

Далолатномада қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига мослиги бўйича маълумотлар акс эттирилади.

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

5-боб. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантиришда сув фонди ер участкаларидан фойдаланиш

21. Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкаларининг ер тоифасини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

22. Ижарага берилган сув фонди ер участкаси ҳудудида ёпиқ-ётиқ дренажларни соз ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари (лойиҳа-смета ҳужжатида кўрсатилган) электрон онлайн-аукцион савдолари ғолиби томонидан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

23. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш ва сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш орқали пайдо бўлган сув фонди ер участкаларини ижарага бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман ва шаҳар ҳокимликлари, балансда сақловчи ташкилотлар	Келиб тушган таклифлар асосида очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига киритади.	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантириш тўғрисида давлат муассасасига хат билан мурожаат қилади.	Беш иш кунида
3-босқич	“Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси	Лойиҳа таклифларини белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун “ЎзГИП” МЧЖ ёки “Сувлойиҳа” МЧЖга тақдим этади.	Уч иш кунида
4-босқич	“Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси	Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларини “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ва Давлат экологик экспертизаси марказига экспертиза хулосасини олиш учун белгиланган тартибда тақдим этади.	Беш иш кунида
5-босқич	“Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси	Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ёпиқ-ётиқ дренажларнинг сув фонди ер участкаларини “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали очиқ электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаради.	Уч иш кунида
6-босқич	Электрон онлайн-аукцион савдоси ғолиби	Очиқ турдаги коллектор-дренаж тармоқларини ёпиқ-ётиқ дренажларга айлантиради.	Белгиланган муддатда

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 2 ” июлдаги 362-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида” 2018 йил 3 декабрдаги 981-сон қарорида:

а) номидаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

номидаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандниng тўртинчи хатбошисидаги “дарёлар” сўзи “сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандининг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги “дарёлар” сўзи “сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-боб номидаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандниng учинчи хатбошисидаги ва 28-банддаги “Дарё” сўзи “Сув объекти” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

илова белгиси ва номидаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-босқич “Тадбирлар” устунидаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-босқич “Тадбирлар” устунидаги “дарёлар” сўзи “сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг белгисидаги “Дарёлар” сўзи “Сув объектлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлатга тегишли сув ҳавзаларини тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 2 сентябрдаги 441-сон қарорида:

а) номидаги “Давлатга тегишли сув ҳавзаларини” сўзлари “Сув фонди ер участкаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги “Балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 18 августдаги ПҚ–281-сон қарори” сўзлари “тегишли фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, сув фонди ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “Давлатга тегишли сув ҳавзаларини” сўзлари “Сув фонди ер участкаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги “ҳавзасини” сўзи “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “ҳавзаларини” сўзи “фонди ер участкаларини” сўзлари билан алмаштирилсин.

д) 1-иловада:

номидаги “Давлатга тегишли сув ҳавзаларини” сўзлари “Сув фонди ер участкаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформасида (кейинги ўринларда – электрон савдо платформаси) электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Сув фонди ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексига ҳамда “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги ва “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш шарти билан қуйидаги фаолият турларини ташкил этиш учун электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага берилади:

сув объектлари фойдаланишидаги сув фонди ер участкалари – балиқни саноат усулида етиштириш ва овлаш учун;

туризм хизматлари, сув бўйида пляж зоналарини ташкил этиш, спорт-ишқибозлик туридаги балиқ овлаш, балиқ ови, сувда сузувчи ускуналар ва сув саёҳати хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва паррандачиликда фойдаланиш;

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

енгил конструкцияли қурилмаларни (ўтовлар, контейнерлар, тапчанлар, умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш, савдо шохобчалари, автомобилларни ювиш мажмуаси ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш марказларини) жойлаштириш учун.

Бунда сув фонди ер участкаларига енгил конструкцияли қурилмалар (ўтовлар, контейнерлар, тапчанлар, савдо шохобчалари, автомобилларни ювиш мажмуаси, умумий овқатланиш ва бошқа маиший хизматлар кўрсатиш марказлари) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Сув фонди ер участкалари тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ижарага берилади”.

3-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“хусусий мулкда бўлган сув хўжалиги объектларига”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**сув объекти** – сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ерости сувли қатламлар) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек, булоқлар ва бошқа объектлар;

сув фонди ер участкаси – сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек, сув ҳавзаларининг ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун ваколатли ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар”;

тўртинчи хатбошидаги “юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар” сўзлари “жисмоний ва юридик шахслар” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ижарага берувчи** – Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси”;

олтинчи хатбошидаги “ҳавзаси ҳамда” сўзлари “объекти фойдаланишидаги сув фонди” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “сув ҳавзасини” сўзлари “сув объектлари фойдаланишидаги сув фонди ер участкаларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳавзасининг (ер участкасининг)” сўзлари “фонди ер участкаси” сўзлари, “10 йил” сўзлари “10 йилгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижарага берилаётган сув фонди ер участкаларида сув объектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолиятини юритиш ва капитал қурилиш ишларини амалга ошириш тақиқланади ҳамда оқим йўналиши, ҳажми ва тезлиги ўзгариши, экологик вазият ёмонлашиши, биохилма-хиллик, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етказмаслиги керак”;

2-боб номидаги “ҳавзаси ва” сўзлари “фонди” сўзи билан алмаштирилсин;

6-банддаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

7 ва 8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Ижарага берувчи тадбиркорлик субъектининг таклифи асосида икки кун муддатда балансда сақловчига сув фонди ер участкасини ижарага бериш бўйича муносабат билдириш юзасидан сўров юборади.

Ижарага берувчи фойдаланилмаётган сув фонди ер участкасини аниқлаган тақдирда, ушбу ер участкасини ижарага бериш бўйича ўз ташаббуси билан балансда сақловчига сўров юбориши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда балансда сақловчи сув фонди ер участкасини ижарага бериш таклифини рад этади:

сув фонди ер участкаси стратегик аҳамиятга эга бўлган объектлар тоифасига киритилган тақдирда;

сув фонди ер участкаси амалда ижарага берилган бўлса.

8. Сув фонди ер участкасини ижарага беришни рад этишга ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, балансда сақловчи сув фонди ер участкасини ижарага бериш учун қуйидаги маълумотларни кўрсатиб, беш кун ичида ижарага берувчига ариза тақдим этади:

ижарага берилаётган сув фонди ер участкасининг номи, тавсифи, жойлашган жойи (манзили);

сув фонди ер участкасининг умумий майдони, чегаралари кўрсатилган чизмаси ва фотосурати;

ижарага бериладиган сув фонди ер участкаси бўйича ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида келтирилган формула асосида ҳисобланган йиллик ижара ҳақи миқдори;

сув фонди ер участкасидан фойдаланиш мақсади ва қўшимча шартлари”;

12-банддаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

3-боб номидаги “ҳавзаси ва” сўзлари “фонди” сўзи билан алмаштирилсин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Сув фонди ер участкаси балансда сақловчининг аризасига асосан ижарага берувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага берилади”;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага олинадиган сув фонди ер участкалари учун тўловлар 15 иш куни ичида тўлиқ тўланиши шарт.

Сотилмаган лотлар ҳар беш кунда лотнинг нархини 10 фоиздан бошланғич нархнинг 20 фоизигача босқичма-босқич пасайтирган ҳолда такроран электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади”;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳавзаси (ер участкаси)” сўзлари “фонди ер участкаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ижара шартномаси лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси ҳамда “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги ва “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунлари талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлайди;

балансда сақловчининг аризасига асосан ижарага бериладиган сув фонди ер участкаси тўғрисидаги (лойиҳа) маълумотларни ва ижара шартномаси лойиҳасини электрон савдо платформасига жойлаштиради;

ижарага бериладиган сув фонди ер участкасининг номи, тавсифи, жойлашган жойи (манзили), майдони, чегаралари кўрсатилган чизмаси ва фотосурати, йиллик ижара ҳақи миқдори, улардан фойдаланиш мақсади ва қўшимча шартларини Сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖнинг расмий веб-сайтлари орқали тадбиркорларга етказади”;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Соҳилбўйи сув фонди ер участкалари ушбу сув объектида ижара шартномаси асосида фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг балиқни саноат усулида етиштириш ва овлаш бўйича фаолиятига тўсқинлик қилмаган ҳолда ижарага берилади”;

20-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ҳавзасининг (ер участкасининг)” сўзлари “фонди ер участкасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилардаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “ҳавзасининг (ер участкасининг)” сўзлари “фонди ер участкасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги “ҳавзасини” сўзи “объектини” сўзи билан алмаштирилсин;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Сув фонди ер участкасини ижарага бериш шартномаси расмийлаштирилгандан сўнг беш иш куни ичида ижарага берувчи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.”;

23-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Балансда сақловчи томонидан сув объектини ривожлантириш бўйича талабгорларга қўйиладиган инвестиция ва бошқа мажбуриятлар (шартлар) ҳар бир фонди ер участкасинининг хусусияти, жойлашган жойи ва майдонининг ҳажмини инобатга олган ҳолда қуйидагича белгиланиши мумкин”;

иккинчи хатбошидаги “ҳавзасида” сўзи “объектида” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “ҳавзасини” сўзи “объектини” сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “ҳавзасига” сўзи “объектига” сўзи билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “ҳавзасини” сўзи “объектини” сўзи билан алмаштирилсин;

24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Балансда сақловчининг аризасига асосан ижарага бериладиган сув объектлари фойдаланишидаги ижарага берилиши таклиф этилаётган сув фонди ер участкалари лойиҳасини ишлаб чикиш ва электрон савдо платформасига жойлаштириш;

ижарага олувчининг сув фонди ер участкасидан белгиланган йўналишда мақсадли фойдаланиши, ижара ҳақини белгиланган миқдор, тартиб ва муддатларда тўлашини мониторинг қилиш;

шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилишида ижарага олувчи кейинги муддатга белгиланаётган ижара ҳақи тўлов ставкасидан норози бўлган тақдирда, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги шартномани (келишувни) имзолашни рад этиш;

ижарага олувчи томонидан сув фонди ер участкасидан фойдаланиш даврида табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш учун тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

ижарага олувчидан шартнома муносабатларига оид маълумотлар ва ахборотларни сўраб олиш;

зарурат туғилганда, ижарага олувчига шартномани муддатидан олдин ўзаро келишиб бекор қилиш ёки уни ўзгартириш ҳақида таклиф киритиш;

ижарага олувчи томонидан балансда сақловчининг сув фонди ер участкасига нисбатан эгалик ҳуқуқи бузилмаслигини таъминлаш";

25-бандда:

иккинчи хатбошидаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги "ҳавзасига (ер участкасига)" сўзлари "фонди ер участкасига" сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги "ҳавзасидан (ер участкасидан)" сўзлари "фонди ер участкасидан" сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

иккинчи хатбоши "кўрсатилган муддатларда ва миқдорда" сўзларидан кейин "ижарага берувчининг транзит ҳисобварағига" сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги "ҳавзаси (ер участкаси)" сўзлари "фонди ер участкаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши "бажарилмасдан келинаётганлиги аниқланган тақдирда," сўзларидан кейин "ижарага берувчи билан биргаликда" сўзлари билан тўлдирилсин;

27-бандда:

иккинчи хатбошидаги "ҳавзаси (ер участкаси)" сўзлари "фонди ер участкаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги "ҳавзаси (ер участкаси)" сўзлари "фонди ер участкаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банддаги "суд орқали қопланади" сўзлари "иқтисодий судларда кўриб чиқилади" сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги "ҳавзасининг (ер участкасининг)" сўзлари "фонди ер участкасининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

31-бандда:

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилардаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ижарага олинган сув фонди ер участкасининг майдонида ўзгариш бўлганда, шу жумладан, сув объектида сув ҳажми камайган ёки кўпайган тақдирда, тегишли ваколатли ташкилотлар қайта ўлчаш ишларини ўтказиши ва ушбу ташкилотларнинг хулосалари (далолатномалари) асосида календарь йил учун белгиланган ижара ҳақи ва чора-тадбирлар режасига ўзгартиришлар киритиш ташаббуси билан чиқиш.”;

33-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “ҳавзасидан (ер участкасидан)” сўзлари “фонди ер участкасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “ҳавзасининг (ер участкасининг)” сўзлари “фонди ер участкасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “ҳавзасидан (ер участкасидан)” сўзлари “фонди ер участкасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “ҳавзаси (ер участкаси)” сўзлари “фонди ер участкаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Сув кодексининг 9, 27, 75, 77, 98, 99, 100 ва 101-моддалари талабларига, шунингдек, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасида белгиланган режимга қатъий риоя этиш”;

ўн тўртинчи хатбошидаги “ҳавзасида” сўзи “объектида” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги “ҳавзаларида” сўзи “объектларида” сўзи билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги “ҳавзасини (ер участкасини)” сўзлари “фонди ер участкасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ҳар йили 15 январга қадар ўтган йилда бир гектар сув объектида овланган (сотилган) балиқнинг (турлари бўйича) ўртача миқдори ва балиқ овлаш хўжалиги томонидан ўтган йилда бир гектар сув объектини ўртача балиқ (турлари бўйича) чавоқлари билан балиқлантириш миқдори тўғрисидаги маълумотларни балансда сақловчи ва ижарага берувчига тақдим этиш (тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлигига ижарага олувчи шахсан жавобгар ҳисобланади)”;

8-боб номидаги “ҳавзаси ва ер участкасидан” сўзлари “фонди ер участкасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Ижарага берилган сув фонди ер участкаси учун бир йиллик ижара ҳақи тўловининг бошланғич нархи ижарага берувчи томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобланади.

Сув омборлари ва сел-сув омборларининг сувдан бўшаган сув фонди ер участкаларини иккинчи йилдан бошлаб йиллик ижара ҳақини белгилаш ишлари бўйича мониторинг далолатномаси расмийлаштирилиб, ердан фойдаланилган ойлар бўйича ҳисобланади”;

35-бандда:

биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“35. Балиқ ва уни овлаш учун ижарага бериладиган сув фонди ер участкаси учун бир йиллик ижара ҳақи тўловининг бошланғич нархи (аукционга чиқариш) қуйидаги формула ва унга берилган шарҳ қуйидаги формула бўйича белгиланади:

“Иҳ = Ҳ1 * Мс * Бс/10, бунда:

Иҳ – ижара ҳақи;

Ҳ1 – бир гектарнинг ўртача балиқ маҳсулдорлиги (10 кг белгиланган ўзгармас коэффициент);

Мс – сув объектининг сувли майдони, га;

Бс – ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг фоиз ставкаси, сўмда; (бошланғич нархни шакллантириш учун БҲМнинг 100% миқдори олинади);

10 – ўзгармас коэффициент”;

қуйидаги мазмундаги изоҳ қисми билан тўлдирилсин:

“**Изоҳ.** *Иккинчи календарь йилдан БҲМ ўзгариши билан бирга ижара ҳақи суммасининг миқдори ҳам БҲМнинг ўзгарган фоизига ўзгаради*”;

36-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Ижарага бериладиган соҳилбўйи минтақа зоналаридаги сув фонди ер участкаси учун бир йиллик ижара ҳақи тўловининг бошланғич нархи (аукционга чиқариш) қуйидаги формула бўйича белгиланади”;

қуйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“сув фонди ер участкалари бўйича тадбиркорлик субъектлари билан вақтинча фойдаланиш мақсадида тузилган ижара шартномалари шартнома муддати якунлангунга қадар йиллик ижара тўлови ушбу Низомда кўрсатиб

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

ўтилган сув фонди ер участкаси учун бир йиллик ижара ҳақи тўловининг ҳисоблаш формуласи (Тс = Эс * Кз * (Кҳ + Ко) бўйича ҳисобланади";

40-банддаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

10-боб номидаги "ҳавзаси ва ер участкасини" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банддаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

44-бандда:

биринчи хатбошидаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзлари "фонди ер участкасини" сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги "ҳавзаси (ер участкаси)" сўзлари "фонди ер участкаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

45-банддаги "ҳавзасини (ер участкасини)" сўзи "фонди ер участкасини" сўзлари билан, "ҳавзаси (ер участкаси)" сўзлари "фонди ер участкаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банддаги "ҳавзаси (ер участкаси)" сўзлари "фонди ер участкаси" сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси)	Балансда сақловчининг аризасига асосан ижарага бериладиган сув объектларининг фойдаланилмасдан бўш турган сув фонди ер участкаларини аниқлайди.	Доимий
2-босқич	Тадбиркорлик субъекти	Ижарага берувчига: сув объектлари фойдаланишидаги ижарага берилиши таклиф этилаётган сув фонди ерларининг тавсифи ва жойлашган жойини; сув объектлари фойдаланишидаги ижарага берилиши таклиф этилаётган сув фонди ер участкаларининг балансда сақловчисини (бундай маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатган ҳолда ўз таклифини тақдим этади.	Ўз хоҳишига кўра

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

3-босқич	Ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси)	Тадбиркорлик субъектининг таклифи асосида сув объектининг балансда сақловчисига сув объекти фойдаланишидаги сув фонди ер участкаларини ижарага бериш бўйича муносабат билдириш юзасидан сўровнома юборади.	2 кун муддатда
4-босқич	Балансда сақловчи, ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси)	Сув объектини ижарага беришни рад этишга асослар бўлмаса, сув ҳавзасини ижарага бериш учун ижарага берувчига қуйидаги маълумотларни кўрсатиб, ариза тақдим этади: ижарага берилаётган сув объектининг номи, тавсифи, жойлашган жойи (манзили); сув объектининг умумий майдони, чегаралари кўрсатилган чизмаси ва фотосурати; ижарага бериладиган сув объекти бўйича ушбу Низомнинг 35 ва 36-бандларида келтирилган формула асосида ҳисобланган йиллик ижара ҳақи миқдори; сув объектидан фойдаланиш мақсади ва қўшимча шартлари.	5 кун муддатда
5-босқич	Ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси)	Тадбиркорлик субъектининг таклифини кўриб чиқиш натижаси бўйича ва қабул қилинган қарор ҳақида тадбиркорлик субъектига хабар юборади.	Таклиф олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда
6-босқич	Ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси))	Балансда сақловчининг аризасига асосан ижарага бериладиган сув объектлари фойдаланишидаги ижарага берилиши таклиф этилаётган сув фонди ер участкаларининг лойиҳасини ишлаб чиқади ва электрон савдо платформасига жойлаштиради.	2 иш куни ичида
7-босқич	Ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси) тадбиркорлик субъекти	Аукцион савдоси натижасига кўра ғолиб бўлган ижарага олувчи билан электрон ижара шартномасини имзолайди.	Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари тўғрисидаги электрон баённома имзолангандан сўнг 10 иш куни ичида
8-босқич	Балансда сақловчи, ижарага берувчи (Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси) тадбиркорлик субъекти	Ижара шартномаси имзолангандан сўнг сув объектлари фойдаланишидаги ижарага берилиши таклиф этилаётган сув фонди ер участкаларини ижарага олувчига топшириш ва қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади ва ижарага олувчи томонидан қабул қилиб олинади.	Ижара шартномаси имзолангандан сўнг 5 кун ичида

2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сув фонди ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Сув объектлари бўйича ижара ҳақи тўловини ҳисоблашда сув объекти маҳсулдорлигига боғлиқ ҳолда қўлланадиган ставкалар МИҚДОРИ

QMMB: 09/26/362/0737-son
15.07.2026-y.

Маҳсулдорлик, *га/кг*	**Базавий ҳисоблаш миқдори,** *фоиз*	**Ижара ҳақини ҳисоблаш формуласи**
10 гача	100	(10 x 1 x 100 фоиз БҲМ/10)
10,1-30 гача	90	(10 x 1 x 90 фоиз БҲМ/10)
30,1-70 гача	80	(10 x 1 x 80 фоиз БҲМ/10)
70 дан юқори	70	(10 x 1 x 70 фоиз БҲМ/10)

Изоҳ:

1) бир гектарнинг ўртача маҳсулдорлиги, *кг (10 кг белгиланган ўзгармас коэффициент);*

2) сув фонди ер участкаларининг сувли майдони, *гектар;*

3) 1 гектар сув объектига қўлланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг фоиз ставкаси;

4) базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) бир баравари миқдорида.

Бунда юқоридаги формулага асосан 1 гектар сув объектидаги маҳсулдорликдан келиб чиқиб, бир йиллик энг кам ижара ҳақининг миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

1) 10 x 1 x 100 фоиз x 412 000/10 – 412 000 сўм – 10 кг;

2) 10 x 1 x 90 фоиз x 412 000/10 – 370 800 сўм – 30 кг;

3) 10 x 1 x 80 фоиз x 412 000/10 – 329 600 сўм – 70 кг;

4) 10 x 1 x 70 фоиз x 412 000/10 – 288 400 сўм – 70,1 кг дан юқори.

1 гектар сув фонди ер участкасининг энг паст 70 фоизли ставка бўйича ҳисобланган бир ойлик ижара ҳақининг миқдори – (10 x 1 x 70фоиз БҲМ) – 24 033,33 сўм.

Базавий ҳисоблаш миқдори ўзгариши билан бирга ижара ҳақи суммасининг миқдори ҳам ўзгаради ва тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 октябрдаги 645-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасасининг маблағлари”;

еттинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

26 (1254)-сон
661-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3336-4
2026 - yil 29 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 18-noyabrdagi 20/4-son qarori (ro‘yxat raqami 3336, 2021-yil 26-noyabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 26.11.2021-y., 10/21/3336/1101-son) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
2026-yil 26-may
10/14-son

ISHMETOV TIMUR
AMINDJANOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki
boshqaruvining 2026-yil 26-maydagi 10/14-son
qaroriga
ILOVA

Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar

1. 2-bobda:

1) 12502, 14902, 21612 va 22012 balans hisobvaraqlarining nomidagi “Aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) “16803 Bo‘lib-bo‘lib to‘lash uchun sotilgan bankning aktivlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16805 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“16805 Davlat aktivlarini boshqarish agentligiga realizatsiya qilish uchun berilgan aktivlar”;

3) 19931 balans hisobvarag‘ining nomidagi “soliqlar” degan so‘z “foyda solig‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) “19931 Muddati uzaytirilgan foyda solig‘i” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 19932 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“19932 Muddati uzaytirilgan boshqa soliqlar”;

5) “19951 Olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – O‘zbekiston Respublikasi Valyuta birjasi bilan hisob-kitoblar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 19957 va 19971 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“19957 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar

19971 Kripto-aktivlar”;

6) “22650 Mijozlarning pul mablag‘larini deponentlash (eskrou) hisobvarag‘idagi mablag‘lari” hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 22660, 22662 va 22664 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“22660 Mijozning sanatsiya hisobvarag‘idagi mablag‘lari

22662 Tashqi boshqaruv tartib-taomili joriy etilgan mijozning maxsus hisobvarag‘idagi mablag‘lari

22664 Tugatish tartib-taomili joriy etilgan mijozning yagona hisobvarag‘idagi mablag‘lari”;

7) 23106 balans hisobvarag‘ining nomidagi “bank kartalariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari” degan so‘zlar “bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyonlariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari” degan so‘zlar

bilan almashtirilsin;

8) 23108 va 23110 balans hisobvaraqlarining nomidagi “bank kartalariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari” degan so‘zlar “bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyonlariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

9) 29849 balans hisobvarag‘ining nomidagi “tuman (shahar) bo‘linmalari” degan so‘zlar “tuman (shahar) bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

10) “29849 Pensiya jamg‘armasining tuman (shahar) bo‘limlari tomonidan moliyalashtiriladigan, pensiyalar, ijtimoiy nafaqalar, kompensatsiyalar va boshqa to‘lovlar uchun boshqa banklardan olingan naqd pul bilan beriladigan mablag‘lar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 29851, 29871 va 29873 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“29851 Xodimlarga to‘lovlar bo‘yicha zaxira

29871 Kripto-aktivlar bo‘yicha majburiyatlar

29873 Kripto-aktivlar bo‘yicha hisob-kitoblar”;

11) “30910 Respublika korxonalariga berilgan investitsion kreditlardan olingan foyda hisobidan xususiy kapitalni oshirishga mo‘ljallangan zaxira fondi” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 30920 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“30920 Zaxiralar farqi”;

12) “55162 Kafolat va kafillik operatsiyalari bo‘yicha va vositachilik xarajatlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 55170 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“55170 Dasturiy ta’minot bo‘yicha xarajatlar”;

13) “91907 Qarzdorlarning Hukumatdan olingan uzoq muddatli kreditlar va lizinglar bo‘yicha majburiyatlari” balansdan tashqari hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 92100, 92101, 92105, 92109, 92123, 92141, 92145, 92147, 92149, 92153 balansdan tashqari hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“92100 Jismoniy shaxslarga berilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92101 Jismoniy shaxslarga berilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92105 Muddati o‘tgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92109 Shartlari qayta ko‘rib chiqilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92123 Sud va ijro jarayonidagi sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92141 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan, hisoblangan foizlar

92145 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan, hisoblangan jarima va penyalar

92147 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha hisoblab yozilgan, biroq muddatida to‘lanmagan, olinishi lozim bo‘lgan foizlar

92149 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha hisoblab yozilgan, biroq to‘lov muddati uzaytirilgan foizlar

92153 Defolt holati yuzaga kelgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari”;

14) “92736 Svop shartlarida sotib olish” balansdan tashqari hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 92740, 92744, 92748, 92752 balansdan tashqari hisobvaraqlar bilan to‘ldirilsin:

“92740 Hisob-kitobli svop shartlarida sotish

92744 Hisob-kitobli svop shartlarida sotib olish

92748 Foizli svop bitimi bo‘yicha majburiyatlar

92752 Foizli svop bitimi bo‘yicha bo‘yicha talablar”;

15) “96337 Kafolat va kafilliklar bo‘yicha kontr-hisobvaraq” balansdan tashqari hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 96340 balansdan tashqari hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“96340 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha kontr-hisobvaraq”.

2. 3-bobda:

1) 12502 balans hisobvarag‘ida:

nomidagi “Aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ta’rifidagi “aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

2) 14902 balans hisobvarag‘ida:

nomidagi “Aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ta’rifidagi “aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

3) 21612 balans hisobvarag‘ida:

nomidagi “Aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ta’rifidagi “aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4) 22012 balans hisobvarag‘ida:

nomidagi “Aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ta’rifidagi “aholining kam ta’minlangan hamda kambag‘al qatlamlariga” degan so‘zlar “Ijtimoiy reyestrga kiritilgan oilalarga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

5) 15707 balans hisobvarag‘ining ta’rifidagi “sudga da’vo kiritilgan,” degan so‘zlar “sud yoki” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

6) 15799 balans hisobvarag‘ining ta’rifidagi “sudga da’vo kiritilgan, ” degan so‘zlar “sud yoki” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 16803 balans hisobvarag‘ining ta’rifida “Hisobvaraqning ta’rifi:” degan so‘zlardan keyin “aktivga egalik huquqi o‘tkazilgan holda,” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

8) 16803 “Bo‘lib-bo‘lib to‘lash uchun sotilgan bankning aktivlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16805 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16805 Davlat aktivlarini boshqarish agentligiga realizatsiya qilish uchun berilgan aktivlar

Hisobvaraqning ta’rifi: Davlat aktivlarini boshqarish agentligiga realizatsiya qilish uchun berilgan bankning aktivlari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida 16701, 16703, 16705, 16803 hisobvaraqlaridan o‘tkazilgan aktivlarning qiymati aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida realizatsiya qilingan bank aktivlarining to‘langan qiymati aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir obyekt (mulk) bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

9) 19931 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19931 Muddati uzaytirilgan foyda solig‘i

Hisobvaraqning ta’rifi: oldindan bo‘nak tariqasida to‘langan foyda solig‘i va ushbu soliq bo‘yicha muddati uzaytirilgan talablarning hisobi yuritiladi. Muddati uzaytirilgan foyda solig‘i talablari joriy davrning soliqqa tortiladigan foydasiga kiritilib, vaqtinchalik farqlar mavjud bo‘lgani sababli kelgusi davrda qoplanadigan, lekin kelgusi davr soliqqa tortiladigan foydani aniqlashda chegirib tashlanadigan foyda solig‘idir. Bu – buxgalteriya balansidagi foyda bilan soliqqa tortiladigan

foyda o‘rtasidagi farqdir.

Hisobvaraqning debetida oldindan to‘langan foyda solig‘i va ushbu soliq bo‘yicha muddati uzaytirilgan talablar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida xarajatlarning mos hisobvaraqlaridan hisobdan chiqarilgan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob soliq turi bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

10) 19931 “Muddati uzaytirilgan foyda solig‘i” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 19932 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“19932 Muddati uzaytirilgan boshqa soliqlar

Hisobvaraqning ta’rifi: O‘zbekiston Respublikasi budjetiga va davlat maqsadli jamg‘armalariga oldindan bo‘nak tariqasida to‘langan soliqlar, yig‘imlar, ajratmalar va ular bo‘yicha talablar hisobga olinadi, foyda solig‘i bundan mustasno.

Hisobvaraqning debetida oldindan to‘langan soliqlar va soliq talablari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida xarajatlarning mos hisobvaraqlaridan hisobdan chiqarilgan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob soliq, yig‘im, ajratmalarning har bir turi bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

11) “19951 Olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar – O‘zbekiston Respublikasi Valyuta birjasi bilan hisob-kitoblar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 19957 va 19971 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“19957 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar

Hisobvaraqning ta’rifi: sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha kelib tushgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha chiqarilgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha chiqarilgan mablag‘lar hisobi alohida olib boriladi.

19971 Kripto-aktivlar

Hisobvaraqning ta’rifi: barqaror tokenlar aylanmasini tartibga solishning maxsus huquqiy rejimi doirasida bankning kriptohamyonlardagi kripto-aktivlari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida bankning kriptohamyonlaridagi kripto-aktivlari

summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida bankning kriptohamyonlaridagi kripto-aktivlari kamayishi/hisobdan chiqarilishi summasi aks ettiriladi.

Tahlil hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

12) “22650 Mijozlarning pul mablag‘larini deponentlash (eskrou) hisobvarag‘idagi mablag‘lari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 22660, 22662 va 22664 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“22660 Mijozning sanatsiya hisobvarag‘idagi mablag‘lari

Hisobvaraqning ta’rifi: Sanatsiya (sudgacha sanatsiya va sud sanatsiyasi) tartib-taomili joriy etilgan mijozning mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida sanatsiya (sudgacha sanatsiya va sud sanatsiyasi) tartib-taomili doirasida kelib tushgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida sanatsiya (sudgacha sanatsiya va sud sanatsiyasi) tartib-taomili doirasida kelib tushgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir sanatsiya (sudgacha sanatsiya va sud sanatsiyasi) tartib-taomiliga o‘tkazilayotgan mijoz bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

22662 Tashqi boshqaruv tartib-taomili joriy etilgan mijozning maxsus hisobvarag‘idagi mablag‘lari

Hisobvaraqning ta’rifi: Tashqi boshqaruv joriy etilgan mijozning maxsus hisobvarag‘idagi mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashqi boshqaruv tartib-taomili doirasida kelib tushgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida tashqi boshqaruv tartib-taomili doirasida yo‘naltirilgan mablag‘lar hisobi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir tashqi boshqaruv tartib-taomiliga o‘tkazilayotgan mijoz bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

22664 Tugatish tartib-taomili joriy etilgan mijozning yagona hisobvarag‘idagi mablag‘lari

Hisobvaraqning ta’rifi: Tugatish tartib-taomili joriy etilgan mijozning yagona hisobvarag‘idagi mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tugatish tartib-taomili doirasida kelib tushgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida tugatish tartib-taomili doirasida yo‘naltirilgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir tugatish tartib-taomiliga o‘tkazilayotgan mijoz bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

13) 23230 balans hisobvarag‘ining ta’rifidagi “Mazkur hisobvaraqdagi qoldiq” degan so‘zlardan keyin “shartnomada (mijoz topshirig‘ida) boshqa muddat

belgilanmagan bo‘lsa,” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

14) 23106, 23108 va 23110 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23106 Ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar, shuningdek pensiyalar, kompensatsiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha xo‘jalik yurituvchi subyektlar xodimlarining bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyonlariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari

Hisobvaraqning ta’rifi: xo‘jalik yurituvchi subyektlar tomonidan ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar, shuningdek pensiyalar, kompensatsiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha o‘z xodimlarining bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyonlariga o‘tkaziladigan pul mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida xo‘jalik yurituvchi subyektlar hisobvaraqlari yoki filiallarning hisobvaraqlaridan o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarning 22618 yoki 22616 hisobvaraqlariga o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir xo‘jalik yurituvchi subyekt bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

23108 Ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar, shuningdek pensiyalar, kompensatsiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha budjet tashkilotlari xodimlarining bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyonlariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari

Hisobvaraqning ta’rifi: davlat budjeti va budjetdan tashqari jamg‘armalarning mablag‘lari hisobiga ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar, shuningdek pensiyalar, kompensatsiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha o‘tkaziladigan hamda budjet tashkilotlari, davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, ularning muassasalari va tashkilotlari xodimlarining bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyon hisobvaraqlariga o‘tkaziladigan pul mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida davlat budjeti va budjetdan tashqari jamg‘armalarning mablag‘lari hisobiga budjet tashkilotlarining 20203, 20204, 21506, 21508, 23400 hisobvaraqlaridan o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarning 22618 yoki 22616 hisobvaraqlariga o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob budjet tashkilotlari bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

23110 Ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar, shuningdek pensiyalar,

kompensatsiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Mudofaa vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi va Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi xodimlari (kontingent)ning bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyonlariga o‘tkazilishi lozim bo‘lgan mablag‘lar bo‘yicha tranzit hisobvaraqlari

Hisobvaraqning ta’rifi: davlat budjeti va budjetdan tashqari jamg‘armalarning mablag‘lari hisobiga ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar, shuningdek pensiyalar, kompensatsiyalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar bo‘yicha o‘tkaziladigan hamda Davlat xavfsizlik xizmati, Ichki ishlar vazirligi, Mudofaa vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi va Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi xodimlari (kontingent)ning bank kartalari yoki ommaviy to‘lovlarni amalga oshirishda elektron hamyon hisobvaraqlarga o‘tkaziladigan pul mablag‘lari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida davlat budjeti va budjetdan tashqari jamg‘armalarning mablag‘lari hisobiga yuqorida ko‘rsatilgan budjet tashkilotlarining 20203, 20204, 21506, 21508, 23400 hisobvaraqlaridan o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida jismoniy shaxslarning 22618 yoki 22616 hisobvaraqlariga o‘tkazilgan pul mablag‘lari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob yuqorida ko‘rsatilgan budjet tashkilotlari bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

15) 29849 balans hisobvarag‘i nomi va ta’rifidagi “tuman (shahar) bo‘linmalari” degan so‘zlar “tuman (shahar) bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

16) “29849 Pensiya jamg‘armasining tuman (shahar) bo‘linmalari tomonidan moliyalashtiriladigan, pensiyalar, ijtimoiy nafaqalar, kompensatsiyalar va boshqa to‘lovlar uchun boshqa banklardan olingan naqd pul bilan beriladigan mablag‘lar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 29851, 29871 va 29873 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“29851 Xodimlarga to‘lovlar bo‘yicha zaxira

Hisobvaraqning ta’rifi: bank xodimlariga, shu jumladan sobiq xodimlariga kelgusida to‘lash majburiyati olingan to‘lovlar (bayram pullari, nafaqa va boshqalar) yuzasidan hisoblangan summalar, shu jumladan xodimlar tomonidan ishlab topilgan, ammo hali foydalanilmagan ta’til kunlari bo‘yicha zaxiralar hisobga olinadi.

Hisobvaraqning kreditida hisoblangan zaxira summalari aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida to‘langan zaxira summalari hamda yaratilgan zaxiralarning orqaga qaytarilishi (kamaytirilishi) aks ettiriladi.

Tahliliy hisob zaxira to‘lovlari turlari bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

29871 Kripto-aktivlar bo‘yicha majburiyatlar

29873 Kripto-aktivlar bo‘yicha hisob-kitoblar

Yuqorida ko‘rsatilgan balans hisobvaraqlari o‘z xususiyatlari bo‘yicha bir xil bo‘lganligi uchun ularning ta’rifi umumlashtirib berilmoqda.

Hisobvaraqning ta’rifi: barqaror tokenlar aylanmasini tartibga solishning maxsus huquqiy rejimi doirasida bankning kripto-aktivlar bilan bog‘liq majburiyatlari va hisob-kitoblari hisobga olinadi.

Hisobvaraqning kreditida bankning kripto-aktivlar va ular bilan hisob-kitoblaridagi majburiyatlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida bankning kripto-aktivlar va ular bilan hisob-kitoblaridagi majburiyatlarining kamayishi summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

17) “30910 Respublika korxonalariga berilgan investitsion kreditlardan olingan foyda hisobidan xususiy kapitalni oshirishga mo‘ljallangan zaxira fondi” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 30920 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“30920 Zaxiralar farqi

Hisobvaraqning ta’rifi: moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo‘yicha shakllantirilgan zaxira bilan prudensial normativlarga muvofiq talab etiladigan zaxira o‘rtasidagi musbat farq taqsimlanmagan foyda hisobidan ajratilgan mablag‘lar shaklida hisobga olinadi.

Hisobvaraq faqat prudensial normativ moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo‘yicha shakllantirilgan zaxiradan yuqori bo‘lganda qo‘llaniladi.

Hisobvaraqning kreditida taqsimlanmagan foyda hisobidan o‘tkazilgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqda yuritiladi.”;

18) “55162 Kafolat va kafillik operatsiyalari bo‘yicha va vositachilik xarajatlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 55170 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“55170 Dasturiy ta’minot bo‘yicha xarajatlar

Hisobvaraqning ta’rifi: bankning avtomatlashtirilgan bank tizimlari (ABT) va boshqa dasturiy ta’minot modullarini yuritish va texnik qo‘llab-quvvatlash xizmati uchun qilgan xarajatlari hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida bankning ABT va boshqa dasturiy ta’minot modullarini yuritish va texnik qo‘llab-quvvatlash xizmati uchun qilgan xarajatlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida noto‘g‘ri to‘langan xarajatlarning qaytarilish

summasi, shuningdek moliyaviy hisobot yilining oxirida bank moliyaviy natijasi sifatida 31206 hisobvarag‘iga o‘tkaziladigan summa aks ettiriladi.”;

19) “91907 Qarzdorlarning Hukumatdan olingan uzoq muddatli kreditlar va lizinglar bo‘yicha majburiyatlari” balansdan tashqari hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 92100, 92101, 92105, 92109, 92123, 92141, 92145, 92147, 92149, 92153 balansdan tashqari hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“92100 Jismoniy shaxslarga berilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92101 Jismoniy shaxslarga berilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92105 Muddati o‘tgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92109 Shartlari qayta ko‘rib chiqilgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92123 Sud va ijro jarayonidagi sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

92141 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan, hisoblangan foizlar

92145 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan, hisoblangan jarima va penyalar

92147 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha hisoblab yozilgan, biroq muddatida to‘lanmagan, olinishi lozim bo‘lgan foizlar

92149 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha hisoblab yozilgan, biroq to‘lov muddati uzaytirilgan foizlar

92153 Defolt holati yuzaga kelgan sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari

Yuqorida ko‘rsatilgan balans hisobvaraqlari o‘z xususiyatlari bo‘yicha bir xil bo‘lganligi sababli ularning ta’rifi umumlashtirib berilmoqda.

Hisobvaraqning ta’rifi: sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bilan bog‘liq bo‘lgan mablag‘lar hisobi olib boriladi. Bunda 92109, 92123, 92149, 92153 hisobvaraqlari faqat maxsus xizmat ko‘rsatuvchi agent bankda ochiladi. Ushbu 92100 bo‘limdagi hisobvaraqlar uchun 96340 balans hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bilan bog‘liq bo‘lgan mablag‘lar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bilan bog‘liq bo‘lgan mablag‘larning hisobdan chiqarilgan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

20) “92736 Svop shartlarida sotib olish” balansdan tashqari hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 92740, 92744, 92748, 92752 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“92740 Hisob-kitobli svop shartlarida sotish

Hisobvaraqning ta’rifi: moliyaviy instrumentni hisob-kitobli sotishga asoslangan svop shartnomaning hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96371 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida moliyaviy instrumentni sotishga asoslangan hisob-kitobli svop shartnomalarining summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisob-kitobli svop shartnomalari bo‘yicha moliyaviy instrumentning sotilgan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir hisob-kitobli svop shartnomasi bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

92744 Hisob-kitobli svop shartlarida sotib olish

Hisobvaraqning ta’rifi: moliyaviy instrumentni hisob-kitobli sotib olishga asoslangan svop shartnomaning hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96373 balans hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida moliyaviy instrumentni sotib olishga asoslangan hisob-kitobli svop shartnomalarining summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisob-kitobli svop shartnomalari bo‘yicha moliyaviy instrumentning sotib olingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir hisob-kitobli svop shartnomasi bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

92748 Foizli svop bitimi bo‘yicha majburiyatlar

Hisobvaraqning ta’rifi: moliyaviy instrumentni sotishga asoslangan foizli svop shartnomaning hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96371 balansdan tashqari hisobvarag‘i kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida moliyaviy instrumentni sotishga asoslangan foizli svop shartnomalarining summasi (majburiyatlar) aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida hisob-kitobli svop shartnomalari bo‘yicha moliyaviy instrumentning sotilgan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir foizli svop shartnomasi bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

92752 Foizli svop bitimi bo‘yicha bo‘yicha talablar

Hisobvaraqning ta’rifi: moliyaviy instrumentni sotib olishga asoslangan foizli svop shartnomaning hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96373 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida moliyaviy instrumentni sotib olishga asoslangan foizli svop shartnomalarining summasi (talablar) aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida foizli svop shartnomalari bo‘yicha moliyaviy instrumentning sotib olingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir foizli svop shartnomasi bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

21) “96337 Kafolat va kafilliklar bo‘yicha kontr-hisobvaraq” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 96340 balans hisobvarag‘i bilan to‘ldirilsin:

“96340 Sekyuritizatsiya qilingan ipoteka kreditlari bo‘yicha kontr-hisobvaraq”.

3. Ilovada:

1) 33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Garov bilan ta’minlangan kredit qarzdor tomonidan qaytarilmasa yoki to‘liq qaytarilmagan holda, bank kreditni qaytarish uchun undiruvni garovga qo‘yilgan mol-mulkka qaratishga haqli. Undiruvga qaratilgan garovga qo‘yilgan mol-mulkni sotish kimoshdi savdosi orqali qonun hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi. Garovga qo‘yilgan mol-mulkni sotishdan mablag‘lar kelib tushganda 10301 – “Markaziy bankdagi vakillik hisobvarag‘i – Nostro” hisobvarag‘i debetlanadi va 23230 “Aktivlarni qoplash bo‘yicha kelib tushgan mablag‘lar” hisobvarag‘i kreditlanadi.

Kreditlar bo‘yicha asosiy qarzni va mazkur kredit bo‘yicha hisoblangan, lekin hali olinmagan foizlarni so‘ndirish quyidagi buxgalteriya o‘tkazmasi orqali amalga oshiriladi:

a) Asosiy qarz qaytarilganda:

Dt 23230	“Aktivlarni qoplash bo‘yicha kelib tushgan mablag‘lar ”;
Kt	Ssuda hisobvarag‘i;

b) Asosiy qarz to‘liq qaytarilgandan keyin, foizlar so‘ndirilganda:

Dt 23230	“Aktivlarni qoplash bo‘yicha kelib tushgan mablag‘lar”;
Kt 4XXXX	Kreditlar bo‘yicha foizli daromadlar.

2) 41-banddagi “KBTEB foydalanishga berish” degan so‘zlar “KBTEB omborga qabul qilinmasdan foydalanishga berilganda, tegishli xarajat hisobvaraqlarida olib boriladi. KBTEBni ombordan foydalanishga berish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3380-3
2026 - yil 29 - Iyun

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUGʻI

Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini litsenziyalash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish haqida

Oʻzbekiston Respublikasining “Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari toʻgʻrisida”gi Qonuni, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi PQ–3150-son “Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida”gi, 2018-yil 3-iyuldagi PQ–3832-son “Oʻzbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni va kripto-aktivlar aylanmasi sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi hamda 2026-yil 17-apreldagi PQ–143-son “Qoraqalpogʻiston Respublikasida maxsus mayning zonasini tashkil etish va uning faoliyatini yoʻlga qoʻyish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2022-yil 14-iyuldagi 32-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 3380, 2022-yil 15-avgust) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 15.08.2022-y., 10/22/3380/0742-son) bilan tasdiqlangan Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini litsenziyalash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Direktor
15-Iyun 2026-yil
20 son

LI DMITRIY ROMANOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi
direktorining 2026-yil 15-iyundagi 20-son buyrugʻiga
ILOVA

Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini litsenziyalash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirish va qoʻshimchalar

1. 9-bandda:

1) “z” va “i” kichik bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“z) xizmatlar provayderlarini:

terroristik faoliyatda yoki ommaviy qirgʻin qurollarini tarqatishda ishtirok etgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan;

iqtisodiy jinoyatlar, shuningdek jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirgʻin qurollarini tarqatishni moliyalashtirish, uyushgan jinoyatchilik, giyohvand moddalarning noqonuniy savdosi, korrupsiya va axborot texnologiyalari bilan bogʻliq jinoyatlarni sodir etganlik uchun gumonlanayotgan yoki sudlanganligi olib tashlanmagan yoxud oʻtalmagan;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmayotgan davlatlarda doimiy yashayotgan, boʻlib turgan yoki roʻyxatga olingan shaxslar tomonidan boshqarishga yoʻl qoʻymaslik;

i) xizmatlar provayderlarining ustav jamgʻarmasida (kapitalida) ushbu bandning “z” kichik bandida koʻrsatilgan shaxslarning hamda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmayotgan davlatlarda roʻyxatdan oʻtgan kompaniyalarning ishtirok etishiga yoʻl qoʻymaslik;”;

2) quyidagi mazmundagi “k” va “l” kichik bandlar bilan toʻldirilsin:

“k) jismoniy va yuridik shaxslarga, shu jumladan norezidentlarga, litsenziatning ustav kapitalidagi ulushini realizatsiya qilishni litsenziyalovchi organ bilan kelishish;

l) litsenziatning rahbariyati (direktor va uning oʻrinbosarlari), shuningdek, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizm, ommaviy qirgʻin

qurollarini tarqatish, ularni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha tarkibiy boʻlinma rahbarini almashtirish masalasini litsenziyalovchi organ bilan kelishish.”.

2. 31-banddagi “oltinchi xatboshisida” degan soʻzlar “oltinchi va yettinchi xatboshilarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

3. 54-bandda:

1) “b” va “v” kichik bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“b) xizmatlar provayderlarini:

terroristik faoliyatda yoki ommaviy qirgʻin qurollarini tarqatishda ishtirok etgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan;

iqtisodiy jinoyatlar, shuningdek jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirgin qurollarini tarqatishni moliyalashtirish, uyushgan jinoyatchilik, giyohvand moddalarning noqonuniy savdosi, korrupsiya va axborot texnologiyalari bilan bogʻliq jinoyatlarni sodir etganlik uchun gumonlanayotgan yoki sudlanganligi olib tashlanmagan yoxud oʻtalmagan;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmayotgan davlatlarda doimiy yashayotgan, boʻlib turgan yoki roʻyxatga olingan shaxslar tomonidan boshqarilishi;

v) xizmatlar provayderlarining ustav jamgʻarmasida (kapitalida) ushbu bandning “b” kichik bandida koʻrsatilgan shaxslarning va jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmayotgan davlatlarda roʻyxatdan oʻtgan kompaniyalarning ishtirok etishi;”;

2) quyidagi mazmundagi “j” kichik band bilan toʻldirilsin:

“j) litsenziatning ustav kapitalidagi ulushini jismoniy va yuridik shaxslarga, shu jumladan norezidentlarga realizatsiya qilish toʻgʻrisida litsenziyalovchi organ bilan kelishmaslik.”;

3) oʻn ikkinchi xatboshidagi “a” – “e” kichik bandlarida” degan soʻzlar “a” – “j” kichik bandlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

4. Quyidagi mazmundagi 6^1-bob bilan toʻldirilsin:

“6^1-bob. Ayrim litsenziya talablari va shartlarini amalga oshirishning maxsus tartibi

54[1]. Xizmatlar provayderlari litsenziyalovchi organ bilan quyidagilarni kelishishlari lozim:

o‘z ustav kapitalidagi ulushlarni jismoniy va yuridik shaxslarga, shu jumladan norezidentlarga realizatsiya qilish;

o‘zining rahbariyati (rahbar, uning o‘rinbosarlari), jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurollarining tarqalishini moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha tarkibiy bo‘linma rahbarini almashtirish.

54[2]. Mazkur Nizomning 54[1]-bandida ko‘rsatilgan holatlarda xizmatlar provayderlari litsenziyalovchi organga quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari kerak:

a) yuridik shaxsning nomi va tashkiliy-huquqiy shakli, pochta manzili, soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami (STIR), elektron pochta manzili, xizmat ko‘rsatuvchi bank nomi va hisobvarag‘i, murojaat qilish maqsadi (ustav kapitalidagi ulushni realizatsiya qilishga yoki rahbariyatni (rahbar, uning o‘rinbosarlarini), jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurollarini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha tarkibiy bo‘linma rahbarini almashtirishni kelishish) ko‘rsatilgan ariza;

b) jismoniy shaxs, shu jumladan xizmatlar provayderining ustav kapitalidagi ulushni potentsial oluvchi haqidagi ma’lumotlar (F.I.O., shaxsni tasdiqlovchi hujjat raqami, JSHSHIR). Chet el fuqarolari uchun mazkur bandning “g” kichik bandida nazarda tutilgan ma’lumotlar qo‘shimcha ravishda taqdim etiladi;

v) xizmatlar provayderining ustav kapitalidagi ulushni potensial oluvchi – yuridik shaxsning rahbariyati (rahbar, uning o‘rinbosarlari) va ta’sischilari haqida ushbu Nizomning 3-ilovasiga muvofiq shakldagi ma’lumotlar. Bunda, ta’sischilar haqidagi ma’lumotlar oxirgi benefitsiar mulkdorga qadar (oxirgi benefitsiar mulkdor ham) ko‘rsatiladi;

g) xizmatlar provayderining ustav kapitalidagi ulushni potensial oluvchi – yuridik shaxsning rahbariyati (rahbar, uning o‘rinbosarlari) va ta’sischilari chet el fuqarolari bo‘lganda, ushbu Nizomning 9-bandi “z” kichik bandida nazarda tutilgan jinoyatlar bo‘yicha belgilangan tartibda legallashtirilgan yoki apostil qo‘yilgan tegishli xorijiy mamlakatning vakolatli organidan olingan sudlanmaganlik haqidagi ma’lumotnoma hamda uning O‘zbekiston Respublikasi davlat tiliga notarial tartibda tasdiqlangan tarjimasi.

54[3]. Litsenziyalovchi organ arizani qabul qilgan kundan boshlab o‘n ish kunidan ortiq bo‘lmagan muddatda kelishish yoki kelishishni rad etish haqida qaror qabul qiladi.

Bunda, mazkur Nizomning 54^1-bandida koʻrsatilgan shaxslar litsenziya talablari va shartlariga muvofiq boʻlgan taqdirda, litsenziyalovchi organ tomonidan ularni kelishish haqida qaror qabul qilinadi. Agar ular litsenziya talablari va shartlariga muvofiq emas deb topilganda, shuningdek asoslantirilgan mulohazaga muvofiq ularni kelishish rad etiladi.

Litsenziyalovchi organ tegishli qaror qabul qilingan kundan boshlab bir ish kuni ichida litsenziatni qabul qilingan qaror toʻgʻrisida xabardor qiladi.

54^4. Arizani koʻrib chiqish va qaror qabul qilish uchun yigʻim undirilmaydi.”.

5. Mazkur oʻzgartirish va qoʻshimchalarning ilovasiga muvofiq 3-ilova bilan toʻldirilsin.

Kripto-
aktivlar aylanmasi iyundagi xizmatlar provayderlari faoliyatini
litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish
va qo‘shimchalarga
ILOVA

“Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari
faoliyatini litsenziyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Xizmatlar provayderining ustav kapitalidagi ulushni sotib oluvchi potensial shaxs – yuridik shaxsning rahbariyati (rahbar, uning o‘rinbosarlari) va ta’sischilari to‘g‘risida MA’LUMOTLAR

1-jadval

Xizmatlar provayderining ustav kapitalidagi ulushni potensial oluvchi – yuridik shaxs rahbariyati (rahbar, uning o‘rinbosarlari)							
Lavozimi	**Familiyasi, ismi, otasining ismi**	**Fuqaroligi**	**JShShIR** *(O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari uchun)*	**Shaxsini tasdiqlovchi hujjat**			
				Hujjat turi	**Seriya va raqami**	**Berilgan sanasi va amal qilish muddati**	**Kim tomonidan berilgan**
1	2	3	4	5	6	7	8

2-jadval

Xizmatlar provayderining ustav kapitalidagi ulushni potensial oluvchi – yuridik shaxsning taʼsischilari							
Familiyasi, ismi, otasining ismi yoki yuridik shaxs nomi	**Ulush miqdori**	**Fuqaroligi** *(jismoniy shaxslar uchun)* **yoki davlat roʻyxatidan oʻtgan joyi** *(yuridik shaxslar uchun)*	**JShShIR** *(Oʻzbekiston Respublikasi rezidentlari-jismoniy shaxslar uchun)* **yoki STIR** *(Oʻzbekiston Respublikasi rezidentlari-yuridik shaxslar uchun)*	**Shaxsini tasdiqlovchi hujjat yoki davlat roʻyxatdan oʻtkazilganligi haqidagi guvohnoma**			
				Hujjat turi	**Seriya va raqami**	**Berilgan sanadi va amal qilish muddati**	**Kim tomonidan berilgan**
1	2	3	4	5	6	7	8

QMMB: 10/26/3871/0666-son
01.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3871
2026 - yil 29 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING

BUYRUG‘I

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

QMMB: 10/26/3871/0666-son
01.07.2026-y.

Vazir
2026-yil 27-iyun
389-son

TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 16-iyun

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
2025-yil 4-yanvar

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3871/0666-son
01.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining
2026-yil 27-iyundagi 389-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Vazirlik tomonidan aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyektining faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Vazirlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga

QMMB: 10/26/3871/0666-son
01.07.2026-y.

nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–3-ilovalarida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Vazirlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Qurol va uning oʻq-dorilari muomalasi sohasida harakatlarni bajarish va (yoki) faoliyatni amalga oshirish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Portlovchi materiallarni olib kirish, sotib olish, saqlash, shuningdek, avtomobil va temir yoʻl transportida tashish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Avtomototransport vositalari va shahar elektr transporti vositalari haydovchilarini tayyorlash hamda qayta tayyorlash boʻyicha nodavlat ta’lim xizmatlarini koʻrsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi–toʻrtinchi xatboshilarida nazarda tutilgan koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga koʻra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi boʻyicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Vazirlik tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirish sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini oʻrganish maqsadida oʻtkaziladi.

QMMB: 10/26/3871/0666-son
01.07.2026-y.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Qurol va uning o‘q-dorilari muomalasi sohasida harakatlarni bajarish va (yoki) faoliyatni amalga oshirish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Qurol va uning o‘q-dorilari muomalasi sohasida harakatlarni bajarish va (yoki) faoliyatni amalga oshirishda fuqarolarning hayoti va sog‘lig‘ini himoya qilish, jamoat tartibi va jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi qonun va normativ hujjatlarga, yong‘inga qarshi, ekologiya, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlariga rioya etmaganlik	**15**	
2.	Qurolning individual (turi, xili, modeli, zavod seriyasi va raqami, chiqarilgan yili), uning o‘q-dorilarining esa jamlanma (turi, kalibri, partiyasi va miqdori bo‘yicha) hisobini yuritmaslik, ularning mavjudligini, kirim-chiqimi hamda foydalanish uchun berish-qabul qilib olishni nazorat qilib bormaslik, shuningdek, hisobga olish hujjatlarini o‘n yil mobaynida saqlamaganlik	**15**	

3.	Qurol va uning oʻq-dorilari sohasida harakatlarni bajarish va (yoki) faoliyatni amalga oshirishga bevosita bogʻliq ishlarga quyidagi shaxslarni jalb etganlik: oʻn sakkiz yoshga toʻlmaganlar; doimiy yashash joyiga ega boʻlmaganlar; Oʻzbekiston Respublikasi “Qurol toʻgʻrisida”gi Qonunining 13-moddasi oʻninchi qismining uchinchi, beshinchi — sakkizinchi, oʻninchi — oʻn uchinchi xatboshilarida belgilangan asoslar mavjud boʻlganlar.	**10**	
4.	Yuridik shaxsning buyrugʻi yoki farmoyish tusidagi boshqa hujjatlari bilan zimmasiga quyidagi majburiyatlar yuklangan xodimlarni belgilamaganlik: ruxsatnomada koʻrsatilgan tegishli (saqlash, kolleksiyalash yoki koʻrgazmaga qoʻyish) faoliyat turini amalga oshirishda qurol va uning oʻq-dorilari but saqlanishi, belgilangan tartibda berilishi-qabul qilib olinishini va hisobga olinishini taʼminlash boʻyicha; ruxsatnomada koʻrsatilgan tegishli (olish, realizatsiya qilish, avtomobil transportida tashish, Oʻzbekiston Respublikasi hududiga olib kirish, Oʻzbekiston Respublikasi hududidan olib chiqish va Oʻzbekiston Respublikasi hududi orqali tranzit qilish) harakatni bajarishda qurol va uning oʻq-dorilari but saqlanishini taʼminlash boʻyicha.	**10**	
5.	Qurol va uning oʻq-dorilari but saqlanishini, berilishi-qabul qilib olinishini hamda hisobga olinishini taʼminlash majburiyati zimmasiga yuklatilgan yoxud xizmat qurolini olib yurish va undan foydalanish huquqiga ega boʻlgan xodimlarni qurolni saqlashga va (yoki) olib yurishga doir ruxsatnomalarni olishda hamda ularning amal qilish muddatini uzaytirishda doimiy yashash joyi boʻyicha yoxud yuridik shaxs va tibbiyot muassasasi oʻrtasidagi shartnomaga muvofiq belgilangan davlat sogʻliqni saqlash organlarining tibbiyot muassasalarida qurolga egalik qilishga qarshi	**10**	

	koʻrsatmalar mavjud emasligi yuzasidan tibbiy tekshiruvdan oʻtkazishni tashkil etmaganlik		
6.	Hisobot yilidan keyingi yilning birinchi oyi oʻninchi sanasidan kechiktirmay qurol va uning oʻq-dorilari muomalasi sohasida harakatlarni bajarish va (yoki) faoliyatni amalga oshirishga bevosita bogʻliq ishlarga jalb etilgan, shuningdek qoʻriqlash (xavfsizlik) xizmati (mavjud boʻlsa) xodimlarining roʻyxatini vakolatli organga taqdim etmaganlik	**10**	
7.	Qurol va uning oʻq-dorilarini olish, saqlash, kolleksiyalash yoki koʻrgazmaga qoʻyishga doir ruxsatnomaning amal qilish muddatini uzaytirish uchun zarur boʻlgan hujjatlarni ruxsatnomaning amal qilish muddati tugashidan kamida oʻttiz ish kunidan oldin, qurol va uning oʻq-dorilarini realizatsiya qilish, tashish, Oʻzbekiston Respublikasi hududiga olib kirish, Oʻzbekiston Respublikasi hududidan olib chiqish va Oʻzbekiston Respublikasi hududi orqali tranzit qilishga doir ruxsatnomalar muddatini uzaytirish uchun zarur boʻlgan hujjatlarni esa ularning muddati tugashidan kamida oʻn ish kunidan oldin vakolatli organga taqdim etmaganlik	**10**	
8.	Fuqaroviy, xizmat va kolleksiyalash quroli hamda uning oʻq-dorilari realizatsiya qilingandan soʻng oʻn kun muddatda ularni saqlash, kolleksiyalash yoki koʻrgazmaga qoʻyishga doir ruxsatnomaga oʻzgartirishlar kiritish uchun tegishli hujjatlarni (qisman realizatsiya qilinganda), shuningdek, qurol va uning oʻq-dorilarini saqlash, kolleksiyalash yoki koʻrgazmaga qoʻyishga doir ruxsatnomaning aslini (toʻliq realizatsiya qilinganda) vakolatli organga taqdim etmaganlik	**10**	
9.	Qurolxonalarni jismoniy himoya qilish boʻyicha tadbirlarni amalga oshirish, ularni qoʻriqlashning muhandislik-texnik vositalari bilan jihozlash va oʻrnatilgan qoʻriqlash-yongʻin signalizatsiyasi vositalarining ichki ishlar organlari qoʻriqlash boʻlinmalarining texnik qoʻriqlash markaziga ulanishini taʼminlamaganlik	**10**	

QMMB: 10/26/3871/0666-son
01.07.2026-y.

	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Portlovchi materiallarni olib kirish, sotib olish, saqlash, shuningdek, avtomobil va temir yo‘l transportida tashish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Harakatni va (yoki) ma’lum bir faoliyat turini portlovchi materiallaring muomalasi sohasidagi ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatlarda ko‘rsatilgan doiralarda amalga oshirmaganlik	**15**	
2.	Portlovchi materiallarni ishlab chiqarish va saqlash obyektlari qo‘riqlanishini, ularni transportda tashishda kuzatuvini ta’minlash, portlovchi materiallarni saqlash joylariga ruxsatsiz kirish va ulardan foydalanishga yo‘l qo‘ymaslikka qaratilgan rejim hamda boshqa choralarni ko‘rmaganlik	**15**	
3.	Portlovchi materiallarning mavjudligi va sarfi hisobini yuritmaganlik	**15**	
4.	Portlovchi materiallarning muomalasi bilan bog‘liq ishlarni amalga oshirish uchun yuridik shaxs egaligida yoki boshqa ashyoviy huquq asosida belgilangan talablarga javob beradigan moddiy-texnik bazaning (binolar, xonalar, hududlar, apparatura jihozlari, asbob-uskunalar, transport, nazorat qilish va o‘lchash vositalari, hisoblash va tashkiliy texnika vositalari) mavjud emasligi	**15**	

5.	Yuridik shaxsning shtatida belgilangan norma va qoidalar talablariga muvofiq portlovchi materiallar bilan ishlashga ruxsat berilgan tegishli malakaga ega bo‘lgan texnik xodimlarning mavjud emasligi	**15**	
6.	Portlovchi materiallarning muomalasi bilan bog‘liq ishlarni bevosita bajaradigan xodimlarni muntazam ravishda tibbiy ko‘rikdan, shu jumladan, psixiatrik va narkologik dispanserlarning tekshiruvlaridan o‘tkazmaganlik	**15**	
7.	Sanoat xavfsizligi, portlovchi materiallarni ishlab chiqarish, ulardan foydalanish, ularni saqlash va tashish, shuningdek, portlatish ishlarini bajarish sohalaridagi normativ-huquqiy va texnik jihatdan tartibga solish normativ hujjatlarining majburiy talablariga amal qilmaganlik (ushbu Ko‘rsatkichlarning 1–6-bandlari bundan mustasno)	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi tomonidan tadbirkorlik subyektlarining qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga

3-ILOVA

Avtomototransport vositalari va shahar elektr transporti vositalari haydovchilarini tayyorlash hamda qayta tayyorlash bo‘yicha nodavlat ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Ta’lim-tarbiya faoliyati yuritiladigan binoga (xonalarga) mulkiy yoki boshqa ashyoviy huquqning mavjud emasligi (oldi-sotdi shartnomasi yoki ko‘chmas mulk ijarasi shartnomasi (agar bino ijaraga olingan bo‘lsa), ko‘chmas mulk obyekti kadastr pasporti, ko‘chmas mulk obyektiga egalik qilish, undan foydalanish hamda uni tasarruf etish huquqini tasdiqlovchi boshqa hujjatlar)	**10**	

2.	Ta’lim tashkiloti, ta’lim oluvchilar va pedagog kadrlar (haydovchi-yo‘riqchilar) to‘g‘risidagi to‘g‘ri, to‘liq va ishonchli ma’lumotlarni “Uzluksiz ta’lim” axborot tizimiga kiritmaganlik va har chorakda yangilab bormaganlik	**10**	
3.	O‘quv guruhlari faoliyatini samarali tashkil etish hamda yakuniy imtihonlarning shaffof o‘tkazilishi va natijalarining xolisligini nazorat qilish bo‘yicha ma’lumotlarni O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamenti Yo‘l harakati xavfsizligi xizmatining Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimiga real vaqt rejimida kiritib borish imkoniyatining yaratilmaganligi	**10**	
4.	Avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash va qayta tayyorlash hamda haydovchilik guvohnomasini olish uchun nazariy va amaliy imtihonlarni o‘tkazish bo‘yicha davlat ta’lim talablariga muvofiq o‘qituvchilar va instruktorlar tarkibining mavjud emasligi	**10**	
5.	Ta’lim faoliyatini amalga oshirish uchun qayta jihozlangan va ro‘yxatga olingan o‘quv avtomototransport vositalari yoki shahar elektr transporti vositalarining mavjud emasligi	**10**	
6.	O‘quv va o‘quv-metodik adabiyotlar hamda axborot-resurs bazasi bilan ta’minlanmaganligi	**10**	
7.	Ta’lim oluvchilar soniga to‘g‘ri keladigan o‘qituvchilar va haydovchi-yo‘riqchilar shtat birliklari mavjud emasligi yoki o‘qituvchilar minimal sonining to‘g‘ri kelmasligi	**10**	
8.	Haydovchilarni tayyorlash ta’lim tashkiloti va uning hududiga qo‘yiladigan talablarga muvofiq emasligi	**10**	
9.	Axborot texnologiyalari bilan yetarli darajada ta’minlanmaganligi	**10**	

10.	O‘quv auditoriyalari ta’lim faoliyati uchun yaratilgan sharoitlarga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq emasligi	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3872
2026 - yil 29 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI HUZURIDAGI IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISH DEPARTAMENTI BOSHLIG’INING BUYRUG’I

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ-184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2026 йил 17 апрелдаги ПФ-63-сон “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ҳамда 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining o'rinbosari - Departament boshlig'i
01-Iyun 2026-yil
21 son

XATAMOV JAXONGIR JURAYEVICH

Kelishildi:

Rais
19-May 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
18-May 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/3872/0654-son
30.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
бошлиғининг 2026 йил 1 июндаги
21-сон буйруғига
ИЛОВА

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

Мазкур Низом жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ташкилотлар – Ўзбекистон Республикаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар;

“Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасини аниқ мезонларга асосланиб, ташкилотлар томонидан ўз фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш механизми;

текширув – тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини керакли материаллар,

ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўтказиладиган назорат қилиш тадбири.

2. Департамент томонидан “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талабларга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Минимал талабларга зид бўлган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими ташкилотда текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқишга асос бўлмайди.

3. Ишлаб чиқилган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими асосида аниқланган ҳуқуқбузарлик хавфи қай даражада бўлишидан қатъи назар, ташкилотга нисбатан таъсир чораларини қўллашга асос бўла олмайди.

2-боб. Хавф даражасини таҳлил қилишга доир умумий талаблар

4. Ташкилотнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш хавфи даражасини таҳлил қилиш жараёни ташкилот фаолиятини тўхтатиб туриш, унга тўсқинлик қилиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўғридан-тўғри аралашишни назарда тутувчи хатти-ҳаракатларни ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Хавф даражасининг таҳлили қуйидаги маълумотларни ўрганиш асосида амалга оширилади:

маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар);

даврий статистика маълумотлари, жумладан, аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ташкилотни умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар;

оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар;

назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, ахборотлар ва шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан олинган маълумотлар ва сўровлар;

ташкилотлар томонидан қонунчилик талабларига риоя этилишини ҳамда белгиланган мажбуриятларни бажарилишини ўрганиш натижалари бўйича тўпланган маълумотлар;

назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан олинган маълумотлар ва ҳужжатлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва ташкилотнинг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

6. Хавф даражаси таҳлили жараёнида ташкилотлардан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

7. Хавф даражаси таҳлили Департаментнинг назорат ваколати доирасида фаолият кўрсатувчи ташкилотларда ўтказилади.

Назорат ваколатига кирмайдиган ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

3-боб. Хавф даражалари таснифи ва уларни мезонлашга доир талаблар

8. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида хавф даражасини баҳолаш ўрганиладиган маълумотлар асосида шакллантирилган мазкур Низомнинг 1-3-иловаларида кўрсатилган асосий кўрсаткичлар ва суб-кўрсаткичларга ташкилот фаолиятининг мувофиқлигини “балл” тизими асосида баҳолаш орқали амалга оширилади.

Бунда суб-кўрсаткичлар мавжуд бўлганда ҳар бир асосий кўрсаткичнинг баҳоси ушбу кўрсаткич остидаги суб-кўрсаткичлар баҳосининг йиғиндисидан келиб чиқади.

9. Департамент ташкилотларнинг хавф даражасини баҳолаш учун мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган асосий кўрсаткичлар ва суб-кўрсаткичларни “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимига киритади.

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ички назорат фаолиятини ташкил этишга оид қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш

соҳасидаги қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари.

Бунда ташкилотларнинг хавф даражаси мазкур бандниng иккинчи–тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган кўрсаткичлар (суб-кўрсаткичлар) бўйича “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида автоматик равишда алоҳида аниқланади.

10. Амалга оширилган баҳолаш натижаларига кўра аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи бўйича қуйидаги уч хил тоифада таснифланади:

хавф даражаси юқори – баҳолаш натижалари бўйича 81 баллдан 100 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи ташкилотлар;

хавф даражаси ўрта – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллдан 81 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи ташкилотлар;

хавф даражаси паст – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи ташкилотлар.

11. Хавф даражаси таҳлили, қоида тариқасида, бир йилда камида бир маротаба ўтказилади.

Бунда ташкилотлар фаолиятида профилактика тадбирлари ва текширувлар фақатгина жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этишини ўрганиш мақсадида ўтказилади.

12. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифидаги ташкилотларда профилактика тадбирлари ва текширувларни ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ-184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ-374-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги Қарори ҳамда 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талаблар асосида амалга оширилади.

13. Хавф даражаси паст бўлган ташкилотлар фаолиятида текширувлар ўтказилмайди.

4-боб. Якуний қоидалар

14. Хавфни таҳлил этиш натижаларидан норози бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

15. Мазкур Низомнинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ички назорат фаолиятини ташкил этишга оид қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
1.	**Ички назорат хизмати ташкил этилмаганлиги (ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида)***	70	
1.1.	Ички назорат ходим(лар)и тайинланмаганлиги ва (ёки) қуйи бўлинмаларда (филиалларда) ички назорат ходим(лар)и ички назорат тайинланмаганлиги		
1.2.	Ички назорат хизматининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) ахборот дастурида рўйхатдан ўтмаслик		
1.3	Қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ички назорат ходим(лар)ининг		

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар
	тайинланганлиги		
2.	**Ички назорат хизмати лозим даражада ташкил этилмаганлиги (ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида)***	20	
2.1.	Ички назорат хизмати раҳбарининг ташкилотнинг қуйи бошқаруви раҳбариятига ҳисобдорлиги ва (ёки) бошқа бўлинмалардан мустақил эмаслиги		
2.2.	Операциялар кўлами, таваккалчилик даражаси ва бошқа асосларга кўра ички назорат хизмати ходимларининг сони етарли эмаслиги		
2.3.	Департаментнинг ахборот дастуридан доимий ёки умуман фойдаланмаслик		
3.	Ички назорат хизмати ходимларининг малакасини оширмаганлиги	5	
4.	Департаментнинг сўровларига ўз вақтида маълумотлар тақдим этилмаслиги, тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилиши	5	
	Жами баллар йиғиндиси	**100**	

** Изоҳ: Асосий кўрсаткич таркибидаги суб-кўрсаткичлардан биттаси ёки бир нечтаси бузилса ҳам, шу асосий кўрсаткич учун белгиланган балл берилади.*

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

T/p	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
1.	**Тўхтатиб турилиши ва тегишли чора-тадбирлар кўрилганидан сўнг ўтказилиши шарт бўлган операцияларни тўғридан-тўғри амалга ошириш (ҳар бир суб-кўрсаткич бўйича алоҳида)***	80	
1.1	Амалга оширилиши оқибатида жуда кўп миқдорда зарар етишига сабаб бўладиган жиноятларни содир этишга шароит яратиб берувчи шубҳали операция аломатлари мавжуд ва (ёки) юқори таваккалчилик тоифасидаги операцияларни тегишли чора-тадбирларни кўрмасдан, мижозни лозим даражада текшириш ва (ёки) кучайтирилган тартибда мижозни лозим даражада текширишсиз ўтказиш		
1.2	Иқтисодий жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ўттиз иш куни муддатига қадар операцияларни тўхтатиш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмани ижро этмаслик оқибатида операцияларни ўтказиш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланиш		
1.3	Ички назорат қоидаларига мувофиқ тўхталиши ёки рад қилиниши лозим бўлган (идентификация қилиш ёки мижозларни лозим даражада текшириш имконияти бўлмаган) операцияларни ўтказиш		
2.	**Шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни ўз вақтида тақдим этмаслик, тўлиқ тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилиш (ҳар бир суб-кўрсаткич бўйича алоҳида)***	5	
2.1	Шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар ҳақида хабар юбормаслик		
2.2	Амалга ошириш рад этилган операция ва (ёки) қайтариб юборилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўғрисида хабар юбормаслик		
2.3	Шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни расмийлаштириш тартибини (маълумотларни тўлиқ киритмаслик, нотўғри киритиш ва ҳ.к.) бузган ҳолда юбориш		

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар
3.	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг сўровларига ўз вақтида маълумотлар тақдим этмаслик, тўлиқ тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилиш (ҳар бир суб-кўрсаткич бўйича алоҳида)***	10	
3.1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтказилаётган молиявий таҳлил юзасидан юборилган сўровга белгиланган муддатда маълумотларни тўлиқ тақдим этмаслик, нотўғри маълумотлар тақдим этиш ёки муддатида тақдим этмаслик		
3.2	Алоҳида назоратдаги молиявий таҳлил бўйича юборилган сўровга белгиланган муддатда операциялар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ тақдим этмаслик, хато маълумот тақдим этиш ёки ўз муддатида тақдим этмаслик		
4.	Юқори мансабдор шахсларга алоқадор ва (ёки) бенефициар мулкдорларга нисбатан белгиланган чора-тадбирларни амалга оширмасдан операцияларни ўтказиш	5	
	Жами баллар йиғиндиси	100	

** Изоҳ: Асосий кўрсаткич таркибидаги суб-кўрсаткичлардан биттаси ёки бир нечтаси бузилса ҳам, шу асосий кўрсаткич учун белгиланган балл берилади.*

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги
қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга
оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини
жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги

Қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
1.	**Тўхтатиб турилиши ва тегишли чора-тадбирлар кўрилганидан сўнг ўтказилиши шарт бўлган операцияларни тўғридан тўғри амалга ошириш (ҳар бир суб-кўрсаткич бўйича алоҳида)**	80	
1.1	Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатидаги (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) шахсларга алоқадор қуйидаги операциялардан бирини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб турмаслик, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатмаслик: **а)** Рўйхатдаги шахснинг ўзи, унинг номидан ёки топшириғига асосан бевосита ёхуд билвосита ҳаракат қилаётган шахслар иштирок этаётган операциялар; **б)** Рўйхатдаги шахсга тўлиқ ёки қисман бевосита ёки билвосита тегишли ёхуд унинг назорати остида бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк иштирок этаётган операциялар; **в)** Рўйхатдаги шахсга тўлиқ ёки қисман бевосита ёки билвосита тегишли ёхуд унинг назорати остида бўлган пул маблағларидан ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланишдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк иштирок этаётган операциялар; **г)** Рўйхатдаги шахснинг тўлиқ ёки қисман бевосита ёки билвосита мулкида ёхуд унинг назорат остида бўлган юридик шахс иштирок этаётган операциялар.		
1.2	Хорижий давлатларга алоқадор бўлган операцияни унинг иштирокчиларини идентификация қилмасдан ва (ёки) Рўйхатдаги шахслар билан солиштирмасдан ўтказиш		
1.3	Терроризм хавфи юқори бўлган ҳудудларга (фаол террорчилик ҳаракатлари олиб борилаётган ҳудудлар ёки ушбу ҳудудларга чегарадош ҳудудлар) алоқадор операцияда иштирок этаётган пул маблағлари ёки		

T/p	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
	бошқа мол-мулкнинг манбаси ва операция мақсадини ўрганмасдан ўтказиш		
1.4	Рўйхатга киритилмаган, лекин терроризмга ёки экстремизмга алоқадор шахслар мазкур Кўрсаткичларнинг 1-бандида кўрсатилган шаклларда иштирок этган операцияни, унда иштирок этаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбаси ва операция мақсадини ўрганмасдан ўтказиш		
1.5	Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича операцияларни ўттиз иш кунига тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмани ижро этмаслик оқибатида операцияларни ўтказиш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланиш		
2.	**Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ахборотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, тўлиқ тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилиш (ҳар бир суб-кўрсаткич бўйича алоҳида)**	5	
2.1	Рўйхатдаги шахслар иштирокидаги рухсат берилган операцияларнинг ўтказилганлиги ва (ёки) ишга солмай тўхтатилган маблағлар ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланилганлиги ҳақида хабар юбормаслик		
2.2	Амалга ошириш рад этилган ёки тўхтатилган ва (ёки) ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар ҳамда операцияни амалга оширишга уринишлар тўғрисида хабар юбормаслик		
2.3	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтказилаётган молиявий таҳлил юзасидан юборилган сўровга белгиланган муддатда маълумотларни тўлиқ тақдим этмаслик, нотўғри маълумотлар тақдим этиш ёки муддатида тақдим этмаслик		
2.4	Алоҳида назоратдаги молиявий таҳлил бўйича юборилган сўровга белгиланган муддатда маълумотларни тўлиқ тақдим этмаслик, нотўғри		

T/p	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
	маълумотлар тақдим этиш ёки ўз муддатида тақдим этмаслик		
2.5	Шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни расмийлаштириш тартибини (маълумотларни тўлиқ киритмаслик, нотўғри маълумотлар киритиш ва ҳ.к.) бузган ҳолда юбориш		
3.	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг расмий сайти ва (ёки) Департаментнинг автоматлаштирилган дастурий маҳсулоти ёхуд электрон алоқа канали орқали юборилган юқори таваккалчилик тоифасидаги мижозлар реестрига киритилиши ҳамда зудлик билан ижрога қаратилиши мажбурий бўлган маълумотларни ўз вақтида ижрога қабул қилмаслик ва қуйи тармоқларга етказмаслик**	5	
3.1	Террорчилар рўйхати ўзгаришига ва (ёки) терроризмни молиялаштириш хавфи юқори бўлган ҳолатлар (терроризмга оид жиноятлар бўйича давлатлараро қидирувдаги шахслар рўйхати – МДҲ Терроризмга қарши курашиш маркази қидирув рўйхати, Фаол террорчилик ҳаракатлари олиб борилаётган ҳудудлар рўйхати ва ҳ.к.) ўзгаришига муносабат билдирмаслик, ўзгартирилган маълумотларни ўз вақтида ижрога қаратмаслик, қуйи бўлимлар ёки ходимларга етказмаслик		
3.2	Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ўттиз иш куни муддатига қадар операцияларни тўхтатиш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бўйича кўрсатмага (оқибатлари мавжуд бўлмаган ҳолатда) зудлик билан муносабат билдирмаслик ва ижрога йўналтирмаслик		
4.	**Тўхтатилган операцияларни тиклаш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишни бекор қилиш ва улардан фойдаланишга рухсат беришга доир талабларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик (ҳар бир суб-кўрсаткич бўйича алоҳида)**	5	

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган баллар**
4.1	Рўйхатдаги шахсга унинг операцияси тўхтатилганлиги ва операцияни тиклаш тартиби бўйича маълумот бермаслик		
4.2	Тўхтатилган операцияни тиклаш бўйича аризани расмийлаштириш ва юбориш тартибига риоя қилмаслик		
4.3	Рухсат берилган операцияларни тиклаш бўйича мурожаат муаллифига хабар бермаслик		
5.	**Мижозларни лозим даражада текшириш ёки кучайтирилган тартибда мижозларни лозим даражада текширишни амалга оширмасдан операцияларни асоссиз тўхтатиш**	5	
5.1	Рўйхатдаги шахсларга алоқадор бўлмаган операцияларни асоссиз тўхтатиш ва (ёки) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиш		
5.2	Тиклашга рухсат берилган Рўйхатдаги шахсларнинг операцияларини ўтказмаслик		
	Жами баллар йиғиндиси	100	

** Изоҳ: Асосий кўрсаткич таркибидаги суб-кўрсаткичлардан биттаси ёки бир нечтаси бузилса ҳам, шу асосий кўрсаткич учун белгиланган балл берилади.*

26 (1254)-son
665-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3873
2026 - yil 29 - Iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2026 йил 17 апрелдаги ПФ–63-сон “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Vazir
16-Iyun 2026-yil
7- son

MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH

Kelishildi:

Rais
09-Iyun 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
05-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2026 йил 16 июндаги 7-сон буйруғига ИЛОВА

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ваколатига кирадиган масалаларга доир автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларида назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тадбиркорлик субъекти – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

текширув – тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини текшириш учун керакли материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали Инспекция томонидан ўтказиладиган назорат тадбири;

“Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими – Инспекция томонидан тегишли назорат соҳаси бўйича аниқ мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ўз фаолиятида қонунчилик бузилиши хавфи даражасини аниқлаш механизми.

2. Инспекция томонидан “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талабларга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Минимал талабларга зид бўлган “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқишга асос бўлмайди.

3. Хавф даражаси таҳлили Инспекция томонидан бир йилда камида бир маротаба Инспекциянинг назорат ваколати доирасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларида электрон тизим орқали ўтказилади.

2-боб. Хавф даражасини таҳлил қилишга доир умумий талаблар

4. Тадбиркорлик субъектининг қонунни бузиш хавфи даражасини таҳлил қилиш жараёни тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш, унга тўсқинлик қилиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўғридан-тўғри аралашишни назарда тутувчи хатти-ҳаракатларни ўз ичига олмаслиги зарур.

5. Хавф даражасининг таҳлили қуйидаги маълумотларни ўрганиш асосида амалга оширилиши мумкин:

маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар);

даврий статистика маълумотлари, шу жумладан аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тадбиркорлик субъектини умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар;

оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва тадбиркорлик субъектининг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

6. Хавф даражаси таҳлили жараёнида тадбиркорлик субъектидан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

7. Назорат ваколатига кирмайдиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

3-боб. Хавф даражаси таснифи ва уларнинг мезонларига доир талаблар

8. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида хавф даражасини баҳолаш ўрганиладиган маълумотлар асосида шакллантирилган мазкур Низомнинг 1–7-иловаларида кўрсатилган асосий кўрсаткичларга тадбиркорлик субъекти фаолиятининг мувофиқлигини “балл” тизими асосида баҳолаш орқали амалга оширилади.

9. Хавф даражасини баҳолаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимига киритилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Автомобиль транспортида йўловчи ташишни назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Автомобиль транспортида юк ташишни назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Автовокзал (автостанция) фаолиятини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Сув транспортини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Темир йўл транспортини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ Электр транспорти ва метрополитенни назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари;

мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ Йўл қурилиши объектларини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш кўрсаткичлари.

Бунда, ташкилотларнинг хавф даражаси мазкур бандниng иккинчи–еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асосий кўрсаткичлар бўйича “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида автоматик равишда алоҳида аниқланади.

10. “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст, ўрта ва юқори даражаларга таснифланади.

Бунда, баҳолаш натижасида аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи қуйидаги уч хил тоифага таснифланади:

хавф даражаси юқори – баҳолаш натижалари бўйича 81 баллдан 100 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари;

хавф даражаси ўрта – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллдан 81 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари;

хавф даражаси паст – баҳолаш натижалари бўйича 61 баллгача бўлган балларни ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари.

11. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифидаги тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари ва текширувларни ўтказиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–184-сон “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ–374-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талаблар асосида амалга оширилади.

12. Хавф даражаси паст бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказилмайди.

4-боб. Якуний қоидалар

13. Хавфни таҳлил этиш натижаларидан норози бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

14. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчи ташишни назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган балл
1.	Автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш фаолияти учун лицензия талаблари ва шартларига риоя этилмаганлиги	35	
2.	Ташувчи томонидан тендер талабларининг бузилиши	40	
3.	Йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мулкига зарар етказганлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга оид мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги	5	
4.	Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ҳамда техник кўрикдан ўтказилмаганлиги	10	
5.	Автомобиль транспортида йўловчиларни ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилинмаганлиги	10	
Жами		**100**	

QMMB: 10/26/3873/0653-son
30.06.2026-y.

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Автомобиль транспортида юк ташишни назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Автомобиль транспортида юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти учун лицензия талаблари ва шартларига риоя этилмаганлиги	35	
2.	Юкларни ташишда автотранспорт воситаларига йўл варақалари, шунингдек товар-транспорт юк хатларини юритиш тартиби бузилганлиги	40	
3.	Стационар ва мобил постларда транспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларига мувофиқ эмаслиги, катта ҳажмли ва оғир вазнли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун махсус рухсатномалар мавжуд эмаслиги	9	
4.	Юкларни халқаро ташишда ташувчиларнинг автотранспорт воситасининг давлат ҳудуди бўйлаб ўтиши ва ташиш турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома бланкаларисиз ташиши билан шуғулланганлиги, рухсатнома бланкаларини тўлдириш талабларини бузганлиги	8	
5.	Автомобилда халқаро юк ташишни бажарадиган автотранспорт воситаларида рақамли назорат қурилмаларидан фойдаланиш тартиби бузилганлиги	8	
Жами		**100**	

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Автовокзал (автостанция) фаолиятини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Автовокзалларга (автостанцияларга) қўйиладиган умумий талаблар бажарилмаганлиги	35	
2.	Автовокзалларда (автостанцияларда) ахборот хизмати ташкил этилмаганлиги	10	
3.	Автотранспорт воситаларининг ҳаракат жадвалига риоя этилмаганлиги	20	
4.	Автотранспорт воситаларининг йўл варақалари ва диспетчерлик ҳужжатларини расмийлаштирилмаганлиги	20	
5.	Йўловчиларга автовокзалларда (автостанцияларда) маиший хизмат кўрсатиш, маданий-маиший ва санитария-гигиена ҳолати талаб даражасида эмаслиги ҳамда ҳайдовчилар учун маиший шароитлар яратилмаганлиги ва уларнинг дам олиши ташкил этилмаганлиги ва хоналар керакли жиҳозлар билан таъминланмаганлиги	7	
6.	Чипта кассалари ишини ташкил этиш талабларига риоя этилмаганлиги	8	
Жами		**100**	

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-ИЛОВА

Сув транспортини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган балл
1.	Сув транспортида ташиш хавфсизлиги таъминланмаганлиги	20	
2.	Кемаларнинг рўйхатга ёки қайта рўйхатга олинмаганлиги ва техник кўриклардан ўтказилмаганлиги	10	
3.	Кема ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки амал қилиш муддати тугаганлиги	10	
4.	Кемалар малакали экипаж билан бутланмаганлиги, бортда авария-қутқариш, сузиб юрувчи қурилмаларда одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи нуқсонлар пайдо бўлганлиги, кемалардан фойдаланиш қоидалари талаблари бузилганлиги	25	
5.	Кемани кема ҳайдовчиси гувоҳномасига эга бўлмаган шахс бошқарганлиги	10	
6.	Кема экипажи аъзоларининг хавфсизлик техникаси бўйича билимлари текширувдан (аттестациядан) ўтказилмаганлиги	25	
Жами		**100**	

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Темир йўл транспортини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Темир йўл транспортида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги	10	
2.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва инфратузилмаси объектлари давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, шунингдек темир йўл рельсларининг нуқсонларини аниқлашга мўлжалланган қурилмалар ёрдамида темир йўл рельсларини йилда камида бир марта ёки тасдиқланган режа-график асосида текширилмаганлиги	8	
3.	Темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича маълумотлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги	5	
4.	Темир йўл инфратузилмаси объектлари ҳамда ҳаракатдаги темир йўл таркибида носозликлар мавжудлиги	20	
5.	Темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишларни амалга ошириш ҳамда ҳаракатдаги темир йўл таркибини сақлаш жараёнида нуқсонларга йўл қўйилганлиги	20	
6.	Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан темир йўл инфратузилмаси объектлари ва ҳаракатдаги темир йўл таркибига эгалик қилувчи ёки улардан ижара (вақтинчалик фойдаланиш) асосида фойдаланувчи субъектлар томонидан темир йўл транспортида йўловчилар ва юкларни (шу жумладан хавфли юкларни) ортиш, ташиш,	37	

	туширish ва сақлаш, хавфли юкларни ишлаб чиқариш, аҳоли пунктларига яқин ҳудудларда темир йўл орқали ташишларни амалга ошириш, шохобча темир йўллар орқали ҳаракатдаги темир йўл таркибини транзит ўтказиш, шунингдек темир йўл кесишмалари, технологик ўтиш жойлари, тормоз бошмоқлари ҳамда вагонларни ҳаракатга келтирувчи тортувчи қурилмалардан фойдаланиш		
Жами		**100**	

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга 6-ИЛОВА

Электр транспорти ва метрополитенни назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	**Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари**	**Балл**	**Таҳлил якунига кўра қўйилган балл**
1.	Электр транспорти ва метрополитенда йўловчилар ташиш, ҳаракатдаги таркиб ва инфратузилма объектларини ишчи ҳолатда сақлаш, эксплуатация қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек капитал қайта тиклаш ва режали таъмирлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги	37	
2.	Ҳаракатдаги таркиб ва инфратузилма объектларида нуқсонлар мавжудлиги, шунингдек уларни белгиланган муддатларда бартараф этмаганлиги	40	
3.	Электр транспорти ва метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича маълумотлар тақдим этилмаганлиги	7	
4.	Электр транспорти ва метрополитенда ҳаракат ва ташишлар жараёнида қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги, шунингдек ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида белгиланган тартибда дарҳол хабар берилмаганлиги	7	
5.	Хизмат ва таъмирлаш муддати ўтган ҳаракатдаги таркибдан фойдаланганлиги	9	
Жами		**100**	

Автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга 7-ИЛОВА

Йўл қурилиши объектларини назорат қилиш соҳасида қонунчилик бузилиши хавфини аниқлаш КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Хавф даражасини баҳолаш кўрсаткичлари	Балл	Таҳлил якунига кўра қўйилган балл
1.	Йўл қурилиши объектида бажариладиган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ва техник ҳужжатлар ҳамда лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя этилмаганлиги	40	
2.	Йўл қурилиши объектида қўлланиладиган материаллар ҳамда конструксияларнинг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ва техник ҳужжатлар ҳамда лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя этилмаганлиги	35	
3.	Йўл қурилиши объектининг қурилиш паспорти белгиланган тартибга мувофиқ таъминланмаганлиги	7	
4.	Йўл қурилиши ишларини амалга ошириш бўйича ишчи хизматчилар махсус кийимлар ва хавфсизлик жиҳозлари ҳамда иш ускуналари билан таъминланмаганлиги	8	
5.	Йўл қурилиши объектида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ички назорат юритилиши таъминланмаганлиги	10	
Жами		**100**	

26 (1254)-son
666-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3874
2026 - yil 29 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING QARORI

Maqsadli ipoteka omonatini joriy etish bo‘yicha tajriba-sinov loyihasini amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 24-fevraldagi PF–29-son “Aholini uy-joy bilan ta’minlash ishlarini jadallashtirish va ko‘p kvartirali uylar qurilishini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. Maqsadli ipoteka omonatini joriy etish bo‘yicha tajriba-sinov loyihasini amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror 2026-yil 1-iyuldan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
12-Iyun 2026-yil
375 son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Raisi
11-Iyun 2026-yil
9801 son

ISHMETOV TIMUR AMINDJANOVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2026-yil 12-iyundagi 375-son va Markaziy bank boshqaruvining 2026-yil 11-iyundagi 9801-son qaroriga
ILOVA

Maqsadli ipoteka omonatini joriy etish boʻyicha tajriba-sinov loyihasini amalga oshirish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom maqsadli ipoteka omonatini joriy etish boʻyicha tajriba-sinov loyihasini amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi tushunchalardan foydalaniladi:

ipoteka kreditining eng koʻp miqdori – amaldagi qonunchilik hujjatlarida belgilangan Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi (bundan buyon matnda Iqtisodiyot va moliya vazirligi deb yuritiladi) tomonidan ipoteka kreditlarini qayta moliyalashtirishning eng koʻp miqdori;

ishtirok etuvchi tijorat banklari (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) – fuqarolar tomonidan birlamchi uy-joy bozorida tanlangan uy-joylarni sotib olishga ipoteka kreditini taqdim etuvchi tijorat banklari;

maqsadli ipoteka omonati (bundan buyon matnda ipoteka omonati deb yuritiladi) – subsidiya xabarnomasiga ega fuqarolar tomonidan birlamchi uy-joy bozoridan kvartira sotib olish uchun ipoteka kreditining eng koʻp miqdori doirasida dastlabki badalni shakllantirish uchun tijorat bankida ochilgan omonat hisobvaragʻida jamgʻariladigan mablagʻlar;

omonatchi – bank bilan tuzilgan ipoteka omonati shartnomasiga asosan oʻz pul mablagʻlarini uy-joy sotib olish uchun bankka 12 oydan oshmagan muddatga saqlash va foiz olish maqsadida joylashtirgan hamda shartnomada belgilangan shartlar asosida qaytarib olish huquqiga ega boʻlgan shaxs;

qarz oluvchi – birlamchi uy-joy bozoridagi kvartirani sotib olish yoki yakka tartibdagi loyihalarni amalga oshirish uchun ipoteka krediti olgan va kredit shartnomasida belgilangan shartlarda qaytarish majburiyatini ega fuqaro;

shartnoma – fuqaro va qurilish-pudrat tashkiloti oʻrtasida uy-joy obyektini sotib olish uchun tuziladigan birlamchi shartnoma boʻlib, unda uy-joy obyektini sotib

olish sharti, narxi, toʻlov tartibi va muddatlari belgilanadi;

subsidiya xabarnomasi – Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan qayta moliyalashtiriladigan ipoteka kreditlari boʻyicha dastlabki badal va foiz xarajatlarining bir qismini Davlat budjetidan qoplab berish uchun daromadi yuqori boʻlmagan va uy-joy sharoitlarini yaxshilashga muhtoj boʻlgan fuqarolarga taqdim etiladigan xabarnoma;

talabgor – ipoteka kreditlari boʻyicha subsidiya berish toʻgʻrisida ijobiy xabarnomani olgan ariza beruvchi;

uy-joy – pudrat tashkilotlari tomonidan oʻz mablagʻlari, bank krediti va qonunchilik hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan yangi qurilgan (qurilish ishlari yakka tartibdagi uy-joy yoki boshqa turdagi noturar bino va inshootlarning keyinchalik rekonstruksiya qilish orqali mulkchilik turi koʻp qavatli uy-joylarga oʻzgartirilgan qurilish va uy-joylar obyektlari bundan mustasno) birlamchi uy-joy bozoridagi kvartiralar (4 va undan yuqori qavatli);

ipoteka omonati hisobvaragʻi – bank tomonidan talabgorga ipoteka omonati shartnomasi doirasida dastlabki badal mablagʻlarini shakllantirish uchun ochiladigan “20406 – Jismoniy shaxslarning jamgʻarma depozitlari” hisobvaragʻi.

2. Ushbu Nizom talablari 2026-yil 1-iyuldan 31-dekabrgacha boʻlgan muddatda ochilgan maqsadli ipoteka omonatlariga nisbatan tatbiq etiladi.

3. Maqsadli ipoteka omonatini joriy etish boʻyicha tajriba-sinov loyihasi ushbu Nizomning ilovasida keltirilgan sxemaga muvofiq amalga oshiriladi.

2-bob. Ipoteka omonati hisobvaragʻini ochish va mablagʻlarni shakllantirish tartibi

4. Talabgor subsidiya xabarnomasining amal qilish muddati davomida ipoteka omonati hisobvaragʻini ochish uchun bankka ariza bilan murojaat qiladi.

5. Talabgor tomonidan taqdim etilgan hujjatlar bankning ichki qoidalariga muvofiq boʻlgan taqdirda bank uch ish kunida talabgor bilan ipoteka omonati hisobvaragʻini ochish yuzasidan shartnoma imzolaydi hamda ipoteka omonati hisobvaragʻini ochadi.

Bunda, dastlabki badalning talabgorning oʻz mablagʻi hamda dastlabki badal subsidiyasi hisobidan shakllanadigan mablagʻlar hisobi ipoteka omonati hisobvaraqlarida alohida yuritiladi.

6. Talabgorning hujjatlari qonunchilikda belgilangan tartiblarga muvofiq boʻlmagan holatlarda, bank ipoteka omonati hisobvaragʻi ochishni rad etadi va rad etish sabablarini koʻrsatgan holda talabgorga xabar yuboradi.

7. Talabgor bank bilan tuziladigan ipoteka omonati shartnomasiga muvofiq subsidiya xabarnomasining amal qilish davrida dastlabki badalning oʻz mablagʻi

hisobidan shakllanadigan qismidan kam boʻlmagan miqdordagi mablagʻlarni ipoteka omonati hisobvaragʻida jamgʻaradi.

8. Bank talabgor tomonidan dastlabki badalning oʻz mablagʻi hisobidan shakllanadigan qismi ipoteka omonati hisobvaragʻida jamgʻarilganidan soʻng ikki ish kuni muddatda “subsidyplatform.mf.uz” toʻlov platformasi (bundan buyon matnda platforma deb yuritiladi) orqali dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun Davlat budjetidan ajratilishi belgilangan subsidiya mablagʻini (bundan buyon matnda dastlabki badal subsidiyasi deb yuritiladi) ipoteka omonati hisobvaragʻiga oʻtkazib berish uchun omonatchi shakllantirgan dastlabki badal toʻgʻrisidagi toʻlov hujjatini ilova qilgan holda Iqtisodiyot va moliya vazirligiga buyurtmanoma yuboradi.

9. Iqtisodiyot va moliya vazirligi dastlabki badal subsidiyasini besh ish kunida bank tomonidan koʻrsatilgan omonatchining ipoteka omonati hisobvaragʻiga oʻtkazib beradi.

10. Ipoteka omonati hisobvaragʻiga mablagʻlar kelib tushgan kunning keyingi kunidan boshlab ipoteka omonat hisobvaragʻi yopilguniga qadar bank va talabgor oʻrtasida tuziladigan ipoteka omonati shartnomasida bozor stavkasidan kelib chiqib belgilanadigan foiz hisoblanishi boshlanadi.

11. Ipoteka omonatida jamgʻarilgan mablagʻlar hisoblangan foizlar bilan faqatgina Ipoteka dasturi doirasida mazkur Nizom va boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq uy-joylar sotib olish maqsadlari uchun foydalaniladi, bundan mazkur Nizomning 15-bandiga muvofiq ipoteka omonatida jamgʻarilgan mablagʻlarni mos ravishda omonatchiga va (yoki) Davlat budjetiga qaytarish holatlari mustasno.

3-bob. Ipoteka omonatidagi mablagʻlar qoldigʻiga foiz hisoblash tartibi

12. Ipoteka omonatining miqdori ipoteka kreditining eng koʻp miqdoridan hisoblanadigan dastlabki badal summasining omonatchi tomonidan shakllantirilishi lozim boʻlgan qismidan kam boʻlmagan miqdoridagi mablagʻlar hamda dastlabki badal subsidiyasi miqdoridan kelib chiqib belgilanadi.

Ipoteka omonati hisobvaragʻiga mablagʻlar kiritilgan kundan keyingi kundan boshlab 12 oydan oshmagan muddatga bozor stavkasida foiz hisoblanadi.

Bunda, omonatchi tomonidan 12 oydan oldin uy-joy sotib olinganda yoki mazkur Nizomning 15-bandiga muvofiq ipoteka krediti ajratish rad etilganda yoxud qonunchilik hujjatlarida belgilangan boshqa holatlarda ipoteka omonatida mablagʻlarni tegishliligi boʻyicha omonatchiga, quruvchiga yoki Iqtisodiyot va moliya vazirligiga qaytarishda ipoteka omonati hisobvaragʻini ochish yuzasidan bank va talabgor oʻrtasida tuzilgan shartnomada koʻrsatilgan foizlar pasayishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

13. Qarz oluvchi tomonidan sotib olinadigan uy-joyning qiymati ipoteka kreditining eng koʻp miqdori va ipoteka omonati hisobvarag‘ida jamg‘arilgan miqdordan oshgan taqdirda qolgan qismi qarz oluvchi tomonidan shakllantiriladigan dastlabki badal summasini oshirish orqali qoplanadi.

4-bob. Ipoteka omonatidagi mablagʻlardan foydalanish tartibi

14. Omonatchi tomonidan ipoteka omonati davri yakuniga qadar birlamchi uy-joy bozoridan ipoteka krediti shartlari asosida kvartira sotib olish uchun qurilish (pudrat) tashkiloti bilan tuzilgan birlamchi shartnomani hamda bank ichki qoidalariga muvofiq boshqa hujjatlarni taqdim qiladi.

15. Bank omonatchi tomonidan birlamchi uy-joy bozoridan ipoteka krediti shartlari asosida uy-joy sotib olish uchun taqdim etgan hujjatlarini amaldagi qonunchilik talablariga hamda bankning ichki kredit siyosatiga muvofiq belgilangan tartibda oʻrganib chiqadi.

Bank tomonidan mazkur bandning oltinchi-o‘n uchinchi xatboshilarida nazarda tutilgan ipoteka kreditini ajratishning rad etish asoslari mavjud bo‘lmagan taqdirda omonatchiga ipoteka krediti ajratish to‘g‘risida qaror qabul qiladi va bir ish kunida omonatchiga ipoteka krediti ajratish toʻgʻrisidagi kafolat xatini taqdim etadi.

Bank tomonidan omonatchiga ipoteka krediti ajratish rad etilgan taqdirda bir ish kuni ichida rad etish sabablarini aniq koʻrsatgan holda omonatchiga xabar yuboradi.

Bunda, omonatchi ipoteka omonati muddati yakuniga qadar takroran murojaat etish huquqiga ega boʻlib, bunday murojaatlar soniga nisbatan cheklovlar belgilanmaydi.

Bank tomonidan quyidagi hollarda omonatchiga ipoteka krediti ajratish rad etiladi:

a) talabgorning tashabbusi bilan ipoteka krediti orqali birlamchi bozordan uy-joy sotib olish rad etilganda;

b) omonatchining kredit tarixi va toʻlovga layoqatliligi bankning ichki qoidalariga mos kelmaganda;

d) taqdim etilgan ma’lumotlar notoʻgʻri yoki soxta boʻlganda;

e) omonatchi tomonidan tanlangan uy-joy mazkur Nizomning 1-bandida belgilangan uy-joy talablariga mos kelmaganda;

f) omonatchi tomonidan ipoteka omonatidagi mablagʻlar ipoteka omonat shartnomasida belgilanmagan holatlarda foydalanilganda;

g) ajratiladigan ipoteka krediti boʻyicha dastlabki badal uchun omonatchi tomonidan ipoteka omonati shartnomasida belgilangan miqdordagi omonat

mablagʻlari jamgʻarilmaganda;

h) omonat shartnomasiga muvofiq ipoteka omonati muddati yakuniga qadar talabgor va bank oʻrtasida ipoteka krediti shartnomasi rasmiylashtirilmaganda;

i) ipoteka omonati davrida omonatchi vafot etgan taqdirda va (yoki) ipoteka omonati shartnomasida nazarda tutilgan boshqa fors-major holatlar yuzaga kelganda.

16. Bank ipoteka omonati davrida mazkur Nizomning 15-bandida keltirilgan holatlarning biri qayd etilgan kundan e’tiboran ikki ish kunida:

omonatchiga oʻziga tegishli boʻlgan omonat mablagʻini unga hisoblangan foizlar bilan birga ipoteka omonati shartnomasida belgilangan tartibda qaytaradi;

dastlabki badal subsidiyasini unga hisoblangan foizlar bilan birga omonatchining roziligisiz Davlat budjetiga qaytaradi;

platforma orqali ushbu jarayonlar toʻgʻrisida Iqtisodiyot va moliya vazirligiga ma’lumotlarni yuboradi.

17. Bank tomonidan dastlabki badal subsidiyasi hisobidan shakllantirilgan omonat mablagʻi unga hisoblangan foizlar bilan birga Davlat budjetiga ikki ish kunida qaytarilmagan taqdirda har bir kechiktirilgan kun uchun ushbu jami summaning 0,033 foizi miqdorida penya hisoblanishi toʻgʻrisida platformada avtomatik ogohlantiriladi.

18. Omonatchi bank tomonidan ipoteka krediti ajratish toʻgʻrisidagi kafolat xatida belgilangan muddat ichida birlamchi uy-joy bozoridan ipoteka krediti shartlari asosida uy-joy sotib olish uchun zarur hujjatlarni bankka taqdim etadi.

19. Bank platforma orqali:

qurilish (pudrat) tashkiloti bilan birlamchi shartnoma va talabgor (omonatchi) nomiga rasmiylashtirilgan kvartiraning kadastr hujjatini;

qarz oluvchining bankda ochilgan ipoteka omonati hisobvaragʻida shakllangan va unga hisoblangan foizlar hamda ajratiladigan ipoteka krediti summasini ilova qilgan holda roʻyxatdan oʻtkazish uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligiga elektron tartibda xabarnoma yuboradi.

Bunda, mazkur kvartira boʻyicha taqdim etiladigan kadastr hujjatlarida yashash maydoni koʻrsatilmagan taqdirda platforma orqali xabarnoma yaratish rad etiladi.

20. Iqtisodiyot va moliya vazirligi ikki ish kunida platforma orqali xabarnomani roʻyxatdan oʻtkazadi.

Bunda, platforma orqali Iqtisodiyot va moliya vazirligida roʻyxatdan oʻtkazilmagan xabarnomalar boʻyicha ipoteka kreditlari boʻyicha dastlabki badal

subsidiyasi va foiz xarajatlarining bir qismini qoplash uchun subsidiya mablagʻlari ajratilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

21. Iqtisodiyot va moliya vazirligi platforma orqali mazkur Nizomning 20-bandiga muvofiq roʻyxatdan oʻtkazilgan xabarnomalar toʻgʻrisidagi maʼlumotlarni avtomatik ravishda bankka yuboradi.

22. Bank platformada roʻyxatdan oʻtkazilgan xabarnomalar boʻyicha omonatchilarning bankdagi ipoteka omonati hisobvaragʻida shakllangan mablagʻlar va ularga hisoblangan foizlar hamda ajratiladigan ipoteka krediti mablagʻlarini kvartira sotib olish uchun qurilish (pudrat) tashkilotiga oʻtkazib beradi.

Ipoteka kreditlari ajratilganidan soʻng ular boʻyicha hisoblangan foiz toʻlovlarining bir qismini qoplash maqsadida har bir qarz oluvchi nomiga ochilgan hisobvaraqqa toʻlash uchun bank tomonidan platforma orqali Iqtisodiyot va moliya vazirligiga buyurtmanomalar yuboriladi.

23. Iqtisodiyot va moliya vazirligi ipoteka krediti muddatining birinchi besh yili davomida foiz toʻlovlarining Markaziy bankning asosiy stavkasidan oshgan qismini qoplash uchun subsidiya toʻlovlarini platforma orqali bankning buyurtmanomasida koʻrsatilgan hisobvaragʻiga qonunchilikda belgilangan muddatlarda oʻtkazib boradi.

24. Dastlabki badal subsidiyasini ipoteka omonati hisobvaragʻiga oʻtkazib berish hamda tegishli toʻlovlarni amalga oshirish platformada joriy etilgan alohida toʻlov moduli orqali taʼminlanadi.

Bunda banklarning ipoteka omonati boʻyicha maʼlumotlar bazasi platformaga integratsiya qilish orqali maʼlumot almashinuvi amalga oshiriladi.

25. Bank qarz oluvchi tomonidan ipoteka krediti boʻyicha asosiy qarzdorlik toʻliq qoplanganda yoki foiz uchun subsidiya boʻyicha oxirgi toʻlov amalga oshirilganidan soʻng uch ish kuni ichida platforma orqali avtomatik ravishda Iqtisodiyot va moliya vazirligiga ushbu subsidiya toʻlab berilishi yakunlangan qarz oluvchilar toʻgʻrisidagi maʼlumotni taqdim etib boradi.

5-bob. Yakuniy qoidalar

26. Ipoteka omonati ochish va undan foydalanish boʻyicha davlat organlari va boshqa tashkilotlar xodimlarining xatti-harakatlaridan norozi boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

27. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

Maqsadli ipoteka omonatini joriy etish boʻyicha tajriba-sinov loyihasini amalga oshirish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
ILOVA

Maqsadli ipoteka omonatini joriy etish boʻyicha tajriba-sinov loyihasini amalga oshirish
SXEMASI

Bosqichlar	**Subyektlar**	**Tadbirlar**	**Bajarish muddatlari**
1-bosqich	Talabgor	1. Uy-joy sotib olish uchun subsidiya ajratish toʻgʻrisidagi xabarnoma asosida ipoteka omonati hisobvaragʻini ochish uchun bankka ariza bilan murojaat qiladi.	Subsidiya xabarnomasi amal qilish muddatining oxirgi kunigacha
2-bosqich	Bank	1. Bank talabgorning hujjatlarini oʻrganib chiqib, ijobiy xulosa yoki rad etish boʻyicha yozma ravishda talabgorga xabar beradi. 2. Talabgorni arizasiga asosan ipoteka omonati hisobvaragʻini ochadi.	
3-bosqich	Talabgor (Omonatchi)	Bankda ochilgan ipoteka omonati hisobvaragʻiga ipoteka kreditining eng koʻp miqdoridan kelib chiqib hisoblanadigan dastlabki badalning oʻz mablagʻi hisobidan shakllanadigan qismidan kam boʻlmagan miqdordagi mablagʻlarni joylashtiradi. Bunda ipoteka omonati hisobvaragʻiga mablagʻ kelib tushgan kunning keyingi kunidan boshlab omonat hisobvaragʻi yopilguniga qadar	

		bozor stavkasida foizlar hisoblanishi boshlanadi.	
4-bosqich	Bank	1.Omonatchining subsidiya xabarnomasini “subsidyplatform.mf.uz” to‘lov platformasi orqali ro‘yxatdan o‘tkazadi. 2. “Subsidyplatform.mf.uz” to‘lov platformasi orqali ipoteka krediti bo‘yicha dastlabki badalning bir qismini qoplash uchun Davlat budjetidan ajratilishi belgilangan subsidiya mablag‘ini (keyingi o‘rinlarda – dastlabki badal subsidiyasi) ipoteka omonati hisobvarag‘iga oldindan o‘tkazib berish uchun omonatchi tomonidan shakllantirilgan o‘ziga tegishli bo‘lgan dastlabki badal to‘g‘risidagi to‘lov hujjatini ilova qilgan holda Iqtisodiyot va moliya vazirligiga buyurtmanoma yuboradi.	2 ish kunida
5-bosqich	Iqtisodiyot va moliya vazirligi	Ipoteka krediti bo‘yicha dastlabki badal subsidiyasini bank tomonidan ko‘rsatilgan omonatchining omonat hisobvarag‘iga o‘tkazib beradi.	5 ish kuni ichida
6-bosqich	Bank	Omonatchining ipoteka omonati hisobvarag‘iga Davlat budjetidan subsidiya mablag‘i kelib tushgan kundan keyingi kundan boshlab, omonat hisobvarag‘i yopilguniga qadar bankning ichki qoidalariga muvofiq bozor stavkasida foiz hisoblanishi boshlanadi.	12 oydan oshmagan muddatda
7-bosqich	Omonatchi	Birlamchi uy-joy bozoridan ipoteka krediti shartlari asosida sotib olish uchun qurilish (pudrat)	12 oydan oshmagan

		tashkiloti bilan tuzilgan birlamchi shartnomani hamda bank tomonidan belgilangan boshqa hujjatlarni taqdim qiladi.	muddatda ichida
8-bosqich	Bank	1. Bank omonatchining ipoteka krediti olish uchun taqdim etgan hujjatlarini o‘rganib chiqadi. 2. Ipoteka krediti ajratish bo‘yicha ijobiy qaror qabul qilingan taqdirda qarz oluvchi (omonatchi) boshlang‘ich badal, dastlabki badal subsidiyasi va ajratiladigan ipoteka kreditining eng ko‘p miqdoridan yuqori qismini shakllantirgandan so‘ng u bilan ipoteka kreditini ajratish to‘g‘risida shartnoma imzolaydi va omonatchiga notarial harakatlarni amalga oshirish uchun ipoteka krediti ajratish to‘g‘risidagi kafolat xatini taqdim etadi. 3. Omonatchiga ipoteka kreditini ajratish rad etilganda: omonatchiga tegishli bo‘lgan omonat mablag‘i unga hisoblangan foizlar bilan birga qaytariladi; budjet mablag‘lari hisobidan shakllantirilgan dastlabki badal subsidiyasi unga hisoblangan foizlar bilan birga respublika budjetiga qaytariladi.	2 ish kuni ichida
9-bosqich	Omonatchi	1. Qurilish (pudrat) tashkiloti bilan kvartirani oldi-sotdi shartnomasini notarial tartibda tasdiqlaydi. 2. Oldi-sotdi shartnomaga asosan ko‘chmas mulkka bo‘lgan mulk huquqi davlat ro‘yxatidan o‘tkaziladi va kadastr hujjati rasmiylashtiriladi. 3. Ipoteka (garov) shartnomasi tuziladi yoki ipoteka qonun asosida	Ipoteka krediti ajratish to‘g‘risidagi kafolat xatida ko‘rsatilgan muddat doirasida

		vujudga kelgan hollarda, kvartira oldi-sotdi shartnomasi notarial tartibda rasmiylashtirilib, kvartiraga bo‘lgan mulk huquqi yuzaga kelishi bilan bir vaqtning o‘zida qonun asosidagi ipoteka davlat ro‘yxatidan o‘tkaziladi. 4. Rasmiylashtirilgan hujjatlar tijorat bankiga taqdim etiladi.	
10-bosqich	Bank	“Subsidyplatform.mf.uz” platformasi orqali: qurilish (pudrat) tashkiloti bilan shartnoma va talabgor (omonatchi) nomiga rasmiylashtirilgan kvartiraning kadastr hujjatini; qarz oluvchining bankda ochilgan ipoteka omonati hisobvarag‘ida shakllangan va unga hisoblangan foizlar hamda ajratiladigan ipoteka krediti summasini elektron anketa to‘ldirish orqali ushbu hujjatlarni ilova qilgan holda ro‘yxatdan o‘tkazish uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligiga elektron tartibda buyurtmanoma yuboradi.	3 ish kuni ichida
11-bosqich	Iqtisodiyot va moliya vazirligi	“Subsidyplatform.mf.uz” platformasi orqali qarz oluvchining bankda ochilgan ipoteka omonati hisobvarag‘ida shakllangan va unga hisoblangan foizi hamda ajratiladigan ipoteka krediti summasini ro‘yxatdan o‘tkazadi.	2 ish kuni ichida
12-bosqich	Bank	Qarz oluvchining bankdagi ipoteka omonati hisobvarag‘ida shakllangan mablag‘lar va ularga hisoblangan foizlar hamda ajratiladigan ipoteka krediti mablag‘larini kvartira sotib olish uchun qurilish (pudrat) tashkilotiga o‘tkazib beradi.	1 ish kunida

		Qarz oluvchiga ajratilgan ipoteka kreditlari qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda qayta moliyalashtirilgandan so‘ng, foiz to‘lovlarining bir qismini qoplash uchun ajratiladigan subsidiya mablag‘larini har bir qarz oluvchi nomiga ochilgan hisobvaraqqa to‘lash maqsadida bank tomonidan “subsidyplatform.mf.uz” platforma orqali Iqtisodiyot va moliya vazirligiga buyurtmanoma yuboriladi.	Yil davomida
13-bosqich	Iqtisodiyot va moliya vazirligi	Ipoteka kreditlari bo‘yicha foizlarning bir qismini qoplash uchun subsidiya mablag‘lari “subsidyplatform.mf.uz” platformasi orqali tijorat banki tomonidan taqdim etilgan buyurtmanomada ko‘rsatilgan hisobvaraqqa o‘tkazib boriladi.	Har hisobot oyidan keyingi oyning 25-kuniga qadar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2921-8
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRINING BUYRUG‘I

Sport turlari bo‘yicha yagona sport tasnifi to‘g‘risidagi nizomning 3-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo‘mitasining 2017-yil 4-iyuldagi 3-mh-son qarori (ro‘yxat raqami 2921, 2017-yil 28-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 35-son, 935-modda) bilan tasdiqlangan Sport turlari bo‘yicha yagona sport tasnifi to‘g‘risidagi nizomning 3-bandida:

birinchi xatboshidagi “23-moddasiga” degan so‘zlar “31-moddasiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“a” kichik bandning ikkinchi xatboshisidagi “Xalqaro” degan so‘z “xalqaro” degan so‘z bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 22-iyun
6-mh-son

IKRAMOV
ADXAM
ILHAMOVICH

26 (1254)-сон
668-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2923-6
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRINING

BUYRUG‘I

Sport turlarini va sport turining tarmoqlarini e’tirof etish, ularni sport turlari reyestriga kiritish va undan chiqarish hamda reyestrni yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. Oʻzbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qoʻmitasining 2017-yil 7-avgustdagi 5-mh-son qarori (ro‘yxat raqami 2923, 2017-yil 29-avgust) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2017-y., 35-son, 939-modda) bilan tasdiqlangan Sport turlarini va sport turining tarmoqlarini eʼtirof etish, ularni sport turlari reyestriga kiritish va undan chiqarish hamda reyestrni yuritish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. . Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

22-Iyun 2026-yil

5-mh son

IKRAMOV ADXAM
ILXAMOVICH

O‘zbekiston Respublikasi sport vazirining
2026-yil 30-iyundagi 5-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Sport turlarini va sport turining tarmoqlarini e’tirof etish, ularni sport turlari reyestriga kiritish va undan chiqarish hamda reyestrni yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 1-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“sport turi – sport musobaqalariga o‘ziga xos tarzda tayyorgarlik ko‘rilishi bilan ajralib turuvchi, sport musobaqalarini o‘tkazishga va ularda ishtirok etishga doir talablar va shartlar belgilanadigan qoidalarga (nizomga, reglamentga) ega bo‘lgan jismoniy tarbiya va sport sohasidagi faoliyat turi;”.

2. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Sport turini yoki sport turining tarmog‘ini e’tirof etish uchun u sport turiga yoki sport turining tarmog‘iga mos belgiga, sport turi qoidalariga, mashg‘ulot o‘tkazishning o‘ziga xos xususiyatlari va uslubiyatiga, sport infratuzilmasiga, foydalaniladigan sport anjomlari va jihozlariga ega bo‘lishi hamda sport mashg‘ulotlari va sport musobaqalarini o‘tkazish talablariga javob beradigan sport infratuzilmasi mavjud bo‘lishi, shuningdek sportchilarning ishtirok etishiga, odamning jismoniy va aqliy rivojlanish qobiliyatini hamda harakat faolligini takomillashtirishga, sog‘lom turmush tarzini shakllantirishga xizmat qilishi kerak.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3781-1
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN
VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

Oliy ta’limning davlat ta’lim standarti. Oliy ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklari klassifikatorining ilovasiga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 24-fevraldagi PQ–73-son “Ko‘p kvartirali turar joy majmualarini qurishda kompleks qurilish mexanizmlarini joriy etish va shaffoflikni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2026-yil 25-martdagi PQ–110-son “Eko-madaniyat” umummilliy loyihasi doirasida ekologik ta’lim, ilm-fan va targ‘ibotni jadallashtirishga oid kompleks chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi va 2026-yil 2-apreldagi PQ–122-son “Qishloq va suv xo‘jaligi muhandislarini tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq buyuraman:

1. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2026-yil 25-fevraldagi 75-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3781, 2026-yil 28-fevral) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 02.03.2026-y., 10/26/3781/0187-son) bilan tasdiqlangan Oliy ta’limning davlat ta’lim standarti. Oliy ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklari klassifikatorining ilovasiga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 29-iyun
262-son

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

Kelishildi:

Direktor
2026-yil 29-iyun

YULDASHEV BAXTIYOR GAYRADJONOVICH

Vazir
2026-yil 22-iyun

ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH

O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim,
fan va innovatsiyalar vazirining 2026-yil
29-iyundagi 262-son buyrug‘iga
ILOVA

Oliy ta’limning davlat ta’lim standarti. Oliy ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklari klassifikatorining ilovasiga kiritilayotgan qo‘shimcha va o‘zgartirishlar

1. Quyidagi mazmundagi 130^1-130^3-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

130^1.	Xalqaro energetik siyosat		70310206	0312
130^2.	Xalqaro xavfsizlik		70310207	0312
130^3.	Xalqaro suv diplomatiyasi		70310208	0312

”.

2. Quyidagi mazmundagi 156^1 va 156^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

156^1.	Sirkulyar iqtisodiyot		70410112	0413
156^2.	Barqaror moliya		70410513	0412

”.

3. Quyidagi mazmundagi 187^1 va 187^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

187^1.	Intellektual mulk obyektlarini boshqarish		70410805	0413
187^2.	Yashil loyihalar boshqaruvi		70410806	0413

”.

4. Quyidagi mazmundagi 196^1 va 196^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

196^1.	Rivojlanish iqtisodiyoti		70411103	0413
196^2.	Iqtisodiyotda katta ma’lumotlarni tahlil qilish va modellashtirish		70411104	0413

”.

5. Quyidagi mazmundagi 211[1]-pozitsiya bilan to‘ldirilsin:

“

211[1].	Ta’lim yo‘nalishi: Yashil iqtisodiyot	60411800		0412

”.

6. Quyidagi mazmundagi 245[1] va 245[2]-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

245[1].	Ekologiya huquqi		70420134	0421
245[2].	Xalqaro savdo huquqi		70420135	0421

”.

7. Quyidagi mazmundagi 255[1]-pozitsiya bilan to‘ldirilsin:

“

255[1].	Barqaror rivojlanish		70420210	0421

”.

8. Quyidagi mazmundagi 289[1]–289[6]-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

289[1].	Ekologiya va sun’iy intellekt texnologiyalari		70520206	0521
289[2].	Ta’lim yo‘nalishi: Atrof-muhit va barqaror boshqaruv	60520300		0521
289[3].	Atrof-muhit sohasida ommaviy kommunikatsiya		70520301	0521
289[4].	Ta’lim yo‘nalishi: Atrof-muhit muhandisligi va qayta tiklanuvchi energiya	60520400		0521
289[5].	Ta’lim yo‘nalishi: Iqlim o‘zgarishi va barqaror rivojlanish	60520500		0521
289[6].	Ta’lim yo‘nalishi: Gidrometeorologiya va suv resurslarini boshqarish	60520600		0521

”.

9. Quyidagi mazmundagi 325^1 va 325^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

325^1.	Nazariy fizika		70530511	0533
325^2.	Muhandislik fizikasi		70530512	0533

”.

10. Quyidagi mazmundagi 413^1-pozitsiya bilan to‘ldirilsin:

“

413^1.	Barqaror energiya almashinuvi		70710414	0713

”.

11. Quyidagi mazmundagi 482^1 va 482^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

482^1.	Ta’lim yo‘nalishi: Mobil robotlar va uchuvchisiz uchish apparatlari	60712400		0714
482^2.	Mobil robotlar va uchuvchisiz uchish apparatlari		70712401	0714

”.

12. Quyidagi mazmundagi 582^1 va 582^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

582^1.	Urbanistika (geourbanistika), shahar va aglomeratsiyalarni strategik rejalashtirish		70730901	0731
582^2.	Barqaror shaharsozlik		70730902	0731

”.

13. Quyidagi mazmundagi 643^1 va 643^2-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

643^1.	Ta’lim yo‘nalishi: Barqaror qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat tizimlari	60811800		0811
643^2.	Ta’lim yo‘nalishi: Cho‘llanishga qarshi	60811900		0888

	kurashish va cho‘l iqtisodiyoti			

”.

14. Quyidagi mazmundagi 646[1]-pozitsiya bilan to‘ldirilsin:

“

646[1].	Iqlimga chidamli o‘rmon xo‘jaligi		70820103	0821

”.

15. Quyidagi mazmundagi 743[1] va 743[2]-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

743[1].	Ta’lim yo‘nalishi: Barqaror turizm va ekoturizmni boshqarish	61010200		1013
743[2].	Barqaror turizm		71010201	1013

”.

16. 760-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

760.	Ta’lim yo‘nalishi: Xizmat faoliyatini tarbiyaviy-psixologik ta’minlash	61030200		1031

”.

17. 766-pozitsiya quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“

766.	Davlat va harbiy boshqaruv		71030402	1031

”.

18. 799-pozitsiya chiqarib tashlansin.

19. Quyidagi mazmundagi 804[1] va 804[2]-pozitsiyalar bilan to‘ldirilsin:

“

804[1].	Ta’lim yo‘nalishi: Temir yo‘lda tashish muhandisligi	61040400		1041
804[2].	Temir yo‘lda tashish muhandisligi		71040401	1041

”.

QMMB: 10/26/3875/0663-son
01.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3875
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TURIZM QO‘MITASINING

QARORI

Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasi qaror qiladi:

1. Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Rais

2026-yil 6-iyun
8-mh-son

AQQULOV ABDULAZIZ
O‘ROLBOYEVICH

Kelishildi:

Rais 2026-yil 5-iyun		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 2026-yil 18-may		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/3875/0663-son
01.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasining
2026-yil 6-iyundagi 8-mh-son qaroriga
ILOVA

Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi
NIZOM

Mazkur Nizom turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Turizm qo‘mitasi (bundan buyon matnda Qo‘mita deb yuritiladi) tomonidan turizm sohasini aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Qo‘mita tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1-3-ilovalarida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Qo‘mita tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Turoperatorlik xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

QMMB: 10/26/3875/0663-son
01.07.2026-y.

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Turagentlik xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Joylashtirish vositalari xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi–to‘rtinchi xatboshilarida nazarda tutilgan ko‘rsatkichlar bo‘yicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga ko‘ra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi bo‘yicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari bo‘yicha 81 balldan 100 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi o‘rta – baholash natijalari bo‘yicha 61 balldan 81 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari bo‘yicha 61 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina turizm sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Turoperatorlik xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Yuridik shaxs shtatida “turizm” va unga turdosh ta’lim yo‘nalishlari bo‘yicha oliy yoki o‘rta maxsus, kasbiy ma’lumotga yoxud turizm sohasida 3 yildan ortiq ish staji va malaka oshirish sertifikatiga ega bo‘lgan kamida bir nafar mutaxassis mavjud bo‘lmaganligi	**15**	
2.	Yuridik shaxs xodimlarining (gidlar (gid-tarjimonlar), ekskursiya yetakchilari va yo‘riqchi-yo‘l boshlovchilar) uch yilda kamida bir marta belgilangan tartibda malaka oshirishdan o‘taganligini tasdiqlovchi sertifikati mavjud bo‘lmaganligi	**15**	
3.	Mijozga turoperatorning ish rejimi, uning joylashgan joyi (pochta manzili), tegishli litsenziya, turizm xizmatlari sertifikatining mavjudligi (agar mavjud bo‘lsa), turizm faoliyatining aniq yo‘nalishlari uchun mas’ul bo‘lgan turoperatorning mutaxassislari familiyasi, ismi, otasining ismi to‘g‘risida to‘liq va batafsil ma’lumot berilmaganligi, jumladan, ushbu ko‘rsatilgan ma’lumotlarni o‘zining Internet jahon axborot tarmog‘idagi rasmiy veb-saytiga joylashtirilmaganligi	**15**	
4.	Turoperatorlarning fuqarolik javobgarligini sug‘urtalashni tasdiqlovchi sug‘urta polisi mavjud bo‘lmaganligi	**15**	

5.	Turoperator kamida ikki chet tilidagi, bron qilish xizmatlarini ko‘rsatadigan veb-saytga ega bo‘lmaganligi (ushbu talabning chet tillari bo‘yicha qismi “ichki turizm” yo‘nalishidagi litsenziatlarga taalluqli emas)	**10**	
6.	Faoliyatni faqat litsenziyada ko‘rsatilgan yo‘nalish(lar) bo‘yicha amalga oshirmaganligi	**10**	
7.	Mijozlar va chet ellik hamkorlar bilan tuzilgan tegishli shartnomasiz turizm xizmatlari ko‘rsatilganligi	**10**	
8.	Har bir turistga va ekskursantga turistik sayohat vaqtida O‘zbekiston Respublikasiga hamda chet davlatlarga kirish, ulardan chiqish va ularda bo‘lishning o‘ziga xos xususiyatlari to‘g‘risidagi axborot berilmaganligi	**5**	
9.	Xorijiy mamlakatlardagi ta’lim va (yoki) tibbiyot muassasasi tomonidan berilgan belgilangan faoliyat bilan shug‘ullanish huquqini tasdiqlovchi hujjat nusxasi mavjud bo‘lmaganligi (“chiqish turizmi” yo‘nalishi bo‘yicha ta’lim va (yoki) tibbiyot turizmi faoliyatini amalga oshirish uchun)	**5**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3875/0663-son
01.07.2026-y.

Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Turagentlik xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Turizm faoliyatining “chiqish turizmi” yo‘nalishidagi faoliyatni yuridik shaxs tashkil etmagan holda amalga oshirganligi	**25**	
2.	Turoperator bilan shartnoma tuzmasdan turoperatorlar tomonidan yaratilgan turizm mahsulotini targ‘ib va realizatsiya qilganligi	**25**	
3.	Har bir turistga va ekskursiyachiga turistik sayohat vaqtida O‘zbekiston Respublikasiga hamda chet davlatlarga kirish, ulardan chiqish va ularda bo‘lishning o‘ziga xos xususiyatlari to‘g‘risidagi axborot yetkazilmaganligi	**20**	
4.	Mijozga turagentning ish rejimi, joylashgan yeri (pochta manzili), tegishli litsenziya, turagent rahbarining familiyasi, ismi, otasining ismi to‘g‘risida to‘liq va batafsil ma’lumot bermaganda, jumladan, ushbu ko‘rsatilgan ma’lumotlarni o‘zining Internet jahon axborot tarmog‘idagi rasmiy veb-saytiga joylashtirmaganligi	**15**	
5.	Faoliyatni faqat litsenziyada ko‘rsatilgan yo‘nalish(lar) bo‘yicha amalga oshirmaganligi	**15**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

QMMB: 10/26/3875/0663-son
01.07.2026-y.

Turizm sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Joylashtirish vositalari xizmatlarini ko‘rsatish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Turizm sohasida ma’lumotga va (yoki) malaka sertifikatlariga ega bo‘lgan xodimlar mavjud bo‘lmaganligi	**15**	
2.	Joylashtirish vositalari nomerlarini onlayn band qilish xalqaro servislarga ulanmaganligi	**15**	
3.	Vakolatlangan nazorat organlarining yong‘in va sanitariya-gigiyena xavfsizligi va lift jihozlaridan xavfsiz foydalanish (mavjud bo‘lganda) xulosalari mavjud bo‘lmaganligi	**15**	
4.	Xalqaro bronlashtirish maydonlarida muvofiqlik belgisidan (yulduzlar) noqonuniy foydalanganlik holati aniqlanganligi	**15**	
5.	Muvofiqlik sertifikati sertifikatlashtirish obyektida turmaganligi yoki u uchinchi shaxslarga berilganligi	**10**	

6.	Mehmonxona xizmatini ko‘rsatishda tashrif buyuruvchilar tanishishi uchun qulay bo‘lgan joyda, shu jumladan, joylashtirish vositasining qabul qilish joyidagi ma’lumotlar taxtasiga va internet tarmog‘idagi rasmiy veb-saytiga (agar mavjud bo‘lsa) quyidagi ma’lumotlarning barchasi joylashtirilmaganligi: a) bajaruvchi to‘g‘risidagi ma’lumotlar, xususan, nomi, manzili, bog‘lanish uchun telefon raqami, elektron pochta manzili; b) bajaruvchining yuqori turuvchi tashkiloti to‘g‘risidagi ma’lumotlar (agar mavjud bo‘lsa); v) joylashtirish vositasining tegishli toifasi to‘g‘risidagi ma’lumotlar (agar mavjud bo‘lsa); g) mehmonxona xizmatlari uchun muvofiqlik sertifikati nusxasi yoki oilaviy mehmon uylari va xostellar yagona reyestridan ko‘chirma; d) nomerlar (joylar) narxi; e) nomer (joy) narxiga kiradigan mehmonxona xizmatlari ro‘yxati; j) mehmonxona xizmatlariga to‘lovni amalga oshirish shakli va tartibi to‘g‘risidagi ma’lumotlar; z) alohida to‘lov evaziga, bajaruvchi tomonidan ko‘rsatiladigan boshqa mehmonxona xizmatlari ro‘yxati, narxi hamda ularni olish shartlari; i) nomer (joy) bron qilish va bronni bekor qilish shakli, shartlari va tartibi to‘g‘risida ma’lumotlar; k) imtiyoz olish huquqiga ega bo‘lgan shaxslar toifasi ro‘yxati, shuningdek, mehmonxona xizmatlarini ko‘rsatishda taqdim etiladigan imtiyozlar ro‘yxati (agar mavjud bo‘lsa); l) joylashtirish vositasida uchinchi shaxslar tomonidan to‘lov evaziga ko‘rsatiladigan boshqa xizmatlar to‘g‘risida ma’lumotlar (agar mavjud bo‘lsa); m) joylashtirish vositasiga kelish (ketish) vaqti to‘g‘risida ma’lumotlar; n) joylashtirish vositasida mehmonxona xizmatlarini ko‘rsatish va ulardan foydalanish qoidalari to‘g‘risida ma’lumotlar.	**10**	

7.	Mehmonxona xizmatini ko‘rsatishda tashrif buyuruvchining talabiga ko‘ra quyidagilarning barchasini o‘z ichiga oluvchi shartnoma tuzilmaganligi: a) bajaruvchining nomi; b) tashrif buyuruvchi to‘g‘risida ma’lumotlar; v) taqdim etilayotgan nomer (joy) to‘g‘risida ma’lumotlar; g) nomer (joy) narxi; d) joylashtirish vositasida bo‘lish muddati; e) boshqa zarur ma’lumotlar (tomonlar ixtiyoriga ko‘ra).	**10**	
8.	Mehmonxona xizmatlarini doimiy yashash joyi, fuqarolik, jismoniy shaxslarning qarindoshlik va nikoh munosabatlari, shuningdek, shaxsiy hayot huquqini cheklovchi boshqa omillardan qat’i nazar ko‘rsatilmaganligi	**10**	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

26 (1254)-son
671-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3876
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIY MEROS AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 29-iyun
2-son

ABDIKARIMOV BAXODIR GANJIYEVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 17-iyun

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
2026-yil 17-iyun

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi
direktorining 2026-yil 29-iyundagi 2-son buyrug‘iga
ILOVA

Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) tomonidan moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasidagi aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Agentlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga

nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning ilovasida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Agentlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning ilovasida keltirilgan Moddiy madaniy meros obyektlarini

muhofaza qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlarini “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning birinchi xatboshisidagi ko‘rsatkichlar bo‘yicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga ko‘ra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi bo‘yicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari bo‘yicha 81 balldan 100 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi o‘rta – baholash natijalari bo‘yicha 61 balldan 81 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari bo‘yicha 61 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3876/0664-son
01.07.2026-y.

Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga

ILOVA

Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlarida, alohida muhofaza qilinadigan tarixiy-madaniy hududlarda, Umumjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan hududlarda va ularning qo‘riqlanadigan tegralarida obyektlarni qurish ishlarining loyihalari O‘zbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) bilan kelishilmaganligi	**10**	
2.	Moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlarida, alohida muhofaza qilinadigan tarixiy-madaniy hududlarda, Umumjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan hududlarda va ularning qo‘riqlanadigan tegralarida obyektlarni buzish ishlarining loyihalari Agentlik bilan kelishilmaganligi	**10**	
3.	Moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlarida, alohida muhofaza qilinadigan tarixiy-madaniy hududlarda, Umumjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan hududlarda va ularning qo‘riqlanadigan tegralarida obyektlarni obodonlashtirish ishlarining loyihalari Agentlik bilan kelishilmaganligi	**10**	
4.	Moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlarida asrashga doir ishlarni amalga oshirish uchun Ilmiy-texnik tadqiqot guruhlari va Ilmiy-ekspert kengashining ijobiy xulosalari mavjud emasligi	**10**	

5.	Madaniy meros obyektlarida tadqiqotlar, qidiruvlar oʻtkazish, madaniy meros obyektlarida ilmiy-konservatsiya va restavratsiya ishlarini amalga oshirish uchun ruxsatnomaning mavjud emasligi	**10**	
6.	Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish toʻgʻrisidagi qonunchilik hujjatlariga rioya qilmaslik	**10**	
7.	Asrashga doir ishlarni ruxsatnomada koʻrsatilgan joy va muddatda oʻtkazmasligi	**10**	
8.	Agentlikka taqdim etilgan va belgilangan tartibda maʼqullangan asrashga doir ishlarning loyihasiga qatʼi rioya qilmaslik	**10**	
9.	Asrashga doir ishlarni amalga oshirish muddatiga yoki loyihasiga 10 foizdan koʻp boʻlmagan oʻzgartirishlar kiritish zarur boʻlganda, bu haqda Agentlikni oldindan yozma ravishda xabardor qilmaslik	**5**	
10.	Asrashga doir ishlarda obyektga salbiy taʼsirlarning oldini olish va avariya holatiga qarshi ishlarni bajarmaslik	**5**	
11.	Moddiy madaniy merosning koʻchmas mulk obyektlarini asrashga doir faoliyatni amalga oshirish uchun litsenziyaning mavjud emasligi	**5**	
12.	Davlat mulki boʻlgan va oʻzida tarixiy, ilmiy, badiiy yoki boshqa madaniy qimmatni ifodalaydigan moddiy madaniy meros obyektlarini, yaʼni haykallar, ansambllar va diqqatga sazovor joylardan Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 6-martdagi 53-son qarori bilan tasdiqlangan Moddiy madaniy meros obyektlarini va ularga tutash hududlarni ularni obodonlashtirish va zarur holatda saqlash boʻyicha investitsiya majburiyatlari olgan holda ijaraga berish tartibi toʻgʻrisidagi nizomda nazarda tutilmagan boshqa	**5**	

	maqsadlarda foydalanishda Agentlik Ilmiy-ekspert kengashining qarori mavjud emasligi		
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3877
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASI HUZURIDAGI
IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISH DEPARTAMENTINING
QARORI

Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasining “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish toʻgʻrisida”gi, “Qimmatli qogʻozlar bozori toʻgʻrisida”gi qonunlariga, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 18-dekabrdagi PF–254-son “Kapital bozorida investitsiya muhitini yaxshilashga doir qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi Farmoniga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi va Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti qaror qiladi:

1. Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalari 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Direktor
2026-yil 18-may
1-son

LI DMITRIY ROMANOVICH

Bosh prokurorning o'rinbosari - Departament boshlig'i
2026-yil 14-may
23-son

XATAMOV JAXONGIR JURAYEVICH

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining 2026-yil 18-maydagi 1-son va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2026-yil 14-maydagi 23-son qaroriga 1-ILOVA

Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat QOIDALARI

Mazkur Qoidalar qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari tomonidan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadida ichki nazoratni tashkil etish va amalga oshirish tartibini belgilaydi.

Mazkur Qoidalar talablari qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilariga tatbiq qilinadi, tijorat banklari va sug‘urtalovchilar bundan mustasno.

Ushbu Qoidalarda qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun belgilangan qoidalar “Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” aksiyadorlik jamiyatiga nisbatan ham tatbiq etiladi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Qoidalar maqsadlarida quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

benefitsiar mulkdor – mijozga nisbatan pirovard nazoratni amalga oshiruvchi yoki uning mulkiga bevosita yoxud bilvosita egalik qiluvchi jismoniy shaxs(lar), shuningdek u(lar)ning manfaatlari yo‘lida pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiya amalga oshirilayotgan jismoniy shaxs;

ichki nazorat – qimmatli qog‘ozlar bozori professional ishtirokchilarining mijozni lozim darajada tekshirish, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog‘liq tavakkalchiliklarni boshqarish, shubhali operatsiyalarni aniqlash hamda terrorchilik faoliyatida, terrorizmni moliyalashtirishda yoki ommaviy qirg‘in qurollarini tarqatishni moliyalashtirishda ishtirok etuvchi yoxud ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar bilan bog‘liq operatsiyalarni aniqlashga doir faoliyati;

ichki qoidalar – qimmatli qog‘ozlar bozori professional ishtirokchilari, shu jumladan, ularning filiallarida ichki nazoratni tashkil etish va amalga oshirish tartibini belgilab beruvchi ichki hujjat;

ichki nazorat tizimi – mazkur Qoidalar va ichki hujjatlar bilan belgilangan maqsadlarga erishish va vazifalarni bajarishga qaratilgan nazoratchi va professional ishtirokchilarning xatti-harakatlari yig‘indisi;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmaydigan davlatlar – Jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha moliyaviy choralar ishlab chiquvchi guruhning rasmiy bayonotlarida xalqaro moliyaviy tizimga xavf tug‘diruvchi hamda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish tizimlarida strategik kamchiliklari mavjud deb belgilangan davlatlar va hududlar;

mijozni identifikatsiyalash – mijozni lozim darajada tekshirish maqsadida mijoz to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ular tomonidan taqdim etilgan hujjatlar, ochiq manbalar va ma’lumotlar bazalarida mavjud bo‘lgan qo‘shimcha tasdiqlangan ma’lumotlar asosida aniqlash;

mijozning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalash – qonunchilik hujjatlari bilan belgilangan ta’sis hujjatlari (ustav va (yoki) ta’sis shartnomasi, nizom) asosida mulk va boshqaruv tuzilmasini o‘rganish orqali mijozning mulkdori yoki uni nazorat qiluvchi yuridik shaxsni aniqlash;

yuridik shaxsni tashkil etmagan chet el tuzilmasi – chet davlatning qonunchilik hujjatlariga muvofiq yuridik shaxs tashkil etmagan holda tashkil etilgan va o‘z ishtirokchilarining (paychilarning, ishonch bildiruvchilarning yoki boshqa shaxslarning) yoxud boshqa benefitsiarlarning manfaatlarini ko‘zlab daromad (foyda) olishga qaratilgan faoliyatni amalga oshirish huquqiga ega bo‘lgan tashkiliy tuzilmadir (fondlar, sherikliklar, shirkatlar, trastlar, jamoaviy investitsiyalar va (yoki) ishonchli boshqaruvning boshqa shakllari);

mijoz – deponent va (yoki) qimmatli qog‘ozlar bozori professional ishtirokchisining xizmatidan foydalanayotgan jismoniy yoki yuridik shaxs;

yuqori mansabdor shaxslar – chet davlatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi, ma’muriy yoki sud organida, shu jumladan harbiy tuzilmalarida yoxud xalqaro tashkilotda doimiy, vaqtincha yoki maxsus vakolat bo‘yicha tayinlanadigan yoki saylanadigan, tashkiliy-boshqaruv vazifalarini bajaruvchi va yuridik ahamiyatga ega bo‘lgan harakatlarni sodir etishga vakolatli shaxslar, shuningdek chet davlat korxonalarining yuqori martabali rahbarlari, chet davlatning taniqli siyosatchilari va siyosiy partiyalarining taniqli a’zolari (shu jumladan sobiq);

yuqori mansabdor shaxslarga yaqin boʻlgan shaxslar – yuqori mansabdor shaxslar bilan ijtimoiy va kasbiy jihatdan chambarchas bogʻliq boʻlgan shaxslar;

terrorchilik faoliyatida ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxs – terrorchilik faoliyatida ishtirok etayotgan yoxud ishtirok etishda gumon qilinayotgan yuridik yoki jismoniy shaxs, terrorchilik faoliyatini amalga oshirayotgan yoxud amalga oshirishda gumon qilinayotgan tashkilotning bevosita yoki bilvosita mulkdori boʻlgan yoxud uni nazorat qilayotgan yuridik yoki jismoniy shaxs, shuningdek terrorchilik faoliyatini amalga oshirayotgan yoki amalga oshirishda gumon qilinayotgan jismoniy shaxsning yoxud tashkilotning mulkidagi yoki nazorati ostidagi yuridik shaxs;

ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxs – Oʻzbekiston Respublikasi tomonidan tan olingan, ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni oldini olishga qaratilgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti Xavfsizlik Kengashining tegishli rezolyutsiyalari hamda boshqa xalqaro-huquqiy hujjatlari bilan belgilangan jismoniy yoki yuridik shaxs;

mijozni lozim darajada tekshirish – mijozni va u qaysi shaxslar nomidan ish koʻrayotganini tekshirish, mijozning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalash, shuningdek mijoz tomonidan amalga oshiriladigan amaliy ish munosabatlari va operatsiyalarni, ularning bunday mijoz va uning faoliyati toʻgʻrisidagi maʼlumotlarga muvofiqligini tekshirish maqsadida doimiy asosda oʻrganishlarni oʻtkazish;

xabar qilinishi lozim boʻlgan operatsiyalar – ichki nazoratni oʻtkazish davomida qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari tomonidan shubhali deb topilgan sodir etilayotgan va tayyorlanayotgan pul mablagʻlari yoki boshqa mol-mulk bilan bogʻliq operatsiyalar;

offshor hudud – imtiyozli soliq rejimini taqdim qiluvchi va (yoki) moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirishda ular haqidagi maʼlumotlarni oshkor etmaslikni va taqdim qilmaslikni koʻzda tutuvchi davlatlar va hududlar;

Roʻyxat – terrorizmga, ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishga qarshi kurashishni amalga oshiruvchi davlat organlari va Oʻzbekiston Respublikasining boshqa vakolatli organlaridan taqdim etilayotgan maʼlumotlar, shuningdek chet davlatlarning vakolatli organlari va xalqaro tashkilotlaridan rasmiy kanallar orqali taqdim etilayotgan maʼlumotlar asosida maxsus vakolatli davlat organi tomonidan tuzilgan terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar roʻyxati;

shubhali operatsiya – pul mablagʻlari yoki boshqa mol-mulk bilan bogʻliq, tayyorlash, sodir etish jarayonida boʻlgan yoki sodir etib boʻlingan, mazkur Qoidalarni amalga oshirishda qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchisida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni

moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida amalga oshirilganligi to‘g‘risida shubha paydo bo‘lgan operatsiya;

operatsiyalarni to‘xtatib turish – mijozning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulkini ko‘chirish, konversiyalash, o‘zga shaxslarga egalik qilish va foydalanish uchun berish, shuningdek yuridik ahamiyatga ega bo‘lgan boshqa harakatlarni bajarish to‘g‘risidagi topshiriqnomalari ijrosini to‘xtatib turish;

pul mablag‘larini yoki boshqa mol-mulkni ishga solmay to‘xtatib qo‘yish – pul mablag‘larini yoki boshqa mol-mulkni o‘tkazishni, konversiyalashni, tasarruf etishni yoxud ko‘chirishni taqiqlash;

qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchisi (bundan buyon matnda professional ishtirokchi deb yuritiladi) – qimmatli qog‘ozlar bozori sohasidagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq qimmatli qog‘ozlar bozorida professional faoliyatni amalga oshiruvchi yuridik shaxs;

tavakkalchilik – mijozlar tomonidan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida operatsiyalarni amalga oshirish tavakkalchiligi;

maxsus vakolatli davlat organi – O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti;

o‘xshash holatlar – operatsiya ishtirokchilarining identifikatsiya ma’lumotlari Ro‘yxatdagi shaxslarning identifikatsiya ma’lumotlari bilan qisman mos kelishi;

uchinchi tomon – O‘zbekiston Respublikasi yoki xorijiy davlatning vakolatli davlat organlari tomonidan taqdim etilgan shaxsga doir ma’lumotlarning haqiqiyligini tasdiqlash bo‘yicha xizmatlar ko‘rsatuvchi tashkilotlar;

aniqlik darajasi – professional ishtirokchilarning avtomatlashtirilgan axborot tizimlarida operatsiya ishtirokchilaridan birining identifikatsiya ma’lumotlarini Ro‘yxatdagi shaxslarning identifikatsiya ma’lumotlari bilan solishtirish jarayonida mos kelish darajasini ifodalovchi ko‘rsatkich;

operatsiya ishtirokchilari – mijozlar (shu jumladan, ta’sischilar, aksiyadorlar va boshqa ishtirokchilar) va ularning vakillari hamda mijozning operatsiyada ishtirok etuvchi hamkorlari.

2. Ichki nazoratning maqsadi quyidagilardan iborat:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga yo‘naltirilgan pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni samarali aniqlash va oldini olish;

professional ishtirokchilarning qasddan yoki qasddan bo‘lmagan jinoiy faoliyatga jalb qilinishiga yo‘l qo‘ymaslik;

tavakkalchiliklarni aniqlash, ularni baholash, hujjatlar bilan qayd etish va kamaytirish;

professional ishtirokchilar tomonidan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga qat’iy rioya etilishini ta’minlash.

3. Ichki nazoratning vazifalari quyidagilardan iborat:

o‘z tavakkalchiliklarini aniqlash, baholash, hujjatlar bilan qayd etish va kamaytirish bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rish;

benefitsiar mulkdorlarni identifikatsiyalash, ularning shaxsini o‘rganish bo‘yicha imkon qadar choralar ko‘rish;

mijozlarni lozim darajada tekshirish choralarini va identifikatsiyalash jarayonlarini amalga oshirish, shu jumladan mijozlar va ularning benefitsiar mulkdorlari haqidagi ma’lumotlarni muntazam yangilash va verifikatsiyalash;

yuqori mansabdor shaxslar, ularning oila a’zolari va yuqori mansabdor shaxslarga yaqin bo‘lgan shaxslarning amalga oshirayotgan operatsiyalarini chuqur monitoring qilish;

mazkur Qoidalar va ichki qoidalarda belgilangan tartibda shubhali operatsiyalarni aniqlash;

ichki nazoratni amalga oshirish davomida aniqlangan shubhali operatsiyalar to‘g‘risidagi axborotni (hujjatlarni) maxsus vakolatli davlat organiga o‘z vaqtida taqdim etish;

maxsus vakolatli davlat organining qo‘shimcha ma’lumotlarni taqdim etish to‘g‘risidagi so‘rovlarini hamda mijozlarning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarini to‘xtatib turish haqidagi ko‘rsatmalarini o‘z vaqtida bajarish;

Ro‘yxat bilan solishtirish orqali operatsiya ishtirokchilari orasida terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslarni aniqlash;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bilan bog‘liq ma’lumotlarning maxfiyligini ta’minlash;

operatsiyalar to‘g‘risidagi axborotni, shuningdek, identifikatsiyalash ma’lumotlarini va mijozlarni lozim darajada tekshirishga doir materiallarning qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlar mobaynida saqlanishini ta’minlash;

professional ishtirokchilar rahbariyatini tegishli qarorlar qabul qilish uchun zarur bo‘lgan ishonchli axborot va materiallar bilan tezkor va muntazam ta’minlab borish;

shubhali operatsiyalarni amalga oshirish yoki amalga oshirishga urinishlar, shubhali operatsiyalarni amalga oshirgan operatsiya ishtirokchilari to‘g‘risidagi ma’lumotlar bazasini shakllantirish, shuningdek, qonunchilik hujjatlariga muvofiq bunday axborotni davlat organlari va boshqa professional ishtirokchilar bilan o‘zaro almashib borish;

so‘rovlar bo‘yicha mijozlar bazasidan Ro‘yxat bilan solishtirish orqali terrorchilik faoliyatini moliyalashtirishga va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga aloqador shaxslarni aniqlash.

2-bob. Ichki nazorat tizimini tashkil etish

4. Ichki nazorat tizimi professional ishtirokchining faoliyat ko‘rsatish xususiyatlari, faoliyatining asosiy yo‘nalishlari, mijozlar va ularning operatsiyalari bilan bog‘liq mijozlar bazasi va tavakkalchilik xavfi darajasini hisobga olgan holda tashkil etiladi.

5. Ichki nazoratni tashkil etish va amalga oshirish Qimmatli qog‘ozlar bozori professional ishtirokchisining ichki nazorati to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 1899, 2009-yil 6-fevral) muvofiq tayinlanadigan professional ishtirokchining nazoratchisi (bundan buyon matnda nazoratchi deb yuritiladi) zimmasiga yuklanadi.

6. Nazoratchi professional ishtirokchi rahbarining buyrug‘i bilan rahbarning o‘rinbosarlari orasidan tayinlanadi. Professional ishtirokchi nazoratchi haqidagi va mazkur Qoidalar talablarining bajarilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni har yili 10-yanvarga qadar pochta aloqasi vositalari orqali yoki elektron shaklda mazkur Qoidalarning 1-ilovasiga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligiga (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) yuboradi.

Nazoratchi o‘zgargan taqdirda professional ishtirokchi yangi tayinlangan nazoratchi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni u tayinlanganidan keyingi ish kunidan kechiktirmay taqdim etishi shart.

Professional ishtirokchi belgilangan tartibda litsenziya olgandan keyin bir oy muddatda nazoratchi tayinlanishini ta’minlashi va Agentlikka nazoratchining anketa ma’lumotlarini (familiyasi, ismi, otasining ismi, JShShIR) yuborishi shart.

7. Agentlik har yili 15-yanvargacha mazkur Qoidalarga rioya etilishiga mas’ul bo‘lgan nazoratchilarning ro‘yxatlarini maxsus vakolatli davlat organiga taqdim etadi va ushbu ro‘yxatdagi o‘zgarishlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar o‘ziga ma’lum

bo‘lgan vaqtdan e’tiboran besh ish kuni mobaynida maxsus vakolatli davlat organini xabardor qilishni ta’minlaydi.

8. Professional ishtirokchilar nazoratchilarning jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishning, terrorizmni moliyalashtirishning va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishning zamonaviy usullari, uslublari va yo‘nalishlari haqidagi axborotga ega bo‘lishlarini ta’minlash hamda nazoratchilarga jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish borasidagi qonunchilik va majburiyatlarning barcha jihatlarini aniq tushuntirib berish maqsadida ularni muntazam ravishda (yiliga kamida bir marta) qayta tayyorgarlikdan o‘tkazishlari shart.

9. Nazoratchi quyidagi funksiyalarni bajaradi:

professional ishtirokchilarning xizmatlaridan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida foydalanish xavfini oldini olish uchun qonunchilikda, mazkur Qoidalarda va ichki qoidalarda ko‘zda tutilgan choralarni ko‘radi;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashishga oid qonunchilik, mazkur Qoidalar va ichki qoidalar talablariga professional ishtirokchilar tomonidan rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshiradi;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish bilan bog‘liq qoidabuzarlik holatlari to‘g‘risidagi axborotni professional ishtirokchining rahbariga taqdim etadi;

professional ishtirokchi faoliyatida mazkur Qoidalar va ichki qoidalar talablariga rioya qilinmaganligi bo‘yicha aniqlangan kamchilik va qoidabuzarliklarni bartaraf etish yuzasidan professional ishtirokchining rahbariga ko‘rib chiqishi uchun takliflar kiritadi;

mazkur Qoidalar ijrosi natijalari haqida hisobotni bir yilda kamida bir marotaba professional ishtirokchining rahbariga taqdim etadi;

shubhali operatsiyalar, ularni bajarishga urinishlar to‘g‘risidagi xabarlarning maxsus vakolatli davlat organiga o‘z vaqtida yuborilishini, shuningdek maxsus vakolatli davlat organining qo‘shimcha ma’lumotlarni taqdim etish haqidagi so‘rovlari va mijozlarning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarini to‘xtatib turish haqidagi ko‘rsatmalarining bajarilishini ta’minlaydi;

ichki nazoratni tashkil etish, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi qonunchilik hujjatlari talablarini buzish holatlarini oldini olish va bartaraf etish masalalari bo‘yicha Agentlik va maxsus vakolatli davlat organining mas’ul shaxslari bilan hamkorlikni amalga oshiradi;

Ro‘yxatni professional ishtirokchining xodimlariga yetkazadi.

10. Nazoratchi quyidagi huquqlarga ega:

professional ishtirokchining xodimlaridan ichki nazoratni amalga oshirish maqsadlari uchun zarur bo‘lgan boshqaruvchilik, buxgalteriya va boshqa hujjatlarni talab qilib olish;

xabar qilinishi lozim bo‘lgan operatsiyalarga nisbatan kelgusidagi xatti-harakatlar bo‘yicha rahbariyatga takliflar kiritish.

Nazoratchi qonunchilikka muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

11. Nazoratchi quyidagilarga majbur:

o‘z vakolati doirasida mazkur Qoidalar va ichki qoidalar bilan yuklatilgan maqsadlarga erishish va vazifalarni bajarish uchun zarur choralarni ko‘rish;

mijozning faoliyatini (biznesini), uning mulki va boshqaruv tuzilmasini tushunish;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga oid tavakkalchiliklarni aniqlash va baholash bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rish, ushbu tavakkalchiliklarni hujjatlarda qayd etish va ularni kamaytirish choralarini ko‘rish;

mijozlarni lozim darajada tekshirish, shu jumladan doimiy monitoringni amalga oshirish va identifikatsiyalash hamda Ro‘yxat bilan solishtirishni ta’minlash bo‘yicha choralarni ko‘rish;

benefitsiar mulkdorlarni aniqlash va identifikatsiyalash bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rish;

maxsus vakolatli davlat organiga belgilangan tartibda shubhali operatsiyalar to‘g‘risida, shu jumladan ular aniqlangan kundan keyingi bir ish kunidan kechiktirmay ularni amalga oshirishga urinishlar to‘g‘risida xabarlarni berib borish;

maxsus vakolatli davlat organining mijozlarning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyasini to‘xtatib turish haqidagi ko‘rsatmalarini o‘z vaqtida bajarish bo‘yicha choralarni ko‘rish;

olingan ma’lumotlarning maxfiyligiga rioya qilish;

ichki nazoratni amalga oshirish davomida olingan hujjatlarning saqlanishi va qaytarilishini ta’minlash;

qonunchilikka muvofiq boshqa majburiyatlarni bajarish.

12. Professional ishtirokchilar mazkur Qoidalar talablaridan kelib chiqib, quyidagilar aks etgan ichki qoidalarni ishlab chiqishlari va tasdiqlashlari lozim:

tavakkalchiliklarni aniqlash, baholash, monitoring qilish, kamaytirish va hujjatlashtirishga doir choralarni amalga oshirish tartibi;

mijozlarni va ularning benefitsiar mulkdorlarini lozim darajada tekshirish, shuningdek mijozlar operatsiyalarining muntazam nazoratini amalga oshirish qoidalari;

kerakli axborotni rasmiylashtirish va uning maxfiyligini ta’minlash tartibi;

shubhali operatsiyalarni aniqlash tartibi, shuningdek bunday operatsiyalar to‘g‘risidagi xabarlarni tayyorlash va maxsus vakolatli davlat organiga yuborish tartibi;

kadrlarni tayinlash, tayyorlash va o‘qitishga, shu jumladan ularning ishchanlik obro‘si va malakasiga qo‘yiladigan talablar;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida texnologik yutuqlardan foydalanishning oldini olishga qaratilgan choralar;

yuqori mansabdor shaxslar, ularning oila a’zolari va yuqori mansabdor shaxslarga yaqin bo‘lgan shaxslar bilan amaliy ish munosabatlarini o‘rnatish hamda ular tomonidan o‘tkaziladigan operatsiyalarni monitoring qilish tartibi;

yuqori tavakkalchilik darajasi toifasiga kiritilgan mijozlarning hisobini yuritish hamda bunday mijozlarning operatsiyalarini monitoring qilish tartibi;

maxsus vakolatli davlat organining qo‘shimcha ma’lumotlarni taqdim etish haqidagi so‘rovlarini va mijozlarning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarini to‘xtatib turish haqidagi ko‘rsatmasini o‘z vaqtida bajarish bo‘yicha choralar;

qonunchilikka zid bo‘lmagan boshqa qoidalar.

13. Professional ishtirokchilarning nazorati ostida yoki sezilarli ta’siri doirasida bitta yoki bir nechta pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshiruvchi tashkilotlar bo‘lgan taqdirda ichki qoidalar guruhiy yondashuv asosida ishlab chiqilishi va quyidagilarni o‘z ichiga olishi kerak:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish

bilan bog‘liq tavakkalchiliklarni boshqarish va mijozlarni lozim darajada tekshirish uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni almashish qoidalari va tartib-taomillari;

komplayens nazorati, audit va (yoki) jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish funksiyalarining muvofiqligini guruh darajasida ta’minlash;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va (yoki) ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish maqsadlari uchun zarur bo‘lgan hollarda filiallardan va shu’ba korxonalardan ularning mijozlari, hisobvaraqlari va operatsiyalari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni olishni ta’minlash;

maxfiylikni va ma’lumotlardan foydalanishni yetarli darajada himoya qilish.

14. Professional ishtirokchilarning ichki qoidalari jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashishga oid qonunchilik va mazkur Qoidalar talablariga muvofiq bo‘lishi, shuningdek aniqlangan tavakkalchiliklar va ularni baholash hisobga olingan holda tuzilishi shart. Ichki qoidalar, ularga kiritiladigan o‘zgartirish va qo‘shimchalar professional ishtirokchining rahbari tomonidan tasdiqlanadi.

15. Professional ishtirokchilar quyidagilarga majbur:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish yuzasidan ehtimol tutilgan tavakkalchiliklarni o‘rganish, tahlil qilish va aniqlashni o‘z faoliyatida tizimli ravishda, yiliga kamida bir marta amalga oshirish, o‘rganish natijalarini hujjatlar bilan qayd etish va uni kamaytirish bo‘yicha tegishli choralar ko‘rish;

tavakkalchiliklar darajasi va ularni kamaytirish bo‘yicha tegishli choralarni aniqlash davomida mazkur sohaga oid barcha tavakkalchiliklarni e’tiborga olish;

tavakkalchiliklarni baholashni eng so‘nggi holatda ushlab turish;

maxsus vakolatli davlat organiga va Agentlikka tavakkalchiliklarni baholash natijalarini taqdim etishning aniq tartibini belgilash;

boshqa, shu jumladan chet eldagi, professional ishtirokchilar bilan amaliy ish munosabatlariga kirishish davomida mumkin bo‘lgan usullar orqali (shuningdek, ochiq manbalardan) ularning ish obro‘si, biznes yuritish usul va uslublari, qonunchilikni buzish holatlari to‘g‘risida ma’lumotlarni to‘plash;

professional ishtirokchilarning boshqaruv organlari roziligi olinganidan va boshqa professional ishtirokchilarning jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini

tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat tizimi o‘rganilgandan so‘ng ular bilan amaliy ish munosabatlariga kirishish;

ichki qoidalar qo‘llanilishining doimiy monitoringini amalga oshirib borish va jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishning yuqori darajadagi tavakkalchiligi aniqlangan hollarda tavakkalchiliklarni boshqarish va kamaytirish bo‘yicha kuchaytirilgan choralarni ko‘rish.

16. Professional ishtirokchilarning chet eldagi alohida bo‘linmalari (mavjud bo‘lganda) jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish borasidagi chora-tadbirlarni amalga oshirishda ular joylashgan mamlakat talablariga rioya qilishlari lozim, mazkur talablar O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligining talablaridan farq qilgan taqdirda, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro standartlarni qo‘llashi lozim.

17. Professional ishtirokchi o‘zining xorijdagi alohida bo‘linmalaridan mazkur bo‘linmalar joylashgan mamlakat qonunchiligidagi taqiqlar tufayli jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha tegishli tadbirlarni amalga oshirish mumkin bo‘lmagan holatlar to‘g‘risida bosh ofisni xabardor qilishni talab qilishga majburdir.

O‘z navbatida professional ishtirokchilar bu haqda maxsus vakolatli davlat organiga xabar berishi shart.

3-bob. Mijozlarni lozim darajada tekshirish

18. Professional ishtirokchilar mijozlarni lozim darajada tekshirish choralarini ko‘rishlari kerak.

Mijozlarni lozim darajada tekshirish choralari barcha yangi mijozlar hamda tavakkalchilik darajasidan kelib chiqib mavjud mijozlarga nisbatan qo‘llaniladi.

Alohida hollarda, mavjud mijozning jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga aloqasi borligi haqida asoslantirilgan shubhalar mavjud bo‘lganida va unga nisbatan mijozlarni lozim darajada tekshirish bo‘yicha choralar amalga oshirilayotganligi oshkor bo‘lishi mumkinligini inobatga olgan holda mijozlarni lozim darajada tekshirish bo‘yicha choralarni amalga oshirmasdan maxsus vakolatli davlat organga shubhali operatsiya haqida axborot yuborilishiga yo‘l qo‘yiladi.

19. Mijozni lozim darajada tekshirish quyidagi hollarda amalga oshirilishi kerak:

mijoz bilan amaliy ish munosabatlari o‘rnatilganda;

mijoz bilan qimmatli qog‘ozlar bozoriga oid xizmatlarni ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnoma tuzilganda;

o‘tkaziladigan operatsiyalarning jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish yoki terrorizmni moliyalashtirish yoxud ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida amalga oshirilayotganligiga nisbatan har qanday shubhalar mavjud bo‘lganda;

mijoz to‘g‘risida avval olingan ma’lumotlarning to‘g‘riligiga gumonlar mavjud bo‘lganda;

operatsiya o‘tkazilayotgan kunda ekvivalenti 15 000 AQSh dollaridan oshgan miqdordagi qimmatli qog‘ozlar bilan bir martalik operatsiyalar (bitimlar) amalga oshirilganda.

20. Mijozni lozim darajada tekshirish bo‘yicha ko‘riladigan chora-tadbirlar quyidagilarni o‘z ichiga olishi shart:

ishonchli manba va hujjatlardan foydalangan holda (bunda, uchinchi tomon xizmatlaridan foydalanilishi mumkin) mijozni identifikatsiyalash va verifikatsiyalash;

tegishli hujjatlar asosida mijozning va u qaysi shaxslar nomidan ish ko‘rayotgan bo‘lsa, o‘sha shaxslarning shaxsini hamda vakolatlarini tekshirish;

mijozning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalash va verifikatsiyalash bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rish, shu jumladan ishonchli manbalardan olingan ma’lumotlardan foydalangan holda (yuridik shaxs bo‘lgan mijozlarga nisbatan esa ta’sis hujjatlari asosida) mulk va boshqaruv tuzilmasini o‘rganish;

mijoz tomonidan amalga oshiriladigan ish munosabatlari va operatsiyalarning bunday mijoz to‘g‘risidagi ma’lumotlarga, uning faoliyati maqsadi va xususiyatiga muvofiqligini tekshirish hamda pul mablag‘lari yoki mol-mulklar kelib chiqish manbalarini aniqlash maqsadida doimiy asosda o‘rganish o‘tkazish.

Professional ishtirokchilar mijozlarni lozim darajada tekshirish davomida olingan ma’lumotlarni muntazam yangilab borishi va eng so‘nggi holatda ushlab turishi shart. Bunda, yuqori darajadagi tavakkalchilik toifasiga kiritilgan mijozlarga alohida e’tibor qaratiladi.

21. Professional ishtirokchilar mijozni lozim darajada tekshirish bo‘yicha mazkur Qoidalarning 20-bandida ko‘rsatib o‘tilgan choralarni ko‘rish bilan birga, mijoz yoki benefitsiar mulkdor sifatida qatnashayotgan yuqori mansabdor shaxslar,

ularning oila a’zolari va yuqori mansabdor shaxslarga yaqin bo‘lgan shaxslarga nisbatan:

yuqori mansabdor shaxsning mavqeyi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni tekshirish va o‘tkazilayotgan operatsiyadagi pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulkning manbalarini aniqlash bo‘yicha tegishli choralarni ko‘rish;

yuqori mansabdor shaxs bilan amaliy ish munosabatlariga faqatgina rahbariyat ruxsati bilan kirishish (yoki mavjud mijozlar uchun davom ettirish);

lozim darajada tekshirishning kuchaytirilgan chora-tadbirlarini ko‘rishlari shart.

22. Lozim darajada tekshirishning kuchaytirilgan chora-tadbirlari quyidagilardan iborat:

mijoz haqida ochiq manbalar va ma’lumotlar bazalaridan qo‘shimcha tasdiqlangan ma’lumotlarni to‘plash va qayd etish, shuningdek mijoz va uning benefitsiar mulkdori haqidagi ma’lumotlarni tez-tez yangilash va verifikatsiyalash;

mijozdan u tomonidan amalga oshirilayotgan operatsiyalar bo‘yicha pul mablag‘larining manbalari yoki uning moliyaviy holati, operatsiyalar o‘tkazilishining maqsadi va sabablari haqidagi ma’lumotlarni olish;

amaliy ish munosabatlariga kirishish yoki davom ettirishga professional ishtirokchi boshqaruv organlarining ruxsatini olish;

tekshirishlarning soni va ketma-ketligini oshirish yo‘li bilan mijoz operatsiyalarining kuchaytirilgan monitoringini amalga oshirish hamda operatsiyalarni amalga oshirish sxemalarini chuqur o‘rganish;

mijoz tomonidan amalga oshirilayotgan operatsiyalar ustidan doimiy monitoring olib borish.

23. Mijoz xizmat ko‘rsatish bo‘yicha shartnoma tuzish uchun murojaat qilganda professional ishtirokchilar quyidagilarga majburdirlar:

ushbu Qoidalar va jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashishga oid qonunchilik talablariga muvofiq operatsiya bo‘yicha mijozni va (yoki) benefitsiar mulkdorni identifikatsiyalash;

avvalgi hisobot davri (oy, yilning choragi, yarim yillik, yil) davomida mijozning ilgari o‘tkazgan operatsiyalarini o‘rganish, agar ixtiyorida bunday operatsiyalar to‘g‘risida ma’lumotlar bo‘lsa;

operatsiyaning turini va uning mijozning ta’sis hujjatlarida belgilangan faoliyat maqsadi va turlariga yoki uning umumiy ish amaliyotiga muvofiqlik darajasini aniqlash;

aniq iqtisodiy mohiyatga ega bo‘lmagan, lozim darajada tekshirish materiallariga ilova qilinadigan mijozning umumiy ish amaliyotiga, ta’sis hujjatlarida yoki davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi guvohnomada ko‘zda tutilgan faoliyat maqsadlariga va turlariga mos kelmaydigan barcha operatsiyalar bo‘yicha lozim darajada tekshirish natijalari va xulosalarini yozma qayd etish.

24. Professional ishtirokchilar o‘zlarining avtomatlashtirilgan axborot tizimlaridagi aniqlik darajasini har bir xizmat yoki operatsiya toifasi bo‘yicha tavakkalchilik darajasidan kelib chiqqan holda belgilashlari kerak.

Aniqlik darajasi operatsiya ishtirokchilari identifikatsiya ma’lumotlarining har bir elementi bo‘yicha alohida belgilanishi lozim.

25. Mijoz va mijozning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalash mazkur Qoidalarning 2 va 3-ilovalarida nazarda tutilgan ma’lumotlar asosida amalga oshiriladi.

Identifikatsiyalash natijasida olingan ma’lumotlar sanasi ko‘rsatilgan holda nazoratchi tomonidan alohida jurnalga kiritiladi.

26. Professional ishtirokchilar jismoniy va yuridik shaxslarni masofadan turib identifikatsiyalashni amalga oshirishga haqli. Masofadan turib identifikatsiyalash O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 26-apreldagi 238-son “Qimmatli qog‘ozlar bozorida mijozlarni masofadan turib raqamli identifikatsiya qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq amalga oshiriladi.

27. Yuridik shaxs bo‘lgan mijozni identifikatsiyalashda davlat ro‘yxatiga olinganligi, rahbarlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar, shuningdek ta’sis hujjatlarida ko‘rsatilgan ma’lumotlar tekshirilishi kerak.

Ko‘rsatilgan hujjatlarni tadbirkorlik subyektlarini davlat ro‘yxatiga olish va hisobga qo‘yish avtomatlashtirilgan tizimi orqali yoki ushbu tizimdan axborot olishning imkoni bo‘lmaganda, bevosita mijozdan olish mumkin.

28. Mijozni va operatsiyaning boshqa ishtirokchilarini identifikatsiyalash imkonini beruvchi barcha hujjatlar ular taqdim etilgan sanada amalda bo‘lishi shart.

Mijoz yoki benefitsiar mulkdorni identifikatsiyalash bilan bir qatorda mijozning ishchanlik obro‘si to‘g‘risidagi ma’lumotlar o‘rganiladi.

29. Davlat organlari va idoralariga nisbatan mijozlarni lozim darajada tekshirish chora-tadbirlarini o‘tkazish talab qilinmaydi.

30. Professional ishtirokchilar quyidagi hollarda mijozga operatsiyalarni amalga oshirishni rad etadi:

mijozlarni lozim darajada tekshirish choralarini qo‘llash imkoni bo‘lmaganda;

identifikatsiyalashni tugatish imkoni bo‘lmagan yoki lozim darajada tekshirish natijalari bo‘yicha u bilan amaliy ish munosabatlarini o‘rnatish maqsadga muvofiq emasligini ko‘rsatuvchi ma’lumotlar olingan holda;

atayin noto‘g‘ri bo‘lgan hujjatlar taqdim etilganda yoki qonunchilikka muvofiq so‘raladigan hujjatlar taqdim etilmaganda;

qonunchilikda nazarda tutilgan boshqa hollarda.

Mijozlarga operatsiyani amalga oshirish rad etilgan hollarda professional ishtirokchilar maxsus vakolatli davlat organiga xabar yuborishlari kerak.

31. Professional ishtirokchilarga quyidagilarni amalga oshirish taqiqlanadi:

anonim shaxslarga depo hisobvarag‘i ochish, ya’ni jismoniy yoki yuridik shaxs tomonidan uni identifikatsiyalash uchun zarur hujjatlar taqdim etilmagan holda hisobvaraq ochish;

hujjatlar bilan tasdiqlanmagan, ochiqdan-ochiq soxta nomlar bo‘yicha depo hisobvaraqlari ochish;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmaydigan davlatlar hududida filiallar yoki vakolatxonalar tashkil etish.

4-bob. Tavakkalchilik darajasini aniqlash va baholash

32. Professional ishtirokchilar tavakkalchilik darajasini aniqlashi, shuningdek uni pasaytirish bo‘yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqishi va amalga oshirishi shart.

Tavakkalchilik darajasi mijozning faoliyati va amalga oshiradigan operatsiyalari turlarini inobatga olgan holda mijoz taqdim qilgan ma’lumotlar, mazkur Qoidalarda belgilangan mezonlar hamda mijozni lozim darajada tekshirish natijalari asosida nazoratchi tomonidan aniqlanadi va baholanadi.

Mazkur bandning ikkinchi xatboshisida belgilangan talablar asosida mijozga jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish yoki ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida operatsiyalarni bajarishning tegishli (yuqori yoki quyi) tavakkalchilik darajasi beriladi.

33. Yuqori darajadagi tavakkalchilik toifasiga oldindan quyidagi mezonlarga to‘g‘ri keladigan operatsiya ishtirokchilari kiritilishi kerak:

Ro‘yxatga kiritilgan shaxslar yoki Ro‘yxatga kiritilgan shaxsning nazoratidagi shaxslar, Ro‘yxatga kiritilgan tashkilotning bevosita yoxud bilvosita mulkdori bo‘lgan yoki uni nazorat qiluvchi shaxslar;

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmaydigan davlatda yoxud offshor hududda doimiy yashayotgan, turgan yoki ro‘yxatga olingan shaxslar;

yuridik shaxs tashkil etmagan chet el tuzilmalari, chet el korxonalarining vakolatxonalari va O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari bo‘lmagan jismoniy shaxslar;

offshor hududlarda hisobvaraqqa ega bo‘lgan shaxslar;

benefitsiar mulkdori mazkur bandning ikkinchi va (yoki) uchinchi xatboshilarida ko‘rsatilgan shaxs hisoblangan tashkilotlar;

muntazam ravishda (uch oy ichida ketma-ket ikki martadan ziyod) shubhali operatsiyalarni amalga oshiruvchi mijozlar;

yuqori mansabdor shaxslar, ularning oila a’zolari va yuqori mansabdor shaxslarga yaqin bo‘lgan shaxslar;

ichki qoidalarda belgilanadigan boshqa shaxslar.

34. Operatsiya yuqori darajadagi tavakkalchilik toifasiga kiritilgan taqdirda professional ishtirokchilar ushbu mijozga nisbatan lozim darajada tekshirishning kuchaytirilgan chora-tadbirlarini ko‘rishlari va doimiy monitoring qilib borishlari shart.

35. Mijoz tomonidan amalga oshirilayotgan operatsiyalarning xususiyati o‘zgarishiga qarab, professional ishtirokchilar mijozni lozim darajada tekshirish natijalari bo‘yicha to‘plangan ma’lumotlarni hisobga olgan holda tavakkalchilik darajasini qayta ko‘rib chiqishlari lozim.

36. Professional ishtirokchilar ichki qoidalarda belgilangan tartibda yuqori tavakkalchilik darajasi toifasiga kiritilgan barcha mijozlarning (operatsiya ishtirokchilarning) hisobini yuritishi kerak. Yuqori tavakkalchilik darajasi toifasiga kiritilgan barcha mijozlar (operatsiya ishtirokchilari) to‘g‘risidagi ma’lumotlar maxsus jurnalga kiritiladi.

37. Professional ishtirokchilar jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish maqsadida texnologik yutuqlardan foydalanishga yo‘l qo‘ymaslik bo‘yicha choralarni ko‘rishlari kerak. Ushbu maqsadda professional ishtirokchilar o‘z xizmatlarini ko‘rsatish uchun yangi yoki rivojlanayotgan texnologiyalardan foydalanish natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan tavakkalchilik darajalarini aniqlashi va baholashi kerak. Tavakkalchilikning bunday baholanishi yangi yoki rivojlanayotgan texnologiyalardan foydalanishdan avval o‘tkazilishi kerak.

5-bob. Shubhali operatsiyalar mezonlari va alomatlari hamda ularni aniqlash tartibi

38. Operatsiyalar quyidagi mezon va alomatlarning biri mavjud bo‘lganda shubhali operatsiya deb topiladi:

operatsiyani amalga oshirish uchun taqdim qilingan hujjatlarning haqiqiyligiga (ishonchliligiga) gumon tug‘ilishi va (yoki) operatsiya to‘g‘risidagi, shu jumladan operatsiyani bajaruvchi tomonlarning biri haqidagi ma’lumotlar professional ishtirokchida mavjud bo‘lgan ma’lumotlarga muvofiq kelmasligi;

operatsiyaning aniq iqtisodiy mohiyatga ega emasligi va mijoz faoliyatining tavsifi va faoliyat turiga muvofiq kelmasligi;

professional ishtirokchi tomonidan zarurat tufayli so‘ralayotgan, shu jumladan ishonch bildiruvchi (agar mijoz ishonchli vakil sifatida ish yuritayotgan bo‘lsa) haqidagi ma’lumotlarni taqdim etish mijoz tomonidan sababsiz rad etilishi;

mijozga nisbatan mazkur Qoidalarda ko‘rsatilgan choralar asosli qo‘llanilayotganda, mijoz tashabbusi bilan darhol amaliy ish munosabatlarining to‘xtatilishi;

identifikatsiyalashni yakunlashning imkoni bo‘lmasligi yoki lozim darajada tekshirish natijalariga ko‘ra, mijoz bilan amaliy ish munosabatlarini o‘rnatish maqsadga muvofiq emasligini ko‘rsatib turadigan ma’lumotlarning olinishi;

mijoz xizmat ko‘rsatishning foydaliroq shartlariga nisbatan e’tiborsiz bo‘lishi, shuningdek mijoz tomonidan ayni turdagi xizmatlar ko‘rsatishdagi oddiy to‘lovdan farq qiladigan yuqori mukofotning taklif qilinishi;

pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk O‘zbekiston Respublikasi hududidan tashqariga offshor hududlarda doimiy yashovchi yoki ro‘yxatga olingan shaxslarning foydasiga o‘tkazilishi;

operatsiyaning ishtirokchilaridan biri jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmaydigan davlatda doimiy yashayotgan, turgan yoki ro‘yxatga olingan shaxs bo‘lishi;

qonunchilik bilan belgilangan nazorat jarayonidan qochishga qaratilgan degan xulosani chiqarishga asos bo‘ladigan operatsiyalar yoki bitimlarning amalga oshirilganligi aniqlanganligi;

mijozning amalga oshirilayotgan bitimga nisbatan maxfiylik masalalari bilan ortiqcha tashvishlanishi;

mijoz tomonidan bitim bo‘yicha hisob-kitoblarni amalga oshirishning odatdagi amaliyotdan farq qiluvchi nostandart va murakkab sxemalari taklif etilishi;

mijoz tomonidan avval kelishilgan operatsiyaning (bitimning) sxemasiga uni bevosita amalga oshirishdan oldin sezilarli o‘zgartirishlar kiritilishi;

mijozning bekor qilingan bitimlar bo‘yicha o‘z pul mablag‘larini uchinchi shaxslarga qaytarishni amalga oshirishni taklif etishi;

bir yo‘la yoki qismlar bo‘yicha bir turdagi va bir xil hajmdagi moliyaviy vositalarni sotib olib (sotib), bunday bitimlarning tomonlari goh sotuvchi, goh xaridor sifatida muntazam ravishda o‘zgarib turuvchi bitimlarning amalga oshirilishi;

mijoz tomonidan ma’lumot va hujjatlar taqdim etilishining asossiz kechiktirilishi yoki mijoz tomonidan tekshirib bo‘lmaydigan ma’lumotlar taqdim etilishi;

mijoz talab qilayotgan operatsiyani amalga oshirishda asossiz shoshma-shosharlik;

mijoz tomonidan 30 kalendar kun mobaynida deponentga qo‘yilgan pul mablag‘larining summasi bazaviy hisoblash miqdorining 500 baravariga teng miqdordagi summadan oshishi;

mijoz tomonidan qimmatli qog‘ozlarni bozor narxlaridan sezilarli farq qiladigan narxlarda sotib olishning (sotishning) amalga oshirilishi;

bazaviy hisoblash miqdorining 500 baravaridan ortiq summadagi qimmatli qog‘ozlarning yuridik (jismoniy) shaxslar o‘rtasida bepul asosda yoki debitorlik va kreditorlik qarzlari bo‘yicha topshirilishi;

hisob-kitob-kliring palatalaridagi Foydalanuvchilarning shaxsiy raqamlarida (bundan buyon matnda FShR deb yuritiladi) jamlangan pul mablag‘laridan boshqaning foydasiga voz kechish bo‘yicha bazaviy hisoblash miqdorining 500 baravariga teng miqdordagi summadan oshgan operatsiyalarning o‘tkazilishi, bir martalik o‘tkazilgan operatsiyalar kabi uch oy mobaynida o‘tkazilgan bir nechta operatsiyalar ham;

offshor hududlarda va jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikda ishtirok etmaydigan davlatlarda ro‘yxatdan o‘tkazilgan yuridik shaxslar uchun FShR ochishga topshiriqnoma berilishi;

mijoz haqidagi ma’lumotning mavjud emasligi, shuningdek, ko‘rsatilgan bog‘lanish ma’lumotlari, xususan, pochta va elektron manzili, telefon raqamlari va elektron kanal ma’lumotlari bo‘yicha mijoz bilan aloqa o‘rnatish imkoniyatining yo‘qligi;

qimmatli qog‘ozlarga doir bitimlar tuzilayotganda insayderlik axborotidan noqonuniy foydalanilganligi yoki qimmatli qog‘ozlar bozorida narxlar borasida hiyla-nayrang ishlatilganligiga doir har qanday shubhalarning mavjudligi;

operatsiyani amalga oshirishda foydalanilgan pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulkning jinoiy kelib chiqishi yoki terrorizmni moliyalashtirish yoxud ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish uchun mo‘ljallanganligi to‘g‘risida har qanday shubhalarning mavjudligi.

Ichki qoidalar bilan shubhali operatsiyalarning qo‘shimcha belgilari va mezonlari o‘rnatilishi mumkin.

39. Professional ishtirokchi Agentlik tomonidan maxsus vakolatli davlat organi bilan kelishilgan holda ishlab chiqiladigan va tavsiyaviy xususiyatga ega bo‘lgan metodik tavsiyalar asosida shubhali operatsiyalarni erta aniqlash bo‘yicha ko‘rsatkichlarni joriy qilish huquqiga ega.

40. Identifikatsiyalash jarayonida olingan ma’lumotlar, shuningdek mijozga berilgan tavakkalchilik darajasi operatsiyani monitoring qilishga asos bo‘lib hisoblanadi.

41. Mijozni identifikatsiyalash va operatsiyalarining joriy tekshiruvi lavozim majburiyatlariga muvofiq professional ishtirokchining xodimi tomonidan o‘tkaziladi, u shubhali operatsiyalar alomatlari mavjud operatsiyalarni aniqlagan taqdirda bunday operatsiyalar haqida bevosita nazoratchiga zudlik bilan xabar berishi lozim.

42. Mijoz operatsiyalarining keyingi tekshiruvi nazoratchi tomonidan joriy tekshiruv jarayonida aniqlanmaydigan shubhali operatsiyalarni aniqlash maqsadida, mijozning o‘tgan davr mobaynida bajargan operatsiyalarini tahlil qilish orqali amalga oshiriladi.

Asosli shubhalar mavjud bo‘lgan taqdirda nazoratchi mijoz operatsiyasini shubhali deb hisoblash to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

43. Operatsiyani shubhali deb topish har bir aniq holatda ushbu Qoidalar bilan o‘rnatilgan shubhalilik mezonlaridan foydalangan holda o‘tkaziladigan kompleks tahlil asosida, shuningdek mijozning turidan, operatsiya maqsadlari va hajmidan aniqlanadigan tavakkalchilikdan kelib chiqqan holda va shubhali operatsiyani to‘g‘ri aniqlash uchun ahamiyatli bo‘lgan boshqa holatlar asosida amalga oshiriladi.

44. Mijozning operatsiyasi shubhali deb topilgandan so‘ng nazoratchi quyidagi choralarni ko‘rishi kerak:

mijozning operatsiyalari ustidan monitoringni kuchaytirish;

mijoz to‘g‘risida qo‘shimcha ma’lumot olish;

mijozning tavakkalchilik darajasini qayta ko‘rib chiqish;

operatsiya haqidagi ma’lumotlarni maxsus jurnalga qayd etish;

shubhali operatsiya to‘g‘risida maxsus vakolatli davlat organiga xabar berilishini ta’minlash;

qonunchilikka va mijoz bilan tuzilgan shartnomaga muvofiq u bilan munosabatlarni to‘xtatish bo‘yicha professional ishtirokchining rahbariga taklif kiritish.

45. Shubhali operatsiya to‘g‘risidagi xabar professional ishtirokchi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-iyundagi 402-son qarori bilan tasdiqlangan Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bilan bog‘liq ma’lumotlarni taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizom talablariga muvofiq shubhali operatsiya aniqlangan paytdan e’tiboran bir ish kunidan kechiktirmay maxsus vakolatli davlat organiga beriladi.

Shubhali operatsiyalar to‘g‘risidagi xabar maxsus vakolatli davlat organiga axborotni kriptografik himoyalash vositalari mavjud bo‘lgan ma’lumotlarni uzatishning elektron tizimlari orqali yoki ruxsat berilmagan foydalanishdan himoyalangan maxsus elektron pochta manzili yoxud maxsus vakolatli davlat organining shubhali operatsiyalar to‘g‘risidagi xabarlarni qabul qilish tizimidagi shaxsiy kabinet yordamida yuboriladi.

Shaxsiy kabinetga ulanish uchun professional ishtirokchilar ushbu Qoidalarning 4-ilovasiga muvofiq ma’lumotlarni taqdim etgan holda Agentlikka murojaat qilishlari kerak.

46. Professional ishtirokchilar tegishli operatsiyaga nisbatan shubhani tasdiqlovchi yoki olib tashlovchi har qanday ma’lumotni darhol maxsus vakolatli davlat organiga xabar qilishi zarur.

6-bob. Ro‘yxatga kiritilgan shaxslar ishtirokidagi operatsiyalar aniqlanganda amalga oshiriladigan chora-tadbirlar

47. Professional ishtirokchilar mijoz, mijozning benefitsiar mulkdori va operatsiya ishtirokchilarining identifikatsiya ma’lumotlarini Ro‘yxat bilan solishtirishlari shart.

Agar mijoz bilan amaliy ish munosabatlarini o‘rnatish davrida yoki pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni amalga oshirishda professional ishtirokchining xodimlari tomonidan mijoz, mijozning benefitsiar mulkdori yoki operatsiya ishtirokchilaridan birining barcha identifikatsiya ma’lumotlari Ro‘yxatga kiritilgan shaxsning ma’lumotlari bilan to‘liq mos

kelganligi aniqlangan taqdirda, ular kechiktirmasdan va mijozni xabardor qilmasdan operatsiyani to‘xtatishlari va (yoki) pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulkni ishga solmay to‘xtatib qo‘yishlari hamda bu haqida nazoratchiga xabar berishlari kerak.

O‘z navbatida nazoratchi operatsiya ishtirokchilaridan birining va amalga oshirilayotgan operatsiyaning identifikatsiya ma’lumotlarini maxsus jurnalga kiritishi, shuningdek maxsus vakolatli davlat organiga xabar yuborishi lozim.

Ro‘yxatga yangi shaxslar kiritilganda nazoratchi yangi shaxslarning identifikatsiya ma’lumotlarini mijozlar bazasi bilan solishtirishi va to‘liq moslik aniqlangan shaxslar tomonidan ilgari amalga oshirilgan operatsiyalar aniqlangan taqdirda, ushbu mijozlarni lozim darajada tekshirishni amalga oshirishi hamda uning natijalari bo‘yicha axborotni maxsus vakolatli davlat organiga yuborishi kerak.

48. Mijoz Ro‘yxatga kiritilgan shaxsligi aniqlanganda professional ishtirokchi tomonidan amalga oshirilishi lozim bo‘lgan tartib quyidagi talablarni o‘z ichiga olishi lozim:

o‘xshash holatlarni saralash va yakuniy qaror qabul qilish bo‘yicha tartib-taomillarni;

operatsiya ishtirokchilarining barcha mavjud ma’lumotlarini Ro‘yxatdagi shaxslarning ma’lumotlari bilan avtomatik solishtirish jarayonini.

49. Quyidagi holatlardan biri yuzaga kelsa, operatsiyalar professional ishtirokchilar tomonidan kechiktirilmasdan va oldindan xabar qilinmasdan to‘xtatib turiladi va (yoki) pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk ishga solinmay to‘xtatib qo‘yiladi hamda maxsus vakolatli davlat organiga xabar qilinadi:

mijoz, mijozning benefitsiar mulkdori yoki operatsiya ishtirokchilaridan birining barcha identifikatsiya ma’lumotlari Ro‘yxatga kiritilgan shaxsning ma’lumotlari bilan to‘liq mos kelsa;

mijoz Ro‘yxatga kiritilgan shaxs nomidan yoki uning topshirig‘iga binoan faoliyat ko‘rsatayotgan bo‘lsa;

operatsiyani amalga oshirishda foydalanilayotgan pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk to‘liq yoki qisman Ro‘yxatga kiritilgan shaxsga tegishli bo‘lsa;

yuridik shaxs bo‘lgan operatsiya ishtirokchisi Ro‘yxatga kiritilgan jismoniy yoki yuridik shaxsning mulkida yoki nazorati ostida bo‘lsa.

50. Operatsiyalarni to‘xtatish va tiklash Terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar ro‘yxatiga kiritilgan shaxslarning operatsiyalarini to‘xtatib turish, pul mablag‘larini yoki boshqa mol-mulkini ishga solmay to‘xtatib qo‘yish, ishga solmay to‘xtatib qo‘yilgan mol-mulkidan foydalanishga ruxsat berish va

operatsiyalarini tiklash tartibi to‘g‘risidagi nizomda (ro‘yxat raqami 3327, 2021-yil 19-oktabr) belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Nazoratchi mazkur Qoidalarning 49-bandida nazarda tutilgan chora-tadbirlar bajarilganidan keyin Ro‘yxatga kiritilgan shaxsga uning operatsiyasi to‘xtatib turilganligi va (yoki) pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulki ishga solinmay to‘xtatib qo‘yilganligi to‘g‘risida imkon qadar qisqa vaqtda xabar berishi hamda operatsiyani tiklash tartibi to‘g‘risida tushuntirish berishi kerak.

7-bob. Maxsus vakolatli davlat organining so‘rovlari va ko‘rsatmalarini bajarish

51. O‘zbekiston Respublikasining “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq maxsus vakolatli davlat organi jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish choralarini amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan axborotni professional ishtirokchilardan yozma ravishda so‘rashga, shu jumladan professional ishtirokchilarning avtomatlashtirilgan axborot tizimlari va ma’lumotlar bazalari orqali olishga haqlidir.

Professional ishtirokchilar maxsus vakolatli davlat organining mijozlarning pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulklari bilan bog‘liq operatsiyalarini to‘xtatib turish to‘g‘risidagi ko‘rsatmalarini o‘z vaqtida bajarish choralarini ko‘radilar.

52. Maxsus vakolatli davlat organiga xabar qilinishi lozim bo‘lgan operatsiyalar bo‘yicha qonunchilikka va mazkur Qoidalarga muvofiq maxsus jurnalga nazoratchi tomonidan quyidagilar rasmiylashtiriladi:

operatsiya turi va uni amalga oshirish asoslari;

operatsiyani amalga oshirish sanasi va summasi;

operatsiyani amalga oshiruvchi mijozni identifikatsiyalash uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlar.

8-bob. Axborot va hujjatlarni rasmiylashtirish, saqlash va maxfiyligini ta’minlash

53. Professional ishtirokchilar pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalar to‘g‘risidagi axborotni, shuningdek mijozlarni lozim darajada tekshirish bo‘yicha identifikatsiyalash ma’lumotlari hamda materiallarini, shu jumladan ish yozishmalarini, o‘tkazilgan har qanday tahlil natijalarini

qonunchilikda belgilangan muddatlar mobaynida, lekin operatsiya amalga oshirilganidan yoki mijoz bilan amaliy ish munosabatlari to‘xtatilganidan keyin besh yildan kam bo‘lmagan muddatda saqlashlari shart.

Saqlash muddatlari tugashi bilan hujjatlar belgilangan tartibda arxivga topshiriladi.

54. Mijozni lozim darajada tekshirish jarayonida olingan mijoz to‘g‘risidagi ma’lumotlar mazkur Qoidalarning 5-ilovasiga muvofiq shakl bo‘yicha to‘ldiriladigan mijoz so‘rovnomasida qayd etiladi. Professional ishtirokchilar ichki qoidalarga muvofiq mijoz so‘rovnomasiga boshqa ma’lumotlarni kiritish huquqiga ega.

55. Elektron shaklda to‘ldirilgan mijoz so‘rovnomasi qog‘oz shaklda chiqarilganda nazoratchi imzosi bilan tasdiqlanadi.

56. Mijozlarning so‘rovnomalari alohida xronologik tartibda nazoratchida saqlab boriladi.

57. Pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalar va mijozlarni lozim darajada tekshirishga doir axborot zarurat tug‘ilganda operatsiya tafsilotlarini qayta tiklash va axborotdan maxsus vakolatli davlat organi foydalanishi mumkin bo‘lgan tarzda rasmiylashtirilishi lozim.

58. Professional ishtirokchi tomonidan mijozni lozim darajada tekshirish va identifikatsiyalash natijasida olingan ma’lumotlar hamda mijozlarning tavakkalchilik darajalari bir yilda kamida bir marotaba yangilanib borilishi lozim.

59. Nazoratchi faoliyatida foydalanilgan barcha hujjatlarga kirish imkoniyatini cheklash maqsadida bunday hujjatlar va ularning ro‘yxati bevosita nazoratchi tomonidan maxsus jihozlangan xonada yoki yonmaydigan va muhrlanadigan seyfda saqlanishi kerak.

60. Elektron shakldagi hujjatlar dasturlash yo‘li asosida arxivlashtirilishi, elektron axborot tashuvchi vositalarga yozilishi va nazoratchi tomonidan ularning ro‘yxati bilan birga yonmaydigan va muhrlanadigan seyfda saqlanishi kerak.

61. Professional ishtirokchilar:

jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bilan bog‘liq bo‘lgan axborotga kirish imkoniyatini cheklaydilar, uning tarqalib ketmasligini ta’minlaydilar;

ichki nazorat funksiyalarini amalga oshirish jarayonida olingan axborotni o‘z xodimlari tomonidan oshkor qilinmasligini (shaxsiy maqsadlar yoxud uchinchi shaxslar manfaatlari uchun foydalanilmasligini) ta’minlaydilar.

Professional ishtirokchilar mijozlarga ularning operatsiyalari haqida maxsus vakolatli davlat organiga xabar berilganligi to‘g‘risida ma’lum qilish huquqiga ega emaslar.

9-bob. Yakuniy qoidalar

62. Professional ishtirokchilar tomonidan mazkur Qoidalar talablariga rioya etilishi ustidan monitoring va nazorat Agentlik tomonidan maxsus vakolatli davlat organi bilan birgalikda amalga oshiriladi.

63. Professional ishtirokchining rahbari ichki va tashqi vaziyatlarning o‘zgarishini inobatga olgan holda, ichki nazorat tizimini doimiy ravishda monitoring qiladi va samaradorligini baholab boradi, shuningdek samarali ishlashini ta’minlash uchun zaruratga qarab uni mustahkamlaydi.

Professional ishtirokchining ichki audit xizmati mavjud bo‘lganda, ichki nazorat tizimi samaradorligini monitoring qilish ichki audit xizmati tomonidan ham olib borilishi mumkin.

64. Professional ishtirokchining rahbari va nazoratchi mazkur Qoidalarni buzganligi uchun qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

65. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi qonunchilik hujjatlari buzilganligi hollarini yashirishda, shuningdek mazkur Qoidalar talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgarlikka tortiladi.

Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun
jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga,
terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini
tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha
ichki nazorat qoidalariga
1-ILOVA

Qimmatli qog‘ozlar bozori professional ishtirokchisining nazoratchisi va ichki qoidalarining amalga oshirilishi to‘g‘risidagi MA’LUMOTLAR

_____
(tashkilot nomi)

1. Familiyasi, ismi va otasining ismi, lavozimi, telefon raqami.

2. Mas’ul xodim etib tayinlanganligi to‘g‘risidagi buyruq sanasi va raqami.

3. O‘tgan yil uchun tashkilot tomonidan ko‘rsatilgan xizmatlar to‘g‘risidagi ma’lumot, shu jumladan:

filiallar yoki alohida bo‘linmalar mavjudligini ko‘rsatuvchi tashkiliy tuzilmaning tavsifi;

qimmatli qog‘ozlar bozorida ko‘rsatiladigan xizmat turlari;

mijozlarning turi va soni;

amalga oshirilgan bitimlarning umumiy miqdori va soni;

aniqlangan xatarlar va ularni kamaytirish bo‘yicha ko‘rilgan choralar to‘g‘risidagi ma’lumot.

4. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazoratni ta’minlash bo‘yicha qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchisi tomonidan tasdiqlangan hujjat nomi va sanasi, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritgan keyingi hujjatlar hamda o‘zgartirishlar kiritish sabablari va maqsadlari to‘g‘risidagi ma’lumot.

5. Nazoratchi va xodimlarning jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida doimiy ravishda qayta tayyorgarlikdan o‘tkazilganligi to‘g‘risidagi ma’lumot.

6. Maxsus vakolatli davlat organiga yuborilgan xabarlar soni (xabarlarning mazmuni oshkor qilinmasdan faqatgina ularning umumiy soni beriladi).

Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun
jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga,
terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini
tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha
ichki nazorat qoidalariga
2-ILOVA

Jismoniy shaxsni identifikatsiyalashda zarur bo‘ladigan MA’LUMOTLAR

Mijoz va uning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalashda zarur bo‘ladigan ma’lumotlar:

1) familiyasi, ismi, otasining ismi;

2) tug‘ilgan sanasi va joyi;

3) jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (O‘zbekiston Respublikasi rezidentlari uchun);

4) fuqaroligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

5) ro‘yxatdan o‘tganligi va yashash joyi to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

6) pasport yoki identifikatsiyalovchi ID-karta yoki ularning o‘rnini bosuvchi hujjatning rekvizitlari (hujjatning seriyasi va raqami, hujjat berilgan sana, hujjatni bergan organning nomi);

7) mobil telefon raqami (agar mavjud bo‘lsa);

8) elektron pochta manzili (agar mavjud bo‘lsa).

Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun
jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga,
terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini
tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha
ichki nazorat qoidalariga
3-ILOVA

Yuridik shaxs bo‘lgan mijoz hamda uning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalashda zarur bo‘ladigan MA’LUMOTLAR

Yuridik shaxs bo‘lgan mijoz hamda uning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalashda zarur bo‘ladigan ma’lumotlar:

1) to‘liq, shuningdek agar davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi guvohnomada ko‘rsatilgan bo‘lsa, qisqartirilgan nomi;

2) davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi ma’lumot: sana, raqam, ro‘yxatga oluvchi organ nomi;

3) soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami;

4) joylashgan yeri (pochta manzili);

5) davlat ro‘yxatidan o‘tganligi to‘g‘risidagi guvohnomada ko‘rsatilgan boshqa ma’lumotlar;

6) litsenziyalanishi lozim bo‘lgan faoliyat turlarini amalga oshirish uchun mavjud bo‘lgan litsenziyalar to‘g‘risidagi ma’lumotlar: faoliyat turi, litsenziyaning raqami va berilgan sanasi, kim tomonidan berilganligi, amal qilish muddati;

7) yuridik shaxs nomidan ish ko‘ruvchi jismoniy shaxsning identifikatsiya ma’lumotlari;

8) yuridik shaxsning ta’sischilari (yirik aksiyadorlari, ishtirokchilari) haqidagi hamda mijozning ustav fondi (kapitali)dagi ularning ulushlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

9) shakllantirilgan ustav fondi (kapitali) miqdori to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

10) yuridik shaxsning boshqaruv organlari (tuzilmasi va shaxsiy tarkibi) to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

11) telefon raqamlari;

12) elektron pochta va (yoki) veb-sayt manzili (agar mavjud bo‘lsa).

Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun
jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga,
terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini
tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha
ichki nazorat qoidalariga
4-ILOVA

Maxsus vakolatli davlat organining shubhali operatsiyalar to‘g‘risidagi xabarlarni qabul qilish tizimidagi shaxsiy kabinetga ulanish uchun taqdim etiladigan ma’lumotlar

I. Tashkilot haqidagi ma’lumotlar

1.	**Tashkilotning nomlanishi** (o‘zbek tilida, lotin alifbosida)	
2.	**Tashkilotning nomlanishi** (o‘zbek tilida, kirill alifbosida)	
3.	**Tashkilotning nomlanishi** (rus tilida)	
4.	**Tashkilot turi**	
5.	**Soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami**	
6.	**Tashkilot bankining MFOsi**	
7.	**Tashkilot bankining SWIFT raqami**	
8.	**Tashkilot ro‘yxatdan o‘tkazilgan hudud** (viloyat, tuman)	
9.	**Tashkilotning to‘liq manzili**	
10.	**Tashkilotning telefon raqami**	
11.	**Tashkilotning elektron pochta manzili**	

II. Tashkilotning mas’ul xodimi (nazoratchi) haqidagi ma’lumotlar

1.	**Jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami**	
2.	**Xodimning F.I.O.**	
3.	**Xodimning elektron pochta manzili**	
4.	**Xodimning telefon raqami**	
5.	**Xodimning yashash manzili**	
6.	**Xodimning lavozimi**	

Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun
jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga,
terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini
tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha
ichki nazorat qoidalariga
5-ILOVA

Mijoz so‘rovnomasida ko‘rsatiladigan MA’LUMOTLAR

1. Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalarining 2 yoki 3-ilovalarida ko‘rsatilgan mijoz va mijozning benefitsiar mulkdorini identifikatsiyalash jarayonida olingan ma’lumotlar.

2. Mijozning benefitsiar mulkdori to‘g‘risidagi ma’lumotlar.

3. Mijozning yuqori mansabdor shaxs (uning oila a’zosi yoki unga yaqin bo‘lgan shaxs) ekanligi haqidagi belgi.

4. Xavf darajasi, shu jumladan xavfni baholash uchun asos bo‘lgan ma’lumotlar.

5. Qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchilari tomonidan mijozni identifikatsiya qilishda amalga oshirilgan qo‘shimcha tadbirlarning natijalari.

6. Mijoz bilan amaliy ish munosabatlarining boshlanish sanasi va xizmat ko‘rsatish davrining davomiyligi.

7. Ko‘rsatilgan xizmat turlari, miqdori va narxi to‘g‘risidagi ma’lumotlar.

8. Mijozning so‘rovnomasi to‘ldirilgan va unga o‘zgartirish kiritilgan sana.

9. Mijoz bilan ishlashga mas’ul bo‘lgan, qimmatli qog‘ozlar bozorining professional ishtirokchisi xodimining familiyasi, ismi va otasining ismi, lavozimi, amaldagi telefon raqami.

10. Mijoz so‘rovnomasini to‘ldirgan xodimning familiyasi, ismi va otasining ismi hamda lavozimi (qog‘oz shaklida to‘ldirilgan mijoz so‘rovnomasi uchun xodimning imzosi ham).

11. Ichki qoidalar bilan aniqlanadigan boshqa ma’lumotlar.

Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligining 2026-yil 30-iyundagi 21-son va Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2026-yil 14-maydagi 23-son qaroriga 2-ILOVA

Oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar RO‘YXATI

1. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat mulki qoʻmitasi huzuridagi Qimmatli qogʻozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi va Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2009-yil 13-oktabrdagi 2009-43 va 38-son “Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarori (roʻyxat raqami 2033, 2009-yil 3-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2009-y., 45-son, 491-modda).

2. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat mulki qoʻmitasi huzuridagi Qimmatli qogʻozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi hamda Bosh prokuratura huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2010-yil 6-noyabrdagi 2010-20 va 32-son “Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish haqida”gi qarori (roʻyxat raqami 2033-1, 2010-yil 19-noyabr) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2010-y., 47-son, 436-modda).

3. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat raqobat qoʻmitasi huzuridagi Qimmatli qogʻozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi va Bosh prokuratura huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2014-yil 30-dekabrdagi 2014-33 va 29-son “Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qarori (roʻyxat raqami 2033-2, 2015-yil 15-yanvar) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2015-y., 2-son, 27-modda).

4. Oʻzbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi va Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2019-yil 26-iyundagi 2019-39 va 20-son “Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalarini tasdiqlash haqida”gi qarorga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qarori (roʻyxat raqami 2033-3, 2019-yil 10-iyul) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 10.07.2019-y., 10/19/2033-3/3401-son).

5. Oʻzbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2021-yil 25-iyundagi 38-son va Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2021-yil 22-iyundagi 26-son “Qimmatli qogʻozlar bozorining professional ishtirokchilari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qarori (roʻyxat raqami 2033-4, 2021-yil 26-iyun) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 26.06.2021-y., 10/21/2033-4/0598-son).

QMMB: 10/26/3878/0674-son
02.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3878
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGINING
QARORI

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish xarajatlarini Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 7-apreldagi PQ–134-son “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o‘tash nufuzi va jozibadorligini oshirish bo‘yicha navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Milliy gvardiya, Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda Yoshlar ishlari agentligi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish xarajatlarini Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Mudofaa vaziri 2026-yil 24-iyun 21-son		XALMUXAMEDOV SHUXRAT GAYRATDJANOVICH
O`zbekiston Respublikasi DXX Raisi 2026-yil 23-iyun 15-son		KURBANOV BAXODIR NIZAMOVICH
Vazir 2026-yil 20-iyun 379-son		KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH
Qo'mondon 2026-yil 17-iyun 18-son		TASHMATOV BAXODIR XAMIDOVICH
Vazir 2026-yil 16-iyun 09-737-son		IKRAMOV AZIZBEK ISRAILOVICH

Vazir 2026-yil 15-iyun 08/307-son		ZAXIDOV BOTIR ERKINOVICH
Vazir 2026-yil 15-iyun 33-q/q-son		SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH
Direktor 2026-yil 15-iyun 01-07/36-son		SA’DULLAYEV ALISHER ZAFAR O‘G‘LI
Vazir 2026-yil 15-iyun 19-son		TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH

O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining 2026-yil 24-iyundagi 21-son, Ichki ishlar vazirligining 2026-yil 15-iyundagi 19-son, Favqulodda vaziyatlar vazirligining 2026-yil 16-iyundagi 09-737-son, Davlat xavfsizlik xizmatining 2026-yil 23-iyundagi 15-son, Milliy gvardiyaning 2026-yil 17-iyundagi 18-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2026-yil 20-iyundagi 379-son, Oliy ta’lim, fanva innovatsiyalar vazirligining 2026-yil 15-iyundagi 33-q/q-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2026-yil 15-iyundagi 08/307-son, Yoshlar ishlari agentligining 2026-yil 15-iyundagi 01-07/36-son qaroriga

ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish xarajatlarini Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tarkibiga kiruvchi vazirlik va idoralarning harbiy qism va muassasalarida (bundan buyon matnda harbiy qismlar deb yuritiladi) muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni (bundan buyon matnda muddatli harbiy xizmatchilar deb yuritiladi) xizmatdan bo‘sh vaqtlarida kasbga o‘qitish (bundan buyon matnda o‘qitish deb yuritiladi) xarajatlarini Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan qoplab berish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Muddatli harbiy xizmatchilarni o‘qitishdan asosiy maqsad ularning xizmatni o‘tash davrida bo‘sh vaqtlaridan unumli foydalanishini tashkil etish hamda zaxiraga bo‘shatilganidan so‘ng, mehnat bozorida talab yuqori bo‘lgan kasblar bo‘yicha bandligini ta’minlashga ko‘maklashishdan iborat.

2. Muddatli harbiy xizmatchilarni o‘qitish xarajatlarini moliyalashtirish Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladi.

2-bob. Muddatli harbiy xizmatchilarni o‘qitishni tashkil etish

3. Muddatli harbiy xizmatchilarni o‘qitish jarayoni harbiy qismlar tomonidan shakllantiriladigan buyurtma asosida harbiy qismlar, davlat texnikumlari hamda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi,

viloyatlar va Toshkent shahri kambagʻallikni qisqartirish va bandlik boshqarmalari (bundan buyon matnda hududiy boshqarmalar deb yuritiladi) oʻrtasida tuziladigan uch tomonlama shartnomaga muvofiq tashkil etiladi.

4. Harbiy qismlarda muddatli harbiy xizmatchilarni qiziqishlari asosida oʻqitish uchun oʻquv guruhlari tashkil etiladi.

Bunda har bir oʻquv guruhi kamida 5 nafar va koʻpi bilan 30 nafar muddatli harbiy xizmatchilardan iborat tarkibda shakllantiriladi.

5. Mazkur Nizomning ilovasida keltirilgan kasblar roʻyxatiga muvofiq davlat texnikumlari tomonidan tasdiqlangan o‘quv jarayoni grafigi asosida muddatli harbiy xizmatchilarni o‘qitish nazariy va amaliy shaklda olib boriladi.

Bunda oʻqishni muvaffaqiyatli tamomlagan muddatli harbiy xizmatchilarga kelgusida mehnat faoliyati bilan shugʻullanish huquqini beradigan davlat namunasidagi sertifikat beriladi.

3-bob. Muddatli harbiy xizmatchilarni oʻqitish xarajatlarini moliyalashtirish

6. Muddatli harbiy xizmatchilarni oʻqitish xarajatlari harbiy qismlar, davlat texnikumlari hamda hududiy boshqarmalar o‘rtasida tuziladigan uch tomonlama shartnomaga muvofiq moliyalashtiriladi.

7. Davlat texnikumi har oyning uchinchi sanasiga qadar oʻtgan oyda oʻqitilgan muddatli harbiy xizmatchilar soni va o‘tkazilgan o‘quv mashg‘ulotlarining soatlaridan kelib chiqqan xarajatlar hisob-kitobi ko‘rsatilgan talabnomani shakllantiradi va uni harbiy qism bilan kelishadi hamda hududiy boshqarmalarga taqdim etadi.

8. Hududiy boshqarma taqdim etilgan talabnomaning asosliligini hamda shartnoma shartlariga muvofiqliligini ko‘rib chiqadi va Bandlikka koʻmaklashish davlat jamgʻarmasi hisobidan muddatli harbiy xizmatchilarni oʻqitish xarajatlarini moliyalashtirish uchun har oyning beshinchi sanasiga qadar Oʻzbekiston Respublikasi Kambagʻallikni qisqartirish va bandlik vazirligiga (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) so‘rov yuboradi.

Vazirlik hududiy boshqarmalarning so‘roviga asosan zarur mablag‘larni so‘rov kelib tushgan kundan e’tiboran besh ish kuni ichida hududiy boshqarmalarga ajratadi. Hududiy boshqarmalar ajratilgan mablag‘larni ular kelib tushgan kunning o‘zida davlat texnikumlarining tegishli hisobvaraqlariga o‘tkazadi.

9. Davlat texnikumi talabnoma asosida o‘quv jarayoniga jalb etilgan pedagog xodimlar va ishlab chiqarish ta’limi ustalarining mehnatiga haq to‘lashni mehnat

qonunchiligida belgilangan muddatlarda, zarur mablag‘ davlat texnikumi hisobvarag‘iga kelib tushganidan so‘ng amalga oshiradi.

Bunda davlat texnikumining pedagog xodimlari va ishlab chiqarish ta’limi ustalarining mehnatiga haq to‘lash O‘quv mashg‘ulotlarini o‘tkazganlik uchun mehnatga soatbay haq to‘lash miqdorlari (ro‘yxat raqami 3157, 2019-yil 22-aprel) doirasida amalga oshiriladi.

10. Harbiy qismlar davlat texnikumlari bilan birgalikda har yili 1-iyunga qadar kelgusi kalendar yilda o‘qitilishi rejalashtirilayotgan muddatli harbiy xizmatchilar soni, kasblar yo‘nalishlari hamda o‘qitish xarajatlarining prognoz qiymatini o‘z ichiga olgan prognoz talabnomani shakllantiradi va hududiy boshqarmaga taqdim etadi.

11. Hududiy boshqarmalar olingan prognoz talabnomalari asosida Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasining kelgusi yil uchun xarajatlar prognozi loyihasini ishlab chiqadi va har yili 25-iyunga qadar Vazirlikka taqdim etadi.

12. Vazirlik hududiy boshqarmalarning prognozi loyihasi asosida muddatli harbiy xizmatchilarni o‘qitish xarajatlarini moliyalashtirish prognoz ko‘rsatkichlarini O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksida belgilangan muddatlarda kelgusi yil uchun Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasining budjeti parametrlarida aks ettirish uchun kiritadi.

13. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 7-apreldagi PQ–134-son “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o‘tash nufuzi va jozibadorligini oshirish bo‘yicha navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorining 7-bandiga asosan Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklari muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish bo‘yicha zarur bo‘lgan moddiy-texnik baza bilan hamda kasbga o‘qitish davrida talab qilinadigan jihozlar, xomashyo va materiallar yetkazib berilishi bilan ta’minlaydi.

4-bob. Yakuniy qoida

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3878/0674-son
02.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish xarajatlarini Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga

ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarni kasbga o‘qitish kurslarining
RO‘YXATI

T/r	Kasbga o‘qitish kurslarining nomi	Soati
1.	Avtomobil dvigatellarini ta’mirlash chilangari	432
2.	Avtomobil elektr jihozlariga xizmat ko‘rsatish va ta’mirlash chilangari	432
3.	Avtomobil yurish qismlariga xizmat ko‘rsatish va ta’mirlash chilangari	432
4.	Avtomobil shinalariga texnik xizmat ko‘rsatish va ta’mirlash	432
5.	Ekskavator mashinisti	432
6.	Avtokran mashinisti	432
7.	Yuk va bagajni qabul qiluvchi-topshiruvchi	288
8.	Ombor logistikasi	576
9.	Tovar operatori (logistika doirasida)	288
10.	Chilangarlik ishlari	432
11.	Tokar	432
12.	Payvandlovchi	432
13.	Elektr jihozlarini ta’mirlash	432
14.	Qayta tiklanuvchi energiya manbalarini ekspluatatsiya qilish bo‘yicha elektromontyor	720
15.	Elektromontyor	432
16.	Maishiy elektr jihozlarini ta’mirlovchi	432
17.	Issiqlik energiyasi asbob-uskunalari va qozonxona qurilmalari operatori	288
18.	Sovitish qurilmalarini ta’mirlash bo‘yicha chilangar	432
19.	Kompyuter AT va veb-sayt yaratish	432
20.	Kompyuter texnikasi montajchisi	432
21.	Kompyuter grafikasi operatori	432
22.	Veb dasturlash	432
23.	Kiberxavfsizlik (Kiber-texnik)	432
24.	Videokuzatuv qo‘riqlash tizimi vositalariga xizmat ko‘rsatish texnigi	432
25.	Issiqxona va parnik xo‘jaliklari konstruksiyasi montajchisi	432
26.	Issiqxona ishchisi	432

27.	Gidroponika usulida mahsulot yetishtirish	432
28.	Asalarichilik	288
29.	Baliqchilik	288
30.	Quyonchilik	288
31.	Limonchilik	288
32.	Chorvachilik	432
33.	Bogʻdorchilik	432
34.	Uy-joy kommunal xoʻjaligi servisi	432
35.	Duradgorlik va pol yotqizish ishlari	432
36.	Mebel jihozlarini yasash va taʼmirlash ustasi	432
37.	Gipsokarton va donali materiallardan pardozlash ishlari ustasi	432
38.	Qurilish pardozlash ishlari (Boʻyoqchi, bezakchi)	432
39.	Qoplovchi plitkachi (Keramik plitalar (kafel) terish ishlari)	432
40.	Suvoqchi	432
41.	Gʻisht teruvchi	432
42.	Betonchi	432
43.	Santexnika ishlari ustasi (Santexnika jihozlarini montaj qilish ishlari)	432
44.	Lift boʻyicha mexanik	432
45.	Alyuminiy profil va polivinil xloridan eshik va derazalar montajchisi	432
46.	Erkaklar sartaroshlik ishlari	432
47.	Zargarlik mahsulotlari sotuvchisi	288
48.	Buxgalter	432
49.	Xodimlar bilan ishlash boʻyicha menejer	432
50.	Ofitsiant	144
51.	Oshpaz	432
52.	Qandolatchi-nonvoy	432

26 (1254)-son
674-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3879
2026 - yil 30 - Iyun

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI YENGIL SANOATNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI DIREKTORINING BUYRUG‘I

Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2026-yil 6-martdagi PQ–87-son “Ipakchilik sohasini yangi tizim asosida rivojlantirish hamda ozuqa bazasini mustahkamlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini berish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi hamda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgandan keyin kuchga kiradi.

Директор
15-Iyun 2026-yil
2 son

XOLMURODOV NOZIMJON QOSIMOVICH

Kelishildi:

Direktor
12-Iyun 2026-yil

JUMANAZAROV AKMAL RUZIKULOVICH

Vazir
11-Iyun 2026-yil

ABDURAXMONOV IBROXIM YULCHIYEVICH

QMMB: 10/26/3879/0673-son
02.07.2026-y.

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yengil sanoatni rivojlantirish agentligi direktorining 2026-yil 15-iyundagi 2-son buyrugʻiga ILOVA

Ipak qurti urugʻiga sifat sertifikatini berish tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Ushbu Nizom xorijdan keltiriladigan va mahalliy tayyorlanadigan ipak qurti urugʻida uchraydigan kasalliklarni mikroskopik tahlil asosida oldindan aniqlash hamda ipak qurti urugʻiga sifat sertifikatini berish tartibini belgilaydi.

Mazkur Nizom ipak qurti urugʻini xorijdan keltiruvchi va mahalliy tayyorlovchi tashkilotlarga nisbatan tatbiq etiladi.

1-bob. Umumiy qoida

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

talabgor – ipak qurti urugʻini xorijdan keltiruvchi va mahalliy tayyorlovchi tashkilot;

vakolatli organ – ipak qurti urugʻlarini mikroskopik tahlil qilish orqali kasalliklarni aniqlash boʻyicha kamida uch yillik ish tajribasiga ega boʻlgan yuqori malakali mutaxassislar, jumladan ilmiy darajali xodimlar va tajribali seleksionerlar mavjud boʻlgan Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Yengil sanoatni rivojlantirish agentligi tizimidagi Ipakchilik ilmiy-tadqiqot instituti;

mahalliy ipak qurti urugʻlari – ipak qurti urugʻini mahalliy tayyorlovchi tashkilotlar tomonidan tayyorlanadigan naslli (superelita va elita) va sanoatbop ipak qurti urugʻlari;

xorijiy ipak qurti urugʻlari – Oʻzbekiston Respublikasiga xorijdan olib kelinadigan (import qilinadigan) ipak qurti urugʻlari;

mikroskopik tahlil – ipak qurti urugʻidagi “Pebrina” kasalligi qoʻzgʻatuvchisini va uning jonlanish foizini aniqlash maqsadida uning moddalarini, toʻqimalarini, hujayralarini yoki mikroorganizmlarini oddiy koʻz bilan koʻrib boʻlmaydigan darajada mikroskop yordamida kattalashtirib oʻrganish jarayoni.

2-bob. Xorijiy va mahalliy ipak qurti urugʻlariga sifat sertifikatini berish

2. Sertifikat olish istagidagi talabgor xorijiy va mahalliy ipak qurti urugʻlariga (bundan buyon matnda ipak qurti urugʻlari deb yuritiladi) sifat

sertifikatini olish uchun vakolatli organga mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq yozma yoki elektron shaklda ariza bilan murojaat qiladi.

Bunda xorijiy ipak qurti urugʻlariga sifat sertifikatini olish uchun arizaga xorijiy ishlab chiqaruvchi bilan tuzilgan shartnomaning nusxasi ilova qilinadi.

3. Talabgorning arizasi kelib tushgan kundan eʼtiboran besh ish kuni ichida vakolatli organ tomonidan unda koʻrsatilgan maʼlumotlar oʻrganib chiqiladi.

4. Talabgor tomonidan ariza mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shaklda taqdim etilmagan yoki arizada tegishli maʼlumotlar toʻliq koʻrsatilmagan yoxud notoʻgʻri koʻrsatilgan boʻlsa, vakolatli organ tomonidan talabgorga kamchiliklarni bartaraf etib, qayta murojaat qilish mumkinligi toʻgʻrisida ushbu ariza kelib tushgan kundan eʼtiboran besh ish kuni ichida yozma yoki elektron shaklda maʼlum qilinadi.

5. Talabgor tomonidan taqdim etilgan arizada mazkur Nizomning 4-bandida koʻrsatilgan kamchiliklar aniqlanmagan taqdirda vakolatli organ va talabgor oʻrtasida shartnoma tuziladi.

6. Ipak qurti urugʻlariga sifat sertifikatini berish uchun toʻlov ushbu urugʻning namuna sifatida olinadigan har bir qutisi (29 gramm) uchun bazaviy hisoblash miqdorining oʻttiz besh foizi miqdorida belgilanadi.

3-bob. Ipak qurti urugʻlaridan mikroskopik tahlil oʻtkazish uchun namuna olish

7. Ipak qurti urugʻlariga sifat sertifikatini berishda vakolatli organ tomonidan ulardan mikroskopik tahlil oʻtkazish uchun namunalar olinadi.

8. Mahalliy ipak qurti urugʻlaridan namunalar olish quyidagicha amalga oshiriladi:

talabgorlar tomonidan tayyorlangan ipak qurti urugʻlarining umumiy miqdori aniqlanadi;

ipak qurti urugʻini mikroskopik tahlildan oʻtkazish uchun har kalendar yilning noyabr oyida tayyorlangan ipak qurti urugʻlarining har bir guruhi (partiyasi) umumiy hajmidan 0,5 foiz miqdorida urugʻ namunalari olinadi;

ipak qurti urugʻlarining jonlanish foizini aniqlash uchun har bir guruh (partiya)dan 0,4 gramm miqdorda urugʻ namunalari olinadi;

ipak qurti urugʻlarining guruhlari (partiyalari)dan mavsum oxiriga qadar saqlab turish uchun ~~4~~ gramm miqdorida namunalar olinib, talabgorning sovutgichida +2°C dan +5°C gacha boʻlgan haroratda saqlanadi.

Mahalliy ipak qurti urugʻlaridan namuna olish vakolatli organ tomonidan talabgor ishtirokida ushbu Nizomning 2, 3 va 4-ilovalariga muvofiq namuna olish dalolatnomasini ikki nusxada rasmiylashtirgan holda amalga oshiriladi. Bunda namuna olish dalolatnomasining bir nusxasi talabgorga taqdim etiladi, ikkinchi nusxasi vakolatli organda saqlanadi.

9. Xorijdan keltiriladigan ipak qurti urugʻlaridan namunalar olish quyidagicha amalga oshiriladi:

talabgorlar tomonidan xorijdan keltiriladigan ipak qurti urugʻlarining umumiy miqdori aniqlanadi;

ipak qurti urugʻini mikroskopik tahlildan oʻtkazish uchun har kalendar yilning fevral oyida xorijdan keltiriladigan ipak qurti urugʻlarining har bir guruhi (partiyasi) umumiy hajmidan 0,5 foiz miqdorida urugʻ namunalari olinadi;

ipak qurti urugʻlarining guruhlari (partiyalari)dan 1 gramm miqdori inkubatoriyaga (jonlanishga) qoʻyiladi hamda mavsum oxiriga qadar saqlab turish uchun 5 gramm miqdorida namunalar olinib, vakolatli organning sovutgichida +2°C dan +5°C gacha boʻlgan haroratda saqlanadi.

4-bob. Ipak qurti urugʻlari namunalarini inkubatsiya (jonlantirish), mikroskopik tahlil qilish va ularga sifat sertifikatini rasmiylashtirish

10. Qogʻoz paketchalarga joylashtirilgan urugʻ namunalari ularni jonlantirish maqsadida doimiy optimal havo harorati +24°C dan +25°C gacha (±1°C) va nisbiy namligi 70–75 foiz boʻlgan maxsus tayyorlangan inkubatoriyalarga qoʻyiladi.

11. Jonlangan ipak qurtlarni mikroskopik tahlildan oʻtkazish uchun har bir namuna tarkibidagi qurtlar, jonlanmagan tuxumlar va tuxum poʻstlari teng miqdorda ikki hovonchaga solinadi. Har bir hovonchaga pipetka yordamida 1–2 ml suv qoʻshilib, aralashma yaxshilab eziladi.

12. Olingan namunalarning mikroskopik tahlil jarayoni zamonaviy mikroskoplar yordamida 600 marta (okulyar 15×, obyektiv 40×) kattalashtirilgan holda amalga oshiriladi.

13. Har bir hovonchadagi suyuqlikdan buyum oynasiga 2 ta preparat tayyorlanadi. Preparatlar mikroskopda kamida 50 ta koʻrish maydonida tekshiriladi.

Mahalliy va xorijiy ipak qurti urugʻlarida “Pebrina” kasalligi qoʻzgʻatuvchisini (sporani) oʻrganish vakolatli organ tomonidan ushbu urugʻlar inkubatsiyaga (jonlantirishga) kiritilgandan boshlab yigirma kun ichida amalga oshiriladi.

14. Mahalliy va xorijiy ipak qurti urug‘larida “Pebrina” kasalligi qo‘zg‘atuvchisini (sporani) o‘rganish natijalariga ko‘ra vakolatli organ tomonidan “O‘zbekipaksanoat” uyushmasi bilan birgalikda bayonnoma rasmiylashtiriladi.

15. Mahalliy va xorijiy ipak qurti urug‘larida “Pebrina” kasalligi qo‘zg‘atuvchisi (spora) aniqlanmagan holda vakolatli organ shu kunning o‘zida talabgorga ushbu Nizomning 5-ilovasiga muvofiq shakldagi sifat sertifikatini berish to‘g‘risida qaror qabul qiladi.

Bunda vakolatli organ tomonidan sifat sertifikati ushbu qaror qabul qilingan kundan e’tiboran uch ish kuni ichida talabgorga yuboriladi.

16. Mahalliy ipak qurti urug‘larida “Pebrina” kasalligi qo‘zg‘atuvchisi (spora) aniqlangan holda ushbu urug‘ guruhlari (partiyalari) yoqib tashlash yo‘li bilan utilizatsiya qilinadi. Bunda utilizatsiya qilish vakolatli organ va “O‘zbekipaksanoat” uyushmasi xodimlari ishtirokida amalga oshiriladi.

17. Xorijiy ipak qurti urug‘larida “Pebrina” kasalligi qo‘zg‘atuvchisi (spora) aniqlangan holda ularning respublika hududida realizatsiya qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

18. Mahalliy va xorijiy ipak qurti urug‘lariga sifat sertifikatini berish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

5-bob. Yakunlovchi qoida

19. Mazkur Nizomni buzganlikda aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

05.01.2026-y.
ОМИВ: 10\26\1384\0613-son

Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini
berish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Vakolatli organ rahbari F.I.O.
_____ ga

Ipak qurti urug‘i kasalliklarini mikroskopik tahlil asosida oldindan aniqlash va ipak qurti urug‘ini sertifikatlashtirish uchun
ARIZA

_____
(ariza beruvchi)

_____
(ariza beruvchining manzili)

ariza beruvchi _____ nomidan _____
(F.I.O.) *(mahsulot turi, nomi va miqdori)*

_____
_____ talablariga muvofiq
(hujjatlarning nomlanishi va raqamlanishi)

mahsulotga sifat sertifikatini rasmiylashtirib berishingizni so‘rayman.
Ilova: _____
_____
(ilova qilinayotgan hujjatlar nomi va varag‘i ko‘rsatiladi)

Ariza beruvchi: _____ _____
(imzo) (F.I.O.)

Sana: _____

QMMB: 10/26/3879/0673-son
02.07.2026-y.

Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini berish
tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Ipak qurti urug‘ini tayyorlovchi tashkilotda tayyorlangan tut ipak qurti urug‘lari miqdorining zotlari bo‘yicha xatlovdan o‘tkazish
DALOLATNOMASI

“___” “_____” 202_ yil **_____shahar yoki tuman**

Ipak qurti urug‘larini xatlovdan o‘tkazishda ishtirok etganlar: _____
_____
_____

Ipak qurti urug‘larini xatlovdan o‘tkazishdan maqsad: _____
_____
_____

Ipak qurti urug‘lari xatlovdan o‘tkazilgan sana, tashkilotning nomi, manzili: _____
_____

Xatlov natijasiga ko‘ra urug‘lar miqdori: _____
_____

T/r	Ipak qurti zot va duragaylarining nomi	Hujjat bo‘yicha miqdori		Haqiqatda o‘lchangan urug‘ miqdori		Farqi, +, -	
		gramm	quti	gramm	quti	gramm	quti
1							
2							
...							
Jami							

Qo‘shimcha ma’lumotlar *(mavjud bo‘lganda)*: _____
Xatlovda ishtirok etganlar imzosi:

1. _____ imzo _____ F.I.O.
2. _____ imzo _____ F.I.O.
3. _____ imzo _____ F.I.O.
4. _____ imzo _____ F.I.O.
5. _____ imzo _____ F.I.O.
6. _____ imzo _____ F.I.O.
7. _____ imzo _____ F.I.O.

QMMB: 10/26/3879/0673-son
02.07.2026-y.

Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini berish
tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Ipak qurti urug‘ini tayyorlovchi tashkilotda tayyorlangan tut ipak qurti urug‘larining jonlanish foizini aniqlash uchun olingan namunalar
DALOLATNOMASI

“___” “_____” 202_ yil _____shahar yoki tuman

Namuna olishda ishtirok etganlar: _____
_____
_____

Namuna olishdan maqsadi: _____
_____
_____

Namuna olingan sana, tashkilotning nomi, manzili: _____
_____
_____

Namuna olish tartibi va olingan namunalar miqdori: _____
_____

T/r	Ipak qurti zot va duragaylarining nomi	Guruhlar (Partiyalar) soni	Urug‘ miqdori, gramm	Jonlanish foizi uchun olingan namuna		
				namuna soni	urug‘ miqdori	
					gramm	quti
1						
2						
...						
Jami						

Qo‘shimcha ma’lumotlar *(mavjud bo‘lganda)*: _____
Namuna olishda ishtirok etganlar imzosi:

1. _____ imzo _____ F.I.O.
2. _____ imzo _____ F.I.O.
3. _____ imzo _____ F.I.O.
4. _____ imzo _____ F.I.O.
5. _____ imzo _____ F.I.O.
6. _____ imzo _____ F.I.O.
7. _____ imzo _____ F.I.O.

Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini berish
tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Ipak qurti urug‘ini tayyorlovchi tashkilotda tayyorlangan tut ipak qurti urug‘lari kasallikdan xoliligini aniqlash uchun olingan namunalar
DALOLATNOMASI

“___” “_____” 202_ yil _____shahar yoki tuman

Namuna olishda ishtirok etganlar: _____
_____
_____

Namuna olishdan maqsadi: _____
_____
_____

Namuna olingan sana, tashkilotning nomi, manzili: _____
_____
_____

Namuna olish tartibi va olingan namunalar miqdori: _____
_____

T/r	Ipak qurti zot va duragaylarining nomi	Guruh soni	Urug‘ miqdori gramm	Kasallikka qarshi olingan namuna			Qo‘shimcha namuna			Jami		
				namuna soni	miqdori gramm	quti soni	namuna soni	miqdori gramm	quti soni	namuna soni	miqdori gramm	quti soni
1												
2												
...												
Jami												

Qo‘shimcha ma’lumotlar *(mavjud bo‘lganda)*: _____
Namuna olishda ishtirok etganlar imzosi:

1. _____ imzo _____ F.I.O.
2. _____ imzo _____ F.I.O.
3. _____ imzo _____ F.I.O.
4. _____ imzo _____ F.I.O.
5. _____ imzo _____ F.I.O.
6. _____ imzo _____ F.I.O.
7. _____ imzo _____ F.I.O.

Ipak qurti urug‘iga sifat sertifikatini berish
tartibi to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

IPAKCHILIK ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI

Ipak qurtining “pebrina” kasalligidan xoliligi bo‘yicha
SIFAT SERTIFIKATI

Ushbu hujjat

_____

(yuridik shaxsning nomi)

_____

(manzil)

_____

(nomi, turi, guruh (partiya) miqdori)

_____

(sertifikatni rasmiylashtirish asoslari)

QR-kod

Ro‘yxat raqami:
Rasmiylashtirilgan sana:
Amal qilish muddati:

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3880
2026 - yil 01 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA
VA IQLIM O‘ZGARISHI MILLIY QO‘MITASI RAISINING
BUYRUG‘I

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son “Tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazishni muvofiqlashtirish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2025-yil 18-noyabrdagi PQ–343-son “O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi qaror qiladi:

1. Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Raisning birinchi o‘rinbosari
2026-yil 28-iyun
1-son

QUDRATOV OBIDJON NEMATOVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
16-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
12-Iyun 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasining 2026-yil 28-iyundagi 1-son qaroriga ILOVA

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi (bundan buyon matnda Ekologiya qo‘mitasi deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali Ekologiya qo‘mitasi vakolati doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Ekologiya qo‘mitasi tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash elektron tizimi.

2. Ekologiya qo‘mitasi tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’iy nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, shu jumladan avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–5-ilovalarida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlar boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Xavf darajasini baholash uchun quyidagi asosiy koʻrsatkichlar “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritiladi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Atmosfera havosini muhofaza qilish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Suv va suv obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Yer resurslari hamda yer osti boyliklarini muhofaza qilish, keng tarqalgan foydali qazilmalardan foydalanish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Chiqindilar bilan bogʻliq ishlarni nazorat qilish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Davlat ekologik ekspertizasi talablariga rioya etilishi va ishlab chiqarish nazoratini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda, tabdirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi –oltinchi xatboshilarida nazarda tutilgan asosiy koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda, baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil qilish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Atmosfera havosini muhofaza qilish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1.	Atmosfera havosini muhofaza qilish bo‘yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilmaganligi	20	
2.	Atmosfera havosiga biryo‘la va avariya tufayli ifloslantirishga yo‘l qo‘yilganligi	20	
3.	Atmosfera havosiga ifloslantiruvchi moddalarni chiqarilishida o‘rnatilgan talablarga amal qilinmagan holda me’yoridan ortiqcha ifloslantiruvchi moddalar chiqarilganligi	20	
4.	Samaradorligi yuqori bo‘lgan chang-gaz tozalash uskunalari, avtomatik monitoring stansiyalari o‘rnatilmaganligi	20	
5.	Atmosfera havosiga ifloslantiruvchi moddalar chiqarishni sifat va miqdoriy tarkibini aniqlash uchun namunalar olinishi ta’minlanmaganligi hamda o‘lchovlar amalga oshirmaganligi	20	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi iyuldagi nizomga
2-ILOVA

Suv va suv obyektlarini muhofaza qilish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ball
1.	Suv obyektlariga oqova suvlarni oqizishga yoʻl qoʻyish shartlarining buzilganligi	20	
2.	Suv obyektlariga va joy relyefiga ifloslantiruvchi moddalarni normativdan ortiqcha, avariyali va bir yoʻla chiqarilganligi	20	
3.	Suv obyektlariga ishlab chiqarish, maishiy va boshqa turdagi tozalanmagan oqova suvlar, chiqitlar hamda chiqindilarning chiqarilganligi	20	
4.	Yer usti tabiiy suv obyektlaridan (daryo, soy, koʻl, buloq va boshqa yer usti suvlari) foydalanish boʻyicha suvdan maxsus foydalanish uchun ruxsatnoma olmaganligi	20	
5.	Suvni va suv obyektlarini ifloslanishdan, bulgʻalanishdan va kamayib ketishdan muhofaza qilishni, shuningdek suvlarning holatini va ulardan foydalanish rejimini yaxshilash chora-tadbirlarini koʻrmaganligi	20	
Jami ballar yigʻindisi		**100**	

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga 3-ILOVA

Yer resurslari hamda yer osti boyliklarini muhofaza qilish, keng tarqalgan foydali qazilmalardan foydalanish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1.	Yer qa’ridan foydalanish sohasidagi faoliyatning atrof- muhitga eng kam salbiy ta’sir ko‘rsatishiga olib keladigan uslublar va jarayonlar qabul qilinishini talab etadigan atrof-muhitni muhofaza qilish qoidalariga rioya etilmaganligi	20	
2.	Faoliyatni amalga oshirish chog‘ida subyektlar tomonidan tuproqning unumdor qatlamini sidirib olish va saqlashga doir talablarni bajarmaganligi	20	
3.	Yerlarni rekultivatsiya qilish bo‘ycha majburiyatlar bajarilmaganligi	20	
4.	Yerlarni suv va shamol eroziyasidan, ishlab chiqarish chiqindilari, kimyoviy va radioaktiv moddalar bilan ifloslanishdan, xarob qiladigan boshqa jarayonlardan himoya qilish choralari ko‘rilmaganligi	20	
5.	Noruda foydali qazilmalarni qazib olish va qayta ishlash faoliyati uchun ekologik ekspertiza o‘tkazish majburiyati bajarilmaganligi	20	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Chiqindilar bilan bog‘liq ishlarni nazorat qilish sohasida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1.	Chiqindi bilan bog‘liq ishlarni amalga oshirish sohasida belgilangan sanitariya normalari va qoidalari, ekologik normativlarga rioya qilinmaganligi	20	
2.	Qattiq maishiy chiqindilarni to‘plash uchun chiqindi qutilarini joylashtirish va ulardan foydalanish bo‘yicha belgilangan talablarga amal qilinmaganligi	20	
3.	Chiqindilarni ruxsat etilmagan joylarda saqlash, qayta ishlash, foydalanish va ko‘mish bilan bog‘liq holatlar sodir etilganligi	20	
4.	Chiqindilarning hosil bo‘lish normativlari va chiqindilarni joylashtirish limitlari loyihalarini ishlab chiqishga doir talablarni bajarmaganligi	20	
5.	Chiqindilarning pasportini tuzish, chiqindilar hisobini yuritish va bu haqidagi hisobotlar topshirishga doir talablarni bajarmaganligi	20	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

QMMB: 10/26/3880/0678-son
02.07.2026-y.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi iyuldagi nizomga
5-ILOVA

Davlat ekologik ekspertizasi talablariga rioya etilishi va ishlab chiqarish nazoratini amalga oshirishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ball
1.	Korxonada ishlab chiqarish ekologik nazorati amalga oshirilmaganligi	20	
2.	Davlat ekologik ekspertizasi xulosasini olmaganligi yoki uning amal qilish muddati tugaganligi	20	
3.	Davlat ekologik ekspertizasi xulosalarida berilgan talablar bajarilmaganligi	20	
4.	Kompensatsiya to‘lovlarini belgilangan tartibda hisob-kitob qilib, o‘z vaqtida to‘lovlarni amalga oshirmaganligi	20	
5.	O‘simlik dunyosi obyektlarini parvarish qilish va hududni obodonlashtirish ishlari tashkil etish bo‘yicha talablar bajarilmaganligi	20	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

QMMB: 10/26/3881/0676-son
02.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3881
2026 - yil 01 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING

BUYRUG‘I

Mehnat munosabatlarida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son “Tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazishni muvofiqlashtirish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Mehnat munosabatlarida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 1-iyul
9-son

ZAXIDOV BOTIR
ERKINOVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 2026-yil 23-iyun		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH
Rais 2026-yil 22-iyun		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3881/0676-son
02.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2026-yil 1-iyuldagi 9-son buyrug‘iga
ILOVA

Mehnat munosabatlarida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining Davlat mehnat inspeksiyasi (bundan buyon matnda Inspeksiya deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir mehnat munosabatlarida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali Inspeksiya vakolati doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Inspeksiya tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash elektron tizimi.

2. Inspeksiya tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, shu jumladan avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning ilovasida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlar boʻyicha tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Har bir asosiy koʻrsatkichlarning bahosi ushbu koʻrsatkichlarning muhimlik darajasidan kelib chiqqan holda bir-biridan farq qilishi mumkin.

Bunda, tabdirkorlik subyektlarining xavf darajasi ilovada keltirilgan asosiy koʻrsatkichlar boʻyicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda, baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizom va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

12. Xavf darajasi past boʻlgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar oʻtkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi boʻlgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/3881/0676-son
02.07.2026-y.

Mehnat munosabatlarida qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
ILOVA

Mehnat munosabatlarida qonunchilikka rioya qilishda tadbirkorlik subyektlari faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil natijasiga ko‘ra qo‘yilgan ball
1.	Ish vaqtining oylik normasini ishlab bergan va mehnat shartnomasida belgilangan mehnat vazifasini bajargan to‘liq stavkada ishlovchi xodimlar uchun mehnatga haq to‘lashning oylik miqdori mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdoridan kam hisoblanganligi	15	
2.	Mehnat sharoitlari va asbob-uskunaning jarohat yetkazish xavfi yuzasidan attestatsiyadan o‘tkazilmaganligi	10	
3.	Xodimlarga beriladigan har yilgi asosiy eng kam mehnat ta’tilining davomiyligi yigirma bir kalendar kundan kam bo‘lishi	10	-
4.	Ish beruvchi va xodim o‘rtasida tuzilgan qog‘oz shaklidagi mehnat shartnomalarini “Yagona milliy mehnat tizimi” idoralararo dasturiy-apparat kompleksida besh ish kuni davomida ro‘yxatdan o‘tkazmaganligi	10	
5.	Xodim bilan tuzilgan mehnat shartnomasi bekor qilinganligi “Yagona milliy mehnat tizimi” idoralararo dasturiy-apparat kompleksida uch ish kuni davomida ro‘yxatdan o‘tkazmaganligi	10	
6.	Ish beruvchining fuqarolik javobgarligini majburiy sug‘urta qilinishi ta’minlanmaganligi	15	
7.	Xodimlarning mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha yo‘l-yo‘riqdan o‘tishini, o‘qitishni, qayta tayyorlashni, malakasini oshirishni va mehnatni muhofaza qilish masalalari bo‘yicha bilimlarini tekshirishni ta’minlamaganligi	10	
8.	Mehnatni muhofaza qilish xizmatini (yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis) va yo‘l harakati xavfsizligi xizmatini (yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis) qonunchilikda belgilangan tartibda tashkil etmaganligi	15	

9.	Ish beruvchi tomonidan chet el fuqarosini O‘zbekiston Respublikasi hududida mehnat faoliyatini amalga oshirish huquqiga doir tasdiqnoma mavjud bo‘lmagan holda ishga qabul qilganligi	5	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3882
2026 - yil 01 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 30-iyun
295-mh-son

SHERMATOV SHERZOD
XOTAMOVICH

Kelishildi:

Rais
2026-yil 19-iyun

VAXABOV DAVRON
ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini
himoya qilish boʻyicha vakil
2026-yil 18-iyun

BURIYEV ABDUMANNOP
ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining
2026-yil 30-iyundagi 295-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat inspeksiyasi (bundan buyon matnda “O‘zkomnazorat” inspeksiyasi deb yuritiladi) vakolatiga kiradigan masalalarga doir aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali “O‘zkomnazorat” inspeksiyasi vakolati doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – “O‘zkomnazorat” inspeksiyasi tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi “O‘zkomnazorat” inspeksiyasi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyekti faoliyatining xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–5-ilovalarida koʻrsatilgan baholash koʻrsatkichlariga muvofiq “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. “O‘zkomnazorat” inspeksiyasi tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi ko‘rsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi:

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Telekommunikatsiya texnologiyalari yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Pochta aloqasi yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Axborotlashtirish, raqamli texnologiyalar, elektron xizmatlar va raqamli servislar, axborot xavfsizligi yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Ommaviy axborot vositalari yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Noshirlik yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlari.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning ikkinchi – oltinchi xatboshilarida nazarda tutilgan ko‘rsatkichlar bo‘yicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda alohida aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, o‘rta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari bo‘yicha 81 balldan 100 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi o‘rta – baholash natijalari bo‘yicha 61 balldan 81 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari bo‘yicha 61 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining

2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina “O‘zkomnazorat” inspeksiyasining vakolatiga kiradigan masalalarni o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil qilish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Telekommunikatsiya texnologiyalari yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Telekommunikatsiyalar xizmatlarini ko‘rsatishga oid majburiyatlarni bajarmaganlik yoki lozim darajada bajarmaganlik bo‘yicha murojaatlarning belgilangan tartibda ko‘rib chiqilmasligi va (yoki) xavfni tahlil qilish davrida bir mavzu yuzasidan asosli takroriy murojaatlar kelib tushishi	10	
2.	Qurilishi tugallangan telekommunikatsiyalar vositalari (telekommunikatsiyalar infratuzilmasi)dan foydalanishga qabul qilish komissiyasiga topshirmasdan foydalanish yoki tegishli hujjatlarni “O‘zkomnazorat” inspeksiyasiga belgilangan muddatda taqdim etmaslik	10	
3.	Avariyalar va shikastlanishlar natijasida telekommunikatsiya tarmog‘ida to‘xtalishlar sodir bo‘lishi (bundan tabiiy va texnogen ofatlar, fors-major holatlari mustasno)	10	
4.	Ko‘rsatma talablarining o‘z vaqtida yoki to‘liq bajarilmasligi yoxud bu haqida ishonchli bo‘lmagan ma’lumot taqdim etilishi	10	
5.	Normativ-huquqiy hujjatlar, texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablarining yoxud litsenziya talab va shartlarining bajarilmasligi	10	
6.	Statistika hisobotlari va “O‘zkomnazorat” inspeksiyasining vakolati doirasida so‘ralgan ma’lumotnomalar va hujjatlarning o‘z vaqtida yoki to‘liq taqdim etilmasligi	10	
7.	Operator yoki provayderning xatti-harakati yoki harakatsizligi, shuningdek telekommunikatsiya qurilmalari yoki vositalarining normalarga nomuvofiqligi oqibatida ko‘rsatilayotgan xizmat sifatining buzilishi	10	
8.	Liniya-kabel xo‘jaligining tartibsizligi, antenna-machta inshootlarining belgilangan talablarga nomuvofiq o‘rnatilganligi va ishlatilayotganligi	10	
9.	Operator yoki provayder tomonidan abonent raqamlarini rasmiylashtirish bilan bog‘liq qoidalarning buzilishi yoki o‘zini-o‘zi obro‘sizlantirgan dilerga nisbatan tegishli choralar ko‘rilmaganligi	10	
10.	Operator yoki provayder tomonidan belgilangan shartlarda axborot-ma’lumot xizmati tizimining yo‘lga qo‘yilmaganligi	10	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Pochta aloqasi yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Pochta aloqasi operatorlari va provayderlarining bevosita xatti-harakati yoki harakatsizligi oqibatida ko‘rsatilayotgan pochta aloqasi xizmatlari sifatining buzilishi	10	
2.	Pochta aloqasi xizmatlarining tashkil etilishi, pochta va kuryerlik jo‘natmalarini qabul qilish, ularga ishlov berish, ularni saqlash, tashish, yetkazib berish (topshirish) bo‘yicha qonunchilik hujjatlari talablarining buzilishi	10	
3.	Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalari asosida ichki nazorat tizimini tashkillashtirish va amalga oshirishga oid talablarning buzilishi	10	
4.	Foydalanuvchilarni lozim darajada tekshirish va Ro‘yxat bilan solishtirishni ta’minlash hamda ularning natijalarini hujjatlashtirish talablariga rioya etmaslik	10	
5.	Tavakkalchilik darajasini aniqlash, baholash va hujjatlar bilan qayd etishga oid talablarning buzilishi	10	
6.	Shubhali operatsiyalarni aniqlash va ular haqidagi ma’lumot (axborot)larni maxsus vakolatli davlat organiga taqdim etish tartibining buzilishi	10	
7.	Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish masalalari bo‘yicha o‘qitish dasturining ishlab chiqilmaganligi (rioya etilmaganligi) yoki ichki nazoratni amalga oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi asosida ishlar tashkil etilmaganligi	10	
8.	Axborot va hujjatlarni rasmiylashtirish, saqlash, maxfiyligini ta’minlash bo‘yicha talablarning buzilishi	10	
9.	Ko‘rsatma talablarining o‘z vaqtida yoki to‘liq bajarilmasligi yoxud bu haqida ishonchli bo‘lmagan ma’lumot taqdim etilishi	10	
10.	Statistika hisobotlarini taqdim etmaslik, o‘z vaqtida taqdim etmaslik yoki ishonchli bo‘lmagan ma’lumotlarni taqdim etish	10	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
3-ILOVA

Axborotlashtirish va raqamli texnologiyalar yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Tadbirkorlik subyektining bevosita xatti-harakati yoki harakatsizligi oqibatida ko‘rsatilgan elektron xizmatlar va raqamli servislar sifati va muddatining buzilishi	10	
2.	Tadbirkorlik subyektining axborot tizimlari, resurslari, ma’lumotlar bazalari, portallar, dasturiy mahsulotlar va boshqa elektron platformalarning ish faoliyatida yuzaga kelgan uzilishlar va to‘xtalishlar	10	
3.	Tadbirkorlik subyektining axborot tizimlari, resurslari, ma’lumotlar bazalari, portallar, dasturiy mahsulotlar va boshqa elektron platformalari va ularning loyihaoldi hujjatlariga vakolatli organlardan ekspert xulosalari olinmasdan ishga tushirilishi	10	
4.	Ko‘rsatma talablarining o‘z vaqtida yoki to‘liq bajarilmasligi yoxud bu haqida ishonchli bo‘lmagan ma’lumot taqdim etilishi	10	
5.	Axborot tizimlari, resurslari va telekommunikatsiya infratuzilmasida zaiflik va kamchiliklar aniqlanganligi	10	
6.	Axborot tizimlari va resurslarining o‘rnatilgan tartibda majburiy ekspertiza, sertifikatsiya, attestatsiyalardan o‘tkazilmaganligi	10	
7.	Axborot xavfsizligi siyosatini rasmiylashtirish tartibiga rioya etilmaganligi	8	
8.	Axborotlashtirish, raqamli texnologiyalar, axborot xavfsizligi bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlar va texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar talablarining buzilishi	8	
9.	“O‘zkomnazorat” inspeksiyasining vakolati doirasida so‘ralgan axborotlar, hujjatlar, ma’lumotnomalar va boshqa materiallarni o‘z vaqtida yoki to‘liq taqdim etmaslik	8	
10.	Tadbirkorlik subyekti faoliyati yuzasidan kelib tushgan va asosli deb topilgan murojaatlar	8	
11.	Aloqa markazlari (ishonch telefonlari, Call-markazlar, dispetcherlik aloqa) xizmatlarining samarali texnik faoliyat ko‘rsatish normalarining buzilishi	8	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
4-ILOVA

Ommaviy axborot vositalari yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Ommaviy axborot vositalarining ixtisoslashuviga rioya etmagan holda faoliyat ko‘rsatishi	10	
2.	Axborot mahsulotlarida yoshga oid tasnifga rioya qilinmaganligi	10	
3.	Ommaviy axborot vositalari faoliyati erkinligining suiiste’mol qilinishiga yo‘l qo‘yilganligi	10	
4.	Voyaga yetmagan bolalarga yoxud xotin-qizlarga nisbatan jismoniy, ruhiy, jinsiy yoki iqtisodiy ta’sir o‘tkazishga oid zo‘ravonlik va shafqatsizlikni targ‘ib qiluvchi ma’lumotlarni tarqatish yoki bunga targ‘ib qilish	10	
5.	Davlat ramzlariga hurmatsizlikni namoyon etuvchi ma’lumotlarning yoritilganligi	10	
6.	Shaxsga doir ma’lumotlarni ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoq (messenjer)larda qonunga xilof tarzda oshkor qilinganligi yoki yoritilganligi	10	
7.	Diniy mazmundagi materiallarni tayyorlash, olib kirish va tarqatish hamda dinshunoslik ekspertizasini o‘tkazish tartibiga amal qilinmaganligi	10	
8.	Yolg‘on axborot tarqatilayotganligi	10	
9.	Terrorizm va diniy ekstremizm, separatizm, fundamentalizm g‘oyalarining targ‘ib qilinganligi	5	
10.	Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlariga asosan axborot mahsulotlari tarqatilishida qonunbuzilish mavjudligi aniqlangan holatlar	5	
11.	Ko‘rsatma va taqdimnoma talablarining o‘z vaqtida yoki to‘liq bajarilmasligi yoxud bu haqida ishonchli bo‘lmagan ma’lumot taqdim etilishi	5	
12.	Ommaviy axborot vositalariga oid normativ-huquqiy hujjatlar va texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarga rioya qilinmaganligi	5	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya talablariga rioya qilinishi hamda axborot va noshirlik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
5-ILOVA

Noshirlik yo‘nalishi bo‘yicha tadbirkorlik subyekti faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ballar	O‘tkazilgan tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	O‘zbek adabiy tilining amaldagi ilmiy qoidalari va normalariga rioya qilinmaganligi	10	
2.	Urush, terrorizm, qo‘poruvchilik, shuningdek ekstremizm, separatizm va aqidaparastlik g‘oyalarining targ‘ib qilinganligi	10	
3.	Voyaga yetmagan bolalarga yoxud xotin-qizlarga nisbatan jismoniy, ruhiy, jinsiy yoki iqtisodiy ta’sir o‘tkazishga oid zo‘ravonlik va shafqatsizlikni targ‘ib qiluvchi ma’lumotlarni nashr etish	10	
4.	Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlar, pornografiya va o‘z joniga qasd qilishga da’vat etishni targ‘ib qilish holatlarining mavjudligi	10	
5.	Voyaga yetmaganlarni yoki yoshlarni ongiga ijtimoiy axborot vositasida ruhiy ta’sir ko‘rsatish yoxud milliy va umuminsoniy qadriyatlarga zid ma’lumotlarni nashr etish	10	
6.	Diniy mazmundagi materiallarni tayyorlash, olib kirish va tarqatish hamda dinshunoslik ekspertizasini o‘tkazish tartibiga amal qilinmaganligi	10	
7.	Mualliflik huquqlariga rioya qilinmaganligi	10	
8.	Davlat ramzlariga hurmatsizlikni namoyon etuvchi ma’lumotlarning nashr etilganligi	10	
9.	Milliy, irqiy, etnik yoki diniy adovatni qo‘zg‘atuvchi axborotlarning nashr qilinganligi	5	
10.	Noshirlik mahsulotlarini nashr etishda davlat standartlari va texnik reglament talablariga rioya qilinmaganligi	5	
11.	Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlariga asosan noshirlik va matbaa mahsulotlarini nashr etishda qonunchilik buzilishi holatlarining aniqlanganligi	5	
12.	Ko‘rsatma va taqdimnoma talablarining o‘z vaqtida yoki to‘liq bajarilmasligi yoxud bu haqida ishonchli bo‘lmagan ma’lumot taqdim etilishi	5	
	Jami ballar yig‘indisi	**100**	

26 (1254)-son
678-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3883
2026 - yil 01 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI SOHASIDA NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI

Qurilish obyektlarida, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori ga asosan buyuraman:

1. Qurilish obyektlarida, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Rahbar
19-Iyun 2026-yil
2 son

ESHQUVVATOV SIROJIDDIN QORSHIBAYEVICH

Kelishildi:

Rais
18-Iyun 2026-yil

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil
17-Iyun 2026-yil

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi iyundagi
Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish
inspeksiyasi boshlig‘ining 2026-yil 29-iyundagi
389-son buyrug‘iga
ILOVA

Qurilish obyektlarida, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom qurilish obyektlarida, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik va jismoniy shaxslar;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi (bundan buyon matnda Inspeksiya deb yuritiladi) vakolati doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – Inspeksiya tomonidan qurilish obyektlarida, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. Inspeksiya tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid boʻlgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv oʻtkazish tashabbusi bilan chiqishga asos boʻlmaydi.

3. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning 1–7-

ilovalarida koʻrsatilgan koʻrsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Inspeksiya tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun quyidagi koʻrsatkichlarni “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq Qurilish obyektlari faoliyatini oʻrganishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq Koʻp kvartirali uylardan foydalanish va ularni saqlash qoidalariga rioya etilishida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 3-ilovasiga muvofiq Koʻp kvartirali uylarni boshqarish qoidalariga rioya etilishida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga muvofiq Koʻp kvartirali uylarda issiqlik taʼminotidan foydalanishda normativ-huquqiy hujjatlar talablariga rioya etilishida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Ichimlik suvi ta’minoti tashkilotlari faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish xizmatidan foydalanishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari;

mazkur Nizomning 7-ilovasiga muvofiq Ichimlik suvini ishlab chiqarish uchun moʻljallangan yer osti suv quduqlarini burgʻilovchi tashkilotlar faoliyatini baholash jarayonida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

mazkur Nizomning 6-ilovasiga muvofiq Ichimlik suvini ishlab chiqarish uchun moʻljallangan yer osti suv quduqlarini burgʻilovchi tashkilotlar faoliyatini baholash jarayonida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash koʻrsatkichlari.

Bunda tashkilotlarning xavf darajasi ushbu koʻrsatkichlar boʻyicha mazkur Nizomning 5-bandida koʻrsatilgan ma’lumotlardan foydalangan holda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida tadbirkorlik subyektlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyekti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina Inspeksiyaning vakolatiga kiradigan masalalarni o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/3883/0677-son
02.07.2026-y.

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
1-ILOVA

Qurilish obyektlari faoliyatini oʻrganishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	“Qurilishda davlat nazorati”ning milliy axborot tizimida roʻyxatdan oʻtmaganligi	81	
2.	Instrumental-texnik tekshiruvdan oʻtkazilmaganligi	5	
3.	Loyiha hujjatlari boʻyicha ijobiy ekspertiza xulosasining mavjud emasligi	5	
4.	Loyiha-smeta hujjatlari hududiy arxitektura-shaharsozlik kengashlari bilan kelishilmaganligi	5	
5.	Bino va inshootlarning ixtisoslashishini oʻzgartirish, qayta qurish, rekonstruksiya qilish hamda oʻz hududida qoʻshimcha bino va inshootlarni qurishni loyihalashtirishga ruxsatnoma mavjud emasligi	4	
Jami:		**100**	

QMMB: 10/26/3883/0677-son
02.07.2026-y.

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi iyundagi nizomga
2-ILOVA

Koʻp kvartirali uylardan foydalanish va ularni saqlash qoidalariga rioya etilishida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ularga tutash yer uchastkalarini saqlash va ulardan foydalanishda texnik foydalanish qoidalari va normalariga rioya etilmaganligi hamda mulkdorlar tomonidan joylarning oʻzboshimchalik bilan qayta qurilganligi va qayta rejalashtirilganligi	81	
2.	Koʻp kvartirali uylarning yertoʻlasidan foydalanish talablariga rioya etilmaganligi	5	
3.	Quruvchi tomonidan koʻp kvartirali uy-joy ekspluatatsiyasining ikki yillik kafolat muddati taʼminlanmaganligi.	5	
4.	Koʻp kvartirali uylarnining oʻtish joylarini, umumiy yoʻlaklarni, ihotalangan (oʻrama) pillapoyalarni, zaxira chiqish joylarini va uyning boshqa umumiy joylarini narsalar hamda uskunalar bilan toʻsib qoʻyilganligi	5	
5.	Umumiy mol-mulkning, shuningdek har qanday boshqa mulkdor mol-mulkining buzilishiga yoki xavfga duchor etilishiga yoʻl qoʻyilganligi	4	
Jami:		**100**	

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
3-ILOVA

Koʻp kvartirali uylarni boshqarish qoidalariga rioya etilishida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash

KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Koʻp kvartirali uylarni boshqarish faoliyatini amalga oshirish qoidalariga rioya etilmaganligi, koʻp kvartirali uylarni boshqaruvchi tashkilot shtatida koʻp kvartirali uyni boshqarish boʻyicha tegishli malaka (attestatsiya) sertifikatiga ega boʻlgan kamida ikki nafar mutaxassis mavjud emasligi	81	
2.	Koʻp kvartirali uydagi joylar mulkdorlari va boshqa foydalanuvchilarning avariya-dispetcherlik xizmatiga qilgan qoʻngʻiroqlariga uch daqiqadan koʻp boʻlmagan vaqt oraligʻida javob berilmaganligi	5	
3.	Har olti oyda bir marta koʻp kvartirali uy-joylardagi tayanch va toʻsiq konstruksiyalar (umumiy mol-mulk) butligini xatlovdan oʻtkazilmaganligi	5	
4.	Koʻp kvartirali uyni boshqarish boʻyicha oldingi yil uchun shartnomaning bajarilganligi toʻgʻrisida umumiy yigʻilishda hisobot berilmaganligi	5	
5.	Koʻp kvartirali uylarni mavsumiy foydalanishga oʻz vaqtida va sifatli tayyorlash ishlari tashkil etilmaganligi	4	
Jami:		**100**	

QMMB: 10/26/3883/0677-son
02.07.2026-y.

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻiyundagi nizomga
4-ILOVA

Koʻp kvartirali uylarda issiqlik taʼminotidan foydalanishda normativ-huquqiy hujjatlar talablariga rioya etilishida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Koʻp kvartirali uylarda issiqlik taʼminoti xizmatlari koʻrsatish qoidalariga va issiqlik taʼminotidan foydalanishda normativ-huquqiy hujjatlar talablariga rioya etilmaganligi	81	
2.	Umumiy foydalaniladigan joylarning ichki muhandislik kommunikatsiyalarini taʼmirlash-tiklash ishlarini tizimli oʻtkazish qoidalariga rioya etilmaganligi	5	
3.	Markaziy isitish, issiq suv taʼminoti sanitariya-texnika uskunalariga va boshqa uskunalarga nisbatan ehtiyotkorlik bilan munosabatda boʻlmaganligi	5	
4.	Isitish va issiq suv taʼminotini uy ichidagi tizimidan uzib qoʻyganligi, issiqlik energiyasidan uning bevosita vazifasidan (isitish, issiq suv taʼminoti) boshqa maqsadda foydalanganligi	5	
5.	Uy ichidagi isitish tizimini gidravlik presslashi va keyinchalik uni tarmoqdagi suv bilan toʻldirgan holda yuvish ishlari taʼminlanmaganligi	4	
Jami:		**100**	

QMMB: 10/26/3883/0677-son
02.07.2026-y.

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
5-ILOVA

Ichimlik suvi taʼminoti tashkilotlari faoliyatida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash
KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Ichimlik suvining sifati, texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarda belgilangan talablarga rioya etilmaganligi, suv taʼminoti va oqova suvni chiqarib yuborish yuzasidan shartnoma shartlari bajarilmaganligi	81	
2.	Ichimlik va oqova suv quvurlari hamda inshootlaridan samarali foydalanish, ularni soz holatda saqlash, avariyalar va nosozliklarni oʻz vaqtida bartaraf etish talablariga rioya etilmaganligi	5	
3.	Suv obyektlaridan suv olishdan to isteʼmolchilarga realizatsiya qilishga qadar boʻlgan barcha jarayonlarda suvning texnologik jihatdan sarflanishi va yoʻqotilishining yoʻl qoʻyiladigan normalariga rioya etilmaganligi	4	
4.	Yer osti suvlari quduqlarining holati va ulardan foydalanish shartlariga rioya etilmaganligi	5	
5.	Oqova suvlarni qabul qilish va ularni qonunchilik talablariga muvofiq tozalash talablarining buzilishi	5	
Jami:		**100**	

QMMB: 10/26/3883/0677-son
02.07.2026-y.

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
6-ILOVA

Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish xizmatidan foydalanishda qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash

KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Ichimlik suvi taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlaridagi texnik holat uchun isteʼmolchilarning foydalanishga doir javobgarligi chegaralari doirasidagi avariyalar oʻz vaqtida bartaraf etilmaganligi	4	
2.	Ishlab chiqarish oqova suvlaridagi ifloslantiruvchi moddalarning lokal tozalash inshootlarida belgilangan normativlarga qadar tozalanishi ta’minlanmaganligi	5	
3.	Ichimlik suvi taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tizimlariga ulanishda texnik shartlar talablariga rioya etilmaganligi	5	
4.	Ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish boʻyicha shartnoma shartlari bajarilmaganligi, suvni hisobga olish asbobi, aylanma liniya zulfini, yongʻin zulfinlari, gidrantlar va uning hududida yoki tasarrufida boʻlgan hamda plombalangan boshqa ichimlik suv qurilmalaridagi plombalarning butligi va saqlanishi talablarining buzilishi, shuningdek, ichimlik suvi ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlariga oʻzboshimchalik bilan ulanish holatlari mavjudligi	81	

5.	Kommunal drenaj tizimi mavjud bo‘lgan holatlarda iste’molchi hududida joylashgan kommunal oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmoqlariga yomg‘ir va erigan qor suvlarining ruxsat etilmagan holda oqizilganligi	5	
Jami:		**100**	

Qurilish obyektlarida, koʻp kvartirali uylarni boshqarish, ichimlik suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish sohasida nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
7-ILOVA

Ichimlik suvini ishlab chiqarish uchun moʻljallangan yer osti suv quduqlarini burgʻilovchi tashkilotlar faoliyatini baholash jarayonida qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KOʻRSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Koʻrsatkichlarga qoʻyilishi mumkin boʻlgan ballar (maksimal 100 ball)	Oʻtkazilgan tahlil yakuniga koʻra qoʻyilgan ballar
1.	Yer osti suv quduqlarini burgʻilashda gidrogeologik xulosa olinmaganligi	5	
2.	Burgʻilash ishlari yakunlanganidan soʻng bir oy muddatda uning texnik pasportini tayyorlab, hududiy gidrogeologiya stansiyalariga bevosita yoki elektron pochta orqali taqdim etilmaganligi	5	
3.	Yer osti suv olish inshootlarining suv hisoblash vositalari bilan jihozlanmaganligi	5	
4.	Yer osti suv manbai sanitariya-muhofaza zonasining belgilangan talablarga rioya qilinmaganligi	4	
5.	Ichimlik suvini ishlab chiqarish uchun moʻljallangan yer osti suvlari quduqlarining texnik holati va ulardan foydalanish shartlariga hamda qazishning (burgʻilashning) belgilangan qoidalariga rioya etilmaganligi	81	
Jami:		**100**	

26 (1254)-сон
679-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2485-2
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT ZAXIRALARINI BOSHQARISH QO‘MITASINING QARORI

Birinchi guruhga shakar yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 49-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining 2013-yil 25-iyundagi 11-son qarori (ro‘yxat raqami 2485, 2013-yil 23-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 30-son, 399-modda) bilan tasdiqlangan Birinchi guruhga shakar yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 49-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“49. Elektr uskunalardan foydalanish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq bajariladi.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
2026-yil 24-iyun
3-son

KURBANOV MIRSHOD
MAXMUDOVICH

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2488-2
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT ZAXIRALARINI BOSHQARISH QO‘MITASINING QARORI

Birinchi guruhga muzlatilgan go‘sht yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 33-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining 2013-yil 25-iyundagi 6-son qarori (ro‘yxat raqami 2488, 2013-yil 24-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-yil, 30-son, 403-modda) bilan tasdiqlangan Birinchi guruhga muzlatilgan go‘sht yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 33-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Tashkilotlarda elektr qurilmalardan foydalanish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq bajariladi.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
2026-yil 24-iyun
4-son

KURBANOV MIRSHOD
MAXMUDOVICH

QMMB: 10/26/2489-2/0689-son
06.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2489-2
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT ZAXIRALARINI BOSHQARISH QO‘MITASINING QARORI

Birinchi guruhga go‘sht, sut va baliq konservalarini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 30-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining 2013-yil 25-iyundagi 8-son qarori (ro‘yxat raqami 2489, 2013-yil 25-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 30-son, 404-modda) bilan tasdiqlangan Birinchi guruhga go‘sht, sut va baliq konservalarini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 30-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“30. Tashkilotlarda elektr qurilmalardan foydalanish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq bajariladi.

Elektr yoritish uskunalari yopiq yoki himoyalangan tarzda (shisha qalpoqli va temir to‘rli) bo‘lishi talab etiladi.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais

24-Iyun 2026-yil

5 son

KURBANOV MIRSHOD
MAXMUDOVICH

26 (1254)-son
682-modda

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2492-2
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT ZAXIRALARINI BOSHQARISH QO‘MITASINING QARORI

Birinchi guruhga sariyog‘ yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 43-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining 2013-yil 25-iyundagi 7-son qarori (ro‘yxat raqami 2492, 2013-yil 27-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 31-son, 411-modda) bilan tasdiqlangan Birinchi guruhga sariyog‘ yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 43-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“43. Elektr qurilmalardan foydalanish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq amalga oshiriladi.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
24-Iyun 2026-yil
6 son

KURBANOV MIRSHOD
MAXMUDOVICH

QMMB: 10/26/2493-2/0696-son
06.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2493-2
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT ZAXIRALARINI BOSHQARISH QO‘MITASINING QARORI

Birinchi guruhga qattiq xoʻjalik sovunini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi toʻgʻrisidagi yoʻriqnomaning 22-bandiga oʻzgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasi qaror qiladi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qoʻmitasining 2013-yil 25-iyundagi 13-son qarori (ro‘yxat raqami 2493, 2013-yil 27-iyul) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 31-son, 412-modda) bilan tasdiqlangan Birinchi guruhga qattiq xoʻjalik sovunini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi toʻgʻrisidagi yoʻriqnomaning 22-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Elektr qurilmalaridan foydalanish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq bajariladi.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
24-Iyun 2026-yil
7 son

KURBANOV MIRSHOD
MAXMUDOVICH

26 (1254)-son
684-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2642-1
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT ZAXIRALARINI BOSHQARISH QO‘MITASINING QARORI

Birinchi guruhga butilkalarga quyilgan ichimlik suvini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 34-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasi qaror qiladi:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat zaxiralarini boshqarish qo‘mitasining 2014-yil 25-noyabrdagi 26-son qarori (ro‘yxat raqami 2642, 2014-yil 23-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 52-son, 631-modda) bilan tasdiqlangan Birinchi guruhga butilkalarga quyilgan ichimlik suvini yetkazib berish, qabul qilish, saqlash va berib yuborish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 34-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Tashkilotlarda elektr uskunalaridan foydalanish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasiqlangan Iste’molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste’molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

Elektr yoritish asboblari yopiq yoki himoyalangan (shisha qalpoqcha va metall to‘r bilan qoplangan) ko‘rinishda bo‘lishi lozim.”.

2. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais
01-Iyul 2026-yil
13 son

KURBANOV MIRSHOD
MAXMUDOVICH

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3325-1
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

“Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari boʻyicha oʻqitish va buxgalterlarni xalqaro sertifikatlash doirasida imtihonlarni topshirish xarajatlari qoplab beriladigan buxgalteriya hisobi sohasidagi xalqaro tashkilotlar va xalqaro buxgalter sertifikatlari roʻyxatini tasdiqlash haqida”gi buyruqni oʻz kuchini yoʻqotgan deb topish toʻgʻrisida

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 28-apreldagi 210-son “Buxgalterlarni xalqaro sertifikatlash doirasida imtihonlarni topshirish xarajatlarini qoplash tartibi toʻgʻrisidagi vaqtinchalik nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2021-yil 21-sentabrdagi 54-son “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari boʻyicha oʻqitish va buxgalterlarni xalqaro sertifikatlash doirasida imtihonlarni topshirish xarajatlari qoplab beriladigan buxgalteriya hisobi sohasidagi xalqaro tashkilotlar va xalqaro buxgalter sertifikatlari roʻyxatini tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi (roʻyxat raqami 3325, 2021-yil 13-oktabr) (Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 13.10.2021 y , 10/21/3325/0958-son) oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir

26-Iyun 2026-yil

382- son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3884/0682-son
03.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3884
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

Davlat arxitektura nazoratini amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Davlat arxitektura nazoratini amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 1-iyul
38-son

XIDOYATOV SHERZOD
SAIDJANOVICH

Kelishildi:

Rais 2026-yil 1-iyul		VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH
Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish boʻyicha vakil 2026-yil 1-iyul		BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

QMMB: 10/26/3884/0682-son
03.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi
vazirining 2026-yil 1-iyuldagi 38-son buyrug‘iga
ILOVA

Davlat arxitektura nazoratini amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom davlat arxitektura nazoratini amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

tadbirkorlik subyekti – belgilangan tartibda davlat ro‘yxatidan o‘tgan hamda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan yuridik shaxslar;

“Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi (bundan buyon matnda Vazirlik deb yuritiladi) tomonidan davlat arxitektura nazorati sohasidagi aniq mezonlarga asoslanib, tadbirkorlik subyekti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi;

tekshiruv – tadbirkorlik subyekti tomonidan faoliyatni tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganligini kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali o‘tkaziladigan nazorat qilish tadbiri.

2. Vazirlik tomonidan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi tadbirkorlik subyektida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. Ishlab chiqilgan “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada bo‘lishidan qat’i nazar, tadbirkorlik subyektiga nisbatan ta’sir choralarini qo‘llashga asos bo‘la olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Tadbirkorlik subyektining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni tadbirkorlik subyekti faoliyatini to‘xtatib turish, unga to‘sqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga to‘g‘ridan-to‘g‘ri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni o‘z ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi ma’lumotlarni o‘rganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

ma’muriy ma’lumotlar (litsenziya, ruxsat etuvchi va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

davriy statistika ma’lumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan tadbirkorlik subyektini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan ma’lumotlar;

nazorat xaridi natijalari asosida aniqlangan kamchiliklarning tahlili;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va tadbirkorlik subyektining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita ta’sir ko‘rsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin bo‘lgan boshqa ma’lumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida tadbirkorlik subyektidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

8. “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida xavf darajasini baholash o‘rganiladigan ma’lumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning ilovasida ko‘rsatilgan ko‘rsatkichlarga tadbirkorlik subyekti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

9. Vazirlik tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning ilovasidagi keltirilgan Davlat arxitektura nazorati sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash ko‘rsatkichlarini “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarining xavf darajasi mazkur bandning birinchi xatboshisidagi ko‘rsatkichlar bo‘yicha “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. Amalga oshirilgan baholash natijalariga ko‘ra aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida tadbirkorlik subyektlari huquqbuzarlik sodir etish xavfi bo‘yicha quyidagi uch xil toifada tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari bo‘yicha 81 balldan 100 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi o‘rta – baholash natijalari bo‘yicha 61 balldan 81 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari bo‘yicha 61 ballgacha bo‘lgan ballarni tashkil etuvchi tadbirkorlik subyektlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va o‘rta tasnifidagi tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni o‘tkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar va profilaktika tadbirlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda tadbirkorlik subyektlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina davlat arxitektura nazorati sohasidagi qonunchilik talablariga rioya etilishini o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan tadbirkorlik subyektlari qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3884/0682-son
03.07.2026-y.

Davlat arxitektura nazorati sohasidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil qilish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga

ILOVA

Davlat arxitektura nazorati sohasidagi qonunchilik buzilishi xavfini aniqlash KO‘RSATKICHLARI

T/r	Xavf darajasini baholash ko‘rsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ballar
1.	Shaharsozlik to‘g‘risidagi qonunchilikka muvofiq binolarni, inshootlarni yoki boshqa obyektlarni qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta’mirlashga taqiqlar (cheklovlar) belgilangan zonalarda ushbu ishlarni bajarish yoki aholi punktlarining tasdiqlangan bosh rejalariga, ularni rejalashtirish va qurish loyihalariga zid ravishda (bosh rejalarda nazarda tutilmagan) binolar va inshootlarni loyihalashtirish, rekonstruksiya qilish va qurish	**20**	
2.	Loyiha-smeta hujjatlarini Qoraqalpog‘iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, viloyatlar qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi bosh boshqarmalari va Toshkent shahar qurilish bosh boshqarmasi bilan kelishmasdan bino-inshootlarni qurish va rekonstruksiya qilish	**15**	
3.	Bino va inshoot fasadining eskiz loyihasini Qoraqalpog‘iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, viloyatlar qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi bosh boshqarmalari va Toshkent shahar qurilish bosh boshqarmasi bilan kelishmasdan turib bino va inshootning tashqi ko‘rinishini o‘zgartirish	**15**	
4.	Bino va inshootlarning ixtisoslashishini o‘zgartirish, qayta qurish, rekonstruksiya qilish hamda o‘z hududida qo‘shimcha bino va inshootlarni qurishni Qoraqalpog‘iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi, viloyatlar qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi bosh boshqarmalari va Toshkent shahar qurilish bosh boshqarmasining tegishli ruxsatnomasisiz amalga oshirish	**15**	

QMMB: 10/26/3884/0682-son
03.07.2026-y.

5.	Shaharsozlik normalari va qoidalariga koʻra, turar joy, jamoat va dam olish maskanlarida avtoturargohlarni hisoblash normalariga rioya etmaslik	**15**	
6.	Shaharsozlik norma va qoidalariga koʻra, bino va inshootlarning kirish qismida oʻrindiqli aravachadan foydalanadigan nogironligi boʻlgan shaxslarning kirishi va ularni evakuatsiya qilinishi uchun (yer sathi va yer ostidan) panduslar tashkil etmaslik	**10**	
7.	Yangi quriladigan, balandligi yer yuzasidan 12 metrdan va (yoki) umumiy maydoni 500 kvadrat metrdan ortiq boʻlgan bino va inshootlarni loyihalashtirishda ularga tutash hududlarning koʻkalamzorlashtirish (daraxtlar, butalar, boshqa oʻsimliklar va nihollarni ekish) maydonlari loyiha uchun ajratiladigan yer uchastkalari umumiy maydonining 25 foizidan kam boʻlishiga yoʻl qoʻyish (ekspluatatsiya muddatini oʻtab boʻlgan va maʼnan eskirgan bino va inshootlarni renovatsiya qilish bundan mustasno)	**10**	
	Jami ballar yigʻindisi	**100**	

QMMB: 10/26/3885/0681-son
03.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3885
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

Auditorlik tashkiloti ishi sifatini tashqi nazoratdan o‘tkazishda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2026-yil 17-apreldagi PF–63-son “Tadbirkorlik faoliyatiga noqonuniy aralashuvlarni cheklash va nazorat tadbirlarining shaffofligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-sentabrdagi 538-son “Auditorlik tashkilotining ishi sifatini tashqi nazoratdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi va 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son “Nazorat qiluvchi organlar tomonidan tadbirkorlik subyektlari faoliyatida davlat nazoratini tashkil etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. Auditorlik tashkiloti ishi sifatini tashqi nazoratdan o‘tkazishda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakili hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oy o‘tgach kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 19-iyun
377-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Kelishildi:

Tadbirkorlarning huquqlarini himoya qilish bo‘yicha vakil
2026-yil 16-iyun

BURIYEV ABDUMANNOP ABDURAXMATOVICH

Rais
2026-yil 19-may

VAXABOV DAVRON ABDUJALALOVICH

QMMB: 10/26/3885/0681-son
03.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining
2026-yil 19-iyundagi 377-son buyrug‘iga
ILOVA

Auditorlik tashkiloti ishi sifatini tashqi nazoratdan o‘tkazishda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan auditorlik faoliyatini tartibga solish, shuningdek auditorlik tashkiloti ishi sifatining tashqi nazorati sohasidagi qonunchilik hujjatlariga rioya etilishi yuzasidan nazoratni amalga oshirishda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy qilish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

auditorlik tashkiloti – auditorlik tekshiruvlarini o‘tkazish va turdosh xizmatlar ko‘rsatish bo‘yicha auditorlik faoliyatini amalga oshiruvchi tijorat tashkiloti;

tekshiruv – auditorlik tashkiloti tomonidan faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikka qay darajada rioya etilayotganini tekshirish uchun kerakli materiallar, hujjatlar yoki ularning faoliyatiga doir ma’lumotlarni olish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirish orqali O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi vakolati doirasida o‘tkaziladigan nazorat tadbiri;

“Xavfni tahlil etish” elektron tizimi – O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan tegishli nazorat sohasi bo‘yicha aniq mezonlarga asoslanib, auditorlik tashkiloti tomonidan o‘z faoliyatida qonunchilik buzilish xavfi darajasini aniqlash mexanizmi.

2. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan “Xavfni tahlil etish” elektron tizimi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “Xavfni tahlil etish” tizimlariga qo‘yiladigan minimal talablarga muvofiq ishlab chiqilishi lozim.

Minimal talablarga zid bo‘lgan “Xavfni tahlil etish” elektron tizimi auditorlik tashkilotida tekshiruv o‘tkazish tashabbusi bilan chiqishga asos bo‘lmaydi.

3. “Xavfni tahlil etish” elektron tizimi asosida aniqlangan huquqbuzarlik xavfi qay darajada boʻlishidan qatʼi nazar, auditorlik tashkilotiga nisbatan taʼsir choralarini qoʻllashga asos boʻla olmaydi.

2-bob. Xavf darajasini tahlil qilishga doir umumiy talablar

4. Auditorlik tashkilotining qonunni buzish xavfi darajasini tahlil qilish jarayoni auditorlik tashkiloti faoliyatini toʻxtatib turish, unga toʻsqinlik qilish yoki faoliyatini amalga oshirishga toʻgʻridan-toʻgʻri aralashishni nazarda tutuvchi xatti-harakatlarni oʻz ichiga olmasligi zarur.

5. Xavf darajasining tahlili quyidagi maʼlumotlarni oʻrganish asosida amalga oshirilishi mumkin:

maʼmuriy maʼlumotlar (auditorlik tashkilotlarining reyestri, auditorlarning reyestri va davlat organlarida mavjud boshqa hujjatlar);

“Audit” dasturiy majmuasi axborot tizimi orqali kelib tushgan ma’lumotlar;

auditorlarning respublika jamoat birlashmalarida mavjud boʻlgan ma’lumotlar, shu jumladan auditorlik tashkilotining hamda auditorlarning ishchanlik obroʻsi toʻgʻrisidagi axborotlar;

davriy statistika maʼlumotlari, jumladan, avval huquqbuzarlik holatlari aniqlangan auditorlik tashkilotini umumlashtiruvchi belgilar, xabarlar va boshqa korrelyatsion tahlil natijalari;

yuridik va jismoniy shaxslardan kelib tushgan murojaatlar;

ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan maʼlumotlar;

davlat organlari va boshqa tashkilotlar, shu jumladan banklarning axborot tizimlari, dasturiy taʼminotlari va maʼlumotlar bazasi tahlili natijalari;

qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalardan va auditorlik tashkilotining odatiy faoliyatiga bevosita yoki bilvosita taʼsir koʻrsatmagan holda, davlat organlari va boshqa tashkilotlardan olinishi mumkin boʻlgan boshqa maʼlumotlar.

6. Xavf darajasi tahlili jarayonida auditorlik tashkilotidan hujjatlar va axborotlar talab qilinishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

7. Nazorat vakolatiga kirmaydigan tadbirkorlik subyektlari faoliyatini tahlil qilish va baholash taqiqlanadi.

3-bob. Xavf darajasi tasnifi va ularning mezonlariga doir talablar

QMMB: 10/26/3885/0681-son
03.07.2026-y.

8. “Xavfni tahlil etish” elektron tizimida xavf darajasini baholash oʻrganiladigan maʼlumotlar asosida shakllantirilgan mazkur Nizomning ilovasida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlarga (sub-koʻrsatkichlarga) auditorlik tashkiloti faoliyatining muvofiqligini “ball” tizimi asosida baholash orqali amalga oshiriladi.

Bunda sub-koʻrsatkichlar mavjud boʻlganda har bir asosiy koʻrsatkichning bahosi ushbu koʻrsatkich ostidagi sub-koʻrsatkichlar bahosining yigʻindisidan kelib chiqadi.

9. Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi auditorlik tashkilotining xavf darajasini baholash uchun mazkur Nizomning ilovasida koʻrsatilgan asosiy koʻrsatkichlar va sub-koʻrsatkichlarni “Xavfni tahlil etish” elektron tizimiga kiritadi.

Bunda tashkilotlarning xavf darajasi asosiy koʻrsatkichlar va sub-koʻrsatkichlar boʻyicha mazkur Nizomning 5-bandida koʻrsatilgan ma’lumotlardan foydalangan holda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimida avtomatik ravishda aniqlanadi.

10. “Xavfni tahlil etish” elektron tizimida auditorlik tashkilotlari faoliyatida huquqbuzarlik sodir etish xavfi past, oʻrta va yuqori darajalarga tasniflanadi.

Bunda baholash natijasida aniqlangan xavf darajasining umumiy ballari asosida auditorlik tashkiloti tomonidan huquqbuzarlik sodir etish xavfi quyidagi uch xil toifaga tasniflanadi:

xavf darajasi yuqori – baholash natijalari boʻyicha 81 balldan 100 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi auditorlik tashkilotlari;

xavf darajasi oʻrta – baholash natijalari boʻyicha 61 balldan 81 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi auditorlik tashkilotlari;

xavf darajasi past – baholash natijalari boʻyicha 61 ballgacha boʻlgan ballarni tashkil etuvchi auditorlik tashkilotlari.

11. Baholash natijalariga muvofiq huquqbuzarlik xavfi yuqori va oʻrta tasnifidagi auditorlik tashkilotlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlarni oʻtkazish amaldagi qonunchilik hujjatlari, jumladan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-noyabrdagi PF–184-son “Tadbirkorlar huquqlari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni va 2022-yil 13-sentabrdagi PQ–374-son “Tadbirkorlik subyektlari faoliyatida tekshiruvlar oʻtkazishni muvofiqlashtirish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarori, Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-sentabrdagi 538-son “Auditorlik tashkilotining ishi sifatini tashqi nazoratdan oʻtkazish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori hamda 2022-yil 19-oktabrdagi 611-son qarori bilan tasdiqlangan Nazorat qiluvchi organlarning “Xavfni tahlil etish” tizimlariga qoʻyiladigan minimal talablar asosida amalga oshiriladi.

Bunda auditorlik tashkilotlarida profilaktika tadbirlari va tekshiruvlar faqatgina O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining vakolatiga kiradigan masalalarni o‘rganish maqsadida o‘tkaziladi.

12. Xavf darajasi past bo‘lgan auditorlik tashkilotlari faoliyatida tekshiruvlar o‘tkazilmaydi.

4-bob. Yakuniy qoidalar

13. Xavfni tahlil etish natijalaridan norozi bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishga haqli.

14. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3885/0681-son
03.07.2026-y.

Auditorlik tashkiloti ishi sifatini tashqi nazoratdan o‘tkazishda “Xavfni tahlil etish” elektron tizimini joriy etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ILOVA

Auditorlik tashkilotlari faoliyati to‘g‘risida qonunchilik hujjatlariga oid huquqbuzarlik sodir etish xavfini baholash jarayonida auditorlik tashkiloti faoliyatidagi huquqbuzarlik alomatlari ko‘rsatkichlari

T/r	Xavf darajasini baholash koʻrsatkichlari	Ball	Tahlil yakuniga ko‘ra qo‘yilgan ball
1	**Auditorlik faoliyatini amalga oshirishda qonunbuzilishi alomatlari mavjud boʻladigan koʻrsatkichlar**	**20**	
1.1	O‘z faoliyatini aksiyadorlik jamiyati shaklida amalga oshirish	2	
1.2	Auditorlik tekshiruvi va turdosh xizmatlardan tashqari boshqa faoliyat turlari bilan shugʻullanish	5	
1.3	Boshqa auditorlik tashkilotining ta’sischisi (ishtirokchisi) bo‘lish	5	
1.4	Firma nomida “auditorlik tashkiloti” iborasining bo‘lmasligi yoki bu nom boshqa auditorlik tashkilotlarining firma nomlari bilan adashtirib yuborish darajasida bir xil yoki ularga oʻxshash boʻlishi	2	
1.5	Auditorlik tashkiloti javobgarligining sugʻurta polisisiz auditorlik xizmatlarini ko‘rsatish	5	
1.6	Ketma-ket yetti yildan koʻproq ayni bir xoʻjalik yurituvchi subyektning auditorlik tekshiruvini oʻtkazish	1	
2	**Auditorlik tashkiloti tomonidan auditorlar tarkibini shakllantirish, ularning malakasini oshirish va kasbiy kompetentlikni taʼminlashga qaratilgan talablarni bajarishda qonunbuzilishi alomatlari mavjud boʻladigan koʻrsatkichlar**	**20**	
2.1	Auditorlik tashkilotining rahbari uchun mazkur auditorlik tashkiloti asosiy ish joyi boʻlmasligi	4	
2.2	Auditorlik tashkiloti asosiy ish joyi hisoblanadigan shtatdagi auditorlarning eng kam soni 4 nafardan kam bo‘lishi	4	
2.3	Auditorlik tashkilotining filiali (mavjud bo‘lganda) rahbarining auditor bo‘lmasligi	2	

QMMB: 10/26/3885/0681-son
03.07.2026-y.

2.4	Auditorlarining har yili malaka oshirish kurslaridan o‘tishini ta’minlamaslik	4	
2.5	Auditorlik tashkiloti ustav fondining (ustav kapitalining) auditorlarga (auditorga) tegishli ulushning 51 foizdan kam bo‘lishi	2	
2.6	Auditorlik tashkilotining shtatida kamida ketma-ket uch yillik uzluksiz ish stajiga yoki xalqaro buxgalter sertifikatiga ega bo‘lgan kamida ikki nafar auditorning mavjud bo‘lmagan holda majburiy auditorlik tekshiruvini o‘tkazish	4	
3	**Auditorlik tashkiloti tomonidan auditorlik xizmatlarini ko‘rsatishda va axborot taqdim etishda qonunbuzilishi alomatlari mavjud bo‘ladigan ko‘rsatkichlar**	**20**	
3.1	Tegishli yilning 20-yanvariga qadar auditorlik faoliyati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga taqdim etmaslik	5	
3.2	Auditorlik tashkilotlari renkingini tuzish uchun zarur ma’lumotlarni auditorlarning respublika jamoat birlashmalariga taqdim etmaslik	3	
3.3	Auditorlik tashkilotining shtatida banklarning auditorlik tekshiruvlarini o‘tkazish huquqi uchun auditorning malaka sertifikatiga ega bo‘lgan kamida ikki nafar auditor mavjud bo‘lmagan holda banklarning auditorlik tekshiruvini o‘tkazish	3	
3.4	O‘zining veb-saytini yuritish va faol holatda saqlash talabiga rioya etmaslik	2	
3.5	O‘tkazilgan majburiy auditorlik tekshiruvlari to‘g‘risidagi axborotni xo‘jalik yurituvchi subyektning identifikatsiya ma’lumotlarini va auditorlik xulosasini ko‘rsatgan holda o‘z rasmiy veb-saytlariga yoki auditorlar respublika jamoat birlashmasining rasmiy veb-saytlariga joylashtirmaslik	2	
3.6	Auditorlik xulosasining raqamlanmasligi, uning har bir sahifasini auditorlik tekshiruvini amalga oshirgan auditor (auditorlar) va auditorlik tashkilotining rahbari tomonidan imzolamaslik hamda tegishli moliyaviy hisobotni ilova qilmaslik	5	
4	**Auditorlik tashkilotlari uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish (bundan buyon matnda JFODL TM OQQTMQK deb yuritiladi) bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga amal qilmaslik alomatlari mavjud bo‘ladigan ko‘rsatkichlar**	**20**	
4.1	JFODL TM OQQTMQK bo‘yicha ichki nazorat qoidalari talablaridan kelib chiqqan holda ichki qoidalarni ishlab chiqmaslik	3	

4.2	JFODL TM OQQTMQK bo‘yicha ichki nazoratni tashkil qilish va amalga oshirish uchun mas’ul bo‘lgan shaxsni auditorlik tashkiloti rahbarining buyrug‘i bilan tayinlamaslik	2	
4.3	Auditorlik tashkilotining mas’ul xodimi va auditorlik tashkilotlari uchun JFODL TM OQQTMQK bo‘yicha ichki nazorat qoidalari talablarining bajarilishi to‘g‘risidagi ma’lumotni tegishli yilning 10-yanvariga qadar O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga taqdim etmaslik	3	
4.4	Mijozlarga buxgalteriya hisobini yuritish bo‘yicha turdosh xizmatlarni ko‘rsatish rad etilgan hollarda O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentiga xabar yubormaslik	3	
4.5	Pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiyalar haqidagi ma’lumotni, shuningdek mijozlarni lozim darajada tekshirish bo‘yicha identifikatsiyalash ma’lumotlari hamda materiallarini, shu jumladan ish yozishmalari va o‘tkazilgan har qanday tahlil natijalarini 5 yil davomida saqlamaslik va (yoki) saqlash tartibini buzish	3	
4.6	Mijozlar, ularning vakillari yoki benefitsiar mulkdorlarni identifikatsiya va verifikatsiya qilmaslik hamda ular to‘g‘risidagi ma’lumotlarni yangilamaslik	3	
4.7	Pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulk bilan bog‘liq operatsiya ishtirokchilarini terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishda ishtirok etayotgan yoki ishtirok etishda gumon qilinayotgan shaxslar ro‘yxati bilan solishtirmaslik	3	
5	**Auditorlik tashkilotining ichki nazorat tizimini ta’minlashda qonunbuzilishi alomatlari mavjud bo‘ladigan ko‘rsatkichlar**	**20**	
5.1	Auditorlar ishi sifatining ichki nazorat tizimini o‘rnatmaslik yoki unga rioya etmaslik	3	
5.2	Auditorlar va auditorlik tashkilotlari tomonidan Xalqaro buxgalterlar federatsiyasining Xalqaro odob-axloq standartlari bo‘yicha kengashi tomonidan e’lon qilingan Professional buxgalterning odob-axloq kodeksiga rioya etmaslik	3	
5.3	Ommaviy axborot vositalaridan yoki boshqa tashqi manbalardan (ijtimoiy tarmoqlar, veb-saytlar) olingan huquqbuzarlik alomatlarining mavjudligi	3	
5.4	Auditorlik tekshiruvlarini o‘tkazish uchun yetarli miqdordagi mehnat va vaqt resurslari mavjud emasligi	3	
5.5	5 kun ichida o‘zining pochta va elektron manzili o‘zgarganligi, auditorlik tashkiloti rahbari almashganligi va	5	

	(yoki) auditorlar tarkibi o‘zgarganligi haqida O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligini xabardor qilmaslik		
5.6	Auditor va auditorlik tashkiloti tomonidan auditorlik tekshiruvini o‘tkazishda mustaqillik prinsipi va cheklovlarga rioya qilmaslik	3	
Jami ballar yig‘indisi		**100**	

QMMB: 10/26/3886/0683-son
03.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3886
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlarni ishlab chiqish qiymatini aniqlash bo‘yicha yo‘riqnomani tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining Shaharsozlik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 17-apreldagi 214-son “O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi hamda uning tizimidagi tashkilotlar to‘g‘risidagi nizomlarni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq buyuraman:

1. Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlarni ishlab chiqish qiymatini aniqlash bo‘yicha yo‘riqnoma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Вазир

2026-yil 24-iyun

01/2-25-son

XIDOYATOV SHERZOD
SAIDJANOVICH

Kelishildi:

Vazir
2026-yil 16-iyun

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3886/0683-son
03.07.2026-y.

26 (1254)-сон
688-модда

O‘zbekiston Respublikasi
qurilish va uy-joy kommunal
xo‘jaligi vazirining 2026-yil 24-iyundagi
01/2-25-son buyrug‘iga
ILOVA

Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlarni ishlab chiqish qiymatini aniqlash bo‘yicha YO‘RIQNOMA

Mazkur Yo‘riqnoma qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlarni ishlab chiqish, qayta ishlash yoki ularga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritishda uning qiymatini aniqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Yo‘riqnomada quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlar (bundan buyon matnda normativ hujjatlar deb yuritiladi) **–** mazkur Yo‘riqnomaning 2-bandida nazarda tutilgan qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlar;

amaldagi normativ hujjatni qayta ishlash – amaldagi normativ hujjat normalarining o‘ttiz foizidan ortiq qismi qayta ko‘rib chiqilishi yoki yangidan ishlab chiqilishi natijasida uning yangi tahririni ishlab chiqish;

ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va eksperimental ishlarni o‘tkazish – amaldagi normativ hujjatlardagi normalarni hamda ishlab chiqilayotgan normativ hujjatga kiritilishi nazarda tutilayotgan talablarni mahalliy sharoitlarda ilmiy asosda o‘rganish, sinovdan o‘tkazish, ularning muvofiqligini baholash hamda yangi samarali texnik yechimlar va talablarni ishlab chiqish hamda joriy etishga qaratilgan nazariy va amaliy ishlar;

milliy qurilish normalari – hududlarni rivojlantirish, muhandislik qidiruvlari, obyektlarni me’moriy loyihalashtirish, muhandislik tizimlarini loyihalash, bino va inshootlarda yong‘in xavfsizligi, seysmik va ekologik ta’siri hamda energiya tejamkorligiga oid talablarni belgilovchi milliy normalar majmui;

milliy standart – O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligining O‘zbekiston standartlar instituti tomonidan qabul qilingan hamda keng jamoatchilik uchun ochiq bo‘lgan standart;

texnik reglament – mahsulot xavfsizligining qo‘llanilishi majburiy bo‘lgan tavsiflari yoki ular bilan bog‘liq bo‘lgan ishlab chiqarish jarayonlari va usullari, qoidalar

belgilangan hujjat;

smeta-resurs normalari – qurilish, rekonstruksiya, kapital va joriy ta’mirlash obyektlari bo‘yicha qurilish ishlari qiymatini aniqlash maqsadida qo‘llaniladigan, qurilish ishlarining alohida turlarini bajarish uchun zarur bo‘lgan mehnat resurslari, qurilish mashinalari va mexanizmlaridan foydalanish bo‘yicha talablarni hamda materiallar, buyumlar va konstruksiyalar sarfining me’yoriy ko'rsatkichlarini belgilovchi normativ hujjatlar;

standart sahifa – qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi normativ hujjatlarni ishlab chiqishda matnli hujjat hajmining shartli o‘lchov birligi bo‘lib, A4 formatdagi (210×297 mm) sahifada bitta bo‘sh joy (probel) va tinish belgilarini hisobga olmagan holda 1800 ta belgidan kam bo‘lmagan hajmdagi matn;

shaharsozlik normalari va qoidalari – hududlarni rivojlantirishni va qurishni shaharsozlik jihatidan rejalashtirish, muhandislik qidiruvlari, loyihalashtirish, obyektlarni qurish, rekonstruksiya qilish, mukammal va joriy ta’mirlash, buzishni amalga oshirish, foydalanish, muhandislik tizimlarini loyihalash, qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalaridan foydalanishdagi majburiy talablarni belgilovchi hujjat;

xalqaro (xorijiy) normalar – shaharsozlik faoliyatini tartibga soluvchi, loyihalash va qurishda amal qilinishi majburiy bo‘lgan xalqaro texnik talablar majmui;

xalqaro (mintaqaviy) standart – standartlashtirish bo‘yicha xalqaro yoki mintaqaviy tashkilot tomonidan qabul qilingan va keng jamoatchilik doirasi uchun ochiq bo‘lgan standart;

xorijiy mamlakatning standarti – xorijiy mamlakatning standartlashtirish bo‘yicha vakolatli organi (tashkiloti) tomonidan qabul qilingan standart;

yangi normativ hujjat ishlab chiqish – avval mavjud bo‘lmagan normativ hujjatni ishlab chiqish;

o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish – amaldagi normativ hujjat normalarining o‘ttiz foizi va undan kam qismini o‘zgartirish yoki qo‘shimcha kiritish zarurati mavjud bo‘lganda, uning yangi tahririni ishlab chiqmasdan, mazkur normativ hujjatga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risidagi alohida normativ hujjatni ishlab chiqish;

buyurtmachi – normativ hujjatni ishlab chiqish uchun buyurtma beradigan vakolatli davlat organi yoki yuridik shaxslar;

ijrochi – normativ hujjatni ishlab chiquvchi yuridik shaxs.

2. Buyurtmachi tomonidan berilgan texnik topshiriqqa asosan normativ hujjatlarning quyidagi turlari ijrochi tomonidan ishlab chiqiladi:

1) texnik reglamentlar;

2) shaharsozlik normalari va qoidalari;

3) milliy qurilish normalari;

4) xalqaro (xorijiy) normalar;

5) qurilishda qo‘llaniladigan nizom, qoida, yo‘riqnomalardagi tadqiqotlar qismi;

6) standartlar (milliy, xalqaro (mintaqaviy) standartlar va xorijiy mamlakatning standartlari);

7) idoraviy qurilish normalari;

8) smeta-resurs normalari;

9) qo‘llanma, ma’lumotnoma va boshqa majburiy bo‘lmagan hujjatlar.

2-bob. Normativ hujjatni ishlab chiqish qiymatini aniqlash

3. Normativ hujjatni ishlab chiqish uning turi, ilmiy-texnik darajasi va hajmini hisobga olgan holda quyidagi shakllarda amalga oshiriladi:

yangi normativ hujjatni ishlab chiqish;

amaldagi normativ hujjatni qayta ishlash;

amaldagi normativ hujjatga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish.

4. Buyurtmachi tomonidan normativ hujjatlarning ishlab chiqish qiymati texnik topshiriq asosida mazkur Yo‘riqnomaga muvofiq aniqlanadi.

5. Normativ hujjatni ishlab chiqish hajmi quyidagilarni inobatga olgan holda sahifalarda hisoblanadi, bunda:

bir standart sahifa hajmi;

har bir formula uchun normativ hujjatning hajmiga qo‘shimcha bir sahifa qo‘shib hisoblanadi;

har bir jadval (jadval hajmi bir sahifadan oshmasa) uchun normativ hujjatning hajmiga qo‘shimcha bir sahifa qo‘shib hisoblanadi. Jadvalning har keyingi sahifasi uchun normativ hujjat hajmiga qo‘shimcha bir sahifa qo‘shib hisoblanadi;

har bir chizma yoki rasm uchun normativ hujjatning hajmiga qo‘shimcha bir sahifa qo‘shib hisoblanadi.

6. Normativ hujjatni ishlab chiqish qiymati quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$MH_n = MH_b + MH_i$$

Bunda:

MH_n –normativ hujjatni ishlab chiqish narxi, so‘mda;

MH_b – mazkur Yo‘riqnomaning 9-bandiga asosan belgilangan normativ hujjatni ishlab chiqishning bazaviy narxi;

MH_i – mazkur Yo‘riqnomaning 13-bandiga asosan normativ hujjatni ishlab chiqish

uchun ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik yoki eksperimental ishlarni o‘tkazish narxi.

7. Yangi normativ hujjat ishlab chiqishda uning kamida ikkita xalqaro (xorijiy) normalari hajmining o‘rta arifmetik qiymati olinadi va texnik topshiriqda ko‘rsatiladi.

8. Normativ hujjatni qayta ishlab chiqishda uning amaldagi tahririning hajmi (sahifalar soni) asos qilib olinadi hamda texnik topshiriqda ko‘rsatiladi.

9. Normativ hujjatni ishlab chiqishning bazaviy narxi quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$\mathbf{MH_b = N_b \times BHM \times V \times K_n \times S}$$

Bunda:

MH_b – normativ hujjatni ishlab chiqishning bazaviy narxi;

N_b – normativ hujjatning bir sahifasini ishlab chiqish turi, hujjatning sohasi va murakkablik darajasidan kelib chiqib mazkur Yo‘riqnomaning 1-ilovasidagi Normativ hujjatlarning narx me’yorlariga muvofiq qabul qilinadigan qiymat;

V – ishlab chiqiladigan normativ hujjatning hajmi (titul varag‘i hisobga olinmaydi);

BHM – bazaviy hisoblash miqdori;

K_n – narx normativi koeffitsiyenti 2,1 ga teng deb qabul qilinadi;

S – qo‘shilgan qiymat solig‘i summasi. Ijrochi qo‘shilgan qiymat solig‘i to‘lovchisi hisoblanmagan hollarda buyurtmachi va ijrochi o‘rtasidagi shartnomada narx qo‘shilgan qiymat solig‘isiz hisoblanadi.

10. Texnik topshiriqqa o‘zgartirish kiritilganda normativ hujjat hajmi va qiymati qayta hisob-kitob qilinishi mumkin.

11. Normativ hujjatni elektron shaklda tayyorlash, raqamli formatga moslashtirish va axborot tizimlariga integratsiya qilish bilan bog‘liq ishlar texnik topshiriq hamda buyurtmachi va ijrochi o‘rtasidagi shartnoma shartlariga muvofiq alohida hisob-kitob asosida amalga oshiriladi.

12. Normativ hujjatning murakkablik darajasi uning toifasi hamda foydalanilgan manbalar sonidan kelib chiqib mazkur Yo‘riqnomaning 2-ilovasidagi Normativ hujjatlar toifalarining murakkablik darajasi mezonlariga asosan belgilanadi.

13. Texnik topshiriqda ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik yoki eksperimental ishlarni o‘tkazish ishlari nazarda tutilgan bo‘lsa, ularning qiymati O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 9-martdagi 133-son qarori bilan tasdiqlangan Ilmiy-tadqiqot ishlariga davlat buyurtmasi to‘g‘risida nizomga muvofiq quyidagi formula asosida aniqlanadi:

$$MH_i = MH_b \times 0{,}4$$

Bunda:

MH_i – normativ hujjatni ishlab chiqish uchun ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik yoki eksperimental ishlarni o‘tkazish narxi;

MH_b – mazkur Yo‘riqnomaning 9-bandiga asosan belgilangan normativ hujjatni ishlab chiqishning bazaviy narxi.

14. Normativ hujjatlarni ishlab chiqish muddatlari texnik topshiriqqa asosan belgilanadi, qonunchilik hujjatlarida belgilangan muddatlar bundan mustasno.

3-bob. Yakuniy qoida

15. Mazkur Yo‘riqnoma talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

QMMB: 10/26/3886/0683-son
03.07.2026-y.

Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi
normativ hujjatlarni ishlab chiqish qiymatini aniqlash
bo‘yicha yo‘riqnomaga
1-ILOVA

Normativ hujjatlarning narx

ME’YORLARI

Normativ hujjat turlari	**Murakkablik darajasi/ish turi** *(bazaviy hisoblash miqdorida/bir sahifasi uchun)*								
	I daraja			**II daraja**			**III daraja**		
	Yangi	**Qayta ishlash**	**O‘zgartirish va qo‘shimchalar**	**Yangi**	**Qayta ishlash**	**O‘zgartirish va qo‘shimchalar**	**Yangi**	**Qayta ishlash**	**O‘zgartirish va qo‘shimchalar**
Texnik reglament	15 baravari	8 baravari	3 baravari	28 baravari	14 baravari	5 baravari	43 baravari	22 baravari	7 baravari
Shaharsozlik normalari va qoidalari, milliy qurilish normalari	14 baravari	7 baravari	2 baravari	26 baravari	13 baravari	4 baravari	40 baravari	20 baravari	7 baravari
Xalqaro (xorijiy) normalar	13 baravari	7 baravari	2 baravari	24 baravari	12 baravari	4 baravari	37 baravari	19 baravari	6 baravari
Qurilishda qo‘llaniladigan nizom, qoida, yo‘riqnoma, yo‘riqnomalardagi tadqiqotlar qismi	12 baravari	6 baravari	2 baravari	23 baravari	12 baravari	4 baravari	34 baravari	17 baravari	6 baravari
Standartlar, idoraviy qurilish normalari, smeta-resurs normalari	11 baravari	6 baravari	2 baravari	21 baravari	11 baravari	4 baravari	32 baravari	16 baravari	5 baravari
Qo‘llanma, ma’lumotnoma, boshqa majburiy bo‘lmagan hujjatlar	10 baravari	5 baravari	2 baravari	19 baravari	10 baravari	3 baravari	29 baravari	15 baravari	5 baravari

QMMB: 10/26/3886/0683-son
03.07.2026-y.

Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasidagi
normativ hujjatlarni ishlab chiqish qiymatini aniqlash
bo‘yicha yo‘riqnomaga
2-ILOVA

Normativ hujjatlar toifalarining murakkablik darajasi
MEZONLARI

T/r	Normativ hujjat toifasi	Murakkablik darajasi	Foydalanilgan manbalar soni*
1.	Tashkiliy tartib-taomillarni belgilovchi hujjatlar	I	5 tagacha
		II	6–10 tagacha
2.	Yangi texnik va texnologik yechimlarni, qurilish materiallari, energiya samaradorlik yechimlarini hamda muhandislik tadqiqotlarini belgilovchi hujjatlar	II	5 tagacha
		III	6–10 tagacha
3.	Konstruktiv jihatdan murakkab bo‘lgan hamda seysmik ta’sirlarni inobatga oladigan, konstruksiyalarning hisobi va loyihalashtirishni, shuningdek, xavflilik omili yuqori obyektlarni loyihalash talablarini belgilovchi hujjatlar	III	5 tagacha

** Foydalaniladigan manbalar soni normativ hujjatni ishlab chiqish uchun beriladigan texnik topshiriqda ko‘rsatiladi.*

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3887
2026 - yil 03 - Iyul

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA IQLIM O‘ZGARISHI MILLIY QO‘MITASINING

QARORI

Ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida o‘qitish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 23-iyuldagi PF–105-son “Respublikada ov qilish va ovchilik xo‘jaliklari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi hamda 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan ta’minlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning mas’uliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi qaror qiladi:

1. Ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida o‘qitish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Fanlar akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran bir oy o‘tgach kuchga kiradi.

Raisning birinchi o‘rinbosari
2026-yil 29-iyun
MH-23-son

QUDRATOV OBIDJON NEMATOVICH

Kelishildi:

Fanlar akademiyasi prezidenti
29-Iyun 2026-yil

AYUPOV SHAVKAT ABDULLAYEVICH

Vazir
2026-yil 29-iyun

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Vazir
2026-yil 19-iyun

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasining 2026-yil 29-iyundagi MH-23-son qaroriga
ILOVA

Ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida o‘qitish tartibi to‘g‘risidagi
NIZOM

Mazkur Nizom ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida o‘qitish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

maxsus o‘quv kurslari (bundan buyon matnda o‘quv kurslari deb yuritiladi) – ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorni bioxilma-xillikni asrash, hayvonlarning turlari va anatomiyasi, ov qilish qoidalari, ov qilish etikasi va ov usullari hamda birinchi yordam ko‘rsatish bo‘yicha maxsus bilimlarga o‘qitish bo‘yicha tashkil etiladigan o‘quv mashg‘ulotlari majmuasi;

talabgor – ovchilik guvohnomasini olish istagini bildirgan muomalaga layoqatli, o‘n sakkiz yoshga to‘lgan jismoniy shaxs;

tinglovchi – o‘qish uchun to‘lovni amalga oshirgan va o‘quv kurslariga qabul qilingan jismoniy shaxs;

o‘quv kursi dasturi (bundan buyon matnda o‘quv dasturi deb yuritiladi) – o‘quv kurslarining ta’lim mazmunini, uning tinglovchilar tomonidan o‘zlashtirilishining maqsadga muvofiq usullarini tashkil etishni nazarda tutadigan, axborot manbai bo‘lgan, o‘quv kursining asosiy mazmuni va metodik tuzilishini aniqlab beruvchi asosiy hujjat.

2. Talabgorlar o‘quv kurslarida O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi (bundan buyon matnda Qo‘mita deb yuritiladi) huzuridagi “Ekohudud va ovchilikni rivojlantirish departamenti” davlat muassasasi (bundan buyon matnda Departament deb yuritiladi) yoki ta’lim muassasalari bilan o‘zaro tuzilgan shartnomaga muvofiq to‘lov asosida o‘qitiladi. O‘quv kurslari yakuni bo‘yicha test sinovini (bundan buyon matnda test sinovi deb yuritiladi) muvaffaqiyatli topshirgan talabgorlarga o‘quv kursini tugatganligi haqida mazkur Nizomning 1-ilovasiga muvofiq shaklda sertifikat beriladi.

3. Talabgorlar uchun o‘quv kurslarining davomiyligi 10 (15 akademik) soatni tashkil etadi.

4. Talabgorlar uchun oʻquv kurslari bevosita Departament yoki taʼlim muassasalarida yoxud masofaviy taʼlim shaklida tashkil etilishi mumkin.

2-bob. Oʻquv kurslarini tashkil etish

5. Oʻquv kurslarida oʻqish istagini bildirgan talabgorlar mazkur Nizomning 2-ilovasiga muvofiq elektron yoki yozma shakldagi ariza bilan Departament yoki taʼlim muassasalariga murojaat qiladi.

6. Talabgorlar oʻquv kurslarida oʻqish uchun kalendar yil davomida istalgan vaqtda murojaat qilishi mumkin.

7. Talabgorning arizasi Departament yoki taʼlim muassasalari tomonidan qabul qilinib, talabgorga oʻquv kursida ishtirok etish uchun shartnoma tuzishi mumkinligi haqida uch ish kunida uning telefon raqami, elektron pochtasi yoki yashash manziliga xabarnoma yuboriladi.

Bunda, talabgorning muomalaga layoqatsizligi hamda oʻn sakkiz yoshga toʻlmaganligi aniqlangan taqdirda, Departament yoki taʼlim muassasalari tomonidan ariza rad etilganligi yuzasidan asoslantirilgan holda uning telefon raqami, elektron pochtasi yoki yashash manziliga xabarnoma yuboriladi.

8. Shartnomada koʻrsatilgan oʻqitish qiymati talabgor tomonidan shartnomada belgilangan muddatda toʻliq toʻlangandan soʻng, u Departament yoki taʼlim muassasalarining rahbari buyrugʻi bilan oʻquv kurslariga qabul qilinadi.

9. Departament yoki taʼlim muassasalari talabgorlar tomonidan yuborilgan arizalarga asosan oʻquv guruhlarini shakllantiradi.

10. Oʻquv kurslarida oʻquv jarayoni, qoida tariqasida, 20–30 nafar tinglovchilardan iborat akademik guruhlarda tashkil qilinadi.

Bunda, tinglovchilar kontingenti yetarli boʻlmagan taqdirda dars olib boriladigan guruhlarda tinglovchilar soni, istisno tariqasida, kamida 15 nafar etib belgilanishi mumkin.

11. Oʻquv kurslarining oʻquv dasturlari Departament yoki taʼlim muassasalari tomonidan ishlab chiqilib, Qoʻmita bilan kelishgan holda Departament yoki taʼlim muassasalari tomonidan tasdiqlanadi.

Bunda, oʻquv dasturi bioxilma-xillikni asrash, hayvonlarning turlari va anatomiyasi, ov qilish qoidalari, ov qilish etikasi va ov usullari hamda birinchi yordam koʻrsatishni qamrab olishi lozim.

12. Oʻquv kurslarida oʻquv mashgʻulotlari maʼruza va seminar shaklida oʻtkaziladi.

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

13. Oʻquv kurslarini bevosita Departament yoki taʼlim muassasalarida oʻqish istagini bildirgan talabgorlar uchun oʻquv jarayonlari Departament yoki taʼlim muassasalari auditoriyalarida, masofaviy taʼlim shaklida (masofadan turib real vaqt rejimida vebinarlar, videomaʼruzalar, konsultatsiyalar, nazorat turlarini oʻtkazish) oʻqish istagini bildirgan talabgorlar uchun maxsus elektron platformalardan foydalangan holda oʻtkaziladi.

14. Barcha turdagi oʻquv mashgʻulotlarining davomiyligi 80 daqiqani, oʻquv mashgʻulotlari oʻrtasidagi tanaffus kamida 10 daqiqani tashkil etadi.

15. Tinglovchilar oʻquv kurslarini tashkil etish va oʻtkazish rejasiga, oʻqish davomiyligiga amal qilishi, shuningdek taʼlim jarayonida shaxsan oʻzi ishtirok etishi talab etiladi.

16. Tinglovchilar quyidagi holatlarda oʻquv kurslaridan chetlashtiriladi:

oʻquv intizomini va ichki tartib-qoidalarni buzganda;

oʻquv kursidagi (oflayn shaklda) dars mashgʻulotlarini uzrli (kasalligi, davlat yoki jamoat vazifalarini bajarganligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, Oʻzbekiston Respublikasidan tashqarida boʻlishi sababli) sabablarsiz 4 (6 akademik) soat va undan ortiq qoldirganda;

salomatligi tufayli (tibbiy komissiya maʼlumotnomasi asosida);

sud tomonidan ozodlikdan mahrum etilganda;

vafot etganligi sababli.

17. Tinglovchilarni oʻquv kurslaridan chetlashtirish Departament yoki taʼlim muassasasi rahbarining buyrugʻi bilan chetlashtirish sababi va asoslari koʻrsatilgan holda rasmiylashtiriladi.

18. Oʻquv kurslari tinglovchilari oʻqishdan chetlashtirilganda yoki test sinovlaridan muvaffaqiyatli oʻtmaganda, ularga oʻqish uchun toʻlangan toʻlov qaytarilmaydi.

3-bob. Oʻquv kurslarida oʻqish uchun toʻlov miqdori

19. Departament tomonidan tashkil etiladigan oʻquv kurslarida bir nafar tinglovchiga oʻqish uchun toʻlov miqdori Departament tomonidan belgilanadi hamda ular oʻrtasida tuziladigan shartnomaga muvofiq tinglovchilar tomonidan toʻlanadi va ushbu mablagʻlar Qoʻmitaning Ekologiya jamgʻarmasiga yoʻnaltiriladi.

20. Taʼlim muassasalari tomonidan tashkil etiladigan oʻquv kurslarida bir nafar tinglovchiga oʻqish uchun toʻlov miqdori taʼlim muassasalari tomonidan belgilanadi hamda ular oʻrtasida tuziladigan shartnomaga muvofiq tinglovchilar tomonidan toʻlanadi.

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

4-bob. Oʻquv kurslari yakuni boʻyicha test sinovlarini tashkil etish

21. Oʻquv kurslari yakuni boʻyicha test sinovlarini tashkil etish va oʻtkazish uchun Qoʻmita yoki ta’lim muassasalari rahbari buyrugʻi bilan kamida besh kishidan iborat tarkibda komissiya shakllantiriladi.

Bunda, Departamentda tashkil etiladigan komissiya tarkibiga Qoʻmita vakili raislik qiladi.

22. Komissiya majlisi komissiya aʼzolarining kamida uch nafari qatnashsa, vakolatli (kvorumga ega) hisoblanadi.

23. Komissiya tarkibidan komissiya raisi va masʼul kotib tayinlanadi.

24. Komissiya hujjatlari komissiyaning masʼul kotibi tomonidan yuritiladi.

25. Tinglovchilar oʻquv kurslarini muvaffaqiyatli yakunlagandan soʻng bevosita Departament yoki taʼlim muassasalarida yoxud masofaviy shaklda test sinovlarini topshiradi.

Bunda, test savollari axborot texnologiyalaridan foydalangan holda maxsus elektron dastur orqali tasodifiy ravishda tanlanadi.

26. Test sinovlarini oʻtkazish jarayonida tinglovchilarga quyidagilar taqiqlanadi:

aloqa va telekommunikatsiya vositalari (telefon, kompyuter, planshet va boshqalar), kitob hamda shpargalkalardan foydalanish;

boshqa tinglovchilar bilan suhbatlashish;

test sinovlari tugamasdan xonadan tashqariga chiqish.

Tinglovchilar mazkur bandning ikkinchi–toʻrtinchi xatboshilaridagi talablarga amal qilmasligi uni test sinovidan chetlashtirish uchun asos boʻladi hamda test sinovidan oʻtmagan hisoblanadi.

27. Tinglovchilar test sinovlarini topshirish uchun kirishda shaxsini tasdiqlovchi hujjatining asl nusxasi yoki uning Oʻzbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali va (yoki) “Ijtimoiy karta” mobil ilovasi orqali beriladigan elektron shaklini koʻrsatgan holda kiradi.

28. Test sinovlarida oʻquv kurslari davomida oʻtilgan mavzularga doir 20 ta test savollari beriladi hamda ularga 30 daqiqa vaqt ajratiladi.

Test savolining har bir toʻgʻri javobi uchun 5 balldan beriladi. Notoʻgʻri javob berilgan yoki javob berilmagan test savoli uchun ball berilmaydi.

Test sinovlari natijalariga koʻra 70 ball va undan yuqori toʻplagan talabgorlar test sinovlaridan muvaffaqiyatli oʻtgan hisoblanadi.

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

Bunda, tinglovchilar tomonidan 70 balldan past toʻplangan taqdirda muvaffaqiyatli oʻtmagan deb hisoblanadi.

29. Tinglovchilarning natijalari test sinovlari yakunlangandan soʻng real vaqt rejimida test sinovlarini bajargan maxsus elektron platformada oʻzlariga koʻrinadi.

30. Test sinovlarida uzrli sabab (kasalligi, davlat yoki jamoat vazifalarini bajarganligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, Oʻzbekiston Respublikasidan tashqarida boʻlishi sababli) tufayli ishtirok etmagan tinglovchilar navbatdagi test sinovlarida ishtirok etishlari mumkin.

31. Komissiya tomonidan test sinovi yakunlari boʻyicha bayonnoma tuziladi va komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

Bunda, test sinovi bayonnomasi bir ish kuni ichida tasdiqlanib, uning koʻchirma nusxasi tinglovchilarga yuboriladi.

32. Test sinovini muvaffaqiyatli topshirgan kundan boshlab besh ish kuni ichida tinglovchiga Departament yoki ta’lim muassasasi rahbari tomonidan imzolangan sertifikat beriladi.

33. Oʻquv kurslarini muvaffaqiyatli yakunlaganligi boʻyicha sertifikat cheklanmagan muddatga beriladi.

34. Tinglovchi test sinovini muvaffaqiyatli topshirmagan deb topilgan taqdirda test sinovini qayta topshirish uchun navbatdagi imtihonlarda ishtirok etishi mumkin.

Bunda, test sinovini qayta topshirish uchun toʻlov undirilmaydi.

5-bob. Test sinovi natijalari yuzasidan apellyatsiya berish va uni koʻrib chiqish

35. Tinglovchi test sinovi natijasidan norozi boʻlgan taqdirda, u test sinovi bayonnomasi nusxasini olgan kundan boshlab besh ish kuni ichida Apellyatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellyatsiya shikoyati berish huquqiga ega.

36. Apellyatsiya komissiyasi Departament yoki ta’lim muassasasi rahbarining buyrugʻi asosida besh nafardan iborat tarkibda tuziladi.

Apellyatsiya komissiyasi tarkibidan komissiya raisi va masʼul kotib tayinlanadi.

Apellyatsiya komissiyasiga boshqa tashkilotlardan ham mutaxassislar jalb etilishi mumkin.

37. Apellyatsiya komissiyasi uni aʼzolarining kamida uch nafari qatnashsa, vakolatli (kvorumga ega) hisoblanadi.

38. Bir shaxs bir vaqtning oʻzida test sinovi komissiyasi va apellyatsiya komissiyasi aʼzosi boʻlishi mumkin emas.

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

39. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab uch ish kuni ichida koʻrib chiqadi.

40. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan tinglovchining shikoyatini koʻrib chiqish vaqti va joyi haqida shikoyat kelib tushgan kundan boshlab bir kun ichida ogohlantiradi.

41. Apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan tinglovchi mazkur shikoyatni koʻrib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega.

42. Apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqishda apellyatsiya komissiyasi test sinovi bilan bogʻliq materiallarni har tomonlama oʻrganadi. Apellyatsiya komissiyasi tomonidan apellyatsiya shikoyatini koʻrib chiqish davomida tinglovchiga uni qayta baholashga qaratilgan savollar berilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

43. Apellyatsiya shikoyatini koʻrishda tinglovchining test sinovi natijasida olgan ballarini pasaytirishga yoʻl qoʻyilmaydi.

44. Shikoyatni koʻrib chiqish natijalari boʻyicha apellyatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

test sinovi natijalarini oʻzgarishsiz qoldirish;

test sinovi natijalariga oʻzgartirish kiritish.

45. Apellyatsiya komissiyasining koʻrib chiqilishi natijasi komissiyada ishtirok etgan barcha aʼzolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi.

46. Tinglovchi apellyatsiya komissiyasi yigʻilishida bevosita ishtirok etgan taqdirda komissiya qarori shikoyat koʻrib chiqilgan kunning oʻzida eʼlon qilinadi.

Tinglovchi apellyatsiya komissiyasi yigʻilishida ishtirok etmagan taqdirda komissiya qaroridan koʻchirma bayonnoma rasmiylashtirilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida tinglovchiga yuboriladi.

47. Apellyatsiya komissiyasi tomonidan test sinovi natijalariga oʻzgartirish kiritilganda va tinglovchi test sinovini muvaffaqiyatli topshirgan deb topilganda unga sertifikat beriladi.

48. Apellyatsiya komissiyasi qarori ustidan tinglovchi yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

6-bob. Yakuniy qoida

49. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar boʻladilar.

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

Ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida
o‘qitish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
1-ILOVA

Ovchilik guvohnomasini olish uchun o‘quv kurslarini
muvaffaqiyatli tugatganlik to‘g‘risidagi sertifikat
SHAKLI

O‘zbekiston Respublikasi Davlat gerbining tasviri

OVCHILIK GUVOHNOMASINI OLISH UCHUN O‘QUV KURSLARINI MUVAFFAQIYATLI TUGATGANLIK TO‘G‘RISIDA SERTIFIKAT

№ _____
(sertifikat raqami)

_____ (tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____ da
(O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi huzuridagi “Ekohudud va ovchilikni rivojlantirish departamenti” davlat muassasasi yoki ta’lim muassasasi nomi) jami 10 (15 akademik) soat

“OVCHILIK GUVOHNOMASINI OLISH UCHUN
O‘QUV KURSLARI”ni muvaffaqiyatli tugatdi

_____	_____	_____
(imzolovchi shaxs lavozimi)	(imzo)	(F.I.O.)

QMMB: 10/26/3887/0688-son
06.07.2026-y.

Ovchilik guvohnomasini olish uchun talabgorlarni o‘quv kurslarida
o‘qitish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
2-ILOVA

Ovchilik guvohnomasini olish uchun o‘quv kurslarida o‘qish uchun ariza namunasi

_____

ga (O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya va iqlim o‘zgarishi milliy qo‘mitasi huzuridagi “Ekohudud va ovchilikni rivojlantirish departamenti” davlat muassasasi yoki ta’lim muassasasi nomi)

_____manzilida

yashovchi _____ _____ dan

Ovchilik guvohnomasini olish uchun o‘quv kurslarida o‘qish uchun
ARIZA

Meni ovchilik guvohnomasini olish uchun navbatdagi o‘quv kurslarida o‘qishga qabul qilishingizni so‘rayman. Telefon raqamim: _____ Elektron pochta manzilim: _____ Pasport (identifikatsiya ID-karta) ma’lumotlarim:

_____ _____ _____
(seriyasi) *(raqami)* *(JSHSHIR)*

_____ _____ _____
(F.I.O) (imzo) (sana)